



Б.И. Исмаилов, И.И. Насриев

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
БЎЙИЧА ИДОРАВИЙ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ



**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
Судьялар олий мактаби**



**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИДОРАВИЙ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Исмаилов Б.И. Насриев И.И.



Тошкент 2021

УДК: 33.148.328(20)
85 (4Ў)8
Х8

Б.И.Исмаилов, И.И.Насриев Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари//Ўқув-услубий қўлланма.-Т.:Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби. 2020.-452 б.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Илмий кенгаши томонидан 2020 йил 20 ноябрда нашрга тавсия этилган (30-сон баённома).

Ўқув-услубий қўлланмада Ўзбекистонда коррупция миқёсини белгиловчи омиллар, хавфлар ва сабаблар, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириш, коррупция хавфи бўлган соҳалар, коррупцияга қарши курашишга қаратилган идоравий дастурлар қабул қилиниши ва уларнинг ижроси таъминланиши, Республикада коррупцияга қарши курашишга қаратилган идоравий тизимлар шаклланиши ва ривожланиши, олий таълим, соғлиқни сақлаш, капитал қурилиш, Давлат солиқ хизмати органларида, қишлоқ, сув хўжалиги тизимларида соҳасида коррупциясиз соҳа” лойихаси амалга оширилиши,

Қўлланмада коррупцияга қарши курашиш борасида ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш масалалари, коррупция билан курашиш борасида хорижий давлатларда шакилланган самарали усуллардан фойдаланиш, Ўзбекистонда ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти ҳамда коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш истиқболлари, коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро рейтинг ва индекслар кўрсаткичларини инобатга олиш масалалари, давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, рақамли технологияларни қўллаш масалалари, давлат хизматчилари томонидан активлар декларациялаш тартиби жорий этилишининг аҳамияти, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, коррупцияга қарши курашиш мониторингини ўтказиш каби масалалар таҳлил этилган.

Қўлланма юридик олий ўқув юрти талабаларига, тадқиқотчилар ва амалиёт ходимларига, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Такризчилар:

ю.ф.д., доцент Рахмонова С.М.

ю.ф.д., доцент Каримов В.

ISSN 978-9943-6324-1-7

© Исмаилов Б.И., И.И.Насриев, 2021

© “Ilm ziyo zakovat”, 2021

Кириш	6
1.БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯ МИҚЁСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ	10
ОМИЛЛАР, ХАВФЛАР ВА САБАБЛАР	10
§ 1.1. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари	10
§ 1.2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириши	15
§ 1.3. Ўзбекистон Республикасидаги коррупция хавфи ёқори бўлган соҳалар	29
§ 1.4. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган идоравий дастурлар қабул қилиниши ва уларнинг ижроси таъминланиши	36
2.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН ИДОРАВИЙ ТИЗИМЛАР ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ	52
§ 2.1. “Олий таълим коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга оширилиши	52
§ 2.2. Олий таълим “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш натижалари	68
§ 2.3. Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш тизимини кучайтириш масалалари	104
§ 2.4. Капитал қурилиш соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалалари	108
§ 2.5. Капитал-қурилиш соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар турлари	126
§ 2.6. Капитал қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш борасида амалга оширилган ишлар	136
§ 2.7. Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш масалалари	144
§ 2.8. Қишлоқ, сув хўжалиги тизимларида ҳамда ер майдонларидан фойдаланишда коррупциявий жиноятларни олдини олиш тизими ривожланиши	154
§ 3.1. Коррупция билан курашиш борасида хорижий давлатларда шакиллланган самарали усуллардан фойдаланиш масалалари	159
§ 3.3. Ўзбекистонда ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти ҳамда коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш истиқболлари	175
§ 3.4. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган идоравий тизимларни ривожлантиришда жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалалари	
3.5. Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро рейтинг ва индекслар кўрсаткичларини инобатга олиш масалалари	218
4. БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	231
§ 4.1. Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш масалалари	231

§ 4.2. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш масалалари	
§ 4.3. Коррупцияга қарши курашишда рақамли технологияларни қўллаш масалалари	247
§ 4.4. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш борасидаги идоравий тизимларни ривожлантиришда давлат хизматчилари томонидан активлар декларациялаш тартиби жорий этилишининг аҳамияти	
§ 4.5. Коррупциявий хавф-хатарлар, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини ошириш масалалари	270
§ 4.6. Давлат хизматчиларининг коррупция хавф-хатарларига кўпроқ мойил бўлган фаолият соҳаси ва лавозимлари ҳамда уларнинг функция (ваколат)лари рўйхатини шакллантириш масалалари	285
ХУЛОСА	470
Тавсия этилган адабиётлар	475

Кириш

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу зарарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу зарарли иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ҳанузгача у бартараф этилмапти.

Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Президенти 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаоатномасида коррупцияга қарши курашиш бутун жамият иши эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши қатъий курашиш бўйича муҳим тақлифларни илгари сурди:

"Ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан 4 та муҳим омилга, яъни
қонун устуворлигини таъминлаш;
коррупцияга қарши қатъий курашиш;
институционал салоҳиятни юксалтириш ва
кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.

Президент таъкидлаганидек қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш — энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Қонунчиликни янгилашдан мақсад фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Афсуски, жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётгани, Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.

Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Ушбу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш таклиф этилди.

Президент Администрацияси Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари билан биргаликда уч ой муддатда тегишли Фармон лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Албатта кўйилган вазифаларни ҳал этишда коррупциянинг тарихий илдизларига ва унга қарши курашиш хусусида фикр юритмоқчимиз.

Коррупция (лот. *Corruptere* — бузмоқ) термини одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Кўп ҳолларда бу атама сиёсий элитадаги бюрократик аппаратга қарата ишлатилади. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади.

Бугунки кунда макроиқтисодий ва сиёсий-иқтисодий тадқиқотлар, коррупция — давлатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига улкан тўсик эканлигини кўрсатди.

БМТнинг Коррупцияга қарши курашга оид конвенциясида: «Коррупция – шахсий мақсадда фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш» эканлиги кўрсатилган.

Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам коррупцияга шу каби таъриф берилган: «Коррупция – шахсий манфаат учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш».

Жамиятга маъқул ҳодисаларни юридик қонунлар тартибга солади. Шу нуқтаи назардан, коррупцияни ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолиятдеб айтиш мумкин.¹ Коррупция – глобал ҳодиса, ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин коррупциялашув даражаси турли мамлакатларда ҳар хил. Бу коррупция илдизлари чуқур бўлишидан гувоҳлик беради.

Коррупцияга оид адабиётларни ўрганиш коррупциявий даромадга ҳали таърифлар берилмаганлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, коррупция демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур еткази, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, ислохотларга тўсқинлик қилиб, жамият тараққиётини ортга суради. Оқибатда ҳаёт сифати ёмонлашиб, одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисаларнинг илдиз отиши учун шароит юзага келади.

БМТнинг маълумотларига кўра, ҳар йили дунё иқтисодиёти коррупциядан 2,6 трлн. Доллар зарар кўрмоқда. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 5 фоизини ташкил этади.

¹ Қаранг: Қобилов Ш.Р. Коррупция: келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси. – Т., 2011. – Б. 20.

Айниқса, дунё миқёсида поранинг ҳажми 1 трлн. долларни ташкил этаётгани, бу кўрсаткич эса, эҳтиёжманд халқларга берилаётган гуманитар ёрдамдан 10 баравар зиёд.

Халқаро миқёсда олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) кўшилган. Юртимизда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Хусусан, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигида коррупцияга қарши курашувчи алоҳида тузилмалар ташкил этилган.

Transparency International Халқаро коррупцияга қарши кураш ташкилотининг 2019 йилги Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index)даги рақамларга эътибор қаратсак. Унда қайд этилишича, Ўзбекистон 100 баллик индекс бўйича ўтган йилга нисбатан 1 балл кўпроқ натижа қайд этди — 25 балл.

Мамлакат рейтинги 2 бандга кўтарилиб, 180 давлат ва ҳудуд орасида 153-ўринни эгаллади. Шунингдек, юртимизда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан жорий йилда ўтказилган коррупция бўйича сўров натижалари ҳам хавотирлидир. Зотан, сўровда қатнашганларнинг 66,5 фоизи Ўзбекистонда коррупция сингари салбий ҳолат тарқалган, деб ҳисоблайди. Қарийб 17 фоиз иштирокчи коррупция ҳамма жой ва соҳаларни қамраб олган деган фикрда. 29 фоиз респондент эса мансабдорларнинг ҳар иккинчиси коррупционер, деб ҳисоблайди.

Демак, рейтинг ва сўровнома натижаларига кўра, коррупция, яъни шахснинг ўз мансаб ёки ваколатидан шахсий манфаати ёхуд ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек, бундай фойдани қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳамда коррупциянинг энг оғир кўринишларидан ҳисобланган манфаатлар тўкнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келмоқда, дейиш мумкин.²

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

² Коррупционные риски в системе уголовного правосудия и методы их оценки Anti-Corruption Resource Centre www.U4.no Под редакцией Ричарда И. Мессика и Софи А. Шютте/Издание Ресурсного центра U4 Январь 2017, № 2

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

1.БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯ МИҚЁСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР, ХАВФЛАР ВА САБАБЛАР

§ 1.1. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган энг хавфли иллатлардан бири ҳеч шубҳасиз коррупциядир.

Дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупциядан 2,6 трлн. доллар зарар кўради. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 5 фоизини ташкил этади.

Бу иллат аввало, халқимизнинг давлат ва ислохотларга ишончини сўндириши, жамиятда норозилик кайфиятини кучайтириши, хуфёна иқтисодиётни ривожланиши, давлат, жамият ва фуқаролар хавфсизлига таҳдид солиши, халқаро миқёсдаги мавқеига ўта салбий таъсир этиши билан ҳам ғоят хатарлидир.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг раҳбарлигида сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали курашни ташкил этиш, жамиятда коррупцияга тоқатсизликни шакллантириш, давлат хизматчиларида ҳалоллик ҳиссини ошириш, бу иллатга барча соҳаларда батамом чек қўйиш борасида кенг қўламли ва тизимли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига қўшилганлиги бу борада амалга оширилган биринчи қадам бўлди.

Президентимиз ташаббуслари билан 2017 йил январь ойида қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва алоҳида Давлат дастурида эса навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашишга ваколатли органлар, уларнинг вазифалари, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ушбу фаолиятдаги иштироки белгилаб берилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзининг туб моҳияти билан айнан коррупцияни тағ-томири билан йўқ қилишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

Унда барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиз отишига шарт-шароит яратаётган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича навбатдаги, иккинчи Давлат дастури билан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида навбатдаги ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифалари тубдан такомиллаштирилди, давлат органлари ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминоти ва рағбатлантирилишини кучайтиришга қаратилган чоралар кўрилди. Давлат хизматчиларининг иш ҳақи ўртача қарийб 60 фоизга, айрим соҳаларда эса, бир неча баробарга оширилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларига асосан барча вазирлик ва идораларда одоб-ахлоқ меъёрлари тасдиқланди.

Ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, давлат хизматида меритократия принципига асосланган “карьер модели”ни ва хизматга қабул қилишда очик танловлар жорий этиш ишлари бошланди.

Маъмурий ислохотлар доирасида давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари тубдан такомиллаштирилмоқда.

Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида ҳудудлардаги 203 та давлат хизматлари марказлари орқали аҳолига 148 та хизмат турлари бўйича 17 млн. шаффоф, қулай ва тезкор давлат хизматлари кўрсатилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги вазифаларни аниқлаштириш мақсадида “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Жиноят, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 2019 йилда “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, унинг нуфузини ошириш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, судьяларни танлаш, тайинлаш тизими такомиллаштирилди.

Суд-тергов соҳасида одил судловга эришишни таъминлаш, фаолиятда очиклик ва шаффофликка эришиш мақсадида судлар ва суриштирув-тергов органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.

“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган халқчил тамойил асосида барча поғонадаги мансабдор ва масъулларнинг одамлар ичига кириб бориш, уларнинг муаммоларини уйма-уй юриб ҳал этиш тизимининг жорий этилгани коррупцияга қарши курашишда ўзининг самарасини бера бошлади.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун “Халқ қабулхоналари”, Президент портали, Бош вазирнинг “Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари” ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларида “ишонч телефон” лари жорий қилинди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти жорий қилинди. Давлат органларининг назорат-текширув вазибалари, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилди.

Савдо-саноат палатаси ва давлат активларини бошқариш тизимлари тубдан ислоҳ этилди.

Давлат харидлари соҳада ошқоралик, шаффофликни таъминлаш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

2019 йилда бюджет маълумотларининг очиқлигини янада ошириш мақсадида маблағларнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан Парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг янги тартиби белгиланиб ва Давлат бюджети қонун тарзида қабул қилинди, “Openbudget” (“Очиқ бюджет”) портали ишга туширилди.

Жамиятда парламент, фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи кучайтирилиб, уларга давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича кенг ваколатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталар ташкил этилгани, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашлари таркибида коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялар ташкил этилди.

Олий Мажлиси палаталари томонидан “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Кўшма қарор қабул қилинди.

Давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, фуқаролар, ОАВ ва нодавлат нотижорат ташкилотларини коррупцияга қарши курашишга қаратилган тадбирларга кенг жалб қилиш мақсадида 2018 йилда “Жамоат назорати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.

2020 йилда давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил этилди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф қилиш мақсадида 20 га яқин қонун, 50 га яқин Президент ва Ҳуқумат қарорлари қабул қилиниб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Шу йилнинг ўзида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилиб, 2,5 мингга яқин эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, ҳаддан ташқари тартибга солиш юқини, бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамда ҳуқуқни

қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқараётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинди.

Президентимизнинг ташаббуси билан ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 2020 йилда масъул ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаш раиси этиб тайинланди.

Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш мақсадида 2020 йилда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Кенгаш томонидан 2020 йил июль ойида 12 йўналиш бўйича 96 та амалий чораларни қамраб олган Ижтимоий-иқтисодий ва 2 йўналиш бўйича 131 та амалий чораларни қамраб олган сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга оид устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режалари тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг натижалари ушбу соҳани баҳолаб борувчи халқаро рейтинглар ташкилотларнинг кўрсаткичларида Ўзбекистон ўрни ошиб боришига олиб келмоқда.

Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2020 йилнинг сентябрь ойида эълон қилинган 2019 йил бўйича Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторларининг – Коррупцияни тийиб туриш индекси бўйича Ўзбекистон 214 та давлатлар орасида 179-ўринни эгаллаб, 2019 йилга нисбатан 9-поғонага кўтарилган.

2019 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг «Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш» тизимидаги 6-гуруҳ мамлакатлари қаторидан 5-гуруҳ мамлакатлари қаторига кўтарилди.

Нуфузли нашр ҳисобланган “The Economist” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган – “Йил мамлакати” сифатида эътироф этди.

2020 йилнинг январь ойида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да Ўзбекистон 180 та давлат орасида 25 балл билан 153 - ўринни эгаллаб, 5 поғонага кўтарилди.

2020 йил март ойида эълон қилинган Жаҳон одил судлов лойиҳасининг Ҳуқуқ устуворлиги индексидаги – Коррупциянинг мавжуд эмаслиги кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 128 та давлат орасида 0,40 балл билан 89-ўринни эгаллаб, 6 поғонага кўтарилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий тизимлар самарадорлигини ошириш мақсадида коррупция хавф-хатари энг юқори бўлган олий таълим ва капитал қурилиш соҳаларида 2019 йилдан “коррупциясиз соҳа” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

2019 йилдан барча давлат органлари ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб бормоқда.

Масалан, Адлия вазирининг 29.06.2019 йилдаги буйруғи билан вазирлик органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методикаси тасдиқланиб, 29.07.2019 йилдаги буйруғи билан коррупцияга қарши курашиш сиёсати қабул қилинган.

Давлат божхона қўмитаси томонидан 02.08.2019 йилдаги “Давлат божхона хизмати органларининг коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган фаолият соҳалари ва уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган.

Бу каби ишлар Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва бошқа давлат идоралари томонидан ҳам буйруқ асосида тасдиқланган.

Бош прокуратура томонидан давлат органлари ва устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси кўмагида 2019 йилдан бошлаб коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини тажриба тариқасида жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятлари ва Адлия вазирлиги тизимида халқаро аудиторлик компанияси КРМГ (Италия) экспертлари билан биргаликда комплаенс назорат тизими жорий этилмоқда.

2020 йил сентябрь ойида Адлия вазирлиги “Коррупцияга қарши курашиш менежменти” ISO-37001 тизимини жорий қилиб, тегишли халқаро сертификатни қўлга киритди.

Жорий йил май ойидан қурилиш, олий ва ўрта-махсус таълим, соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Мирзо Улуғбек ва

Бўка туманлари ҳокимликларида ҳам комплаенс назорат тизимини татбиқ этиш ишлари бошланди.

Шу каби, мухтарам Президентимиз томонидан жорий йил 27 июлда яширин иқтисодий қисқартиришга бағишланган йиғилишда, ўтган даврда тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, йил якунига қадар яна 14 та ташкилот ва давлат улушига эга 10 та банкларда комплаенс тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

04.09.2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан Халқ таълими, Транспорт, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, Давлат кадастр қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Марказий банк, Ўзстандарт, “Худудгазтаъминот”, “Худудий электр тармоқлари”, Ўзфармсаноат, Ўзсаноатқурилишматериаллари, Ўзсувтаъминот, Узумчилик ва виночилик агентлигида комплаенс тизимини жорий этиш юзасидан “Йўл харита”лари тасдиқланди.

2010 йилдан буён Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режасида иштирок этмоқда. Мониторингнинг тўртинчи босқичи бўлиб ўтди, унинг натижаларига кўра халқаро экспертлар Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг аввалги барча тавсиялари бўйича ютуқларга эришганлигини таъкидлашди.

Мазкур мониторинг яқунлари бўйича берилган 47 та тавсияларни бажариш юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланиб, ижроси амалга оширилмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш сиёсати халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда.

Шу жумладан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вакили Матильда Димовсканинг таъкидлашича, Ўзбекистон охириги тўрт йилда давлат бошқарувида коррупцияни бартараф этишда ўз фаолиятини икки баробар кўчайтирди ва бу борада ҳамкорликни ривожлантирди.

Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги шиддати бир қатор қўшни давлатларда фаолиятни такомиллаштириш учун туртки бўлди.

Аҳолининг юртимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотларга муносабатини аниқлаштириш мақсадида ижтимоий сўровномалар ўтказиш доимий тусга айланиб улгургун.

Масалан, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йилда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровномада иштирокчиларнинг 66,5 фоизи коррупция жамиятнинг у ёки бу соҳаларида тарқалган деб ҳисобланган.

Иштирокчиларнинг 36,6 фоизи мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш етарлича муваффақиятли ва самарали амалга оширилаётганлигини, 86,6 фоизи коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирган.

§ 1.2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимини такомиллаштириши

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда коррупцияни йўқ қилиш бўйича олиб борилаётган мақсадли сиёсат доирасида ҳуқуқий ва институционал тузилмалар такомиллаштирилмоқда, бу борадаги халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Коррупцияга қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцион ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш коррупцияга қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашда бевосита иштирок этувчи давлат органлари сифатида белгиланган. Ушбу органларнинг таркибига коррупцияга қарши ихтисослашган бўлинмалар киради.

Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги мақсад ва вазифалари сезиларли даражада яхшиланди.

“Ички ишлар органлари тўғрисида” ва “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” ги қонунлар қабул қилинди, прокуратура органлари тизими ислоҳ қилинди, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Президентнинг тегишли қарорига мувофиқ ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси давлат органларининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, унинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгиланди.

Жамоатчилик асосида фаолият юритадиган мазкур комиссия зиммасига давлат ва бошқа коррупцияга қарши дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини бартараф

этиш, шунингдек коррупцияга олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни, ушбу соҳадаги ташкилий, амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини кузатиб бориш ва баҳолаш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Коррупцияга қарши кураш соҳасида парламент назоратини кучайтириш мақсадида 2019 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида Коррупциянинг олдини олиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари ташкил этилди.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Президентнинг 2019 йил 3 октябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (ДХРА) ташкил этилган бўлиб, ушбу орган давлат органлари ва ташкилотларида кадрлар бошқаруви ва кадрларни ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек мансабдор шахсларнинг даромадлари, мол-мулк ва харажатларнинг декларациялаш тизимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш учун масъул этиб белгиланган.

Президентнинг 2020 йил 16 апрелдаги Фармони билан фуқаролар, жамият ва давлатнинг яқин ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш, шунингдек, давлат органлари ва муассасалари фаолияти, шу жумладан коррупциянинг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши кураш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоат палатаси ташкил этилди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда давлат бошқаруви тизимидаги жиддий ўзгаришлар муносабати билан, коррупцияга қарши кураш соҳасида ваколатли органларнинг мақсад ва вазифаларини оптималлаштириш, парламент ва жамоат назорати институтларини фаол ривожлантириш, маъмурий ислохотларни мақсадли амалга ошириш, бозорни бошқариш механизмларини кенг жорий этиш ва бошқалар заруриятини инобатга олиб, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш тизимини қайта қўриб чиқиш ва коррупцияга қарши ислохотларни кейинги босқичини амалга ошириш лозим.

Шу муносабат билан, 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида парламент ва Президент олдида ҳисобот берадиган мустақил коррупцияга қарши курашувчи органни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Президентнинг ташаббуси 2003 йилдаги БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг нормаларини, хусусан, 6-моддасини, коррупцияга қарши курашиш, шу жумладан, коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш, фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, коррупцияга қарши курашиш билан шуғулланувчи органнинг мавжудлигини таъминлаш

мажбурияти, жамоатчиликнинг хабардорлиги ва маърифати, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва уларнинг ихтисослаштирилган бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиш имкониятларини кучайтиришни тавсия этувчи 36-модда талабларидан келиб чиққан ҳолда киритилган.

Коррупцион ҳолатлари билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор ва таркибий мустақиллигини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, марказий Коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи органнинг салоҳияти ва ихтисослигини кучайтириш, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Коррупцияга қарши курашиш Истанбул ҳаракатлар тармоғининг 4-босқич мониторинги давомида Ўзбекистонга берилган тавсияларида мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, 2020 йил бошига келиб дунёнинг 170 дан ортик мамлакатларида қарши кураш соҳасида ихтисослашган ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Коррупцияга қарши биринчи ихтисослашган органлардан бири 1952 йилда ташкил этилган Сингапур Коррупция ҳолатларини тергов бюроси бўлиб, кейинчалик бундай органлар Ҳиндистонда Огоҳлик бўйича Марказий кўмитаси (1964), Озарбайжонда Коррупцияга қарши курашиш комиссияси (2004), Грузияда Коррупцияга қарши Кенгаши (2008), Корея Республикасида Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссия (2008) шаклида ташкил этилган.

Коррупцияга қарши органларнинг ташкил этилиши бир қатор давлатларга самарали коррупцияга қарши тизимларни яратишга, давлат бошқаруви самарадорлигини сезиларли даражада кучайтиришга, давлат органлари устидан назорат ва назорат функцияларини оптималлаштиришга имкон берди.

Дунёда фаолият юритадиган ихтисослаштирилган коррупцияга қарши органларни учта асосий моделга бўлиш мумкин:

- Кўп мақсадли коррупцияга қарши агентликлар (Сингапур, Литва, Латвия, Сербия, Қозоғистон, Молдова, Франция ва бошқалар);

- Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатларига эга муассасалар (Белгия, Буюк Британия, Дания, Испания, Норвегия, Руминия, Полша, Украина ва бошқалар);

- Коррупциянинг олдини олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг умумий раҳбарлиги ва мувофиқлаштирилишини таъминлайдиган муассасалар (Албания, Аргентина, Озарбайжон, Болгария, Ветнам, Грузия, Хитой, Хорватия, Словения ва бошқалар).

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, бир қатор хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар тизимида коррупцияга қарши ихтисослашган бўлинмалар (Испания, Молдова, Франция, Швеция ва бошқалар) ташкил этилган бўлиб, улар коррупцион ҳолатлар бўйича жиноий ишларни аниқлаш, жиноий жавобгарлик ва терговни амалга оширади.

Коррупцияга қарши кураш бўйича кўп мақсадли идоралар тергов фаолиятини олиб бориш, коррупцияга қарши сиёсат, таҳлилий фаолиятни ривожлантириш, жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам бериш, фуқаролик жамияти билан ўзаро муносабатлар, маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш дастурининг бажарилишини назорат қилиш вазифаларини бажаради.

Коррупцияга қарши ихтисослашган муассасалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ваколатига эга бўлиб, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган мансабдор шахсларни аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортишни, шунингдек жиноий йўл билан топилган мол-мулкни қайтаришни амалга оширадilar.

Учинчи ва энг кенг тарқалган модель коррупцияни олдини олишга қаратилган муассасаларни ўз ичига олади. Амалда, профилактика ва мувофиқлаштириш функциялари битта органга бирлаштирилган ёки турли органларга берилган. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар (комиссиялар, кўмиталар), қоида тариқасида, коррупцияга қарши курашда иштирок этувчи турли давлат идоралари вакиллари бирлаштиради. Бу юқори ва иш даражасида вакилликка эга бўлган тузилмалар шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Шунингдек, улар орасида кўпинча нодавлат сектор вакиллари (нодавлат ташкилотлари, илмий доиралар ва бизнес вакиллари, экспертлар, халқаро ташкилотлар ва бошқалар) мавжуд.

Ўхшаш тузилмаларга Ҳукумат ахлоқ идораси (АҚШ), Коррупцияга қарши курашиш бўйича Марказий хизмат (Франция), Марказий огоҳлик хизмати (Ҳиндистон), Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссия (Корея Республикаси), Коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссия (Болгария) Коррупцияга қарши мониторинг гуруҳи (Албания), Коррупцияга қарши мониторинг комиссияси (Словения), Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий кенгаш (Хорватия), Коррупцияга қарши кенгаш (Сербия), Идоралараро ишчи гуруҳ (Албания) ва Президентнинг коррупцияга қарши кенгаши (Россия) мисол бўла олади.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича ихтисослашган муассасалар (Грузиянинг Коррупцияга қарши кенгаши, Украинанинг Коррупцияга қарши сиёсати бўйича миллий кенгаши, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Коррупцияга қарши кураш бўйича комиссия, Қирғизистоннинг Коррупцияга қарши давлат стратегиясининг амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича хавфсизлик кенгашининг ишчи гуруҳи, Коррупцияга қарши кураш бўйича Тожикистон миллий кенгаши, Арманистоннинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати бўйича кенгаши, Озарбайжоннинг Коррупцияга қарши комиссияси ва бошқалар) устуворликларни белгилаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш, марказий, минтақавий, маҳаллий ва идоравий даражада коррупцияга қарши курашиш мониторингини олиб бориши билан фарқланади.

Кўпгина мамлакатларда коррупциянинг олдини олиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар ўзининг қуйидаги асосий вазифалари билан ажралиб туради:

- коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган ҳудуд(соҳа)ларни белгилаб, ихтисодиётнинг турли соҳаларида коррупция тарқалишининг ҳолати ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга, коррупцияга қарши чоралар самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш;

- давлат хизматида яхлитликнинг деонтологик меъёрларини жорий этиш бўйича самарали чоралар кўриш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилишнинг идоровий тизимларининг самарадорлигини таҳлил қилиш, давлат хизматчилари томонидан таъқиқ ва чекловларга риоя қилинишини таъминлаш;

- давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларациялаш тизимини жорий этиш ва унинг ишлашини ташкил этиш, декларацияларнинг тўғрилигини, шунингдек коррупцияга ўз вақтида жавоб берилишини текшириш;

- миллий манфаатларга жиддий зарар этказувчи, хавфсизликка таҳдид солувчи ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминловчи коррупция ҳуқуқбузарликларини тергов қилиш жараёни ва натижаларининг ҳар томонлама мониторинги;

- жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши таълим ва таълимни оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

- вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, коррупциянинг олдини олиш, идоровий даражада ташкил этиш, давлат органларининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ўзаро ҳамкорлиги механизмларини шакллантириш, шунингдек уларнинг ушбу соҳалардаги фаолиятини баҳолаш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ички назорат ва аудитни, коррупцияга қарши халқаро воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жорий этиш, коррупцияга қарши мониторингни ташкил этиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасининг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш коррупцияга қарши ихтисослашган органларнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, мансабдор шахсларнинг ғайриижтимоий муносабатларига йўл қўймаслик,

коррупциянинг олдини олиш, тегишли хавф ва таҳдидларни таҳлил қилиш асосида уларга сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлашдан иборат.

Илғор хорижий тажрибаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда фаолияти тизимлилик, мувофиқлашганлик, мустақиллик, ихтисослашганлик, ресурс билан таъминланганлик, профессионаллик, сиёсий бетарафлик каби асосий принциплар таъминланган ихтисослаштирилган муассасалар самарали фаолият кўрсатади.

Коррупцияга қарши яхлит тизим шаклланаётган Ўзбекистон шароитида давлат хизматида ўтишнинг ҳуқуқий асослари, мансабдор шахслар томонидан активлар, даромадлар, катта харажатлар ва манфаатлар тўғрисидаги декларациялаш, давлат хизматчиларига таъқиқ ва чекловларнинг тўлиқ рўйхати яратиш, коррупцияга қарши идоравий тизимлар жорий этиш ва тубдан қайта кўриб чиқиш, мансабдор шахсларнинг коррупция ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлигини ошириш нуқтаи назаридан жиноий, жиноий-процессуал қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд ҳокимияти тизимида институционал ислохотлар амалга ошириш, давлат хизматчилари учун ахлоқий меъёрлар такомиллаштириш, коррупция ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича ваколатларга эга бўлган ихтисослаштирилган коррупцияга қарши курашиш органини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан, коррупцияга қарши профилактика органларини тузишдан тортиб, ихтисослаштирилган кўп мақсадли коррупцияга қарши агентликларни ташкил этишга ўтган бир қатор мамлакатлар тажрибасига асосланиб иш тутиш керак (Қозоғистонда 2019 йилда Давлат хизмати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги базасида Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилди, Корея Республикасида эса 2020 йил январ ойида Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссияга қўшимча равишда Кореянинг юқори лавозимли амалдорлари орасида Коррупция жиноятларини тергов қилиш бўйича мустақил агентликни тузилди, шунингдек Францияда 2016 йилда Коррупцияга қарши курашиш марказининг негизида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (AFA) ташкил этилди).

Умуман олганда, ихтисослаштирилган коррупцияга қарши орган унинг мақомини, мақсад ва вазифаларини, бошқа институтлар (айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш органлари) билан ўзаро муносабатлар тартибини, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатлар механизмларини ва уни таъминлайдиган процедураларни белгилаб берадиган аниқ қонунчилик базасига эга бўлиши керак.

Тегишли органни тузишда бир қатор хорижий давлатларнинг тажрибасини ҳисобга олиш керак, бунда институционал ва ҳуқуқий ўзгаришсиз коррупцияга қарши органларнинг шошилиш равишда ташкил этилиши бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ва коррупцияга қарши курашиш идоралари (Индонезия, Украина, Руминия ва бошқалар) ўртасида қарама-қаршилик ва тўғридан-тўғри тўқнашувларга олиб келиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари коррупциявий жиноятчилик кўрсаткичларини сунъий ошириш ёки

туширишдан манфаатдор бўлиш ёки идоралар коррупцион жиноятларни тарқалиш даражасини минималлаштиришга ҳаракат қилиши эҳтимолларини инобатга олиш зарур.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2020 йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6013-сон Фармони қабул қилинди. Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи сифатида белгиланди. Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ҳамда

коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабаб 2021 йил 16.06.да “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 6247-сонли Фармони имзоланди.

Фармон билан барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Очiq маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Янги тартибга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили:

- 1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтига жойлаштиради;
- 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради;
- 1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказди.

2021 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари қуйидаги маълумотларни жойлаштирилади:

- амалга оширилган давлат харидлари;
- мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари;
- солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар;
- ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси.

Олий таълим соҳасида:

- ОТМларнинг бакалавриат таълим йўналишларига кириш учун тест ва ижодий имтиҳонлар;
- магистратура босқичига қабул имтиҳонлари;
- республикадаги ёки хориждаги ОТМдан республикадаги давлат ОТМга ўқишни кўчириш истагини билдирган талабалардан олинадиган имтиҳонлар;
- хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда талабгорлардан олинадиган тест синовлари Интернет тармоғида жонли эфирга узатилади.

“Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2021 йил 1 декабрдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари (ёпиқ мажлислар бундан мустасно) телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилади.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонуни лойиҳаси концепцияси ишлаб чиқилади.

Ҳар йил якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индекси аниқланади.

Мазкур Фармонда кўрсатилган қоида ва тартибларнинг бузилиши давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик бузилиши сифатида баҳоланади.

Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида **06.07.2021**да Президентнинг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш

мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6257-сонли Фармонига асосан коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланди.

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ҲУҶЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ:
10 ТА ЭНГ АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР**

Қоррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этиш, бошқарувда коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга оид Президент Фармони ва Қарори қабул қилинди

ФАРМОНГА КЎРА:
2021–2022 йилларга иўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди

ЭНДИЛИҚДА:

- 1 Барча давлат органларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилади
- 2 Давлат хизматчилари, ташкилотлари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи, ҳамга етмаган фарзандларининг даржадлари ва мол-мулкни **мажбурий декларация қилиш тизими** қарий этилади
- 3 Жиноят кодексига даржадлари ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган **ноқонуний бойлик ортирганлик учун жавобгарлик** ўрнатилади
- 4 “Маффаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқилади
- 5 Давлат органлари ва ташкилотларида **ишга қабул қилиш очик танлов асосида** амалга оширилади ва Интернет орқали трансляция қилинади
- 6 “Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри” юритилади
- 7 Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар аниқ, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш **тақиқланади**
- 8 Ҳар йил якуни бўйича барча давлат органларидаги коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолашни **рейтинг** эълон қилинади
- 9 “Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизими” ишга тушарилади
- 10 Давлат хизматчиларининг **Одоб-ахлоқ кодекс** қабул қилинади

Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этишлари белгиланди.

Кенг жамоатчиликнинг фикри ва таклифларини инобатга олиб, давлат бошқарувини коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш мақсадида Агентлик томонидан «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри» юритилиши таъминлан вазифаси юклатилди.



Реестрга киритилган шахсларга куйидагилар тақиқланди:
 давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши;
 сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиял органларнинг аъзоси бўлиш;

улар томонидан таъсис этилган ва (ёки) улар иштирокчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиш, шунингдек, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.

2022 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкани мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиши белгиланди.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Манба: ПФ-6257-сон, 06.07.2021 й. @huquqiyaxborot

2022 йил 1 январдан:

Давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни **мажбурий декларация қилиш тизими** жорий этилади

Декларацияни беришдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва жавобгарликка сабаб бўлади



2022 йил 1 январдан:



Давлат хизматчиларига хорижда банк ҳисобрақамларини очиш, нақд пул маблағларини сақлаш ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади



Мансабдорнинг ўз шахсий манфаати мажбуриятларини объектив ва ҳолис баҳаришига таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар **манфаатлар тўқнашуви** ҳисобланади



Манфаатлар тўқнашувини ошқор қилиш ва олдини олиш бўйича чора кўрмаганлик **жавобгарликни келтириб чиқаради**

Қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади:



Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш



Коррупциявий жиноятларга жазони узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасига **кескин қучайтириш**



даромадлар ва мол-мулкни декларациялашда аниқланган **ноқонуний бойлик орттирганлик учун** жавобгарлик ўрнатиш



коррупциявий жиноятлар содир этганларга **енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар** белгилаш



"Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида"ги



"Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида"ги

Унга мувофиқ:

давлат хизматчиси томонидан декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга асос бўлади;

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эғалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади (хорижда ишлаётган давлат хизматчилари ва давлат хизматига киришдан олдин олинган мол-мулк бундан мустасно).

Агентлик Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат хизматига оид қонунчилик ҳужжатлари пакети, шунингдек, декларациялаш тизимини жорий этиш механизмлари, декларация тақдим этиши лозим бўлган давлат хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари тоифасини назарда тутувчи «Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Агентликка манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар аниқланганда, шартнома, буйруқ ва бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво киритиш ваколати берилди.

Адлия вазирлиги Агентлик, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар «Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек, давлат харидлари, солиқ имтиёзлари, ер ажратиш, давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарликни ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилди.

Бош прокуратура Агентлик, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш белгиланди:

Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;

коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш;

даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш;

коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш.

Давлат харидларида рақобатли савдо турларини чекловчи тўғридан-тўғри шартномалар, инвестициявий, давлат-хусусий шериклик, хусусийлаштириш ва бошқа битимларни тузишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббус билан чиқиш қатъиян тақиқланди.

Илғор хорижий тажриба асосида давлат молиявий назорат институтларини мақбуллаштириб, уларнинг самарали моделини жорий этиш ва ушбу соҳада парламент назоратини кенгайтириш бўйича таклиф киритиш белгиланди.

Фармонда барча инспекцияларнинг вазифа ва функциялари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш, бошқа шаклдаги (қўмита, агентлик, хизмат) давлат бошқаруви органларининг назорат соҳасидаги функцияларини мақбуллаштиришни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланди.

Маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишдаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари мунтазам равишда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлардан фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиши белгиланди.

Олий Мажлис палаталарига Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ташкил этилган вақтинчалик ва махсус жамғармалар маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тавсия этилди.

Фармон билан 5 асосий йўналишдаги 44 аниқ чораларни қамраб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланди.

§ 1.3. Ўзбекистон Республикасидаги коррупция хавфи ёқори бўлган соҳалар

Ўзбекистон коррупцияга қарши курашда узок муддатли ижобий динамикани намоиш этувчи 16 та давлат қаторига киради.

Биламизки коррупция:

Соғлом рақобатга тўсқинлик қилади, ҳалол ишбилармонлик муҳитига ўта салбий таъсир этади;

Хуфёна иқтисодиётнинг ривожлантиради;

Демократик кадриятлар (қонунийлик, адолат, тенглик) зарар еткази;

Маҳсулот ва хизматлар сифатига салбий таъсир этади

Тадбиркорлик субъектлари, акциядорлар, контрагентлар ва бшқ. Ўзаро итшончнинг йўқотилиши;

Давлат бошқарувини издан чиқаради ва уюшган жиноятчилик ривожлантиради;

Иқтисодий-сиёсий барқарорликка кескин хавф туғдиради.

Коррупция бошқарувнинг барча даражаларида учрайди: глобал, миллий ва маҳаллий. Барча турдаги агентлар (жисмоний шахслар, корхоналар, давлат хизматчилари ва сиёсатчилар) коррупцияга ихтиёрий ёки ноихтиёрий равишда жалб қилиниши мумкин.

Коррупция турли шаклларга эга: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, мулкни ўзлаштириш, фитна, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, хушомадгўйлик, совға, қариндошлик, ҳомийлик ва бошқалар.

Коррупциянинг ҳолатига турли омиллар: ижтимоий ва маданий шароит, институционал ва ташкилий тузилмалар, ахлоқий, сиёсий муҳит, шунингдек иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар сиёсати ҳам таъсир қилади.

Йирик коррупция деганда, амалдаги давлат сиёсатини йўққа чиқарадиган, ҳукумат даражасида амалга ошириладиган сиёсий ва ҳукумат раҳбарларига халқ ҳисобидан манфаат кўришга имкон берадиган ҳаракатлар тушунилади.

Маиший коррупция деганда, одатда касалхоналар, мактаблар, милиция бўлимлари ва бошқа жойларда асосий хизматлардан фойдаланишга уринган оддий фуқаролар билан алоқа қилишда ҳокимиятнинг қуйи ва ўрта бўғинлари мансабдор шахсларининг кундалик ишончли ваколатларини суистеъмол қилишлари тушунилади.

Сиёсий соҳада коррупция демократик тамойилларга ўтиш жараёнини тўхтатади, сиёсий мақсадларни умуммиллий ривожланиш мақсадларига эмас айрим гуруҳларнинг мақсадларига тобе қилади, қонун устуворлигини бузилишига, сиёсий ва суд институтлари фаолиятининг самараси тушишига, мамлакат обрўсининг тушишига ва ҳақиқий сиёсий рақобатнинг йўқолишига

олиб келади, шу билан ҳокимиятга ишонч сусаяди, уни жамиятдан узоқлаштиради.

Иқтисодий соҳада коррупция давлат маблағлари ва ресурсларининг самарасиз тақсимланиши ва сарфланишига, бизнесни юритишда кўп вақт ва моддий харажатларга, молиявий ва тижорат хавфларининг ўсишига, нархларнинг ўсишига, рақобат муҳитининг ёмонлашишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ўсишига, солиқ тушумларининг камайишига, инвестицион муҳитнинг ёмонлашишига, инвестицияларнинг камайиши ва умуман мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Ижтимоий соҳада коррупция ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқликнинг кучайиши, ҳокимиятнинг бюджет соҳасига зарар етказувчи “зарбалар” (“откат”)лар туфайли ижтимоий муаммоларни ечишга қодир бўлмайд қолиши, уюшган жиноятчиликнинг кучайиши ва жамоатчилик кўз ўнгида қонуннинг обрўсизланишига олиб келади. Бу ахлоқий меъёрлар моҳиятининг йўқолишига ва ижтимоий кескинликнинг ўсишига сабаб бўлади.

Коррупцияни ўлчаш расмий муомаладан ресурсларни чиқиб кетиши ва давлат бошқарувидаги муаммоли соҳаларни аниқлашга ёрдам беради. Давлат хазинасидан йўқотилган пул миқдорини ҳисоблаш билан бир қаторда, коррупция тўғрисидаги маълумотлар давлат ва жамоат институтларининг алоҳида эътиборини талаб қиладиган қонунчилик тизимининг сифати, қонунларга муайян соҳаларда амал қилиниши, давлат сиёсатининг самарадорлиги каби давлат бошқарувининг муаммоли соҳалари ҳақида хабар беради.

Коррупция тўғрисида нисбатан аниқ маълумотларга эга бўлиш туфайли ҳукумат давлат хизматларини тақдим этишдаги тенгсизлик, қашшоқлик ва изоляция, шунингдек, пул олиб чиқиш (отмывание), солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва порахўрликка йўл очиб берадиган молиялаш тизимидаги бўшлиқлар (лазейкалар) каби қатор масалаларни ҳал қилиш учун самаралироқ сиёсат ва тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда дунёда коррупция даражасини ўлчашнинг бешта асосий усули қўлланилади. Уларнинг барчасининг афзалликлари ҳам, камчиликлари ҳам мавжуд. Зеро, коррупция тўғрисида аниқ маълумот олиш жуда қийин, ушбу фаолият билан шуғулланувчи барча шахслар кўп ҳолларда кимлиги очиқланишини хоҳламайдилар.

Ўлчов усуллари орасида энг кенг тарқалгани коррупцияни идрок этишни баҳолашдир (масалан, Transparency International ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси, Жаҳон банкининг коррупцияни бошқариш индекси). Ушбу усул мамлакат экспертлари ва аҳоли ўртасида мамлакатда коррупция ҳолати тўғрисида сўров ўтказишни назарда тутди. Шу билан бирга, ушбу усулнинг ноқулайлиги шундаки, жамоатчилик ва экспертларнинг фикрларига тақдим этаётган маълумотларининг очиқлиги ва сифати мамлакатлар ва вақт оралиғида турлича бўлган оммавий ахборот воситалари таъсир қилиши мумкин.

Ўлчашнинг яна бир кенг тарқалган усули – бу коррупцияни баҳолаш бўйича сўров усули (масалан, Transparency International ташкилотининг глобал

коррупция барометри ва Жаҳон банкининг бизнес сўрови). У мамлакатда коррупция муаммолари билан боғлиқ тажрибаси тўғрисида фирмалар ва аҳоли орасида сўров ўтказишни ўз ичига олади. Юқоридаги усулнинг камчиликлари – баъзи респондентларнинг давлат органларида коррупция бўлишидан манфаатдорлигидадир, шунинг учун улар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бермасликни лозим тутишлари мумкин.

Коррупцияни бевосита кузатиш ҳам коррупцияни баҳолаш усуллари билан сифатида қўлланилади. Масалан, Индонезияда тўққиз ой давомида тадқиқотчилар юк машиналари ҳайдовчиларини кийимини кийиб, одатий йўналишлар бўйлаб юк машиналари ҳайдовчиларини кузатиб боришган ва юк машиналари ҳайдовчилари полиция назорат пунктида тўхтаганларида қанча тўлашганини қайд этиб боришган. 300 тадан ортиқ саёҳатлар давомида улар 6000 дан ортиқ ноқонуний тўловларни кузатишган. Натижада, ноқонуний тўловлар умумий саёҳат харажатларининг 13 фоизини ташкил этганлиги маълум бўлган. Ушбу усулнинг ноқулайлиги тегишли тадқиқотларни ўтказиш учун кўп вақт ва молиявий харажатларни талаб қилишидадир.

Коррупцияни ажратиш бўйича баҳолаш ҳисобот назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳисобот харажатлари ва амалда ишлатилган харажатларни таққослашни ўз ичига олади. Ушбу усулнинг камчиликлари шундаки, инспекция органлари ходимларининг ўзи пора олишга ва ўғирликни яширишга мойил бўлиши мумкин.

Коррупция ҳаракатларини аниқлашнинг турли хил билвосита усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар бўйича коррупция ҳолатлари коррупцияга бевосита алоқадор бўлмаган маълумотлардан фойдаланган ҳолда аниқланади.

Коррупцияни ўлчаш усуллари хилма-хиллигига қарамай, мутахассислар коррупциянинг аниқ харажатлари ва оқибатларини аниқлашда жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар:

коррупция хатти-ҳаракатлари одатда яширин бўлиб, бу уларни аниқлаш ва ёзишни қийинлаштиради; коррупция фаолияти тўғрисида кўпинча хабар берилмайди, чунки тўлаши керак бўлганлар қасос олинишидан ёки бирон-бир даражада жиноят учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари мумкинлигидан қўрқишади;

коррупция турли шаклларни олади – фирибгарлик, қариндошчилик, порахўрлик, товламачилик ва пул ювиш, бу коррупция амалиётини ягона индикатор кўринишида қамраб олиш имконсиз эканини кўрсатади. Масалан, бирор бир ишда мансабдан фойдаланиб ўз яқин кишисига ёрдам бериш (бошқалар зарари ҳисобига) ва бунинг учун тўлов олмаслик, моҳиятан коррупция, лекин буни аниқлашнинг деярли иложи йўқ.³

Transparency International халқаро ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси бўйича, 2010 йилдан бери Ўзбекистон ҳар йили ўз мавқеини яхшилаб келмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон 25 балл билан 180 давлат ичида 153-ўринни эгаллаган, 2010 йилда эса у 16 балл билан 172-ўринда турган эди.

³ Хамидов Б. Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар ИТИМ Экономическое обозрение №4 (244) 2020

Transparency International халқаро коррупцияга қарши барометрининг 2016 йилдаги маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги респондентларнинг атиги 18 фоизи пора бергани ҳақида хабар берган ва уларнинг атиги 23 фоизи коррупцияни мамлакатдаги учта энг жиддий муаммолардан бири сифатида қайд этган. Аҳоли сўровларига кўра, энг коррупциялашган соҳа вакиллари – йўл-патрул ходимлари (респондентларнинг 17 фоизи уларга пора берганлигини тан олган), таълим ва тиббиёт ходимлари (респондентларнинг 16 фоизи бунини тан олган). Респондентларнинг коррупция тўғрисида хабар беришига нима тўсқинлик қилади деган саволга, 39% улар бу саволга жавобни билмасликларини айтишган ва иккинчи энг кенг тарқалган жавоб “Салбий оқибатлардан кўрқиб туфайли” бўлган (17%).

Жаҳон банки корхоналар ўртасида ўтказган сўровида фирмаларга олти турли битимлар, жумладан солиқларни тўлаш, рухсатномалар ёки лицензиялар олиш ва давлат хизматларига уланиш бўйича пора бериш таклиф қилинган вазиятни баҳолашга уринади. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистондаги вазият дунё ва Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги ўртача кўрсаткичларга қараганда яхшироқ. Масалан, Ўзбекистонда сўровда қатнашган барча фирмаларнинг атиги 6 фоизи ўз амалиётида пора талаб қилиниши билан дуч келганлигини таъкидлаган, дунёда бу кўрсаткич 17 фоизни, Европа ва Марказий Осиё минтақасида эса 11 фоизни ташкил этади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига кўра, “Ижтимоий фикр” маркази баъзи жойларда коррупция ва порахўрлик даражаси юқори даражада эканлигини аниқлаган. Масалан, фуқаролар фикрига кўра, 2018 йилда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаси коррупция ва порахўрликка энг кўп мойил бўлган – бунини респондентларнинг 43,7 фоизи қайд этган. Кейинги йўналишлар таълим (39,4%) ва солиқ соҳаси (12,2%).

Худди шу марказ томонидан ўтказилган “Жамоатчилик фикри кўзгусида коррупцияга қарши курашиш” сўров натижаларига кўра, 2018 йилда соғлиқни сақлаш тизими, ишга қабул қилиш жараёни, олий ва халқ таълими тизими Ўзбекистондаги энг коррупциялашган соҳалар қаторига киритилди. Сўнг кўйидаги соҳалар: судлар, прокуратура органлари, Ички ишлар вазирлиги, солиқ органлари ва санитария-эпидемиология назорати.

Ўзбекистонда аниқланган коррупцион ҳуқуқбузарликлар давлат корхоналари ва муассасалари, ички ишлар органлари ва банклар энг коррупциялашган соҳалар эканлигидан далолат беради. Ушбу жойларнинг аксарияти аҳоли томонидан сўров давомида аниқланган жойларга тўғри келади. Шу билан бирга, мансабдор шахслар томонидан 2013 йилдан 2020 йилгача содир этилган коррупцияга оид жиноятлар 43 фоизга камайган, айнан прокуратура органлари томонидан 2015 йилдан 2020 йилгача турли коррупцион жиноятлар учун 14 171 шахсга (2015 йил – 6853, 2016 йил – 4524, 2017 йил – 2794) қарши 8572 та жиноят иши қўзғатилган (2015 йил – 3778, 2016 йил – 2860, 2017 – 1934, 2018 - 1907, 2019 – 1339, 2020-1148).

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент томонидан яширин иқтисодиётга чек қўйиш, бюджет маблағлари талон-торож қилинишининг олдини олиш чоралари кўрилган. Натижада 3600 га яқин маъмурий

ҳуқуқбузарлик ва 3500 дан зиёд жиноят фош этилган. Хусусан, солиқдан бўйин товлаш билан боғлиқ 277 та жиноят аниқланиб, бюджетга 563 млрд. сўм қўшимча солиқ ундирилган.

Қурилишга ажратилган бюджет маблағидан тўғри фойдаланилиши бўйича ўтказилган назорат тадбирларида 75 млрд. сўм талон-торож қилингани аниқланиб, 300 нафардан ортиқ айбдор шахс жазога тортилгани келтирилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Назорат тадбирларида 22 млрд. сўмлик дон, 63 млрд. сўмлик пахта, 3 млрд. сўмлик минерал ўғит, ирригация тадбирлари учун ажратилган 1,7 млрд. сўмлик бюджет маблағи талон-торож қилингани аниқланиб, қонуний чоралар кўрилган.

Бош прокурор ўз ҳисоботида ердан фойдаланиш соҳасида турли суиистеъмолчиликлар авж олганига ҳам тўхталди. Хусусан, сўнгги икки йилда 3244 та ҳолатда 56 минг гектар ер ҳокимликлар томонидан ноқонуний ажратилган. Ер сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 543 киши жинойий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 295 нафари мансабдор, хусусан 119 таси кадастр, 23 таси ҳокимлик, 14 нафари архитектура ва қурилиш бўлимлари масъуллари, шунингдек, 76 таси фермер, 26 нафари маҳалла раисидир. Юзага келган бундай вазият инобатга олиниб, ўтган йил декабрь ойидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда ерлар хатловдан ўтказилган. Хатловда 36 минг гектар ер ноқонуний ажратилгани, 10 минг гектар ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани, 4 минг гектарда ноқонуний қурилишлар қилингани аниқланган. Ноқонуний қурилган 27 мингдан ортиқ объект буздирилиб, қарийб 10 минг гектар ер давлат захирасига қайтарилган. Ҳокимларнинг 36 минг гектар ерни ажратиш тўғрисидаги қонунга зид қарорлари бекор қилинган. Ердан фойдаланиш аҳволи тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, парламент, Президент администрацияси ва ҳукумат аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида танқидий муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган.⁴

Ўзбекистондаги коррупция хавфи юқори бўлган соҳалар.

Давлат хизматларини кўрсатиш. Бошқа ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам давлат ҳар доим ҳам аҳолига зарурий хизматларни, шу жумладан тиббий ва таълим хизматларини етарли даражада сифатли тақдим эта олмайди. Шу муносабат билан, шифохоналарда, энг яхши мактабларда, институтларда ва ҳоказоларда чекланган жойлар учун одамлар ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, бу муассасаларда коррупция пайдо бўлади.

Тиббий ва таълим хизматларидан ташқари, Ўзбекистонда давлат хизматларини тақдим этишнинг бошқа кўплаб соҳаларида уларнинг аҳолининг мавжуд эҳтиёжларига мос келмаслиги кузатилмоқда. Хусусан, бу сув, газ, иситиш, суғориш тизимлари, асфалт йўллар, кўприклар, парклар ва ўйин майдончалари қурилишига тегишли. Бу ушбу тузилмалардаги коррупция

⁴ Йўлдошев Н.Т. Халқ прокуратурасини шакллантириш йўлида. Олий Мажлис Сенати 11.05.2020й. Тўртинчи ялпи мажлисида прокуратура органлари 2019йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. Ҳуқуқ//2020.14.05.№19

даражаси бошқаларга қараганда юқори эканлигини кўрсатиши мумкин, чунки давлат маблағлари бошқа мақсадларда ишлатилган бўлиши мумкин ёки бундай хизматларнинг чекланганлиги сабабли биринчи бўлиб пора берганларга хизмат кўрсатилиш ҳолатларини жадаллаштириши мумкин.

Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш. Хўжалик фаолияти механизмларини лицензиялаш ва тартибга солиш корхоналарга мансабдор шахсларнинг “имтиёзли режим”дан ўз мақсадларида фойдаланиш имкониятини яратади. Натижада, “фойда”ни давлат амалдорлари билан бўлиши мумкин, улар ўз навбатида лицензия бериш ёки савдо-сотиқни ҳимоя қилишни ўз зиммаларига оладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда 355 турдаги фаолият турлари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш учун тегишли лицензия талаб этилади. Бундан ташқари, фаолиятнинг 140 тури турли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган рухсат берувчи ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Шу билан бирга, Давлат хизматлари марказида ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мурожаат этувчилар атиги 23 та лицензия ва рухсатнома олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Қолган 475 лицензия ва рухсатномаларни олиш учун улар тегишли давлат ташкилотларига мурожаат қилишлари керак, бу қўшимча харажатлар, маблағлар ва вақтни талаб қилади. “Буюк келажак” экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 30 фоизи лицензиялар ва рухсатномаларни рўйхатдан ўтказиш улар дуч келган 10 та асосий муаммолардан бири эканлигини кўрсатган.

Давлат секторида ресурслардан фойдаланиш устидан назоратнинг сустлиги. Бугунги кунда давлат улуши бўлган корхоналарнинг умумий сони 2819 тани ташкил этади, шундан 2000 тасида давлат 50% дан ортиқ улушга эга. Қоида тариқасида, давлат корхоналарида, хусусий секторда бўлгани каби, ходимларнинг корхона ресурсларидан фойдаланиши устидан қаттиқ назорат мавжуд эмас, бу эса коррупция ва ўғрилик учун асос яратади. Энг кўп давлат корхоналари коммунал хизмат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳалар, туризм, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида фаолият юритаётганини ҳисобга олиб бу соҳаларда коррупция хавфи юқори эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Иқтисодиётнинг кўп тармоқлари ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тартибга солинади. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида давлат инвестицияларининг юқори улуши сақланиб қолмоқда. Давлат 37 турдаги товарлар ва хизматлар нархларини тартибга солади. Бугунги кунда хусусий секторда 4 ишчига давлат секторидаги 1 ишчига тўғри келади. Бинобарин, ривожланаётган давлатлар шароитида давлатнинг назорат функцияларининг катта қисми сақланиб қолиниши коррупциянинг кучайиши билан бирга келади. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар сонининг статистикаси шуни кўрсатадики, барча даъволарнинг 71 фоизи давлат муассасалари ва корхоналар ходимларига қарши қўзғатилган.

Коррупцияни йўқ қилиш учун авваламбор давлатнинг иқтисодиётга кераксиз аралашувини камайтиришга, давлат муассасаларида ишчилар сонини оптималлаштиришга йўналтирилган босқичма-босқич чора-тадбирларни ўз ичига олган стратегияни ишлаб чиқиш керак, бу эса кейинчалик ушбу ташкилотларда иш ҳақининг ошишига олиб келади. Келгусида қуйидаги йўналишларда коррупцияга барҳам беришда комплекс ёндашув бўйича самарали чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

Малакали ишчиларни танлаш. Билим даражаси ва коррупция ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Малакалироқ ишчиларнинг пора олиш эҳтимоли камроқ. Бундай шароитда ходимларни ўз билимлари асосида ёллашга ёндашув коррупцияга қарши курашда самарали восита бўлиши мумкин. Шунинг учун давлат хизматида киришга даъвогарларга нисбатан ягона талабларни ишлаб чиқиш ва очик танлов имтиҳонлари тизимини жорий этиш зарур. Масалан, Жанубий Кореяда ҳукумат вақти-вақти билан давлат хизматчиларини текширади. Давлат хизматчисининг 5-даражасини олиш учун имтиҳон уч босқичдан иборат. Биринчи қадам номзодларнинг умумий билимларини синаб кўришдир. Имтиҳоннинг ушбу босқичининг предметлари ҳуқуқ, тарих, чет тили ва бошқалар. Иккинчи босқич номзодларнинг касбий билимларини синаб кўришдир. Ҳар бир профессионал гуруҳ турли предметларни билишни талаб қилади, аммо иқтисодиёт ва ҳуқуқ умумий фанлардир. Учинчи босқичда номзоднинг шахсий хусусиятларини текшириш учун суҳбат ўтказилади.

Ходимларнинг мотивацияси (иш ҳақи). Нафақат иқтисодий назария, балки амалиёт шуни кўрсатадики, иш ҳақи даражаси коррупция схемаларида иштирок этишнинг афзалликлари билан таққосланадиган, қўлга тушиш хавфини ҳисобга олмаганда, коррупциянинг олдини олувчи асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, давлат хизматчиларига хусусий сектор билан рақобатдош иш ҳақи таклиф қилиниши керак. Шунингдек, давлат хизматчиларининг иш фаолиятини баҳолаш тизими ва юқори лавозимдаги ишчиларга уларнинг фаолияти самарадорлигига қараб маош тўлаш тизимини жорий этиш зарур.

Жазо (обрў, жарималар). Коррупция схемаларида иштирок этиш харажатларининг камлиги сабабли, коррупция фаоллиги ўсмоқда. Коррупция учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар коррупцияни енгишда алоҳида рол ўйнаши мумкин, чунки кўп ҳолларда ходим учун коррупция харажатлари унинг асоратларидан каттароқдир.

Мониторинг (аудит ва аниқлаш имконияти). Кўпгина давлатлар “пора бериш” орқали коррупцияга қарши курашда аудит ролини кучайтириш зарурлигини тан олишади. Бухгалтерлар ва аудиторларнинг глобал коррупцияга қарши стратегияга қўшадиган ҳиссасини муҳокама қилиш учун Халқаро бухгалтерлар федерацияси “Бухгалтерия иши ва коррупцияга қарши курашиш” маърузасини эълон қилди. Европа Кенгашининг Коррупцияга оид Жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияси мамлакатлардан ҳар қандай давлатнинг мансабдор шахсларига ваъда бериш, таклиф қилиш ёки бирон-бир асосиз устунлик бериш учун жинойий жавобгарликка олиб келадиган миллий қонунларни қабул қилишга чақиради. Бундай жиноят, шунингдек,

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тартибини қўллаган ҳолда давлат хизматчиларининг порахўрлиги билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар тўғрисида қасддан нотўғри тақдим этилган деб ҳисобланиши керак.⁵

Технологиялар (электрон ҳукумат, жамоат назорати). “Электрон ҳукумат” нинг тўлақонли ишлаши давлат харидларининг аксарият қисмини ва аҳоли, бизнес ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг бутун тизимини шаффоф қилиш имконини беради ва бу тармоқнинг ҳажмини сезиларли даражада камайтиради. Иккинчиси бизнесни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Сингапурда кўплаб зарур хизматларни, масалан, паспорт ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани уйда зарур шаклларни тўлдириб, тегишли органларга электрон почта орқали юбориш орқали олишингиз мумкин. Ҳукумат бундай хизматларни Интернет орқали тақдим этиши одатий тарз сифатида қабул қилинади. Шунини таъкидлаш керакки, агар фуқаро ушбу хизматларни олиш учун муассасага шахсан ташриф буюрса, у ҳолда ушбу муассасага алоҳида эҳтиёжсиз келганлик учун унга жарима солинади.

§ 1.4. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган идоравий дастурлар қабул қилиниши ва уларнинг ижроси таъминланиши

Давлатимиз томонидан мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга давлатимиз раҳбари қанчалик эътибор қаратаётганликларини барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бу борада коррупцияга қарши курашиш борасида институционал ва ташкилий тизимнинг муҳим унсури бўлмиш идоравий дастурларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоят муҳим аҳамият касб этади.

Бежис эмаски Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” дея таъкидлаб ўтилди.

Шу алоҳида қайд этиш жоизки, давлатимизда коррупцияга қарши курашиш тизимини ривожлантириш доим кун тартибида бўлган. Бу борадаги

⁵ Алымova Д.П., Касторская Е.В., Касторский Г.Л. Ан-तिकоррупционное право: Учебник / Под общ. ред. Г.Л. Кас-торского. Санкт-Петербург: Университет при МПА ЕвразЭС, 2018. – 297с.

фаолият 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан фаоллашади.

Қонуннинг 6-моддасига биноан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш ваколати Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясига берилди.

2017 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2752-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Дастур 5 та йўналиш 51 та банддан иборат бўлиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини ва бунга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган эди.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ 2019 йил 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5729-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” тасдиқланди. Давлат дастури 4 та қисмдан иборат бўлиб улар:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун

жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби масаларни қамраб олган. Дастур доирасида 35 та амалий чоралар бажарилиши белгиланган.

Фармоннинг ўзига хослиги унда коррупцияга қарши курашиш конкрет соҳаларда амалга ошириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди. Шу билан бирга, 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишни ташкил этилиши белгиланди.

2019 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан “Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харита”да 7 та асосий йўналиш (Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар, олий таълим муассасаларига қабул жараён, таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш, талабалар ўқишини кўчириш, ўқишга тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш ҳамда таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш ҳамда таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлашга қаратилган 46 та амалий тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Қуйидаги вазифалар эса амалга ошириладиган чора-тадбирлар этиб белгиланди:

- олий таълим тизимида коррупция ҳолати юзасидан аҳолининг фикрини аниқлаш мақсадида мақсадли турли гуруҳлар (абитуриентлар, талабалар, уларнинг ота-оналари, соҳа вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари ва бошқалар) ўртасида сўровнома ўтказиш, Олий таълим муассасалари талабалари ва магистрантлари учун коррупция ҳолатлари билан тўқнашганлиги бўйича аноним хабар қилиш имкониятини берувчи электрон платформани яратиш, ОТМ веб-сайтларида “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар порталини яратиш, кириш имтихонларини ўтказишда мустақил кузатувчиларнинг иштирокини таъминлаш, таълим тизимида жамоатчилик назорати шакллари бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва таклиф киритиш, тизимда давлат ҳаридларига оид тузилган шартномаларни веб-сайтда эълон қилиш, “Электрон университет” лойиҳаси доирасида барча олий таълим муассасаларининг веб-сайтларига жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотлар рўйхатини шакллантириш, коррупцияга оид ҳолатлар бўйича талабалар ва ўқитувчиларнинг тўғридан тўғри муассаса раҳбарияти ёки вазирликка электрон шаклда мурожаат қилиш (шу жумладан аноним тарзда)

имкониятини яратиш, профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг юриш-туриши, шунингдек улар фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган намунавий касбий деонтологик талаблар тизимини ишлаб чиқиш, намунавий касб одобномаси асосида барча олий таълим муассасаларида ўзларининг касб одобномасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 11 февраль куни коррупцияга қарши курашишнинг янги тизимини жорий этишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлардан келиб чиккан ҳолда бошқа соҳаларда бу тажрибани қўллаш зарурлиги таъкидланди.

2020 йил апрель-май ойларида бевосита Республика коррупцияга қарши курашиш комиссия ташаббуси билан Ўзбекистон Республика Бош прокуратураси ҳамда тегишли давлат органлари ҳамкорлигида яна 10 та соҳада (соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар, қишлоқ хўжалиги, мактабгача таълим, транспорт, энергетика вазирликлари, Давлат божхона хизмати тизимида, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти фаолиятида) ҳам коррупцияга қарши курашишда йўл хариталари тасдиқланди ва уларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан 2020 йил 20 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 76-сон буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши кўрашишни янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да 6 та асосий йўналиш бўйича 26 та амалий чораларни қамраб олиб, уларнинг энг муҳимлари сифатида:

- коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан коррупция хавфи юқори бўлган соҳалар, вазифалар ва лавозимларни, уларнинг олдини олиш ҳам да коррупцияга қарши идоравий чора-тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида вазирлик ва унинг купи тармоқларида ички хавфсизликни таъминлаш тармоқлариини ташкил этиш юзасидан асослантилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- тизимдаги коррупция хавфи юқори бўлган соҳа ва йўналишларда самарали назорат механизмларини жорий этиш ҳамда бундай тиббий хизматлар курсатилишини давлат хизматлари марказларига ўтказиш бўйича асослантилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- “Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш борасида белгиланган вазифалар ижроси тўлиқ таъминлаш;

- фуқаролар томонидан давлат тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини баҳолаш имконини берувчи дастурий ахборот-таъминотини яратиш;

- ишга қабул қилинаётган шифокорлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига кўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқиш ҳамда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини вазирлик тизимида интеграция қилинишини таъминлаш, ходимларни турли важлар билан

қисқартирилган ставкалар асосида ишга қабул қилиш амалиётига чек қўйиш чораларини кўриш;

- коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда масофавий назоратни кучайтириш чораларини кўриш;

- бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқини берувчи ордерларни тақсимлаш жараёнини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, ушбу жараённинг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, ордер бериш жараёнини масофавий кузатиб бориш имконини берувчи электрон навбатни жорий этиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш чораларини кўришни кўрсатиш мумкин.

Давлатмизда коррупцияга қарши муросасиз курашиш тизимини шакллантириш, бандлик ва меҳнат муносабатларида коррупцияга оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида 2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири билан ҳамкорликда “Бандлик ва меҳнат муносабатлари тизимида коррупцияга қарши кўрашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да 5 та асосий йўналиш бўйича 24 амалий чораларни қамраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида:

- бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган хавф-хатарларини аниқлаш ва баҳолаш;

- коррупцияга қарши кўрашиш мақсадида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари иш фаолиятининг шаффофлигини ошириш, коррупция иллатига қарши курашиш бўйича ҳудудлардаги ишсиз ва иш билан банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида қисқа муддатларда замонавий касбий кўникмаларга ўқитишни самарали механизмларини жорий этиш, меҳнат органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини мониторинг қилиш ва коррупцияга қарши кўрашиш мақсадида вазирлик марказий аппарат ҳузурида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятини видеокузатув камералари ва “abkm.mehnat.uz,, тизими орқали доимий назорат қилиш имконини берувчи ситуацион тезкор марказни ташкил этиш, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, шунингдек ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йули бўйича чет элда ишлаш учун кетаётган ва «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари, хорижий тиллар ва касб-ҳунарга тайёрлаш, аҳолини иш билан таъминлашда вужудга келаётган бюрократик тусиқларни бартараф этиш, аҳолини бандлигига кўмаклашиш хизматида қоғозбозликни камайтириб, электрон тизимни жорий қилиш, бандлик хизматларини амалга оширишда шаффофлик ва ошкоралик принципларини қўллаш каби долзарб масалаларни белгилаб берилди.

Давлат божхона кўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш мақсадида 2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Давлат божхона кўмитаси раҳбари

томонидан “Давлат божхона қўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди. “Йўл харитаси”да 3 та асосий йўналиш бўйича 23 та амалий чораларни қамраб олди. Уларнинг энг муҳимлари сифатида:

- божхона тизимидаги коррупциявий хавф-хатарлар тўғрисида сигнал берувчи

IT-платформа ишлаб чиқиш, божхона органлари тизимидаги фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда давлат божхона кумитаси хузуридаги жамоатчилик кенгаши ролини янада ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш чораларини белгилаш, божхона таомилларини соддалаштириш учун хорижий давлатлар конунчилиги ҳамда амалиётини ўрганиш, шу жумладан “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш халқаро Конвенциясига (Киото, 1973 йил) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, “ягона дарча” божхона ахборот тизимидан самарали фойдаланиш, соҳа фаолиятини янада кенгайтириш ва тақдим этилувчи рухсатномалар рўйхатини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ товарларни таснифлаш бўйича дастлабки қарор қабул қилиш учун электрон ариза бериш тартибини жорий этиш, “E-Ombor” товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, импорт қилинадиган товарлар бўйича электрон шаклда ҳисоботларни тайёрлашни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби устувор йўналишлар белгилаб берилди.

2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ички ишлар вазири “Ички ишлар органлари тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да 4 та асосий йўналиш бўйича 29 амалий чораларни қамраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида:

- ИИВ органларида коррупцияга қарши курашишни ўзини ўзи баҳолаш рейтингини жорий қилиш, фуқаролар учун ички ишлар органлари юзасидан коррупция ҳолатлари билан тўқнашганлиги бўйича аноним хабар қилиш имкониятини берувчи электрон платформани яратиш;

- аҳолининг ходимлар устидан шикоят қилиши учун тизим веб-сайтларида “ИИВ эшитади” жамоавий мурожаатлар порталини яратиш, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда тизимда жамоатчилик назоратини янада яхшилаш бўйича таклиф киритиш, тизимда жамоатчилик кенгашларининг фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- ички ишлар органлари ходимларининг юриш-туриши ва улар фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган намунавий касбий деонтологик талаблар тизимини ишлаб чиқиш.

Унда раҳбарлар бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупция билан боғлиқ конунбузилишлар содир этилган тақдирда ўрта бўғин раҳбарларига ҳам тегишли интизомий жавобгарлик чоралари кўрилиши ҳақида қатъий қоидаларни белгилаш каби масалалар устувор қилиб белгиланди.

2020 йил 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раҳбари билан биргаликда “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да 3 та асосий йўналиш бўйича 22 амалий чораларни камраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида:

- “Давергеодезкадастр” қўмитаси тизимида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупцияга оид нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, соҳага оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ҳамда уларда коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш мақсадида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, коррупцияга оид нормалари мавжуд бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- кадастр идоралари ходимларига нисбатан ўрнатилган чеклов ва таъқиқлар аниқ рўйхатларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- кадастр соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнларини доимий такомиллаштириб бориш, ушбу жараёнларда давлат хизматлари фойдаланувчиларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, инсон омилини камайтириш;

- фуқаролар ва юридик шахс вакиллари томонидан коррупция ҳақида хабар бериш механизмларини такомиллаштириш, жумладан коррупция ҳолатлари ва бунга сабаб бўлган омиллар, юзага келтирган шароитларга оид хабарларни таъминловчи қўмитанинг веб-сайтида “Алоҳида бўлим” яратиш, шунингдек ташкил этилган “ишонч телефонлари”, виртуал қабулхоналар ва бошқа ахборот узатиш каналлари фаолиятини такомиллаштириш, тадбиркорлар учун ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, давлат кадастрларини юритувчи вазирликлар томонидан очиқ фазовий маълумотларни давлат кадастрлари тизими билан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, интерактив кадастр хариталарини яратиш ва фойдаланувчилар учун интернет тармоғида мегамаълумотлар тизимини яратиш ҳамда кадастр паспорти, объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси, кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги реестрдан кўчирмани давлат хизматлари марказлари ва ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилиш орқали бир вақтда олишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳукуматга киритиш каби масалалар устувор этиб белгилаб берилди.

2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири билан биргаликда “Қишлоқ хўжалиги вазирилиги тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да 2 та асосий йўналиш бўйича 24 амалий чораларни қамраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида:

- қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашишга доир ички идоравий назоратни кучайтириш мақсадида локал ҳужжатларни такомиллаштириш, вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш;

- тизимдаги мансабдор шахслар фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш;

- коррупция тизимда хавф-хатарлари даражасини баҳолаш, вазирлик ходимларининг коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлари тўғрисида хабар бериш тартибини белгилаш ҳамда хабар берган ходимлар ва фуқароларни рағбатлантириш тартибини белгилаш кўрсатилган.

Бундан ташқари, ҳаритада қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш, уни самарадорлигини доимий мониторинг қилиб бориш, тизимда коррупция ҳолатларини олдини олиш мақсадида илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда рақамлаштириш устувор йўналиш сифатида белгиланди.

2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда “Транспорт вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга “Йўл харитаси” тасдиқланди. “Йўл харитаси”да 3 та асосий йўналиш бўйича 20 амалий чораларни қамраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида транспорт вазирлиги тизимида коррупция хавфлари дучор бўлган йўналишларни аниқлаш, соҳасда содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиш, натижаси бўйича тизимли муаммоларнинг рўйхатини шакллантириш ва таклифлар ишлаб чиқиш, тадқиқот натижалари бўйича транспорт соҳасида коррупция хавф-хатарига энг кўп дучор бўлган фаолият йўналишлари ва лавозимлар шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)ни аниқлаб, рўйхатини шакллантириш каби масалалар асосий қилиб белгилаб берилди.

Бундан ташқари, транспорт соҳасини ривожлантиришда ишлар сифатини ошириш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, транспорт инфратузилма объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш, автомобиль транспортида юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш йўналишида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини “онлайн” рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш, жисмоний шахсларга автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш

ҳуқуқини бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти Раиси билан ҳамкорликда Ўзбекнефтгаз акциядорлик жамияти тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”да 9 та асосий йўналиш бўйича 28 та амалий чораларни қамраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида БМТ Тараққиёт дастури кўмагида “комплаенс назорат” тизимини (compliance control) жамиятга тадбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳани жадаллаштириш, “комплаенс назорат” тизими самарадорлигини доимий мониторинг қилиб бориш, натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш, жаҳоннинг етакчи компанияларига жамият ходимларини хизмат сафарларига юбориш орқали уларда тадбиқ этилган “Коррупцияга қарши курашиш менежменти” тизимлари тажрибасини ўрганиш ва жамиятга ҳамда тасарруфдаги корхоналарга босқичма-босқич тадбиқ этиш, “Ўзбекнефтгаз” АЖга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда ички локал ҳужжатларни инвентаризация қилиш ва уларда коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш мақсадида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш мазкур масалада хорижий экспертларни жалб қилиш белгиланган.

Жамиятда коррупцияга қарши курашишга доир локал ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ходимлар фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, коррупциявий хавф-хатарлар даражаси баҳолаш, тизим ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан содир этилган коррупцияга оид хатти-харакатлар ҳақида хабар берган шахсларни мукофатлаш тартибини ишлаб чиқиш, жамият асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган активларни сотиш орқали иқтисодий самарадорликни ҳисобга оладиган ҳамда ушбу активларни сотиб олиш ва фойдаланиш харажатларни ҳисобга оладиган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш каби долзарб масалалар устувор этиб белгиланди.

2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири билан ҳамкорликда Мактабгача таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга “Йўл харитаси” тасдиқланди. Мазкур

“Йўл харитаси”да 4 та асосий йўналиш бўйича 21 амалий чораларни қамраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида вазирлик тизимида коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ва баҳолаш, миллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда илмий-амалий таҳлиллар ўтказиш, коррупция ҳолати юзасидан аҳолининг фикрини аниқлаш мақсадида мақсадли турли гуруҳлар (болалар, уларнинг ота-оналари, соҳа вакиллари) ўртасида сўровномалар ўтказиш, тизимда жамоатчилик назоратини кучайтириш механизмларини яратиш, давлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш жараёнини шаффофлик ва очиқлик принциплари асосида ташкил этиш, қабул қилиш жараёнининг амалдаги механизмларини

танқидий кўриб чиқиш ва уларда коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш, қабул қилинган болаларни тегишли тартибда мактабга чиқишлари орқали автоматик тарзда бўш ўринларни кўринишини таъминлаш ва бу борада мактабгача таълим ташкилотлари директорларини саводхонлигини ошириш, аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этишни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида давлат мактабгача таълим ташкилотлари болалари учун таомларни тайёрлашда шаффофликни таъминлаш, давлат мактабгача таълим ташкилотига тавсия этилаётган номзодларнинг айримлари лавозим учун белгиланган малака талабларига мослиги, касбий билимлари, функционал вазифаларини давлат сиёсати талабларидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширишнинг мақбул ва самарали йўллари танлай олиш қобилиятлари ўрганилмасдан, таниш-билишчилик асосида, моддий-манфаатдор бўлиш эвазига юборилаётган ҳолатларни олдини олиш мақсадида, жойлардаги бошқармалар тегишли хулоса чиқаришлари ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этишларини назоратга олиш чора-тадбирларини белгилаш масалалари устувор этиб белгиланди.

2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда Энергетика вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да 3 та асосий йўналиш бўйича 21 та амалий чораларни қамраб олади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- энергетика вазирлиги тизимида коррупция хавфлари дучор бўлган йўналишларни аниқлаш мақсадида энергетика соҳасида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиш, натижаси бўйича тизимли муаммоларнинг рўйхатини шакллантириш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

- энергетика соҳасида коррупция хавф-хатарига энг кўп дучор бўлган фаолият йўналишлари ва лавозимлар, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг аниқлаб, рўйхатини шакллантириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда ички локал ҳужжатларни инвентаризация қилиш ва уларда коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш мақсадида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш;

- тизимда коррупцияга қарши курашишга доир ички идоравий назоратни кучайтириш мақсадида локал ҳужжатларни такомиллаштириш;

- энергетика соҳасида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини, бошқарувнинг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш учун ҳисоб ва назоратни;

- энергетика тармоғи ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятининг шаффофлигини жорий қилиш бўйича таклифлар киритиш каби масалалар устувор қилиб белгиланди.

Кўрганимиздек, давлатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. Уларнинг мақсади ҳарб бир соҳанинг ўзига ҳослигини инобатга олган ҳолда аниқ ва мақсадли чора

тадбирларни амалга оширишга қаратилган. Ҳар бир соҳадаги коррупцияга қарши курашишга қаратилган ислоҳотлар коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўлмиш аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсадига эришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан 2020 йил 4 сентябрда “2020-2021 йилларда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш” бўйича соғлиқни сақлаш, қурилиш, транспорт, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирликлари ҳамда Марказий банк, “Ўзстандарт” агентлиги, Давлат активлари бошқариш агентлиги, “Ўзкимёсаноат”, “Худудгазтаъминот”, “Худудий электртармоғлари”, “Ўзбекнефтегаз” акционерлик жамиятларининг йўл хариталари тасдиқланган.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиклик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида **2020 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПФ-6096 -сонли Фармони қабул қилинди.** Фармонга асосан Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида **Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти** ташкил этилди.

Департаментга асосий вазифалари сифатида давлат иштирокидаги 32 корхоналарда 2021 йил 1 июлга қадар **харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш** вазифаси юклатилган.

Коррупция даражасини аниқлаш борасида «Ижтимоий фикр» маркази томонидан 2019 йилнинг 14-24 март кунлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилган. Сўровда иштирок этганларнинг 66,5 фоизи коррупция Ўзбекистон жамиятининг у ёки бу соҳаларида тарқалган деб ҳисоблайди.

Фуқароларнинг фикрича, 45,5 фоизи ишга қабул қилишда, 42,9 фоизи соғлиқни сақлаш тизимида, 35,1 фоизи олий таълим тизимида, 24,9 фоизи халқ таълими тизимида, 22,1 банк тизимида, 20 фоизи ички ишлар идораларида, 18,5 фоизи прокуратурада, 17,5 фоизи суд органларида, 15,2 фоизи аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, 13,9 фоизи божхона тизимида коррупция кенг тарқалган деб ҳисоблайди.

Сўровда иштирок этганларнинг 28,7 фоизи жамиятда коррупцияни мавжуд бўлиш сабаби фуқароларнинг ўз масалаларини қонунни четлаб ўтиб ҳал қилишга интилиши,

26,6 фоизи бошқарув тузилмалари ишидаги очиклик ва шаффофликнинг етарли эмаслиги, 26 фоизи коррупцияга қарши ўтказилаётган курашда очиклик ва ошқороликнинг, уни ОАВларда ёритишнинг етарли даража эмаслиги, 20,9 фоизи фуқароларнинг қонунлар ва ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги деган фикр билдирган.

Сўровда иштирок этганларнинг 36,6 фоизи мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш етарлича муваффақиятли ва самарали амалга оширилмоқда деб ҳисоблайди.

Сўровда иштирок этганларнинг 86,6 фоизи ўзларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашларини билдиришган.

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан 2019 йилнинг 22-31 май кунлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилган.

Сўровда иштирок этганларнинг 50,5 фоизи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ўртача суръатда, 43 фоизи тез суръатлар билан амалга оширилмоқда деб жавоб берган.

Сўровда иштирок этганларнинг 47,7 фоизи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш натижасида муҳим натижаларга эришилди, 40,3 фоизи ижобий ўзгаришлар юз беряпти, лекин ҳамма соҳаларда ҳам эмас, 10,8 фоизи ижобий натижаларни кўрмаётганлигини қайд этишган.

Сўровда иштирок этганларнинг 75,6 фоизи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш натижалари барча соҳаларда, шу жумладан фуқаролар турмушининг сифатини яхшилашда, 64,7 фоизи қонунчиликни такомиллаштиришда, 53,3 фоизи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда, 54,8 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятда, 43,2 фоизи тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб беришда номаён бўлмоқда деган.

Сўровда иштирок этганларининг 58,7 фоизи суд-ҳуқуқ ислоҳотини муваффақиятли амалга оширишга айрим мансабдор шахслар томонидан хизмат мавқеинининг суиистеъмол қилиниши, 34,9 фоизи суд-ҳуқуқ тизими ходимлари малакасининг паст даражаси, 33,5 фоизи бюрократизм, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойларда ижро этилмаслиги, 32,2 фоизи эскича фикрлаш андазалари, 25,7 фоизи фуқаролардаги ҳуқуқий маданият ва маълумот даражасининг пастлиги тўсқинлик қилаётганлигини билдиришган.

Сўровда иштирок этганларнинг 70,9 фоизи яқин йилларда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилиниши натижасида ҳамма ерда қонун устуворлиги қарор топади (26,9 фоизи шубҳа бор, 0,9 фоизи ишонмайман), 68 фоизи фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва ғурури тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилинади (28,9 фоизи шубҳа бор, 1,3 фоизи ишонмайман), 66,2 фоизи ҳамма ерда инсон ҳуқуқ ва эркинларининг устуворлиги қарор топади ва таъминланади (30,2 фоизи шубҳа бор, 2 фоизи ишонмайман), 37 фоизи коррупция тўла ва ҳамма ерда бартараф этилади (44,9 фоизи шубҳа бор, 14,3 фоизи ишонмайман) деган фикр билдирган.

Сўровда иштирок этганларининг 69,9 фоизи ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ёки камситилган тақдирда Президент Халқ қабулхонасига, 43,1 фоизи маҳалла фуқаролар йиғинига, 24 фоизи ҳокимликларга, 12,7 фоизи ИИВга, 10,4 фоизи судга, 9,6 фоизи прокуратурага, 3,4 фоизи адвокатга мурожаат қилишини билдирган.

Сиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқиганмисиз, деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 62,6 фоизи (69%-2017, 66,4%-2018) ҳа, 35,4 фоизи (28,6%-2017, 31,6 %-2018) йўқ деб жавоб берган.

“Коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси” талабларини бажариш мақсадида Бош прокуратура томонидан 2019 йилнинг 9 ойи давомида мавзуга оид жами 5586 та тарғибот тадбири ўтказилиб, жумладан оғзаки 4907 мартаба (семинар – 112, конференция – 9, давра суҳбати – 1997), ОАВда 679 мартаба (телевидения – 168, радио – 294, матбуот – 184, интернет тармоғида – 33) чиқиш қилинган.

2019 йилнинг 9 ойида маҳалла фуқаролар йиғинида 25.545 марта коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда 780.397 нафар фуқаролар қамраб олинган.

Бош прокуратура томонидан соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда 10 турдаги коррупцияни олдини олишга қаратилган баннер, горка, постер тайёрланиб, ЕҲХТ кўмағида 138 мингдан ортиқ нусхада чоп этилиб, республика миқёсида тарқатилган.

Давлат божхона кўмитаси томонидан 2019 йил 9 ойида 907 дона, шу жумладан 119 дона банер, 24 дона инфографика, 64 дона буклет, 21 дона флаер ва бошқа ахборот-тарғибот материаллари тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармонининг ижроси юзасидан Олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича тасдиқланган “Йўл ҳаритаси” тасдиқланган.

“Йўл ҳаритаси”да 7 йўналишда (ОТМ соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар, ОТМ қабул жараёни, таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш, талабалар ўқишини кўчириш, ўқишга тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш ҳамда таълим ташкилотларини аттестация ва давлат

аккредитациясидан ўтказиш, ОТМ фаолиятини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш ҳамда таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш) 46 банддан иборат коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш назарда тутилган:

Тадбирларни Давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, БМТ тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Иқтисодий ғамкорлик ташкилоти маблағлари ҳисобидан молиялаштириш белиланган. Чора-тадбирларда жами 31 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (2 та қонун – Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Олий таълим тўғрисида, 1 та Президент қарори, 23 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 5 та идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари) ишлаб чиқиш, 15 та амалий-ташкилий чора-тадбирлар (1 та илмий тадқиқот, 2 та таҳлилий маълумот ва 12 та бошқа тадбирлар) белгиланган.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида ОАВнинг ўрни ниҳоят муҳим. Шундан келиб чиқиб, 2019 йилнинг июнь-октябрь ойлари давомида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон 24”, “Ёшлар”, “Тошкент”, “Маҳалла” телерадиоканаллари, ҳудудий телерадиокомпаниялар томонидан

262 та теледастурлар ҳамда информацион дастурларда 397 та лавҳа, репортаж, интервьюлар жами 659 та телерадиомахсулот эфирга узатилган. Шунингдек, 10 дан ортиқ мавзуга оид ижтимоий роликлар мунтазам равишда эфирга берилган.

2019 йилнинг август-октябрь ойларида республика телерадиоканаллари, босма даврий нашрлар ва “uz” миллий доменидаги интернет сайтларида мавзуида оид 480 та материал ёритилган. Шундан 176 таси маҳаллий телерадиоканалларда (телеканалларда 100 та, раидоканалларда 76 та), 200 таси босма даврий нашрларда, 104 таси миллий веб-сайтларда эълон қилинган.

Коррупцияни олдини олиш ва бу борада олиб борилаётган ишларни ёритиш бўйича босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳамда телерадиоканаллари орқали 2019 йил 10 ойида жами 2552 та кўрсатув, чиқишлар ва мақолалар ёритилган.

Жумладан, Андижон вилоятида 140 та, Сирдарё вилоятида 49 та, Фарғона вилоятида 92 та, Жиззах вилоятида 172 та, Қорақалпоғистон Республикаси 114 та, Қашқадарё вилояти 374 та, Самарқанд вилояти 188 та, Бухоро вилояти 67 та, Наманган вилояти 180 та, Тошкент вилояти 250 та, Навоий вилояти 221 та, Сурхондарё вилояти 200 та, Хоразм вилояти 225 та, Тошкент шаҳрида 280 тани ташкил қилади.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ходимлар ва аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Давлат божхона қўмитаси томонидан 2019 йил 9 ойида ҳудудий божхона бошқармаларида 86 маротаба 2480 нафар божхона органларининг мансабдор шахслари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва чегара орқали ҳаракатланаётган фуқаролар ўртасида аноним сўровномалар ўтказилган.

“Телеграм” ижтимоий тармоғида 20га яқин турли соҳа вакиллари аъзо бўлган гуруҳларда 531 нафар респондентлар иштирокида “Давлат божхона хизмати органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини 5 баллик тизимда қандай баҳолайсиз?” деган савол асосида аноним сўровнома ўтказилганида, 241 нафари (45%) – 5 балл, 44 нафари (8%) – 4 балл, 72 нафари (14%) – 3 балл, 27 нафари (5%) – 2 балл, 147 нафари (28%) – 1 балл билан божхона органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини баҳолашган.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан 2019 йилнинг сентябрь ойида республика миқёсида 6 минг нафардан ортиқ респондентлар иштирокида 12 та саволдан иборат аноним сўров ўтказилган.

Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан 15.06.2019 йилда барча касб-ҳунар коллежлари 3-босқич ўқувчилари ўртасида “Биз ёшлар юритимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт!” шиори остида “Коррупция – адолат кушандаси” мавзусида республика иншолар танлови ўтказилган. Танловда 1430 та коллежнинг 415.719 нафар 3-босқич ўқувчилари иштирок этган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси, Адлия вазирлиги, ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳаси ҳамкорлигида “Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлови ташкил этилди. Унда 70 нафар иштирокчидан 400 га яқин материал тақдим этилиб, материаллар ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов низомида белгиланган мезонлар асосида кўриб чиқилди ва баҳоланди.

14.10.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан “Ёшларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш тўғрисида” қўшма қарор қабул қилинган.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда давлат идораларнинг очиклиги муҳим аҳамият эгаллайди. 20.10.2019 йил ҳолатига 147 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг “Ишонч телефон”лари ва “Call-марказ”лари – тезкор алоқа линиялари ташкил этилган.

Аксарият давлат органларида бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда, аммо Республика коррупцияга қарши идоралараро комиссия томонидан ўтказилган ўрганишда Давлат статистика кўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясида ишонч телефони мавжуд эмаслиги аниқланган.

Ўрганишда Энергетика вазирлиги ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги расмий веб-сайти фаолият юритмаслиги маълум бўлган.

Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларига фуқаролардан “ишонч телефони” орқали келиб тушадиган коррупцияга оид мурожаатларни

ўз вақтида кўриб чиқиш, кўрилган чоралар чора-тадбирлар бўйича маълумотларни ахборот хизматлари томонидан ташкилотларнинг веб-сайтларида жойлаштириш, амалга оширилган ишлар мониторингини олиб бориш учун “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий фактлар бўйича ишонч телефони тўғрисида”ги намунавий низом ишлаб чиқилган ва 19.09.2019 йилда услубий қўлланма тариқасида 165 та вазирлик ва идораларга юборилган.

Амалга оширилган чоралар республикада рўйхатга олинган коррупциявий ҳолатлар камайишига олиб келмоқда. Статик маълумотларга кўра 2019й. 2015й.га нисбатан кескин қисқаришига эришилмоқда.

Коррупция даражасини аниқлаш борасида давлат идоралари томонидан ҳам сўровлар ўтказилган. Жумладан Давлат божхона қўмитаси томонидан 2019 йил ҳудудий бошқармаларида 86 маротаба 2480 нафар божхона органларининг мансабдор шахслари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва чегара орқали ҳаракатланаётган фуқаролар ўртасида аноним сўровномалар ўтказилган. “Телеграм” ижтимоий тармоғида 20 га яқин турли соҳа вакиллари аъзо бўлган гуруҳларда 531 нафар респондентлар иштирокида “Давлат божхона хизмати органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини 5 баллик тизимда қандай баҳолайсиз?” деган савол асосида аноним сўровнома ўтказилганида, 241 нафари (45%) – 5 балл, 44 нафари (8%) – 4 балл, 72 нафари (14%) – 3 балл, 27 нафари (5%) – 2 балл, 147 нафари (28%) – 1 балл билан божхона органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини баҳолашган.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2019 йилнинг сентябрь ойида республика миқёсида 6 минг нафардан ортиқ респондентлар иштирокида 12 та саволдан иборат аноним сўров ўтказилган.

Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда тарғибот воситаларнинг ўрни ва аҳамияти муҳим ҳисобланади. Бу борада 2019 йил 9 ойида Давлат божхона қўмитаси томонидан 907 дона, шу жумладан 119 дона банер, 24 дона инфографика, 64 дона буклет, 21 дона флаер ва бошқа ахборот-тарғибот материаллари тайёрланган.

Бош прокуратура томонидан соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда 10 турдаги коррупцияни олдини олишга қаратилган баннер, горка, постер тайёрланиб, ЕҲХТ кўмағида 138 мингдан ортиқ нусхада чоп этилиб, республика миқёсида тарқатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан махсус фильмлар олинган. Жумладан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан “Нафс гирдоби”, Давлат божхона қўмитаси томонидан “Пора – юзни қилур қора”, Ички ишлар вазирлиги томонидан “Озодлик кадри” номли видеофильмлар тайёрланган.

Мавзуга оид ўқув қўлланмалар чоп этилган Ш.Қобилов, О.Камалов. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш. ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019 й., У.Умаров. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият

тараққийетини кафолати. Ўқув-услубий қўлланма. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, 2019 й., Ш.Жалолов, Г.Нурмухаммедова. Порахўрлик жиноятларини профилактика қилиш бўйича худуд методикаси. Илмий-амалий тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий техник институти, 2019 й., К.Бабаназаров. Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш масалалари. методик қўлланма. 2019 й., Бош прокуратура Академияси, Б.Исмаилов. Институционализация национальных систем противодействия коррупции, Этические стандарты государственной службы в Республике Узбекистан и зарубежных странах номли ўқув қўлланмалари чоп этилган.

2.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН ИДОРАВИЙ ТИЗИМЛАР ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

§ 2.1. “Олий таълим коррупциясиз соҳа” лойихаси амалга оширилиши

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмоқда.

Коррупциядан ҳоли жамият ва давлатни яратиш мамлакат тараққийетининг мустаҳкам кафолати бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 декабрь куни Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқларида “Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз” деб, таъкидлаган эдилар.

Давлатнинг коррупцияга қарши йўналтирган барча ислоҳотлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб амалга оширмоқда.

Айниқса, таълим соҳасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш орқали мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, Президентимиз 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаларида, “олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз”, деб таъкидлаб ўтдилар.

Жахон Банки томонидан келтирилган таҳлилий маълумотда, мамлакатимизда меҳнат бозорининг ривожланиши иқтисодийнинг ўзгариши билан бирга содир бўлаётгани, бу ҳолат турли касб эгаларига бўлган талабни ўсишига олиб келаётгани, меҳнат бозори талабларини қондиришда сифатли олий таълим муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб, олий таълим тизимидаги

ислоҳотларни меҳнат ва иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришларга мувофиқ амалга ошириш тавсия этилган.

Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар.

Коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг ижроси юзасидан олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, олий таълим муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш механизмлари яратилмоқда, қатор нодавлат олий таълим ташкилотлари ташкил этилмоқда, давлат олий таълим ташкилотлари босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилмоқда, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартлари такомиллаштирилиб, лавозим маошлари оширилмоқда, иш ҳақларига устамалар белгиланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгаши ташкил этилган бўлиб, олий таълим муассасаларида шаффофлик, холислик ва объективликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқорида белгиланган тадбирларнинг барчаси олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишда катта аҳамият касб этади. Жумладан, нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи молиялаштирадиган олий таълим муассасалари Давлат бюджетидан молиялаштирилмаслиги сабабли бюджет маблағларининг самарасиз сарфланиши билан боғлиқ коррупция ҳолатлари ўз-ўзидан бартараф этилишига олиб келади. Лекин мазкур олий таълим муассасалари талабаларининг билимини баҳолаш жараёнларидаги коррупция ҳолатларига қарши курашишни давом эттириш талаб этилади.

Олий таълим соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатар

Олий таълим соҳасида коррупция тушунчаси умумий хусусиятларни ўз ичига олиш билан бирга махсус соҳага оид хусусиятларини ҳам қамраб олади.

Олий таълим соҳасида коррупция – олий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, мансаб лавозимини суистеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади.

“Коррупциявий хавф-хатар” тушунчаси коррупция тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Мазкур тушунча “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш шаклида” келган.

Коррупциявий хавф-хатарлар коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига ёки уларни кенг ёйилишига хисса қўшадиган ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади.

Баъзи олимлар коррупциявий хавф-хатар тушунчасини коррупциявий муаммонинг синоними ёки давлат ва жамият фаолиятида қийинчиликлар келтириб чиқарувчи омил сифатида баҳолашган.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар турли хил шаклларда содир этилади.

Олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари – олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг турли кўринишлари ҳисобланади.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги шакллари кўрсатиб ўткан: давлатга қаршли ОТМда бюджет маблағларини талон-торож қилиниши; ОТМни аккредитация қилиш учун пора бериш; олий таълимга оид диплом ва бошқа ҳужжатларни ноқонуний усулда олиш; танлов натижасини ҳисобга олмаган ҳолда ОТМни рўйхатдан ўтказиш; талабаларни баҳолаш жараёнида ўқитувчилар томонидан коррупциявий товламачилик содир этиш; ўқишни истамаган талабаларни ўқитувчиларга коррупциявий босим қилиши; ҳамкасблар ва раҳбариятни масъул ўқитувчиларга талабаларни қўллаб-қувватлаш масаласида коррупциявий босимлар ўтказиши.

Соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги шакллари мамлакатимиз доирасида долзарб ҳисобланади:

- ОТМга кириш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;
- талабаларни баҳолаш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;
- битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва химоя қилиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;
- талабаларнинг давоматини яшириш мақсадида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;
- ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклаш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;
- илмий-тадқиқот жараёнларида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;
- бюджет маблағларини талон-торож қилиш;
- раҳбар ходимлар ва ҳамкасбларни масъул ўқитувчиларга коррупциявий босим ўтказиши;
- ОТМ ходимларидан коррупциявий мақсадларда ноқонуний пул маблағларини йиғиш;
- талабларга китоблар ва бошқа ўқув материалларини мажбурий сотиш ҳамда бунинг учун уларни турли жабҳаларда қўллаш;
- ОТМни битирганлиги тўғрисида сохта диплом ёки бошқа ҳужжатлар бериш;
- кадрларни лавозимга тайинлаш, уларни ишдан бўшатиш, молиявий рағбатлантириш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;

– ОТМга давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш;

– талабаларни ётоқ жойи билан таъминлаш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш ва бошқалар.

Республика олий таълим соҳасида 2018-2019 йиллар давомида содир этилган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилсак, уларнинг 42 таси бюджет маблағларини талон-торож қилиш, 28 таси ўқишга пора эвазига киритиб кўйиш, 9 таси таълимни тўлиқ ўзлаштирмаган талабаларга ижобий баҳо кўйиш, 7 таси сурункали дарс машғулотларига қатнашмаган талабларга диплом олиб бериш, 6 таси ОТМга пора эвазига ишга қабул қилиш, 3 таси бошқа ҳолатларда пора олиш билан боғлиқ. Рақамлардан мамлакатимизда бюджет маблағларни талон-торож қилиш, пора эвазига ўқишга киритиб кўйиш, пора эвазига баҳо олиб бериш, пора эвазига ишга олиш каби коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари кенг тарқалганлигини кўриш мумкин.

Олий таълим соҳасида содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Жумладан, А.Осіріан ҳуқуқбузарлик шаклларини турли асослар бўйича таснифлайди. Хусусан, у ҳуқуқбузарликларни содир этилиш усулига кўра: порахўрлик, непотизм, фаворотизм, фрибгарлик, моддий бойикларни талон-торож қилиш, плагиат, касбий одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш, шартномани бузиш шаклларга; содир этилиш соҳасига кўра: ОТМга қабул қилиш, таълим бериш, битириш, аккредитация ва лицензиялаш, профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш ва рағбатлантириш жараёнида, тадқиқот олиб бориш, грантлар олиш жараёнида содир этиладиган; субъектлар ўртасидаги муносабатларга кўра: давлат-университет, тадбиркор-университет, факультет-талаба, факультет-бошқарув, давлат-талаба ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик шакллари таснифлайди.

Соҳадаги коррупциявий ҳуқуқий муносабатлар давлат ёки минтақа бўйича долзарб ва ўзига хос бўлади.

Жумладан, Италияда мафия ва ОТМ ўртасидаги коррупциявий муносабатлар мавжудлиги сабабли тадқиқотчилар томонидан бу ҳолат соҳадаги янги коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакли сифатида баҳоланди. АҚШда фрибгарлик, плагиат ва талабалар удабронлиги кенг тарқалган бўлса, Россия Федерациясида ОТМга кириш ва ўқишни тамомлаш жараёнидаги порахўрлик долзарб шакллар ҳисобланади. Буюк Британияда ОТМни аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ коррупция муҳим аҳамият касб этса, Хитойда ўқишни битирганлиги тўғрисида сохта сертификат бериш кенг тарқалган. Биргина АҚШда хусусий олий таълим ривожланиши натижасида университетларнинг давлатдан қарзлари. 1.7 млн. доллордан 17 млн. долларга ортди ва турли фрибгарликларни содир этишга олиб келмоқда.

Коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга вужудга келишини халқаро тажрибадан кўриш мумкин. Масалан, хусусий олий таълим ривожланган АҚШ ва Европа мамлакатларида ОТМни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида коррупциявий ҳолатлар кўп учраса, мамлакатимизда хусусий ОТМ энди ривожланаётганлигини инобатга олган

холда мазкур ҳуқуқбузарлик яқин келажакда долзарб шаклга айланиши мумкин.

Олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар талабалар, гуруҳ етакчилари, ўқитувчилар, раҳбарлар ва бошқа шахслар ташаббуси билан содир этилиши мумкин. Сиёсий таъдқиқотчи Албина Юнни ўрганиш натижаларига кўра, мамлакатимиз ОТМда юзага келадиган коррупциявий келишувларнинг 25 фоизи талабалар, 24 фоизи ўқитувчилар, 10 фоизи гуруҳ етакчилари, 3% ходимлар, 38% бошқа шахслар ташаббуси билан содир этиладиганлиги кўрсатилган.

Фикримизча, коррупциявий ҳуқуқбузарлик коррупциявий манфаатни ким кўришига қараб индивидул ва институционал кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар бўлиши мумкин. Индивидул кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар натижасида алоҳида яқин шахс ёки шахслар манфаатдор бўлади. Мисол учун, пора эвазига ОТМга киритиб қўйиш, талабага пул эвазига ижобий баҳо қўйиш. Институционал кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар натижасида алоҳида шахс ёки шахслар эмас балки маълум соҳа вакиллари ёхуд маълум тузилма манфаатдор бўлади. Масалан, ОТМни пора эвазига ноқонуний равишда давлат рўйхатидан ўтказиш.

Шунингдек, коррупциявий ҳаракатларнинг қонунийлигига кўра, қонуний фаолият асосида ва ноқонуний фаолият асосида амалга ошириладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга ажратиш мумкин. Қонуний фаолият асосида амалга ошириладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга ходимларни хизмат вазифасига субъектив ёндашуви, яъни ўқитувчи томонидан дўсти ёки юқори амалдорнинг билимсиз фарзандига ижобий баҳо қўйишини мисол қилиш мумкин. Ноқонуний фаолият асосида амалга ошириладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга ходимларни жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳаракат, яъни талабани пора эвазига бир таълим йўналишидан бошқа таълим йўналишига кўчиришини келтириш мумкин.

Бундан ташқари, олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳаракатларни содир этилиш соҳаларига қараб, таълим бериш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларга бўлиш мумкин. Талабаларнинг яқин ишини моддий манфаатдорлик эвазига ижобий баҳолашни таълим бериш, талабага моддий манфаатдорлик эвазига ётоқхона беришни хизмат кўрсатиш, пора эвазига ректор лавозимида тайинлашни бошқарув соҳасидаги коррупцияга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Олий таълимдаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) таълимдаги махсус коррупция:

– академик коррупция: талаба-факультет ва талаба-бошқарув ходими ўртасидаги коррупция;

– хизмат кўрсатишдаги коррупция: талаба-хизмат кўрсатувчи ходим ва талаба-бошқарув ходими ўртасидаги коррупция;

2) бошқарувдаги коррупция.

Худди шу каби, коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари ОТМ ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб, давлат, хусусий ва хорижий ОТМдаги ҳуқуқбузарликларга ажратиш мумкин.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишда коррупциявий ҳуқуқбузарлик хусусиятларини кўриб чиқиш муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай касалликка қарши курашишда, аввало, ушбу касалликнинг хусусиятлари, яъни инсон организмига салбий таъсири аниқланади, сўнгра касалликка қарши курашиш чоралари кўрилади.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, муносабат субъектлари сони кўплиги ва соҳада коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши юқорилиги.

Жумладан, 2019 йил ҳолатига Республикада 410 нафар бакалавриат 13 минг нафар магистр талабалар таълим олиши, 25.418 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилиши бунинг ёрқин мисоли бўлади. Мазкур субъектларнинг деярли ҳар куни ўзаро муносабатга киришиши ва бу жараёнда инсон омилининг юқорилиги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келиши мумкин;

Иккинчидан, талабаларни баҳолаш жараёнидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни кўзга кўринмаслиги, муносабат субъектлари ва жамоатчилик томонидан бу турдаги ҳаракатларни аҳамиятсиз ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаши.

Хусусан, талабани пул бериб ёки таниш мансабдорлар орқали ижобий баҳо олиши ўқитувчи ва талабалар томонидан жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида қабул қилинмайди. Мазкур майда коррупциявий ҳаракатларни ўқиш ва иш фаолиятида мунтазам содир этилиши уларни ўқитувчи ва талабалар учун оддий ҳолда айлантиради.

Учинчидан, олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар даврий асосда содир этилиш хусусиятга эга.

Жумладан, ҳар йили ОТМга кириш имтиҳонларини ўтказилиши, йилда икки марта оралиқ, якуний имтиҳонларини ўтказилиши ва битириш курсларида давлат имтиҳонлари, битирув малакавий ишларни топширилиши ҳолатларини келтиришимиз мумкин. Даврий асосда коррупциявий ўчоқларни юзага келиши ҳуқуқбузарлар учун узоқ ва пухта тайёргарликлар кўриш имкониятини яратади ҳамда бу соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни юқори бўлишига олиб келади;

Тўртинчидан, абитуриент ва талабалар учун олий маълумотга эга бўлиш катта ҳаёт йўлидаги ҳал қилувчи нуқта, кўп эҳтимол билан унинг келажаги учун кўприк бўлиши алоҳида бир хусусият. Ушбу муҳим ҳаёт босқичида ижобий натижага қонуний йўл билан эриша олмаган шахслар коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга уринади;

Бешинчидан, олий таълим соҳасидаги коррупция бўлажак кадрларда коррупциявий иллатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Масалан, талабанинг ўқитувчи билан тўғридан-тўғри коррупциявий муносабатларга киришиши уни саводсиз кадр бўлишига олиб келиши билан

бир қаторда, келгуси иш фаолиятида ҳам коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга ўргатиб боради. Зеро, соҳада коррупцияни авж олиши коррупцияга мойил бўлажак кадрлар учун тажриба майдони бўлиб хизмат қилади;

Олтинчидан, олий таълим соҳасидаги коррупция бошқа соҳаларга ҳам коррупциянинг кенг тарқалишига хизмат қилади.

Хусусан, ОТМга пора бериш йўли билан кирган ва уни коррупциявий йўллар билан тугатган талаба давлат хизматининг турли соҳаларига, жумладан соғлиқни сақлаш, қурилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга меҳнат фаолиятини давом эттиради ва бу ўз навбатида ушбу давлат хизмати соҳаларида коррупциянинг кенг тарқалишига олиб келади.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакли, таснифи ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, соҳадаги коррупциявий хавф-хатарлар келиб чиқиш сабаб ва омилларини аниқлашга имкон беради.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этиш жараёни

Бугунги кунда жаҳон амалиётида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда профилактик услублардан фойдаланиш кенг тарқалган. Коррупциявий жиноятларнинг кўпчилиги аниқланмай қолишини инобатга олсак, бу йўналишга кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Коррупциявий хавф-хатарларнинг таҳлил этиш жараёни миллий даражада кенг ўрганилмаган (шу жумладан олий таълим тизимида) соҳа бўлиб, лекин халқаро миқёсда ушбу йўналиш кенг тарқалган.

Жумладан, Claremont Университети томонидан “International Cooperation against Corruption, Finance & Development” қўлланмасида, “U4” Коррупцияга қарши курашиш маркази катта маслаҳатчиси Stenberg Johnson томонидан “The basics of corruption risk management A framework for decision making and integration into the project cycles” қўлланмасида, “U4” Коррупцияга қарши курашиш маркази маслаҳатчиси Marijana Trivunovic ва бошқалар томонидан “Developing an NGO corruption risk management system: Considerations for donors” қўлланмаси ва OECD ёки Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан “Integrity of Education Systems A Methodology for Sector Assessment” қўлланмасида батафсил ёритиб ўтилган.

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда уларни юза келтирувчи омиллар билан тўқнаш келамиз. **Профессор Robert Klitgaard коррупциявий хавф-хатарларни $K=M+B+X+O$ (К-коррупция, М-монополия, В -ваколат, Х-ҳисобдорлик, О-ошкоралик) формуласи** орқали ёритади. Формулада давлат ва жамият ҳаётида монополия эгаларининг эҳтиёткорлик билан муносабатга киришишлари учун уларни ҳисобдорлиги ва ошкоралиги таъминланиши керак.

Коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этиш – давлат органининг амалга ошираётган функциялари (ваколатлари)ни таҳлил этиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига шароит яратиши мумкин бўлган коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ҳамда уларни минималлаштиришга

қаратилган самарали ва натижали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича фаолият ҳисобланади.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этиш жараёнида маълумотларни жамлаш дастлабки ва муҳим босқич ҳисобланади. Бунда бир нечта фарқли усуллардан фойдаланиш мумкин:

Биринчидан, соҳасидаги давлат хизматчиларининг тегишли фаолиятини тартибга соладиган ҳамда функция (ваколат)ларини белгилаб берадиган норматив-ҳуқуқий ва локал ҳужжатлар (давлат органи тўғрисидаги низом, маъмурий регламентлар, юқори турувчи давлат органларининг баённома, қарорлари ва топшириқлари, лавозим йўриқномалари, буйруқлар ва бошқалар)ни олиш.

Иккинчидан, таълим муассасаларидаги ички текширувлар, жумладан, хизмат текшируви материаллари, давлат хизматчиси (ходими)нинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойиллигига оид фактлар тўғрисидаги хабарларни тўплаш, бу борада кўмаклашувчи шахслар хизматидан фойдаланиш.

Учинчидан, таълим хизматидан фойдаланувчилар талабалар, ўқитувчилар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа манфаатдор шахслар иштирокида ижтимоий сўровлар ўтказиш.

Тўртинчидан, соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистик маълумотлар олиш.

Бешинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, халқаро ва хорижий экспертлар маълумотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг олий таълим соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаганлиги ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган хабарлари олиш.

Олтинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан, прокурор назорати ҳужжатларини тўплаш.

Юқорида келтирилган усуллар ёрдамида тўпланган маълумотлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва шу асосда коррупциявий хавф-хатар аниқланади. Аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқиш эҳтимоли ва унинг салбий таъсир этиш ҳажмига қараб паст, ўрта, юқори даражада баҳоланади.

Сўнги босқичда сараланган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилади ҳамда зарур чора-тадбирлар белгиланади.

Хорижий мутахассис ва экспертлар коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилишда турли хил ёндашувларни келтириб ўтган. Хусусан, “U4” Коррупцияга қарши курашиш маркази катта маслаҳатчиси Stenberg Johnson фикрига кўра, “Коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этиш тўртта босқичдан иборат бўлиб, бу ёндашувда тизимли хавфларни ўрганиш, хавф даражасини аниқлаш ва самарадорлик кўрсаткичларига асосланган ҳолда хавф-хатарларни камайтириш чораларни танлашни тавсия қилади.

Таниқли эксперт Stenberg Johnson коррупциявий хавфларни таҳлил этиш жараёнини қуйидаги тўртта босқичга бўлади:

1) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларга бардошлилик даражасини белгилаш;

2) хавф-хатарлар даражасининг баҳолаш (эҳтимоллик ва таъсирлар);

3) фаол хавф-хатарлар даражасини бардошлилик билан таққослаш, агар талаб этилса, хавфларни бартараф этиш бўйича қарор қабул қилиш;

4) агар хавф-хатарларни бартараф этиш талаб этилса, энг кам ҳаражат ва самарали усулни танлаш”.

Stenberg Johnson услубига асосан, олий таълим соҳасида мавжуд бўлган хавф-хатарлардан бирини амалий мисол тарзида кўриб чиқсак, унинг ёндашувининг моҳиятини англаш мумкин бўлади.

Биринчи босқичда мавжуд хавф-хатарлар аниқланади, яъни бунда содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабаблари, унга йўл очиб берган омиллар ўрганилади. Масалан, маълум йўналишида ўқиётган талабани турдош бўлмаган бошқа йўналишга ўтказиш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ кўрсатилмаганлик ҳолатини соҳадаги коррупциявий хавф-хатарлардан бири сифатида аниқлаб олдик.

Иккинчи босқичда аниқланган хавф-хатарлар баҳоланади, яъни уни хавф даражаси, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиш имконияти, мавжуд тизимга салбий таъсирлари, салбий оқибатлари каби фактор бўйича ўрганилади. Юқоридаги мисолни давом эттирсак, талабани бир йўналишдан турдош бўлмаган бошқа йўналишга ўтказиш тартибини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгиланмаганлик ҳолатини юқори коррупциявий хавф-хатар сифатида баҳолашимиз мумкин. Зеро, талабга жавоб бермайдиган, билимсиз кадрларни шаклланиши давлатнинг ҳар қандай фаолиятига салбий таъсир қилади. Асосийси, ўқишга кириш имконияти катта бўлган йўналишдан рақобат кучли бўлган йўналишга пора эвазига ўтиш коррупциявий механизмга айлангани, бу борада талабгорларнинг қўплиги ва ушбу жараённи инсон омилига боғлиқ ҳолда ҳал этилиши хавфнинг юқори даражасини кўрсатиб беради.

Учинчи босқичда аниқланган ва баҳоланган хавф-хатарлар даражасини инсон омилига бардошлилиги таққосланади. Бунда мавжуд хавф-хатарлар даражасига мансабдорлар ёки бошқа ваколатли шахслар бардош бера олишлик имкониятлари таҳлил қилинади. Агар мансабдор шахснинг коррупциявий хавф-хатар даражасига бардош бера олмаслиги аниқ бўлса, уни бартараф этиш бўйича қарор қабул қилинади. Амалий мисолни давом эттирадиган бўлсак, ўзи қизиқмаган мутахасислик бўйича ўқиётган талаба албатта, ўзи ҳоҳлаган мутахасислиги бўйича ўқишни ҳоҳлайди ва бунинг учун турли йўллари кидиради. Талабанинг ўзи ҳоҳлаган йўналишга ўқишини кўчириш имконияти унинг учун ягона йўл сифатида майдонга чиқади, ўқишни кўчиришга талабгорлар кўп бўлиши, бу фаолиятда тегишли масъулларнинг ваколатлари аниқ белгиланмагани, мансабдор шахсларнинг коррупциявий босимга бардош бера олмаслик эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатади.

Тўртинчи босқичда аниқланган, баҳоланган ва инсон омилига бардошлилиги таққосланган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш учун самарали ва кам харажат чора танланади. Талабаларнинг турдош бўлмаган йўналишларга қўчириш коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқариши, бу бўйича ҳар йили ОТМда комиссиялар тузилиши, бунинг учун бюджетдан маблағлар ажратилиши ёки масъулларга қўшимча вазифалар юклаши каби ҳолатларни инобатга олсак, турдош бўлмаган мутахассислик бўйича талабаларни қўчириш тартибини бутунлай бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

“U4” Коррупцияга қарши курашиш маркази маслаҳатчиси Marijana Trivunovic томонидан коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этишни тўрт босқичга бўлинган бўлсада, Stenberg Johnson усулидан фарқли равишда у хавф-хатарларни инсон омилига бардошлилигига алоҳида эътибор бермаган, лекин хавф-хатарларни бартараф этиш учун танланган чорани амалга оширишни алоҳида босқич сифатида кўрсатган.

“Хусусан:

а) дастур ёки лойиҳа асосида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун коррупциявий хавф-хатарлар ва таҳдидларни аниқлаш;

б) коррупциявий хавф-хатарларни эҳтимоллик даражаси ва таъсир этиш имкониятларига асосан жиддийлик даражасини белгилаш;

в) коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун аниқ ва устувор чора-тадбирларни белгилаш;

д) коррупциявий хавф-хатарларни юзага келиш имкониятлари ва зарарли таъсирларни камайтириш мақсадида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш”.

Таълим тизимида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этишнинг яна бир ёндашуви Integrity of Education System (INTES) ёки Таълим тизимининг яхлитлиги деб номланади. Бу тизим Open Society Foundation (Очиқ жамият фонди) томонидан АҚШдаги ўрта махсус ва ОТМда қўлланган. Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан Украина таълим тизимни таҳлил этишда ҳам фойдаланилган.

INTES юқоридаги ёндашувлардан фарқли равишда таҳлилни уч босқичда амалга оширади:

1) “Соҳада мавжуд хавфни аниқлаш, яъни коррупциявий ҳуқуқбузарлик “нима” деган саволга жавоб топиш, бунда яхлит ҳуқуқбузарлик нима эканлиги аниқланади;

2) Сабабий таҳлилни амалга ошириш, яъни коррупциявий ҳуқуқбузарлик “қандай” содир этилган деган саволга жавоб топиш, бунда ҳуқуқбузарликка йўл очган имкониятлар аниқланади ҳамда сабабий таҳлилни иккинчи қисмини амалга ошириш, яъни бунда коррупциявий ҳуқуқбузарлик “нима учун” содир этилган деган саволга жавоб топиш, бунда ҳуқуқбузарлик учун қандай манфаат яратишини аниқлаш;

3) Соҳада мавжуд хавфни бартараф этиш бўйича қарор қабул қилиш, бунда содир этиладиган ҳаракатлар шакллантирилади”.

INTES услуби соҳада мавжуд хавф-хатарларни аниқлаш, уларни асл сабаб ва омилларини топишда жуда қулай, бироқ мазкур ёндашувда аниқланган хавф-хатарларни баҳолашга, бартараф этилиши лозим бўлган хавф-хатарларни белгилаб олишга эътибор қаратилмаган. Фикримизча INTES услубини учинчи босқичини хавф-хатарларни инсон омилига таққослаш орқали баҳолаш жараёни билан тўлдирсак мукамал тизимга эга бўламиз.

М. Trivunovic эса коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этишни асосан, иккита йўналишга, яъни хавф-хатарларнинг олдини олиш ва жазолаш йўналишига бўлади. Фикримизча, мазкур икки йўналишни бир-биридан алоҳида ажратиш ёки уларни алоҳида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш унинг оқибатлари билан курашишдан кўра яхши, лекин таҳлил ва тизимли ўзгаришларни амалга ошириш учун бу мукамал тизим яратилди ёки коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилмайди дегани эмас. Шунинг учун содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қонуний чора кўриш жазолаш йўналиши орқали таъминланади. Ҳар бир давлатда бу икки йўналишни мавжуд бўлиши коррупциянинг максимал олдини олиш имкониятини беради.

Юқорида келтирилган коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этиш услубларини нафақат олий таълим соҳасида, балки бошқа соҳаларда (соғлиқни сақлаш, капитал курилиш, банк-молия ва бошқа) ҳам қўллаш мумкин.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этишни кўйидаги асосларга кўра ҳам таснифлаш мумкин.

Биринчидан, ҳудудийлик тамойили асосида, давлатнинг бутун ҳудудидаги ёки айрим ҳудуддаги ОТМда тадқиқот ўтказиш (Республика ёки Тошкент шаҳрида жойлашган ОТМда).

Иккинчидан, соҳалар асосида, мутахасислик йўналишлари бўйича ОТМни тадқиқ қилиш (Республикадаги тиббиёт ОТМ).

Учинчидан, хавф-хатарларни содир этилаётган ҳуқуқбузарлик турлари асосида тадқиқ қилиш (мансабдор шахслар порахўрлик жиноятлари).

Тўртинчидан, ОТМнинг ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра хавф-хатарларни таҳлил қилиш (давлат, хусусий ёки хорижий ОТМда).

Бешинчидан, соҳанинг айрим босқичларида хавф-хатарларни таҳлил қилиш (Ўқишга кириш, талабаларни баҳолаш, бошқарув босқичларида).

Олтинчидан, соҳада мавжуд лавозимлар бўйича коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш (ректор, проректор, ҳисобчи, ёки кафедра мудири).

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқиш омилларини аниқлаш уларни таҳлил қилиш жараёнидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Мазкур босқичда бутун тизимдаги маълумотлар умумлаштирилиб, турли усулларда таҳлил қилинади.

Ушбу параграфда мамлакатимиз олий таълим тизимидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқиш омилларини амалий ва статистик маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

Олий таълим тизимидаги коррупция талабани ўқишга киришдан бошлаб, то диплом олишига қадар бўлган ҳар бир босқичда кўзга ташланади, мазкур масалалар жуда кенг бўлгани сабабли энг долзарбларига тўхталиб ўтамиз.

I. Бюджет маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарлик омиллари.

Олий таълимга давлат томонидан ажратилган маблағлар миқдори ошган сари бюджет маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳам ўсиб бормоқда.

Бюджет маблағларини талон-торож қилинишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

Биринчидан, қуйи тизимда ишлаётган раҳбарларни бухгалтерия соҳасида етарли билим ва малакага эга эмаслиги ва молиявий масалаларга етарлича эътибор қаратилмаслиги ҳисобланади.

Ушбу тоифадаги жинойтлар муассаса ҳисобчилари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий жинойий схемалар асосида содир этилмоқда ва мазкур ҳолатда раҳбарнинг молиявий билимсизлиги ҳисобчиларга учун имконият яратмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори жроси вазирлик ва унинг тизимида ташкил этилган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан бажарилмаяпти.

Хусусан, мазкур қарорга асосан таълим ва тиббиёт муассасаларида ички аудит ва молиявий назорат хизматларини ташкил этишдан асосий мақсад давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлаш, бюджет қонунчилигига риоя этилишини профилактика қилиш ҳисобланади.

Бироқ, муассасаларда замонавий ахборот технологиялари воситалари ёрдамида (“Uzasbo”) бюджет маблағларини сарфланиши устидан даврий назорат ташкил этилган бир вақтда, бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган давлат молиявий назоратининг энг устувор вазибалари тўлиқ амалга оширилмаяпти.

Учинчидан, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш инсон омилига боғлиқ бўлиб, дастурга ҳисобчи томонидан маълумотлар киритиш имконияти чекланмагани, доимий назоратга олинмагани сабабли молиявий маълумотлар тўғрилиги фақат даврий текширувда аниқлаш мумкин.

Иш ҳақи ва бошқа маблағларни тўлаш бевосита ходимга оид буйруқларга боғлиқ бўлишига қарамасдан иш ҳақи дастурига ходимлар бўлими электрон тарзда боғланмаган, дастурга буйруқ ва бошқа иш ҳақини тўлаш учун асос бўладиган ҳужжатларни электрон шаклини юклаш ташкил этилмаган, молиявий назорат органларида доимий электрон назорат воситаси мавжуд эмас.

Тўртинчидан, бюджет маблағлари ва моддий ресурсларни тасарруф этишда, давлат харидларини амалга оширишда мутлоқ ваколат раҳбар ва ҳисобчилар қўлида бўлиб, мазкур фаолият устидан жамотчилик назорати, очиклик ва шаффофликни таъминловчи манфаатдор шахслардан шакллантирилган институционал тузилмалар мавжуд эмас.

Жумладан, муассасага турли ускуналар, жиҳозлар ва ўқув ресурсларини сотиб олиш, қурилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олиб боришда давлат маблағлари молия ташкилоти мансабдорлари, муассаса раҳбари, ҳисобчиси, қурилиш бўйича мутахасис, хўжалик бўлими мудирлари ходимлари ўртасида турли тизимли жиной механизмлар асосида талон-торож қилинмоқда.

Олтинчидан, ОТМни ўзини-ўзи молиявий таъминлаш жорий этилмаганлиги давлат бюджети маблағларини ўзлаштиришнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори билан 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида 10 та ОТМга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишга рухсат берилди.

II. Кириш имтиҳонлари билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарлик омиллари.

Ўтган 2018-2019 йиллар давомида ўқишга киритиб қўйиш важи билан 58 нафар олий таълим ходимлари тамагирлик қилган.

Тезкор маълумотларга кўра, ўқишга киритиш учун талаб қилинаётган пора миқдори 1 мингдан 10 минг АҚШ долларигача бўлиб, порапхўрлик асосан сиртқи, кечки, махсус сиртқи ва иккинчи мутахассислик йўналишларига қабул қилишда кенг тарқалган.

Хусусан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси “А” фуқаро “Б”ни институтнинг бухгалтерия факультети сиртқи йўналишига ўқишга киритиш учун 10 минг АҚШ доллари олган вақтда ушланган.

Ижодий имтиҳонлар топшириш жараёнида ҳам қўплаб суиистеъмоллик ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Жумладан, Фарғона давлат университети ўқитувчиси “А”, университет қабул комиссияси фаолиятида иштирок этганлигидан фойдаланиб, фуқаро “Б”ни жисмоний маданият йўналишига ўқишга кириши учун

ижодий имтиҳондан юқори балл қўйдириб бериш эвазига 6 минг АҚШ доллари олган вақтда ушланган.

Олий ўқув юртлари талабалари ҳам турли жинойтларга қўл ураётган бўлиб, сўнгги икки йилда 21 нафар талаба ёшлар бундай жинойтларга аралашгани сабабли жавобгарликка тортилган.

Масалан, Андижон давлат тиббиёт институти 5-босқич талабаси “А” фуқаро “Б”ни институт раҳбарлари орқали ўқишга киритиб қўйиш учун 12 минг АҚШ доллари олган вақтида қўлга олинган.

Давлатимиз раҳбарининг қарорлари билан 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб, хорижий ўқув юртлари билан ҳамкорликда талабаларни ўқитиш ва икки томонлама тан олинадиган диплом бериш амалиёти жорий этилди. Ҳозирда 55 та олий ўқув юртларида хорижий ҳамкорлар билан 83 та бакалаврият ва 64 та магистратура йўналишларида кадрлар тайёрланмоқда. Афсуски, бу жараёнда ҳам турли суиистеъмолликларга йўл қўйилмоқда.

Мисол учун, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг “Пахта саноати технологияси” факультети декани ўринбосари “А” фуқаро “Б”ни “Косигин” номидаги Россия давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма факультетга киритиб қўйиш эвазига 3,5 минг АҚШ доллари олгани вақтда ушланган.

Тошкент шаҳридаги 4 та Россия билан қўшма факультетларда талабаларнинг рус тилини билиш даражаси ўрта мактаб дастурлари асосида ўрганилганда, натижалар ўта қониқарсиз бўлган.

Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қўшма факультетининг синовда иштирок этган талабаларидан 75 фоизи диктантдан “қониқарсиз” баҳо олган бўлиб, рус тилида таълим олаётган 2-курс талабаси, ўз фамилияси, институт ва факультет номини тўғри ёзиб бера олмаган ва диктантдаги жами 113 та сўздан бор-йўғи 4 тасини тўғри ёзган. Ваҳоланки, бу факультетларга кириш имтиҳонлари рус тилида ўтказилган, дарслар рус тилида олиб борилади, бу талабалар ўқишининг кейинги 2 йилини Россияда давом эттириши керак.

Юқоридаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда.

Биринчидан, кириш имтиҳонлари, яъни тест синовлари эскирган бўлиб, асосан ёдлаш ва хотирада сақлаш қобилиятига асосланган. Бу айниқса ижтимоий ва табиий фанлар йўналишларида кенг тарқалган. Тест синовлари номзоднинг дунёқариши, мантиқий фикрлаш қобилиятлари, умуман олганда соф билим даражасини белгилаб бера олмайди.

Иккинчидан, тест синовларига талабалардан кўп маълумотларни ёдлаш талаб этилгани уларни ўз билимларига ишонмасликка, имтиҳон адолатли бўлмаслиги ҳақида тасаввурлар шаклланишига олиб келмоқда ва бу уларни, ота-оналарни ўқишга киришда ноқонуний йўлларида фойдаланишга ундамоқда.

Учинчидан, мамлакатимизда кириш имтиҳонлари компьютер технологиялари асосида ўтказилмайди, талаба ўз имтиҳон натижасини маълум муддат ўтгандан сўнг билади. Имтиҳонлар натижаларини текшириш инсон омилига боғлиқлиги албатта коррупциявий ҳолатларга сабаб бўлади.

Тўртинчидан, кириш тест синовлари видео тасвирга олинаётган бўлсада, айрим ижодий имтиҳонларни тасвирга олиш, уни сақлаш талаблари умуман мавжуд эмас. Спорт, амалий санъат бўйича имтиҳонлар сифатли видео тасвирга олинмагани сабабли аризаларни тўлиқ ўрганиш имконияти бўлмапти.

Бешинчидан, мамлакатимизда олий таълимнинг қамров даражаси паст бўлиб, 2019 йилда бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этмоқда ва рақобат кучлилиги номзодларни барча имкониятлардан фойдаланишга ундамоқда.

Олтинчидан, имтиҳонларни қисқа муддатда жуда кўп номзодлар иштирокида ўтказилиши назорат сифатига салбий таъсир қилиб, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга имкон яратмоқда.

Еттинчидан, ДТМни назорат қилиш тартиб ва қоидалари аниқ белгиланмагани сабабли ДТМ фаолиятида ҳисобдорлик, очиқлик ва ошқоралик мавжуд эмас.

III. Таълим бериш жараёни билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарлик омиллари.

Талабаларга таълим бериш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сонига қараб, бу турдаги жиноятлар кам деб ҳулоса қилиш нотўғри бўлади. Зеро, мазкур жиноятларни аниқланиш даражаси жуда паст.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик Маркази томонидан 2018 йилда ўтказилган сўровда 29 фоиз, 2019 йилда ўтказилган сўровномада 35 фоиз иштирокчилар олий таълим тизимида коррупция кенг тарқалганлигини эътироф этган.

Иккинчидан, таълим бериш жараёнида талабаларни баҳолаш тизими тўлиқ инсон омилига боғлиқ бўлиб, бу ўқитувчиларда манфаатдорлик ҳолатларини келтириб чиқаради.

Учинчидан, ОТМни зарур моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланмаслиги таълим сифатига салбий таъсир қилмоқда ва бу коррупциявий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Олий ўқув юртлари замонавий ҳамда таълим тилидаги дарслик ва ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминланмаган.

Таҳлиллар, ОТМда ўқув режаларидаги фанларнинг 24 фоизи бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

ОТМда ўқитилаётган айрим дарслик ва ўқув қўлланмалари маънан эскириб, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Масалан, Тошкент автомобиль йўллари институтидаги мавжуд 351.417 та ўқув адабиётларининг 59 фоизи 1991 йилга қадар нашрдан чиққан.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сонли қарорига биноан ўқув адабиётларини янгилаб бориш учун соҳасига қараб 5 йилдан 10 йилгача муддат белгиланган.

Тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологияларини таълим ва имтиҳон жараёнларига жорий этишдаги талаб даражасида эмас.

Мисол учун, ОТМнинг 14 тасида электрон кутубхонадан онлайн фойдаланиш имконияти яратилмаган, 18 тасида барча фанлар бўйича электрон ресурсларни марказга жойлаштириш тўлиқ амалга оширилмаган.

Халқаро тажрибада масофадан ўқитиш тизимидан кенг миқёсда фойдаланилаётган бир пайтда, ОТМда электрон платформа орқали таълим беришга етарли эътибор берилмаяпти.

Айрим олий ўқув юртларида ҳанузгача компьютер етишмовчилигига барҳам берилмаган бўлиб, жумладан Бухоро давлат университети 60 фоиз талабалари компьютер билан таъминланмаган.

Бешинчидан, таълим сифатининг пастлиги асосий коррупциявий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан 2019 йилда 22 та ОТМларда таълим сифати бўйича ўтказган текширишдан 13 таси шартли равишда ўтказилган бўлса, 1 таси ўта олмаган.

Таълим сифатига айрим профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Мутахассислар етишмагани сабабли профессор-ўқитувчилар томонидан таянч маълумоти тўғри келмаган фанлардан дарс ўтиш ОТМдаги энг оғриқли масалалардан бўлиб қолмоқда.

Олтинчидан, ОТМ ўқув дастурида номутахассислик фанларини жуда кўплиги коррупциявий омиллардан бири бўлмоқда.

Талабалар ўзлари қизиқмаган, ўз келажак фаолиятлари учун зарур бўлмаган фанларни ўқимаслиги, бунинг натижасида имтиҳон жараёнида мазкур фанлардан коррупциявий усулларни қўллаб баҳо олишга уринадилар.

Давлат раҳбари томонидан 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномада, олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилиши, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилишини таъкидлаб ўтилди.

IV. Талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклаш билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарлик омиллари.

Талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклаш жараёни коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилиши кўлами бўйича ўқишга киритиш ва таълим жараёнидаги коррупциядан кейинги ўринда туради.

Мазкур ҳуқуқбузарликларни мавсумий асосда содир этилиб, талабалар учун манфаатдорлик хусусияти юқорилиги сабабли пора миқдори катта бўлади.

Мазкур жараёнда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабабчи бўлган омилларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклаш жараёнларининг очиқ ва ошкора ўтказилмаётгани.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июнда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабаларни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарорида жараён тартиби аниқ кўрсатилмаган.

Жумладан, мазкур Низомнинг 4-бандида, олий таълимнинг турдош таълим йўналишлари рўйхати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиши ва таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланиши белгиланган. Турдош таълим йўналишини қарорда аниқ кўрсатилмасдан ҳаволаки нормага йўналтирилиши коррупциявий омиллардан бири бўлмоқда.

Олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишига сабабчи бўлган омилларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Хусусан, мазкур омилларни хусусиятлари умумийлигига кўра: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омилларга бўлиш мумкин. Ҳар бир омилларни амалий мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш уларнинг туб моҳиятини англашга ёрдам беради.

Иқтисодий омиллар ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, ойлик маошни кўтариш, ОТМни зарур моддий-техник ашёлар билан таъминлаш, янги бинолар қуриш ёки мавжудларини реконструкция қилиш фаолияти иқтисодий омиллар билан боғлиқ.

Сиёсий омиллар соҳадаги коррупцияга қарши курашиш амалдаги ҳукуматнинг асосий мақсад ва вазифалари билан боғлиқ бўлади. Агар ҳукумат томонидан олий таълим соҳасини “коррупциядан ҳоли” соҳага айлантириш мақсади билан кенг қўламли ислохотлар амалга ошириш чоралари кўрилмаганда эди, бу борада ижобий натижаларга эришиш деярли имконсиз бўларди. Шунингдек, давлатда ўрнатилган сиёсий тартиб хусусияти ҳам коррупциявий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, халқаро тарихий тажриба демократик бошқарув тартиби коррупцияни камайишига, авторитар ва анархия бошқарув тартиби эса унинг кенг тарқалишига хизмат қилган.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш барча соҳаларда бўлгани каби олий таълим соҳасида ҳам мавжуд. ОТМга киришда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 та тоифа бўйича имтиёзлар берилган бўлиб, булар бир тарафдан ижобий қўллаб-қуваватлаш бўлса, иккинчи тарафдан ушбу имтиёзларга эга бўлиш жараёнига коррупция аралашishi мумкин.

Маънавий омиллар коррупцияга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга, чунки аҳолида коррупцияга қарши муросасиз муносабат шакллантириш самарали чоралардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак, деб таъкидлаб ўтдилар.

§ 2.2. Олий таълим “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш натижалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сон Фармонининг 8-бандида, 01.08.2019 йилдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва

етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда олий таълим ва капитал курилиш соҳаларида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш, 01.04.2020 йилдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этиш белгиланган.

I. Олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш борасида амалга оширилган ишлар:

Президентимизнинг ташаббуси билан таълим тизимининг муҳим босқичи ҳисобланган олий таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, сўнгги уч йилда ушбу соҳага оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Бу давр ичида республикада янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиаллар ва 14 та хорижий олий ўқув юртлари ташкил этилган.

Юздан ортиқ бакалавриат ҳамда 94 та магистратура йўналишлари бўйича кадрларнинг тайёрланиши йўлга қўйилган бўлса, 2019 - 2020 ўқув йилидан бошлаб, 59 та олий ўқув юртида сиртқи ва 10 тасида кечки таълим жорий қилинган.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, 17.07.2019 йилда Тошкент шаҳридаги “Туркистон” саройида олий таълим соҳаси вакилларининг соҳани “Коррупциясиз соҳа”га айлантириш бўйича Ўзбекистон халқига мурожаати эълон қилинган.

Бош прокуратура томонидан тегишли мутахассислар ва экспертлар жалб қилинган ҳолда “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган ҳамда 30.08.2019 йилда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан тасдиқланган.

Ушбу “Йўл харитаси” 7 та бўлим ва 46 та банддан иборат бўлиб, унда белгиланган тадбирларни 2019-2020 йилларда амалга ошириш, бу давр ичида 31 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва 15 та амалий-ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

“Йўл харитаси” ижроси таъминланиб борилиб, бугунги кунда 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, 3 та лойиҳалар кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилган ва 4 таси ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилган.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати ва Бош прокуратура томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда барча олий таълим муассасаларида “Таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилган.

Ушбу тадбирларда 24.778 нафар профессор-ўқитувчилар ҳамда 160.725 нафар ўқувчи-талабалар иштирок этишиб, таълим соҳасида абитуриентларни ўқишга қабул қилиш жараёнидан бошлаб, диплом олишгача бўлган ҳар бир босқичида кузатилаётган коррупция ҳолатлари ва уларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинган.

18.01.2020 йил куни Республика идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида барча олий таълим муассасалари ректорлари

иштирокида олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш аҳволи ва қонунийликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинган.

Ушбу йиғилиш натижаси бўйича 14.02.2020 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” тасдиқланиб, ижрога қаратилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 14.02.2020 йилдаги “Олий таълим муассасалари ректорларини лавозимларга тайинлаш тўғрисида”ги 82-сон қарори билан 10 та олий таълим муассасасиларига янги раҳбарлар тайинланган.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда 26.02.2020 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш: муаммо ва таъсирчан чоралар” мавзусида давра суҳбати ўтказилган.

Республиканинг, шунингдек халқаро ва хорижий давлатларнинг экспертлари жалб қилинган ҳолда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА), БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда ЕХХТ лойиҳалари кўмагида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан 2020 йилнинг 27-28-февраль кунлари “Олий таълим – коррупциясиз соҳа” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилган.

Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларни аниқлаш мақсадида олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор ва ўқитувчилари ҳамда бошқа ходимлари ўртасида мунтазам равишда аноним сўровномалар ўтказиш йўлга қўйилган.

Олий таълим муассасалари талабалари ва магистрантлари учун коррупция ҳолатлари билан тўқнашган вақтида аноним хабар қилиш имконини берувчи электрон платформанинг дастурий платформаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Олий таълим муассасалари веб-сайтларида “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар порталини яратиш бўйича ахборот тизимининг техник топшириғи яратилган.

Олий таълим муассасалари ўртасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини жадаллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасалари ўртасида коррупцияга қарши рейтингни жорий қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар” дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Олий таълим муассасаларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида “Электрон университет” лойиҳаси босқичма-босқич амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, тадқиқот ишлари, илмий мақолаларни электрон эълон қилиш бўйича “uzjournals.edu.uz” электрон журнал ишлаб чиқилган бўлиб, унда 41 та олий таълим муассасаларининг электрон журналлари халқаро илмий-техник

маълумотлар базаларининг стандартлари асосида қайта шакллантирилган ҳамда “Scopus” тизимида индексация қилиш йўлга қўйилган.

Олий таълим муассасаларидан турли маълумотларни олишда шаффофликни таъминлаш ва бу жараёнда коррупцияни олдини олиш мақсадида “talaba.edu.uz” ахборот тизими ишлаб чиқилиб, талабаларнинг ўқиш жойи (таълим муассасаси)дан маълумотнома олиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, олий таълим муассасасини тамомланганлиги тўғрисида дипломнинг дубликатини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш бўйича электрон платформаси ишлаб чиқилган ҳамда синов тарикасида жорий этилмоқда.

Профессор-ўқитувчилар ўртасида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 30.12.2019 йилдаги 1201-сон буйруғи билан “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун намунавий касб одобномаси” тасдиқланган.

Шунингдек, тизимнинг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ўқув дастурининг “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” модули мазмунига коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича мавзулар киритилиб, ушбу мавзуларни ёритишга Бош прокуратура Академияси мутахассислари, тажрибали ҳуқуқшунос ўқитувчилар жалб қилинган.

Шу мақсадда, 2019 йилнинг май ойидан 2020 йилнинг март ойига қадар олий таълим муассасаларининг 5.310 нафар раҳбар ва педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиб, ушбу мавзулар бўйича ўқитилган.

Олий таълим тизимида “Касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари” бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 05.12.2019 йилдаги 1109-сонли буйруғи асосида 2019 йилнинг 17-21 декабрь кунлари Бош прокуратура Академияси билан биргаликда тренерлар тайёрлаш курслари ташкил этилган, ушбу курсларда 90 та олий таълим муассасасидан жами 121 нафар тренерлар тайёрланган.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20.02.2020 йилдаги 135-сонли буйруғи асосида вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий, Тошкент давлат педагогика, Самарқанд давлат университетлари ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун вазирлик тузилмасида 3 та штат бирлигидан иборат “Назорат-ҳуқуқий” бўлими ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланган.

Олий таълим муассасаларига қабул жараёни шаффофлигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, Давлат тест маркази томонидан абитуриентлар томонидан келиб тушган кўплаб мурожаатларни эътиборга олиб, учта фан блоки бўйича очик тестлар кесимидаги саволлар базасини тақдим этиш учун дастур ишлаб чиқилган ва дастур 27.02.2020 йил куни <http://onlinetest.dtm.uz/newtest> расмий веб сайтыга жойлаштирилган.

Тест синов материаллари базасининг очиклигини таъминлаш мақсадида 12 та умумтаълим фанлари бўйича 2020 йил қабул тест синовлари учун шакллантирилган базадан тест топшириқлари намуналари Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиш йўлга қўйилган.

Буюк Британиянинг GCE ва GSCE имтиҳонларини ўтказиш учун масъул бўлган Gambridge Assessment ташкилоти билан 2020 йилнинг апрель ойида Gambridge Assessment экспертлар гуруҳини Давлат тест маркази ходимлари малакасини ошириш учун жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Давлат тест маркази томонидан хорижий тажриба таҳлили асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга олий таълим муассасаларига қабул жараёни билан боғлиқ иштирокчиларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи нормаларни киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда тегишли идоралар билан келишилмоқда.

Давлат тест маркази иш фаолияти тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича 17.12.2019 йил куни очик пресс-тур ташкил этилиб, унда 20 га яқин ОАВ вакиллари иштирок этган.

Давлат тест марказининг расмий телеграмм каналида “2019-2020 ўқув йилида давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриятига қабул учун ўтказилган тест синовларида шаффофлик таъминландими?” деган савол билан аноним сўров ўтказилиб, унинг натижаларига кўра иштирокчиларнинг 62 фоизи ижобий, 38 фоизи салбий фикр билдирган.

Бундан ташқари, мактаб ўқувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини унификация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимлари иштирокида 07.02.2020 йил куни ўтказилган Давлат тест маркази Илмий методик кенгашида муҳокама қилинган.

Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан хорижий давлатларнинг ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўшма факультетларга ўқишга қабул қилиш жараёнларини Давлат тест маркази билан биргаликда ўтказиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмоқда ҳамда ижодий имтиҳонлар ўтказиш бўйича меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ҳам ўзгартириш киритилиб, (ВМнинг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори, 2-илова) унга кўра, тиббиёт ва фармацевтика ОТМларидан бошқа ОТМлар учун магистратурага киришда абитуриентлардан 086-У-шаклдаги тиббий маълумотномани талаб қилиш бекор қилинган.

Таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, олий таълим тизимида коррупция ҳолати юзасидан олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Тугалланган фан ўқитувчиларининг дарс бериш самарадорлигини талабалар томонидан аноним тарзда баҳолаш” ҳамда “Талабалар орасида ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, яратилган шароитлар ва бўш вақт масалаларини ўрганиш” бўйича сўровномалар ўтказилган.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда ўқувчи-талабалари ўртасида коррупцияга оид ҳолатларни аниқлаш юзасидан онлайн аноним сўровнома ўтказишнинг электрон тизими ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Жумладан, 2020 йилнинг 1-15 март кунлари ўтказилган онлайн аноним сўровномада олий таълим муассасаларидан 29.800 нафар талаба қатнашган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 31.01.2020 йилда “Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 59-сон қарори қабул қилинган.

“Электрон университет” лойиҳаси доирасида ўқув жараёнини электронлаштирилмоқда ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимида ўтказиш механизмлари ишлаб чиқилиб, уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш режаси ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, педагогика йўналишида махсус сиртқи таълим шакли мавжуд олий таълим муассасаларида 8 та таълим йўналиши бўйича 144 та фандан 1.247 та электрон маъруза, 1.247 та тақдимот, 1.247 та видеомаъруза, 12.000 та глоссарий, 24.920 та тест топшириқлари ишлаб чиқилган ҳамда <https://mt.edu.uz/> электрон таълим платформасига жойлаштирилган.

Намунавий оралик ва якуний назорат саволларини семестр бошлангандан сўнг бир ой ичида веб-сайтга жойлаштириш бўйича олий таълим муассасаларига топшириқ юборилган ҳамда олий таълим муассасаларида аноним-сўровнома ўтказиш мақсадида ахборот тизими ишлаб чиқилган.

Ҳозирда вазирлик томонидан битирувчилар тўғрисидаги маълумотлар шаллантилган ҳамда дипломларга индивидуал QR-код қўйиш дастурий таъминоти ишлаб чиқилиб, олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларига индивидуал QR-код қўйиш амалиёти жорий қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилиш учун киритилган.

Мазкур қарор лойиҳасидаги илова сифатида киритилган “Магистратура тўғрисида”ги Низомда магистрлик диссертациясини баҳолаш мезонлари ва талаблар белгиланган.

Талабалар ўқишини кўчириш, ўқишга тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш ҳамда таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан

ўтказиш жараёниларини коррупциядан холи қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга (ВМнинг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори, 3-илова) ўзгартириш киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси тайёрланган.

Ушбу лойиҳада қуйидагилар назарда тутилган:

- талабалар ўқишини кўчириш ва кўчириб тиклашда таълим шакллари ўртасидаги чекловларни бекор қилиш (махсус сиртқи таълим шакли бундан мустасно);

- махсус сиртқи таълим шаклида ўқиган таълим йўналиши ёки тегишли курс мавжуд бўлмаган тақдирда махсус сиртқи таълим шаклидан бошқа таълим шаклининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириб тиклашга рухсат этиш;

- талабалардан ўқишини кўчириш ва кўчириб тиклаш ҳақидаги аризалар қабул қилиниши, уларни кўриб чиқиши, ваколатли комиссияларга тақдим этилиши ва қарор қабул қилинишининг аниқ муддатлари белгилаш;

- талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш ва ариза муаллифларига натижаси бўйича ахборот бериш электрон тарзда амалга ошириш.

Олий таълим муассасалари фаолиятида соф академик-ижодий муҳитни шакллантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича олий таълим муассасалари масъулларидан иборат Ишчи гуруҳи ташкил этилган.

Ҳозирда “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли идоралар билан келишилмоқда.

Олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.07.2019 йилдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларининг тузилмалари тегишли олий таълим муассасалари ректорлари томонидан олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда тасдиқлаш бўйича ҳуқуқ берилган.

Адлия вазирлиги томонидан 21.02.2017 йилда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 2859-2) Олий ва ўрта махсус таълим, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва Молия вазирликларининг қўшма қарорига мувофиқ, бош бухгалтер ўринбосари – аудитор лавозими тугатилиб, тўғридан тўғри олий таълим муассасаси раҳбарига бўйсунадиган бош аудитор лавозими жорий этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгаши ташкил этилган.

Профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш механизмларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишлари учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш, илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий фаолият натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва табақалаштирилган рағбатлантириш механизмларини белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.02.2006 йилдаги “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 20-сон қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва қабул қилиш учун киритилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш қоидалари” ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ишга биринчи марта қабул қилинаётган шахслар учун коррупцияга қарши курашиш мақсадида йўл-йўриқларларни тушунтириш, хизмат вазифасига қўйиладиган асосий мажбуриятлар, таъқиқлар, чекловлар, талаблар ва одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳиятини тушунтириш жорий этилган.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш мақсадида 23.09.2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарори қабул қилинган. Унга кўра, олий таълим муассасаси раҳбар кадрларининг ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижалари инобатга олинадиган, уларга мунтазам равишда касбий ўзини ўзи ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизими амалиётга жорий этилган. Ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш билан боғлиқ фан ва курсларни кенгайтириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режаларига 13 та янги модул киритилган.

Ушбу қарор билан тингловчилар билимини баҳолаш тизими тўлиқ электронлаштирилган ва инсон омили аралашувига чек қўйилган.

Муқобил малака ошириш, яъни академик илмий унвонига эга бўлиш, хорижий мамлакатларда малака ошириш ёки стажировка ўташ, фалсафа

доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) даражасини олиш учун диссертация химоя қилиш, иккита фалсафа доктори (PhD) ёки битта фан доктори (DSc) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертация ишларига илмий раҳбарлик қилиш, дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш каби фаолият турлари амалиётга жорий этилган.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий химоясини кучайтириш механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 24.12.2019 йилда “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сон қарори қабул қилинган.

Таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, Адлия вазирлигида 21.02.2017 йилда 2859-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари”га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Мазкур қарорга асосан олий таълим муассасалари бош ҳисобчи муовини-аудитор лавозимини Бош аудитор лавозимига ўзгартирилиб, тўғридан-тўғри биринчи раҳбар бўйсинувига ўтказилган.

Олий таълим муассасаларида “Бош ҳисобчи муовини – аудитор” лавозими “Бош аудитор” сифатида тўғридан-тўғри биринчи раҳбар бўйсинувига ўтказилган ҳамда жорий қилинган бош аудиторларнинг лавозим вазибалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Намунавий лавозим Йўриқномаси ишлаб чиқилган (буйруқ №191, 13.03.2020 йил).

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги 136 та муассасаларнинг рўйхати ва уларнинг СТИРи тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилиб, “УзАСБО” дастурий мажмуаси воситасида масофадан туриб фойдаланиш (кузатиш), профилактика ва мониторинг ишларини олиб бориш йўлга қўйилган.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш тегишли ҳуқуқий, ташкилий, институционал ўзгаришларни ва чораларни қамраб олади.

1. ОТМга кириш имтиҳонлари қоидаларини тубдан ўзгартириш ва янги коррупциядан ҳоли имтиҳон тизимини шакллантириш.

Мамлакатимизда ОТМ кириш имтиҳонлари йилда бир марта июль-август ойларида ўтказилади. Кириш имтиҳонларини қисқа муддатда кўплаб номзодлар иштирокида ўтказилиши ортқча меҳнат талаб қилиш билан бирга коррупциявий хавф-хатарларга сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда ОТМга кириш тест синовларини топширувчи абитуриентлар сонининг ошиб бориши йилига ўртача 10 фоизни ташкил этиб, 2016 йилда 663 минг, 2017 йилда 729 минг, 2018 йилда 810 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йилда тест синовларида 1 066 926 нафар (эски битувчилар билан бирга) абитуриентлар қатнашган.

Кириш имтиҳонларининг салбий хусусиятларини нималарда кўриш мумкин:

Биринчидан, имтиҳон учун биноларни тайёрлаш, зарур жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш катта миқдордаги маблағлар талаб этади.

Хусусан, 2019 йилда Наманган шаҳрида муҳандисик-қурилиш институтининг спорт залига бошқа жойдан келтирилган 20 дона кондиционерларни вақтинчалик ўрнатиш ва яна аввалги жойига олиб бориб, қайта ўрнатиш учун 89,8 млн.сўм сарфланган.

Иккинчидан, имтиҳон назоратчиларини ёллаш бир тарафдан қўшимча маблағ талаб қилса, иккинчи тарафдан ноҳолис шахсларни жараёнга жалб қилишга олиб келмоқда.

Жумладан, 2019 йилда имтиҳон жараёнига 5 244 нафар назоратчилар ёлланиб, уларга 9 млрд. сўмдан зиёд иш ҳақи тўланган.

Нazorатчилар сони кўплиги ва имтиҳон қисқа муддатда ташкиллаштирилиши сабабли назоратчилар ҳолислигини ўрганишга вақт етмайди.

Масалан, Самарқанд вилоятида кузатувчи “А” тест жараёнида абитуриент синглиси “Б”нинг саволларини расмга тушириб, танишларига юборганлиги учун тест жараёнидан четлатилган.

Учинчидан, кириш имтиҳонларинида номзодлар сони кўплиги ва текшириш жараёнида замонавий технологик воситалардан фойдаланилмаслиги турли салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Жумладан, 2019 йилда махсус ускуналарнинг маънан эскирганлиги ҳамда юзаки фойдаланилгани сабабли, имтиҳон аудиториясига 198 нафар абитуриентлар уяли телефон олиб кирган.

Тўртинчидан, замонавий имтиҳонлар компьютер воситасида, махсус тест дастурлари асосида ўтказиллаётган бир вақтда босма тестлардан фойдаланиш ортиқча молиявий ҳаражатларга олиб келмоқда.

Хусусан, 2019 йилда босма тест материалларини тайёрлаш ва фелдъегерлик хизмати учун 2,7 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Бешинчидан, мактаб ва ўрта-махсус ўқув юртини тугаши ва ОТМга ҳужжат топшириш оралиқ вақти жуда қисқалиги ва битирув ҳужжатларни ўз вақтида берилиши билан боғлиқ муаммолар ОТМга ҳужжат топшириш изчиллигини бузмоқда.

Масалан, 2019 йилнинг 15 июндан 7 июлгача 271 минг абитуриент рўйхатга олинган бўлса, сўнгги 8 кунда бу кўрсаткич 795 минг нафарни ташкил этган.

Олтинчидан, тест саволларининг мазмун-моҳияти абитуриентни креатив ёндашувга, мантиқий фикрлашга, билимларини муаммоли вазиятларда қўллашга қаратилмаган ва саволлар асосан саналар, аҳамиятсиз деталларни ёдда сақлашни текширишга йўналтирилган.

Хусусан, тест саволларида (вариант 100062-228) Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида Сарибойнинг ўғли айнан қайси дарахтдан йиқилиб, жон бергани сўралган ва жавоб вариантлари тариқасида “тут; терак; олма; қайрағоч” кўрсатилган.

Еттинчидан, мактаб ва ўрта-махсус таълим ўқув юртларида таълим сифати пастлиги, айрим ўқитувчиларни малакаси етишмаслиги, олий таълим билан узвий боғланмаганлиги сабабли битирувчилар хусусий дарсларни афзал кўриб, машғулотларига қатнашмаяпти.

Мисол учун, 2019 йил 28 ноябрда танлов асосида Яккасарой туманидаги 160-сонли мактаб текширилганида, жами 123 нафар 11-синф ўқувчисидан 67 нафари қўшимча машғулотга қатнаши сабабли дарсда йўқлиги аниқланган.

Саккизинчидан, тест натижаларини дарҳол эълон қилинмаслиги, нотўғри жавобларни изоҳланмаслиги номзодларда тест тизимига нисбатан ишончсизлик муносабатини шакллантириб, уларни коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этишга ундамоқда.

Хусусан, 2016-2019 йилларда Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент томонидан ўқишга киритиш билан боғлиқ 202 та жиноятлар фош қилинган ва талабни бузган 465 нафар шахслар синовдан четлаштирилган.

Шунингдек, “cabinet.dtm.uz”, “mandat.dtm.uz” сайтларида тест натижалари чиққанидан кейин, қисқа вақтда 4,2 млн. (бошқа пайтда ойига 60-150 минг) муурожаат қайд этилиб, ушбу тизим ишламай қолган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси 261-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни янги таҳрирда қабул қилиш, қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) Кириш имтиҳонларини тўлиқ бир йил давомида ўтказиш лозим. Бунда ДТМ ўқув йили бошида келаси йил учун ҳар бир йўналиш бўйича бир йиллик имтиҳон графигини ишлаб чиқиб, уни ўз сайтида эълон қилади. Мисол учун, сентябрь ойида иқтисодиёт, юридик ва тиббиёт соҳасидаги ОТМга кириш имтиҳонлари ўтказилиши графигда белгиланади. Имтиҳонлар ҳар бир йўналиш бўйича тўлиқ ўтказилиб, натижалар эълон қилинган, кейинги йўналишлар бўйича имтиҳонлар ўтказилади. Таъкидлаш керакки, ОТМда кадрлар тайёрлашда узилиш бўлмаслиги учун ушбу тизимга ўтишни дастлаб ўқув йилини ўртасида бошлаш ва эски йилда ўқишга кирмаган битирувчиларни қамраб олиш лозим.

2) Кириш имтиҳонларини бир йил давомида ўтказиш учун биринчи навбатда ДТМнинг ташкилий ҳуқуқий шаклига ўзгартириш киритиб, унинг ҳудудларда алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлимларини ташкил этиш, уларни моддий-техник таъминлаш лозим бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 130-сонли қарорида, тест синовлари билан боғлиқ бўлган ишларни сифатли, ўз вақтида ва самарали амалга ошириш ДТМнинг вазибалари ва функцияларини, ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқишни, шунингдек, унинг ҳудудлардаги бўлимларини ташкил этишни тақозо этиши кўрсатилган.

Рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йилда ОТМга ўртача (эски йилдаги номзодлар билан бирга) 1.066.926 млн. нафар номзодлар имтиҳон

топширган бўлиб, ўртача бир маъмурий-худудий бирликка 76.209 нафардан номзодлар тўғри келмоқда. Бир йилда 365 кундан 120 куни шанба, якшанба куни ва дам олиш кунларига тўғри келса, 45 кун ДТМ худудий бўлимларининг ташкилий иш фаолиятларига ажратилса, қолган 200 кунда 76.209 нафар номзодларни қамраб олиш керак бўлади. Ҳар бир худуд ўртача бир кунда 200 нафардан 2 семенада 400 нафар номзоддан имтиҳон олганда 200 кунда 80 минг нафар номзоддан имтиҳон олиши мумкин бўлади.

3) Имтиҳон жараёнларини очиқ ва ошкора ташкил этиш, имтиҳон хоналарини компьютерлар ва кузатув камералари, назоратчиларни “body” камералар билан таъминлаш зарур бўлади. Имтиҳонга кириш босқичида замонавий текшириш ускуналарда кенг фойдаланиш, имтиҳонни юқори махфийлик ва қатъий интизом асосида ўтказиш, тартиб бузувчиларни огоҳлантиришсиз имтиҳондан четлаштириш керак бўлади.

Ҳар бир номзод имтиҳонни компьютерда топшириши, натижалар зудлик билан эълон қилиниши ва хато жавоблар ўша жойни ўзида компьютер воситасида изоҳлаб берилиши керак.

Номзодлар интернет орқали рўйхатга олиниб, зарур хужжатларни ДТМнинг худудий бўлимларига топширгач уларга имтиҳон жойи ва вақти кўрсатилган махсус рухсатнома ва “ID” код берилади. Номзод имтиҳон куни компьютерга махсус кодни киритганда электрон тизим номзод учун ноаниқ вариантни танлайди.

Саволларни электрон базада махфий сақланиш, худудий бўлимларни саволлар базасига кириш имкониятини чеклаш, саволлар базасини юритиш бўйича республика доирасида алоҳида жавобгар шахсни тайинлаш коррупциявий ҳолатларни чеклайди. Тизим имтиҳон натижаларини электрон рўйхатини юритади ва имтиҳон сўнгида якуний натижалар кўрсатади.

Давлат бюджети даромадларини инобатга олган ҳолда ҳар бир номзод имтиҳон топширгани учун маълум миқдорда тўловни амалга оширади.

Таклифда келтирилган кириш имтиҳони тизими Украина ва Грузия давлатлари олий таълим соҳасида мавжуд бўлиб, ўзининг ижобий натижасини кўрсатган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, ОТМга кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириш зарурлиги, бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз лозимлиги таъкидланиб, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тизимини яратиш мақсад қилиб олинди.

Она тили бўйича билимни баҳолаш учун масъул тузилма талаб этилиши аниқлигини ҳисобга олсак, таклиф этилаётган итиҳон тизимида ДТМнинг худудий бўлимлари она тили бўйича имтиҳонларни ўтказиши мумкин бўлади. Шунингдек, CEFR миллий инглиз тили имтиҳонлари ҳам худудларда турли таълим муассасаларининг биноларида ўтказилмоқда.

2. Таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий хужжатларни умумлаштириш ва уларни тизимли равишда кодификациялаш.

Бугунги кунда соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони кўплиги уларни қўллашда турли қийинчиликлар туғдирмоқда.

Жумладан, соҳада 330 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 3 таси Қонун, 96 таси Президентнинг фармон ва қарорлари, 231 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳисобланади.

Кўриш мумкинки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 231 таси қонуности актлар бўлиб, бундан ташқари, кўплаб вазирлик буйруқлари, йўриқномалари, низомлари ва бошқа соҳавий ҳужжатлари мавжуд. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибсиз кўпайиб кетиши уларни бир-бирини такрорлашига олиб келса, соҳада қонуности актлардан кенг фойдаланиш коррупциявий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунга кўра, таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта экспертизадан ўтказиб, ягона Ўзбекистон Республикасининг “Таълим кодекси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, кўплаб давлатларда Таълим кодекси мавжудлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, Франция Таълим кодекси 2000 йил 22 июнда қабул қилинган бўлиб, ушбу кодекс 9 том, 953 та моддадан иборат ва 7 ва 6 томлари олий таълим соҳасига бағишланган. Беларусия Таълим кодекси 2011 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, 16 бўлим, 63 боб, 295 та моддадан иборат. Молдавия Таълим кодекси 2014 йил 17 июлда қабул қилинган бўлиб, 13 та бўлим, 157 та моддадан иборат.

Жаҳон амалиётида Таълим кодексининг тузилиш шакли асосан икки хил кўринишда: таълим тизимига мувофиқ равишда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим соҳаларига алоҳида бўлим ва боблар ажратиш (Франция); бутун таълим соҳасини бирлаштирган ҳолда таълим тизими, бошқаруви, субъектлари ва бошқа муҳим босқичларини бўлим ва бобларга ажратиш (Беларусия) кўринишлари.

Фикримизча, миллий Таълим кодексини таълим тизимига мувофиқ равишда бўлим ва бобларга ажратган ҳолда шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикасида барча таълим тизими алоҳида бошқарув аппаратига, норматив-ҳужжатларга ва субъектларга эга бўлиб, норматив базани алоҳида мукаммаллаштирган ҳолда ягона кодексга бирлаштириш қулай бўлади.

3. ОТМлари бошқарув тузилмаларини қайта кўриб чиқиш, вакиллик ва жамоавий бошқарув институтларини ташкил этиш.

Коррупцияга қарши курашишда бошқарув ваколатларини тўғри тақсимлаш, вазифаларни махсуслаштириш, бошқарувда барча манфаатдор иштирокчиларни қамраб олиш, ўзаро тийиб туриш механизмларини яратиш муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонида ҳам, ОТМни тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш алоҳида белгилаб қўйилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлигининг “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат

кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, 2017 йил 21 февралда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган. Мазкур қарорда ОТМнинг бошқарув тузилмалари ва ходимлар штат бирликлари намунаси келтириб ўтилган. Такидлаш лозимки, ОТМнинг бошқарув тизими замонавий демократик бошқарув талабларига жавоб бермайди.

Жумладан, бошқарув ваколатлари ректор, проректор, декан, декан ўринбосарлари, ҳисобчилар каби алоҳида шахслар қўлида тўпланган ва ўзаро тийиб турувчи механизмлар мавжуд эмас. Академик доира вакиллари ва талаблар биринчи даражали манфаатдор субъектлар бўлсада, бошқарув фаолиятига умуман жалб қиклинмаган.

Шунга кўра, ОТМ ташкилий тузилмаларини, айниқса бошқарув ваколатларини тубдан ўзгартириш, вакиллик ва жамоавий боғинларни ташкил этиш керак бўлади. Мазкур бошқарув тузилмаларини шакллантиришда Грузия амалиёти мукамал хорижий андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ОТМда манфаатдор субъектлар орасидан ўқитувчи ва талабалар томонидан сайланадиган Сенат олий вакиллик органини, илмий фаолият амалга оширувчи Илмий Кенгаш вакиллик органи, молиявий масалаларга масъул Молия бўлими бошлиғи лавозимини, таълим сифатига жавобгар Таълим сифатини таъминлаш бошлиғи, талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, бошқарув фаолиятида иштирок этувчи Талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи каби тузилмаларни ташкил этишни таклиф этамиз. Мазкур тузилмаларнинг шакллантирилиши, ваколатлари ва фаолият тартиби тадқиқот ишининг хорижий тажриба бобида алоҳида келтирилган.

4. Хорижий талабалар ва хорижда ўқимоқчи бўлган талабалар учун хизмат кўрсатувчи махсус нодавлат тузилма ташкил этишга кўмаклашиш.

ОТМга ўқишга кириш учун бир қатор ҳужжатлар талаб этилади ва уларни шакллантириш маълум вақт ҳамда меҳнат талаб этади. Айниқса, хорижий давлатлар ОТМга кириш тартиб қоидалари, талаб этиладиган ҳужжатлар тубдан фарқ қилади ва бу номзодларга ноқулайликлар келтириб чиқаради. Амалиётда хорижда ўқимоқчи бўлган номзодлар айрим шахсларнинг алдовига илиниб қолаётгани ёки арзимас хизматлар учун катта миқдорда пул тўлаётгани учраб турибди.

Ўтган 2018 йил 1 ноябрь ҳолатига мамлакатимизда 2377 нафар хорижлик талабалар мавжуд бўлиб, уларнинг энг кўп 1322 нафари Хоразм вилояти, энг кам 2 нафари Наманган вилояти ҳисобига тўғри келади. Биргина АҚШнинг ўзида 570 нафар Ўзбекистонлик талабалар ўқийди ва бошқа давлатларда ҳам мингдан ортиқ талабалар мавжуд. Ҳозирда мамлакатимизда 21 та хорижий ОТМлари мавжуд, уларнинг 17 таси сўнги 3 йилда ташкил этилган.

Украинада 2016 йилда хорижлик талабаларни қабул қилиш ва талабаларга чет элда ўқиш масалалари бўйича кўмаклашиш мақсадида Қабул Маркази ташкил этилди. Марказ хусусий ташкилот бўлиб, мамлакат миқёсида 16 филиаллари мавжуд. Марказ 2016 йил 14 майда ташкил этилган бўлса, бир ой ичида унга 1500 та аризалар келиб тушган. Украина тажрибасига асосида

Россия, Грузия, Польша ва Қозоғистон давлатлари ҳам мазкур турдаги марказларни ташкил қилди.

Шунга кўра, Ўзбекистондаги хорижий талабалар ва хорижда ўқимоқчи бўлган Ўзбекистонлик ёшларга, хорижда ўқиб Ўзбекистонга қайтган кадрларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам хизматларини кўрсатиш учун ҳукумат ташаббуси билан Халқаро талабларга кўмаклашиш маркази ва унинг жойлардаги филиалларини ташкил этиш керак. Марказ ва унинг филиалларини ташкил этишда ягона намунавий андозага таяниш лозим, чунки бу орқали юқори сифат ҳамда қулайликни таъминлашга эришилади. Мазкур лойиҳани тендер асосида очик ва ошкора танлов усулида муносиб номзодга топшириш орқали мамлакатнинг барча ҳудудларида коррупциядан ҳоли хизматни жорий этишга мумкин бўлади.

5. Таълим сифатини таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи нодавлат тузилма ташкил этишга кўмаклашиш.

Олий таълим сифатини таъминлаш юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга хизмат қилади. Таълим беришни қизиқарли, талабчан ва адолатли бўлиши талабаларни фақат илм олишга ундайди.

Таълим сифатини таъминлашда назорат функцияси катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимиз ва МДХ давлатлари тажрибасида мазкур вазифа алоҳида ягона давлат органлари томонидан амалга оширилади. АҚШ ва Фарбий Европа давлатлари амалиётида эса, олий таълим сифатини таъминлашда нодавлат ташкилотлар хизматидан кенг фойдаланилади.

Жумладан, АҚШ ОТМда таълим сифатини баҳолаш ва уларни аккредитациядан ўтказиш нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Ушбу ташкилотлар фаолияти АҚШ Федерал таълим департаменти томонидан назорат қилинади. Аккредитация ташкилотлари ҳудудий, миллий ва ихтисослаштирилган турларга бўлиниб, ҳудудий ташкилотлар давлат ва нодавлат, миллий ташкилотлар тижорат ва нотижорат таълим муассасаларини, ихтисослашган ташкилотлар муайян соҳалар (иқтисод, тиббиёт) бўйича таълим сифатини баҳолайди. Олий таълимни аккредитациялаш кенгаши (Council for Higher Education Accreditation) эса аккредитация усулларини ишлаб чиқиш ва аккредитация ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Бугунги кунда Кенгаш 60 дан ортиқ аккредитация ташкилотларини тан олган ва улар мустақил фаолият юритади. Кенгаш коллеж ва университетларнинг президентлари, турли соҳада фаолият юритувчи экспертлар ҳамда жамоатчилик вакилларини ўз ичига олган 20 нафар аъзодан иборат.

Буюк Британияда ОТМда ички таълим сифатини баҳолаш механизми мавжуд бўлиб, ушбу тизимнинг шаффоф ва адолатли олиб борилишини Таълим сифатини кафолатлаш агентлиги (Quality Assurance Agency) назорат қилади ва агентлик нодавлат ташкилот ҳисобланади.

Украинада ҳам олий таълим сифатини баҳолаш нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилиб, бу ташкилотлар Олий таълим сифатини таъминлаш Миллий агентли томонидан аккредитациядан ўтказилади.

Нодавлат ташкилотлар хизматидан фойдаланиш ОТМ учун ихтиёрий бўлиб, ташкилот ОТМда таълим сифати текширгани тўғрисида сертификат тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонида ҳам назорат қилиш ва ОТМ рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш белгиланган.

Бунгунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг олий таълим сифатини назорат қилиш борасида олиб бораётган ишлари етарли бўлмаяпти. Бунинг асосий сабаби инспекцияда 108 та штат бирлиги, ҳудудий бўлимларда атига. 2 нафардан 6 нафаргача ходим мавжуд, ҳудуддаги барча олий ва ўрта-махсус ўқув муассасалари, мактабларда таълим сифатини таъминлашга уларни жисмоний имконияти етмайди. Мисол учун, Наманган вилоятида 695 та умумтаълим мактаблари, 119 та ўрта-махсус таълим муассасалари, 3 та ОТМ мавжуд.

Шунга кўра, муассасаларда сифатли таълимни таъминлашни ҳаражатсиз ва самарали йўли нодавлат ташкилотлар хизматидан фойдаланиш ҳисобланади. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида нодавлат ташкилотлар фаолиятини кучли назорат қилиши ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши лозим бўлади.

6. Талабаларни баҳолашда “Blind assessment” тизимини жорий этиш.

Олий таълим соҳасида талабаларни баҳолаш коррупциявий хавф-хатарлар даражаси юқори бўлган босқич ҳисобланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги буйруғи билан “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги”ги Низом тасдиқланган бўлиб, ушбу ҳужжат асосида ОТМда талабаларнинг билимлари текширилади. Низомга кўра, ОТМда талабалар билимини назорат қилиш оралик ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади ва уларни ўтказиш тартиби ОТМнинг ички тузилмалари томонидан белгиланади.

Талабаларнинг билим даражаси пастлиги ОТМда таълим сифати пастлигини кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Талабаларни зарур билим ва кўникмаларни олиши уларнинг меҳнати, тиришқоқлигига боғлиқ, лекин уларни меҳнат қилишга ундовчи асосий омил адолатли ва ҳолис баҳолаш тизими бўлади.

ОТМда талабаларни баҳолаш тартиби ОТМлари томонидан эркин танланиши, имтиҳон жараёнларини жиддий талабчанлик асосида ўтказилмаслиги мазкур босқичда маиший коррупция, фаворотизм, непотизм, ҳолатларини олиб келмоқда. Энг ёмони академик доира вакиллари ва талабалар томонидан баҳолаш жараёнидаги коррупциявий ҳолатларни жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида тасаввур қилинмаслиги бу салбий ҳолатларни одатий вазиятга айлантириб қўйган.

Шунинг учун, барча ОТМ учун намунавий баҳолаш қоидаларини ишлаб чиқиш, юқоридаги низомга киритиш керак. Inha, Westminster университетларида мавжуд “Blind assessment” баҳолаш тартибини жорий этиш ижобий натижалар бериши мумкин. Мазкур баҳолаш тизимини яратишда қуйидаги қоидаларни белгилаш керак:

- орақлик ва якуний назорат ишларини аниқ баҳолаш мезонларини яратиш;

- орақлик ва якуний назорат ишларини махсус компьютер программаси ёрдамида “ID” кодлаш;

- оралик ва якуний назорат ишлари йиғиб олинган алоҳида камера назоратидаги хонада текширувчилар томонидан баҳоланиши;

- бир оралик ва якуний назорат ишини икки нафар текширувчилар томонидан баҳоланиши, натижаларда жиддий фарқ бўлганда, ишларни учинчи текширувчи томонидан якуний баҳоланиши;

- текширувчи шахсларни махфий сақлаш, бу ҳақида улар текширишга жалб қилинган вақтда хабардор бўлишлари;

- ишларни текширишда ҳар бир мезон бўйича алоҳида ва умумий баҳо қўйиш, уларни ҳар бирини изоҳлаш;

- имтиҳон топшириш қоидаларини бузган (уяли алоқа, техник воситалар, шпаргалкалардан фойдаланиш), плагиат ва текшириш учун белги қўйган талабалар ишларини бекор қилиш;

- имтиҳон учун масъул жавобгар шахслар доирасини белгилаш лозим бўлади.

Баҳолаш тартибини барча давлат ва нодавлат ОТМ учун бир хил шаклга келтириш ва тизимни ижобий тажрибалар асосида такомиллаштириб бориш керак бўлади.

7. ОТМларига кириш имтиҳони топшириш қоидаларини бузган шахслар учун маъмурий жавобгарлик асосларини белгилаш.

Олий таълим соҳасида содир этиладиган порахўрлик жиноятлари Жиноят кодексининг тегишли моддаси (210-214-моддалар) билан малакаланади. Бироқ, имтиҳон жараёнидаги турли қонунбузилиши ҳолатлари бўйича миллий қонунчиликда жавобгарлик асослари мавжуд эмас. Айниқса, бундай қоидабузилишлар ОТМга кириш имтиҳони жараёнида кўп содир этилади. Мазкур қонунбузилишларнинг ижтимоий хавфлилиги коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан кам бўлсада, лекин уларнинг салбий оқибатлари бир хил. Кириш имтиҳони билан боғлиқ қонунбузилишларига жавобгарлик асосларини белгиланмагани мазкур ҳаракатларни такроран содир этилишига олиб келмоқда.

Жумладан, 2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 03.04.2018 йилдаги 261-сонли Қарори билан тасдиқланган тест ўтказиш тартибига доир Низом талабларини бузган 465 нафар шахслар синовдан четлаштирилган.

Шунингдек, замонавий алоқа воситалари ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган бир вақтда жавобгарлик асосларига эҳтиёж сезилмоқда.

Россия Федерацияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 19.30-моддаси ўқув фаолиятини олиб бориш ва ўқув жараёнини ташкил этиш

талабларини бузиш деб номланиб, 5-бандида “Таълим тўғрисида”ги Қонун хужжатларида белгиланган таълим муассасасига қабул қилиш тартибини бузиш учун жавобгарлик белгиланган. Жарима тариқасида фуқароларга уч мингдан беш минг рублгача, мансабдор шахсларга - йигирма мингдан қирк минг рублгача жарима белгиланган.

Шунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Таълим тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик” деб номланган VI боб” киритиш ва ушбу бобга “Таълим муассасаларига кириш имтиҳони қоидаларини бузиш” деб номланган 592-модда киритиш лозим бўлади. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жарима миқдорини иложи борица юқори белгилаш лозим. (лойиҳа иловада тўлиқ келтирилади).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга алоҳида боб киритишдан мақсада кейинчалик таълимга оид бошқа ҳуқуқбузарлик турларини ўрганиш ва уларни мазкур бобга киришдир.

Хусусан, Қозоғистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 3 та, Россия Федерацияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 3 та, Тукманистон Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1 та, Украина Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1 та моддасида таълимга оид ҳуқуқбузарликлар белгиланган.

8. Ўқитувчи ва талабаларнинг Ахлоқ кодексига коррупцияга оид алоҳида боб қўшиш.

Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишда ягона қоидалари муҳим ўрин эгаллайди ва жаҳон амалиётида ҳам бу ўз исботини топган.

Хусусан, БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш конвенция”нинг 19-моддасида, давлат хизматчиси учун ўзини тутиш ахлоқ кодексини қабул қилиши тавсия этилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 12 декабрдаги 51/59-сонли қарори билан давлат мансабдор шахсларини ўзини тутиш Халқаро кодекси қабул қилинган.

Миллий қонунчиликда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, қарордан кўзланган асосий мақсад давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш, коррупциявий ҳолатларни олдини олиш ҳисобланади.

Россия Федерацияси Сибир Университети томонидан ишлаб чиқилган ўқитувчиларнинг Ахлоқ кодексининг 3.7-банди “Коррупцияни олдини олдиш” деб номланиб, коррупциявий ҳаракатлар рўйхати келтириб ўтилган.

Олий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи академик ходимлар ва талабаларнинг ахлоқ қоидалари мавжуд бўлсада, лекин уларда қоидалар умумий тарзда ёритилган ва коррупциявий ҳолатларга сабаб бўлаётган муҳим масалалар киритилмаган.

Жумладан, қандай ҳолатлар коррупциявий ҳолат сифатида баҳоланиши ва бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик асослари, жавобгарликни ҳал этиш тартиби ёритилмаган. Айниқса, коррупциянинг асосий омили бўлган манфаатлар тўқнашуви ва совға олиш масалаларига эътибор қаратилмаган.

Шунинг учун, академик ходимлар, талаблар учун алоҳида “Ахлоқ кодекслари”ни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ахлоқ кодексини тузишда қуйидаги хусусиятларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– ахлоқ кодексини ўқитувчилар ва талаблар учун алоҳида тузилиши керак, чунки уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-биридан тубдан фарқ қилади;

– ахлоқ кодекси нормаларини белгилашда миллий кадриятларни инобатга олиш керак, чунки жамиятдаги ахлоқ қоидалари ҳудудининг дини, анъаналари, урф-одатлари билан кучли боғланган бўлади;

– ахлоқ кодексида коррупциявий ҳаракатлар, уларнинг рўйхати, жавобгарлик асослари, жавобгарлик масалаларини ҳал этиш тартибини алоҳида бобда аниқ белгилаш лозим бўлади;

– ахлоқ кодексларини ОТМ учун намунавий шаклини ишлаб чиқиш ва ОТМга қўшимча талабларни белгилаш ҳуқуқини бериш керак.

ОТМда академик ходимлар ва талабалар учун алоҳида ахлоқ кодексларни ишлаб чиқилиши, уларни амалиёт жараёнида фаол қўллаш коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга хизмат қилади.

9. ОТМга қабул қилинадиган талабалар сони (квота) белгилаш миқдорини ОТМ ваколатига ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш Вазирлар Маҳкамаси ваколатига киради. Квота тартибини марказлашганлиги бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, квота сонини белгилашга йилда бир марта эътибор қаратилиши, қарор қабул қилувчи орган берилган маълумотлар асосида квота сонини белгилаши меҳнат бозорининг ҳақиқий талабларига етарлича эътибор қаратилмаслигига олиб келмоқда.

Жаҳон Банкнинг таҳлилий маълумотида кўра, мамлакатимиз олий таълим тизими меҳнат ва иқтисодий соҳа билан умуман боғланмаган бўлиб, ОТМ битувчилари сони талаб этилаётган соҳаларга мувофиқ келмайди.

Хусусан, мамлакат ялпи миллий маҳсулотида хизмат кўрсатиш 47,3 фоиз (ишчилар 40,4 фоиз), саноат 33,5 фоиз (ишчилар 37,7 фоиз), қишлоқ хўжалиги 20 фоизни (ишчилар 21,9 фоиз) бўлса, олий таълим битирувчилари хизмат кўрсатишда 21 фоиз, саноатда 20,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,7 фоиз, бошқа соҳаларда 52 фоизни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармонида, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси 2019 йил 1 мартга қадар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда ОТМ томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий

соҳанинг истиқболдаги эҳтиёжларини, шунингдек муассасаларнинг кадрларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилаш тартибини тасдиқлаши ва ушбу тартиб 2019/2020 йилдан татбиқ этилиши назарда тутилган.

Грузия ОТМлари Сенати ўқув йили бошида факультет кенгаши таклифи билан ОТМга қабул квоталари сонини мустақил белгилаб, Таълим ва фан вазирлигига тақдим этади.

Шунга кўра, квота сонини белгилашни ОТМга бериш ва унинг тўғрилиги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси амалга оширилиши ва норматив асосларини белгилаш керак. Бу ҳолатда яқуний квота сони Президент қарори билан тасдиқланади.

10. ОТМда фанлар доирасини қайта кўриб чиқиш, номутахассислик фанларни камайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилиши, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилиши таъкидланди.

Олий таълим олаётган талаба қизиққан касбини эгаллаш мақсадида маълум йўналишни танлайди. ОТМда талабага биринчи навбатда бўлажак касбий фаолияти учун муҳим бўлган мутахассислик фанларни ўқитиш лозим. Айниқса, касб турлари шиддат билан махсуслашаётган даврда бу катта аҳамиятга эга.

Талаба ўқиётган соҳасига мувофиқ келмайдиган фанларни ўқишга қизиқмайди ва унда мазкур фанлардан баҳо олишда муаммолар пайдо бўлади. Талабалар кўп ҳолларда йўналишларига алоқаси бўлмаган фанлардан баҳо олишда коррупциявий йўللardan фойдаланиши кузатилмоқда.

Фанлар доирасини белгилашда талабалар фикрини инобатга олиш, барча касблар учун зарур бўлган чет тили, информатика ва “Time management” каби фанларга эътибор қаратиш лозим.

11. Талабаларнинг ўқишини кўчириш тартиб қоидаларига ўзгартириш киритиш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июнда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабаларни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарори қабул қилиниб, мазкур Низомнинг 4-бандида, олий таълимнинг турдош таълим йўналишлари рўйхати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиши ва таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Низомда турдош таълим йўналишининг аниқ мезонлари кўрсатилмаган бўлиб, ҳаволаки нормага йўналтирилган. Фақатгина юқоридаги низомнинг 10-бандида, талабаларнинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги белгиланган. Мазкур низомда турдош йўналиш бўйича талабалар ўқишини кўчириш тартиби аниқ

кўрсатилмагани, назорат босқичи мавжуд эмаслиги коррупциявий ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, Низомнинг 8-бандида, бир ОТМ доирасида ёки бир вазирлик ёхуд идора ёхуд турли вазирликлар ва идоралар тизимидаги ОТМга олий таълимнинг турдош бўлмаган таълим йўналишларига ва истисно тариқасида мос бўлмаган мутахассисликлари бўйича талабанинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилиши белгиланган.

Талабаланинг ўқишини турдош ва мос бўлмаган йўналишга кўчиришдан коррупциявий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, мазкур Низомнинг 15-бандида, талабанинг ўқишини кўчириш худудий яшаш жойи ўзгариши билан боғлиқ узурли сабабларга кўра амалга оширилиши кўрсатилган бўлса, 6-бандида, бир ОТМ доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш белгиланган.

Агар талабанинг ўқишини кўчириши яшаш жойи ўзгариши билан боғлиқ узурли сабабга кўра амалга оширилса, унда бир ОТМ доирасида талабанинг ўқиш йўналишини ўзгартиришдан қандай мақсад бор. Мақсад рақобат кучли бўлган соҳаларга ўқишга киришда очик рақобатни айланиб ўтиш ҳисобланади.

Амалиёт жараёнида ҳам бу борада бир қатор қонун бузилишларни кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2019 йилнинг ўзида 3 нафар талабаларнинг ихтисослик фанларида 7-8 та фарк бўлсада, Низом талабаларига зид равишда университетга талаба сифатида қабул қилинган.

Шунга кўра, дастлабки босқичда мазкур низомга ўзгартириш киритиш орқали талабаларнинг ўқишни кўчириш тартибини қайта белгилаш ва кейинги босқичда Таълим кодексида мазкур масалани батафсил кўрсатиш лозим бўлади. Низомга қуйидаги ўзгаришларни киритиш таклиф қиламиз:

- ўқишини кўчириш асосларини белгилаш;
- турдош бўлган йўналиш хусусиятларини аниқ ёритиш;
- турдош ва мос бўлмаган йўналишлар бўйича талабаларнинг ўқишини кўчириш бекор қилиш;
- бир олий таълим муассасаси доирасида талабаларнинг ўқиш йўналишини ўзгартиришни бекор қилиш;
- ўқишни кўчиришда Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси розилигини олиш.

12. Ўзбекистон Республикаси ОТМлари ўртасида коррупциявий рейтингни ташкил этиш.

Олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишда очиклик ва ошкоралик самарали ёндашув бўлиб, Республикадаги ОТМлари ўртасида коррупциявий рейтинг жорий этиш очиклик ва ошкораликни таъминлаш усулларида бири ҳисобланади.

Жумладан, биргина Transparency International ташкилоти томонидан жаҳон мамлакатлари миқёсида юритиладиган коррупциявий рейтинг натижалари

давлатларни коррупцияга қарши курашиш сиёсатида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, ОТМлари ўртасида коррупциявий рейтинг натижалари абитуриентлар, уларнинг ота-оналари томонидан ОТМни танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, масъул давлат органлари учун ислохотлар ва чоралар кўриш лозим бўлган ОТМлари рўйхатини белгилайди.

ОТМлари ўртасида коррупциявий рейтинг жорий этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- аноним ижтимоий сўровларни ўтказишдан кенг фойдаланиш;
- ижтимоий сўровларни ўтказишда рейтинг кўрсаткичидан манфаатдор бўлмаган иштирокчиларни жалб қилиш;
- ижтимоий сўровларни ўтказишда интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг статистик маълумотларидан фойдаланиш;
- рейтинг фаолиятини олиб боришни нодавлат ташкилоти ваколатига бериш;
- рейтинг фаолиятини олиб бориш тартиби ва мезонлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;
- рейтинг муддатини ўқиш симестрига мувофиқ олти ой қилиб белгилаш;
- рейтинг кўрсаткичларини эълон қилиш, ижобий натижаларни мукофотлаш ва натижаларни кенг халқ оммасига етказишга алоҳида эътибор қаратиш.

Рейтинг натижалари ОТМлари мавқеида зарар етказиши мумкин ва муассасалар коррупция ҳолатларини олдини олишга, иштирокчилар фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилида.

Коррупция ҳар қандай тараққиётни факолатга етаклаши унинг жаҳон миқёсида кўрсатаётган салбий оқибатлари билан исботланади. Такидлаш керакки, ҳозирги замон тажрибасида коррупцияга қарши умумий тарзда курашиш керакли натижага эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда коррупцияга ҳар бир соҳада алоҳида, ўзига хос кураш олиб борилмоқда. Бу усул бир тарафдан ҳар бир соҳага махсус тарзда ёндашиш шароитини яратса, иккинчи тарафдан энг долзарб соҳаларни биринчи галда танлаб олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур тўғри ёндашувга таяниб, коррупцияга қарши курашни дастлаб муҳим соҳаларда бошлади. Ҳукумат томонидан олий таълим тизимини энг долзарб соҳа сифатида белгиланиши энг оқилона танлов бўлди. Олий таълим соҳасининг ҳозирги ва келгуси тараққиёти давлатнинг бугунги ва эртанги ривожидемақдир.

Олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида ОТМларда 1076 дан зиёд профилактик тадбирлар ўтказилди, талабаларнинг фикрлари ижтимоий сўровномалар асосида мунтазам ўрганилиши натижасида

340 нафар ходимларнинг коррупцияга мойиллик ҳолатлари бўйича интизомий чоралар кўрилди.

Инспекциянинг ўрганишлари ва текширувлари жараёнида коррупцияга қарши курашишга алоҳида жиддий масала сифатида ёндашилмоқда.

2018 ва 2019 йиллар давомида 26 та ОТМлар аттестацияга жалб қилинди. Таҳлиллар натижасига кўра:

12 таси (46,1%) “Аттестациядан ўтди” деб эътироф этилди ва аккредитацияланди;

13 таси (50,0%) “Аттестациядан шартли ўтди” деб эътироф этилди ва уларга камчиликларни бартараф этиш учун 1 йил муддат берилди;

1 таси (3,9%) “Аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилди ва аккредитацияланмади.

Ушбу натижа таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таҳлил қилинганда:

432 та таълим йўналишларидан 294 таси (68,1%) “Аттестациядан ўтди”, 138 та (31,9%) “Аттестациядан ўтмади”;

282 та магистратура мутахассисликларидан 242 таси (85,8%) “Аттестациядан ўтди”, 40 таси (14,2%) “Аттестациядан ўтмади”.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим бўйича 186 та ихтисосликдан 132 таси (71%) “Аттестациядан ўтди”, 54 таси (29%) “Аттестациядан ўтмади”.

Таълим сифати қониқарсиз деб баҳоланган таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таълим сифатини яхшилаш мақсадида ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилди ва ижроси доимий назоратга олинди. Натижада,

69 та таълим йўналишидан 52 тасида (75,4%) ўқитиш ва таълим олиш сифати кўрсаткичлари яхшиланиб, фаолияти давом эттирилишига рухсат берилди; 17 та таълим йўналишига қабул тўхталиши белгиланди.

20 та магистратура мутахассислигидан 17 таси (85%) ўқитиш ва таълим олиш сифати кўрсаткичлари яхшиланиб, фаолияти давом эттирилишига рухсат берилди; 3 та магистратура мутахассислигига қабул тўхталиши белгиланди.

62 та ихтисосликдан 43 таси (69,4%) илмий тадқиқотчилар ҳимоя қилиш кўрсаткичлари яхшиланиб, фаолияти давом эттирилишига рухсат берилди; 19 та ихтисослигига қабул тўхталиши белгиланди.

5 та таълим муассасаси “Аттестациядан ўтди” деб эътироф этилди ва аккредитацияланди;

Шунингдек, олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш ва янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди:

Ўзбекистон Миллий Университетини флагман олий таълим муассасасига айлантириш бўйича 2019-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди;

Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтлари мисолида “олий таълим - кадр буюртмачилари” ҳамкорлигининг намунавий модели ишлаб чиқилди;

500 дан ортиқ асосий кадр истеъмолчилари вакиллари билан учрашувлар ташкил этилиб, улар билан ҳамкорликда 25 та таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, битирувчиларга қўйиладиган 120 та малака талаблари ва ўқув режалари ҳамда 600 дан ортиқ умумқасбий ва мутахассислик фан дастурларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда 57 та олий таълим муассасалари фаолияти танқидий ўрганилди, коррупцияга қарши тадбирлар олиб борилди ва аниқланган муаммолар бартараф этилди;

45 та олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Миллий университети мисолида 9 та компонентдан иборат 5 йиллик аниқ манзилли комплекс ривожлантириш дастури ва қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра, коррупция аломатлари устувор бўлган иккита йўналишда натижали ишлар олиб борилмаяпти:

1. Олий таълим муассасаларига қабул параметрларини белгилаш (давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида қабул қилиш).

Ушбу тартибнинг шаффоф ва аниқ меъёрларга асосланмаганлиги натижасида таълим сифати паст, сифатли таълим бериш имкониятларига эга бўлмаган ва коррупция ривожланган ОТМларнинг қабул квоталари йилдан йилга оширилмоқда ва бу орқали улар фаолияти янада қўллаб-қувватланмоқда.

2. Талабалар ўқишини кўчириш тизими

Ушбу тизимнинг шаффоф ташкил этилмаганлиги ота-оналар ва талабалар ўртасида кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиқиб қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Қабул параметрлари шакллантиришнинг аниқ ва шаффоф тизимини ишлаб чиқиш, бунда таълим сифати талабга жавоб берадиган таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш ва таълим сифати талабга жавоб бермайдиган таълим муассасалари фаолиятини чеклаш ҳамда давлат буюртмасини соф рақобат шароитида танлов асосида тақсимлаш ўз аксини топиши лозим.

2. Талабалар ўқишини кўчириш тизимини соддалаштириш, шаффофлиги ва объективлигини оширишга йўналтирилган янги тартибни ишлаб чиқиш ва унда қуйидагиларни белгилаш:

талабалар ўқишини кўчириш бўйича мурожаат ва аризаларни давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тизимини жорий этиш;

ўқишни кўчириш ва хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўхшашлигини ҳисобга олиб, ушбу жараённи Инспекция томонидан уйғунлаштирилган ҳолда ташкил этиш механизминини жорий этиш.

Халқ таълими тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш борасида маълум бир ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

1. Умумий ўрта таълим мактабларини аттестациядан ўтиш даврийлиги 9 йилдан 5 йилга, аттестация давомийлиги эса 10 кундан 3 кунгача қисқартирилди.

Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини баҳолаш воситалари ва механизмлари соддалаштирилиб, аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш жараёнлари электронлаштирилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг аттестацияси ва давлат аккредитацияси жараёнини онлайн мониторинг қилиш бўйича «ONACS» – электрон платформаси яратилди. Шунингдек, онлайн аккредитация реестри (<http://reestr.tdi.uz>) ишга туширилди.

Мазкур платформа қисқа вақт ичида умумий ўрта таълим мактаблари тўғрисида таҳлилий маълумотларни тўплашда қулайлик яратиш билан бирга, аттестация жараёнидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, коррупцияни олдини олиш, мутахассисларнинг вақти ва йўл харажатларини тежаш ҳамда тезкор ахборот алмашиш имконини беради.

2. Умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва уларни баҳолаш технологиялари ишлаб чиқилди.

3. Умумий ўрта таълим муассасаларини ташқи баҳолаш учун туман (шаҳар)ларда фанлар кесимида 64 нафардан, жами 12553 нафар экспертлар реестри шакллантирилди.

4. Давлат инспекцияси ташкил этилгандан буён 5001 та умумий ўрта таълим муассасалари аттестациядан ўтказилиб, уларнинг 4623 таси (92,4%) аккредитацияланди (2017 йилда 71 та; 2018 йилда 2271 та; 2019 йилда 1478 та; 2020 йилнинг биринчи ярмида 803 та).

Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ижроси бўйича Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган.

Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Инспекция бошлиғининг 2019 йил 8 июндаги 145-сонли “Таълим сифатини назорат қилиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган. Мазкур буйруқ билан Инспекциянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси таркиби ва комиссия тўғрисидаги низом ҳамда Инспекциянинг 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастури тасдиқланган. Инспекциянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари) рўйхатини шакллантириш;

идоравий дастур ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўриш;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий дастурни тасдиқлаш;

ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритиш.

Инспекция бошлиғи томонидан 2019 йил 1 августдаги 01-07-сонли “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси” ҳамда 01-08-сонли “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирлар дастури” тасдиқланган.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш масалаларини амалга ошириш мақсадида Инспекция бошлиғининг 2019 йил 23 сентябрдаги 199-сонли “Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ижросини таъминлаш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган.

2019 йилнинг иккинчи ярмида Инспекция томонидан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида коррупция хавф-хатарлари мавжудлигини аниқлаш бўйича йўналишлар кесимида аноним сўровномалар ўтказилди. Хусусан, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш доирасида ўтказиладиган тест синовлари жараёнида шаффофликнинг таъминланганлигини аниқлаш, шунингдек давлат хизмати кўрсатилишининг сифатини баҳолаш юзасидан ташкил этилган сўровномада умумий 811 нафар респондент иштирок этди.

Сўровнома натижаларига кўра, унда иштирок этган респондентларнинг 90 фоизи давлат хизматлари кўрсатиш жараёнларини ижобий баҳолаб, тест синовларида ҳуқуқбузарликлар қайд этилмаганлигини, жараёнлар шаффофлик таъминланган ҳолда ўтказилганлигини қайд этишган, 4 фоиз респондентлар эса давлат хизматлари кўрсатиш сифатидан қониқмаганлиги ва тест синовларини ўтказиш жараёнларидан қониқмаганлигини маълум қилган.

Сўровнома натижалари Инспекциянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси томонидан таҳлил қилиниб, келгусида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида бошқа йўналишларда ҳам коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш лозимлиги, улар натижасида аниқланган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш, Инспекция таркибий бўлинмалари фаолиятида янада очикликни таъминлаш юзасидан тавсиялар берилди.

2019 йилнинг октябрь-декабрь ойларида Инспекция ходимлари томонидан таълим ташкилотлари аттестациясини ўтказиш бўйича ташкил этилган семинарлар доирасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни

шакллантириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга доир маърузалар қилинди, давра суҳбатлари ташкил этилди. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2019 йилда коррупцияга қарши курашиш ва уни бартараф этишга доир 30 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилган.

Инспекциянинг марказий аппарат йиғилишларида Инспекция бошлиғининг 2018 йил 4 июлдаги 278-сонли “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ тасдиқланган одоб-ахлоқ комиссиясининг фаолияти таҳлил қилиниб, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиниши, ходимларнинг вазифалари ва функцияларини бажаришлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳолатларда ўзларини тутишлари, ходимларнинг қариндош-уруғлари ёки бошқа томондан уларга алоқадор шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқиладиган бўлса, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида одоб-ахлоқ комиссиясига хабар беришлари тушунтирилиб борилмоқда.

Инспекция бошлиғининг 2019 йил 6 ноябрдаги 229-сонли буйруғи билан Инспекциянинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методикаси тасдиқланди. Унга кўра, Инспекциянинг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функцияларини аниқлаш, коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган лавозимлари рўйхатини шакллантириш методикаси, функцияларни амалга оширишда коррупция хавфини минималлаштириш ёки уларни бартараф этиш, шунингдек лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ходимларнинг фаолиятини мониторинг қилиш тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2745, 2015 йил 25 декабрь) билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётига мувофиқ, 2019 йилда Инспекция фаолиятига оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши жараёнида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди. Хусусан:

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиши мобайнида бир қатор коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатлар чиқариб ташланди. Масалан, таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестацияси жараёнларининг ҳудудларда комиссиялар томонидан ҳолисона ўтказилишини таъминлаш, тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги устидан назоратни кучайтириш мақсадида аттестация комиссиялари таркибига инспекциянинг ҳудудий вакиллари киритилди, пенсия ёшидаги олий (бош ўқитувчи) малака тоифали ҳамда ёшидан қатъи назар илмий даражаси (фан

номзоди ёки фан доктори) бўлган педагогларни олий (бош ўқитувчи) малака тоифасини сақлаб қолиш учун аттестацияга жалб қилмаслик йўлга қўйилди, комиссия аъзолари билан педагог кадрларнинг тўғридан-тўғри муносабатда бўлишларини бартараф этиш мақсадида баҳолаш мезонларидан суҳбат жараёни чиқариб ташланди, апелляция комиссиялари фаолиятида холислик ва адолат тамойилларини таъминлаш мақсадида апелляция комиссияларининг аттестация ўтказиладиган ташкилотдан юқори турувчи ташкилотда ташкил этилиши белгиланди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир қатор коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга доир нормалар, жумладан, аттестация жараёни ички ва ташқи баҳолашдан иборат икки босқичда амалга оширилиши, давлат таълим муассасалари ва нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш муддатларининг аниқ белгилаб қўйилиши, давлат таълим муассасалари ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар Инспекцияга электрон тарзда топширилишининг белгиланиши, аттестациядан ўтказиш жараёнида иштирок этадиган эксперт комиссиялари аъзолари вазифаларининг аниқ белгиланиши ва уларга шартнома асосида ҳақ тўлаш масаласининг киритилиши, давлат таълим муассасалари ва нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан шартли ўтказиш билан боғлиқ норманинг чиқариб ташланиши, таълим турларидан келиб чиқиб, аттестациядан ўтмаган давлат таълим муассасалари ва нодавлат таълим ташкилотларига нисбатан кескин чоралар кўрилиши жорий этилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 467-сон “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда олий таълим муассасалари рейтингини аниқлашнинг шаффоф тартиби ва рейтингни аниқлаш мезонлари тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги қарори лойиҳасини тайёрлашда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги аризалар фақатгина давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиниши, хорижий тажрибага мувофиқлаштириш мақсадида ҳужжатларни фақат тан олишни қолдириб, нострификация қилиш амалиётининг бекор қилиниши, тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинадиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш, ҳужжатларни тан олиш муддатининг кескин қисқартирилиши, ҳужжатларни тан олиш жараёнида коррупция ҳамда талабгорлар учун ортиқча бюрократик тўсиқларнинг келиб чиқишига, шунингдек ҳужжатларни тан олиш жараёнини мураккаблаштиришга сабаб бўладиган ҳолатларни бартараф этиш учун инсон омилини мумкин қадар камайтириш ҳамда талабгорларнинг билимини

объектив баҳолашни назарда тутган ҳолда, талабгорлар билан ўтказиладиган суҳбат ва ёзма иш бекор қилиниб, фақат тест синовлари қолдирилиши, ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш мақсадида махсус комиссия фаолияти бекор қилиниши белгиланди.

Инспекциянинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда таълим хизматлари кўрсатиш учун нодавлат таълим ташкилотларига лицензия бериш фаолияти тўлиқ электрон шаклга ўтказилган бўлиб, масофадан туриб ҳужжат топшириш орқали амалга оширилмоқда.

Инспекциянинг 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастури ижросини таъминлаш мақсадида Инспекция ва унинг ҳудудий бўлимларида фуқаролар мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун “шикоятлар кутиси”, эълонлар доскаси ва мурожаатлар китоби жорий қилинган.

Инспекцияда “71 231-07-53 (1132, 1179)” рақамли “ишонч телефони” доимий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур телефон орқали бўладиган мурожаатлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, мурожаат эгаларининг талаблари қаноатлантирилмоқда.

Инспекциянинг www.tdi.uz расмий веб-сайтида “ишонч телефони”, Инспекция марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларининг фамилияси, исми, шарифи ва лавозими, иш телефонлари кўрсатилган. Бундан ташқари, Инспекциянинг расмий веб-сайтида <http://tdi.uz/about/stop-corruption/> рукни ташкил этилган бўлиб, мазкур рукн орқали жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар беришлари учун қулай имкониятлар яратилган, шунингдек коррупцияга қарши курашиш юзасидан амалга оширилган ишларнинг ҳисоботлари ҳам мазкур рукнда жойлаштириб борилади.

Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш долзарб масала эканлигини турли омиллар билан белгилашимиз мумкин, бироқ қуйида келтириладиган омиллар энг устуворлари ҳисобланади:

1) замонавий давлат бошқаруви ва хусусий секторда касб турлари шиддат билан кўпаяётган бир вазиятда малакали кадрларга бўлган талабнинг ортиши ва ижобий натижаларга эришишда етук кадрлар хизматидан фойдаланиш хал қилувчи аҳамият касб этаётгани;

2) бугунги бозор иқтисодиёти шароитида фаровон ҳаёт кечириш, касбий ва инсоний ҳурмат эътиборга эга бўлиш учун олий маълумотли кадр бўлиш;

3) юқорида келтирилган икки омил асосида тарафлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларга коррупциянинг аралашуви натижасида келиб чиқадиган жиддий салбий оқибатлар.

Давлат ва хусусий секторда малакали кадрларга бўлган талаб ва шахсни олий маълумотга эга бўлиш орқали моддий ҳамда маънавий манфаатни қўлга киритишга интилиши субъектлар ўртасида муносабатлар ортишига ва қонуний муносабатларни коррупциявий муносабатларга ўзгаришига кучли таъсир қилади. Зеро, олий маълумот олиш ва малакали кадр бўлиш оғир

меҳнат талаб этиши, ҳамма ҳам ўз кучи ва қобилияти билан унга эриша олмаслиги уларни коррупция усулидан фойдаланишга ундайди.

Биринчи асос бўйича, давлатнинг олий таълимга бўлган юқори эътибор ва эҳтиёжи қўйида келтириладиган рақамлар ҳам исботланган.

Бугунги кунда, Республикада 121 та олий таълим муассаси (мантда ОТМ шаклида) мавжуд бўлиб, уларнинг 96 таси миллий, 21 таси хорижий муассасалар ҳисобланади. Уларда бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура йўналиши бўйича 13 минг нафар талабалар таълим олмоқда.

Сўнгги уч йил давомида олий таълим соҳасида 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу даврда мамлакатимизда 6 та ОТМ, 17 та филиаллар, 14 та хорижий олий ўқув юртлари ташкил этилди, юздан ортиқ бакалаврият ҳамда 94 та магистратура йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, 2019-2020 ўқув йилидан 59 та олий ўқув юртида сиртқи, 10 тасида кечки таълим жорий қилинди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 20 фоизга ошди.

Соҳага бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортиб, 2018 йилда 879 млрд. сўм, 2019 йилда 1 трлн. 288 млрд. сўм маблағлар ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1 трлн. 888 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Профессор-ўқитувчиларнинг маоши 2018 йилда ўртача 25 фоизга оширилган бўлса, 2019 йил 1 январдан 20 фоизга, 1 июлдан эса 25 фоизга оширилди.

Иккинчи асос бўйича, коррупцияга қарши курашишда олий таълим муҳим аҳамиятга эга соҳа сифатида ажралиб туради, чунки олий таълим меҳнат фаолиятига йўлланма берувчи якуний узлуксиз таълим босқичи ҳисобланади. Бутун дунёда ва мамлакатимизда олий таълим олишга бўлган интилиш жуда юқори ва бу борадаги кучли рақобат коррупциявий ҳолатлар келиб чиқиш эҳтимолини оширади.

Рақамларга мурожаат қилсак, соҳада ўтган 2019 йилда аввалги битирувчилар билан бирга 1.066.922 нафар номзодлар ОТМга кириш имтиҳонларини топширган бўлиб, уларнинг 121 минг нафари талабалikka тавсия этилган. Кўриш мумкинки, номзодларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 11.3 фоизни ташкил қилмоқда.

Учинчи асос бўйича, олий таълим “коррупциянинг дастлабки мактаби” ҳисобланади, чунки бу фаолиятда талаба вояга етган мустақил шахс сифатида ўқитувчи билан тўғридан-тўғри ҳуқуққа зид фаолиятга киришади ва унда коррупцияга мойил шахсият шаклланиб боради. Келажакда коррупциявий хусусиятга мойил кадрни масъулятли лавозимни эгаллаши салбий оқибатларга сабаб бўлади. Демак, олий таълимда коррупцияни мавжуд бўлиши бошқа соҳаларга ҳам коррупцияни кенг тарқалишига йўл очиб беради. Соҳадаги коррупция билимсиз талабларни шакллантириш билан бирга, юқумли касаллик мисоли илмли талабаларни ҳам коррупция йўлини танлашга ундайди.

Салбий кўрсаткичларга мурожаат қилсак, 2019 йилда 16,7 млрд. сўмлик молиявий қонунбузарликлар содир этилиб, 16 млрд. 748 млн. сўмлик бюджет маблағи талон-торож этилган ва мазкур ҳолат бўйича 103 нафар мансабдор ва масъул ходимлар жиноий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, сўнгги икки йилда олий таълим тизимидаги 326 нафар ходимлар жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, 317 нафари ёки 97 фоизи коррупциявий жиноят содир этган.

Ёки, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ Маркази томонидан 2018 йилда ўтказилган сўровда 29 фоиз, 2019 йилда ўтказилган сўровномада 35 фоиз иштирокчилар олий таълим тизимида коррупция кенг тарқалганлигини эътироф этган.

Яқунийси, етарли билим ва кўникмага эга бўлмаган, маънавий қашшоқ ёш авлодни қийинчиликсиз давлат сиёсатидан оғдириш, турли салбий йўлларга етаклаш мумкин бўлади ва бу эса ўз навбатида давлатдаги сиёсий ва маънавий ҳолатга салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган муҳим омилларни инобатга олган ҳолда давлат томонидан олий таълимга долзарб соҳалардан бири сифатида эътибор қаратилиб, чинакам “коррупциясиз соҳага” айлантириш мақсадида жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида, олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаб бериши кўрсатилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида ОТМ фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ОТМга қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш белгиланган бўлса, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори асосида олий таълим тизимида амалга ошириладиган ислоҳотлар бўйича “йўл харитаси” тузилди, 2019 йил 11 июндаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармонида, олий таълим соҳасида самарали бошқарув тизимини яратиш кўзда тутилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли Фармони асосида 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида олий

таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгиланди.

Мамлакатимизда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ҳамда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги Қонунлар қабул қилинганлиги боис коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Коррупциявий жиноятларни олдини олишнинг асосий мақсади давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши белгиланган.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, 2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5729-сон Фармони билан 35-банддан иборат 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланган.

Дастур аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига қаратилган.

Дастурда коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда фуқароларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ хулқни шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш, сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш, ушбу соҳада кейинги чора-тадбирларни амалга оширишда баҳолаш натижаларидан фойдаланиш масалалари белгиланган.

Давлат дастури талабларини бажариш мақсадида 31.07.2019 йилда Идоралараро комиссия раиси томонидан 30 банддан иборат “Коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси” ва 16 банддан иборат

“Ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустақкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланган ҳамда барча вазирлик ва идораларга юборилган.

Давлат дастури талабларини бажариш мақсадида Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди.

– “Йўл харита” 7 та бўлим (умумий чора-тадбирлар, қабул жараёни, талабалар билимини баҳолаш, ўқишни кўчириш ва нострификация, ОТМларни такомиллаштириш, ўқитувчилар ижтимоий ҳимояси, бюджет маблағларидан мақдали фойдаланиш) ва 46 та банддан иборат;

– тадбирларни 2019-2020 йилларда амалга ошириш белгиланган;

– тадбирларни Давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, БМТ тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Иқтисодий ғамкорлик ташкилоти маблағлари ҳисобидан молиялаштириш белгиланган;

– жами 31 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (2 та қонун – Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Олий таълим тўғрисида, 1 та Президент қарори, 23 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 5 та идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари) ишлаб чиқиш;

– 15 та амалий-ташкилий чора-тадбирлар (1 та илмий тадқиқот, 2 та таҳлилий маълумот ва 12 та бошқа тадбирлар) белгиланган.

Ҳозирга қадар “Йўл харита” ижроси бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

23.09.2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарори қабул қилиниб, олий таълим муассасаси раҳбар кадрларининг ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижалари инобатга олинадиган, уларга мунтазам равишда касбий ўзини ўзи ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизими амалиётга жорий этилди. Ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш билан боғлиқ фан ва курсларни кенгайтириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режаларига 13 та янги модул киритилди (39-банд).

5 та амалий-ташкилий тадбирлар амалга оширилди:

– олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича Бош прокуратура Академияси вакиллари Жаҳон банкининг Тошкент шаҳридаги ва хориждаги вакиллари билан ҳамкорлик истиқболларини белгилаш бўйича учрашув ўтказилди. Натижаси бўйича жорий йилнинг 29 октябрь куни “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси мазмунини амалга ошириш юзасидан семинар-тренинг ўтказилади (1-банд);

– олий таълим муассасалари веб-сайтларида “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар порталини яратиш бўйича ахборот тизимининг техник топшириғи ишлаб чиқилди (3-банд);

– олий таълим муассасаларида ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини шакллантириш ҳамда таълим жараёнига “Булутли технологиялар”ни (электрон университет) босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ҳамда олий таълим муассасаларига ижрога йўналтирилган (5-банд);

– қабул жараёни иштирокчиларининг жавобгарлигини жорий қилиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш учун Давлат тест маркази ходимлари Германия, Туркия, Россия, Корея, Япония ва Қозоғистон давлатларига хизмат сафари ташкил этилган (15-банд);

– таълимдаги коррупция ҳолатлари бўйича 24 сентябрда “Менинг ҳуқуқим”, 25 сентябрда “Ҳаёт ва қонун” телекўрсатувлари намойиш қилинган.

6 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда:

– “Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси; (20-банд)

– “Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси (25-банд);

– талабалар ўқишини кўчириш ва кўчириб тиклаш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш, ўқишга тиклаш жараёнини соддалаштиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.2017 йилдаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳаси (26-банд);

– Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси (27-банд);

– “Олий таълим тўғрисида”ги қонуннинг дастлабки лойиҳаси (29-банд);

– “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ассоциацияси тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси (43-банд).

Давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимида қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликларга қарамасдан, соҳада коррупция ҳолатлари, жиддий муаммо ва нуқсонлар сақланиб қолмоқда. Шунинг учун биринчи навбатда олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш лозим бўлади.

Олий таълим соҳасида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида:

I. Назарий нуқтаи назардан: Биринчидан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда коррупция тушунчасига таъриф берилган бўлсада, миллий доирада олий таълим соҳасида коррупция тушунчаси мавжуд эмас. Илмий таъдқиқот давомида олий таълим соҳасида коррупция тушунчасига берилган миллий ва хорижий таърифлар ўрганилиб, унинг мукамал таърифи таклиф қилинди. Тушунчага тариф беришда мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, хусусий сектордаги коррупция каби янги жиҳатларига эътибор қаратилиши лозим.

Иккинчидан, коррупциявий хавф-хатар тушунчаси турли соҳаларда қўлланиб келинган бўлсада, ушбу тушунчага назарий таъриф берилмаган. Ўрганиш давомида, олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатар тушунчасига таъриф берилди. Тарифни шакллантиришда турли ёнашувлар мавжудлиги кўрсатилиб, тадқиқот учун мос ёндашув танлаб олинди ва тушунча амалий мисоллар ёрдамида ойдинлаштириши зарур.

Учинчидан, олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ўрганилди ва уларнинг шакллари келтирилди. Коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари ёритишда, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда долзарб бўлган шаклларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари долзарблиги миллий, ҳудудий хусусиятларга ва бўлажак ислоҳотларга боғлиқ эканлиги амалий мисоллар ёрдамида кўрсатиш керак.

Тўртинчидан, Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни бошқа соҳадаги ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи ўзига хос хусусиятлари антиқлашиши керак.

Бешинчидан, тадқиқотчилар томонидан олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар таснифи ўрганилиб, уларнинг ҳар бирига амалий мисоллар келтирилди ва мамлакатимиз олий таълим соҳаси учун муҳим бўлган давлат, хусусий ва хорижий ОТМда содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга таснифланди.

II. Амалий жихатдан:

Биринчидан, ўрганиш давомида, коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этишдаги турли ёндашувлар кўриб чиқилди, уларнинг ижобий ва салбий жихатлари ўрганилди. Яқунда, олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этиш ва уларни бартараф этишнинг мақбул усули белгиланиши зарур.

Иккинчидан, олий таълим соҳасида долзарб бўлган кириш имтиҳонларини такомиллаштириш бўйича янги тартибини ташкил этиш бўйича таклиф берилди. Таклиф лойиҳасида жорий имтиҳон тизимидаги коррупциявий хавф-хатарлар, янги имтиҳон шаклининг ижобий натижалари кўрсатилиши шарт.

Учинчидан, соҳада коррупциявий ҳолатларнинг асосий омили бўлган самарасиз бошқарув шакли таҳлил қилиниб, ОТМда замонавий ва демократик принципларга асосланган бошқарув тизимини жорий этиш таклиф қилинди. Таклиф лойиҳасини ишлаб чиқишда Грузия хорижий тажрибаси ва эришган ижобий натижалари асос қилиб олиниши керак.

Тўртинчидан, хорижда ўқимоқчи бўлган талабалар ва мамлакатимизда ўқиётган хорижий талабаларга хизмат кўрсатишда институонал бўшлиқ мавжудлиги инобатга олиниб, ушбу хизмат турини кўрсатувчи махсус нодавлат тузилма ташкил этишга қўмаклашиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, олий таълим соҳасида коррупциявий ҳолатларни келиб чиқишининг асосий омилларидан бири сифатсиз таълим эканлиги ва таълим сифатини назорат қилишда иш ҳажми кенглиги инобатга олинган ҳолда мазкур фаолиятни амалга оширувчи нодавлат тузилма ташкил этишга қўмаклашиш зарур.

Олтинчидан, коррупциядан ҳоли баҳолаш тизими яратиш соҳадаги коррупциянинг деярли ярмини олдини олишга хизмат қилади. Шунинг учун, тадқиқот ишида талабаларни баҳолашда “Blind assessment” тизимини жорий этиш керак.

Еттинчидан, ОТМда ўқитилаётган номутахассислик фанлар махсус кадрларни тайёрлашга салбий таъсир қилиши билан бирга коррупциявий ҳолатларга олиб келмоқда. Шунга кўра, ОТМда ўқитилаётган талабалар кизиқмайдиган номутахассислик фанларни камайтириш шарт.

Саккизинчидан, соҳадаги очиқлик ва ошкоралик, жамиятнинг соҳага берган холис баҳоси коррупцияга қарши курашишда самарали усул бўлиб, илмий ишда Ўзбекистон Республикаси ОТМлари ўртасида коррупциявий рейтингни ташкил этиш зарур.

Тизимдаги норматив-ҳуқуқий актларни такомиллаштириш борасидаги зарурат:

Биринчидан, олий таълим ва бошқа таълим соҳаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўплиги, уларни амалиётда қўллашда қийинчилик келиб чиқараётгани, нормалар ўртасида зиддият ва такрорланишлар мавжудлиги сабабли Таълим кодексини тузиш зарур.

Иккинчидан, ОТМга кириш имтиҳонлари жараёнида қоида бузилишлар узок йиллар давомида содир этиб келинмоқда, бундай “уддабуронлар” аниқлангани ҳолда имтиҳондан четлатилмоқда, лекин уларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилмапти. Шунга кўра, таълим муассасасига кириш имтиҳони топшириш қоидаларини бузган шахслар учун маъмурий жавобгарлик асосларини белгилаш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга алоҳида модда киритиш керак.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашишда ички тартиб қоидаларни мукамал шакллантириш ва унда коррупцияга оид қоидаларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, ўқитувчи ва талабалар учун алоҳида Ахлоқ кодекслари ишлаб чиқиш ва коррупциявий ҳолатларни белгилаш шарт.

Тўртинчидан, ОТМ ўз имкониятларини тўғри баҳолаши ва меҳнат бозори талабларига мувофиқ кадрларни тайёрлашга эътибор қаратиш учун “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгариш киритиб, квота сонини белгилаш ваколатини Вазирлар Маҳкамасидан ОТМлари ваколатига ўтказиш шарт.

Бешинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июнда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабаларни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ва турдош йўналишлар бўйича ўқишни кўчиришнинг аниқ тартибини, ўқишни кўчириш асосларини белгилаш ва бир ОТМ ичида ўқишни кўчиришни бекор қилиш таклиф қилинади.

Юқоридаги таклифлар асосида олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш ва қўлга киритилган назарий ҳамда амалий тажрибаларни бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлади.

§ 2.3. Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш тизимини кучайтириш масалалари

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёт ва юксалиш даражаси - аҳоли учун яратилган шароитлар, биринчи навбатда, миллат генофондини асраш, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда тиббий хизмат сифати ва самараси билан баҳоланади.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари тараққиётимиз янги босқичининг илк кунларидан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган ташаббусларни илгари сурдилар.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш, аҳоли учун сифатли тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиш имконини яратиш бўйича белгиланган янги чоратadbирлар ижроси шахсан мухтарам Президентимиз назоратидадир.

Сўнгги уч йилда ушбу соҳага оид 170 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинганининг ўзиёқ бунинг исботидир.

Соҳани молиялаштириш ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2018 йилда тиббиёт соҳасига 9 трлн. 300 млрд. сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 30 фоизга ортиб, 12 трлн. 100 млрд, сўмни ташкил этди.

Келгуси йилда эса, соҳага 2 трлн. 800 млрд сўм ёки 23 фоиз кўп маблағ йуналтириш режалаштирилди.

Уч йилда 6 та ихтисослаштирилган, замонавий тиббиёт марказлари ташкил этилиб, уларнинг сони 16 тага етказилди.

Туман ва шаҳар шифохоналарида 306 та янги ихтисослашган бўлимлар, 1.200 та тез ёрдам шаҳобчалари фаолияти йўлга қўйилди.

Тез ёрдам бригадалари сони 818 тадан 1.666 тага ёки икки баробарга кўпайтирилди, 1.500 дан ортиқ “тез ёрдам” машиналари харид қилинди.

Айни пайтда соҳада қўплаб касбига содиқ, салоҳиятли ходимлар меҳнат қилаётганлиги ютуқлар омилларидан бўлмоқда.

Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги таъмагирлик ва суиистеъмолчилик, тизимнинг барча бўғинларида коррупциянинг кенг илдиз отгани хавотирлидир.

Шунга қарамасдан, соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалий ишлар оқсаётганлиги, тизимдаги айрим раҳбарлар бу иллатдан ҳали-бери қутилолмаётганлиги, аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатдир.

Сўнгги икки йилда тизимдаги 581 нафар ходимлар турли жиноятларни содир қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ташвишлиси, уларнинг 114 нафари ёки ҳар тўртинчисининг содир қилган қилмиши коррупциявий жиноят ҳисобланади.⁶

⁶ Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш ҳамда тизимда вужудга келган долзарб ва муаммоли масалаларнинг муҳокамасига бағишланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2019й. 25 декабрда бўлиб ўтган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошевнинг маърузаси

Бу даврда 115 нафар тиббиёт ходимлари бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўйиб, шифокор деган улуғ номга доғ туширганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Бу ходимлар 50 та ҳолатда беморга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатмаган, 24 та ҳолатда даволаш ишларини нотўғри олиб борган, 13 та ҳолатда жарроҳлик операциясини ўтказмаган ёки нотўғри ўтказган, 7 та ҳолатда касалликни барвақт аниқлаш чорасини кўрмаган.

Энг ачинарлиси, бундай қилмишлар оқибатида 27 нафар фуқаро оғир ва ўта оғир тан жароҳати олган бўлса, 70 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Айнан шифокорлар айби билан 6 нафар аёллар фарзанд кўриш қобилиятини йўқотган, 12 та ҳомила нобуд бўлган.

Мисол учун, Чироқчи туманида акушер-гинеколог Файзиева ҳомиладор Хайдаровага тиббий ёрдам кўрсатмаганлиги ҳамда жарроҳлик амалиётини ўтказмаганлиги оқибатида Хайдарова ва унинг ҳомиласи нобуд бўлган.

Кўнғирот туманида шифокор Абдуллаев эса, кўзи ёриган Кудайбергеновнинг қон гуруҳини текширмасдан, унга бошқа гуруҳдаги қон қуйганлиги сабабли она вафот этган.

Хўжайли туманида шифокор Есбергенов оғир жароҳат билан келтирилган фуқаро Есеналиевага тегишли тиббий ёрдамни кўрсатмаган. Оқибатда, Есеналиеванинг қўли гангрена бўлиб, ампутация қилинган.

Жавобгарликка тортилган ходимларнинг 3 нафари вазирлик ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида, 49 нафари вилоят ҳамда 529 нафари туман – шаҳар миқёсидаги муассасаларда фаолият олиб борган.

Жиноий жавобгарликка тортилганлар, асосан, Фарғона (91 нафар), Андижон (80), Самарқанд (77), Наманган (44), Кашқадарё (33), Сурхондарё (32) ва Хоразм (32) вилоятлари ҳисобига тўғри келади.

Бугун ушбу вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари Умаров, Абдурахмонов, Жуманиёзов, Мўминов, Турсунов, Шукуров, Тангрибергеновлар бундай аянчли ҳаволанинг аниқ сабабларини тушунтириб беришлари керак.

Вазият шу даражага етиб борганки, коррупция аралашмаган биронта тиббиёт соҳаси ёки йўналиши қолмаган.

Бу иллат ходимни ишга қабул қилишдан бошлаб, молия-хўжалик фаолиятини юритиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон таъминоти, қўйингки, барча-барча йўналишларни қамраб олган.

Тизимдаги яна бир аянчли ҳолат тиббиёт ходимларининг психотроп моддалар ноқонуний савдоси билан шуғулланишидир.

Ўтган даврда 19 нафар ходим бундай ишга қўл ўрганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди, уларнинг 12 нафарини ҳамширалар, 9 нафарини шифокорлар ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 январдаги буйруғи билан 2019 йил 1 февралдан тизимда тиббиёт ходимлари фақат тўлиқ ставкада ишга қабул қилиниши белгиланган. Лекин ушбу буйруқ ижроси таъминланмаяпти.

Мазкур буйруқдан кейин ўрганилган 68 та муассасада қарийб 2 минг нафар ходим чорак ва 3.800 нафари ярим ставкага ишга қабул қилинганлиги аниқланди.

Биргина Республика ихтисослаштирилган ақонерлик ва гинекология марказида 92 та штат бирлигида 152 нафар шифокор ва 162 та штат бирлигида 219 нафар ҳамшира ишлаб келмоқда.

Вазирлик маълумотига кўра, бугунги кунда республика бўйича жами 12.916 нафар, шундан 2.894 нафар умумий амалиёт ва 10.022 нафар тор доирадаги мутахассислар етишмайди.

Хусусан, тиббий муассасаларда 851 та педиатр, 465 та терапевт, 326 та стоматолог, 273 та анестезиолог-реаниматолог, 269 та акушер-гинеколог, 216 та психиатр, 198 тарентгенолог, 192 та фтизиатр, 172 та хирург ва 5.383 та бошқа тор доирадаги мутахассис штатлари тўлдирилмаган.

Худудлар кесимида бош шифокор лавозимлари Навоий вилоятида 264 тани, Бухорода 389, Хоразмда 525, Андижонда 576, Қорақалпоғистон Республикасида 691, Сирдарёда 744, Наманганда 769, Жиззахда 773, Самарқандда 962, Фарғонада 1.097, Қашқадарёда 1.129, Тошкент вилоятида 1.428, Сурхондарёда 1.713 ва Тошкент шаҳрида 1.856 тани ташкил этади.

Яна бир масала, тиббиёт коллежларини битириб, ишсиз юрган ёшлар сони жуда юқори бўлсада, республика бўйича 4.500 та ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари штат бирликлари тўлдирилмаган.

Ҳамшира ва кичик тиббиёт ходими бўш иш ўринлари сони Сурхондарё (206), Самарқанд (477), Тошкент вилоятлари (582) ва Тошкент шаҳрида (2.213) юқориликча қолмоқда. Шу ўринда савол туғилади.

Тизимда ишга қабул қилиш жараёнининг шаффоф эмаслиги турли суиистеъмолчилик ва таъмагирлик ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

Кадрлар билан ишлашдаги бундай вазият, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси заифлиги нафақат кадрлар қўнимсизлигига, балки тажрибали ва етук мутахассисларнинг хусусий секторга ёки чет давлатларга ишга ўтиб кетишига олиб келмоқда.

Биргина, республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий марказидан сўнгги уч йилда 242 нафар моҳир шифокор хусусий клиникаларга ишга ўтган ёки хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган.

Тажрибали ва етук кадрлар етишмовчилиги кузатилаётган ҳозирги пайтда бу каби йўқотишлар аслида, коррупциянинг оқибати эмасми?!

Бюджет маблағларининг сарфланиши, ўзаро ҳисоб-китоб, пулли хизмат кўрсатиш жараёнидаги тизимли камчилик ва нуқсонлар ҳам соҳадаги асосий коррупциявий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат молиявий назорат департаменти томонидан сўнгги икки йилда текширилган 1.591 та тиббий муассасанинг 1.311 таси ёки фоизида молиявий қонунбузарликлар аниқланган.

Фақат жиноят ишлари бўйича қарийб 92 млрд, сўм бюджет ва бошқа маблағлар талон-тороғ қилинганлиги маълум бўлди.

Вазирликнинг ички аудит ва молиявий назорат хизмати томонидан аниқланаётган молиявий қонунбузарликлар ҳам йилдан йилга ортмоқда.

Жумладан, мазкур хизмат томонидан 2018 йилда млрд, сўм сарфланишида молиявий қонун бузилишлар аниқланган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3 баробарга ортиб, 26,7 млрд, сўмни ташкил қилди.

Тизим мутасаддилари билан мавжуд муаммолар тўғрисида суҳбатлашилса, пул йўқ, маблағ етишмайди, деган баҳонани важ қилишади.

Вахоланки, соҳани ўзини-ўзи молиялаштиришнинг ягона манбаи - пуллик тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилмаган, интизом ва тартиб бўшашиб кетган.

Бундан ташқари, тизимда масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш, юридик хизмат фаолияти ҳам талабга тўла жавоб бермайди.

Бунга, Адлия вазирлигида экспертизадан ўтказилмаган 6 та норматив ҳужжатдан фойдаланишга йўл қўйилганлиги яққол далилдир.

Хусусан, давлат ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатига доир вазирликнинг 4 та буйруғи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлсада, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилмасдан, шу йилнинг 15 августига қадар фойдаланиб келинган.

Вазирликнинг 2018 йил 25 декабрдаги 3973-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Парамедиклар томонидан бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби” ҳам давлат рўйхатидан ўтказилмасдан, 2019 йил 7 июнга қадар амалиётда қўлланилган.

Давлатимиз Раҳбарининг 2018 йил 2 августдаги 3894-сонли қарори билан соғлиқни сақлаш масалаларига оид ишлаб чиқиладиган локал ҳамда норматив - ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасида экспертизадан ўтказилиши шартлиги белгиланган.

2020 йил апрель-май ойларида бевосита Республика коррупцияга қарши курашиш комиссияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республика Бош прокуратураси ҳамда тегишли давлат органлари ҳамкорлигида яна 10 та соҳада (соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар, қишлоқ хўжалиги, мактабгача таълим, транспорт, энергетика вазирликлари, Давлат божхона хизмати тизимида, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти фаолиятида) ҳам коррупцияга қарши курашишда йўл хариталари тасдиқланди ва уларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан 2020 йил 20 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 76-сон буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши кўрашишни янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да 6 та асосий йўналиш бўйича 26 та амалий чораларни қамраб олиб, уларнинг энг муҳимлари сифатида:

- коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан коррупция хавфи юқори бўлган соҳалар, вазифалар ва лавозимларни, уларнинг олдини олиш ҳам да коррупцияга қарши идоравий чора-тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида вазирлик ва унинг купи тармоқларида ички хавфсизликни таъминлаш тармоқлариини ташкил этиш юзасидан асослантилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- тизимдаги коррупция хавфи юқори бўлган соҳа ва йўналишларда самарали назорат механизмларини жорий этиш ҳамда бундай тиббий хизматлар курсатилишини давлат хизматлари марказларига ўтказиш бўйича асослангилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- “Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш борасида белгиланган вазифалар ижроси тўлиқ таъминлаш;

- фуқаролар томонидан давлат тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини баҳолаш имконини берувчи дастурий ахборот-таъминотини яратиш;

- ишга қабул қилинаётган шифокорлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига кўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқиш ҳамда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини вазирлик тизимида интеграция қилинишини таъминлаш, ходимларни турли важлар билан қисқартирилган ставкалар асосида ишга қабул қилиш амалиётига чек қўйиш чораларини кўриш;

- коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда масофавий назоратни кучайтириш чораларини кўриш;

- бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқини берувчи ордерларни тақсимлаш жараёнини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, ушбу жараённинг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, ордер бериш жараёнини масофавий кузатиб бориш имконини берувчи электрон навбатни жорий этиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш чораларини кўришни кўрсатиш мумкин.

§ 2.4. Капитал қурилиш соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалалари

Коррупциядан энг кўп азият чекадиган соҳалардан бири сифатида капитал-қурилиш соҳасини ажратишимиз мумкин. Капитал-қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг барча секторлари учун локомотив вазифасини ўтайди. Прогнозларга асосан, дунё бўйлаб капитал-қурилиш соҳасига ажратиладиган маблағлар ҳажми 2025 йилга келиб, 70 фоизга ўсади ҳамда 14 триллион АҚШ долларига етади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу соҳага ажратилган бюджет маблағлари йилдан йилга кўпайиб, 2019 йилда 69 триллион сўмни ташкил қилган.

Капитал-қурилиш соҳаси иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа секторлари орасида энг коррупциялашган соҳа эканлигини дунёнинг етакчи халқаро ташкилотлари ҳамда экспертлари таъкидлаб келишади. Улар орасида БМТ барқарор ривожланиш дастури, Европа комиссияси, Жаҳон банки, “Transparency international”, “GIACC” каби ташкилотлар бўлиб, таҳлилларда турлича рақамлар мавжуд бўлсада, айнан бир хил хулосага келинган.

Капитал-қурилиш соҳасида айрим хорижий мамлакатларнинг биринчи шахслари томонидан жиноят содир этилиши ҳолатлари учраб туради. Масалан, Жанубий Кореянинг собиқ президенти Ли Мен Бакнинг президентлик даврида содир этган жиноий қилмишлари юзасидан 2018 йилда кўзгатишган жиноят иши бўйича айбловлар орасида ер ажратиш ҳамда қурилишга русхат бериш эвазига пора олганлиги ҳолати ҳам мавжуд.

Шу каби, юқоридаги халқаро ташкилотлар томонидан юртимизда коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қониқарли даражада баҳоланмаслигини ҳам тан олишимиз керак. Масалан, Transparency international томонидан ҳар йили янгилашиб бориладиган “коррупцияни қабул қилиш индекси”да Ўзбекистон рейтингда мавжуд бўлган 180 та давлатлар орасида 153 ўринни эгаллаган.

Ушбу салбий ҳолатни рейтингни тузиб чиқувчи экспертларнинг асосий қисми АҚШ ва Европа давлатиданлиги, уларда мавжуд намунавий тизим ва стандартлар Ўзбекистон Республикасидагидан кескин фарқ қилиши, тавсия этилган стандартларнинг айримлари юртимизда у ёки бу кўринишда мавжуд бўлиб, номланиши жиҳатдан фарқ қилиши ва бошқа бир қатор факторлар билан изоҳлашимиз мумкиндир. Лекин, амалдаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш, шу жумладан капитал-қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича юртимизда амалга оширилган ишлар яқин кунларгача қониқарли бўлмаган -десак, муболаға бўлмайди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сунгги 2 йида республика бўйлаб, қурилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 973 та жиноят иши кўзгатилиб, жами 1233 нафар шахслар жавобгарликка тортилган. Булар, албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган ҳолатлар бўлиб, амалда жиноятлар бундан кўпроқ эканлигини тасаввур қилишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида капитал-қурилиш соҳасида бугунги кунда кузатилаётган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш ҳамда соҳада коорупцияга қарши курашиш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиб, уларни миллий қонунчилигимга жорий этиш мавзусида тадқиқот ишини олиб боришни мақсадга мувофиқ.

Капитал-қурилиш соҳасининг умумий тавсифи ва босқичлари

Ўзбекистон Республикасида бугунги ҳолатда капитал-қурилиш соҳаси бир қанча босқичларни ўз ичига олган, Вазирлар Маҳкамаси, бир нечта вазирликлар ҳамда давлат идоралари томонидан тартибга солинадиган соҳа бўлиб, соҳанинг ҳуқуқий асосини 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади.

Капитал-қурилиш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хронология жиҳатдан ўрганиб чиқадиган бўлсак, мустақиллик даврининг барча йилларида ҳам ушбу соҳага оид ҳужжатлар қабул қилиниб келинган. Шунга қарамаздан, мазкур соҳани бугунги кунда коррупцион хавфхатарлардан ҳоли деб бўлмайди.

“Капитал-қурилиш” тушунчаси бугунги кунда МДХ давлатлари учун хос бўлган термин бўлиб, ушбу тушунча ўзида адабиётларда ва амалиётда 2 хил маънода ишлатилади:

А) материал ишлаб чиқариш соҳаси сифатида;

Б) саноатнинг алоҳида соҳаси сифатида.

Тадқиқот мавзуйимизнинг объекти бўлиб, айнан саноатнинг алоҳида соҳаси бўлган капитал-қурилиш соҳаси ҳисобланади. Ушбу термин асосан МДХ давлатларида қўлланилади. Капитал қурилиш атамаси юзасидан бир нечта турдаги бир бирига ўхшаш таърифлар келтирилган бўлиб, умумий олганда мазкур тушунчага қуйидаги таърифни келтириб ўтишимиз мумкин:

“Капитал қурилиш - бино ёки иншоотларни янгидан қуриш ёки таъмирлаш юзасидан ер майдонини танлаш, лойиҳа-қидирув фаолиятини олиб бориш, лойиҳани экспертизадан ўтказиш ҳамда қурилиш учун пудратчиларни танлаш ишлари олиб борилган ҳолда комплекс қурилиш ишларини олиб бориш”.

Вазирлар Маҳкамасининг 03.07.2003 йилдаги 302-сонли қарорида мазкур тушунчага қуйидагича таъриф келтирилган:

“Капитал қурилиш – янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш”.

Мустақиллик йилларидан бошлаб 2018 йил 2 апрель кунига қадар қурилиш соҳаси Ўзбекистон Республикасининг Архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2018 йилдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сонли Фармонида асосан юқоридаги қўмита Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигига айлантирилган.

Бугунги кунда, капитал-қурилиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш айнан ушбу вазирликнинг зиммасига юклатилган. Капитал-қурилиш соҳасининг барча босқичларида коррупцион хавф-хатарлар мавжуд бўлиб, қуйида уларни бирма-бир таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

1. Ер ажратиш. Маълумки, ҳар қандай қурилиш аввало ер ажратиш ҳамда ер майдонида қурилишни амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришдан бошланади.

Ушбу масала қурилиш соҳасининг энг муҳим ва коррупцияген ҳолатлар учраши мумкин бўлган босқичлардан бири ҳисобланади. Ер участкаларини беришда ношаффоф, бюрократиялаштирилган тартиб-таомиллардан воз кечиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳудудларнинг замонавий меъморий қиёфасини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2018 йилдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3677-сонли Қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси ташкил этилиб, юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш мазкур тизимда электрон аукцион орқали амалга оширилаши белгиланди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2018 йилдаги 493-сонли Қарори қабул қилиниб, “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.

Қабул қилинган янги низом асосида, ер участкалари бериш бўйича маълумотлар тўплаш ҳамда уларни ваколатли органлар билан келишиш “YERELEKTRON” автоматик ахборот тизими орқали электрон шаклда амалга оширилади.

Юқоридаги қарорга мувофиқ ер участкаларини танлаш бўйича 6 та орган ва муассасалар хулоса берадиган бўлса, ер участкаларини танлаш бўйича материалларни келишишда 4 та орган қатнашади.

Мазкур низомга асосан, бўш ер участкаларини электрон аукцион орқали бериш жами 21 босқичдан иборат тартиб-таомиллардан иборат.

Тартиб таомилларнинг 15 таси “Давгеодезкадастр” давлат қўмитаси оператор бўлган “YERELEKTRON” ААТ орқали ҳамда 6 таси Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги ДУК оператор бўлган “E-IRO AUKSION” дастури орқали электрон шаклда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, босқичларнинг ҳар бирида бюрократик тўсиқлар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда аукцион ғолибларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида президентимизнинг 26.08.2019 йилдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4427-сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан, 2019 йилнинг 1 октябридан бошлаб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш бўйича аукцион ғолибларига тегишли тасдиқловчи баённома асосида “Давгеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий бўлимларида ер участкасига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими йўлга қўйилиши белгиланди.

Шунингдек, қарорнинг 2-бандида тизимни соддалаштиришга қаратилган қатор ўзгартиришлар баён этилган:

Жумладан, ер участкасини танлаш материалларини келишиш ва у бўйича хулосалар бериш ваколатли ташкилотлар томонидан фақат электрон шаклда «YERELEKTRON» ААТ орқали унга ер участкалари бўйича маълумотлар киритилган кундан бошлаб беш иш куни ичида автоматлаштирилган тартибда амалга оширилиши қатъий белгиланди.

Шу каби, ер участкасини танлаш материаллари юзасидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, ёнғин хавфсизлиги ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари, санитария-эпидемиология назорати хизматининг ҳудудий ташкилотлари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг хулосасини олиш талаби бекор қилинди.

Бундан ташқари, қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг аукцион ғолиби номига ер участкасини ажратиш бўйича қарор қабул қилиши талаб этилмайди ҳамда аукцион ғолиби ёки ер участкасига нисбатан ҳуқуққа эга бўлган шахсинг айби бўлмаган тақдирда, маъмурий тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартиришга йўл кўйилмаслиги белгиланди.

Юқорида кўрсатилган талаблар ва қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган қатор бошқа тартиб-таомилларни бузиш давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликнинг бузилиши деб ҳисобланиши алоҳида белгиланди.

Қарорга асосан бўш турган ер участкаларини бериш бўйича қабул қилинган янги тартиб-таомиллар 2019 йилнинг 1 октябридан бошлаб қўлланиши назарда тутилган бўлсада, 2019 йилнинг 20 декабрь кунига қадар эски тартиб-таомиллар бўйича иш кўрилиб келинган. Қарор ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.2019 йилдаги 1023-сонли Қарори билан “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида” Низом қабул қилинди.

Низомга асосан ер участкаларини танлаш юзасидан фақатгина экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органларининг хулосалари талаб этиладиган ҳамда Маданият Вазирлигининг Маъданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг ҳудудлараро давлат инспекциялари томонидан келишилинадиган бўлди.

Шунингдек, низомга асосан ер участкаларини танлаш юзасидан қурилиш органлари томонидан 5 иш кунини давомида хулоса тақдим этилади ва зарур ҳолларда ушбу хулоса куйидаги ташкилотлар билан келишилинади:

- туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (Тошкент шаҳрида ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси);
- Тегишли ҳудудлар ва иншоотлардан режим асосида фойдаланадиган ҳамда уларни эксплуатация қиладиган ташкилотлар;
- ИИБ ЙҚХБ давлат хизмати ҳудудий органлари;
- Тегишли ҳудудий архитектура ва шаҳарсозлик кенгашлари.

Мазкур низомда ер участкаларини онлайн-аукцион орқали беришнинг янги ва соддалаштирилган 12 босқичли тартиб-таомили қабул қилинди.

2. Тендер ва танловлар. Капитал-қурилиш соҳасининг дастлабки босқичи сифатида ер танлаш ва қурилиш учун ер ажратиш билан паралелл равишда тендер ва танлов босқичи ҳам биринчи босқич бўлиб келиши мумкин.

Ушбу муносабатларни 09.04.2018 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 03.07.2003 йилдаги 302-сонли қарори билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида Низом ҳамда бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан, ҳар қандай давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва

фармойишлари, Ҳукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидлари, шунингдек бюджет ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидлари мазкур Қонун доирасида амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур қонуннинг 23-моддасида давлат харидлари турлари кўрсатилган бўлиб, улар жумласига тендер ва танлов савдолари ҳам қуиритилган.

Шунингдек, Қонуннинг 50 ва 59-моддалари мазмунидан келиб чиқиб, бир шартнома бўйича иш ва хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг 25 бараваридан 25 минг бараваригача бўлса танлов, ундан ортиқ бўлса тендер асосида, бюджет буюртмачилари учун эса бир шартнома бўйича иш ва хизматларнинг қиймати 25 бараваридан 6 минг бараваригача бўлса танлов, ундан ортиқ бўлса тендер асосида амалга оширилиши лозим.

Қурилиш ишларини олиб бориш бўйича тендер (танлов) ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 03.07.2003 йилдаги 302-сонли Қарори билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги низомда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади. Мазкур низомга асосан тендер савдолари битта контракт бўйича 100 минг АҚШ долларидан ортиқ суммани ташкил қиладиган қуйидаги турдаги шартномаларга нисбатан қўлланилади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида марказлаштирилган манбалар (давлатнинг капитал қўйилмалари);

- давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари;

- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига товарлар;

- ишлар ва хизматлар харид қилишда.

Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш объектлари учун мазкур Низом талаблари тавсиявий хусусиятига эга.

Танлов савдоларини ўтказиш учун биринчи навбатда буюртмачи ташкилотнинг қарори қабул қилинади. Мазкур қарор тегишли ҳужжатлар яъни кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқа ҳужжатлар бўлган тақдирдагина қабул қилиниши белгиланган.

Танлов савдолари қатнашчилари бўлиб, инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ҳамда офферентлар ҳисобланади.

Танлов савдоларини ташкил этиш буюртмачи ташкилотнинг ўзи томонидан мустақил равишда амалга оширилиши ёки ушбу тадбирни ўтказиш учун шартнома асосида ташкилотчи ёлланиши мумкин.

Танлов савдолари очик ва ёпиқ шаклларда ўтказилиши мумкин. Очик танловларда офферентлар сони чекланмайди. Ёпиқ танловлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўтказиладиган танловлар бўлиб, ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган

сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади. Ёпик танлов савдоларида танлов савдолари ташкилотчиси тегишли малакага эга бўлган камида 3 та пудрат ташкилотларини танлайди ва уларга танловларда қатнашиш бўйича таклиф юборади. Ёпик танлов савдоларини ташкил этишда оммавий ахборот воситаларида эълон берилмайди ҳамда танловларда ва таклиф этилган пудратчи ташкилотлар қатнашади.

Шунингдек, танлов савдолари талабгорларнинг малакаси олдиндан аниқланадиган ёки аниқланмайдиган ёхуд 2 босқичли шаклларда ўтказилади.

Талабгорларнинг малакаси олдиндан аниқланадиган танловлар 2 турдан иборат бўлиб, буюртмачи томонидан талабгорларнинг малакасини аниқлаш 1-тур, танлов ғолибини аниқлаш эса, 2-тур саналади.

Икки босқичли танлов савдолари буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган ёки буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Талабгорларга қўйилиши мумкин бўлган малака талаблари низомда кўрсатилган бўлиб, қуйидагиларни ташкил этади:

- танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдорида маблағлар айланмасининг мавжудлиги ёки ушбу маблағни тақдим этишга банк қафолат хати;

- ишларни (хизматларни) бажариш учун етарли меҳнат ресурслар ва мутахассислар;

- устав капитал миқдори;

- танлов объектига ўхшаш объектларда муқаддам ишлаш тажрибаси;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Шу ўринда юқоридаги талаблар орасида низомда талабгорнинг устав капитали миқдorigа нисбатан талаблар қўйилиши кўриб ўтадиган бўлсак, устав капиталининг айнан қанча миқдорида бўлиши тўғрисида аниқ тавсиф берилмаганини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, “ушбу ҳолатда буюртмачи ўз дискрециясига асосланиб, устав капитали миқдорини белгилаши мумкинлиги қанчалик асосли?” -деган савол туғилиши мумкин. Қонунда таъқиқланмаган ҳар бир ҳолат қонуний деган принципга асосланиб, буюртмачининг ўзи хоҳлаганча талаб қўйиши ёки энг кам миқдорни белгиламасдан аниқ суммани белгилаши ҳам ноқонуний бўлмайди.

Мазкур ҳолатда низомнинг 35-бандида қўлланилган “устав сармоясининг миқдори” жумласи ўрнига “устав капитали миқдори танлов савдолари предмети қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги” жумласини қўллаш таклиф этилади.

Худди шунингдек, 35-банднинг давомида “танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин” -деб белгилаб қўйилган. Бошқа талаблар дейилганда

буюртмачи томонидан талабгорларга нисбатан ҳудудий, ташкилий-ҳуқуқий ёки бошқа дискрецион талаблар қўйилиши ёхуд танлов предметини бажаришда зарур бўлмайдиган лицензияларни талаб қилиш каби ҳолатларнинг қонунийлигини белгилаб беради.

Шу боис, ушбу бандни “танлов савдоларида қатнашиш талабгорида танлов предмети мазмуинидан келиб чиқиб, буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин” -деб, ўзгартириш таклиф этилади.

Танлов савдоларини ўтказишдан камида 30 кун олдин танлов савдолари ташкилотчиси оммавий ахборот воситаларида танлов предмети тўғрисида эълон беради ёки пудратчиларга таклифлар юборади. Эълонда ёки танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифномада танлов савдолари ташкилотчисининг номи, манзили, танлов савдолари предмети, унинг тавсифи, бажарилиш муддатлари, талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар, оферталарни тақдим қилиш жойи ва оферталарни тақдим этишнинг охириги куни кўрсатилган бўлиши лозим.

Шунингдек, низомнинг 48-бандида талабгорлар томонидан оферталар танлов тўғрисида эълон оммавий ахборот воситаларида чиқарилгандар бошлаб 30 кун ва таклиф юборилганидан бошлаб 35 кун муддатда берилиши лозимлиги кўрсатилган. Ушбу қоида юбқорида кўрсатилган қоидага нисбатан зид келиб қолиши мумкин. Чунки, ушбу ҳолатда танлов савдоларини ўтказишдан 30 кун олдин потенциал талабгорга таклиф юбориш муддати белгиланган ҳолда таклифни қабул қилган потенциал талабгорга 35 кун муддат берилган. Умуман олганда таклиф юборилган талабгорлар танлов тўғрисида оммавий ахборот воситаларидан хабардор бўлган талабгорларга нисбатан тайёргарлик кўриш учун кўпроқ вақтга эга бўлишади.

Шу боис, ушбу ҳолатда низомнинг 48 бандини қуйидаги талқинда ўзгартириш таклиф этилади:

“Оферталарни тақдим этиш муддати эълон оммавий ахборот воситаларида берилган кундан бошлаб ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз кунни ташкил этиши керак”.

Офертантлар томонидан тузиладиган танлов ҳужжатлари қоида тариқасида умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Низомга асосан, юқоридаги қисмларга қуйидаги ҳужжатлар намуналари киритилган:

1. Умумий танлов ҳужжатлари:

-танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;

-товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

-талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртманомалари шакли;

-талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари ғолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига тааллуқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

2. Техник ҳужжатлар “Қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилиши белгиланган.

3. Танлов ҳужжатларининг тижорат қисмига товар (ишлар, хизматлар) нархи, ишлар (хизматлар)ни бажариш шартлари, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартлари, танлов савдолари предметини сотиш муддатлари ҳамда шартнома лойиҳасини киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган техник танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилиши белгиланган низом 02.10.2002 йилда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1177-сонли қарори асосида қабул қилинган бўлиб, 2008 йилда ўз кучини йўқотган.

Ушбу ҳужжат ўрнига бугунги кунда Адлия вазирлигидан 08.01.2008 йилда 1757-сон билан рўйхатдан ўтган Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш иншоотлари учун қурилиш, реконструкция, техник қайта қуроллантириш, лойиҳа тайёрлаш, материаллар, конструкциялар ва жиҳозларни харид қилиш бўйича ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш тартиби ҳақида” низом амалда қўлланилаётган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 302-сонли қарори билан қабул қилинган низомнинг 52-бандига ҳам тегишли ўзгартириш киритиш тавсия этилади.

Танлов савдолари талабгорлари офертани имзо ва муҳр қўйилган ҳолда танлов савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда танлов белгиланган дедлайнга қадар буюртмачига юборишлари белгиланган. Оферта чопар орқали жўнатилганда танлов савдолар ташкилотчиси сана ва белги қўйган ҳолда қабул қилиб олади.

Оферта билан биргаликда танлов савдолари қатнашчилари танлов предметининг кўпи билан 2 фоизи миқдорида офертани таъминлаганликлари тўғрисида ҳужжатни ҳам тақдим қилишлари белгиланган. Ушбу тўлов кейинчалик танлов савдолари ғолибига шартнома тузилганидан сўнг ҳамда қолган иштирокчиларга офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмасдан қайтариб берилиши белгиланган.

Танлов савдолари мажлис шаклида ўтказилади ҳамда унда қатнашиш истагини билдирган оферентлар вакиллари қатнашади. Мажлис протокол шаклида расмийлаштирилиши ҳамда унинг натижалари тўғрисида оферентларга хабарнома юборилиши белгиланган.

Танлов савдоларини мажлис шаклида ўтказиш ҳамда офферентлар томонидан таклифларни конвертда муҳрланган ҳолда топшириш каби эскича усулдаги амалиётлардан бугунги кунга қадар фойдаланиб келанаётганлигини соҳада фаолият олиб борувчи бир қатор мутахассислар ушбу методлар билан ҳар бир талабгорнинг таклифлари тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш фақат шу йўл билан таъминланиши билан изоҳлашади.

Лекин, назаримизда ушбу йўналишда ҳам онлайн платформаларни қўллаш ҳамда талабгорлар тўғрисида маълумотларни IT технологияларни қўллаган ҳолда конфиденциаллигини сақлаш амалиётидан фойдаланиш вақт ҳамда маблағни тежаш билан биргаликда бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатига ҳар томонлама ҳамоҳанг бўлар эди.

Бу борада Европа комиссияси томонидан 2013 йилда тузилган ҳисоботга асосан, давлат харидларини ўтказишда, шу жумладан тендер савдоларини ўтказишда шифрланган кодли технологияларни қўллаш Европа иттифоқининг 18 та давлатида ижобий баҳолангани кўрсатилган. Бунда тендерда ҳужжатларни онлайн тарзда топширган ҳар бир талабгорга ҳужжатларнинг электрон нусхаларини очиш учун код тақдим этилади. Ушбу код фақат талабгорнинг ўзида бўлади ҳамда тендер кунида очилганига қадар унинг конфиденциаллиги шу тарзда сақланади.

АҚШнинг Нью-Жерсей штатида ҳам 2018 йилда айнан қурилиш соҳасида давлат харидларини амалга оширишда электрон тендерлар ўтказилиши тўғрисида қонун қабул қилинган. Унга асосан, қиймати 5 млн. АҚШ долларидан ошадиган ҳар қандай объектлар юзасидан электрон тендер савдолари ўтказилади.

Мазкур платформанинг вақт ва маблағни тежашини, тендерларда бошқа ҳудудлардан талабгорларнинг қатнашишини осонлаштиришини ҳамда жараёнда инсон омилини амниаллаштиришини инобатга олсак, буларнинг барчаси тендер савдоларидаги коррупцион хавф-хатарларни камайтиришга хизмат қилади. Шу боис, Вазирлар Маҳкамасининг 302-сонли қарори асосида ўтказиладиган капитал-қурилиш соҳасидаги тендер (танлов) савдоларини ўтказишда Навоий ва Сирдарё вилоятларида тест режимида ҳужжатларни электрон тарзда қабул қилиш, электрон ҳужжатларни ҳимоялаш кодлари билан таъминлаш ҳамда электрон тендерлар ўтказиш амалиётини қўллаш тақлиф этилади.

Сўнгги йилларда, мамлакамимизнинг барча ҳудудларида қурилиш ишлари жадаллашиб бораётганлигини, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” ва шу каби бошқа инвестиция дастурлари доирасида бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлигини кузатишимиз мумкин. Мазкур ижобий тенденция қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш билан бир қаторда халқимизнинг давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилди.

Афсуски, мазкур дастурлар ижросини таъминлаш давомида маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирликлар мансабдор шахслари томонидан танлов савдоларини ўтказиш талабларига риоя этмаслик, қонун талабларини очиқдан-очиқ менсимаслик ёки инкор этиш авж олди, десак хато қилмаган бўламиз.

Жумладан, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасида инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари билан давлат буюртмачиларига тендерни ўтказмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган тақдирда, харид

қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлов ўтказиш орқали амалга оширилиши белгиланган.

Шундай бўлсада, Бош вазирнинг 24.03.2018 йилдаги 01-05/1-340-сон йиғилиш баёни билан 2018 йилдаги инвестиция дастурларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.01.2019 йилдаги Самарқанд вилоятига ташрифи натижалари бўйича йиғилиш баёни билан 2019 йилдаги инвестиция дастурларига киритилган объектлар бўйича пудрат ташкилотларини тендер савдолари ўтказмасдан танлаб олишга рухсат берилган.

Шу асосда, 2018-2019 йилларда инвестиция дастурларига киритилган жами 2577 та объектлардан фақатгина 88 таси учун тендер савдолари ўтказилган бўлиб, қолган ҳолатларда ҳудудий ҳокимликларда белгиланган процессуал шакл ва муддатларига умуман мос келмайдиган танловлар ўтказилганлигини кузатишимиз мумкин.

3. Лойиха-қидирув ишларини олиб бориш. Капитал қурилиш соҳасининг яна бир муҳим босқичларидан бири лойиха-қидирув фаолиятини ташкил этиш жараёни ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида устав капиталида давлат ҳиссаси 51 фоиздан кам бўлмаган 30 та лойиха-қидирув институтлари мавжуд бўлиб, вилоятларда уларнинг 26 та филиаллари фаолият юритмоқда.

Шунингдек, 1000 дан ортиқ нодавлат лойиха-қидирув ташкилотлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг ярмидан ортиғи ўз иш фаолиятини доимий равишда амалга оширмайди.

Шу билан бирга, лойиха-қидирув ташкилотларининг моддий-техник базаси, уларни молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, замонавий илғор рақамли технологиялар орқали лойихалаш ишларининг қийматини пасайтириш ва иш самарадорлигини оширишга етарлича эътибор қаратилмаганлигини тан олишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.05.2017 йилдаги ПҚ-2946-сонли Қарорига асосан, собиқ Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг республика етакчи лойиха-қидирув ташкилотларининг моддий-техник базаси ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқиладиган лойиха-смета ҳужжатлар сифатини ошириш бўйича ишлари қониқарсиз, деб топилиб, соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Лойиха-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг асосий даромад манбаси бўлиб, ташкилотлар билан тузилган шартномалардан келиб тушадиган маблағлар ҳисобланади. Лойиха-қидирув ишларининг учун намунавий қиймати собиқ Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан 2008 йилда тасдиқланган бўлиб, лойиха-қидирув ишлари бўйича шартномалар мазкур прејскурант бўйича тузилади. Бироқ амалиётда марказлашган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойихалар бўйича буюртмачилар томонидан асослангилмаган паст нархлар таклиф этиладиганлиги, бунга асос сифатида Молия вазирлиги юқорида тасдиқланган нархларга қўшилмаслигини келтириладиганлиги кўп кузатилмоқда. Натижада,

лойиха-қидирув ташкилотлари белгилангандан анча паст нархларда хизмат қилишга мажбур бўлишмоқда.

Бундан ташқари, буюртмачилар томонидан тузилган шартномалар бўйича муддатлар кўпол равишда бузилиб, тўловлар кечиктирилаётганлиги ҳамда тўловлар суд қарори асосида ундириб берилиши ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Бошқа тарафдан, айрим ҳолатларда лойиха-қидирув ташкилотларида томонидан лойиха-қидирув ишлари сифатсиз бажарилиши натижасида жамиятга катта миқдорда зарар етиши кузатилмоқда.

Мисол учун, 2018 йилда “ЎзгашкЛИТИ” ДУК Бухоро филиали томонидан Томди туманида намунавий уй-жойлар қурилиши учун танланган ер майдонида геологик изланишлар олиб борилмасдан, хулоса тақдим этилгани оқибатида ушбу массивда қурилган 50 та намунавий уй-жойлар (8.8 млрд. сўм) чўкиб, яшаш учун яроқсиз аҳволга тушган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жабрланувчиларга намунавий уй-жойлар бошқа массивдан бюджет ҳисобидан қуриб берилган.

Юқоридагига ўхшаш ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, буюртмачиларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, даромад манбаидан қатъий назар, белгиланган нархларга ҳамда шартнома шартларига риоя қилишлари устидан назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Россия Федерацияси, Озарбайжон ва бошқа бир қатор давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилот шаклида

Лойиха ва қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш асоциатциясини ташкил этиш таклиф этилди.

Асоциатция лойиха-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, улар фаолиятини мувофиқлаштириши, соҳада илғор хорижий тажрибаларни қўллаши, аъзо ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиши, кадрлар малакасини ошириши ва миллий ва халқаро миқёсдаги тадбирларда аъзо ташкилотлар номидан иш қўриши мақсадга мувофиқ.

4. Шаҳарсозлик ҳужжатларини тузиб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. Янги қурилиш ишларини олиб боришда мавжуд шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли пунктларининг бош режаларини ўз вақтида ишлаб чиқиши, қурилиш ишлари жадаллашиб, янги бино ва иншоотларнинг тартибсиз ва ноқулай қурилишини олдини олишга ҳамда ижтимоий объектларнинг ҳудудларда етарли бўлишига хизмат қилади. Шу боис, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш капитал-қурилиш соҳасининг муҳим қисми ҳисобланади.

Шаҳарсозлик кодексида аҳоли пунктларининг бош режаларини қайта кўриб чиқишнинг муддатлари ҳамда ишлаб чиқилаётган бош режанинг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тўғрисида умумий қоидалар берилган бўлиб, уларни ижро этиш юзасидан аниқ муддатлар кўрсатилган қоидалар белгиланмаган.

Шунингдек, 2000 йилдан буён мамлакат ҳудудидаги 1200 дан ортиқ аҳоли пунктларидан фақатгина 228 тасининг бош плани тузиб чиқилганлигини ҳамда кўпчилик аҳоли пунктларининг бош режалари собиқ иттифоқ даврида тузиб чиқилганлигини кузатишимиз мумкин.

Беларус ва Озарбайжон республикаларида аҳоли пунктлари бош планлари 20 йилгача бўлган муайян муддат учун ишлаб чиқилиши ҳамда ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқилиши белгиланган. Шунингдек, бош режалар мажбурий жамоатлик муҳокамасидан ўтказилиб, Беларусда Президент ҳамда Озарбайжонда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Юқоридагиларга асосланиб, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, келишиш ва жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тартибларини белгилаб чиқиш таклиф этилади.

Бугунги кунда лойиҳалар комплекс ёки смета қисми экспертизасидан ўтказилади. Президентимизнинг 14.11.2018 йилдаги ПФ-5577-сонли Фармонида асосан, ишлар тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётганда қурилиш лойиҳаларининг смета қисми мажбурий экспертизадан ўтказилмайди. Қолган ҳолларда, қандай объект бўлишидан қатъи назар, лойиҳа комплекс экспертизадан ўтказилади.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан комплекс экспертизадан ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур давлат корхонаси томонидан сўнгги 2 йил давомида ўтказилган экспертизалар натижасида лойиҳа-смета ҳужжатларига 6,5 трлн. сўм асоссиз киритилганлиги аниқланган.

Шунингдек, амалдаги тартибга мувофиқ, экспертиза органи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари 7 кундан 30 кунгача кўриб чиқилиб, ҳужжатларда камчиликлар аниқланган ҳолларда уларни бартараф этиш учун буюртмачига, буюртмачи эса лойиҳа ташкилотига қайтаради. Лойиҳа ташкилоти томонидан камчиликлар бартараф этилганидан сўнг ҳужжатлар худди шу тартибда экспертизага қайтадан тақдим этилади. Ушбу жараён, коррупцион хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкинлигини инобатга олиб, корхоналар ўртасида ҳужжатларни электрон тарзда алмашиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Капитал-қурилиш соҳасини назорат қилувчи давлат органларининг вазифалари ва уларни такомиллаштириш масалалари.

Капитал-қурилиш соҳасида назоратни Ўзбекистон Республикасида бир қатор давлат органлари ҳамда идоралар амалга оширади. Қурилиш тизими бир қанча мураккаб циклларни ўз ичига олганлиги, ушбу циклларда, вазирлик, вазирлик ҳузурида ташкил этилган бир қатор марказлар, “Давергеодезкадастр” Давлат қўмитаси, ҳудудларда ташкил этилган буюртмачи хизматлари, инжиниринг компаниялар, пудратчилар ҳамда лойиҳа-қидирув корхоналари қатшиши мазкур соҳанинг аниқ бир эгаси йўқдай таассурот қолдиради.

Соҳанинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг 1993 йил 30 август куни ташкил қилиниб, 2018 йил 2 апрель кунига қадар фаолият олиб борган Ўзбекистон Республикасининг Архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш тизимида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органи бўлиб хизмат қилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2018 йилдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сонли Фармонида асосан юқоридаги қўмита тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ташкил этилган.

1. Қурилиш вазирлиги

Юқорида баён этилганидек, мазкур вазирлик 2018 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони асосида ташкил этилди. Собиқ қўмитанинг вазирлик сифатида қайта ташкил қилинишига сабаб, эндиликда вазирлик бутун комплексни ўз ичига олганлиги, шу соҳани назорат қилиш билан биргаликда, соҳада кадрлар тайёрлаш, такомиллаштириш ишларини олиб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш каби комплекс вазифа ва функцияларни бажариши кўзда тутилган.

Юқоридаги фармонга асосан вазирликка берилган вазифа ва топшириқларни қисқача кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагиларга доир вазифа ва функциялар топширилган:

- Шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишларни ташкил қилиш, қурилиш-монтаж ишлари қийматини камайтириш, самарали инновацион лойиҳаларни қурилишга жорий этиш;

- Аҳолини яшаш пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш;

- Шаҳарсозлик, архитектура-қурилиш фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, узоқ муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

- Лойиҳа-қидирув ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш; шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

- Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни стандартлаштириш;

Соҳаси малакали кадрларни тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш.

Бугунги кунда мазкур вазирлик бир нечта идора ва марказларни, ўқув ва малака оширишга доир муассасаларни ўз ичига олган йирик тизимни ташкил этади. Вазирликнинг тизимига қуйидаги ташкилот, корхона ва муассасадар таркибий тармоқ сифатида киритилган:

- Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва Қурилиш бош бошқармалари;

- Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимлари;

- Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси (“ГАСН”);

- “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК;

- Қурилишда стандартлаштириш республика маркази;

- Қурилишда техник меёрлар маркази;

- Қурилиш соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш маркази;
- Қурилиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси;
- Тошкент ва Самарқанд архитектура ва қурилиш институтлари;
- Архитектура-қурилиш ихтисослиги бўйича касб-хунар коллежлари;
- “Ўзбекистон Бунёдкори” нашриёт уйи ва “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши” журнали.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5515-сонли Фармонида асосан Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ва туманлар қурилиш бўлимлари Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари девонлари тузилмасига ўтказилганлиги муносабати билан, ушбу тузилмаларнинг Қурилиш вазирлигидан тўлиқ мустақил иш кўраётганликлари кузатилмоқда. Натижада Қурилиш вазирлигининг тизимда ягона давлат сиёсатини амалга оширишида тўсиқлар вужудга келмоқда.

Шу муносабат билан, тадқиқотчи сифатида Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ва туманлар қурилиш бўлимларини Қурилиш вазирлиги тузилмасига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Қурилишда техник меёрлар маркази.

Мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2020 йилдаги ПФ-5963-сонли Фармони билан ташкил қилинди. Ушбу марказнинг ташкил этилишига бир қатор факторлар сабабчи бўлган -десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 337 та қурилишга оид норматив ва қоидалар мавжуд бўлиб, шулардан 29 таси ташкилий-методик нормаларни, 120 таси лойihalаштиришник техник норма ва қоидаларини, 43 таси қурилиш саноатини ташкил этиш ва унга оид технологияларни тартибга солувчи норматив ва қоидаларни ҳамда 145 таси қурилишга оид иқтисодий нормативларни ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қурилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 99 фоизи камида 20 йил муқаддам ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг барчаси қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши замон талабига айланиб қолган.

Қурилишга оид миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш соҳанинг ўзини ривожлантирибгина қолмай, иқтисодий жиҳатдан маблағларни тўғри сарфлашга, янги ва тежамкор қурилиш материаллари ва усуллардан фойдаланишга имкон беради.

Бу борадаги бир нечта давлатлар тажрибаси ўрганиб чиқилганда, қурилишга оид замонавий норматив ва стандартларни қўллаш шаҳарсозликка оид қоидаларни ишлаб чиқиш билан паралелл равишда давлат илмий-тадқиқот муассасалари томонидан амалга оширилишини кузатишимиз мумкин.

Жумладан, Туркия Республикасида ушбу фаолият Атроф-муҳит ва шаҳарсозлик вазирлиги ҳузуридаги профессионал хизматлар махсус бошқармаси томонидан (штатлари сони 300 дан ортиқ), Озарбайжонда, “Azimiti” илмий-тадқиқот институти томонидан, Россия Федерациясида

Қурилишда нормалаш, стандартлаштириш ва мувофиқликни техник баҳолаш федерал маркази томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда марказнинг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

-қурилишда меъёрлаш тизимидаги ва инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоларни ўрганиб бориш;

-қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштириш;

-бинолар, иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талабларини, шунингдек, бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

-норматив, шу жумладан хорижий ҳужжатларнинг илмий-техник қутубхонаси ва электрон базасини ташкил қилиш ва юритиш;

-хорижий ва халқаро ташкилотлар, консултантлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни миллий норматив ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга жалб қилиш.

Юқоридаги фармон билан Қурилиш вазирлигига 2020-2023 йилларда қурилишга оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шу билан бирга янги ташкил этиладиган марказнинг фаолият юритиши эндиликда ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириши ва бу борада ишларни енгиллаштириши аниқ. Қурилишда фойдаланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни доимий қайта кўриб чиқиш, яъни ушбу фаолиятни тизимли йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2020 йилдаги ПФ-5963-сонли Фармонининг 4-бандига ҳамда Қурилишда техник меъёрлар марказининг низомининг тегишли бандига “қурилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар 5 йил ичида қайта кўриб чиқиш” вазифасини киритишни таклиф этамиз.

Қурилиш соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш маркази.

Ушбу муассаса ҳам фаолиятини энди бошлаган янги муассасалар сирасига киради. Қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш, шу жумладан, қурилишда жамоатчилик назорати институтини ташкил қилиш, қурилиш ишларининг боришини онлайн платформалар ёрдамида кузатиш имкониятини яратиш, қурилишга сарфланган бюджет ва марказий жамғармалар маблағларидан тўғри фойдаланиш, объектларни ўз вақтида топшириш, юқори сифатли ва арзон материаллардан фойдаланиш ва бошқа шу каби инновацион мақсадларни кўзлаган ҳолда 20.09.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4464-сонли фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида реал вақт режимида ишлайдиган “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ташкил

этилди ва қурилишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир қатор нормалар қабул қилинди.

Қурилиш соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш маркази ҳам айнан шу қарор доирасида ташкил қилинди ва ушбу муассасага қуйидаги вазифалар юклатилди:

-автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, қурилиш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

-«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини юритиш ва қўллаб-қувватлаш;

-Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва зарур дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

-марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларда қурилиш жараёнини мониторинг қилишни йўлга қўйиш;

-Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини янгилаб бориш чораларини кўриш, уларнинг бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

-Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва унга қарши курашиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилишининг назоратини ва мониторингини амалга ошириш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник инфратузилмани жорий этиш ва ривожлантириш;

-ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қурилиш соҳасида иштирок этувчи идоралар ходимларининг билим ва кўникмасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

-турли ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ягона серверини ташкил қилиш, юритиш ва ривожлантириш.

Қурилиш соҳасида давлат назорат инспекцияси.

Мазкур инспекциянинг асосий мақсади бўлиб, қурилиш ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назорат қилиш, қурилишда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Шунга кўра Вазирлар Маҳкамасининг 31.07.2018 йилдаги 603-сонли қарори билан қабул қилинган намунавий низомга асосан инспекцияга қуйидаги вазифа ва топшириқлар юклатилган:

-белгиланган тартибда тасдиқланган бош режага қатъий риоя этган ҳолда аҳоли пунктлари комплекс қурилишларини, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қурилишда, лойиҳалаш-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларида, қурилиш

материаллари ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга сўзсиз риоя қилишларини назорат этиш;

-буюртмачининг техник назоратини ва лойиҳалаштириш ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб бориш юзасидан назоратни амалга ошириш;

-юридик ва жисмоний шахсларнинг қурилиш соҳасида, қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда шаҳарсозлик қонунлари талабларига риоя этишларини назорат қилиш;

-қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, барча қурилиш объектларини, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсат берган ҳолда, рўйхатдан ўтказиш;

-хусусий турар-жой қурилишларидан ташқари, қурилиш ишлари тугатилган қурилиш объектларини қабул қилиб олиш комиссияси ишларида мажбурий иштирок этиш;

-шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши назоратини ташкил этиш соҳасидаги техник бошқарувлар бўйича таклифлар киритиш ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда иштирок этиш;

“Ягона Буюртмачи хизмати” ИК.

Мазкур тузилма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2003 йилдаги ПФ-3240-сонли фармони ҳамда ушбу фармон асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003 йилдаги 395-сонли қарори билан ташкил қилинган. “Ягона буюртмачи хизмати” ИК муқаддам фаолият кўрсатиб келган капитал қурилишда бюджет буюртмачиларининг ҳудудий бошқарма ёки бўлимларининг ўрнига ташкил этилган бўлиб, уларга қуйидаги вазифалар юклатилган:

-ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини мўлжалланган муддатларда фойдаланишга топшириш прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

-лойиҳа ечимларининг самарадорлигини таъминлаш, архитектура ва шаҳарсозлик даражаси талабларига риоя қилиш;

-капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, инвестиция цикли муддатларини қисқартириш.

Шунингдек, “Ягона буюртмачи хизмати” ИКнинг прогнозлаштириш, лойиҳалаштириш, қурилиш майдонини тайёрлаш, қурилиш, объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш борасида функциялари ҳам белгилаб берилган.

Мазкур функциялар таҳлил қилинганда улардан айримларида бошқа ташкилотларнинг вазифалари такрорланишини кузатиб ўтишимиз мумкин.

Жумладан, компаниянинг инвестиция лойиҳалари жойлаштириладиган туманларда муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш (йўллар, канализация, иссиқлик, электр, газ, сув таъминоти, телефонлаштириш, радиолоштириш ва бошқалар) масалаларини кўриб чиқиши ва ҳал этилишида иштирок этиши белгиланган бўлиб, бу функция мазмунан компанияга топширилган вазифалардан узоқ.

Шунингдек, инжиниринг компанияси лойиҳа бошқарилишини ва объектлар қурилиши техник кузатилишини таъминлаши ҳамда объект қурилишини кузатиб бориши ва техник назорат қилиши белгиланган бўлиб, ушбу функция юқорида кўриб чиқилган Қурилиш соҳасида давлат назорат худудий инспекцияларининг ҳам вазифаларига киритилган.

Ушбу ҳолат, яъни мазмунан бир хил бўлган вазифалар иккита тузилма томонидан амалга оширилиши турли хил коррупцион тўсиқларни вужудга келтириши мумкин.

Мазкур такрорланишларни бартараф этиш мақсадида инжиниринг компанияси функциялари қаторидан юқорида кўрсатилганларни олиб ташлашни зарур.

§ 2.5. Капитал-қурилиш соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар турлари

Бирор бир тармоқда коррупцияга қарши курашиш, коррупцион хавф-хатарларни бартараф этиш ва олдини олиш учун авваламбор соҳада коррупцион хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур мавзуда тадқиқот олиб борган кўплаб чет эл тадқиқотчилари ҳам ўз китоблари, тадқиқот ишлари ёки мақолаларининг дастлабки қисми “risk analysis”, “risk management” каби сарловҳалардан бошланади.

Капитал-қурилиш тизимида кўррупцияни олдини олиш юзасидан тадқиқот олиб борган чет эл экспертларининг кўпчилиги эса, сўзбошини ҳар йили йўқотиладиган миллиардлаб долларлардан бошлайди.

Масалан, “Cost” (Construction sector transparency) халқаро дастури томонидан ўтказилган тадқиқотга асосан капитал-қурилиш соҳасида коррупция туфайли ажратилган маблағларнинг тахминан 10-30 фоизи (турли давлатларда турлича, масалан, Буюк Британияда– 10-11%, Гватемалада– 30%, Филиппинда- 15%, Малавида- 17% ва ҳоказо) талон-тарож қилинади. Ишларни тўғри ташкил этмаслик ва билимлар етишмаслиги туфайли ҳам худди шунча миқдорда зарар етказилади. Шу асосда ҳисоблаб чиқилганда 2030 йилга келиб бутун дунёда ҳар йили тахминан 6 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказилади ва ушбу сумма йилдан йилга ўсиб боради.

Ўзбекистон Республикасида эса, 2019 йил учун қурилиш соҳасига 69 трлн. сўм ажратилган бўлиб, ушбу сумманинг 10-11 фоизи қарийб 7 трлн. сўмни ташкил этади. Биргина капитал-қурилиш соҳасида шунча сумма ўзлаштирилишини тасаввур қиладиган бўлсак, юртимиз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон бу жараёнга бефарқ қараб туролмайди.

Капитал-қурилиш соҳасида коррупцион рискларни аниқлаш ва бартараф этишнинг энг содда ва оммабоп усулларида бири сўровнома ўтказиш усули ҳисобланади.

Британияда фаолият юритадиган “Қурилиш тадқиқот институти” (Chartered institute of building) томонидан қурилиш пудрат ташкилотлари орасида 2013 йилда ўтказилган сўровга асосан, сўралганларнинг 49 фоизи капитал қурилишнинг барча субъектлари коррупциялашган деб ҳисобласа, 50

фоизи компаниялар коррупцияни олдини олиш учун етарлича чора-тадбирлар олиб бормаётганлигини билдиришган.

Бундай мазмундаги ижтимоий сўровларни Европа Иттифоқида ҳам кузатишимиз мумкин. Европа Комиссиясининг коррупцияга қарши кураш бўйича 2014 йилдаги ҳисоботида минтақада фаолият кўрсатаётган қурилиш пудрат ташкилотларининг ярмидан ортиғи коррупцияни фаолият давомидаги энг катта тўсиқлардан бири эканлигини кўрсатувчи сўровнома натижалари эълон қилинган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонга машҳур “Transparency International” ташкилотининг ҳисоботларида тадқиқ қилинган 19 та соҳа орасида капитал-қурилиш соҳаси коррупция энг кўп учрайдиган соҳа эканлиги эътироф этилган.

Соҳадаги коррупцион ҳолатлар тўғрисида халқаро ташкилотлар, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва веб-сайтларда доимий равишда ошкор этилиб борилади.

Жумладан, Британиянинг “The Guardian” нашрининг маълумотларига асосан, 2014 йилда Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида ўтказилган кишки олимпиада ўйинларининг дастлабки бюджети 12 миллиард АҚШ доллари бўлиб, тайёргарлик жараёнида ҳаражатлар коррупциялашган қурилишга оид шартномалар, ўзлаштириш ҳамда “kickbacks” яъни “откатлар” эвазига 51 миллиард АҚШ долларидадан ошиб кетганлигини маълум қилган.

Худди шундай ҳолатни Санкт-Петербург шаҳрида 2007 йилда қурилиши бошланиб, фақатгина 2016 йилдагина топширилган “Газпром арена” стадионида ҳам кузатишимиз мумкин. Стадион қурилиши дастлаб, 7 млрд. рублга баҳоланган бўлса, яқунда 50 млрд. рублга яқин сумма сарфланган.

Юқорида биз ривожланган ғарб давлатларида кузатилган коррупцион рискларни санаб ўтдик. Бундай ҳолатлар, албатта, юртимизда ҳам кузатилмайди, -деган фикр билан асоссиз хотиржамликка берилиш мақсадга мувофиқ эмас. Яқин 2 йилда капитал-қурилиш тизими тубдан ислоҳ қилиниши билан паралелл равишда кўплаб орган, ташкилот ва муассасалар ҳамда нодавлат ташкилотлари ва хорижий экспертлар иштирокида мамлакатимизда капитал-қурилиш тизимида коррупцион хавф-хатарлар таҳлил қилинди.

Жумладан, Бош прокуратура томонидан ўтказилган ижтимоий сўровномада иштирок этган 20 минг нафардан ортиқ жамоатчилик вакилларининг 69 фоизи “ҳозирги кунда қурилиш объектларини коррупциясиз қуриш мумкин эмас” деган фикрни билдирган бўлса, 62 фоизи “шаҳарсозлик фаолиятининг айнан қайси босқичларида коррупция кўпроқ авж олган?”, деган саволга “барча босқичларда”, -деб жавоб берган.

Шунингдек, бевосита 1200 дан ортиқ пудратчи ташкилотлар ўртасида ташкил этилган сўровномага кўра, сўралганларнинг 23 фоизи қурилиш жараёнида коррупция ва таъмагирлик ҳолатлари кенг тарқалганилигини, 10 фоизи инвестиция дастурига киритилган объектларни танлов орқали олишда пул талаб қилинганлигини, 13 фоизи коррупция ва тамагирлик ҳолатларига шахсан дуч келганини, 18 фоизи ер участкаларини ажратиш тартибларидан, 21

фоизи буюртмачилар ва 22 фоизи давлат қабул комиссиялари фаолиятидан норози бўлган.

Капитал-қурилиш соҳасини таҳлил қилган халқаро экспертлар қуйидаги асосий рискларни таҳлил қилиб ўтишган:

Рухсат бериш, Лицензиялаш тартиб таомиллари билан боғлиқ коррупция. Бахтга қарши, бугунги кунда капитал-қурилиш соҳасида иш олиб борадиганлар дунёнинг исталган бурчагида иш олиб бормасин, соҳадаги турли мансабдор шахслар томонидан лойиҳани тасдиқлаш, лицензиялаш, рухсат бериш учун пора талаб қилиниши ҳолатлари тўғрисида хабардор бўлишади. Ушбу риск фактори пудрат ташкилотлари учун рухсат берувчи, лицензияловчи ва тасдиқловчи тартиб-таомиллар мураккаблаштирилганда, юқори даражада талаб қўйиш ҳолатларида кучаяди.

Бош прокуратура маълумотида асосан, 2018-2019 йилларда ер ажратиш ва қурилишга рухсат бериш билан боғлиқ жиноятларни содир этган 470 нафар шахслар жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, улар томонидан содир этилган жиноятларнинг деярли барчасини порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар ташкил этади.

Жавобгарликка тортилган шахслардан 230 нафари фуқаролар ва 56 нафари ҳокимият ва қурилиш вазирлиги тизими ходимлари ҳисобланади.

Рухсат бериш ва лицензиялаш билан боғлиқ коррупцион факторни камайтириш мақсадида бир қатор давлатлар, жумладан АҚШ ва Словенияда давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан рухсат берувчи тартиб-таомилларни соддалаштирилган тартибда бажариш (масалан, тезлаштирилган муддатларда ҳал қилиш) учун расмий тўлов жорий этилган.

Бундай тўловни жорий қилишда, инсон фактори, яъни чеклаб ўтилиши мумкин бўлмаган қийинчиликлар асос қилиб олинган. Масалан, бирор бир турдаги лицензияни ёки ишни бошлашга рухсатномани олиш учун бир ойда 100 та субъект томонидан ариза топширилган бўлса, ҳар қандай ҳолларда ҳам уларнинг бир нечтаси иш билан боғлиқ ёки шахсий сабабларга кўра фавқулотда шошилаётган бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат эса, коррупцион рискни кучайтириб, ўша шахснинг пора беришга бўлган майлини оширади. Бундай ҳолатлар учун тўлов эвазига алоҳида соддалаштирилган ёки тезлаштирилган тартиб жорий этиш, пора бериб жиноят содир этишни олдини олиши билан бир қаторда давлат бюджетига ҳам фойда келтиради.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 30.05.2013 йилдаги 150-сонли қарори билан тасдиқланган “Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан қурилишга рухсат беришнинг умумий жараёни муқаддам 254 кунни ташкил этган бўлиб, 2020 йил январь ойидан бошлаб, қабул қилинган ўзгартириш ва қўшимчалар эвазига жами 84 кунгача қисқартирилди.

Шунингдек, рухсат бериш жараёнининг сўнгги босқичида пудрат ташкилоти қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун қурилиш соҳасида давлат ҳудудий назорат инспекциясидан рухсат олиши талаб этилган бўлиб, рухсат бериш тўғрисида аризани кўриб чиқиш муддати 15 кун этиб

белгиланган эди. 2020 йил январь ойидан бошлаб ушбу тартиб-таомил ҳам бекор қилиниб, бугунги кунда ҳудудий назорат инспекциясини хабардор қилиш тизими жорий этилган.

Мазкур ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасида қурилишга рухсат бериш ҳамда лицензиялашга оид коррупцион рискларнинг бартараф этилишига замин яратади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Жаҳон банкининг 2019 йилдаги “doing business” рейтингларидан “қурилишга рухсат бериш” бобида Ўзбекистон 132-ўринни эгаллаган бўлиб, ушбу кўрсаткич Ўзбекистоннинг “doing business”даги рейтинглари орасида энг пастларидан бири сифатида умумий кўрсаткичга ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

Шундан келиб чиқиб, 2020 йил учун эълон қилинадиган рейтингда Ўзбекистон Республикасининг ўрни юқорилаши кутилмоқда.

Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ коррупция. Давлат харидлари жараёни нафақат капитал-қурилиш соҳасида, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларида коррупция энг кўп учрайдиган ва пухта ишланган ва сифатли назорат йўлга қўйилмаса, энг нозик нукталардан бирига айланадиган институтлардан биридир. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида асосан икки хил турдаги жиноятлар кузатилиши мумкин:

1) мансабдор шахс фаолиятида йўл қўйган камомадини яшириш ёки фойда олиш мақсадида харид тўғрисида ҳужжатларни сохталаштириш, нархларни асоссиз ошириш;

2) мансабдор шахс талабгорлардан биридан танловда ғолиб бўлиши учун ундан пора талаб қилади.

Давлат харидларида кузатиладиган коррупция ўз-ўзидан харид қилинадиган товарнинг (иш, хизматларнинг) сифатида бевосита тасир қилади. Чунки, ушбу ҳолатда энг оптимал вариантни таклиф қилган тараф танловда ютиб чиқмайди.

Халқаро экспертлар давлат харидлари билан боғлиқ коррупцияни қатъий ички молиявий назорат ўрнатиш билан қисқартириш мумкилигига ишонишади.

Бу борада коррупцион рискларни олдини олиш учун АҚШ, Россия Федерацияси ва Словенида муқаддам “коррупцион жиноят” содир этган ёки катта миқдорда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган юридик шахслар билан давлат харидлари билан боғлиқ муносабат ўрнатилмайди.

Биргина Ўзбекистон Республикаси мисолида оладиган бўлсак, бугунги кунда инвестиция дастурлари доирасида ҳудудларда 143 млрд. сўмлик 83 та объектлар муқаддам айнан қурилиш соҳасида талон-тарожликлари учун жавобгарликка тортилган шахсларга топширилган. Ушбу шахсларнинг яна шундай жиноят содир этмасликлари нима билан кафолатланади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси, 1-қисмини қуйидаги тартибда ўзгартиришни таклиф қиламиз:

“Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин.

Харид қилиш тарти-таомилларида давлат харидларини ижро этиш учун талабгор жисмоний шахс, юридик шахс раҳбари, коллегиял бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси, бош бухгалтери муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167,183,211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун судланмаган ёки танлов кунига қадар 2 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этмаган бўлиши лозим”.

“Ишларни тезлаштирувчи” тўловлар ва “таниш-билишчилик”.

“Ишларни тезлаштирувчи” тўловлар тушунчаси дастлаб АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида қўлланилиб, компаниялар томонидан бошқа минтақаларга ўз маҳсулотларини тезроқ ва “муаммосиз” киритиш мақсадида ўша давлатлардаги мансабдор шахсларга тўланадиган тўловларни англатади. Айрим давлатларда, жумладан АҚШда бундай тўловлар айрим чет эл давлатларига маҳсулотни экспорт қилувчи компанияларга бундай тўловларни тўлаш таъқиқланмаган. Чунки, бундай тўловларсиз ўша давлатга маҳсулот экспорт қилишнинг имкони бўлмаслиги ҳамда ушбу давлат бозори рақобатлашаётган бошқа давлатлардаги компаниялари томонидан эгалланиши мумкинлиги инобатга олинган.

Бу каби тўловлар капитал-қурилиш соҳасида ҳам, албатта бўлиши мумкин. Буюртмачига тендерни ютиб чиқиш учун, қурилишга рухсатнома олиш учун, лицензия олиш учун, қабул қилиш жараёнида ва бошқа ҳолатларда мансабдор шахсларга совға-саломлар ёки пуб маблағлари пора шаклида таклиф этилиши мумкин.

Кўпгина халқаро экспертлар, жумладан “Transparency international” халқаро ташкилоти томонидан мазкур турдаги рискларни олдини олиш мақсадида капитал-қурилишнинг барча босқичларида, айниқса тендер (танлов) жараёнида иштирок этувчи ходимларга нисбатан “одоб-ахлоқ қоидалари”ни ишлаб чиқиш ва ушбу қоидалар билан танишмаган, ушбу қоидаларни ёддан билмайдиган ходимларни жараёнга яқинлаштирмаслик тавсия этилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида танлов ғолибидан буюртмачилар танлов объекти қийматининг 5 фоизи миқдорда “откат” олиб келаётганлиги тўғрисида норасмий маълумотлар ҳам борлиги ачинарли.

Шу каби, қиймати катта бўлган тендер объектлари бўйича ҳам ажратилган маблағларни талон-торож қилишнинг “ноёб схемаси” борлигини кузатишимиз. Мазкур ҳолатда тендер бош пудратчи томонидан ютиб чиқилгандан кейин йирик объект яна бир ёки бир нечта пудратчиларга топширилади. Бунда, албатта ёрдамчи пудратчидан 5-7 фоиз миқдорда “ген. услуга” олиб қолинади. Бундай схема орқали бажариладиган ишлар сифати ҳам, албатта, мутаносиб равишда пасаяди ва кўшиб ёзиш, сифатсиз

маҳсулотлардан фойдаланиш, стандартларда кўрсатилган миқдорда қурилиш материалларидан фойдаланмаслик каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

2019 йил давомида республика бўйлаб инвестиция дастурига киритилган 42 та объектлар бўйича танланган бош пудратчилар томонидан қурилиш ишларини тўлиқ ёрдамчи пудратчиларга топшириб, амалда ҳеч қандай иш қилинмаган. Бундай ҳолатда улар бирор бир иш қилмасдан иш ҳажмининг тахминан 5-7 фоизи миқдорда давромат кўрганлар.

Жумладан, Тошкент вилоят ҳокимлигининг ҳузуридаги “Ягона бюртмачи хизмати” ИК томонидан 2019 йил давомида “1-сонли трест Нурафшон қурилиш инвест” МЧЖга Тошкент вилоятининг Янгийўл, Қибрай, Зангиота туманлари ва Янгийўл шаҳридаги 7 та объектларда умумий қиймати 11,9 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш топширилган. Бош пудратчи томонидан эса, ушбу объектлар бўйича бирор бир иш олиб борилмасдан, ёрдамчи пудратчилар жалб этилиб, пудрат шартномаларида назарда тутилган қурилиш-таъмирлаш ишларини тўлиғича улар орқали бажарилган. Шу орқали бош пудратчи умумий ҳисобда 595 млн. сўм миқдорда “ген. услуга” сифатида фойда кўрган.

Буюртмачи сифатида Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК томонидан мазкур объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари доимий равишда назорат қилишини инобатга олиб қайта-қайта ушбу жамиятга объектларни топшираётганлиги ҳолатида коррупциявий ҳолат йўқ деб ҳисоблаш қийин.

Коррупциянинг ушбу кўриниши Ўзбекистон учун бирмунча янги амалиёт ҳисоблансада, чет эл тажрибасида худди шу тартибдаги коррупция анча илгари бошланган.

Жумладан, АҚШнинг Луизиана штати тадбиркори Э.Макэбл 2009 йилда Афғонистон ҳудудида ҳарбий объект қурилиши учун ёрдамчи пудратчи билан 3.2 млн. АҚШ долларилек шартномани имзолаш учун 60 минг АҚШ долларини “откат” сифатида олганлиги исботланиб, 2013 йилда жиноий жавобгарликка тортилган.

Ёки, Хитойнинг Нанкин провинцияси мери Жи Жиан 2013 йилда “хизмат вазифаларини қўпол равишда бузгалиги” учун лавозимидан озод этилганлиги тўғрисида хабарлар тарқалган эди. Кейинчалик оммавий ахборотларда унинг “дўстларига” “откат” эвазига йирик объектлар қурилишини топширганлиги тўғрисида маълумотлар эълон қилинган.

Юқоридагиларни инбатга олиб, “ген. услуга” амалиётини кўллаган ҳолда бирор бир иш қилмасдан наф олишга чек қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 302-сонли қарори билан қабул қилинган Низомнинг 35-бандида белгиланган талабгорларга қўйиладиган малака талаблари қаторига “танлов объектида кўрсатилган ишларнинг камида 50 фоизини ўз кучи билан бажариши” талабини қўйиш таклиф этилади.

Қурилиш материаллари нархини кўшиб кўрсатиш. Коррупциянинг мазкур кўриниши ҳар қандай капитал-қурилиш объекти устида рўй бериши мумкин. Бунда белгиланган стандартдан паст сифатли материаллардан фойдаланилиб, шу орқали фойда кўрилади. Кўп ҳолларда бундай ҳолат порахўрлик билан

биргаликда келади ва ажратилган маблағлар (олинган фойда) бир нечта субъектлар, шу жумладан мансабдор шахслар ўртасида бўлинади. Энг ачинарлиси шундаки, мазкур ҳолатда занжир эффекти орқали аҳолининг соғлиғига ва хавфсизлигига зарар етказилиши мумкин.

Халқаро тажрибадан, 2004 йилда Кариб денгизида юз берган Жанна тошқини ва 30 соатдан ортиқ вақт давомида ёмғир ёғиши билан боғлиқ ҳолатларни кўриб ўтадиган бўлсак, битта оролда ёнма-ён икки давлат, Гаити ва Доминикана республикиси жойлашган бўлиб, офат иккала давлат ҳудудида бир хил кечди. Аммо Гаитида мазкур офат биноларнинг дарз кетиши, 3000 дан ортиқ жабрланганлар билан эса қолган бўлса, Доминиканада ҳолат анча мўтадил, жиддий йўқотишларсиз, 24 кишининг жабрланиши билан ўтди. Оролда 2010 йилда йилда бўлиб ўтган зилзила ҳамда 2016 йилда бўлиб ўтган Мэттью тошқинида шунга ўхшаш вазиятни кузатишимиз мумкин. Бир қарашда Гаити бошига тушган мусийбатларнинг чеки йўққа ўхшаб кўринади. Лекин, Гаитида мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ҳолат Доминикана республикасидагидан анча салбий эканлигини бунга асосий сабаб сифатида кўришимиз мумкин. Ушбу биргина мисолдан ҳам коррупциянинг қанчалик зарар келтириши мумкинлигини кўриб ўтишимиз мумкин.

Қурилиш материаллари нарҳини кўпайтириб кўрсатиш бўйича юртимизда рўй бераётган ҳолатларни таҳлил қилар эканмиз, бундай ҳолатлар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнининг ўзидаёқ бошланиши каби ҳолатларни ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. лойиҳа-смета ҳужжатларига асосий турдаги материал ва жиҳозларни қимматроқ нарҳларда киритиб, эвазига объект қийматининг 1-2 фоизи миқдорида ҳақ олиш каби салбий амалиёт мавжудлиги тўғрисида қурилиш соҳасида иш олиб боровчи шахслар орасида норасмий маълумотлар мавжуд.

Бу турдаги коррупцияни олдини олиш мақсадида Қурилиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК фаолият юритиб келаётган бўлиб, корхона ва унинг филиаллари томонидан 2018-2019 йиллар давомида ўтказилган экспертизалар натижасида лойиҳа-смета ҳужжатларига 6,5 трлн. сўм (умумий сумманинг 9,3 фоизи асосиз киритилганлиги аниқланган).

Корхона томонидан ўтказилган экспертиза натижаларига кўра, 2019 йилги инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси асосида тайёрланган лойиҳаларга 16 млрд., соғлиқни сақлаш вазирлигида 80 млрд., Халқ таълими вазирлигида 104 млрд., Мактабгача таълим вазирлиги объектлари бўйича эса 114 млрд. сўм маблағлар ортиқча киритилган.

Ушбу кўрсаткич вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари кесимида ҳисобланса, Навоий вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК буюртмаси асосида тайёрланган лойиҳаларда 6 млрд., Сирдарёда 9 млрд., Қашқадарёда 11 млрд., Хоразмда 12 млрд., Фарғонада 18 млрд., Бухорода 19 млрд., Андижонда 22 млрд., Тошкент вилоятида 31 млрд., Тошкент шаҳрида 34 млрд., Самарқандда

34 млрд., Қорақалпоғистонда 37 млрд., Сурхондарёда 39 млрд. ва Наманганда 43 млрд. сўм маблағлар асосиз киритилгани аниқланган.

Ёки, 2020 йил учун манзилли дастурларга киритилган объектлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш жараёнида, экспертизадан ўтказилган 1199 та объектлардан 1188 тасида у ёки бу даражада маблағлар асосиз кўпайтирилганлиги аниқланган. Асосиз қўшилган маблағларнинг умумий қиймати 530 млрд. сўмни, яъни объектлар умумий қийматининг 9,3 фоизини ташкил қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мисолларда рақамлари миллиардларда кўрсатилган ҳолатлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиб чиққан ташкилотлар томонидан маълум миқдорда иш билан боғлиқ хатокамчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Лекин бунда коррупциявий хавф-хатарлар йўқ деб бўлмайди.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг қийматини ошириб кўрсатиш ҳолатлари бу даражада кўпайиб кетганлигининг асосий сабаби сифатида коррупция фактори кўрсатилади. Лекин ушбу жараёнда яна бир фактор катта роль ўйданди. Лойиҳа-смета ҳужжатларида объект қийматини ҳисоблашда республикада аниқ меъзон ва каталоглар шакллантирилмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 22.01.2016 йилдаги 15-сонли қарорига асосан, қурилиш-монтаж ишларининг бошланғич қийматини ҳисоблаб чиқишда қўлланиладиган материал, буюм ва конструкцияларнинг нархи каталог ва бошқа ахборот манбалари асосида аниқланиши белгиланган.

Лекин, бугунги кунда ушбу вазифа мазмуни жиҳатдан Қурилиш вазирлигининг вазифалари қаторига кирса-да, бирор-бир тузилма томонидан амалга оширилмасдан келинмоқда. Қурилиш материалларининг каталогини юритиш барча лойиҳа ташкилотлари томонидан материаллар учун аниқ ва бир хил нархлардан фойдаланиш имконини беради. Мазкур фаолият билан муқаддам собиқ Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибидаги “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар, нархларни шакллантириш маркази” шуғулланган. Аммо, Қурилиш вазирлиги ташкил этилиши билан ушбу марказ тугатилган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бу борада хорижий тажриба таҳлил қилинганда, аксарият давлатларда қурилиш материалларининг каталогини шакллантириш билан алоҳида давлат органлари ёки органларнинг таркибий қисмлари доимий шуғулланишини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Беларусь Республикасида ушбу фаолият Республика нархларни шакллантириш илмий технологик маркази томонидан, Россия Федерациясида “Главгосэкспертиза” федерал автоном ташкилоти ҳузуридаги давлат нархларни шакллантириш ахборот тизими томонидан, Туркияда Атроф муҳит ва шаҳарсозлик вазирлигининг олий илмиз кенгаши томонидан ҳамда Озарбайжон Республикасида эса, Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг нархларни шакллантириш бўлими томонидан амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қурилиш материалларининг нархларини доимий равишда каталог усулида шакллантириб бориш билан алоҳида шуғулланувчи хўжалик бошқаруви органи шаклида Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш таклиф этилади.

Мазкур марказнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киритилиши мақсадга мувофиқ:

-қурилиш материаллари, конструкциялари ва маҳсулотлари ахборот базасини шакллантириш;

-қурилиш материаллари, конструкциялари ва маҳсулотлари учун ягона нарх сиёсатини юритиш;

-қурилишда нархлаш ишлари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш;

-ҳар чоракда қурилиш материаллари, конструкциялар ва маҳсулотларининг жорий нархлари каталогини янгилаш;

-қурилиш материаллари, конструкциялари ва маҳсулотлари нархларини таҳлил қилиш.

Капитал-қурилиш соҳасида содир этилган коррупциявий жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсиви

Юқоридаги бобларда айтиб ўтганимиздек, капитал-қурилиш соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар, шу жумладан содир этилган жиноятлардан бутун дунёда ҳар йили 6 трлн. АҚШ доллари талон-тарож қилинади. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада ажратилган жами маблағларнинг 10-11 фоизи ишларни нотўғри ташкил этиш ёки коррупция ҳисобига талон-тарож қилинишини ҳисобга олсак, тахминан 7 трлн. сўмни ташкил қилади.

Капитал-қурилиш соҳасида содир этилган жиноятларни субъектига кўра икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилишимиз мумкин:

-Давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, идоралар мансабдор шахслари (мансаб вазифаларини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар);

-Нодавлат ташкилотлари, шу жумладан лойиҳа-қидирув институтлари ва пудрат ташкилотлари ҳамда фуқаролар.

Капитал-қурилиш соҳасида содир этилган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш учун биз авваламбор ушбу жиноятларнинг таърифини билиб, олишимиз лозим бўлади. Бунда жиноятнинг субъекти асосий роль ўйнайди.

Давлат органлари, давлат улушидаги корхоналар ва хўжалик бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилган ҳолда содир этилган ҳар қандай жиноятлар, шубҳасиз, коррупциявий жиноят саналади.

Лекин, нодавлат сектор вакиллари томонидан содир этилган жиноятлар, бунда давлат бюджети талон-тарож қилинган тақдирда ҳам, назаримизда коррупциявий жиноят саналмайди. Бу борада жиноят субъекти сифатида юқорида санаб ўтилганлардан бири иштирокчи бўлиши лозим.

Масалан, қурилиш-пудрат ташкилоти томонидан инвестиция дастурига кирган объект қурилиши давомида стандартларга жавоб бермайдиган

қурилиш материалларини кўпайтириб кўрсатиш эвазига 25 млн. сўм миқдорда бюджет маблағлари талон-тароҳ қилинган ҳамда ҳолат юзасидан ЖКнинг 167-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Бу ҳолат коррупциявий жиноят саналмайди. Чунки, бу жараёнда жиноят субъекти бўлган мансабдор шахснинг аралашуви йўқ. Ушбу ҳолатда, дейлик, пудрат ташкилотининг қинғир ишидан хабари бўла туриб, уни яширишга ҳаракат қилган мансабдор шахс аниқланса, бу ҳолат энди коррупцион жиноят ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, капитал-қурилиш соҳасидаги коррупцион жиноят тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтишни жоиз топдик:

“Капитал-қурилиш соҳасида давлат назоратини олиб функциясини олиб боровчи мансабдор шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши ёхуд ваъда қилиши.”

Капитал-қурилиш тизимини ривожлантириш, соҳада коррупцион хавф-хатарларга барҳам беришга қаратилган амалий ишларга 2019 йилдан бошлаб алоҳида эътибор қатарлиб келинаётган бўлиб, Бош прокуратура томонидан ушбу йиллар давомида қурилиш тизимида содир этилган жиноятлар алоҳида ҳисоби юритила бошланди.

Капитал-қурилиш соҳасида жиноятчилик сўнгги йилларда авж олиб борган десак, муболаға бўлмайди. 2018-2019 йилларда республика бўйлаб, қурилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 973 та жиноят иши қўзғатилиб, жами 1233 нафар шахслар жавобгарликка тортилган.

Соҳада фаолият юритадиган давлат органлари ва хўжалик бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан содир этилган жиноятларни субъектига кўра таҳлил қиладиган бўлсак, Бош прокуратура маълумотига асосан, 2019 йилда 4 нафар ҳоким, 15 нафар ҳоким ўринбосарлари, 30 нафар ҳокимликларнинг бошқа вакиллари, 3 нафар лойиҳа институтлари, 20 нафар Қурилиш вазирлиги, 43 нафар “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, 63 нафар “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси, 119 нафар “Давергеодезкадастр” кўмитаси тизимида фаолият кўрсатган масъул ходимлар қурилишга оид қинғир ишлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, капитал-қурилиш соҳасида давлат органи ёки хўжалик бошқарув органи ёхуд бу борада хусусий сектор вакили сифатида бирор бир ташкилот ёки муассасада коррупциявий хавф-хатарлар кам деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мазкур жиноятлар оқибатида, жами бўлиб, 66 млрд. сўмлик маблағлар талонтароҳ қилинган. Шу билан бирга фуқаролардан 73 млрд. сўм ва 237 минг АҚШ доллари фирибгарлик йўли билан олиб қўйилган бўлса, 1,2 млрд. сўм ҳамда 665 минг АҚШ доллари пора сифатида олинган.

Шунингдек, пора беришга далолат қилиш орқали 444 млн. сўм ва 327 минг АҚШ доллари фуқаролардан олиб қўйилган.

Юқоридаги рақамлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан аниқланган маълумотларни акс эттиради. Бу борада латент бўлиб қолаётган мансабдорлик жиноятлар ҳам борлигини ҳисобга олиш ўринлидир.

Соҳада содир этилган коррупцион жиноятлар:

Мансабдор шахснинг ваколатига совуққонлик билан қараши билан боғлиқ жиноятлар. Бундай ҳолатда мансабдор шахс ўзига топширилган вазифаларига совуққонлик билан қарайди. Бу билан мансабдор шахснинг ўзи бирор бир наф кўриши ҳам кўрмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундан давлат ёки жамият катта миқдорда зарар кўриши, ёки оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Мансабдор шахснинг давлат мулкани талон-торож қилиши ёки унда иштирок этиши. Мазкур турдаги жиноятлар ўзининг ниҳоятда кўплиги билан ажралиб туради. Бу борада бажарилмаган ишларни бажарилган деб кўрсатиш, ишларни сифатсиз бажариш каби ҳолатлар мавжуд. Бунда айниқса, объектларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни олиб борувчи мансабдор шахсларнинг ўз вазивасини бажариш ўрнига, пудратчилар билан тил бириктириб, талон-торожликларга шерик бўлиши кузатилади.

Порахўрлик. Порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар ҳам капитал-қурилиш соҳасида кенг тарқалган коррупцион жиноятлар сирасига киради. 2018-2019 йилларда капитал-қурилиш соҳасида порахўрлик билан боғлиқ 488 та жиноятлар содир этилганлигининг ўзи порахўрликни соҳадаги энг катта коррупциявий хавф-хатарларсифатида белгилайди.

Порахўрлик бугунги кунда капитал-қурилиш соҳасининг барча босқичларида мавжуд. Бунда мутасадди ходимларининг ўз вазифаларини пора олмасалар бажармаслик ҳолатлари кенг кузатилади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда мавжуд капитал-қурилиш соҳасининг барча босқичларида турли даражада коррупцион рисклар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш юзасидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни қоникарли деб бўлмайди.

Шунингдек, мавжуд коррупцион рискларни камайтириш учун капитал-қурилиш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар қилиниши лозим.

Тизимда коррупцияни бартараф қилиш бўйича халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий тажрибаларнинг аксарияти бу борада инновацион технологиялардан фойдаланиш, инсон омилини кескин камайтиришга қаратилган. Бу борада сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, олдимизда турган вазифалар ҳам талайгина.

§ 2.6. Капитал қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш борасида амалга оширилган ишлар

Президентимиз томонидан қурилиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, қурилиш сифати ва қўламини ошириш, тизимда

шаффоф механизмларни жорий қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, сўнгги уч йилда соҳани ривожлантиришга оид 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида 250 дан ортиқ бош режалар, қишлоқ ва овул аҳоли пунктлари учун 2.800 га яқин меъморий лойиҳалар ишлаб чиқилган.

18.07.2019 йилда Қурилиш вазирлигининг капитал қурилиш соҳасини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш бўйича “Эзгу мақсадларимиз, пок эътиқодимиз ва шарафли вазифамизга коррупцияни асло яқин йўлатмайлик!” шиори остидаги муружаатномаси эълон қилинган.

Бош прокуратура томонидан тегишли мутахассислар ва экспертлар жалб қилинган ҳолда “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, 30.08.2019 йилда Коррупцияга қарши қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан тасдиқланган.

“Йўл харитаси” 4 та бўлим ва 33 та банддан иборат бўлиб, унда белгиланган тадбирларни 2019-2020 йилларда амалга ошириш назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида 20.09.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4464-сон қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорда қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш назарда тутилган.

Ушбу қарор билан Қурилиш вазирлиги фаолиятига “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини жорий этиш, шунингдек давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимда тақдим этиш имконини берувчи “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (геопортал)ни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш белгиланган.

Шунингдек, мазкур қарор билан қурилиш соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилувчи ахборот тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари раислигида комиссия ташкил этилган.

Ушбу Комиссия қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, Қурилиш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган самарали ижро этилиши юзасидан назорат (compliance control) тизими жорий этилишини таъминлаш юклатилган.

Коррупция хавф-хатарларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, соҳа ходимлари ўртасида коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, 2017-2019 йилларда капитал қурилиш соҳасида содир этилган коррупцияга оид жиноятлар таҳлил қилиниб, бунда коррупция соҳасидаги хавф-хатарига энг кўп дучор бўлган фаолият йўналишлари ва лавозимлар, уларнинг функциялари ҳамда ваколатлари бўйича маълумотлар таҳлил қилинган.

Ушбу таҳлил натижаларини навбатдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси йиғилишида муҳокама қилиш режалаштирилган.

Қурилиш соҳасида коррупциянинг ҳолати юзасидан аҳолининг муносабатини ўрганиш мақсадида “Ижтимоий фикр” марказини жалб қилган ҳолда ижтимоий сўровлар ўтказилган.

Масалан, 2019 йилнинг октябрь - ноябрь ойларида капитал қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга ошириш бўйича ўтказилган сўровда респондентлар томонидан ер участкаларини ажратиш ва танлов ўтказишдан бошлаб, тайёр объектларни фойдаланишга топширишгача бўлган жараёнларда коррупция ҳолатлари мавжудлиги маълум қилинган.

Шунингдек, қурилиш соҳасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, инвентаризация қилиниб, уларнинг рўйхати шакллантирилган ва коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш мақсадида Адлия вазирлигидан коррупцион экспертизадан ўтказилган.

Қурилиш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш, республиканинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 17.02.2020 йилдаги 72-Ф-сон фармойиши асосида Қурилиш вазирлигининг тизимда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш бўйича буйруғи қабул қилинган.

Капитал қурилиш соҳасида маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш мақсадида 26.08.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4427-сон қарори қабул қилинган.

Ушбу қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун

фақат “E-IJRO AUKSION” савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали берилиши йўлга қўйилган.

Жисмоний ва юридик шахсларга “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимида аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун жойлаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган.

Ушбу тартибни амалга ошириш механизмини белгиловчи “Тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги Низом 20.12.2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 1023-сонли қарори билан тасдиқланган.

Шахарсозлик норма ва қоидалари (ШНК 3.01.04-04) “Объектларни фойдаланишга топшириш тартиби” юзасидан Давлат қабул комиссиясига ёзма билдириш хати йўллаш орқали лойиҳа ташаббускорига қурилиши тугалланган объектлардан белгиланган мақсадларда фойдаланишни амалга оширувчи ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисида шахарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилиш учун киритилган.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти органлари томонидан шахар ва шахар посёлкаларининг бош режалари ва бошқа шахарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш жараёнида коррупцион ҳолатларни олдини олиш мақсадида “Давлат ҳокимияти органлари томонидан шахар ва шахар посёлкаларининг бош режалари ва бошқа шахарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Жисмоний ва юридик шахсларга турар жойни нотурар жой тоифасига ва нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказишга рухсатномалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентлари ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилган.

Қурилиш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шаффофликни таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 13.03.2020 йилда ПФ-5963-сон билан қабул қилинган.

Унга мувофиқ, 01.07.2020 йилдан бошлаб солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар) асосида автоматик тарзда шаклланадиган лойиҳа-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинги жорий этиш назарда тутилган.

Шунингдек, 01.09.2020 йилдан солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси маълумотлари асосида қурилиш ишлари ҳажмлари ва объектларига мувофиқ табақалаш тирилган ҳолда автоматик тарзда шакллантириладиган қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинги жорий этиш белгиланган.

Мазкур Фармон билан Қурилиш вазирлиги қошида давлат муассасаси шаклида Қурилишда техник меъёрлаш маркази ташкил этилган.

Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат ўрнатиш, объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш, қурилиш соҳасидаги назорат қилувчи инспекциялар ролини кучайтириш мақсадида “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ишлаб чиқилиб, 05.02.2020 йилда ПҚ-4586-сон билан қабул қилинган.

Унга асосан, 01.04.2020 йилдан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартиби жорий этилган.

Шунингдек, “Қурилишдаги назорат” қуйи тизимини 01.04.2020 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида синов тариқасида ишга туширган ҳолда, 2020 йил давомида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш белгиланган.

Мазкур қарор билан Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси марказий аппаратида 2 та бошқарув ходими штат бирлигидан иборат бўлган Комплаенс хизмати ва ҳудудий инспекциялар тузилмасида комплаенс-назорат бўйича мутахассис лавозими жорий этилган.

Қурилиш соҳасида мутахассисларни моддий қўллаб-қувватлаш ва соҳани такомиллаштириш бўйича инновацияларни жорий этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, лойиҳалаш соҳасидаги ташкилотлар ва мутахассислар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шу жумладан моддий техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш бўйича “Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Шунингдек, “Қурилиш пудрат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Қурилиш соҳасида мутахассисларни малака талабларини ошириш мақсадида Россия Федерацияси, Туркия ва Хитой Ҳалқ Республикаларига хизмат сафарлари амалга оширилиб, қурилиш соҳасидаги илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида капитал-қурилиш соҳасида коррупцияга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда амалда бўлган тендер савдоларини мажлис шаклида ўтказиб, протокол шаклида расмийлаштириш, офферентлар томонидан таклифларни конвертда муҳрланган ҳолда топшириш каби эскича усулдаги амалиётлардан воз кечиб, онлайн платпормаларни қўллаш ҳамда талабгорлар тўғрисида маълумотларни ИТ технологияларни қўллаган ҳолда конфеденциаллигини сақлаш амалиётидан фойдаланиш вақт ҳамда маблағни тежаш билан биргаликда бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатига ҳар томонлама ҳамоҳанг бўлар эди.

Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 302-сонли қарори асосида ўтказиладиган капитал-қурилиш соҳасидаги тендер (танлов) савдоларини ўтказишда Навоий ва Сирдарё вилоятларида тест режимида ҳужжатларни электрон тарзда қабул қилиш, электрон ҳужжатларни ҳимоялаш кодлари билан таъминлаш ҳамда электрон тендерлар ўтказиш амалиётини қўллаш таклиф этилади.

2. Лойиҳа-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг асосий даромад манбаси бўлиб, ташкилотлар билан тузилган шартномлардан келиб тушадиган маблағлар эканлигини инобатга олиб, бюджет буюртмачилари томонидан тўлов интизомига риоя қилиш ҳамда тасдиқланган прејскурантга амал қилиш юзасидан алоҳида назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Россия Федерацияси, Озарбайжон ва бошқа бир қатор давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилот шаклида Лойиҳа ва қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш асоциатциясини ташкил этиш таклиф этиди.

Асоциатция лойиҳа-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, улар фаолиятини мувофиқлаштириши, соҳада илғор хорижий тажрибаларни қўллаши, аъзо ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиши, кадрлар малакасини ошириши ва миллий ва халқаро миқёсдаги тадбирларда аъзо ташкилотлар номидан иш қўриши мақсадга мувофиқ.

3. Капитал-қурилиш соҳасида коррупцияни бартараф этишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларнинг аксарияти соҳада жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган. Соҳани тартибга солувчи миллий қонунчилигимизда мазкур институт мавжуд бўлсада, умумий, декларатив характерга эга бўлган нормалардан таркиб топган. Соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

-Россия Федерацияси, Беларус ва Озарбайжон республикалари тажрибасини инобатга олган ҳолда Шаҳарсозлик кодексига аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, келишиш ва жамоатчилик муҳокамасига қўйишнинг аниқ тартибларини белгилаб чиқиш;

-“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги низомга янги банд сифатида жамоатчилик назоратини киритиб, тендерларни ўтказишнинг барча босқичларида фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоатчилик назорати субъектларининг қатнашишлари мумкинлигини белгилаш.

4. Капитал-қурилиш соҳасида давлат харидларини амалга оширишда коррупцион рискларни олдини олиш борасида АҚШ, Россия Федерацияси ва Словения тажрибаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси, 1-қисмини қуйидаги тартибда ўзгартиришни таклиф қиламиз:

“Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин.

Харид қилиш тарти-таомилларида давлат харидларини ижро этиш учун талабгор жисмоний шахс, юридик шахс раҳбари, коллегиял бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси, бош бухгалтери муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167,183,211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун судланмаган ёки танлов қунига қадар 2 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этмаган бўлиши лозим”.

5. Бугунги кунда соҳада мавжуд бўлган объектлар учун тендер савдоларида ютиб чиқиб, бош пудратчи сифатида барча ишларни ёрдамчи пудратчига тўлалигича ўтказиш ҳамда бу орқали “ген. услуга” сифатида объект қийматининг 5-7 фоизи миқдорида асоссиз давромат олиш одатига чек қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 302-сонли қарори билан қабул қилинган Низомнинг 35-бандида белгиланган талабгорларга қўйиладиган малака талаблари қаторига “танлов объектида кўрсатилган ишларнинг камида 50 фоизини ўз кучи билан бажариши” талабини қўйиш таклиф этилади.

6. Капитал қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичида объект қийматини асоссиз ошириб кўрсатишларни олдини олиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг бошланғич қийматини ҳисоблаб

чиқишда қўлланиладиган материал, буюм ва конструкцияларнинг нархларини каталог асосида шакллантириш ва бу борада аниқ ва бир хил амалиётни шакллантириш мақсадида Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ҳамда Туркия тажрибасини инобатга олган ҳолда қурилиш материалларининг нархларини доимий равишда каталог усулида шакллантириб бориш билан алоҳида шуғуланувчи хўжалик бошқаруви органи шаклида Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш таклиф этилади.

7. GIACC ҳамда бошқа етакчи халқаро нодавлат ташкилотларнинг тавсияларини инобатга олиб, “комплаенс назорат” бугунги кунда коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган “Ягона буюртмачи хизмати” ҳамда “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияларида ҳам ушбу тизимни жорий этишни мақсадга мувофиқ.

8. “Transparency international” халқаро ташкилотининг тавсиясига асосан соҳада коррупцияни олдини олиш мақсадида тендер ўтказишга қатнашадиган ҳар қандай давлат органи хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва унда манфаатлар тўқнашуви, коррупция тўғрисида хабардор қилиш ҳамда хабар берган шахсларнинг (“whistleblowers”) ҳимоясини таъминлашнинг механизмларини яратиш таклиф этилади;

9. Open contracting partnership гуруҳининг шаффофликни таъминлаш борасидаги тавсияларини инобатга олиб, капитал-қурилиш объекти учун босқичидан бошлаб объектни фойдаланишга қабул қилиш босқичига қадар бўлган барча жараёнларда тўпланган ҳужжатларни жамоатчилик учун очик эълон қилиш онлайн тизимини яратиш таклиф этилади.

Соҳадаги мавжуд коррупцион омиллар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларни ҳамда амалдаги ҳолат ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Лойиҳа ва экспертиза органлари учун ягона автоматлаштирилган тизимни йўлга қўйиш ва буюртмачи, лойиҳачи, ижрочи ва экспертиза органлари ўртасида замонавий электрон ҳужжат алмашуви мажбуриятини йўлга қўйиш. Бу борада Россия ва Белоруссия давлатларининг ижобий тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Лойиҳа смета ҳужжатларидаги нархлар ҳаққонийлигин таъминлаш мақсадида, Қурилиш вазирлигидаги марказ фаолиятини қайтадан ташкил этиб, маҳаллий ва импорт қурилиш материалларининг “онлайн” каталогини ишга тушириш мақсадга мувофиқ. (Хитой, Туркия, Франция, Германия, Канада давлатларида мазкур турдаги “онлайн” каталоглар тизими йўлга қўйилганлиги ижобий самара бермоқда)

3. Халқаро шартномалар асосида ривожланган давлатларнинг соҳага оид нормалари ва қоидаларини тўғридан-тўғри қўллаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4. Давлат объектлари қурилишидаги танловда ҳам тендер жараёнидаги каби эълонни ягона электрон сайт ёки платформага жойлаштириш механизмининг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа давлат органларининг автоматлаштирилган электрон базасига

интеграция қилинган ҳолда корхоналарнинг молиявий ва техник имкониятларини автоматик равишда баҳолаб танлов ёки тендер савдоси ёлибини аниқлаш имконини берувчи дастурни ишга тушириш ва бунда инсон омилининг жараёнга иштирокини минимал даражага тушириш лозим.

5. Ваколатли орган (Курилиш вазирлиги) томонидан бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ва кўп қаватли уйларнинг қурилишини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган пудрат ташкилотлар реестри ва рейтинги юритилиши мақсадга мувофиқ.

Германия, АҚШ, Хитой, Ж.Корея, Япония давлатларида қурилиш пудрат ташкилотларининг рейтинг тизими юритилиши ва тендер жараёнларида ёлибларни аниқлашда пудратчиларнинг рейтинг даражалари асосий омиллардан бири сифатида қабул қилинади.

6. Ҳокимликлар ва вазирликлар ҳузуридаги буюртмачиларнинг техник назорати амалиётидан воз кечиб, лойиҳа муаллифи ва давлат архитектура қурилиш назоратларини фаолиятини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

7. Бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган объектларнинг қурилиши яқунлангандан сўнг тузиладиган 2 турдаги Ишчи ва Давлат қабул далолатномасининг бирини бекор қилиш ва далолатноманинг фақатгина электрон шаклда Давлат хизматлари агентлиги орқали айланишини мажбурийлиги механизмини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

8. Қурилиш объектларини назорат ўлчовидан ўтказишга ихтисослаштирилган давлат унитар корхонасини ташкил қилиш, шунингдек, назорат ўлчов ишларини ўтказишни молиялаштириш механизмини таъминловчи ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

9. Соҳада бюджет маблағларининг назорат самарадорлигини ошириш мақсадида, бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган қурилишларда пудрат ташкилотлари учун алоҳида ғазна ҳисоб рақамларини очиш механизминининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

АҚШ, Канада, Япония, Ж.Корея, Туркия, Россия, Қозоғистон давлатларининг бу борадаги тажрибаси ижобий натижаларни бермоқда.

10. Тадбиркорлик ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида, қурилиш объектининг қафолат пуллари бўйича банкларда бир йиллик махсус ҳисоб рақамлари очиш ва маблағларни депозит сифатида вақтинча жойлаштириш ва қафолат муддати яқунланганидан сўнг қурилишдаги камчиликларнинг компенсация қилиниши ёки пудратчига тўланиши механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

§ 2.7. Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш масалалари

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган даврида республикамиз солиқ тизими ташкил этилди ва ривожлантирилди. Республикамизда давлат солиқ хизмати органлари фаолияти 1990 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Давлат молия-солиқ Бош бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида”ги

383-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг фаоллаша бошлади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги 1991 йил 14 июндаги низоми ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги 1991 йил 12 августдаги 217-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг давлат назорати ва бошқарувининг мустақил тузилмаси сифатидаги давлат солиқ хизмати органларининг шаклланиши ҳамда фаолият юритишига асос солинди. 7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига айлантириш тўғрисида”ги ПФ–744-сон Фармониға мувофиқ, назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, ягона давлат солиқ сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ташкил этилди.8

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси фаолияти бугунги кунга қадар амалга оширилаётган давлат солиқ сиёсати ҳамда солиқ қонунчилигида белгиланган асосий функция ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда доимий такомиллаштирилиб келинмоқда.

Солиқ хизмати органларидаги коррупциявий жиноятчилик ҳолати.

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотиға кўра, Коррупция – шахсий даромад учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш бўлиб, бу давлат фаолиятини бузади ва давлатнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини издан чиқаради. Коррупция баъзи одамларға солиқдан бўйин товлашға ёрдам беради ва айни вақтда кўпинча бошқалар якунида кўпроқ тўлашиға сабаб бўлади. Даромаднинг йўқолиши давлат идораларининг ижтимоий харажатларни амалга ошириш қобилятиға ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, пора ёки непотизм таъсири остида давлат органлари қарорлари қабул қилинганда давлат хизматлари ва инфратузилма сифати камаяди. Оқибатда коррупция давлатға бўлган ишончни сусайтиради ва ижтимоий ва сиёсий беқарорликка олиб келиши мумкин.

Масалан, бир хил даромад даражасиға эға мамлакатлар таққосланганда кам коррупциялашган ҳукуматлар коррупциянинг энг юқори даражасидаги мамлакатларға нисбатан ялпи ички маҳсулотда 4 фоиз кўпроқ солиқ йиғади. Ушбу ўзаро таққослашлар асосида, агар барча мамлакатлар бугунги кунда коррупцияни сўнгги икки ўн йилликда камайтирган мамлакатлар билан бир хил даражада камайтирса, бутунжаҳон солиқ даромадлари 1 трлн АҚШ долларлари ёки дунё ЯИМнинг 1.9 фоизига ошиши мумкин.

⁷ Жўраев А.С. Солиқ маъмурчилиги - солиқ сиёсатининг асосий йўналиши сифатида. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 2, октябрь, 2016 йил.

⁸ <https://lex.uz/docs/195755>

Коррупцияни камайтириш юқори иқтисодий ўсиш суръатларига олиб келади, Коррупцияни сезиларли даражада камайтиришга муваффақ бўлган мамлакатлар солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан ошиши билан мукофотланади (масалан, Грузияда 13 фоиз, Руандада 6 фоиз).⁹

“Демократия учун информатика” жамғармасининг (ИНДЕМ фонди) ҳисоботида кўра, иқтисодий инқироз даврида давлат кўпинча Россияда бўлгани каби солиқ исканжасини мустақкамлашга ҳаракат қилади. Бу хуфёна иқтисодиётининг майдонини ва коррупция соҳасини кенгайтиради. Масалан, солиқ тўлашдан бўйин товлаган савдогар солиқ инспекторининг қармоғида бўлиб, жазодан қутулиш ваъдаси асосида пора ундириш учун мукамал нишонга айланган.

Италияда коррупцияга қарши ўтказилган “тоза қўллар” операциясидан сўнг йўл қурилишига давлат харажатлари 20 фоизга камайгани ҳисобланган.

П. Беннет томонидан келтирилган Гарвард университети олимларининг сўнгги тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакат коррупциялашганлигини Мексика даражасидан Сингапур даражасигача камайтириш солиқ йиғимини 20 фоизга оширишга тенг таъсир кўрсатади.¹⁰

Константин Пашевнинг фикрига кўра, умуман олганда, бизнес икки гуруҳ коррупциявий хизматлар учун пул тўлайди: солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва “афзал кўрилган мижоз” тартибида хизмат кўрсатиш мақсадида.

Солиқ маъмуриятидаги коррупцияга қарши кураш умумий давлат бошқаруви ислоҳоти ва хуфёна иқтисодиёт кўринишларига барҳам бериш, хусусан, солиқ фирибгарликлари ва бошқа солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Янада самарали давлат бошқарувини намоён этиш ва коррупция даражасини камайтириш Болгариянинг Европа Иттифоқи аъзолигига йўлининг охириги қисмида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Солиқ юкини ва хуфёна иқтисодиёт кўламини камайтириш бутунги кунда ҳукуматнинг ўрта муддатли устувор йўналишларига киради. Бу соҳаларда муваффақият бошқаларга қараганда солиқларнинг юқори йиғилувчанлиги ва ихтиёрий амал қилиниши кўрсаткичларига боғлиқ. Умуман олганда, солиқларни йиғилувчанлиги кўрсаткичини ошириш орқали олиш самарадорлиги солиқлар билан боғлиқ коррупцияни тийиб туриш функцияси ҳисобланади.

Солиқ соҳасидаги коррупция асосан коррупциянинг барча бошқа турдаги даражаларини белгилайди. Агар солиқлардан қочиш учун савдо кўрсаткичлари камайтириб кўрсатилмаса ва иккита бухгалтерия юритилмаса, давлат харидларида, турли лицензиялаш, рухсат бериш тартибларида, давлат хизматларини кўрсатишда ёки ҳатто бизнес муносабатларида ҳам коррупция учун қўлдан қўлга ўтиб келадиган пулга эга бўлмайди. Бинобарин, солиқ коррупциясини жиловлаш уларнинг “таъминот линиялари”ни камайтириш орқали коррупциянинг бошқа барча турларини жиловлаш таъсирига эга.

⁹ <https://www.imf.org/~/media/Files/Publications/fiscal-monitor/2019/April/English/text.ashx>

¹⁰ http://indem.ru/indemfond/indfp2_r.html

Солиқчилар маоши даражаси ёки мансабда кўтарилишдаги адолат ва молиявий рағбатлантириш схемаларидан қанчалик камроқ қониксалар, шунчалик кўпроқ коррупциявий хулққа мойил бўладилар. Солиқ хизмати ходимларининг “ўзини яхши ҳис этиш омили” раҳбарият алмашган тақдирда уларнинг ишини йўқотиш хавфи ва уларнинг мансабда кўтарилишдаги имкониятлари, шунингдек ўзларининг акс эттирган малакасини тахминий баҳоланиши функцияси ҳисобланади.

Умуман, солиқ бюрократияси унга риоя қилмасликка сабаб бўлади ва бу орқали коррупцияни келтириб чиқаради. Солиқ ва ижтимоий таъминотга риоя қилишнинг ортикча харажатлари, биринчи навбатда, юқорида муҳокама қилинган тегишли қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ва номувофикликлар натижаси бўлиб, солиқ тўловчиларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунишни қийинлаштиради ва бир хилда қўлланишини таҳдид остида қолдиради. Солиқ тўловчиларга паст даражада хизмат кўрсатиш бунга фақат кўшимча қийинчиликлар ва шунинг учун мос келадиган харажатларни кўшади.¹¹

Жаҳон банкининг тадқиқотида кўра, 57 та давлатлардаги 25 000 фирмалар фаолияти ўрганилганда, айнан улар кўпроқ пора тўлайдиган фирмалар эканлиги, шунингдек солиқлардан ҳам бўйин товлаши, кенгроқ маънода жамиятда коррупция авж олган жойда бу солиқ тўлашдан бўйин товлашга сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган.

2014 йилда бошланган Бразилия давлат нефт компанияси Petrobrasнинг тергови бунга яққол мисол сифатида кўрсатилган. Бразилия фуқаролик солиқ аудиторлари солиқ ва божхона маълумотларни таҳлил қилиш орқали гумондорларга оид маълумотларни қонунга мувофиқ полиция ва прокурор билан алмашиш орқали бу трансмиллий коррупциянинг терговида муҳим рол ўйнаган. Фуқаролик солиқ органи Petrobras собиқ директорининг қизи қимматбаҳо машина сотиб олганлигини аниқлаган. Ҳисоб рақамлар таҳлили директор била туриб инкор этган, коррупциявий схема оператори билан боғлиқликни кўрсатган. Кейинги таҳлилларда собиқ директор ушбу оператор қачонлардир яшаган ҳашаматли квартирага эга бўлган оффшор компаниянинг бенефициар эгаси бўлганлиги аниқланган.

Тергов натижасида, расмийлар пул ювиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва яширин активлар бўйича далилларни фош этиб, молиявий оқимларни кузатиб бориш имкониятига эга бўлган. Ушбу жиноий ишлар бўйича тергов ҳалигача давом этиб келмоқда.

2014 йилда Бразилия федерал полицияси ва прокуратураси Бразилия давлат нефт компанияси Petrobrasга нисбатан терговни расмий эълон қилган. “Лава Жато” (автомобил ювиш) операцияси деб номланувчи, бу иш Бразилия тарихидаги энг йирик коррупциявий тергов сифатида қаралади.

Бу мураккаб коррупциявий схема муносабати билан Бразилия ва дунёнинг бошқа қисмларида 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида пора берилган, деб таъкидланади. Petrobras раҳбарлари компания шартномалари ва нархлари оширилган шартномаларни ўзларига тўлаш учун ҳамда сиёсатчилар ва сиёсий

¹¹ [Konstantin Pashev. / Corruption and tax compliance/challenges to tax policy and administration.](#)

партияларни пора эвазига оғдириш мақсадида сохта жамғарма ташкил қилиш учун тасдиқлашган.

Тергов ва суд натижаларига кўра:

- 289 шахсга нисбатан 72 та жиноят иши;
- 182 хукм бўйича жами 118 шахсга 1809 умумий йилга қамоқ жазоси;
- 3,5 млрд АҚШ доллари миқдорида активлар тикланган;
- 3.7 млрд АҚШ доллари миқдорида солиқ жарималари.

Бразилияда ва бошқа жойларда мазкур жиноий ишлар бўйича тергов давом этмоқда (шу жумладан Швейцария ва АҚШ).¹²

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотига кўра, 2018 йилда ўтказилган тадбирлар натижасида жами 35 нафар давлат солиқ хизмати ходимларига нисбатан 29 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, 1 та жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган, 26 та жиноят иши бўйича 32 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, 2 та жиноят иши қолдиқда қолган.

Жиноий жавобгарликка тортилган солиқ ходимларининг 6 нафари пора олиш, 5 нафари фирибгарлик ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, 2 нафари ўзганинг ишониб топширилган мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ўзлаштириш, 2 нафари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, 1 нафардан ходимлар мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора бериш ва 9 нафари бошқа турдаги жиноятларни содир этган бўлиб, уларнинг 3 нафари республика, 6 нафари вилоят ва 23 нафари туман шаҳар миқёсидаги солиқ тизимида ишлаб келган.¹³

Шунингдек, 2019 йилда жами 13 нафар давлат солиқ хизмати ходимларига нисбатан 12 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, шундан 2 та жиноят иши ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилган, 8 та жиноят иши бўйича 8 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, 2 та жиноят иши қолдиқда қолган.

Жиноий жавобгарликка тортилган солиқ ходимларининг 4 нафари пора олиш, 3 нафари фирибгарлик ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, 1 нафари транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда ифодаланган жиноятни содир этган бўлиб, уларнинг 1 нафари вилоят ва 7 нафари туман шаҳар миқёсидаги солиқ тизимида ишлаб келган ходимлардир.¹⁴

Солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларига барҳам бериш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат марказида бўлиб, 22.12.2017 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни икки йилга тўхтатишни таклиф этганлиги бу борада энг муҳим қадам бўлди.¹⁵

¹² <http://www.oecd.org/tax/crime/improving-co-operation-between-tax-authorities-and-anti-corruption-authorities-in-combating-tax-crime-and-corruption.pdf>

¹³ Бош прокуратуранинг мансабдорлик жиноятлари бўйича 2018 йил ҳисоботи

¹⁴ Бош прокуратуранинг мансабдорлик жиноятлари бўйича 2019 йил ҳисоботи

¹⁵ <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг раислигида 2019 йил 4 апрелда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Тошкент туманлари ДСИ раҳбарлари таркибини янгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Миробод, Мирзо Улуғбек, Учтепа, Сергели, Юнусобод, Бектемир ва Шайхонтохур туман солиқ инспекциялари раҳбарлари вазифасидан озод қилинди.

Солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш бўйича ҳуқуқий асослар.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 474-І-сонли Қонунининг 4-моддасида Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари белгиланган бўлиб унга кўра:

- Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш фактларига барҳам бериш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитлари яратилишини таъминлаш коррупциявий жиноятларнинг олдини олишга хизмат қиладиган энг муҳим вазифалардан биридир.¹⁶

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонунининг 19-моддасига асосан Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир асосий чора-тадбирлар белгиланган.¹⁷

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарори солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этилиши ва солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши кураш бўйича мутлақо янгича ёндашув асосларини белгилаб берди.¹⁸

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли қарори иловаси билан тасдиқланган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”да Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантиришга оид масалалар алоҳида бўлимда қайд этилиб, қуйидагилар назарда тутилган:¹⁹

1. Кадрлар сиёсатида коррупцияга қарши компонентларни кучайтириш.

2. Солиқ соҳасида коррупция хавфларини назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш тизимини жорий этиш.

3. Коррупцияга қарши қонунчилик талаблари асосида норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш).

¹⁶ <https://lex.uz/docs/40158>

¹⁷ <https://lex.uz/docs/3088008>

¹⁸ <https://lex.uz/docs/3796072>

¹⁹ <https://lex.uz/docs/4415356>

4. Солиқ органларида шаффофлик (ошкорлик) ва ҳисобдорликни кенгайтириш, коррупция кўринишларига жамоатчиликда муросасизлик ҳиссини шакллантириш.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сон қарорининг иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда ҳам давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлашга, уларнинг олдини олишга, қарши курашишга ва бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга оид вазифалар белгиланган.²⁰

Бундан ташқари, Давлат солиқ қўмитасининг Ўз хавфсизлиги бошқармаси бу борада бевосита масъул бўлиб, қўмитанинг 2017 йил 9 октябрдаги 646-сонли буйруғи асосида фаолият юритади.

Бошқарманинг вазифа ва функциялари қуйидагилардан иборат:²¹

- давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан солиқ тўловчиларга нисбатан ғаразли мақсадларда ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни олдини олиш;

- давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлашга, уларни олдини олишга, қарши курашишга ва бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

- давлат солиқ хизмати органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари юзасидан киритилган ахборотлар, келиб тушган мурожаатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тақдимномалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлардан келган хатлар бўйича хизмат текшируви ва ўрганишлар ўтказиш;

- тузилмалар фаолияти юзасидан мониторинг, таҳлилий ишларни амалга ошириш, таҳлиллар натижасида сурункали равишда кўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлар фаолияти юзасидан ўрганишлар ҳамда лозим ҳолларда хизмат текширувлари ўтказиш;

- давлат солиқ хизмати органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган ходимлар билан тўлдириш ҳамда тизимга нопок ходимлар кириб қолишини олдини олиш мақсадида Қўмитанинг асосий ва ҳисоб номенклатурасидаги лавозимларга тавсия этилган номзодлар, шунингдек, давлат мукофотига тавсия қилинаётган, чет элга хизмат сафарига чиқаётган ходимлар бўйича махсус текшириш ишларини амалга ошириш;

- хизмат вазифаларини бажариш жараёнида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

²⁰ <https://lex.uz/docs/4290724>

²¹ <https://soliq.uz/about/central-office?category=&page=2>

- давлат солиқ хизмати органларининг маъмурий биноларига белгиланган тартибда кириб-чиқиш, режим қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги профилактик тадбирларни амалга ошириш функциялари.

Давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан солиқ тўловчиларга нисбатан ғаразли мақсадларда ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни олдини олиш.

Солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олишдаги мавжуд муаммолар ва таклифлар.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) Коррупцияга қарши курашиш Истамбул режасининг Ўзбекистон бўйича 4-раунд мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияни олдини олиш юзасидан қуйидаги ҳолатларни қайд этган ва тегишли тавсиялар берган:²²

- ички хавфсизлик тармоғининг иши асосан расмий текширувлар ўтказиш ва ҳуқуқбузарликларни аниқлашга қаратилган. Уларнинг ходимлари турли соҳаларда мутахассисликка эга эмаслар. Коррупция хатарларини баҳолаш ва минималлаштиришга етарли эътибор берилмайди;

- ички хавфсизлик бўлинмалари автономлигини кучайтириш керак. Бунинг учун бўлинма раҳбарларини ишдан бўшатиш учун асосларни аниқ рўйхатини белгилаш, шунингдек, аниқланган эҳтимолий коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида раҳбарият розилигини олмасдан, ҳаттоки дастлабки тарзда хабардор қилмасдан ҳам туриб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тўғридан тўғри мурожаат қилиш бўйича мажбурият белгилаш лозимлиги кўрсатилган;

- уларнинг фикрича, марказий маҳкамадаги ички хавфсизлик ходимлари сони кам бўлгани боис, вазифаларни самарали бажариш учун етарли эмас;

- ички хавфсизлик бўлинмалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида, шу жумладан аноним хабарлар олиш учун янги каналлардан фойдаланиши керак;

- ички хавфсизлик бўлинмалари назорат функцияларининг самарадорлиги тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш ва суриштирув ўтказиш ваколатини бериш орқали кучайтирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Экспертлар томонидан коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг хавфини камайтирадиган, барча ходимлар ўз қарорларини жараёнга бир неча кишини жалб қилган ҳолда одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий принципларига

²² Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией, ОЭСР 2019, 285-286 б.

асосланишини таъминлаб, ягона ахлоқий иш муҳитини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилган.²³

Коррупция хавфи мавжуд бўлган функцияларни бажарганда, таркибий бўлинмалар раҳбарлари солиқ назорати ва солиқ маъмурчилигида “тўрт кўз” тамойилига иложи бориша кўпроқ риоя қилишни таъминлаши тавсия этилган.

Коррупция хавфига кўп дучор бўладиган ва манфаатлар тўқнашуви юқори лавозимдаги ходимларни ротация қилш амалиётини давом эттириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Давлат солиқ хизмати органларида коррупциявий жиноятларнинг олдини олишда давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини жорий этиш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 12.12.1996 йилги 51/59-сонли резолюцияси билан тасдиқланган «Давлат мансабдор шахсларининг халқаро одоб-ахлоқ Кодекси»да²⁴ давлат мансабдор шахслари эгаллаб турган хизмат мавқеъига ва қонунчилик талабига мувофиқ шахсий даромадлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумотларни, шунингдек имкон қадар хотини (эри) ва/ёки қарамоғидаги шахсларнинг даромадлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумотларни эълон қилиши лозимлиги белгиланган.

Давлат хизматчиларининг активлар декларацияси механизми Ғарбий Европа мамлакатларида 1980 йиллардан амалиётга тадбиқ этила бошланган.

Халқаро миқёсда давлатларда активлар декларацияси механизмини амалиётга тадбиқ этиш асосан 3 та босқичда намоён бўлади.²⁵

Хусусан, дастлабки босқич 1970-1990 йилларни қамраб олиб, “Амалиётга тадбиқ қилиш босқичи” ҳисобланади. Жумладан, давлатлардаги коррупцияга оид муаммоларнинг ортиши ва уларга қарши курашда янгича механизмларга бўлган талабдан келиб чиқиб ривожланган;

2-босқич 1990-2003 йиллар оралигини ўз ичига олади, “Ривожланиш босқичи” деб ном олган бу босқичда кўплаб давлатларнинг демократлашуви ва коррупцияга қарши курашда жамиятнинг ўрни ортиб бориши, яъни давлат хизматчиларининг даромадлари ва мулклари шаффофлигини ҳамда ошқоралигини таъминлашга интилиши билан боғлиқ;

3-босқич 2003 йилдан ҳозирга қадар даврни ўз ичига олиб, “Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш босқичи” деб номланди. Ушбу босқичда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида (2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк), шунингдек, ИХТТ доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига (2003 йил 10 сентябрь, Истанбул) кўшилган давлатларга коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича кўрсатмалар бериб ўтилган.

²³ Қаранг ўша манба, 301-302 б.

²⁴ Международный кодекс поведения государственных должностных лиц, содержащийся в приложении к [резолюции 51/59](#) Генеральной Ассамблеи от 12 декабря 1996 года.

²⁵ Исмаилов Б.И., Исмаилов Б.И. Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-62 б.

Коррупцияга қарши курашда фақат постфактум курашиш етарлича самара бермайди, унга қўшимча тарзда олдини олиш чораларини кўриш керак. Олдини олиш бўйича ишларни ташкиллаштиришнинг зарурлиги бўйича бир қанча фикрлар илгари сурилади. Биринчидан, коррупция жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, уни исботлаш қийинчиликлар келтириб чиқариб, натижада етарли далилларсиз коррупционер жазосиз қолаверади. Иккинчидан, текшириш ишлари, айниқса халқаро миқёсда амалга ошириладиган ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун катта харажатларни талаб қилиб, давлат бюджетига молиявий қийинчиликлар келтириши мумкин.

Декларацияни халқаро миқёсда ўрганиш бўйича Жаҳон банки ва UNODC томонидан StAR (Ўғирланган мулкларни қайтариш ҳаракати) лойиҳаси доирасида ўтказилган тадқиқотларда декларация механизми учта мақсадга хизмат қилишини кўрсатиб ўтилган:²⁶

- давлат хизматида коррупция ва манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва олдини олишга ҳисса қўшиш. Коррупцион жиноятларни исботлаш нуқтаи назаридан декларация механизми соддароқ қарши курашиш механизmidир. Қисқа қилиб айтганда, пора билан ушлаш операцияларини амалга оширишдан кўра сохталаштирилган декларацияда ёлғон маълумотни тақдим этганлигини исботлаш енгилроқ кечади. Ундан ташқари, давлат хизматчиси коррупциявий жиноятлар содир этганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилганда декларацияни далиллардан бири сифатида фойдаланиш мумкин;

- шунингдек, декларация турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлар тўқнашувини, яъни мансабдор шахс шахсий манфаатлари йўлида бевосита ёки билвосита жамият манфаатларига зид равишда ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини олдиндан назорат қилиш учун аҳамиятга эга;

- давлат хизматида содиқлик ва сотилмаслик муҳитини шакллантиришда хизмат қилади. Биринчи навбатда, мансабдор шахс учун декларацияни тақдим қилиш мажбурияти давлат хизматида фаолият олиб бориш катта маъсулият эканлигини билдиради;

- ҳукуматга жамоатчиликнинг ишончини орттиради. Декларацияни тақдим этиш коррупция ва манфаатлар тўқнашувларининг синчковлик билан назорат қилинишини билдиради. Айниқса уларнинг оммага эълон қилиниши, давлат хизматчилари устидан фуқаролар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини беради.

Конвенция даромад, мол-мулк ва хизматдан ташқари фаолиятини декларация қилиш жамоат учун очик бўлиши кераклигини назарда тутмайди. Лекин, StAR ташаббуси, Жаҳон банки ва UNODC экспертлари декларация оммавий бўлганда самарали эканлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрига кўра, “Декларациялаш механизми самарали ва ишончли бўлиши учун, давлат хизматчиларининг декларацияларидаги сохталик ва ёлғон маълумотлар аниқланган тақдирда ва ушбу ҳолатларга жазо муқаррар бўлиши керак”. Қонунбузарликларни аниқлаш иккита асосий йўналишда амалга оширилади: жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида мансабдор шахснинг

²⁶ УНП ООН. Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции ООН против коррупции. - 2-е изд., исп. и доп. - Нью-Йорк: ООН. - 2012 - С 36.

декларациясини эълон қилиш ва декларацияни ваколатли органлар томонидан текшириш орқали.²⁷

Европа Иттифоқи Вазирлар Маҳкамасининг № R(2000)10-сонли (11.05.2000 й.) тавсияси билан тасдиқланган «Давлат хизматчилари одоб-ахлоқ қоидалари Кодекси»²⁸ давлат хизматчилари бажариши керак бўлган ахлоқ ва ҳалоллик меъёрларини аниқлаштириш, уларга ушбу стандартларни амалга оширишда ёрдам бериш ҳамда фуқароларни давлат хизматчиларидан қандай хатти-ҳаракатлар кутишга ҳақли эканликлари тўғрисида хабардаор қилиш учун мўлжалланган.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 24-моддасига асосан ходимларни ишга қабул қилишга масъул давлат хизматчиси, бўлғуси ходимларни лавозимга тайинлаш, мансабини кўтаришда уларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ ҳалоллик текшируви ўтказилишини назорат қилишга мажбурдир.

Бироқ, Давлат солиқ қўмитасининг 15.04.2016 йилдаги 155-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” идоравий ҳужжат сифатида “Хизматда фойдаланиш учун” грифи билан чекланган. Бу ҳолат ўз навбатида фуқаролар солиқ хизмати органлари ходимларидан қандай хатти-ҳаракатларни кутишга ҳақли эканликларини тушуниб етишлари ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муносиб жавоб беришларига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тадбиркорликни ривожлантириш масаласида қайд этилган қуйидаги фикрлар алоҳида аҳамиятга эга: “Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур.”²⁹

Халқаро валюта жамғармаси хулосаларига кўра, янги технологияларни жорий этиш бюджет жараёнлари ва даромадларни бошқариш каби асосий фискал функцияларни, шунингдек солиқ муассасасидаги ички бошқарувни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Масалан, электрон тизимлар Чили ва Кореяда бўлганидек, ошкораликни рағбатлантириш ва рақобатни яхшилаш орқали коррупцияга қарши курашишнинг кучли воситаси бўлиши мумкин.³⁰

§ 2.8. Қишлоқ, сув хўжалиги тизимларида ҳамда ер майдонларидан фойдаланишда коррупциявий жиноятларни олдини олиш тизими ривожланиши

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан бошлаб, қайта ишлаш ва экспортдан қўшимча даромад олишгача бўлган жуда кўп масалалар айнан

²⁷ The World Bank and UNODC. Public Office, Private Interest: Accountability through Income and Asset Disclosure. -Washington: The World Bank. - 2012. p. 53.

²⁸ Рекомендация N R(2000)10 Комитета министров Совета Европы о кодексах поведения для государственных служащих (принята на 106-й сессии Комитета министров 11 мая 2000 года)

²⁹ <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

³⁰ <http://www.imf.org/~media/Files/Publications/fiscal-monitor/2019/April/English/text.ashx>

қишлоқ хўжалиги ривож билан боғлиқ. Шунинг учун давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиб, бозор механизмларини жорий этиш, резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилишга киришилди. Президентнинг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан қабул қилинган Қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясида бу борадаги энг долзарб ва истиқболли вазифалар белгилаб берилди.

Соҳани модернизация қилиш бўйича 500 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш юзасидан Жаҳон банки билан келишувга эришилди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта илм ва инновацияни ривожлантириб, тармоқда бошқарувни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга маблағ йўналтирилмоқда.

Бугунги йиғилишда айнан шу масалаларга биринчи навбатда эътибор қаратилди. Аграр соҳа ривожланган давлатларда қўлланилаётган “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни ўз ичига олган хизматлар тизими”ни юртимизда ҳам жорий этиб, илм билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳим.

Мазкур лойиҳа доирасида шу йўналишдаги 8 та илмий-тадқиқот институти, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидаги бир қатор ташкилотлар фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, замонавий лабораториялар ва ускуналар билан жиҳозланади. Бунинг учун Жаҳон банкининг 124 миллион доллар инвестицияси ва Европа Иттифоқининг 2 миллион доллар грант маблағлари йўналтирилади.

Халқаро экспертлар билан бирга илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, уларни тубдан такомиллаштириш бўйича ҳар бир институт учун алоҳида “йўл харитаси” ишлаб чиқиш зарур. Бу муассасаларга замонавий билимга эга, илмий янгиликларни амалиётга жорий қиладиган салоҳиятли кадрларни жалб этиш муҳим.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бу имкониятдан тўғри фойдаланган ҳолда, эскича ишлаш услубидан тўлиқ воз кечиб, фермерларга яхши хизмат кўрсатиш ва янги сервис турларини кенгайтиришга ўтиши керак. Бир сўз билан айтганда, вазирлик ва унинг таркибидаги ташкилотлар фаолияти трансформация қилиниши зарур.

Рақамли технологиялардан фойдаланилаётган лойиҳалар самарадорлиги қайд этилиб, бу борадаги ишларнинг бориши муҳокама қилинди.

Мева-сабзавотчилик кооператив ва кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 212 миллион доллар ажратилиши белгиланган.

Президент ички бозорни арзон маҳсулотлар билан таъминлаш, “даладан истеъмолчигача” тизимини жорий этишда мева-сабзавотчилик кластерлари асосий драйвер бўлиши кераклигини таъкидлади.

Шу боис, ажратилаётган маблағни тўғри йўналтириб, бир сўмни икки сўм қиладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бунинг учун маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва экспортга тайёрлаш қувватларини оширишга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги айtilди.

Туманларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу борада Жиззах вилояти намуна бўлиб, келгуси уч йилда вилоятда қарийб 120 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилиши, боғ ва токзорлар ташкил қилиниб, мойли экинлар экилиши режалаштирилган.

Бу тажрибани босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий қилиш, ҳар бир туманда кўпи билан 3-4 та экспортбоп ва юқори даромад берувчи маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

2021 йил якунигача 3 минг гектарда плантация шаклида интенсив боғлар барпо этиб, янги тартиб асосида аҳолига 1-1,5 гектардан тарқатган ҳолда, 2-2,5 минг оиланинг бандлигини таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу 2020 йил 10 июлдаги фармони билан тасдиқланган Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида бу борадаги барча жиҳатлар белгилаб берилган. Жумладан, каналларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ҳамда 2 миллион гектарда сув тежовчи, шундан 600 минг гектарда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ҳисобига йилига 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, рақамлаштириш ҳисобига электр энергияси сарфини 2 миллиард киловатт соатга қисқартириш каби кўрсаткичлар белгиланган.

Сув хўжалиги вазирлиги бу вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаши, халқаро экспертларни жалб қилиб, янгича услубда ишлаши зарурлиги таъкидланди. 2025 йилга қадар соҳани тўлиқ рақамлаштириш, жумладан, сувни назорат қилиш ва ҳисобини онлайн тарзда юритиш бўйича дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ғалла етиштириш яқунларига тўхталиб, шундай мураккаб шароитда ҳам дала меҳнаткашлари омилкорлик билан 6 миллион 400 минг тоннадан ортиқ ғалла ҳосили етиштирган.

Ғўза парвариши бўйича агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда такрорий экинлар экиш масалаларига ҳам эътибор қаратилиши керак.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва соҳада бозор иқтисодиётини кенг жорий этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилган. Уларнинг ижроси мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига, энг асосийси, халқимизнинг кайфияти ва турмуш тарзига таъсир кўрсатадиган жуда муҳим масала.

2020 йил 1 февраль куни Бош прокуратурада Ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ва эгаллаб олишнинг олдини олиш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда қишлоқ хўжалиги, айниқса, суғориладиган экин ерларининг ажратилиши ва фойдаланилиши аҳволи ҳамда соҳада қонунийликни таъминлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Сўнгги тўрт йилда бу соҳани ислоҳ қилишга оид 30 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажми йилдан - йилга ортиб бормоқда.

Бу мақсад учун 2017 йилда 463 млрд. сўм ажратилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2018 йилда 559 млрд., 2019 йилда эса 673 млрд. сўмни ташкил этган.

Экин майдонлари самарадорлигини оширишда замонавий технологияларни кенг қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу даврда республика бўйича 170 минг гектардан ортиқ майдонда сувни тежовчи технологиялар жорий этилди, натижада ҳолати ёмонлашган 303 минг гектар ернинг унумдорлиги оширилди.

Паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш, улар ўрнида юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ўтган уч йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 293 минг гектар ана шундай майдонларнинг 257 минг гектарида даромадбоп турли экинлар етиштирилди, 35 минг гектарида интенсив боғ ва янги токзорлар барпо этилди.

Кўрилган чоралар натижасида биргина 2019 йилда 48 минг гектар яроқсиз ер майдонлари муомалага киритилди.

Зеро, мамлакатимизнинг тараққиёти ва келажаги, халқимизнинг тўқис ва фаровон ҳаёти бебаҳо бойлик – ердан оқилона фойдаланишга чамбарчас боғлиқдир. Бу масала миллий хавфсизлик ва барқарорликка тўғридан-тўғри дахлдордир.

Лекин, кишлоқ хўжалиги экин ерларини ажратиш ва ундан фойдаланишда кузатилаётган айрим камчилик ва нуқсонлар, соҳадаги коррупция ҳолатлари, баъзи мутасаддилар содир этаётган қинғир ишлар соҳадаги ислохотларга соя солмоқда.

Шу сабабли ер майдонларини ажратиш ва ундан фойдаланишдаги тизимли камчиликлар, тегишли идораларда мазкур соҳада коррупцияга қарши кураш бўйича амалий ишлар оқсаётганлиги, тизимдаги айрим раҳбарлар бу иллатдан қутула олмаётганлиги йиғилишда танқидий муҳокама этилди.

Маърузада, сўнгги йилларда суғориладиган ер майдонлари Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Жиззах, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида камайганлиги, Андижон, Тошкент, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ер ҳолати ёмонлашганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ерга талаб кескин ортиб бораётган ҳозирги давр, захирага олинган ҳар қарич майдонни унинг ҳақиқий эгасига топширишни талаб этади.

Захирага олинган ер майдонларини ажратишнинг очик ва шаффоф тизими ханузгача йўлга қўйилмаганлиги, бу эса турли суиистеъмолчиликларга, экин майдонларининг эгасиз қолиб, ҳатто йўқотилишига олиб келаётганлиги аниқ мисоллар билан кўрсатилди.

Янгийўл туманида 2016 йил май ойида захирага олинган 64 балл бонитетли 1,5 гектар унумдор экин майдони ҳеч кимга ажратиб берилмаган. Оқибатда ушбу майдонни 10 нафар фуқаро эгаллаб, уй - жойлар қуриб олган. Ушбу унумдор экин майдони кишлоқ хўжалиги ерлари

тоифасидан асоссиз чиқарилиб, ноқонуний қурилган уй - жойларга кадастр хужжатлари тайёрлаб берилган.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Сувли боғ ва дарахтзорларга талабгорлар етарли бўлсада, Андижон, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида боғ ва дарахтзорлар захирада қолаётганлиги танқид остига олинди.

Ерларни эгаллик қилиш, доимий ва вақтинчалик фойдаланиш учун ажратишда ҳамда ижарага беришда жиддий қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқ рақам ва мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди.

Йиғилишда, аҳоли сони тобора ошиб борадиган, ер майдонлари ҳажми эса чекланган шароитда, бу соҳадаги коррупция, тизимли камчилик ва қонунбузилишларни бартараф этиш, она заминимиз ер майдонларини асраб - авайлаб келажак авлодларга етказиш зарурлиги таъкидланди.

3.БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

§ 3.1. Коррупция билан курашиш борасида хорижий давлатларда шакилланган самарали усуллардан фойдаланиш масалалари

Коррупция деганда кўпинча давлат амалдорларининг шахсий бойлик орттириш ҳамда давлат, жумладан халқ манфаатлари ва ресурсларига зиён етказиш мақсадидаги порахўрлиги тушунилади. Гап хусусий соҳа тўғрисида кетаётган бўлса, унда одатда йирик кўламдаги порахўрлик ёки хусусий корхона мулкни талон-тарож қилиш назарда тутилади.

Аслини олганда коррупция тушунчаси анчайин кенг бўлиб, қуйи табақадан тортиб то юқори табақача бўлган аҳолининг деярли барча ижтимоий қатламлари, нафақат давлат, балки хусусий соҳаларни ҳам қамраб олади.

Мазкур тушунчага айнан нима киради? 2003 йилда қабул қилинган ва 2008 йилда Ўзбекистон кўшилган Коррупцияга қарши БМТ конвенциясида келтирилган таърифга кўра, коррупция давлат амалдорига шахсан ёки бошқа шахслар орқали лавозим мажбуриятлари доирасида қандайдир ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга ошириши учун мансабдор ва бошқа шахс учун ғайриқонуний бўлган имтиёз ваъда бериш, таклиф қилиш ёки тақдим қилиш ҳисобланади. Бундай таъриф маълум бир лавозим мажбуриятларига эга хусусий шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Коррупция ҳаракатларига: (1) амалдор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд, солиқ, божхона, таълим, тиббиёт ёки маъмурий муассасалар, шунингдек, ҳар қандай хусусий корхонанинг мансабдор шахсига пора бериш, (2) маҳаллий ёки чет эл амалдори ва халқаро ташкилот амалдорини пора бериш орқали сотиб олиш, (3) давлат мансабдор шахси томонидан мулкни талон-тарож қилиш, ғайриқонуний ўзлаштириш ёки ундан мақсаддан ташқари фойдаланиш, (4) шахс томонидан шахсий бойлик орттириш ёки учинчи шахснинг бойиши мақсадида ўз обрўси ёки хизмат мавқеидан фойдаланиш, (5) коррупция ҳаракатларидан даромад олиш, (6) ошна-оғайнигарчилик ёки уруғ-аймоқчилик мисол бўла олади.

Коррупцияда доим камида икки томон иштирок этади: бунда бир томондан ноқонуний йўл билан бойлик орттираётган (ўзи ёки учинчи шахс учун) мансабдор шахс ва бошқа томондан мансабдор шахсдан актив ёки пассив усулда унинг манфаатини кўзловчи қарор қабул қилинишини кутаётган шахс.

Ривожланаётган давлатларда учрайдиган коррупциявий ҳолатлар ҳар ерда учрайди. Бироқ у турлича ифодаланади. Ғарб мамлакатларда, масалан, Францияда тиббиёт ва таълим соҳасида коррупция деярли мавжуд эмас. Бу Францияда тиббий хизмат асосан хусусий секторда тақдим этилиши билан боғлиқ, яъни тиббиёт ходимини молиявий жиҳатдан рағбатлантириш “зарурати”га ҳожат қолмайди, чунки бемор расман унинг хизмати учун гонорар тўлайди. Бунда тиббий хизмат учун деярли барча гонорарлар нафақат хусусий, балки давлат тиббиётида ҳам тиббий суғурта билан қопланади.

Кўриниб турибдики, хусусий тиббиёт тизими бу соҳада коррупциянинг ривожланишини кўллаб-қувватламайди. Бу мамлакатда оммавий равишда хусусий тиббиётга ўтишга даъват эмаслигини қайд этмоқчиман, чунки фикримча, бунинг учун авваламбор тиббий суғуртанинг амалий тизимини яратиш талаб этилади.

Тиббиёт ходимининг паст даромади ривожланаётган давлатларда бу соҳада коррупция кузатилаётганлигини қисман изоҳлайди. Беморлар тиббиёт ходимларини молиявий рағбатлантириш зарур ва кўпинча табиий ҳол деб ҳисоблайди. Беморларнинг фикрича, тиббиёт ходимларнинг етарли даражада бўлмаган иш ҳақи шундай ғайриқонуний молиявий рағбат олишларини оклайди. Афсуски бу ҳолат, аҳолининг фахрли касб эгалари, шифокорлар ва ўқитувчиларга бўлгани шонч ва ҳурматиغا путур етказди.

Айримлар анъанага кўра, бажарилган иш учун миннатдорлик изҳор қилиш табиий, деган ўринли эътироз билдириши мумкин. Кўплаб ғарб корхоналарида совға олиш масалаларини тартибга солувчи ички регламент қабул қилинган бўлиб, унда ходимлардан совға олиш ёки беришда шаффофлик талаб қилинади, рухсат берилган ва рухсат берилмаган совға ва илтифот белгилари, уларнинг белгиланган қиймати, совға олган шахснинг уни махсус регистрда декларация қилиш мажбурияти мустаҳкамлаб қўйилган, пул кўринишидаги совғаларни олиш ман этилади. Шунга ўхшаш регламентни жорий этиш ва унга риоя этиш, масалан, ўқитувчи ва шифокорларни порахўрликда ўринсиз айблаш хавфини камайтиради.

Таълим соҳасида коррупциянинг ривожланиши меритократия йўқлигига, ёшларда билимларга бўлган қизиқиш пасайишига, олий таълим муассасаларига кириш ва баҳолар сотиб олинади деган ғояларни сингиб олган ёшлар сони кўпайишига каби ачинарли оқибатларга олиб келади. Натижада университетни етарлича ёки мутлақо тайёрланмаган мутахассислар битириб чиқмоқда ва бу сўнгги йилларда мамлакатимизда кучайиб бораётган инсон капитали муаммосини қисман изоҳлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда кириш имтиҳонлари натижаларини қалбакилаштиришга барҳам беришга йўналтирилган чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлангандек бугун ривожланган мамлакатларда тиббиёт ва таълим соҳаларида коррупция ҳолатлари жуда кам учрамоқда. Бу нафақат аҳоли ҳаётининг юксак иқтисодий даражаси, балки болаларга кичик ёшдан тўғрилиқ ва ҳалоллик каби фазилатларни сингдириш, шунингдек, давлат ва хусусий секторда йўлга қўйилган назорат механизмлари билан бевосита боғлиқ.

Бироқ парадоксал томони шундаки масалан Францияда сўнгги бир неча йилларда коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни кучайиб борилиши кузатилмоқда.

Хўш, ривожланган мамлакатларда коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилишининг сабаби нимада?

Матбуотда халқаро коррупция айбловлари билан жиноий жавобгарликка тортилган Франциянинг Technip, Alstom, Total йирик корхоналари билан боғлиқ бир неча шов-шувли воқеалар кенг ёритилган. Мазкур компаниялар

ривожланган мамлакатларда ўтказилган тендерларда иштирок этганида шартномаларни “олишнинг маҳаллий усули”га асосланган ҳолда уларни қизиқтираётган шартномаларни олиш учун “конверт” усулини қўллаган.

Ушбу шов-шувли ишларгача Франция узоқ вақт ИХТТ ва Transparency International томонидан Франция корхоналари, хусусан, хорижда, жумладан, коррупция хавфи юқори бўлган мамлакатларда фаолият юритадиган компаниялар томонидан коррупция ҳаракатларига қарши амалий чоратадбирларни қўлламаганликда айбланар эди. Франция етакчи корхоналари катта жарималар қўллаган ҳолда Америка инстанциялари томонидан жиноий жавобгарликка тортилиши ушбу мамлакат учун бу борадаги муҳим туртки бўлди. Масалан, Technip 240 миллион АҚШ доллари, Total — 245 миллион АҚШ доллари, Alstom — 772 миллион АҚШ доллари ва Alcatel-Lucentra- 92 миллион АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилди. Катта жарималардан ташқари америкалик судьялар бу компанияларга коррупцияга қарши кураш дастурининг самарадорлигини текшириш мақсадида уч йил мобайнида мустақил аудит ўтказиш мажбуриятини юклади. Бунга мувофиқ, судланган компаниялар Америка инстанциялари буйруқлари бўйича иш тутишга мажбур эдилар. Амалиёт кўрсатганидек, экстра-худудий ваколатга эга бўлган (АҚШ худудининг чегарасидан чиқувчи) талабчан ва қатъий Америка одил судлови Францияда 2016 йилда коррупцияга қарши кураш қонуни қабул қилинишига туртки бўлди. Айнан шу схема бўйича Британиянинг BAE Systems ва Германиянинг Siemens компанияларига қарши қўлланилган жиддий АҚШ санкцияларидан сўнг Буюк Британия ҳамда Германиянинг коррупцияга қарши кураш бўйича қатъий қонунчилиги қабул қилинди. Аслида, айнан Американинг жиддий санкциялари “хавфли” секторларда фаолият юритадиган (шу жумладан, давлат харидлари ҳисобига яшайдиган ёки коррупция ривожланаётган давлатларда фаолият юритадиган) барча ғарб трансмиллий компаниялари томонидан коррупцияга қарши кураш дастури қабул қилинишига олиб келди.

Шундай қилиб, Франциянинг коррупцияга қарши кураш қонуни нафақат давлат корхоналари, балки хусусий корхоналардан Франция коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан амалга оширилиши назорат остига олинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли комплекс дастурлар қабул қилишни талаб этади. Хўш, Ўзбекистон ушбу мамлакатлар тажрибасига суянса бўладими? Дарҳақиқат, коррупцияга қарши кураш дастури коррупция юзага келишида энг хавфли соҳалардан бири ҳисобланган давлат харидлари соҳасида ҳам уни олдини олишнинг амалий механизмларидан бири бўлиши мумкин.

Давлат ташкилоти ёки хусусий корхона томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши кураш дастури ишлаши тўғрисида гапирганимизда Францияда коррупцияга қарши кураш дастурини 500 нафар кишидан ортиқ штат бирлиги ёки муайян мулк оборотига эга ҳар қандай корхона еки ташкилот жорий этишга мажбур. Бу дастур саккиз муҳим унсур асосида тузилиши керак. Булар:

1. Нафақат корхона, балки унинг ташқарисида ҳам ходимларнинг ман этилган хулқ-атвор кўринишларини намоён этадиган, коррупция ҳаракатларининг турли шакллари аниқ белгилайдиган Хулқ-атвор Кодекси.

2. Хулқ-атвор Кодекси бузилган ҳолларда ташкилот/корхона ходимларини жавобгарликка тортиш имконини берувчи хулқ-атвор санкцияларининг қатъий тартиби.

3. Ташкилот ёки корxonанинг хулқ-атвор кодексига зид бўлган хулқ-атвор ёки вазият мавжудлиги тўғрисида маълумот йиғишга ёрдам берувчи хабарчи-ходим ҳимоясини кафолатлайдиган хабар қилишнинг ички аноним яъни яширин тизими.

4. Ташкилот ёки корхона фаолияти соҳасига боғлиқ ҳолда, коррупция оид муҳим ҳатарларларини аниқлаб, таҳлил қилиб белгилайдиган мунтазам янгилашиб турадиган ҳатарлар картографияси.

5. Мижоз ва таъминотчилар, шунингдек, воситачиларнинг эҳтимолий коррупция хавфларини баҳолаш амалиётлари.

6. Коррупция далилларини яшириш учун бухгалтерлик китоби, реестр ва ҳисоб-китоб ёзувларидан фойдаланмаслик кафолатини таъминловчи ички ёки ташқи бухгалтерлик назорати.

7. Коррупция хавфига учраш эҳтимоли юқори бўлган ҳамда мавқейидан фойдаланиш хавфидан холи бўлмаган раҳбар ва ходимларни мунтазам равишда мажбурий ўқитиш учун ўқув режаси.

8. Коррупцияга қарши курашиш дастурининг юқорида санаб ўтилган чоратadbирлар бўйича ижросини ички назорат ва баҳолаш тизими.

Бунда сўз ташкилот ёки корxonанинг ўзи томонидан амалда бажарилганлиги мунтазам назорат қилиниши керак бўлган комплекс дастур тўғрисида бормокда. Бундан ташқари, Франция Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган коррупцияга қарши кураш агентлиги исталган вақтда ҳар қандай давлат ташкилоти ёки хусусий корхона томонидан коррупцияга қарши кураш дастури жорий этилгани юзасидан текширув ўтказиш ваколатига эга. Агентлик шунингдек, коррупцияга қарши кураш дастурига мувофиқ келмаслиги ёки унга риоя қилинмагани учун уларга нисбатан жиддий маъмурий санкциялар қўллаш ваколатига эга.

Коррупцияга қарши курашда фақатгина жазо чораларини қўллаш самара келтирмаслигини эътиборга олиш лозим. Францияда агар жавобгар компания ёки ташкилот Коррупцияга қарши кураш агентлиги назорати остида белгиланган муддатда ўз коррупцияга қарши кураш дастурини кўриб чиқиш ва такомиллаштириш мажбуриятини олса, жиноий ва маъмурий санкцияларни чеклаш имконияти мавжуд.

Бу механизм АҚШда Foreign Corrupt Practice Actга мувофиқ ва Буюк Британияда Anti Bribery Actга мувофиқ аллақачон қўлланилаётган механизмга ўхшаш бўлиб, амалиётда қўтилган ижобий натижаларни бермокда.

Албатта, юқорида эслатиб ўтилган Франциялик кенг халқаро фаолиятга эга, турли мамлакатлар бозорларида уларнинг обрўсига путур етказмаслик учун ҳаётий зарур бўлган механизмларни қўллашга тайёр бўлган корxonалар каби ҳозирча Ўзбекистонда корxonалар мавжуд эмас. Шунга қарамай,

назаримда, ҳар бир алоҳида корхона ва ташкилот даражасида коррупцияга қарши кураш дастури доирасида қабул қилинган амалий чоралар мамлакатимизда коррупцияга қарши курашда кутилган натижа бериши мумкин.

Саноат корхонасининг коррупцияга қарши кураш дастури вазирлик ва давлат идораларининг коррупцияга қарши кураш дастуридан кўп жиҳатдан фарқ қилиши ва ҳар бир алоҳида ташкилот ва корхонанинг қоидаларига жавоб бериши кераклиги турган гап. Қўшни корхонанинг ёки қўшни давлатнинг коррупцияга қарши кураш дастури кўчириб олишга уринишлари иш бермаслиги тайин.

Жаҳон тажрибасида коррупцияга қарши кураш бўйича ўзини оқлаган бир қатор усуллар мавжуд. Юқорида қайд этилганидек, жазо чоралари самараси унча муҳим эмас. Коррупцияга қарши курашда асосий эътибор уни олдини олиш чораларига қаратилиши керак. Юқорида қайд этилган коррупцияга қарши кураш дастури айнан унинг олдини олиш турига киради, шунингдек, корхонада ғайриқонуний хулқ-атворларни детекция усули ҳисобланади. Лекин ҳар қандай усул аҳолининг онгидаги ўзгаришларсиз самарасиз бўлиб қолаверади.

Ушбу йўналишдаги ишлар мактаб ёшидан одоб-ахлоқ бўйича мақсадли таълим дастурларини ўз ичига олади. Улар мамлакат иқтисодиётига катта зарар келтирувчи ва аҳоли турмуш даражасига таъсир салбий кўрсатувчи коррупция ҳаракатларининг яққол мисоллари ва уларнинг оқибатларини ўз ичига олган бўлиши керак. Бу мавзуга синфда, шунингдек мактабдан ташқари ҳам қўшимча ўқитиш керак.³¹

Бундай дарслар ўқувчилар “яхши совғалар эвазига яхши баҳолар” тамойилини одатий меъёр сифатида қабул қилаётган бир вақтда жуда зарур. Ва албатта, бундай дарслар кўп йиллар мобайнида қонунга зид совғалар қабул қилишни амалда синаб келаётган ходимлар томонидан ўқитилиши ноўя. Шунинг учун, коррупция ва унинг оқибатлари тўғрисидаги мавзусига бағишланган машғулотларни жорий этиш билан параллел равишда ўқув юртлари ходимлари томонидан совғалар ва бошқа кўринишдаги мукофотлар олиш масалаларини тартибга солувчи, юқорида эслатиб ўтилган ички регламентни мактабларда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Айримлар ўқитувчи ва шифокорлар яхши яшаганидан эмас, балки, гоҳида маоши яшаш учун оддий харажатларни ҳам қоплашга етмаганидан “олади-да” деб эътироз билдириши мумкин. Ўқитувчи, шифокор ва барча бошқа бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори муносиб бўлиши ва ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни ноқонуний совға ёки пора олишга мажбур қилмаслиги керак.

Менталитетни тубдан ўзгартиришни таъминлашда амалий ёндашув пора беришни фош қилишнинг замонавий тенденцияларидандир. Бу масалан, фуқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимига пора таклиф қилса, ўша

³¹ Муҳамедова Г. Коррупция билан қандай курашиш лозим? Самарали усуллар ва хорижий тажриба Франция тараққиёт агентлигининг (ФТА) комплаенс масалалари бўйича юридик маслаҳатчи, “Буюк келажак” эксперти

шахс нафақат уни олишдан бош тортиши, балки пора беришга уриниш тўғрисида тегишли равишда хабар бериши мажбурий бўлган схемадир. Амалиёт ва менталитетни ўзгартиришга йўналтирилган баъзи чора-тадбирлар бугуннинг ўзида кутилган натижа бераётганини таъкидлаш жоиз.

Буларнинг барчаси қуйи ва ўрта мансаб даражаларида пора, совға олиш, уруғ-аймоқчиликка таалуқли. Юқори даражадаги амалдорлар ўртасида коррупция ҳолатларига келсак, Ғарб мамлакатларида қуйидаги чоралар самарали амалга оширилади:

Давлат амалдорлари ва уларнинг оила аъзолари даромади ва мулки ҳақидаги декларация;

Коррупция ёки талон-тарож қилиш ҳолатларига йўл қўйилганликда гумон қилинганда бу ҳақда аноним яъни яширин хабар бериш механизми;

Банк операцияларида сармоя ювиш устидан назорат механизмлари.

Шундай қилиб, Европада миқдорнинг ҳисобига йирик пул маблағлари уларнинг манбасини тасдиқловчи ҳужжатсиз келиб тушганда, барча банк ва молия муассасалари ноқонуний капитал ёки ноқонуний капитални ювиш билан боғлиқ гумонларини декларация қилишга мажбурдир. Албатта, қоидага кўра “пухта” амалдорлар катта ҳажмда пора олаётганда уни солиқ жаннати деб аталадиган офшор ҳудудидаги банк ҳисобига тўғридан-тўғри ўтказишни афзал кўради.

Бу борада ноқонуний капитални яширишнинг бундай жойлари, “панама қоғозлари” билан боғлиқ шов-шувли воқеа исботлаганидек, ноқонуний капитални махфий равишда сақлашнинг мутлақ кафолати ҳисобланмайди. Ушбу ишда махфий ҳужжатлар ошкор бўлиши оқибатида, ҳужжатлар терговчи-журналистларнинг Халқаро консорциумига топширилган ҳамда журналистик тергов натижасида 12 нафар давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда 128 нафар юқори даражадаги амалдорларнинг банкдаги офшор ҳисоблари аниқланган.

Шу борада журналистларнинг ролида тўхталсак. Дунёнинг 100дан ортиқ мамлакатларида ўтказилган тадқиқот ишлари социал фаоллар ва ОАВ коррупцияга қарши курашда муҳим роль ўйнашини кўрсатди, шу муносабат билан Transparency International мунтазам равишда давлатларни сўз эркинлиги, ОАВ мустақиллиги, шунингдек, фуқаролик жамиятининг очиклиги ва иштирокини рағбатлантиришга даъват этади.

Эслатиб ўтамиз, Reporters without Bordersга кўра, матбуот эркинлиги сўнгги индекси бўйича Ўзбекистон 180 мамлакат ичида 165 ўринни, Transparency Internationalга кўра, коррупцияни ўзлаштириш индекси бўйича 180 мамлакат ичида 153 ўринни эгаллайди. Икки кўрсаткич ўртасидаги алоқа мутлақо равшан. Transparency Internationalнинг ҳукумат ва корхоналарга уларнинг фаолияти, жумладан, давлат бюджети, давлатга тегишли корхоналар, давлат харидлари ва сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни open data форматида фаол равишда эълон қилиш тавсиясига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Чунки ушбу маълумотларни фаол равишда эълон қилиш журналистлар, фуқаролик жамияти ва бошқа

манфаатдор ташкилотларга коррупциянинг турли шакллари янада самарали аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг глобал иқтисодиётдаги иштирокини инобатга олган ҳолда, бу, шубҳасиз, мамлакат ичидаги вазиятга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Бироқ, бу унинг реабилитацияси учун асос бўла олмайди. Бугунги кунда “Baker and McKenzie” халқаро юридик фирманинг 2019 йилги расмий маълумотларига асосан 150 дан ортиқ мамлакатлардаги компанияларида коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими жорий этилгандир.

Масалан, биргина Буюк Британиянинг 1 млрд. фунт стерлинг капиталга эга бўлган 800 дан ортиқ корпорация ва банкларида ташкил этилган ушбу тизим турли коррупция хавфларидан ҳимоя қилувчи комплекс чоралар сифатида баҳоланди ва ҳозирда унинг самарали жиҳатларидан кенг қўлланилиб келинмоқда.

Францияда 800 000 еуродан ошиқ капиталга эга бўлган барча корпорация ва банklar коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимларини жорий этган бўлишлари шарт.

Комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга мамлакатлар амалиётига мувофиқ ушбу хизмат энг кенг тарқалган қуйидаги иккита модели қўлланилади:

1. Компания ва ташкилот фаолиятини фақатгина мавжуд ўрнатилган ички қонун

ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишга қаратилади. Бунда комплаенс хизматини жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади.

2. Комплаенс назорат тизимининг ташкил этилиши коррупция хавфларни баҳолашда халқаро ташкилотларнинг (Базел банк қўмитасининг тавсиялари, Халқаро комплаенс ассоциацияси) тавсияларига асосланади ва бу моделда комплаенс хизматнинг мақоми, вазифаси, фаолият доираси асосан халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади.

Мазкур икки моделнинг ўзаро фарқли жиҳати, биринчи моделда комплаенс назорат тизимини ўзида ташкил этаётган компания ёки ташкилот мавжуд қонунлик меъёрлари ёки ўзи ишлаб чиққан ички қоидалар билан тартибга солинади ва жорий этишнинг минимал талаблари билан чекланади.

Иккинчи моделда эса фаолиятни ташкил этиш нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро стандартлар ва ташкилотларнинг тавсиялари асосида жорий этилади. Ушбу шаклда ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилмаган коррупция хавфларига фаолият мос келадиган қўшимча профилактик қоидаларни жорий этиш мумкин бўлади.

Мазкур тажриба самарадорлиги билан ажралиб туради ва асосан йирик иқтисодий салоҳиятга эга АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой каби давлатлар амалиётига тўғри келади.

Шунингдек, аксарият хорижий давлатларда комплаенс назорат тизими алоҳида қонун ҳужжати тартибга солингани аҳамиятга моликдир. Мисол учун АҚШда “Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Акт” (Foreign Corrupt Practices Act, 1977), “Сарбейнз-Оксли Акти” (Sarbanes-Oxley Act,

2002), “Додд-Франк Акти” (Dodd -Frank Act, 2010) номли қонун ҳужжатларида АҚШ бозорида иштирок этувчи ҳар қандай корпорация ва компанияларнинг ўз таркибида комплаенс назорат тизимини ташкил этишни мажбурий қоида сифатида белгилади.

Бу ўринда ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган Словения қонунчилиги ўзига хослиги биалн ажралиб туради. Хусусан, 2014 йил 26 апрелида қабул қилинган “Словения давлат холдинги акти тўғрисида”ги (Slovenian sovereign holding Act, 2014) Қонунида комплаенс назорат тизимининг мақоми ва ваколатлари белгиланган.

Қонуннинг ўзига хослиги шундаки, унда комплаенс хизматида кадрлар масаласига (compliance officer) тўхталиб ўтилган ҳамда компания ичидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор этишга (whistleblowing policy) аниқ қоида ва тартибни келтириб ўтади.

Коррупцияга қарши курашишда алоҳида аҳамият касб этадиган мазкур тушунча дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида қабул қилинган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 21-бандида устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини тизимли мониторингини амалга ошириш вазифаси белгиланди³². Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизими айнан шу ном билан мазкур ҳужжатда биринчи марта акс этди.

Мазкур ҳужжат асосида 2019 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошқора бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш”³³ лойиҳасини амалга ошириш доирасида масъул идоралар, жумладан, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ва фаолиятларининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, устав жамғармасида 100% ёки 50% дан юқори бўлган давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари ва давлат ташкилотлари, шунингдек, ташқи бозорларда фаолият юритадиган ёки чет эллик шериклари бўлган йирик компанияларда тажриба лойиҳа тариқасида коррупция хавфларни аниқлаш ва уларни олдини олиш бўйича комплаенс назорат тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Лойиҳани давлат ташкилотларида жорий этиш бўйича халқаро тендер жараёнлари ўтказилди. Жараёнда “White and Case” (АҚШ), “KPMG” (Италия) ва бошқа ушбу соҳада катта тажрибага эга халқаро компаниялар қатнашди.

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони// [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

³³ Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>.

Бунда тендер натижалари бўйича ғолиб деб топилган халқаро аудиторлик компанияси КРМГ экспертлари билан ҳамкорликда “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида (шу жумладан, вазирлик марказий аппарати, Самарқанд вилоят адлия бошқармаси, Жомбой тумани адлия бўлими, Давлат хизматлари агентлиги марказий аппарати, агентликнинг Тошкент шаҳар бошқармаси, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази, Интеллектуал мулк агентлиги марказий аппарати) 34 тажриба лойиҳа тариқасида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб мазкур тажрибаларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастурининг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек тумани ва Бўка тумани ҳокимликлари³⁵ каби давлат ташкилотларида, уларнинг фаолиятлари жамият билан бевосита боғлиқлиги каби ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини тажриба тариқасида жорий этиш ишлари ташкил этилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган компания ва ташкилотларда комплаенс хизматини жорий этиш 4 босқичда амалга оширилмоқда:

1-босқич: коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматини жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

2-босқич: коррупцияга қарши курашиш чора-тадбир ва назорат механизмларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш;

3-босқич: коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматини жорий этиш;

4-босқич: жорий қилинган коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тартиб-қоидалари самарадорлигини баҳолаш каби жараёнларда ишлар амалга оширилмоқда³⁶.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралда 72-Ф-сонли Фармойиши қабул қилинган бўлиб, давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этишда қуйидаларга алоҳида этибор қаратилиниши лозим эканлиги кўрсатилди: коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги, 72-Ф-сонли Фармойиши.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги, 72-Ф-сонли Фармойиши.

³⁶ Халқаро аудиторлик ташкилоти КРМГ (Италия)нинг Ўзбекистонда комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларига оид тақдимотдан олинган маълумот.

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига катъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ҳамда уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;

коррупцияга қарши курашишда идоровий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш ³⁷.

Ўз навбатида комплаенс назоратнинг коррупцияга қарши курашишда самарали ва таъсирчанлиги каби жиҳатларидан келиб чиқиб, мазкур тадбирларнинг давомий ижроси сифатида 2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекнефтгаз” АЖ Раиси билан ҳамкорликда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда БМТ Тараққиёт дастури кўмагида комплаенс назорат тизимини жамиятга тадбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳани жадаллаштириш, комплаенс назорат тизими самарадорлигини доимий мониторинг қилиб бориш, жаҳоннинг етакчи компанияларига жамият ходимларини хизмат сафарларига юбориш орқали уларда тадбиқ этилган “Коррупцияга қарши курашиш менежменти” ISO-37001 тизимлари тажрибасини жорий этиб бориш ўзаро вазифалар белгиланиб олинди.

Ўз навбатида неф-газ соҳасининг мамкатдаги иқтисодий салоҳияти, жаҳон бозоридаги экспорт-импортдаги салмоқли жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 апрелдаги ПҚ-4664-сонли “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди. Унга асосан 2020 йил 1 октябрга қадар нефть-газ тармоғидаги барча корхоналарда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилишини таъминлаш вазифаси белгиланди³⁸.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирда “Ўзбекнефтгаз” АЖ марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларида алоҳида штат бирликлари асосида комплаенс хизматини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда³⁹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат божхона

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги, 72-Ф-сонли Фармойиши.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрелдаги “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4664-сонли// [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/460378>.

³⁹ “Ўзбекнефтгаз” АЖ юридик департаменти бошлиғи А.Абдирахимов ва муаллиф ўртасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва комплаенс назорат” номли ўтказилган сўхбатдан олинган маълумотлар. (Сўхбат ўтказилган сана: 10.06.2020 й.).

қўмитаси каби 9 давлат идоралари билан ҳамкорликда мазкур соҳалардаги фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши кўрашишни янада такомиллаштириш мақсадида босқичма-босқич комплаенс назорат тизимини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда ва кўрсатилган ҳар бир давлат идораси билан “Коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди⁴⁰.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги ислохотларнинг жадал суръутини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 29 майида “Рақобат – бозор иқтисодиётига қатъий ўтиш жараёнида принципиал масала” номли йиғилиш ўтказиди. Йиғилишда мамлакатда рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш вазифаси белгиланди. Бунга асосан давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан барча раҳбарларни рақобат асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш жараёнларини ташкил этиш вазифалари белгиланди⁴¹.

Фикрмизча, бугунги кунда комплаенс назорат тизимини босқичма-босқич давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда оммавий тарзда жорий этилиши ушбу соҳанинг ҳар жиҳатдан долзарблигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этишнинг қатор самарали омилларга хизмат қилади.

Жумладан, мазкур тизим коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага туширишга хизмат қилади.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш, ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини жорий этиш ва бошқа устувор натижалар ҳисобланади.

Ўз навбатида ушбу вазифаларга эриши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги компания ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ташаббуси билан қабул қилинган 2020 йил 15 март куни “Коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат – бозор иқтисодиётига қатъий ўтиш жараёнида принципиал масала” номли мавзуда ўтказилган йиғилишдаги нутқидан // 28.05.2020 йил. [Электрон манба]. URL <https://uza.uz>.

Унда давлат корхонарида компаенс назорат тизимини жорий этиш қоидаларини акс эттириш лозимдир.

§ 3.2. Коррупцияга қарши курашиш борасида компаенс назорати тизимини жорий этиш масалалари

Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматчиларида коррупциявий ҳолатларнинг барча кўринишларига қатъий чидамсизлик руҳиятини шакллантириш, халқ манфаатларини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянмоқда. Аввало, ушбу ислохотларнинг туб замирида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган устувор ғоя «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» асосий тамойилга мувофиқ барча имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши устувор вазифа этиб белгиланмоқда.

Бу ўринда ислохотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини изчил таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича халқаро тажрибада кенг қўлланилиб келаётган замонавий жиноятчиликни олдини олиш чораларни миллий амалиётга татбиқ этишни тақозо қилмоқда.

Бу ўринда Президентнинг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-6013-сонли Фармонга асосан янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб

2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш компаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши компаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар

тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Комплаенс назорат тизими илк бор АҚШда 1906 йилда вужудга келди. Бунга зарурият мамлакат иқтисодиётида хавфсизликни таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунларгача йирик компаниялар билан бўлган низоли вазиятлар (Volkswagen, Daimler, Siemens (Германия) Odenbrecht, Petrobras (Бразилия), Samsung Group, Hyundai Motor Co. (Корея Республикаси), BAE Systems (Буюк Британия), Baker Hughes Inc, Panalpina World Transport (АҚШ) ва бошқалар) хусусий секторда коррупцияга курашиш тизимларни тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди.

Ҳозирги босқичда коррупция тобора халқаро муаммога айланиб бормоқда. Чет элда юқори лавозимли амалдорларнинг корпорациялари томонидан пора бериш оммавий тус олган эди. Глобаллашув шароитида бир мамлакатдаги коррупция кўплаб давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келди. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлардаги коррупция мавжуд бўлган мамлакатлар энди учинчи дунё билан чекланиб қолмадилар: 1990-йилларда собиқ социалистик мамлакатларда либераллаштириш жараёни мансабни очик-ойдин қўпол равишда суистеъмол қилиш билан бирга давом эттирилди.

Замонавий дунёда коррупция ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай давлатда содир бўлади. Унинг тўлиқ мавжуд эмаслигини эълон қиладиган мамлакатлар дунёда деярли йўқ. Бундан ташқари, давлатларнинг ҳозирги ривожланиш босқичининг ўзига хос хусусияти унинг аниқ халқаро характерга эга эканлигидир. Бу бир қатор омиллар билан белгиланиб, улардан энг муҳими глобаллашув бўлиб, у миллий чегараларнинг иқтисодий шаффофлигини, капитал, товарлар, ишчи кучи ва бошқаларнинг эркин ҳаракатланишини белгилайди, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг криминаллашувини белгилаб беради.

Бир қатор халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан ушбу соҳада таниқли «Transparency International» (Транспаренси Интернашенал) (ТИ), коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ноҳукумат ташкилотининг тадқиқот натижалари шундан далолат беради. Бу ташкилот фаолиятининг энг муҳим йўналиши бутун дунё бўйлаб коррупцияни идрок этиш даражасини ўрганишдир.

Бизнес юритиш соҳасида эса, Европанинг ҳар ўнта компанияларидан тўрттасидан кўпроғи коррупцияни ўзларининг доимий муаммолари деб билишади. Шу билан бирга, респондентларнинг фикрига кўра компания қанча кичик бўлса, шунча кўп, коррупциядан азият чекади [1, Доклад коррупции в странах ЕС. <http://korrossia.ru/world/10796-o-doklade-posvyaschennom-korruptcii-v-stranah-es.html>].

XXI-асрда коррупция янада глобал муаммога айланди. Яқинда Саудия Арабистонида бир нечта тахтга меросхўр шаҳзодалар ҳибсга олинган. Бу коррупцияга қарши кураш доирасида амалга оширилсада, бу ҳолат дарҳол

нефт нарhini кескин кўтарилишига олиб келди. Шундай қилиб, биз коррупциянинг жаҳон жараёнларига глобал таъсири ҳақида гапиришимиз мумкин. Аммо саудияликлар ҳақида нима дейиш ҳам мумкин, қачонки, яқинда журналистлар аниқлаганидек, Британия қироличасининг ўзи ўнлаб миллион долларлик офшор ҳисоблари билан боғлиқ жанжалга аралашган бўлса.

Коррупциянинг энг кескин кўринишлари анъанавий равишда Европа Иттифоқининг энг қашшоқ мамлакатлари ҳисобланган Руминия ва Болгарияда кузатилади. Шу билан бирга, коррупция фактлари Европа Иттифоқи асосини ташкил этувчи "Европа учлиги" деб номланган мамлакатларда - Германия, Франция, Буюк Британияда ҳам қайд этилган. Кўп сонли коррупция можаролари, шу жумладан ушбу давлатларнинг юқори лавозимли амалдорлари билан боғлиқ шов-шувли жинойтларнинг мавжудлиги шундан далолат беради.

Масалан, 2012 йил феврал ойида Германия Федератив Республикаси Президенти К.Вульф (1959й.т.)истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Бунинг сабаби унинг бой дўстларидан совғалар олиши, қимматбаҳо меҳмонхоналарда дам олиши, фильмларни суратга олиш учун грантлар олишда продюсер томонидан тўланадиган пул эвазига, уларнинг манфаатларини илгари суриш (лоббичилик) ва бошқа бир қатор коррупция можароларида иштирок этиши эди. [2, Президента ФРГ заподозрили в коррупции <http://lenta.ru/articles/2011/12/21/wulff/>] Аслида, гап собиқ президент К.Вульф томонидан ўз лавозимидан шахсий манфаатлари учун фойдаланиши ҳақида эди. Бу каби ҳолатлар Германия қонунларига кўра ҳам, халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ҳам, коррупциянинг намоён бўлишидан бошқа нарса эмас.

Буюк Британиядаги коррупция билан боғлиқ вазият бундан ҳам мураккаброк эди. Бу ерда коррупция можароларида ҳукмрон элита вакиллари аралашиб қолишган [3, Громько А.А. Коррупция в верхних эшелонах власти Великобритании //Обозреватель. 2010. № 2. С.117.]. Масалан, ўнлаб йиллар давомида ҳукумат амалдорлари, шу жумладан собиқ бош вазир Г. Брауннинг(1951 й.т.) ўзи ҳам, ўзларининг квартиралари ва уйларини тозалаш хизматлари ҳақини тўлаш учун мунтазам бюджет маблағларидан фойдаланганлар, бу эса Г. Брауннинг ҳам, у бошчилигидаги ҳукуматнинг ҳам истеъфосига олиб келган.

Буюк Британия парламенти аъзолари томонидан, собиқ мудофаа вазири (Ж. Хун, 1953 й.т.), транспорт вазири (С. Байерс 1953 й.т.) ва соғлиқни сақлаш вазири(П. Хьюитт 1948 й.т.) томонидан (Ж. Хун ва П.Хьюитт) пора эвазига Американинг кўғирчоқ компанияси манфаатлари учун воситачилик қилишга уринишлари кунига 3 мингдан, 5 минг фунт-стерлингича баҳоланган [4, Громько А.А. Коррупция в верхних эшелонах власти Великобритании //Обозреватель. 2010. № 2. С.125.].

Келтирилган мисоллар фақат коррупциянинг намоён бўлишидир. Аслида, бу муаммо, айниқса, Буюк Британия сўнгги йигирма йил ичида, аслида келиб чиқиши шубҳа уйғотадиган хорижий мамлакатлар олигархлари капитали учун "хавфсиз бошпанага" айланганини ҳисобга олсак табиатан кенгрок

баҳоланади. Яъни, бу ерда бутун дунёдан, шу жумладан МДХ мамлакатларидан, ўз давлатларида ўзларининг бойликларининг келиб чиқиш қонунийлигини асослай олмайдиган турли хил олигархлар учун қулай бошпана бўлиб қолган.

Журналист Ж. Монбионинг (1963 й.т.) сўзларига кўра, ўз фаолияти давомида Буюк Британиянинг чет элдаги ҳудудлари ва қиролликга қарам бўлган ҳудудлари билан боғлиқ бўлган Лондон шаҳри (аслида Лондоннинг ишбилармонлик бизнес маркази) дунёдаги энг йирик солиқ тўловларидан қочганлар учун жаннат бўлиб, барча оффшор молиявий операцияларини 24 фоизини назорат қилади. У жаҳон капитал бозорида битимларни энг махфийликда амалга оширишга имкон беради, бу нафақат солиқ фирибгарларига, балки контрабанда ва пул ювишда иштирок этган ҳар бир кишига ҳамда санкцияларни бузганларга ёрдам кўрсатади [5, Монбио Дж. Не будем себя обманывать-возможно,мы взятки не даем,но коррупция⁴²

Франциядаги коррупция ҳам унинг ички ва ташқи сиёсатидаги энг муҳим муаммолардан биридир. Шу билан бирга, Германия ва Буюк Британияда бўлгани каби, унинг ҳукмрон элитаси вакиллари ҳам коррупция можароларида фаол қатнашмоқдалар. Хусусан, 2014 йил июль ойида Франциянинг собиқ президенти Н. Саркози (1955 й.т.) нисбатан порахўрлик тўғрисидаги расмий айблов эълон қилинди, у пора берганликда, ўз лавозимидан шахсий мақсадларида фойдаланганликда ва касбий сирни яширганликда айбланган эди.⁴³ Шу билан бирга Н. Саркози, илгари Франция муҳолифат партияси Халқ ҳаракати ҳукуматга келиши учун (УМП) ўзининг сайловолди кампаниясини 2007 йилда Ливиянинг собиқ раҳбари М. Каддафи (1942-2011 й.й.) томонидан молиялаштириш иши бўйича гувоҳ бўлган [7, К делу о коррупции во Франции приобщат записи телефонных разговоров Саркози.⁴⁴

Бошқа юқори мартабали амалдорлар ҳам коррупция можароларида, шу жумладан собиқ Франция Президенти Ф. Олланднинг (1954 й.т.) маъмурияти даврида ҳам иштирок этган. Шундай қилиб, хусусан, коррупция можароси натижасида бюджет вазири Ж. Каюзак (1952 й.т.) истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Ва бу француз коррупциясининг "айсберги" (муз тоғи)нинг фақат битта чўққисигина холос. Франция давлат ҳокимиятининг бошқа тузилмалари ҳам коррупцияга мойил. Француз мутахассисларининг фикрига кўра, Франциядаги коррупция, эпидемия бўлмаса-да, унинг намоён бўлиши турли соҳаларда, айниқса давлат харидлари, қурилиш, энергетика, халқаро савдо, курул-яроғ савдоси ва бошқа соҳаларда сезиларли.⁴⁵

Коррупция Кўшма Штатларда янада кескинроқ. Шундай қилиб, "Геллап" Америка жамоатчилик фикри институти томонидан ўтказилган сўров

⁴² В Британии процветает. <http://inosmi.ru/world/20150320/226985705.html#ixzz3k54IJc9Z>.]

⁴³ [6, Экс-президенту Франции Николя Саркози предъявлено официальное обвинение в коррупции. <http://russian.rt.com/article/39035>]

⁴⁴ http://rapsinews.ru/international_news/20150507/273677868.html#ixzz3k5Q5sMMP

⁴⁵ Коррупция во Франции – это не эпидемия. http://newsradio.com.ua/rus/2013_04_23/Korrupcija-vo-Francii-jeto-ne-jepidemija/.

натижаларига кўра, 79 фоиз америкаликлар АҚШ ҳукумати коррупцияга мойил эканлигига амин.

Бу борада АҚШ давлат котиби Ж.Керринг 2014 йил апрел ойида давлат бюджетидан қарийб 6 миллиард доллар йўқолгани ҳақидаги баёноти диққатга сазовордир [9, Brianna Ehley\$6 Billion Goes Missing at State Department//The Fiscal Times. April 4, 2014.].

Таққослаш учун, дунёда энг коррупцион мамлакат ҳисобланган Сомалининг бутун йиллик бюджети, Транспаренси Интернационал халқаро коррупцияни қабул қилиш индексини тузувчи экспертларнинг фикрига кўра, атига 5 миллиард 896 миллион долларни ташкил этади - бу миқдор эса АҚШ Давлат департаментидан тўсатдан бир марта ғойиб бўлган маблағдан ҳам камроқдир.

Шу билан бирга, у ёки бу тарзда кейинги 20 йилдаги АҚШнинг президентларининг (Б.Клинтон (1946 й.т.), Д.Буш (1946 й.т.) , Б. Обама (1961 й.т.), Д.Трамп (1946 й.т.)"яқин доираси" вакиллари коррупция можароларида аралашиб қолмоқда. Масалан, Б. Обама Президентлиги даврида Американинг «HealthCare.gov» соғлиқни сақлаш тизими сайти атрофидаги можаро жуда кўп жанжалларга сабаб бўлди. Тасодифга кўра, танловсиз ва бошқа танловларсиз веб-ресурсни яратиш бўйича шартнома Канаданинг «CGI Group» ИТ-компаниясига берилган, унинг вице-президенти Б. Обаманинг рафиқасининг синфдоши эканлиги маълум бўлиб қолди. Шартнома 700 миллион долларни ташкил этган, аммо ижрочиси сифати АҚШ президентининг ўзи кечирим сўрашга мажбур бўлди. Бироқ, шунда ҳам маблағ мамлакат бюджетига қайтарилмади.

Аммо энг катта коррупция Пентагонда гуллаб яшнаяпти десак муболаға бўлмайди. 1996 йилдан бери Америка мудофаа вазирлигидан 6,5 триллион доллар наъмалум сабабларга кўра ғойиб бўлди! Бу АҚШнинг икки йиллик бюджетига тенг бўлган миқдор. Аммо Америкада ғазна ўғриларига қарши курашмайди деб айтиш нотўғри бўларди. 2013 йил бошидан бери, АҚШ полицияси маълумотларига кўра, 2320 мансабдор шахс тергов қилинган. Одатда судгача фақат кичик мансабдор шахсларнинг иши етиб борган холос. Аммо катта доирадаги ишлар, масалан, Ироқдаги қариндошларининг нефт компанияси манфаатларини лоббировать қилишда айбланган АҚШнинг собиқ вице-президенти Дик Чейни (1941 й.т.) ёки Ироққа бостириб кирган Президент Буш кичик ўз нефт компанияси Halliburton учун фойдали шартномалари эвазига катта пул олиш ҳақида унутмади ва бу учун 120 миллион доллар ишлаб топди, негадир улар тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Шуни таъкидлаш керакки, Қўшма Штатлардаги соғлиқни сақлаш соҳаси худди Ўзбекистондагидек энг коррупциялашган соҳалардан биридир. Шундай қилиб, ушбу соҳадаги фирибгарликнинг умумий ҳажми ҳар йили 60 миллиард долларга баҳоланмоқда [10, Коррупция в США <http://ruxpert.ru>].

Коррупция можаросидан юқорида номи келтирилган Пентагон ҳам четда қолмади, унинг раҳбарияти 8,5 триллион АҚШ долларини ва АҚШ Қимматли қоғозлар бўйича комиссияси ўз офисидаги мебелларни қайта жиҳозлаш учун 3,9 млн.долларни қаерга сарфлагани ҳақида ҳисобот бера олмади.

Замонавий Америка ҳаётида бундай мисоллар жуда кўп учрайди. Бу шуни кўрсатадики, Қўшма Штатлардаги коррупция Америка жамияти ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олган, соғлиқни сақлаш ва таълимдан тортиб муҳофаза ва хавфсизликкача, шунингдек ташқи сиёсий ҳаракатларни амалга оширишни ҳам.

Шунга қарамай, Ғарб (асосан америкалик мутахассислар) томонидан шаклланган коррупцияни идрок этиш индексларининг ҳар қандай тарафкашлиги учун коррупция ҳақиқатан ҳам халқаро муаммо эканлигини таъкидлаш фойдалидир.

§ 3.3. Ўзбекистонда ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти ҳамда коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш истиқболлари

ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандартининг ишлаб чиқилишини глобал миқёсда коррупцияга қарши курашда муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

ISO 37001:2016 – бу ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

ISO 37001:2016 коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, қўллаб-қувватлаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш учун талабларни ва раҳбарий кўрсатмаларни белгилайди.

Стандарт 44 та мамлакатдан жалб қилинган 80 нафар мутахассисдан махсус шакллантирилган ISO/PC 278 “Anti-bribery management systems” ишчи қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ташкилот фаолиятида коррупция билан боғлиқ юзага келадиган қўйидаги ҳолатларга нисбатан амал қилади:

- a) давлат, хусусий ва нотижорат секторларида пора олиш;
- b) ташкилотлар томонидан пора олиш;
- c) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш;
- d) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш;
- e) ташкилотга пора бериш;
- f) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларга пора бериш;
- g) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш;
- h) тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали (масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора) пора бериш каби ҳолатлар.

ISO 37001:2016 ҳар қандай юрисдикцияда ва ҳар қандай сектор ҳамда тармоқда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва ҳоказо) коррупцияга қарши бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган.

Ушбу стандарт Малайзия ҳукумати томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда ижобий натижа берган. Хусусан,

Малайзиянинг бир қатор муҳим халқаро тадқиқотлар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланган.

Шунингдек, Сингапур ва Хитойда давлат секторида, Индонезия ва Таиландда хусусий секторда ISO 37001:2016 стандартдан фойдаланилади.

Буюк Британияда эса Бирлашган Қиролликнинг Аккредитация Хизмати (Accreditation Service) аккредитация схемасини ишлаб чиқиш учун ISO 37001:2016 бошланғич дастурини амалга оширган.

Дунёнинг энг йирик компанияларидан бўлган Microsoft ҳам ISO 37001:2016 стандарти бўйича сертификатга эга.

ISO 37001:2016 ташкилотга у қайси мамлакатда фаолият кўрсатишидан катъий назар, коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқишда, жорий этишда, сақлашда ва такомиллаштиришда ёрдам беради. Тизимни жорий этиш:

- маъмурий тартиб-таомиллар, давлат хизматлари ва харидларини амалга оширишда давлат органларида коррупция фактлари тўғрисида маълумот олишга;

- марказий аппарат ва ҳудудий тузилмалар кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга;

- давлат идоралари, тармоқлар, ҳудудлар ва коррупция турлари кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари мониторингини амалга оширишга;

- фуқароларнинг, ходимларнинг мурожаатлари бўйича ягона тизим ва маълумотлар базасини яратиш, шунингдек давлат хизматида коррупцияга қарши ўқитиш ва ҳалоллик бўйича малакасини оширишга хизмат қилади.

ISO 37001:2016 бўйича сертификат олиш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, жорий қилинган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил аудит ўтказиш орқали тасдиқлаш керак. ISO 37001:2016 ташкилотдан бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Хусусан:

- **коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш;**

- **коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;**

- **ходимларни ўқитиш;**

- **коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;**

- **молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқалар.**

Стандартга мувофиқ, самарали коррупцияга қарши сиёсат учун ваколатли ва жавобгарлиги белгиланган коррупцияга қарши курашиш хизматини жорий этиш зарур. Коррупцияга қарши курашиш хизмати етарли ресурсларга эга бўлиши, тайинланган шахслари эса тегишли малака, мақом, ваколатларга ва мустақилликка эга бўлиши керак.

Хавф даражаси паст даражадан юқори бўлган барча лавозимларга, шунингдек коррупцияга қарши кураш хизматининг мутахассисларига нисбатан ташкилот қуйидагиларни ўз ичига оладиган тартиб-таомилларни жорий этиши керак:

-ишга қабул қилишдан, бошқа лавозимга ўтказиш ёки юқори лавозимга кўтаришдан олдин ҳар бир номзодни комплекс текширувдан ўтказиш, уларни ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказишнинг асослилигини текшириш, уларнинг коррупцияга қарши сиёсат ва бошқарув тизими талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш;

- бошқа меҳнатга ҳақ тўлашни барча турдаги рағбатлантирувчи элементларини (бонуслар, мақсадли кўрсаткичлар ва ҳоказо) уларни қўллашда коррупциянинг олдини олиш учун етарли ҳимоя чоралари кўрилганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида даврий таҳлил қилиб бориш;

- ходимлар, юқори раҳбарият ва бошқарув органи ўзларининг коррупцияга қарши сиёсатига мувофиқлигини тасдиқлаш учун вақти вақти билан декларацияни тўлдириб турадилар.

Шунингдек, ушбу стандартга мувофиқ бўлиш учун ташкилот ўз ходимларини етарли даражада хабардор қилиш ва ўқитишни таъминлаши керак. Стандартда коррупцияга қарши терговни ва чоралар кўрилишини таъминлаш учун жорий қилиниши лозим бўлган тартиб-таомиллар ҳам белгиланган. Хусусан, терговни тергов предметида лавозими ва вазифалари юзасидан алоқаси бўлмаган ходимлар олиб бориши ва тергов бўйича маълумотлар фақат шундай ходимларга тақдим этилиши лозим.

ISO 37001:2016 стандартини жорий этиш Ўзбекистонда ҳам фуқароларнинг ишончини орттириш, ходимларнинг ҳалоллигини ошириш, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ҳамда аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффоф ва самарали тизимини яратишни мақсад қилган давлат идоралари учун жуда самарали восита бўлиши мумкин.

ISO 37001:2016 сертификатини олиш орқали давлат органи ва бошқа ҳар қандай ташкилот ўзининг шерикларига, давлат идоралари ва бошқа манфаатдор шахсларга коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф қилиш учун зарур бўлган барча чораларни халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошираётганини намоён қилиши мумкин.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар жуда озчилик ташкил этмоқда. Хусусан, бугунги кунда компаенс назорат тизими илмий жиҳатдан тадқиқ этилмаган мавзу ҳисобланади. Айтиш лозимки, йилдан-йилга коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг қўлланилиб келаётган компаенс назорат тизимини илмий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу борада компаенс назорат тизимини тадқиқ этишда илмий изланишлар олиб борган аксарият олимлар, хусусан, давлат ва хусусий секторда ҳар бир соҳага мувофиқ ва лозим даражада тўғри ташкил этилган коррупцияга қарши сиёсати компаенс назорат тизимини ташкил этишнинг асосий механизми ҳисобланади ва фаолиятининг тўғри ташкил этишини таъминловчи асосий элементи ҳисобланади.

Ушбу соҳада самарали тажрибага эга хорижий давлат ва халқаро компанияларнинг амалиётига асосан компаенс назорат тизими дастури

илмий асосларини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозимдир.

Корпоратив ахлоқ кодекси бўлиб, ушбу ҳужжат давлат ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятининг жамоавий юриш-туриш қоидаларини белгиловчи меъёрий локал ҳужжати ҳисобланади. Ушбу мавзуга оид илмий мақоласида ахлоқ кодекси компания ва ташкилот фаолиятининг барча йўналишларини тартибга солишга қаратилган кенг муносабатларни камраб олади ва ички доирада барча учун норматив аҳамиятга эга бўлган ахлоқ қоидаларини белгилайди⁴⁶ дея таъкидлаб ўтади. Масалан, манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган аниқ қоидалар, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатлар, совғалар тақдим этиш қабул қилиш тартиби, коррупцияга қарши курашиш қоидалари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юз берганда ходим томонидан бу ҳақида ваколат эга бўлган таркибий тузилмага (комплаенс хизматига) маълумот бериш тартиби ва ходимнинг ўз фаолиятида риоя қилиши лозим бўлган бошқа шу каби нормативларни ўз ичига олади.

Совға ва кўнгилочар тадбирлардаги ҳаражатлар сиёсати компания ва ташкилот фаолиятини коррупция хавфлардан ҳимоя қилиш мақсадида совғалар қабул қилиниши ва кўнгилочар тадбирларга сарфланадиган ҳаражатлар тартибини аниқ белгилаб олиши зарур ҳисобланади. Ушбу тартиб коррупция ҳолатларни олдини олишга қаратилган бўлиб, раҳбар ёки ходимнинг ўз фаолиятини амалга ошириш давомида тақдим этилаёдиган ва қабул қилинадиган моддий қийматдаги ҳар қандай совға бироқ моддий манфаат олиб келадиган таклифларга (турли ҳаражатларнинг қопланиши, кўнгилочар дастур, саёҳатларга таклифлар бўлиши мумкин) оид аниқ профилактик чора-тадбирлар тартиблар белгиланади.

Британиялик комплаенс эксперти Скотт Филостин совғаларнинг коррупция хавфи сифатида ёритилган илмий мақоласида, совғаларнинг коррупциядан фарқли жиҳатларани аниқлашда қуйидаги тартибларни ўз ичига олиши мумкинлигини кўрсатади. Яъни, совғаларнинг аниқ миқдори, қандай тадбирда ва кимларга тақдим этилиши ёки қабул қилиниши, совға предмети нималардан ташкил топиши мумкин ва бошқа унга оид аниқ нормаларни ўз ичига олади⁴⁷. Бунда мазкур қоидалар совғаларни қабул қилиниши ва тақдим этилишини чеклаш ёки батамом тақиқлашни ўз ичига олмайди, улар фақатгина уларнинг миқдори ва даврийликка оид аниқ нормалар билан тартибга солишни назарда тутаяди, бунда раҳбар-ходимларнинг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя этувчи превентив чоралар ҳисобланади. Шунингдек, эксперт таъкидлашича совға сиёсатининг асосий вазифа коррупция предмети ва совға ўртасидаги чегарани аниқ белгиланиб берилишида намоён бўлади. Айнан бундай нозик фарқ компаниянинг комплаенс хизмати

⁴⁶ Бочаева Г. В. Кодекс корпоративного поведения как элемент системы корпоративного управления / Г. В. Бочаева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2016. — № 10 (114). — С. 630-634. — [Электрон манба]. URL: <https://moluch.ru/archive/114/30047>

⁴⁷ Scott Filostin “Gift & Entertainment, Conflicts and Corruption: An Interplay of Risks and Best Practices to Address Them” (2016 Compliance & Ethics Institute 303) [Электрон манба]. URL: <https://www.slideshare.net>.

томонидан белгиланган норматив меъёрлар орқали аниқланади⁴⁸. Бу жарёнда комплаенс назорат тизимининг алоҳида вавколоти ва вазифалари белгиланиб ўтилади.

Бу каби сиёсатнинг долзарблиги ва коррупция хавф сифатида баҳоланиши тарбиявий ва чуқур урф-одатларга эга бўлган бунинг натижасида совгалар тақдим этилиши ёки қабул қилиниши одатий тусига айланган мамлакатларнинг давлат хусусий ва секторларида бу каби ҳолатлар билвосита коррупция ҳолатларни юзага келтирувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади.

Манфаатлар тўқнашувига (conflict of interest) қарши курашиш сиёсати компания ва ташкилот раҳбар-ходимларининг коррупция ҳолатлари, жумладан, манфаатлар тўқнашувини юзага келтиришини олдини олишга қаратилган ахлоқий меъёрларини белгилашга оид тартиб ҳисобланади. Айтиш мумкинки, манфаатлар тўқнашуви коррупцияга қарши курашиш сиёсатини такшикл этувчи асосий таркибидир.

Бунда ходим манфаатлари ўзи фаолият юритаётган компания ва ташкилот манфаатларига зид бўлса ёки бир мижознинг манфаати бошқасининг манфаатларидан асоссиз устун бўлган жараёнларни тартибга солади. Ходимлар томонидан ҳар қандай юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувига қарши курашишда ўз мажубиятларини бажариш лозим эканлигини белгилайди.

Хусусий секторда, хусусан, банк соҳасида комплаенс хизматини ташкил этишда кенг қўлланилувчи тартиб “Хитой девори” сиёсати (Chinese wall policy) ҳисобланади. Одатда иқтисодий соҳаларда жамоатчиликка тақдим этилиши лозим бўлмаган, хизмат ва ишлаб чиқариш сири ҳисобланган ички маълумотларни ошкор қилмасликка оид тартибни ўз ичига олади. Ушбу тартиб компания ва ташкилотда манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай кўринишидан қочишга ва адолатли рақобатни таъминлашга хизмат қилади. Ахборот девори манфаатлар тўқнашуви юзага келишини олдини олишга оид қулай ҳимоя муҳитини яратади ва турли мижозларга хизмат кўрсатишда чекловлар устидан назоратни таъминлайди. Асосий эътибор ташкилотнинг ошкор этилиши лозим бўлмаган молиявий ва инвестициявий лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни ошкор этилишини олдини олишга доир аниқ қоидаларни белгилайди. Одатда мазкур тартибни амалга оширишнинг энг мувоффақиятли кўринишлари аксарият инвестиция компаниялари ҳиссасига тўғри келади.

Айтиш лозимки, комплаенс назорат тизимининг мазкур жараёнлардаги вазифаси эса ходимларнинг шахсий (коррупция) манфаатларини кўзлаб ахборотларнинг ошкор этилишида чеклашлар ўрнатилишга оид қоидалар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни юритишда намоён бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш сиёсати (Whistleblowing policy) Аксарият хорижий давлатлар тажрибасида ва халқаро

⁴⁸ Scott Filostin “Gift & Entertainment, Conflicts and Corruption: An Interplay of Risks and Best Practices to Address Them” (2016 Compliance & Ethics Institute 303) [Электрон манба]. URL: <https://www.slideshare.net>.

компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш амалиётида кенг қўлланилиб келаётган ушбу тартиб коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг самарали фаолият юритишини таъминловчи асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Компания ва ташкилот раҳбар-ҳодимлари томонидан ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилмаслик натижасида қонунбузилиш ҳолатлари ва содир этилган ёки тайёрланаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар топган ходим томонидан (whistleblowers) кўнгилли равишда ички тузилмага (комплаенс хизмати) хабар бериш тартибини ўз ичига олади. Яна бир жиҳати шуки, кўнгилли хабар берувчи томонидан бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, фақатгина ички тузилмага эмас, балки шу соҳада ваколатга эга бўлган давлат органларига ҳам хабар бериши мумкин бўлади.

Литвада ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган 2010 йилда қонун ишлаб чиқилган.

Ушбу сиёсатда кўнгилли хабар берувчиларнинг маълум моддий манфаат натижасида коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчилар ўртасидаги асосий фарқ, бунда whistleblowers бундай ҳолатни чин дилдан жамиятда юриш туриш қоидалаи ва қонунга риоя қилиниши билан ўз ҳаракатини бажаради ва у ўз хизматида ҳеч қандай иқтисодий ёки номоддий манфаатни кўзламайди, уни ўз хоҳиши билан бажаради. Бунда комплаенс хизмати томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш меъёрларида кўнгилли хабар берувчилар шахсининг сир сақланиши, унга оид маълумотлар ошкор этилмаслиги, уни турли тазйиқ ва таъсирлардан ҳимоя қилишининг ишончли механизмларини яратиши лозим бўлади. Айнан ушбу қафолатлар мазкур жараёнларнинг самарали фаолиятига хизмат қилади. Шунингдек, ушбу тартиблар комплаенс хизмати ва шу соҳада ваколатга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади.

Хорижий амалиёт шуни кўрсатадики, ушбу тизим давлат ва хусусий сектор иштрокчиларига ортиқча маблағ талаб қилмайдиган коррупцияга қарши курашишнинг самарали методи ҳисобланади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати (ФАТФ кўрсатмалари). Бу каби тартиблар асосан банк сектори иштрокчилари томонидан кенг қўлланиладиган жараён ҳисобланади. Унда жиноий йўл билан топилган фойда ва даромадларнинг қонуний йўллар билан иқтисодий секторга инвестиция қилинишини ва шу йўл орқали ноқонуний даромадга қонунийлаштиришни олдини олишга қаратилинади. Ушбу сектордаги комплаенс хизмати коррупцияга қарши курашиш каби асосий вазифалари тенг равишда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш орқали бу каби қонунбузилиш ҳолатларнинг юзага келишини олдини олиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида ушбу меъёрларнинг комплаенс назорат тизимининг илмий тадқиқ этувчилар томонидан илмий ва назарий жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу йўналишлар барча соҳаларда коррупцияга қарши курашиш сиёсатини

асосини белгилаб беради ва хорижий амалиётда ижобий қўлланилиб келинаётган халқаро стандартлар ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бунда коррупцияга қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари базасини янада ривожлантириш, давлат ва хусусий секторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларша курашишдаги самарил механизмлар ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир йўналишни чинакам “коррупциясиз соҳа” га айлантиришга қаратилган қуйидаги бир қатор тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Жумладан, ташкилий чора-тадбирлар борасида БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошқора бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ушбу соҳадаги қатор ваколатли идоралари билан биргаликда соҳани ташкилий жиҳатдан такомиллаштиришга оид чораларни кўриш лозим бўлади.

Хусусан, коррупцияга қарши кураш соҳасини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчилик базасини хорижий тажрибаларга мувофиқ комплаенс назорат тизимини жорий этиш истиқболлари асосида қайта кўриб чиқиш ва бу фаолиятни тартибга солишга қаратилган қонунчилик базасини яратишга доир аниқ таклифлар рўйхатини ишлаб чиқиш, “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини давлат улуши мавжуд компания ва ташкилотларда босқичма-босқич лойиҳани барча соҳаларга тадбиқ этиш давомида улар таркибида комплаенс назорат тизимини жорий этиб бориш лозимдир.

Давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиби ҳамда фаолиятнинг шаффофлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш механизмларини яратиш (расмий веб сайтлар яратиш) ва унда жамоатчиликка тақдим этиб борилиши лозим бўлган барча маълумотларни жойлаштириш, маблағлар сарфланишинг аниқ рўйхатларини киритиб бориш, қонунбузилиш ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришининг жаҳон тажрибасини жорий этиш (whistle blowers policy). Шунингдек, Коррупцияга қарши бошқарув менеджменти ISO-37001 халқаро стандартини ва фаолият самандорлигини баҳолашдаги халқаро тажрибалардан бири ҳисобланган КРІ тажрибасини давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда жорий этиш талабларини ишлаб чиқиш каби ташкилий чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи йўналиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирлари бунда Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига комплаенс назорат тизимини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга оид алоҳида бобни киритиш, унда ушбу тизимнинг ваколати ва мақоми, вазифа, мажбуриятлари ва фаолият йўналишларини алоҳида белгилаб берилиши лозим бўлади. Шунингдек, қонунга манфаатлар тўқнашуви юзага келтирувчи аниқ ҳолатлар тавсифи ва уларни олдини олишга қаратилган тизимли чораларни тартиби келтириш. Компания ва ташкилот фаолиятида коррупция хавфларини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қонуннинг алоҳида моддаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби ва уларни химоя қилишнинг аниқ механизмларини тартибга солиш лозимдир, зеро Мазкур механизм давлат ва хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарали воситаларидан бири ҳисобланади ва ушбу амалиёт хорижий тажрибада кенг қўлланилади ва whistle blowing policy дея номланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида тақдим этиладиган қабул қилинадиган совғалар билан боғиқлик тартибни белгилаб ўтиш лозимдир.

Давлат улуши мавжуд ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат хизматини жорий этиш бўйича намунавий низом лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ВМК лоҳасини ишлаб чиқиш ва унда коррупция хавфларини олидини олишга қаратилган қўйидаги тавсияларга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазибаларини бажаришда ҳар қандай коррупция ҳолатлар, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ҳамда уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш.

Учинчи йўналиш, комплаенс назорат хизматининг ваколати ва мақомини тартибга солишга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга оид чора-тадбирлар, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларнинг ўзига хослигига хусусиятларига асосан коррупцияга қарши курашиш стратегик дастурларини ишлаб чиқиш лозимдир. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида комплаенс хизматининг ўрни, аҳамияти ва вазибалари ва унинг мустақиллигини таъминловчи чоралар, коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилувчи тартиби, компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, компаниялар учун тегишли ички назорат механизмларини, шу жумладан одоб-ахлоқ кодекси ва ходимларнинг хулқ-атвор стандартларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, комплаенс хизмат таркибини ва комплаенс хизмат бошқисини (chief compliance officer) тайинлаш, ушбу лавозим номзодига қўйиладиган талабларни белгилаш, комплаенс хизматларнинг компания таркибидаги бошқа таркибий бўлимлари билан ўзаро вазифа, мажбурият ва ваколат доирасини аниқ белгилаб ўтиш ва ўзаро бир-бирини тақдорловчи функцияларни мақбуллаштириш, компанияда раҳбарият ва ходимлар томонидан совғалар ва бошқа ҳар қандай моддий аҳамият касб этган имтиёзларни қабул қилиш ва тақдим этишнинг аниқ талабларини белгилаб ўтиш.

Шунингдек, комплаенс хизмати томонидан ўз ходимлар даромадларининг мажбурий декларациялаш тартибини юритиш, қонунбузилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тизимини жорий этиш, бунда хабар берувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, шахсининг махфий сақланиши ва турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш механизмдарини жорий этишнинг аниқ талабларини ягона ички ҳужжат билан тартибга солиш, номзод ишга қабул қилишнинг шаффоф тартибларини белгилаш ва номзод шахси билан боғлиқ назорат текширувларини амалга ошириш (due diligence талабларига мувофиқ), компания фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олшига қаратилган ягона ички ҳужжат ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Тўртинчи йўналиш, комплаенс хизматига кадрларни танлаш, ишга қабул қилиш ва хизматини ўташ билан боғлиқ чора-тадбирларига тавсиялар.Комплаенс офицерлик лавозимига номзодларни танлашда аниқ талабларни белгилаш, номзодларни ишга қабул қилиш ва фаолиятини ташкил этиш, комплаенс хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ аниқ талабларни компания локал ҳужжатларида кўрсатиб ўтиш, комплаенс хизмати томонидан ходимлар малакасини ошириб бориш уларда коррупцияга қарши курашишда “барқарорлик иммунитетини”ни шакллантириш мақсадида тизимли коррупцияга қарши курашиш ўқув дастурларини жорий этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш, комплаенс хизмати томонидан ходимларини ҳар йили коррупцияга қарши қонунлар ва бошқа нормаларга мувофиқ ҳаракат қилишини назарда тутувчи коррупцияга қарши курашиш сертификатлаш тизимини жоримй этиш, комплаенс хизмати ходимларининг йил давомида белгиланган вазифасини қай даражада бажарганлиги ёки коррупция хавфларни олдини олишдаги фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш вазифларни амалга ошириш лозимдир.

Бешинчи йўналиш, фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назорати институтлари билан муносабатларни кенгайтириш чора-тадбирларига қуйидагиларни келтириш мумкин.

Жамоатчиликка компания фаолияти ҳақидаги очиқ маълумотларни олиш имкониятини жорий этишга доир ўз ижтимоий сайтларини яратиш, ходимларни компаниянинг ижтимоий фаолиятига доир қарорлар қабул қилиниши жараёнида жалб этиш механизмларини такомиллаштириш, компания расмий веб-сайтларида коррупцияга қарши курашишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, компания расмий веб-сайтларида комплаенс хизматлар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишга қаратилган локал ҳужжатларини жойлаштириш, компания расмий веб-сайтларида коррупция ҳолатлар ҳақида хабар қилишнинг аниқ ишлаб чиқилган дастурларини эълон қилиб бориш, шунингдек, бу борада комплаенс хизматлар Call-марказлари (тезкор алоқа линиялари) батафсил маълумотни мунтазам равишда жойлаштириб бориши зарурдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда янги соҳа сифтида кериб келаётган мазкур профилактик тизимни илмий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги

самарали тажрибалари ва халқаро стандартларда ўрнатилган нормалар аосида тавчивий чораларнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади

§ 3.4. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган идоравий тизимларни ривожлантиришда жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалалари

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида «кўприк» вазифасини бажарувчи жамоатчилик назоратининг ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик назоратининг янги институциявий тузилмаларни ривожлантириш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш демократик давлатлар учун стратегик аҳамият касб этмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида куйидагиларни таъкидладилар, «Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади».

Коррупцияга қарши курашишда ихтисослашган халқаро «Transparency International» нодавлат ташкилоти мунтазам равишда 105 та трансмилий компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳисобдорлигининг шаффофлиги борасида тадқиқотларни эълон қилиб боради, ушбу компанияларнинг биржа савдоларидаги нархи 11 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотига кўра, ОАВда чиқаётган материалларнинг доимий мониторинги олиб борилиши йўлга қўйилиб, 2019 йилнинг дастлабки 9 ойида босма ва электрон оммавий ахборот воситалари томонидан 904 та прокуратура органлари аралашуви талаб қилинадиган ҳолатлар аниқланган. Мазкур даврда прокуратура органлари томонидан 90 240 та қонунчилик тарғиботи бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилган бўлиб, 76 673 таси маъруза, суҳбатларни ташкил қилса, 13 567 тасини оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ташкил этган.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ижтимоийлашувини ҳамда коррупция қарши курашиш ва уни олдини олишдаги иштирокининг янги босқичини бошлаб берди.

Давлат органларининг фаолиятида “очиқлик” ва “шаффофлик” тамойилларини таъминлаш, давлат хизматчиларга бўлган ишончни кучайтиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Жамоатчилик назоратини такомиллаштириш борасидаги ислохотларнинг изчил давоми сифатида, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, шунингдек жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Жамоатчилик палатаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаш-тириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонида биринчи мартаба коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурлиги асослантилди.

Фармонга асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш этиб белгиланди.

2020 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раислигидаги «Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги вазифалар муҳокамаси»га бағишланган видеоселектор йиғилишида – коррупциянинг олдини олишда таъсирчан жамоатчилик назорати йўлга қўйилиши, шунингдек, Агентликнинг кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бирга аҳоли ва тадбиркорларнинг коррупцияга муносабатини ўрганиб бориши ва давлат идоралари фаолиятини баҳолаб бориши кераклиги алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир.

Шунга асосан эндиликда янги ташкил этилган Агентлик фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда турли соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузиш амалиётини йўлга қўйиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг мувоффақияти асосини жамоатчилик назорати ташкил этади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг коррупцияга қарши курашиш натижаларига холис ва малакали баҳо берилмаса ушбу фаолиятнинг самарали бўлиши шубҳа остида қолади. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш, шу билан бирга ушбу ишларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этишни талаб қилади.

Ўзбекистон юридик энциклопедияда жамоатчилик назорати – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш,

фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат, деб таъриф берилган.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назоратининг аҳамиятига тўхталар экан, халқаро эксперт Р.Ҳолловей эътироф этишича, «ҳар қандай коррупциявий ҳолатларда воқеликнинг асл моҳияти кўпинча яширин ва махфий бўлади. Шунинг учун кимдир «эшикни очишга уриниб кўриши, деразадан қараши», қасддан яширилган ва беркитилган моҳиятни тушуниши учун ишлаши керак ва мазкур шахс ёки ташкилот мониторингни амалга оширади».

Фуқаролик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш ҳаракати 1990 йилларнинг бошларида халқаро коррупцияга қарши ноҳукумат Transparency International коалициясининг ташкил этилиши билан бошланиб, ҳозирги кунда у ЕХҲТнинг кўплаб иштирокчи-давлатларида ва дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида миллий филиалларни қўллаб-қувватламоқда. Бугунги кунда ихтисослаштирилган нодавлат коррупцияга қарши ташкилотлар коррупцияга қарши курашнинг турли соҳаларида ишламоқда; улар тобора кўпроқ йиғилиб, фуқаролик жамияти билан инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда яқин ҳамкорлик қилмоқдалар.

Халқаро доирада фуқаролик жамиятининг турли хил таърифлари мавжуд, жумладан кенг маънода, бу нодавлат субъектларнинг умумий манфаатларга эга бирлашмаси сифатида тушунилади. Жаҳон банкининг таърифига кўра, «фуқаролик жамияти атамаси жамият ҳаётида қатнашадиган, ўз аъзолари ёки бошқаларнинг манфаатлар ва қадрият-ларини ифода этувчи, ахлоқий, маданий, сиёсий, илмий, диний ёки хайрия соҳаларда фаолият юритувчи кенг нодавлат ва нотижорат ташкилотларини англатади». Шу муносабат билан «Transparency International» томонидан кенг қўлланиладиган таъриф, фуқаролик жамияти кенг миқёсдаги ташкилотлар - жамоат гуруҳлари, нодавлат ташкилотлари (ННТ), касаба уюшмалари, маҳаллий гуруҳлар, хайрия ташкилотлари, диний ташкилотлар, профессионал ассоциация фондларига тааллуқлигини англатади.

Фуқаролик жамиятининг коррупцияга қарши курашишда самарали иштироки фақат асосий ҳуқуқлар, хусусан: сўз эркинлиги кафолатланган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳуқуқлар бир қатор халқаро ҳужжатлар, жумладан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси (1950 й.), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича конференциянинг инсон ўлчови бўйича Копенгаген мажлиси ҳужжати (13-иктибос) (1990) ва Европа Иттифоқининг асосий ҳуқуқлари Хартияси (2000 йил) билан мустаҳкамланган ва ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракатлар режасига қўшилди. Мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистонда коррупцияга қарши олиб борилаётган ислохотларга ижобий баҳо берилмоқда, 2019 йилгача Ўзбекистонда амалга

оширилган ишлар мониторинг гуруҳлари томонидан 4 маротаба ўрганилган. Ҳар босқичнинг яқунлари бўйича ИХРТ ҳисобот тақдимотлари ўтказилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, мамлакатимизда коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик назоратининг янги механизмларига бўлган еҳтиёж. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сон Фармонининг 12-бандига асосан коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди (4 хатбошиси).

ЕХХТ ҳамда Transparency International халқаро нодавлат ташкилоти тадқиқотчилари томонидан дунё давлатларининг коррупцияга қарши жамоатчилик иштирокини таъминлашга учун ишлаб чиқилган механизмнинг таҳлили асосида услубий кўрсатмалар ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилиб, миллий кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди. Шунингдек эндиликда Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгиланди.

Фармон билан Агентлик қуйидаги асосий вазифалари ва йўналишларда фаолиятни амалга оширилиши белгиланди:

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот

воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Шунингдек Фармонга асосан ўрнатилган тартибга асосан ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади.

Агентликка уч ой муддатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи “E-Anticor.uz” электрон платформаси; коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобиль дастурий таъминот ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фармоннинг биринчи бандига асосан Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакиллариининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлиши кун тартибига қўйилган.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати тушунчаси ва уни тадқиқ этишдаги ёндашувлар

Замонавий тараққиётнинг ҳозирги босқичида дунёнинг аксарият мамлакатларида давлат билан фуқаролик жамиятининг коррупциянинг олдини олишда ўзаро ҳамкорлиги кучайиб бораётганлиги тенденцияси кузатилмоқда. Шунга кўра, давлат ва жамият олдидаги муҳим масалаларни ҳал этиш, жумладан коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини ташкил этиш орқали самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш куннинг энг муҳим ва долзарб масаласи ҳисобланади.

Коррупция кўп ўлчамли, ташқи ва ички шароитга қараб тез ўзгарувчандир. Шу сабабли, коррупцияга қарши кураш бўйича инновацион ёндашувларнинг ривожланишини ўрганиб бориш ушбу соҳага қарши курашда жуда муҳимдир.

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда давлат назоратининг бир неча турлари шаклланган: конституциявий назорат, парламент назорати, Омбудсман назорати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ назорати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлик бўйича вакили назорати, суд назорати, прокурор назорати, молиявий (бюджет) назорати, ижро ҳокимияти тузилмаларидаги ички назорат, маъмурий назорат, экологик назорат, тоғ-кон назорати, санитария назорати ва ҳоказо.

Санаб ўтилган давлат назорати турлари билан бир қаторда давлат органлари ва мансабдор шахслари фаолияти устидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий ҳаётда адолат ва қонунийлик таъминланиши, жамият манфаатлари муҳофазаланиши юзасидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ҳам шаклланган. Хусусан, коррупцияга

қарши курашишда давлат назоратини тўлдирувчи жамоатчилик назоратини янада кучайтириш давлат органларининг фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг ишончли механизми сифатида майдонга чиқади.

Коррупция давлат бошқарувида тизимли хавф характерига эга бўлиб ҳисобланиб, у аҳоли ўртасида давлат ҳокимиятига бўлган ишончни йўқотилишига ва обрўсизланишига сабаб бўлади. Мутахассислар томонидан томонидан коррупциянинг олдини олиш чораларининг умумижтимоий ҳамда махсус чоралари ишлаб чиқилган бўлиб, умумижтимоий чораларга фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича кенг жалб қилиш ҳамда қонунийлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида давлат органлари фаолиятининг устидан жамоат назоратини ўрнатиш зарурлиги таъкидланган.

Коррупциявий жинойтларнинг содир этилишига шароит яратувчи омиллардан бири сифатида бу иллат устидан ижтимоий назорат етарли эмаслиги кўрсатилган.

«Жамоатчилик назорати»ни тадқиқ этишда тадқиқотчилар томонидан ушбу тушунчанинг мазмунини очиб беришда турлича ёндашилган. Юридик адабиётларда ҳам ушбу атамага ҳуқуқшунос олимларнинг берган таърифлари ҳам ранг баранг.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни ҳамда ушбу соҳани тартибга солувчи миллий қонунчиликда жамоатчилик назорати тушунчасининг юридик табиатига ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги боис, келгусида мазкур соҳада тадқиқот олиб борувчи олим ва изланувчилар жамоатчилик назоратинининг ягона юридик таърифини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу тариқа жамоатчилик назоратига норматив-ҳуқуқий таърифнинг мавжуд эмаслиги сабабли, хорижий илмий адабиётлардан «коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назорати» мазмунини тўлиқ очиб берадиган тушунчасининг илмий таърифини излашга қарор қилдик.

Айрим тадқиқотчилардан қайд этишича, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назорати фаолияти эксперт баҳоларидан (жамоатчилик илмий экспертизаси) фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари фаолиятини мониторинг қилишдан иборатдир.

Мазкур соҳадаги бошқа тадқиқотларда, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назоратининг мақсади турли хил воситалардан фойдаланган ҳолда давлат органлари фаолиятининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдир, шу жумладан жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик текшируви ва бошқа воситалар.

Муаллифларининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назоратига давлат ҳокимияти органлари томонидан бюджет маблағлари ва табиий ресурсларни тақсимлаш устидан назоратни амалга ошириш фаолияти сифатида ёндашиб, коррупцияга қарши жамоатчилик назоратини бюджет

муносабатлари ва атроф-муҳитни бошқариш соҳасидаги назоратга қисқартирган қарашлари ҳам мавжуд.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назорати тўғрисида дастлабки тушунчани социолог М.В.Шедий ишларида муфассал учратиш мумкин. Муаллиф бошқа муаллифлардан фарқли ўларок коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назорати тадбирларининг аҳамиятини кўрсатиш учун айнан «коррупцияга қарши жамоатчилик назорати» атамасини ишлатади.

Шунингдек, коррупцияга қарши жамоатчилик назорати тушунчасида давлат ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдида жавобгарлигини тушунишни таклиф қилади: биринчидан, фуқароларнинг ҳокимият фаолияти тўғрисида зарур маълумотлар орқали ҳисобот олиш ҳуқуқини;

Иккинчидан, фуқароларнинг тегишли чоралар кўриш ҳуқуқи, яъни маълумотлар ёки тушунтиришлар қониқарсиз деб топилса, санкцияларни қўлланилишини билдиради.

Шубҳасиз, ушбу коррупцияга қарши жамоатчилик назоратининг юридик табиатига оид таъриф ҳокимият томонидан вазифа ёки мажбуриятларини бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини анлатиб, аммо давлат ҳокимияти органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси этилиши устидан махсус назорат фаолиятини қамраб олмаган.

Ушбу ҳолатлар бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида ҳам жамоатчилик назоратини деярли ўхшаш йўналишда тасвирлангани билан изоҳланади.

Таъкидлаш лозимки замонавий хорижий адабиётларда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назорати мазмунини давлат ҳокимияти ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шакли сифатида очиб берадиган, давлатнинг фуқаролари бевосита ёки жамоат ташкилотлари орқали давлат органларининг фаолияти самарадорлигини жамоатчилик аудитида иштирок этиш орқали баҳолаб коррупциявий хавф-хатарларини аниқлашда иштирок этиши ҳақидаги тушунчалар ҳам йўқ эмас.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назоратининг мавжуд таърифлари қатор камчилик ва нуқсонларга эга:

биринчидан, жамоатчилик назоратининг махсус шакли сифатида коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назорати объекти ва предметининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ тавсифланмаган.

Мазкур соҳадаги жамоатчилик назорати объекти биринчи навбатда давлат органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти ҳисобланади. Субъекти коррупцияга қарши курашиш сиёсати иштирокчиларидир, шу жумладан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари;

иккинчидан, коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назоратинининг мақсадлари таърифланмаган. Ҳар қандай фаолиятнинг мақсади тушунчанинг таърифида, шу қаторда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назоратининг таърифида ҳам акс эттирилиши лозим.

Табиийки, ушбу назоратининг асосий мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида коррупция ҳолатини баҳолаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг такомиллаштириш чораларини таклиф қилиш, яъни коррупциянинг даражасини камайтириш ҳисобланади;

учинчидан, хорижий адабиётлардаги коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назорати таърифида биргина давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг жамоатчилик аудитини ҳисобга олмаганда, жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун фойдаланиладиган воситаларга ҳаволалар мавжуд эмас. Ҳолбуки, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси ҳамда мамлакатимиз жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликка асосан жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби жамоатчилик назорати шакллари назарда тутилган.

Мазкур воситалардан малакали мутахассислар ёки уларнинг ташкилотлари фойдаланиши мақсадга мувофиқ, акс ҳолда ушбу воситалардан малакасиз фойдаланиш ушбу соҳадаги жамоатчилик назоратининг мақсадларига эришишга олиб келмайди.

Демак таҳлилларга асосан дастлабки хулосага келиш мумкинки, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назорати – бу фуқаролик жамияти институтларининг ваколатли (малакали) вакиллари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида коррупцияни камайтириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга ошириладиган махсус фаолиятдир.

Мазкур фаолият соҳасининг моҳиятини очиб берадиган ва янада илмий ривожланишни талаб қиладиган дастлабки вариантлардан бирини қуйидагича таклиф қилиш мумкин:

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари ваколатли вакилларининг давлат ҳокимияти органларида коррупциянинг ҳолатини баҳолаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган уни даражасини камайтириш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш механизмлари ва воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширадиган махсус фаолиятдир.

Коррупция билан боғлиқ муаммолар тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишда нодавлат субъектлар муҳим рол ўйнайдик. Жамоатчиликнинг коррупцияга қарши курашишга бўлган эҳтиёжининг ортиши ҳамда коррупцияга қарши амалга оширилган стратегия ва ислохотларнинг жамоатчилик томонидан ўрганилишини рағбатлантиришга кўмак беради.

Бошқа тадбирларга қуйидагилар киради: коррупцияга қарши қаратилган фокус-учрашувлар ўтказиш ва маҳаллий даражада янги руҳдаги фикрлашни ривожлантириш учун мунозараларни бошлаш;

- фуқароларга ёрдам ва маслаҳатлар бериш (коррупция тўғрисида хабар берувчи каби);

- коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш бўйича қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- турли хил мониторинг тадбирларини ўтказиш ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликда иштирок этиш фаолияти киради.

Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳамияти

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб коррупция халқаро муаммога айланди. Айниқса, глобаллашув жараёнлари натижасида бир мамлакатдаги коррупция бошқа мамлакатларга бевосита таъсир қила бошлади.

Коррупциявий даромадлар ҳаром бўлиб, бу даромадлардаги тенгсизликни келтириб чиқаради ва кучайтиради. Коррупциянинг миллий хавфсизликка хатари шундаки, кишиларда норозилик уйғотиб, жамиятдаги интизомий мувозанатга таҳдид солади. Порахўр қўлида жамғарилган пул инвестицияга ҳам хизмат қилмайди. Энг ёмони бу аҳоли қўлидаги пул қолдиғини кўпайтиради ҳамда пул муомаласига раҳна солади.

Коррупцияга қарши курашиш нафақат турли давлат институтларини, балки бутун жамиятни қамрам олган кўп қиррали ва кўп тармоқли фаолиятдир. Коррупцияга қарши курашишда жамият иштироки асосан бир қатор нодатлар ташкилотлари, хусусан фуқаролик жамияти ташкилотлари, илмий академиялар, хусусий сектор ва оммавий ахборот воситалари орқали намоён бўлсада, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг садоқати ва ҳатти - ҳаракатлари бирдек муҳимдир.

Дунё давлатларининг бугунги коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ амалиёти шундан далолат бермоқдаки, кўплаб давлатлар қонунчилигида тинимсиз равишда мансабдорлик жиноятларига қарши курашишнинг оптимал чора-тадбирларини топишга уринишлар давом этмоқда. Мазкур соҳада таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини яратиш ишларидаги ислохотларни миллий қонунчиликни таҳлил қилиш орқали кўриб чиқамиз.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг ўрни хусусида сўз борганда, моҳиятан бизгача бўлган тадқиқотчиларнинг жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини мазмунан уч гуруҳга ажратиш борасидаги қарашларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга умумий асосларини белгилаб берувчи конституциявий асосларини, иккинчи гуруҳга, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи институтларининг фаолиятига оид қонун ҳужжатларини киритиш, учинчи гуруҳга бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган, жамоатчилик назоратига бевосита оид нормаларни ажратиш мумкин.

Конституциянинг 32-моддаси жамоатчилик назорати институтининг конституциявий асосларини эътироф этган, унга асосан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва

такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади».

Шунингдек, Конституциямизнинг 35-моддасида, «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни мазкур модда фуқароларнинг давлат органлари фаолияти юзасидан фуқаролик назоратининг ҳуқуқий асосларини ўзида ифодалайди.

Жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланувчи жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситалар жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни ва роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга, шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ушбу институтларга дахлдор муҳим қоида, қоялар мустаҳкамланган нормалар етарлича ўз аксини топган.

Жамоатчилик назоратига оид ҳуқуқий асосларни белгиловчи қонун ҳужжатларининг иккинчи гуруҳи жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларда субъектларнинг жамоатчилик назоратини олиб бориши бўйича ваколатлари мустаҳкамланган.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ўзида ифодалаган иккинчи гуруҳга кирувчи қонунлар ичида Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги қонуни (2019) алоҳида ўрин тутиб, мазкур қонунда жамоатчилик назоратини олиб боришнинг механизми ҳам кўрсатилган.

Қонунчилик таҳлили шуни кўрсатдики, жамоатчилик назорати субъектларнинг фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликда қасаба уюшмалари тўғрисидаги қонундаги каби жамоатчилик назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий механизми ва амалга ошириш услубиёти назарда тутилмаган.

Жамоатчилик назоратининг Конституцияда назарда тутилган ривожланириш нуқтаи назаридан, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунига субъектларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишга имкон берувчи механизмларни батафсил тартибга солувчи нормаларни киритишни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарур.

Жамоатчилик назорати институти қонунчилигининг учинчи гуруҳига турли мазмун ва юридик кучга эга бўлган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари киради. Мазкур манбаларда тегишли субъектларнинг ёки тегишли масала бўйича жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши ҳақида бирон-бир

махсус норма мустаҳкамланмаган, жамоатчилик назоратни олиб бориш тартиби кўпинча кўрсатилмаган. Бошқача қилиб айтганда, жамоатчилик назоратига оид нормалар ушбу қонун ҳужжатларида ҳануз “сочилган” ҳолда мавжуд.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг мазмуни ва шаклини таҳлил этиш давомида шуни алоҳида қайд этиш керакки, маълум бир соҳада ёки муайян бир масала бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид махсус қонун ости ҳужжати қабул қилиш амалиёти ҳам шаклланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳам буни исботлайди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бевосита жамоатчилик назорати ва уни амалга ошириш тартиби ҳақида қоидалар мустаҳкамланган. Масалан, «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига асосан давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги вазифа ва функцияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаат ларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

- давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Жамоатчилик назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида» ги қонунининг 5-моддасида давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий принциплари мустаҳкамланган. Жамоатчилик назоратининг демократик принциплар негизида амалга оширилиши, бир томондан, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига ўз ваколатлари, ҳуқуқий мақоми доирасида ҳаракатланиш имконини берса, иккинчи томондан тенг, эркин ҳамда қонун асосида фаолият юритишини кафолатлайди.

Жамоатчилик назорати субъектининг ёхуд уни амалга оширишга жалб қилинган мутахассиснинг жамоатчилик назоратини амалга оширишида

манфаатлар тўқнашуви юз берса, жамоатчилик назоратини амалга оширишга йўл қўйилмаслиги лозим. Таклиф этилаётган принципнинг қонунлаштирилиши ва амалиётга жорий этилиши жамоатчилик назоратининг янада таъсирчан ва самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

Коррупцияга қарши жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик эшитувини ташкил этиш ва амалга ошириш механизмлари.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш мураккаб кўп босқичли тизим сифатида нафақат катта ресурсларни, балки турли давлат ва жамоатчилик тузилмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини талаб этади.

Коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик муҳокамасини ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида коррупциянинг олдини олувчи профилактик чора сифатида янада кенгайтириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ушбу масалада «Айни вақтда жамоатчилик назорати «бир томонлама восита»га айланиб қолмаслиги керак. Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, ҳолис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт», деб таъкидлади.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорликнинг мустақил шакли сифатида жамоатчилик муҳокамасини қонун чиқарувчи ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш сифатида белгилаган. Бироқ бугунги кунда жамоатчилик муҳокамасини жамоатчилик назорати шакли сифатида фаолиятнинг бошқа соҳаларида, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширилиши соҳасида ташкил этиш масалалари қонун чиқарувчининг диққат марказидан четда қолмоқда.

Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида фуқароларнинг ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши ҳамда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида» ги қонунида харид қилиш тартиб таомиллари устидан жамоатчилик назорати очиқлик ва шаффофлик принципларини рўёбга чиқариш воситаси сифатида қайд этилган.

Мазкур омиллар ва тадқиқотнинг олдинги қисмларида баён қилинган сабабларга асосан жамоатчилик муҳокамаси институтини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш воситаси сифатида илмий тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунига асосан ҳам давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олувчи чора-тадбирлар жумласига

давлат органлари ва мансабдор шахслари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунига асосан «жамоатчилик муҳокамаси» – ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилишдир. Шу билан бирга қонунчилик таҳлилида «жамоатчилик муҳокамаси» тушунчасини белгилашда баъзида «умумхалқ муҳокамаси» ёки «оммавий муҳокама» сўз бирикмалари билан атайдиган бошқа ёндашувларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ қонунларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкинлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунига асосан эса қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига доир тадбирларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида ташкил этишлари назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев қонун ижодкорлиги жараёнидаги жамоатчилик муҳокамасининг истиқболига тўхталар экан қуйидагиларни таъкидлайдилар, «Қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаяпти. Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғири енгил бўлди, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал бўлди, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизиқмаяпти. Шунинг учун ҳам қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим — аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблайман».

Белгиланган мақсадларга эришишда амалга оширилган чора-тадбирлар жумласига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг электрон версиясини умумхалқ муҳокамаси учун Ягона электрон тизимда жойлаштириш тартиби кўрсатилди.

Жамоатчилик муҳокамасининг жамоатчилик назоратининг шакли сифатида батафсил кўриб чиқиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш мазкур институтнинг таркибини ҳуқуқий таҳлилдан ўтказиш талаб қилади. Бунинг учун жамоатчилик муҳокамасини ташкил этилиши ва амалга оширилишида асосий таркибий элементларни ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур институтнинг таркибий элементлари қаторига жамоатчилик муҳокамасининг объекти, предмети ва мақсадлари, шунингдек мазкур фаолиятнинг тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалалар киради.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамоатчилик муҳокамасининг асосий объекти қуйидагилардир:

- давлат органлари ва муассалари (кейинги ўринларда давлат органлари)нинг ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга доир фаолияти;

- давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга доир фаолияти;

- давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга доир фаолияти;

- давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг давлат хизматларини кўрсатишга доир фаолияти;

- давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти.

Жамоатчилик назорати шакли сифатида жамоатчилик муҳокамаси предмети икки йўналиш билан чекланади: ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни оммавий муҳокама қилиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш.

Ҳозирги кунда ўтказилаётган жамоатчилик назоратининг амалиёти шунини кўрсатадики, жамоатчилик муҳокамасининг предметида кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларни оммавий муҳокама қилиш кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик муҳокамаси ўтказилишининг механизми алоҳида норматив ҳужжатларда белгиланган бўлиб, бу соҳадаги муҳокама янгилик эмас. Жумладан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ўзга ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилиши қайд этилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан 2015 йил 1 январдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун умумлаштириш ва кўриб чиқиш фаолияти орқали электрон жамоатчилик муҳокамасини ўтказишнинг амалиёти йўлга қўйилган.

Низомга асосан тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолашнинг мақсади ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган ёки жорий этишга шароит яратадиган қоидаларни аниқлаш ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармонида мувофиқ қонун ҳужжатларини тадбиркорлик фаолияти субъектларига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсирини баҳолаш учун яхлит илмий, назарий ва услубий методологияни ишлаб чиқиш белгиланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мумкин бўлган оқибатларини коррупцияга қарши курашиш нуқтаи назаридан кенг қамровли баҳолаш ва барвақт прогноз қилишга тўқинлик қиладиган қатор салбий омиллар мавжуд:

биринчидан, амалдаги тизимга асосан кенг жамоатчилик билан қайта алоқа механизмини ҳуқуқий тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқлар муҳокама қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига доир таклифлар тўлиқ инobatга олинмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида 2020 йил апрель ҳолатига кўра 6100дан кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат муҳокама қилинган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга муҳокамаси юзасидан бирдирилган таклифлар сони 27562 тани ташкил қилиб, мазкур таклифлардан 1547 тасига жавоб берилган, ўз навбатида жавоб берилмаган таклифлар сони 26015 тани ҳосил қилган.

иккинчидан, лойиҳалар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бюджетига, аҳолининг даромад ва харажатларига, шунингдек, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятга коррупцияга қарши таъсирини баҳолашнинг ягона методологияси ишлаб чиқилмаган. Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек ушбу соҳани тартибга солувчи ҳужжатлар қонун ости характерида бўлиб, муаммоларга тизимли ёндашишга имконини бермайди, боз устига бу борада идоравий баҳолаш кенг тус олмоқда.

учинчидан, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда лойиҳалар ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мумкин бўлган фойда ва харажатни баҳолаш бўйича ягона ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги ушбу соҳадаги тадбирларни самарали амалга оширишга тўқинлик қилмоқда. (Мисол учун бу борада Буюк Британияда – ҳукумат ҳузурида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш қўмитаси, Швецияда – тартибга солишни яхшилаш Кенгаши, Россияда Иқтисодий ривожланиш вазирлиги тартибга солиш таъсирини баҳолаш департаменти фаолият олиб боради).

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш (Швеция, Буюк Британия, Нидерландия, Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва бошқалар) ҚХТСТБ тизими таҳлили шуни кўрсатадики, амалдаги ва қабул қилинадиган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятга баҳолаш учун ягона методология асосида амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари қонунларда ортиқча тартибга солишга олиб келувчи ҳаволаки нормалар ҳажмининг кўплиги, яъни ижтимоий муносабатларни асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши, қонун ҳужжатларининг амал қилиш муддатлари қисқарганлиги, яъни айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганига бир-икки йилдан кўп бўлмаган муддатда янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқиладигани ҳамда амалдаги қонун ҳужжатининг бекор бўлиш ҳолатларининг кўпайганлиги, қонун ҳужжатларининг ижросини таъминламаслик ҳолатлари, яъни ҳуқуқий норманинг ижро этиш механизмларидаги бўшлиқлар, масалан Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда жамоатчилик экспертизаси назарда тутилган бўлиб, бундай экспертизани ўтказиш тартиби ва усуллари берилмаганлиги каби муаммолар ҚҲТСТБни такомиллаштириш зарурияти долзарб эканлигини намоён қилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мазкур соҳада қуйидаги ислохотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар учун харажатлар ва имтиёзларни, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолашни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқишни назарда тутувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан жорий қилиш;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул ваколатли органни аниқлаш, яъни қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг алоҳида институционал тузилмасини ташкил қилиш;

учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив таъсирини баҳолаш босқичларини аниқлаш;

тўртинчидан, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини уларни қабул қилувчи органларга киритишда мажбурий тартибда лойиҳалар юзасидан тартибга солиш таъсири баҳоланганлиги тўғрисидаги хулоса илова қилишни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш таклиф этилади.

Пировард натижада мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг такомиллашуви норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини мажбурий баҳолаш турларини аниқлаб беради, норма ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик муҳокамасининг самарали шакллари қўллаш ҳамда аҳоли, юридик шахслар ва фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш амалиётини кенгайтиради.

Бугунги кунда нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, балки давлат органларининг бошқа қарорлари устидан ҳам оммавий жамоатчилик муҳокамасини жорий қилиш фурсати етди.

Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ-4551-сон «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий

маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2020 йил 1 мартдан бошлаб аҳоли масканларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш шунингдек, уларда комплекс қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга оид қарорларни дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тартибини жорий этиш белгиланди. Кейинги вазифа мазкур ғояларни ҳаётга тадбиқ қилишга мўлжалланган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик муҳокамасининг таркибий тузилишини муҳокама қилиш қуйидагиларни таъкидлаш имконини берди:

биринчидан, мазкур соҳада жамоатчилик назорати бу манфаатдор шахслар (жумладан, давлат органлари, фуқаролик жамияти, фуқаролар) томонидан энг муҳим масалалар, жумладан коррупцияга қарши давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш самарадорлигини ошириш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамиятинининг кенг эътиборини жалб этиш ҳисобланади;

иккинчидан, юқоридаги таҳлил шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашиш масалаларида жамоатчилик муҳокамаси амалиёти тўлиқ ва мунтазам йўлга қўйилмаган. Тан олиш мумкинки, бунинг сабаблари бир-бири билан ўзаро боғланган ташкилий-ҳуқуқий чоралар билан асосланганки, бу коррупция қарши курашишда фуқаролик жамияти иштирокининг сустлиги ёхуд коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш ва амалга ошириш ҳуқуқий механизмининг йўқлиги билан изоҳланади;

учинчидан, коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик муҳокамасини жамоатчилик назорати шакли сифатида фойдаланиш имкониятини тадқиқ қилувчи илмий изланишларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотнинг олдинги қисмларидаги хорижий тажрибани таҳлили – коррупциянинг олдини олиш мазмунидаги жамоатчилик эшитувлари жамоатчилик назоратининг кенг тарқалган шаклидан бири ҳисобланади. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик ва илмий манбаларга асосан жамоатчилик эшитувининг мақбул юридик таърифи учрамайди. Коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида ягона тартиб таомилларнинг механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги қонунчиликдаги мазкур бўшлиқларнинг тўлдирилишини талаб қилади.

Таъкидлаш лозим, кўриб чиқилган жамоатчилик муҳокамасининг аксарият масалалари жамоатчилик эшитувларига ҳам бирдек тааллуқли бўлганлиги боис, жамоатчилик назорати шакллариининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро фарқларидан келиб чиқиб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жамоатчилик эшитуви – бу давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш ҳисобланади. Демак, жамоатчилик эшитувининг таркибий элементларини қуйидагилар:

биринчидан, жамоатчилик эшитуви фақат давлат органларининг, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этилади;

иккинчидан, жамоатчилик эшитувини НТТ, фуқароларнинг ўзи ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин. Муҳокама қилинаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши белгиланган, аммо «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасидаги жамоатчилик назорати субъектлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эканликлари ҳақидаги норма барча шахсларнинг шу жумладан, хорижий фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жамоатчилик эшитуви субъекти бўла олмаслигини англатади;

учинчидан, жамоатчилик эшитуви предметиға ижтимоий аҳамиятға эға бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш киради.

Кўришимиз мумкинки, амалдаги қонунчиликда жамоатчилик эшитуви нинг ҳуқуқий тушунчасида зиддиятлар етарли бўлиб, бу эса тегишли ўзгартиришларни талаб қилади, умид қиламизки бу масалалар яқин орада мазкур соҳанинг мутахассислари ёрдамида ечимини топиши лозим.

Коррупцияға қарши жамоатчилик эшитувининг ташкилотчилари бир вақтнинг ўзида жамоатчилик назорати субъектлари ҳамда коррупцияға қарши курашиш субъектлари бўлиши мумкин. Коррупцияға қарши курашиш фаолияти самарадорлигини ошириш муаммолари унинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Жамоатчилик эшитувининг ўтказилиш тартиб-таомиллари хусусида сўз борганда қонун чиқарувчи жамоатчилик эшитуви ташкилотчисига жамоатчилик эшитувиға киритиладиган масалалар, эшитувни ўтказиш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилиш мажбурияти ҳақидаги декларатив нормани мустаҳкамлаган.

Бироқ, қонун чиқарувчи жамоатчилик эшитуви предмети доирасидаги масалалар билан жамоатчилик назорати субъектларининг танишиши учун муддатни белгиламаган. Шунинг учун жамоатчилик эшитуви масалалари эълон қилингандан уни ўтказилиш бошлангунга қадар оралиқ муддатни, жамоатчилик эшитуви ўтказилиши муддатини, жамоатчилик эшитуви яқунлари бўйича яқуний ҳужжатнинг тайёрланиш муддатини ҳамда унинг эълон қилиниши муддатини қонунчиликда белгилаш мақсадға мувофиқдир.

Коррупция қарши курашиш масалалари бўйича жамоатчилик эшитувини эълон қилиш ва уни ўтказиш ўртасидаги муддат, бизнинг фикримизча бир ойни ташкил этмоғи лозим. Бу коррупцияға қарши дастурларнинг катта ҳажмдаги ҳужжатлар эканлиги билан изоҳланадики. Шунингдек, муддат билан боғлиқ қуйидаги таклифларни илгари сурамиз, жамоатчилик эшитувини ўтказиш муддати бир ишчи кунидан ошмаслиги лозим.

Жамоатчилик эшитуви соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган П.А.Кабанов фикриға кўра жамоатчилик эшитуви натижаси яқуни бўйича

якуний ҳужжат ташкилотчи томонидан тузиладиган баённома ҳисобланади. Баённомада жамоатчилик эшитуви бориши хусусидаги умумий маълумотлар қамраб олинган бўлиши, шу жумладан иштирокчиларнинг фикри, тушган таклиф ва мурожаатлар, кўпчилик иштирокчилар томонидан маъқулланган маслаҳатлар қайд этилган бўлиши лозим. Ташкилотчи томонидан якуний ҳужжатни ҳужжатни тайёрлаш муддати бир ҳафтадан ошмаслиги жоиз.

Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади. Жамоатчилик эшитуви якуний ҳужжати тайёрланган вақтдан бошлаб кўриб чиқиш учун давлат органи ёки манфаатдор шахсга тақдим этилиш муддати тайёрланган вақтдан бошлаб уч кундан ошмаслиги жоиз. Ваниҳоят, жамоатчилик эшитуви натижаларини кўриб чиқиш муддати тақдим этилган вақтдан бошлаб бир ойдан ошмаган муддатни ташкил этиши лозим.

Коррупцияга қарши курашиш масаларида жамоатчилик эшитувини ташкил этиш ва амалга оширишнинг асосини тартиб-таомиллар, моддий-техник, ахборот ва технологик таъминлашга бўлади. Унинг фикрича, жамоатчилик эшитувини тайёрлаш давомида одатда уни ўтказишга салоҳиятли бўлган ташаббускор гуруҳни ташкил қилиш зарур. Келгусида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича жамоатчилик эшитувини ўтказишни тартибга солувчи ҳуқуқни қўлловчи ҳужжат ишлаб чиқилишида қуйидаги қоидалар акс этиши лозим:

а) коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича жамоатчилик эшитувининг асосий мақсадлари; б) жамоатчилик эшитуви ташкилотчиси ва ҳужжатнинг ижрочиси; с) ўтказиш санаси, жойи ва бошланиш вақти; д) жамоатчилик эшитуви натижалари юзасидан якуний ҳужжатни тайёрлаш ва давлат органларига, ташкилотчиларга ҳамда оммавий ахборот воситарига тақдим этиш муддатлари.

Айнан ваколатли орган жамоатчилик эшитувида масалаларни муҳокама қилиш учун коррупцияга қарши курашиш борасида махсус билимларга эга бўлган экспертларнинг рўйхатини белгилайди, уларга жамоатчилик эшитувида кўриб чиқиладиган масалалар ҳақида таклиф ва тавсияларни билдириши учун мурожаатлар юборади. Ваколатли орган жамоатчилик эшитуви бошлангунига қадар жамоатчилик эшитуви ташкилотчисига у билан боғлиқ бўлган ёзма, электрон ва бошқа материалларни қабул қилиб, рўйхатга олади, уларни таҳлил қилади, уларга шарҳ тайёрлайди, шахсларнинг жамоатчилик эшитуви билан боғлиқ мурожаатларига жавоб беради. Мазкур орган жамоатчилик эшитуви ўтказиладиган жойни текширади, ўтказилиш жойини бундай тадбирларнинг ўтказилиши учун мос бўлган талабларга мувофиқлаштиради. Шунингдек ваколатли орган жамоатчилик эшитуви модераторини, регламентини, якунини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Жамоатчилик эшитуви ўтказиладиган кун ваколатли орган иштирокчиларнинг рўйхатга олинишини таъминлайди, уларга коррупцияга қарши курашишга оид зарур қўшимча материалларни тақдим этади, жамоатчилик эшитувининг стенограммасини олиб боради. Ваколатли орган жамоатчилик эшитуви натижалари бўйича якуний ҳужжат баённомани

тайёрлайди. Жамоатчилик эшитуви якунларига оид алоҳида ҳужжат сифатида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган хулоса тузилиши мумкин.

Ваколатли орган томонидан мазкур тартибда расмийлаштирилган якуний ҳужжатлар жамоатчилик эшитуви ташкилотчисига оммавий ахборот воситалари ва “Интернет” бутунжаҳон тармоғига жойлаштириш учун қонунда белгиланган муддатларда тақдим қилинади. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўтказилган жамоатчилик эшитувининг якуний ҳужжатини қабул қилгач давлат органлари жамият билан қайта алоқани йўлга қўйиш учун ҳужжатни мажбурий тартибда кўриб чиқишлари ва унинг натижаси бўйича ёзма равишда жавоб қайтаришлари мажбуриятини юклаши зарур.

Коррупцияга қарши жамоатчилик мониторинги ва жамоатчилик экспертизани ташкил этиш ва амалга ошириш механизмлари.

Хорижда нодавлат ташкилотларнинг мониторинги инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит ва бошқа соҳаларда ислоҳотларнинг мақсадларига эришишда фойдаланадиган асосий воситасидан бири ҳисобланади. Мониторинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳам тобора кўпроқ қўлланилаётган восита бўлиб, амалдаги коррупция қарши тизимларининг ҳақиқий ҳолатини баҳолайди ҳамда вақт ўтиши билан мавжуд коррупция хавф-хатарларни мунтазам равишда акс эттириши хусусияти эга бўлиши мумкин.

Миллий қонунчиликда давлат органлари ва улар мансабдор шахсларнинг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторинги деб таърифланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида мазкур масалаларга алоҳида тўхталиб, «Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади».

Мониторинг услубиёти асосан инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиб, тизимга солинганлиги боис улар томонидан чоп этилган мониторинг таърифига тўхталиш жоиздир: «Мониторинг - бу муайян вазиятда ёки алоҳида ҳолатда ниманинг нотўғри эканлигини аниқлаш учун амалга ошириладиган фаолият.

Қуйидагилар мониторинг хусусиятларини акс эттиради: узоқ вақт давомида амалга оширилади; иложи борича кўпроқ маълумотарни тўплаш ёки олишни ўз ичига олади; бу доимий ёки даврий текширув ёхуд воқеаларни ҳужжатлаштириш орқали вазиятни диққат билан кузатишни англатади; вазиятнинг нотўғри эканлигини аниқлаш учун стандартлар ёки нормалар маълумот сифатида ишлатилади; мазкур жараёнда бошқа воситалардан ҳам фойдаланилади; мониторинг натижаси маҳсули одатда вазият ҳақида ҳисоботдир; ҳисобот келгусидаги ҳаракатлар учун асос бўлган вазиятни баҳолашни ўз ичига олади».

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида мониторингнинг аҳамиятига тўхталар экан, хорижий муаллиф Р.Холловей қуйидагиларни таъкидлайди, ҳар қандай коррупциявий ҳолатларда воқеликнинг асл моҳияти кўпинча яширин ва махфий бўлади. Шунинг учун кимдир «эшикни очишга уриниб кўриши, деразадан қараши», қасддан яширилган ва беркитилган моҳиятни тушуниши учун ишлаши керак ва мазкур шахс ёки ташкилот мониторингни амалга оширади.

Муаллиф, шунингдек коррупция қарши мониторинг ҳукуматнинг ўзи орқали коррупцияга қарши курашиш учун сиёсий ирода мавжуд бўлган ва расмий кузатув агентликларига ишонадиган мамлакатларда ўтказилади. Давлатнинг Аудит идораси, Омбудсман ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус комиссиялар (шунингдек бошқа кузатув агентликлари) каби мустақил идоралар коррупцияни мониторинг қилишда ваколатли бўлиши ва нодавлат ташкилотларининг иттифоқчилари бўлиши мумкин, деб таъкидлайди.

Бироқ, мониторингнинг ўзи коррупция хавф-хатарлардан холи эмас, бошқа қатор соҳаларда бўлгани каби ҳукумат ва халқаро институтлар томонидан амалга ошириладиган мониторинг етарли бўлмаслигининг кучли сабаблари ҳам мавжуд. Жамоатчилик мониторинги ҳукумат яширишни истаган нарсаларни фош этса, ҳукуматлар коррупция ва унга қарши фаолиятни мониторинг қилиш натижаларини сохталаштиришда ўзига хос имтиёзларга эга бўлиши тахмин қилинади. Шунингдек халқаро ташкилотлар, хусусан икки томонлама ташкилотлар, муайян сабабларга кўра ўзларининг иттифоқчилари бўлган мамлакат муаммоларини фош қилмаслик учун кучли стратегик сабабларга эга бўлиши мумкин. Булардан ташқари халқаро мониторинг бўйича ҳаракатлар кўлами ва ресурслар чекланганлиги боис маҳаллий даражада тўлиқ кириш имкони йўқ, миллий ёки маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда НТТ) каби чуқур тадқиқот олиб бориши ҳам даргумондир.

Демак мазкур сабабларга кўра коррупцияга қарши мониторинг НТТ учун муҳим фаолият ҳисобланади. НТТ бир қатор соҳаларда – сайловлар, ер ажратиш, капитал қурилиш ва таъмирлаш, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат ва хусусий муассасалар фаолиятини мониторинг қилади. Ҳар бир мониторинг ҳаракатларининг муайян мақсади ҳар хил бўлиши мумкин, аммо концептуал жиҳатдан аниқ бўлиши муҳимдир, бугунги кунда коррупцияга қарши жамоатчилик мониторинги мақсад ва вазифалари қуйидагилардир:

- давлат хизматчилари ёки бошқа ташкилотлар (масалан, сиёсий партия) томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, хусусан, активларни декларация қилиш бўйича мажбуриятларининг бажарилишини кузатиб бориш.

- мунтазам равишда коррупция даражаси юқори бўлган соҳада омил ва хавф-хатарларни аниқлаш, улардан коррупцияга қарши сиёсатни шакллантиришда ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам бериш.

«коррупцияга қарши давлат сиёсатининг жамоатчилик мониторинги» ёки илмий адабиётларда хорижий адабиётларда ишлатилаётган «коррупцияга қарши жамоатчилик мониторинги» моҳиятан айнан бир хил маъноларни англатади. Мазкур жамоатчилик мониторинги объектини давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолияти ташкил этади. Предметини эса кўйидагилар билан характерланадиган кўрсаткичлар ташкил этади:

а) давлат органлари ва муассасаларида, шунингдек хўжалик бошқаруви органларида коррупция ва унинг алоҳида кўринишларининг ҳолати;

б) коррупциянинг сабаблари (коррупциоген омиллар);

с) коррупция қарши курашиш фаолияти натижаларнинг самарадорлиги.

Коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик мониторинги асосий мақсади коррупция ва унинг алоҳида кўринишлари ҳолати, коррупциянинг сабаблари ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигининг ҳолис (объектив) баҳоси (диагностикаси) ҳисобланади.

Коррупцияга қарши давлат сиёсатининг жамоатчилик мониторинги субъектлари коррупцияга қарши курашиш сиёсати иштирокчилари бўлган етарли ресурсга эга фуқаролик жамияти бўлади. Булар тоифасига оммавий ахборот воситалари, жамоат бирлашмалари (фондлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ҳақаратлар), сиёсий партиялар, бизнес ҳамжамияти киради.

Коррупцияга қарши жамоатчилик мониторингининг миқдор ва сифат жиҳатидан кўрсаткичлари давлат органларининг расмий статистик маълумотлари, шунингдек тан олинган технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзининг коррупцияга қарши кураш бўйича ўлчовларини амалга ошириши, қайта ишлаш ва шарҳлашига асосланиши керак. Мазкур ҳолатда, мутахассисларнинг таъкидлашича, жамоатчилик мониторингига нафақат фаолиятнинг ишлаш кўрсаткичларига асосланиши керак, балки коррупцияга қарши курашиш жараёнида яратилган ҳужжатлар (қарорлар) ни ўрганиши лозим (масалан, коррупцияга қарши органлар (комиссия) йиғилишларининг баённомалари).

Жамоатчиликнинг коррупцияга қарши мониторинги учун давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари расмий хатти-ҳаракатлари ва манфаатлар тўқнашувларини ҳал этиш бўйича комиссия ларнинг ҳужжат ва қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу баённома ва қарорлардан комиссиялар томонидан давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши учун қўлланилган интизомий жавобгарликнинг самарадорлигини баҳолаш мумкин. Мазкур давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳузуридаги комиссия ҳужжатларининг коррупцияга қарши мониторингини амалга ошириш механизмлари аллақачон ишлаб чиқилиб, хорижий илмий тадқиқотларда қўлланилмоқда.

Коррупцияга қарши жамоатчилик мониторингининг мазмуни таҳлили асосида бизнинг фикримизча, жамоатчилик назоратининг шакли сифатида коррупцияга қарши жамоатчилик мониторинги бу – коррупция ҳолатини ёки унинг айрим турларини, коррупция сабабларини (коррупция омиллари) ва давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашнинг

самарадорлигини баҳолаш бўйича жамоатчилик назорати субъектлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқадиган протцессуал ва технологик ҳужжатларга (қоидалар, тартиб ёки усуллар) мувофиқ ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган профессионал фаолиятдир.

Ҳозирги кунда афсуски, мамлакатимизда коррупцияга қарши мониторинг махсус қонун ҳужжатларида белгиланмаган, шунга қарамай бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мониторинг ўтказилиши қайд этилган бўлсада, лекин уни ташкил этиш, ўтказиш ва ундан фойдаланиш тартибини батафсил баён қиладиган ҳужжат ҳануз ишлаб чиқилмаган.

Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Намунавий низомга асосан давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳатто коррупцияга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқувчи халқаро ҳужжатларда коррупцияга қарши жамоатчилик мониторинги давлат ҳокимияти органлари томонидан мунтазам равишда олиб бориладиган расмий коррупцияга қарши мониторингга қўшимча ҳисобланиши борасидаги йўналишлар ҳам йўқ эмас. Аммо коррупцияга қарши сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда малакали, холис ҳамда объектив олиб борилган жамоатчилик мониторинги натижаларидан давлат органларининг фойдаланилиши бугунги кунда заруратга айланмоқда.

Жамоатчиликнинг коррупцияга қарши мониторингини ташкил этиш ва ўтказишда кадрлар масаласи муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг учун фуқаролик жамияти институтлари вакилларини узлуксиз (қўшимча) касбий таълим дастурларида махсус тайёргарликдан ўтказишни талаб этади. Фуқаролик жамияти институти вакилларининг бундай таълимидан асосий мақсад уларнинг коррупцияга қарши курашишда касбий маҳоратини оширишдир, акс ҳолда давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ҳокимияти органлари вакиллари эътиборини жалб қиладиган, юқори сифатли яқуний ҳужжатларни тайёрлаш қийиндир.

Жамоатчилик назоратининг жамоатчилик экспертизаси шакли ҳам коррупцияга қарши профилактик чора воситаси сифатида қўлланилади. Миллий қонунчиликда норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси коррупциянинг олдини олишга қаратилган восита сифатида кўрилган бўлса, жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликка биноан жамоатчилик экспертизаси – норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорларлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир. Шунингдек, жамоатчилик экспертизаси нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ўтказиши мумкин эканлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунида акс этган барча қоидаларни ҳам тўлиқ асосга эга, деб бўлмайди. Масалан, Қонунда жамоатчилик экспертизасининг предмети сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларининг белгиланишини ижобий баҳолаш мумкин бўлсада, аммо ҳозирги кун эҳтиёжлардан келиб чиқиб, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам такомиллаштириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан экспертиза предметиға киритиш нуқтаи назаридан ушбу мазмунда қонунчиликка қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур Қонунда жамоатчилик экспертизаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ўтказилиши мумкинлиги назарда тутилганиға эътибор қаратиш зарур. Ҳолбуки, Қонунда жамоатчилик экспертизасини ўтказишнинг барча ҳолатларини белгилаш қийин масаладир. Бироқ ушбу экспертизанинг турларини, уни ўтказишға оид талаб ва ўтказиш тартиботини назарда тутиш мумкин. Шу боис ушбу ўринда «жамоатчилик экспертизасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин» лиги ҳақидаги норма билан ўзгартирилиши мақсадга мувофиқдир.

Коррупцияға қарши жамоатчилик экспертизанинг предметиға ҳуқуқни қўлловчиларға асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларға ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, шунингдек ҳуқуқни тартибға солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган лойиҳаларнинг нормалари ташкил этади. Мақсади коррупцияға қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилмаслик оқибатида давлат ҳокимияти органлари фаолиятида коррупция омилларини излаш ва уларни ҳал этиш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мазкур турдаги экспертиза субъектларни асосан жамоатчилик назорати органлари томонидан ваколат берилган малакали мутахассислар ташкил этади. Коррупцияға қарши жамоатчилик экспертизасини ўтказишда иштирок этувчи бундай мутахассиснинг малака мезонлари сифатида қуйидагилар кўриб чиқилиши мумкин: коррупцияға қарши қўшимча таълим ёки олий ўқув юртидан кейинги касбий таълим мавжудлиги; коррупцияға қарши кураш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳуқуқ ижодкорлиги тажрибаси; юридик, коррупцияға қарши, криминологик ва бошқа турдаги ҳуқуқий экспертизаларини ўтказиш тажрибаси; коррупцияға қарши кураш бўйича илмий, услубий ва бошқа нашрларининг мавжудлиги.

Фикримизча, жамоатчилик назорати шакли сифатида коррупцияға қарши жамоатчилик экспертизаси — давлат ҳокимияти органларида коррупцияға қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлиги сабабли юзаға келган коррупцион омиллар ва уларни бартараф этиш бўйича бўйича жамоатчилик назорати субъектлари томонидан ташкил этиладиган тартиб таомилларға мувофиқ амалға ошириладиган ваколатли мутахассислар фаолиятидир.

Жамоатчилик мониторинги ҳамда жамоатчилик экспертизаси мазмунини коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назорати воситаси сифатида кўриб чиқишни яқунлаб, қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

биринчидан, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги жамоатчилик назорати воситаси сифатида мазкур институтлар замонавий фанларда кам ўрганилган муаммодир;

иккинчидан, коррупцияга қарши курашга қаратилган жамоатчилик мониторинги ҳамда экспертизаси профессионал фаолиятнинг кам қўлланиладиган тури ҳисобланади, бу ундан фойдаланиш яъни амалга ошириш учун ягона тартиб-таомиллар, шунингдек, уни самарали бажаришга қодир бўлган мутахассислар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади;

учинчидан, жамоатчилик экспертизаси коррупцияга қарши кураш соҳасида экспертнинг махсус турига айланиши мумкин;

тўртинчидан, мамлакатимизнинг жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда, яқин келажакда жамоатчилик назорати шакли сифатида жамоатчилик мониторинги ҳамда экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишга қаратилган илмий изланишларга объектив эҳтиёж пайдо бўлишини тахмин қилишимиз мумкин.

Жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигининг муҳим омили айнан натижасига кўра тайёрланган хулоса ва унда ифодаланган ахборот, таклиф ва тавсияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда амалга ошириш мумкинлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши таъсирчан жамоатчилик назоратини жорий этиш ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги асосий вазифа, функция ва ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаган эди. Низомга асосан, жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилиши, ўз ишини жамоатчилик асосида олиб бориши ҳамда доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиши, унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эгаллиги назарда тутилган.

Бироқ мазкур нормаларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши суст кечмоқда, орадан қарийб икки йил ўтяптики, давлат органлари ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгашларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаолияти бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилмапти. Соҳа ривожига масъул этиб тайинланган ташкилотлар томонидан олиб борилган мониторинг ишлари ва таҳлиллар натижаси мазкур жамоатчилик ишлари аксарият ҳолларда номигагина, расмийлик учун фақат қоғозда ташкил этилгани, реал ҳаётда уларнинг ўрни ва роли деярли сезилмаётганидан далолат бермоқда.

Ваҳоланки, «Жамоатчилик назорати тўғрисида» ги Қонун ижросини таъминлашда давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадор бўлиши долзарб аҳамиятга эга.

Фикримизча, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаш ларининг коррупция қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги муаммолари қуйидагилардир:

биринчидан, жамоатчилик кенгашларининг бошқаруви (аппарати) мавжуд эмас ҳамда жамоатчилик кенгаши аъзоларининг коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда маҳорати етарли бўлмаганлиги билан боғлиқ муаммолар.

иккинчидан, жамоатчилик кенгашларининг тавсияларни бажаришга мажбурловчи механизмлар мавжуд эмас, давлат органи жамоатчилик кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юбориши назарда тутилган. Бироқ давлат органларининг мазкур эътирози асослантирилган ёки асоссизлигини аниқлаш имконини берувчи норма назарда тутилмаган.

Ушбу ҳолатда «дискрецион» ҳолатни юзага келтириши натижада давлат органига жамоатчилик кенгашининг ўзига ноқулай бўлган ҳар қандай ҳаракатини бекор қилиш имконини беради.

Мазкур ҳолатда жамоатчилик кенгашлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки юқори турувчи назорат қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас, бунинг учун уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам мавжуд эмас, улар юридик шахс ҳисобланмайди.

Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда ваколат ва имкониятлари чекланган бўлиб, амалга оширилаётган ишлар жамоатчилик кенгаши аъзоларининг шахсий ҳаракатлари ва алоҳида обрўси натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида мазкур масалаларга алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидладилар, «Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади».

Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида» Фармонга асосан Жамоатчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини кучайтириш, уларга услубий ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш, «жамоатчилик эшитувви», «жамоатчилик экспертизаси», «жамоатчилик мониторинги» каби таъсирчан замонавий назорат шаклларини амалда жорий этиш белгиланди.

Шунингдек, кенг жамоатчилик фикри ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Тадқиқотнинг коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини ташкил этишда халқаро стандартлар ҳамда хорижий тажриба қисмида бу борадаги институционал ёндашувлар ва турли моделларнинг ҳуқуқий таҳлилини келтиргандик.

Бугунги кунда нодавлат ташкилотларни том маънода холис ҳамда мустақил фаолият олиб боришига йўналтириш мақсадида уларни рўйхатдан ўтказиш тизимини ислоҳ этиш, жумладан, рўйхатдан ўтишдаги коррупцион омилларни келтириб чиқарувчи коррупциоген нормаларни бартараф этиш муҳимдир:

Биринчидан, таъсис ҳужжатларини адлия органлари томонидан кўриб чиқиш муддати ариза берилган кундан бошлаб бир ойни ташкил этади. Унинг натижасига кўра рўйхатга олиш органи рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, адлия органлари бундай қарор қабул қилинганидан кейин 3 (уч) кун ичида аризага хабар беришлари шарт. Бунда рўйхатдан ўтказувчи органнинг биринчи рад этишдаёқ таъсис ҳужжатларидаги камчиликларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим қилувчи нормани назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали рўйхатга олишдаги асосиз кечикишларнинг олди олинади.

Иккинчидан, давлат рўйхатга олишни рад этиш учун асосларнинг ноаниқлиги; рўйхатга олиш органига «аризани кўриб чиқмасдан қолдиришга» рухсат берувчи нормалар, рўйхатга олиш органининг хоҳишига кўра рўйхатдан ўтиш учун ариза бошқа давлат органларига «экспертиза» учун юборилиши мумкинлигига имкон берувчи қатор нормаларни коррупцияга қарши экспертиза талабларига асосан кўриб чиқилишини талаб қилади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сонли қарори билан тасдиқланган низомнинг 19-моддасига асосан: «Рўйхатдан ўтказувчи орган зарур ҳолларда ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни тегишли ташкилотларга экспертизага юборишга ҳақлидир. Ҳужжатларни олган ташкилот йигирма кун ичида ўз фикрини тақдим қилиши шарт. Бироқ учинчи ташкилотлар томонидан ўтказиладиган экспертиза тартиб-таомилларни ёпиқ ва ноаниқ қилади, потенциал манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши хавфи мавжуд, чунки юқоридаги Низомнинг 19-моддасида ушбу «экспертизани» ўтказиш учун қайси ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари юборилиши аниқ кўрсатилмаган.

Учинчидан, келгусида тадбиркорлик субъектлари каби ННТларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказишни давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширишни назарда тутувчи ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Алоҳида таъкидлаш лозим сўнгги пайтларда жамоатчиликни давлат бошқаруви ва назорати жараёнларига жалб қилиш даражаси сезиларли даражада ошди. Диссертациянинг олдинги қисмларида жамоатчилик назорати шаклларида коррупцияга қарши курашишда восита сифатида фойдаланиш имкониятларини батафсил кўриб чиқдик, хусусан уларнинг аксарияти «кенг жамоатчилик» нинг бевосита иштироки учун мўлжалланмаганлиги сабабли

улар кенг миқёсда амалга оширилмаётганининг гувоҳи ҳам бўлдик. Бунинг асосий сабаблар орасида қуйидагиларни кўрсатишиз мумкин:

биринчидан, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги институтларини шакллантирган ҳолда, қонун чиқарувчи давлат органлари томонидан тасдиқланмайдиган вакилларини (яъни «тизимдан ташқаридаги шахслар») жалб қилишни чекловчи таассурот уйғотмоқда, шу билан бирга жамоатчиликнинг «кенг доираси» билан ўзаро таъсир механизмларини петицияларни шу жумладан, «Mening fikrim» жамоавий мурожаатлар портали орқали бериш, шунингдек давлат органларига мурожаат ва сўровлар юбориш имкониятига йўналтирилди. Ушбу омил аксарият ҳолларда жамоатчилик назоратининг тўғридан-тўғри бўлишига таъсир ўтказмай қолмадики, натижада вакиллик органлари томонидан амалга ошириладиган бошқа анъанавий назорат шаклларида яққол сезиларли фарқ кўзга ташланмади.

иккинчидан, «кенг жамоатчилик», шунингдек экспертлар ҳамжамияти ва йирик бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилиш воситалари ўзларининг функционал имкониятлари нуктаи назаридан фарқланмаган ва баъзи ҳолларда етарлича батафсил баён этилмаган.

учинчидан, давлат органларини у ёки бу шаклдаги жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга мажбурлайдиган механизмлар мавжуд эмаслиги, содда қилиб айтганда амалдаги жамоатчилик назоратининг ҳар қандай шакли маслаҳат ёхуд қабул қилинадиган қарорларнинг эксперт томонидан қўллаб-қувватлаш вазифасини бажаришга ўхшаб қолмоқдаки, давлат органлари томонидан кенг жамоатчилик ёки экспертлар ҳамжамияти илтимосига биноан ҳар қандай юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни мажбурий бажаришларини аниқлатмайди. Келажакда йўлга қўйилиши мўлжалланаётган Жамоатчилик палатаси билан келишилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қатъий турларининг ишлаб чиқилиши ҳам жамоатчилик вакилларининг овози тўлиқ ҳисобга олинишини қафолатламайди.

Бир томондан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳеч бирида «Mening fikrim»нинг самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган аниқ мезонлар белгиланмаган бўлса, бошқа томондан, агар амалдаги қонун ҳужжатларига реал ўзгартишлар киритилишига олиб келган мурожаатлар сонини асос қилиб олинса, порталдаги статистикага асосан 2018 йилдан (портал айнан шу йилда ташкил қилинган) буён барча жамоавий мурожаатлар сони 3730 тани ташкил этиб, шундан 9 та жамоавий ташаббус ўз тугал мақсадига эришган яъни мурожаат етарли имзо тўплаган ҳамда ваколатли орган томонидан кўриб чиқилган.

Демак, петиция орқали қонунчилик ташаббусларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти – уларни амалга ошириш истиқболлари нафақат давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, балки мурожаатга доир масала таалуқли бўлган ихтисослашган давлат органлари манфаатлари билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Шу тариқа жамоатчиликнинг назорат ишларида бевосита иштирок этиши, жумладан коррупцияга қарши курашишда жамият иштироки мезони ҳисобланган давлат бошқаруви соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқиш

жараёнидаги иштирокини халқаро стандарларга тўлиқ мувоқишлаштиришни талаб этилади.

Юқоридаги омиллар туфайли муайян муаммолар ҳақида жамоатчиликнинг ташвишларига эътибор бермаслик имкониятини истисно қиладиган, иккинчидан, давлат органларига манфаатдор томонларнинг турли гуруҳлари томонидан сиёсий ва ахборот босимининг механизмларини яратмайдиган жамоатчилик назоратининг янги шакллари излашни тақозо этади.

Мазкур муаммони ҳал қилиш имконини тақдим қилувчи воситалардан бири ривожланган хорижий мамлакатларда «жамоатчилик аудити» деб номланган петицияларни шакллантириш орқали давлат назорати органлари томонидан ўтказиладиган текширишларни режалаштириш жараёнларига таъсири учун имконият яратилиши зарур.

Ҳозирги кунга қадар назорат тадбирларини режалаштириш тизимида шахсларнинг мурожаатлари роли ҳам аниқ белгиланмаган. Бир томондан, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг мавжудлиги режалаштирилган назорат объектларини аниқлашда хавфга асосланган ёндашувнинг бир қисми сифатида ҳисобга олинishi, шунингдек режадан ташқари текширув учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ, бошқа томондан, назорат органлари турли сабабларга кўра, шу жумладан устувор аҳамиятга эга бўлган бошқа объектларнинг мавжудлиги сабабли уни текшириш режаси (режадан ташқари текшириш) га киритишни рад қилиш имкони мавжуд. Жамоатчилик аудитига асосан эса маълум миқдордаги мурожаатлар мавжуд бўлганда, назорат чораларини амалга оширишни рад этиш учун асослар қолмайди.

Жамоатчилик аудити институтининг ижобий тажрибасини Ж.Корея мисолида таҳлил қилиш мумкин. Мамлакатда 2009 йилдан Аудиторлик ва инспекция бошқармаси (кейинги ўринларда АІВ деб юритилади) ҳар йили ўз ташаббуси билан 150 дан ортиқ жамоатчилик аудитни режалаштиб ўтказди. Шунингдек, АІВ фуқаролар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, маҳаллий кенгашлар ёки АІВ томонидан текширилиши объектига кирувчи бюджет тузилмалари раҳбарлари томонидан сўралган 150 тадан 180 тагача сўровдан 20-30 тагача жамоатчилик аудитини ташкил этади.

АІВ ҳар йили Миллий Ассамблеяга унинг талабига биноан ўтказилган текширувлар тўғрисида ҳисоботни тақдим этади. Режалаштирилган аудитлар билан ўзаро таққослаганда, жамоатчилик ёки сўров бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви доираси торроқ йўналишга эга ва мазмунан мураккаб эмас.

Фуқароларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида сўровлари тизими хусусий эмас, балки жамоатчилик манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, марказий ҳамда маҳаллий мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини текшириш, шунингдек бюджетдаги йўқотишларни кузатишга қаратилган.

Сўровларнинг суистеъмол қилинишининг олдини олиш учун жамоатчилик аудитини камида 300 кишидан иборат гуруҳ ёки 300 дан ортиқ аъзоси бўлган фуқаролик жамияти ташкилоти талаб қилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган чеклаш, шунингдек аудит учун мавжуд ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган, чунки сўровни қабул қилишнинг барча ҳолатларида текширишларни ўтказиш имконсиз, шунингдек бюджет сектори тузилмаларига ортикча текширувдан тушадиган юкни камайтиришнинг имкони йўқ. Шундай бўлсада энг камида 300 фуқарога бўлган талаб ҳаддан ташқари чекловга эгами ёки йўқми деган масала очиқ қолмоқда.

Жамоатчилик аудити ўтказишга асос бўлувчи «жамоатчилик манфаати»нинг мезонлари куйидагилар: давлат сиёсати ва лойиҳаларини амалга оширишда бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш; сиёсат ёки лойиҳаларни амалга оширишни кечиктирадиган инсофсизлик хавфи; иш фаолиятини яхшилаш; жамоат манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи қонуннинг бузилиши ёки давлат ёки маҳаллий мансабдор шахсларининг коррупцияга оид ҳатти-ҳаракатлари. Маҳаллий кенгашлар сўровчи сифатида иш олиб бориб, унинг юрисдикциясига бевосита боғлиқ бўлган масалалар бўйича текширишни талаб қилиши ҳам мумкин.

Ж.Кореянинг Аудит ва инспекция бошқармасининг тажрибаси мисолида жамоатчилик аудити билан боғлиқ хавф-хатарлар оқилона бошқарилиши имкони мавжуд, аммо ушбу модел ҳар қандай мамлакатда камчиликларсиз ишлашини аниқлашмайди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлайдиган жамоатчилик назорати институтлари тизимида хорижий мамлакатларда жадал ривожланаётган жамоавий ариза бериш механизми орқали давлат назорати органлари томонидан ўтказиладиган текширишларни режалаштириш жараёнига таъсир кўрсатишга имкон берадиган «жамоатчилик аудити» институти мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикасининг ҳолатида, авваламбор Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда Молия вазирлиги томонидан олиб бориладиган аудит тизимига қўшилиши мумкин. Шу билан бирга, давлат назоратини амалга оширувчи бошқа органлар текширишларни режалаштиришда «жамоатчилик аудити» воситаларидан фойдаланишлари мумкин.

Бугунги кунда давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, назорат қилувчи органлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи, давлат харидлари соҳасидаги қоидабузарликларни аниқлашнинг энг яхши усулларида фойдаланиш имконини берувчи электрон харидлари тизими атрофида жамоатчилик портални яратиш ва ривожлантириш кейинги истиқболли йўналишни ташкил этади.

Мазкур портални яратиш аъзоларининг барчасига шубҳали харидлар устидан шикоят қилиш учун самарали ҳуқуқий воситалардан фойдалана олиш имконини беради. Шунингдек, давлат харидлари иштирокчилари битимлар бўйича шерикларини баҳолашлари ва батафсил шарҳларни қолдиришлари мумкин. Ушбу маълумотлар асосида эса давлат харидлари иштирокчиларнинг рейтингини автоматик равишда яратилади. Шунингдек иштирокчиларнинг профилидаги маълумотлардан маълум бир тизим фойдаланувчиси унинг қай даражадаги ҳалол етказиб берувчи ёки харидор эканлигини аниқ кўриб туради.

Бундай тизимли маълумотлар барча томонларга давлат харидлари тизимида ишлаш билан боғлиқ бўлган масалаларда оқилона қарор қабул қилиш имконини бериши мумкин.

ProZorro электрон маълумотларини ишлаб чиқаришнинг гибрид тизими (укр. «Прозоро» — очик, ошкора) - Украинадаги электрон давлат ва оммавий харидлари тизимидаги танлови жараёнининг тизимли ислоҳоти ҳисобланади. 2014 йилда ишлаб чиқилган ва Украина Transparency International нодавлат ташкилоти томонидан бошқарилади.

ProZorro фалсафаси учта асосий таркибий қисмдан иборат: тизим очик манба (open source) принципларига асосланади. Давлат харидлари билан боғлиқ барча мавжуд маълумотлар миждозларни жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатишга масъул бўлган сайтлар орқали тарқатилади. «Ҳамма ҳамма нарсани кўради» - бу ислоҳотнинг расмий шиори. «Олтин учбурчак» Golden triangle of partnership — бизнес, ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг юқори даражадаги ишончни сақлашга имкон берадиган ўзгаришларни илгари суриш учун ноёб бирикмасидир.

Интеллектуал маълумотлар қидиришнинг яна бир мисоли ProZorro маълумотлар базасига бирлаштирилган Dozorro оммавий савдоларининг жамоатчилик назорати учун онлайн платформадир. Ушбу платформа 20 та ҳудудий мониторинг ташкилотларининг тендер тартиб-таомилларнинг сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Украинанинг «Давлат харидлари тўғрисида» қонунининг бузилиши аниқланса, платформа буюртмачиларга (ким ошди савдоси ташкилотчиларига), назорат органларига (Давлат аудит хизмати, Ҳисоб палатаси), ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (Украинанинг Миллий коррупцияга қарши бюроси (НАБУ)га сўровларни юборади.

Кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг самарали ҳамкорлиги ёрдамида жамоат ташкилотлари «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун бузилишларини аниқ бир танловда бартараф этишга ва айбдорларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда «Давлат харидлари тўғрисида» қонун қабул қилинган бўлиб, унинг 71-моддаси харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати масалаларига бағишланган. Бироқ ўтган давр мобайнида мазкур соҳада жамоатчилик назорати қандай амалга оширилганлиги ҳақида статистика мавжуд эмас. «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги» Низомда жамоатчилик назоратига оид қоидалар умуман назарда тутилмаган.

Давлат харидларнинг шаффофлиги пулнинг тежалиши ва рақобатни кенгайтиришни исботлади. Халқаро Open Government Partnership ташкилотининг очик шартномалар ва харидлар дастури глобал стандартга айланиб бормоқда, унда 70дан ортиқ аъзолар ушбу масалада ислоҳотларни ўтказишмоқда.

Хитойда 2014 йилда, “Ижтимоий ишонч тизими” – давлат хизматчиларини баҳолаш бўйича давлат дастурини жорий этган “Ижтимоий кредитлар

тизимини яратиш дастури (2014-2020 йиллар)” тўғрисидаги ҳужжатни ёшон қилинди. Дастур талабларига асосан 2018 йил апрел ойи охирига келиб, “ижтимоий рейтингнинг паст даражаси” туфайли 15 миллиондан ортиқ хитойликлар, яъни мамлакатнинг ҳар юзинчи аҳолиси маъмурий жазога тортилди.

Мамлакатимизда юқоридаги халқаро стандартлар ва хорижий тажриба таҳлили асосида, шунингдек давлат харидлари соҳасида жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш мақсадида давлат харидлари соҳасида уни мониторинг қилиш имконини берувчи аҳоли билан қайта алоқа механизмларини йўлга қўйувчи электрон портал яратиш ва уни ривожлантириш ушбу соҳада жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг амалиётга кенг жорий этилиши коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларида амалга ошириладиган давлат харидларида ҳисобдорлик, ошкоралик, ҳалоллик ҳамда шаффофликни таъминлашда самарали воситага айланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини янада кучайтириш, жамоатчилик билан қайта алоқа ўрнатишга имкон берувчи жамоатчилик назоратининг замонавий шакллари ишлаб чиқиш, пировардида коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик назорати институтини шакллантиришни илмий тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича айрим ишлар амалга оширилиши мумкин:

1. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва ташкил этиш имконини берувчи нормалар мавжуд бўлсада, жамоатчилик назорати субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларимизда ушбу масала очиқ қолган. Масалан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунда давлат органлари ва мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид нормалар мавжуд эмас. Шу боис жамоат бирлашмалари фаолиятини тартибга солувчи барча қонун ҳужжатларини жамоатчилик назоратини амалга ошириши ҳақидаги нормаларни киритиш нуқтаи назаридан инвентаризациядан ўтказиб, ҳуқуқий механизмлар назарда тутилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу соҳада фаолият олиб борувчи шахслар коррупцияга оид ҳолатларни фож этишга қаратилган жамоатчилик назоратининг профессионал, ҳолис ҳамда турли босимлардан ҳоли равишда ўтказилиши учун маълум кафолатларни, жумладан ҳуқуқий ҳимоя тизими бўлишлигини тақозо этади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашганлик ҳамда тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормани киритиш вақти келди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни, жумладан рўйхатга олиш тизимидаги дискрецион нормалар, ассоссиз кечикишлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви муаммоларини бартараф этишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, хусусан нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинишини адлия вазирлигидан давлат хизматлари марказига ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг ўн биринчи (жамоатчилик мониторинги) ҳамда ўн иккинчи моддаси (жамоатчилик экспертизаси)нинг иккинчи қисмида акс этган “қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин”лиги ҳақидаги қоида тўлиқ асосга эга, деб бўлмайди. Чунки жамоатчилик назоратининг ўтказилишини барча қонун ҳужжатлар билан қамраб олишнинг имкони йўқ, аммо уни ўтказиш умумий қоидаларини белгилаш мумкин. Шунинг учун мазкур нормани “қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказиш” тарзида ўзгартириш таклиф этилади. Шунингдек, жамоатчилик экспертизасининг предметига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларига қўшимча равишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам экспертиза предметига киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш мезонларини белигилаш, мазкур мезонлар мавжуд бўлганда жамоатчилик экспертизасини ўтказишнинг мажбурийлигини қайд этиш лозим.

2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш борасида халқаро ҳужжатлар ва хорижий тажриба, шу жумладан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Канада, Эстония, Полша, Латвия, Литва, Словения, Япония, Ҳиндистон давлатларидаги очиқ ҳукумат шароитида жамоатчилик назорати амалиёти таҳлил қилинди. Хусусан, Буюк Британия шаклланган очиқ ҳукумат бўйича шерикликнинг принциплари, электрон петициялар, маҳаллий муаммоларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг ўрни, маҳаллий аудит тизимининг, АҚШда ижро ҳокимияти органлари томонидан очиқ мажлислар ўтказиш амалиётининг, Полшада оммавий маслаҳатларнинг мажбурийлигининг, Шотландия ва Ҳиндистон мамлакатларидаги Омбудсман институтининг коррупцияга қарши курашишдаги роли батафсил кўриб чиқилди.

3. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш йўналишида коррупцияга қарши курашда жамият иштироки мезони ҳисобланган давлат бошқарувида қарорларни ишлаб чиқишдаги иштирокини халқаро стандарларга тўлиқ мувоқиқлаштирилишини талаб этади. Мавжуд муаммолар ҳақида жамоатчиликнинг ташвишларига эътибор бермасликни истисно қиладиган, бошқа томондан, давлат органларига

манфаатдор томонларнинг турли гуруҳлари томонидан сиёсий ва ахборот босимларига шароит яратмайдиган жамоатчилик назоратининг янги шакли – «жамоатчилик аудити» институтини жорий қилиш, яъни петицияларни шакллантириш орқали давлат назорати органлари томонидан ўтказиладиган текширишларни режалаштириш жараёнларига таъсири учун имконият яратиш зарур. Бунда «жамоатчилик аудити»ни ўтказиш учун асос бўлувчи мезонлар ҳамда уни ўтказиш ҳолатлари, шунингдек ундан фойдаланишга имкон берувчи электрон портални ишлаб чиқиш ва ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чоралар жамоатчилик аудитининг самарасини белгиловчи омилларни ташкил этади. Мазкур тизимга асосланган ҳолда коррупцияга оид хавф-хатарларни автоматик тарзда ҳамда очиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш учун янги ёндашувларнинг ишлаб чиқилишига ёрдам беради. Шунингдек амалдаги «Қонун ҳужжатлари тадбиркорлик соҳасига таъсирини баҳолаш тизими» портали ҳамда «Mening fikrim» жамоавий мурожаатлар портали фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш йўналишида қуйидаги ўзгартиришни таклиф қиламиз. Коррупциявий омилларни барвақт олдини олиш, жумладан, ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган коррупциявий омиллар, ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омилларни олдини олиш мақсадида хорижий стандарлар асосида ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда янги моддий ҳуқуқий нормани қабул қилинишида оммавий маслаҳатлар ҳамда жамоатчилик эшитувини ўтказишнинг мажбурийлигини белгиловчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб амалиётга жорий қилиш. Оммавий маслаҳатлашув жамоатчиликка коррупция даражаси юқори бўлган соҳаларга оид тартибга солувчи чора-тадбирларни қабул қилишда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишида ижобий таъсир ўтказишга имкон беради.

5. Коррупция қарши курашувчи давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, Жамоатчилик Палатаси ҳамда Агентлик ўртасида уч томонлама жамоатчилик назоратини янада кучайтириш юзасидан, шу жумладан амалдаги коррупцияга коррупцияга қарши курашиш дастури режалаштирилганидек амалга оширилаётганлигини кузатиб бориш ҳамда унинг амалга оширилишидаги камчиликлар ва уларнинг коррупцияни чеклашдаги таъсирини ҳукуматга очиқ ёки махсус усулларда етказиш имконини берадиган муайян муддатга (3 – 5 – 7 йилга) мўлжалланган Комплекс иш режаси ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назоратининг яқуний ҳужжати, аввало, махсус билимга эга бўлган, юқори малакали мутахассислар томонидан тайёрланиши, қолаверса, баён этилаётган

ёндашувнинг ишончли далилларга асосланиши ва аниқ таклиф ва тавсиялардан иборат бўлишини инобатга олган ҳолда мазкур соҳадаги мутахассисларни ўқитишни назарда тутувчи таълим тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

3.5. Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро рейтинг ва индекслар кўрсаткичларини инобатга олиш масалалари

У ёки бу соҳадаги ислохотлар самара бераётганлигини қандай ўлчаш мумкин? Албатта, бунга, аввало, фуқаролар баҳо беради. Натижа аҳолининг кундалик ҳаёти ўзгараётганлигида кўринади.

Аmmo бу борада, яна бир механизм борки, у ҳам бугунги глобал дунё воқелигининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Гап дунё мамлакатларида жамият ҳаётининг турли жабҳаларини давлатларни бир бирига таққослаб ўрганадиган халқаро рейтинг ва индекслар ҳақида бормоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-4210-сонли қарори қабул қилинди. Қарор билан бошқарув сифати ва сиёсатнинг самарадорлигини ўлчаш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар жараёнини баҳолаш, тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари Миллий мониторинг тизимининг таркибий қисми этиб белгиланди.

Миллий мониторинг тизими фаолиятини ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида республикадаги тадқиқот институтларига алоҳида халқаро рейтинглар иловага мувофиқ бириктирилди ва уларга қуйидаги вазифалар юклатилди:

халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш;

ўзини ўзи баҳолаш учун устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари асосида миллий индексларни ишлаб чиқиш;

лойиҳалар ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтиришга тўсқинлик қилаётган нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан эксперт таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларига кўра тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли рейтинглардаги ривожланиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек, баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўз ичига олган ахборотлар маълумот базасини яратиш;

Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд ҳақиқий муаммоларнинг тизимли таҳлилини олиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари ва илмий муассасаларнинг экспертлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва конструктив мулоқотни йўлга қўйиш;

тегишли тармоқлардаги муаммоларни аниқлаш ва аҳволни ўрганиш учун ижтимоий сўровлар ўтказиш, шунингдек, мамлакатда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш доирасида турли соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар тўғрисида жамоатчилик ва халқаро рейтинг агентликларини хабардор қилиш.

Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сонли Фармони қабул қилинди.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш;

давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Кенгашнинг ишчи органлари этиб белгиланди.

Кенгаш ишчи органлари бўйича тақсимланган Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини

яхшилашга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ҳамда ушбу йўналишда тизимли халқаро ҳамкорлик олиб борилиши устидан Кенгаш томонидан назорат ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги билан масъул этиб белгиланган сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги халқаро рейтинглар ва индекслар, уларни тузиш услубиётини таҳлил қилиб бормоқда.

Ўрганишлар натижасига кўра, жаҳондаги бошқарув, ҳуқуқ соҳаларига ихтисослашган тадқиқотчиларнинг диққат марказида турувчи муаммолардан бири, шубҳасиз, турли мамлакатларда коррупциянинг тарқалганлик даражасидир.

Зеро, айнан ушбу иллат ҳар қандай ислоҳот, ташаббус, тадбиркорлик фаоллигини йўққа чиқарувчи, давлат тизимини емирувчи энг хавфли хатарлардан бири эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис, мазкур масалага бевосита ихтисослашган халқаро индекслар билан бир қаторда сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги деярли барча рейтинг ва индексларда коррупцияга қарши курашиш масалаларини баҳоловчи индикаторлар мавжуд.

Агар мазкур ихтисолашган индекс ва бошқа рейтингларнинг тегишли индикаторларини ўзаро солиштирадиган бўлсак, уларнинг таркибий мезонлари жуда ўхшаш эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ушбу индикаторларни бирлаштириб турувчи яна бир жиҳат уларнинг, асосан, фуқароларнинг коррупцияни қандай қабул қилиши, яъни ушбу иллатга нисбатан қанчалар тоқатли/тоқатсизлигига боғлиқ эканлиги билан боғлиқлигидир.

Қуйида берилган жадвалга эътибор қаратиладиган бўлса, халқаро рейтинг ва индексларни тузиш билан шуғулланувчи ташкилотлар асосан давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ва давлат секторида, суд тизимида коррупциянинг мавжудлигига ҳамда коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган қарши чораларнинг самарадорлигига катта эътибор қаратилиши кўринади.

“Transparency International”	Жаҳон банки Бошқарув сифати индикаторларининг	Жаҳон одил судлов
“Коррупцияни қабул қилиш индекси” (Ўзбекистон 180 та давлат ичида 25 балл билан 153-ўринда)	“Коррупцияни тийиб туриш” индекси (Ўзбекистон 209 давлат ичида 28,6 балл билан 183-ўринда)	лойиҳасининг Ҳуқуқ устуворлиги индексининг “Коррупциядан ҳолилик” индикатори (Ўзбекистон 128 давлат ичида 0,40 балл билан 89-ўрин)

<p>– порахўрлик; – бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш; – мансабдор шахсларнинг устуворлиги, яъни ўз ваколатларидан келиб чиқадиган оқибатларига эътибор бермасдан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш; – ҳукуматнинг коррупцияни назорат қилиши ва давлат секторида давлат бирлигини ҳимоя қилиш механизмини таъминлаш; – мураккаб расмийлаштириш жараёнлари ва мавжуд бюрократиянинг босими коррупция пайдо бўлиши учун қўшимча имкониятларни яратиши; – давлат лавозимларига тайинлаш; тажрибасига кўра тайинлаш ва қариндошлик асосларига кўра тайинлаш; – коррупционерла рни жиноий тақиб қилиш бўйича амалий чоралар; – молиявий маълумотларни ошкор қилиш ва</p>	<p>– давлат секторида коррупция; – давлат секторининг шаффофлиги; – ҳокимиятни суистеъмол қилиш учун жазо; – давлат хизматчилари орасида коррупция даражаси; – суд ҳокимиятида коррупциянинг тарқалганлиги – коррупциянинг йўқлиги; – бизнес ва ҳокимият органлари орасидаги коррупция; – таълимда пора бериш даврийлиги; – судларда пора бериш даврийлиги; – тиббиётда пора бериш даврийлиги; – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда пора бериш даври йлиги; – ҳуқуқ, рухсат ва лицензиялар берувчи органларда пора бериш даврийлиги; – қонун чиқарувчи ҳокимиятда коррупциянинг тарқалганлиги; – суд ҳокимиятида коррупциянинг тарқалганлиги; – давлат хизматчилари орасида коррупциянинг тарқалганлиги.</p>	<p>– ҳукумат мансабдор шахслари эгаллаб турган лавозимларидан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланишлари; – суд ҳокимияти органлари ходимлари мансаб ваколатларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланишлари; – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари мансаб ваколатларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланишлари; – қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари мансаб ваколатларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланишлари; – коррупциясиз фуқаролик одил судлови; – жиноят тизимининг коррупциядан холи эканлиги.</p>
--	---	--

<p>манфаатлар тўқнашувига чек қўювчи қонунларнинг мавжудлиги; – ҳукуматни молиявий манфаатлар атрофида бирлашган тор доира вакиллари эгаллаши; – оммавий масалалар ҳақидаги маълумотларни фуқаролик жамияти учун очиқлиги.</p>		
---	--	--

Демак, мазкур индикаторларда юқори ўринларни эгаллаш учун ислох қилиниши лозим бўлган соҳалар аниқ бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ва давлат секторида ҳамда суд тизимида коррупцияга бутунлай барҳам бериш бўйича тегишли чораларни амалий ҳаётга татбиқ этилиши бу соҳадаги халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини ўз-ўзидан кўтарилиши учун замин яратади.

Юқорида таъкидланган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг ўрни олдинги даврга нисбатан олганда ижобий томонга қараб силжишини кузатиш мумкин, бу албатта бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар билан боғлашимиз мумкин. Бироқ ушбу рақамлар бир вақтнинг ўзида мамлакатимизда мазкур соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар қанчалик кўплигини кўрсатиб беради.

Таъкидлаш лозимки, соҳада босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлса-да, бироқ ҳали ҳамон коррупцияга барҳам беришга қаратилган қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарурати мавжудлиги сезилмоқда.

Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлимининг Kun.uz сайтига берган маълумотларига кўра, 2019 йилнинг дастлабки олти ойида жами 661 нафар турли тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан коррупция билан боғлиқ 590 та жиноят ишлари қўзғатилганлиги, коррупцияга қўл урган ва жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 25 нафари республика, 36 нафари вилоят ва 476 нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келганлиги ташвишли ҳолат ҳисобланади.

Бу каби муаммоли ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Президент Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, Агентлик томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга

қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантирилиши ва амалга оширилиши белгиланди, шунингдек, ушбу ташкилот зиммасига бир неча жуда муҳим бўлган вазифалар юкланди.

Хусусан:

– биринчидан, вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш. Бу вазифалар ижроси тўғридан-тўғри халқаро рейтинг ва индексларнинг “давлат секторида коррупция” “давлат органлари фаолиятида коррупция” каби мезонлари билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

– иккинчидан, давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилиш тизими жорий этилиши, давлат хизматида ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”) ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш вазифаларининг тўлиқ ижроси эса халқаро рейтинг ва индексларнинг “давлат хизматчилари орасида коррупция даражаси”, “ҳукумат мансабдор шахслари эгаллаб турган лавозимларидан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланишлари” каби мезонлари бўйича юқори ўринлар эгаллаш учун хизмат қилади.

– учинчидан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш, шунингдек, бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш каби мамлакатда коррупция омилининг тарқалишига ижобий тўсиқ бўла оладиган муҳим вазифалар ҳам юклатилган.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш вазифаси Агентлик фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Агентликка Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси билан биргаликда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда “Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида”ги, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган бўлиб, ушбу қонун лойиҳаларини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилиб, амалиётда тўлоқонли ишлашини таъминлаш ҳам тегишли соҳаларда коррупция омилларини бартараф этиш гарови бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур Фармон билан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар аллақачон бошлаб юборилган бўлиб, бу йўналишдаги яна бир муҳим

қадамлардан бири Адлия вазирлиги томонидан барча мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг томонидан тасдиқланган Сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режасига коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини янада ошириш қаратилган бир қанча амалий чора-тадбирларнинг киритилиши бўлди.

Чора-тадбирлар режасининг алоҳида йўналиши тўғридан-тўғри коррупция қарши курашиш масалаларини қамраб олиб, давлат органларида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, суд тизимида ва бошқа соҳаларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган тадбирлардан иборат.

Бундан ташқари, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни янада жонлантириш бўйича чора-тадбирлар ҳам ўрин олган бўлиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг GRECO (Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи) халқаро ташкилотига аъзо бўлиб кириш, шунингдек, БМТ коррупцияга қарши кураш Конвенциясининг фуқаролик жамияти Коалицияси билан ҳамкорлик қилиш масалалари юзасида ишлар олиб борилмоқда.

Ўз ўзидан, мазкур чоралар коррупция мавзусига бағишланган ихтисослашган Коррупцияни қабул қилиш индекси билан бирга бошқа рейтингларнинг коррупцияга оид индикаторларида Ўзбекистоннинг ўрнини манзилли оширишга йўналтирилгандир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифларнинг тўлақонли амалиётга татбиқ этилиши, мамлакатдаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ва давлат секторида коррупция омилларини бартараф этишга, улар фаолиятида очиқлик ва шаффофлик тамойилларини таъминлашга олиб келади.

Натижада эса, энг аввало, халқимиз ҳаёт даражасининг юксалишига, бунинг ҳосиласи сифатида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимизга бериладиган баҳоларга ижобий таъсир кўрсатган ҳолда мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга олиб келади.

Мазкур янги ташкил этилган Агентликнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ташкилот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдор бўлган ҳолда фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунishi ва бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этади.

Агентлик ўз фаолияти давомида дастлабки эътиборни давлат органларини янада очиқ ишлашини таъминлаш, давлат харидлари жараёнларининг шаффофлигини ошириш, давлат хизматлари соҳасида коррупцияга олиб келиш мумкин бўлган хавфларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича тезкор чораларни кўриши лозим ҳисобланади.

Бу эса, юқорида таъкидланганидек, ўз навбатида, халқаро рейтингларнинг коррупцияга оид индикаторларида Ўзбекистоннинг ўрнини янада яхшилаш учун хизмат қилади.

Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш, халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг «Логистика самарадорлиги» индексида 19 поғонага, «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилди.

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг «Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш» тизимидаги 6-гурух мамлакатлари қаторидан 5-гурух мамлакатлари қаторига кўтарилди. Жорий йил 23 январда халқаро “Transparency International” коррупцияга қарши ташкилоти 2019 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексини эълон қилди. Ўзбекистон рейтингдаги 180 ўриндан 153-поғонани эгаллаб, 2018 йилдагига нисбатан 5 та ўринга юқорилади.

2012 йилдан бошлаб “Transparency International” рейтингда фақат 20 мамлакат, жумладан, Эстония ва Кот-д’Ивуар сезиларли даражада яхшилانган бўлса, 16 мамлакат рейтингни, жумладан, Австралия, Мальта ва Чили кўрсаткичлари сезиларли равишда пасайган. Ўзбекистон кўрсаткичлари 6 поғонага кўтарилган.

“Transparency International”нинг 2019 йилдаги ҳисоботида назорат институтларига кучли сиёсий таъсири, суд ҳокимиятининг мустақил эмаслиги ва матбуот эркинлигининг чекланганлиги минтақадаги кўплаб мамлакатларда ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари кучайишига олиб келгани таъкидланган. Ташкилот экспертлари фикрича, агар сиёсий раҳбарлар ижтимоий манфаатларга устувор аҳамият бериб, шаффофлик намунасини кўрсатса, коррупцияга қарши самарали курашиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, рейтингни юритишдан кўзланган асосий мақсад баҳоланадиган мамлакатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимларининг коррупцияга нисбатан сезувчанлик (қабул қилиш) даражасини сифатли ва микдорий маълумотлар асосида аниқлашдан иборат.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви сифатини баҳолаш, коррупцияга мойил бўлган жойларни аниқлаш, бизнес тузилмалар фаолиятига давлат

аралашувининг даражасини аниқлаш, коррупцияга қарши амалиётлар тўғрисидаги ахборотнинг мавжудлигини таъминлаш, сармоядорларга иқтисодий ва сиёсий хавфлар, қонун устуворлиги тўғрисида ахборот бериш, жамоатчилик, мансабдор шахсларни коррупциявий жиноятларга бўлган мойиллик даражасини, аҳолининг давлат муассасаларига бўлган ишончини аниқлаш мамлакатни баҳолаш бўйича аниқ мақсадлар сирасига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг “Transparency International” «Коррупцияни қабул қилиш индекси» халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг ҳуқуқий пойдевори яратилмоқда.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш, миллий қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони, 2020 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПҚ-4761-сон Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди ҳамда уни коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузишга масъул этиб белгиланиши бу борадаги ислохотлар ривожда янги босқични бошлаб берди.

Фармон билан, агентликка Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилишини ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Таҳлиллар, мазкур рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш учун, энг аввало, республикада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хусусан хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортган ҳолда жазо муқаррарлигини таъминлаш, коррупция, айниқса маиший коррупцияга қарши кураш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, халқаро нодавлат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиб, пировардида республикада олиб борилаётган ислохотлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ўзаро самарали маълумот алмашинувини йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Давлатда ўтказилаётган сайловларнинг ошқора равишда ташкил этилмаганлиги, олиб борилаётган ислохотларга нодавлат секторнинг кенг

жалб этилмаганлиги, давлат идораларида ханузгача ўз ҳукмронлигини суриб келаётган таниш-билишчилик ришталари, сўз эркинлигининг қаттиқ назоратга олинганлиги, шахсий мулк дахлсизлиги давлат томонидан етарли даражада кафолатланмаганлиги каби ҳолатлар Ўзбекистон ўрнини яхшилашга тўғанок бўлиб тургани халқаро индексларда ўз аксини топмоқда.

Индекснинг мақсади баҳоланадиган мамлакатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимларининг коррупцияга нисбатан сезувчанлик даражасини сифатли ва миқдорий маълумотлар асосида аниқлаш ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги тўғрисида ўзининг хулосасини беришдан иборат. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг халқаро индекслардаги ўрнини яхшилаш халқаро майдонда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади.

Коррупцияга қарши самарали кураш тизимини яратиш учун, аввало, унинг замонавий шароитда намоён бўлишига ёрдам берадиган асосий омиллар (сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий ва бошқа)ни аниқлаш зарур.

Соҳага оид қонунларнинг номукамаллиги, нормаларнинг қонунга нисбатан қўлланилганда, кўпинча коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароит яратадиган ҳолатларнинг мавжудлиги, давлат ва корпоратив бошқарувнинг етарлича шаффоф ва очиқ эмаслиги, аҳоли, шу жумладан, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси пастлиги коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар сирасига киради. Шунингдек, коррупция хавф-хатарлари мансабдор шахсларнинг давлат хизматларини кўрсатишда жамоатчилик билан бевосита алоқаси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Қайд этилган омилларни ҳисобга олган ҳолда, қисқа муддатга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятдан қўзланган мақсад ва вазифалар қуйидагилардан иборат бўлмоғи даркор.

Биринчидан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун билан Давлат хизматчилари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чеклов ва таъқиқларни қонунчиликда ўрнатиш лозим.

Ҳозирда мавжуд давлат хизматчилари учун ягона таъқиқ ва чекловлар ўрнатилмаган бўлиб, улар тарқоқ ҳолда Мехнат кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, давлат органларининг интизомий устав ва қоидаларида назарда тутилган.

Давлат хизматчилари томонидан совғалар, мерос, хадялар қабул қилишни таъқиқлаш билан боғлиқ чекловларни фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ қонунчиликка киритиш долзарб масала ҳисобланади.

Хорижий давлатлар қонунчилигида давлат хизматчиси томонидан қабул қилиш мумкин бўлган совға ва хадяларнинг аниқ миқдори белгиланган (АҚШ – 20 АҚШ доллари, Франция – 35 евро, Буюк Британияда – 140 фунт, Россия – 3000 рубль, Канада – пул кўринишидаги совғалар қабул қилиш умуман таъқиқланган, Сингапур – гонорар, займ, қимматли қоғозлар, мансаб, иш ва контракт, барча тўловлар олиниши таъқиқланган).

Давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшиимчалар киритиш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда бу Меҳнат кодекси, коррупцияга қарши курашиш, хомийлик тўғрисидаги қонунларда тўлиқ ҳал этилмаган ҳолда акс эттирилган.

Иккинчидан, давлат хизматчиларининг мол-мулки, даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги ҳаражатларини декларация қилиш тартибини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Даромадлар декларацияси тизимининг умумий мақсади асоссиз даромад олишнинг олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишдан иборат бўлиб, давлат хизматчилари ўртасида коррупция олдини олишнинг воситаси ҳисобланади. Мазкур талаб БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, ИХТТнинг давлат хизматчилари активларини декларация қилиш каби халқаро нормаларида мустаҳкамланган.

Хизматчилар даромадларини декларация қилиш дастлаб Буюк Британия, АҚШ, Италия ва Испанияда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 150 дан ортиқ давлатларида мавжуд.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли орган ваколатларини кенгайтириш зарур. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида хорижий давлатлар амалиёти ушбу соҳада махсус ва мустақил ваколатли органлар ташкил этилиши ва уларга кенг ваколатлар берилишини кўрсатади.

Масалан, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларига эга кўп мақсадли агентликлар (Гонконг, Сингапур, Латвия, Козоғистон), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида коррупцияга қарши курашувчи тузилмалар (Бельгия, Венгрия, Испания, Литва, Норвегия, Хорватия) ҳамда коррупцияга қарши курашувчи, сиёсатни белгиловчи ва ушбу соҳада мувофиқлаштириш функциясини бажарувчи институтлар (Франция, Македония, Албания, Мальта, Сербия, Черногория, Ҳиндистон) ваколатига эга тузилмалар кўринишида фаолият юритади.

Мазкур органлар мустақил, ихтисослашган, махсус ваколатга эга ҳамда мутаносиб ресурсларга эга бўлишлари шарт. Ваколатли органлар коррупцияга қарши сиёсатни, таҳлил ва тадқиқот ишларини олиб бориш, коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, таълим бериш, тергов қилиш ва жинойат таъқиб қилиш билан шуғулланиб боради.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий тизимлар самарадорлигини ошириш, хизмат вазифаларини бажаришда ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини лозим даражада тартибга солиш, ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий координаторларнинг ўзаро ҳамкорлиги, барча даражадаги давлат органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, шунингдек,

уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш зарур.

Тўртинчидан, коррупцияга қарши махсус тадбирларни хусусий секторга жорий этишга фаол кўмаклашиш мақсадга мувофиқ. Масалан, ички назорат чоралари ва тартибни кучайтириш, давлат харидларида иштирок этиш бўйича қатъий ахлоқ қоидаларини таъминлаш, бизнеснинг коррупцияга қарши курашишдаги жамоавий тадбирларини рағбатлантириш, Устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш «комплаенс назорат» тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш, коррупцияга қарши курашиш тегишли коррупцион стандартга мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш зарур.

Хусусий секторда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички хавфсизлик ва назорат тизимлари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фаолият идоравий коррупцияга қарши комплаенс хизматлари томонидан амалга оширилади.

Коррупциявий жиноятлар содир этилишининг олдини олишда бевосита раҳбарларнинг бўйсунувдаги шахслар томонидан коррупциявий жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш амалиёти ҳам эътиборга сазовор. Айрим давлатларда бевосита раҳбарларнинг бўйсунувдаги шахслар томонидан коррупциявий жиноят содир этилганлиги учун раҳбарни жавобгарликка тортиш тартиби мавжуд.

Шу билан бирга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давлат органларига ахборот бериш механизмларини такомиллаштириш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳоли ва давлат хизматчиларнинг билим ва кўникмаларини доимий равишда мустаҳкамлаб бориш муҳим ҳисобланади.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда анъанавий тарғибот усулларидан замонавий инновацион усулларга ўтиш зарур. Хорижий давлатлар амалиётида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш таълим муассасаларининг қуйи бўғинидан бошланиб, кейинчалик унинг барча босқичларини қамраб олади.

Илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда тегишли тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда давлат ҳамда жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйиш, давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар бўйича коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш, пировардида эса мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ва

халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш, халқаро рейтинг ҳамда индекслардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

4. БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

§ 4.1. Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш масалалари

Давлатчилик вужудга келибдики, коррупция мавжуд, фақат у ҳар хил шаклларда намоён бўлади. Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган.

Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан холи эмас.

Қанчалик аянчли бўлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ XX асрнинг 90-йилларига келиб у, дунё миқёсидаги жараёнлар таъсирида ўта хавфли кўлам касб эта бошлади. Аслида «Жиноий ёки кўп ҳолларда «хуфёна» деб аталаётган иқтисодиёт уюшган жиноятни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражадаги вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади»⁴⁹.

Бир қанча мамлакатларда рўй берган юқори мансабдор шахслар коррупцияси ҳақидаги шов-шувлар ва жанжаллар бу фикрни яна бир қарра тасдиқлайди.

Шу сабабли халқаро-ҳуқуқий соҳада коррупция муаммоларига нисбатан ёндашувнинг ўзгариши кузатилмоқда. Коррупция, худди темирдаги занг каби, давлат бошқаруви тизимини чиритиши, унга путур етказиши, давлат хизмати ва давлат хизматчиларига салбий муносабатни вужудга келтириши, ҳокимият нуфузи, давлат лавозимларидаги хизмат обрўсининг йўқолишига, ҳозирги амалдорлик кадрлар корпусини тавсифловчи сифат кўрсаткичларининг ёмонлашуви сабаб бўлиши, бинобарин, давлатчилик ғоясига путур етказиши аён бўлиб қолди.

Европа Кенгаши доирасида мазкур ёндашувнинг шаклланиши европалик бир қанча олимлар (профессор Майер ва бошқалар) томонидан ўтказилган тадқиқотлар билан боғлиқ. Бу олимлар коррупция масалаларини уч алоҳида жиҳат: жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларга бўлиб ўрганишни таклиф қилдилар.

Бунда коррупция масалаларининг муҳокамасида жиноят-ҳуқуқий жиҳат устунлик қилади. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, маъмурий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларнинг жиноят ҳуқуқида мустаҳкамлаб қўйилган таърифига суянади. Шу сабабли коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, коррупция жиноятларининг оқибатларини тугатиш, бу жиноятлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш борасида ишлаб чиқиляётган

⁴⁹ Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.21.

маъмурий-хукукий ва фуқаролик-хукукий чора-тадбирлар асосан иккиламчи хусусият касб этади⁵⁰.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, коррупцияга қарши кураш жуда оғир иш ҳисобланади, чунки у нафақат яширин тарзда, балки жинойий тил бириктирган ҳолда содир этилади. У, одатда, шикоят берилишига сабаб бўлмайди, чунки айбдор тарафлар қонунга хилоф битимдан наф кўрадилар. Ҳатто товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш устидан ҳам шикоят камдан-кам ҳолларда берилади, чунки турли мамлакатларда яшайдиган одамлар коррупцияга қарши кураш жараёнига ишончсизлик билан қарайдилар.

«Коррупция муттасил равишда ўз қиёфасини ўзгартиради ва такомиллашиб боради. Яширинлик, хуфёналик унинг асосий хусусиятидир. Шу боис, мазкур ҳодиса ҳақида тўлиқ маълумотлар ҳеч қаерда мавжуд эмас. Суд қаршисида жавоб берган айбдор шахслар эса бундан ҳам камроқ. Амалда айрим, энг қуйи тоифа коррупциячиларгина жазога тортилади»⁵¹.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, «коррупция, айниқса, бозор иқтисодиёти, эркин савдо ва демократия шароитида оддий порахўрликдан иборат эмас. Лоббизм, фаворитизм, протекционизм, сиёсий мақсадларга бадаллар, сиёсий арбоблар ва давлат амалдорларининг корпорациялар ва хусусий фирмаларнинг фахрий президентлари лавозимига ўтиш анъаналари, тижорат ташкилотларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш, давлат мулкани акциядорлик жамиятларига ўтказиш, жинойий уюшмаларнинг алоқаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар коррупциянинг ниқобланган шакллари ҳисобланади»⁵².

Коррупция давлатни ўзининг аксига – аҳолига нисбатан амалдорларнинг ўзбошимчалигига айлантиради. Коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлади. «Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир. Лекин фақат давлат хизматчилари коррупция фаолиятининг субъектлари ҳисобланади, чунки коррупция муносабатлари юзага келишига сабаб бўладиган қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар содир этиш учун ҳокимият ваколатига фақат улар эга бўлади. Давлат хизматчилари бундай ҳаракатларни содир этишига қонунчиликнинг номукаммаллиги, назорат органларининг фаолиятсизлиги, жамоада коррупцияга нисбатан хизматдошларнинг бепарволиги, раҳбарларнинг принципсизлиги туртки бўлиши мумкин. Аммо коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, давлат

⁵⁰ Қаранг: Тоггонидзе Н.В. Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организованной преступности // Государство и право. – М., 2002. – № 1. – С. 107.

⁵¹ Лунев В.В. Коррупция, учтенная и фактическая // Государство и право. – М., 1996. – №8. – С. 79.

⁵² Лунев В.В. Коррупция, учтенная и фактическая // Государство и право. – М., 1996. – №8. – С. 80.

бошқаруви механизмининг фаолиятини бузиш фақат давлат хизматчилари томонидан содир этилиши мумкин»⁵³.

Шундай шароитда «коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мадакдор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри тахдиддир».

Давлат хизмати тизимида коррупция шакллари жуда ранг-барангдир. Улар:

фойдали шартномалар тузишга имконият яратганлик учун гўёки маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш шаклида ҳақ бериш, эълон қилинган мақолалар ёки маърузалар учун ҳаддан ташқари кўп миқдорда гонорар ёзиш;

хизматдаги фирибгарлик ҳамда ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг бошқа шакллари, давлат буюртмаларини жойлаштирганлик учун воситачилик ҳақи олиш;

давлат хизматчиларига турли хизматлар кўрсатиш ёки бошқача диққат-эътибор бериш;

масалани ҳал этишдан манфаатдор шериклар ҳисобига чет элга хизмат сафарига, дам олишга ёки даволанишга юбориш;

масалаларни тез ҳал қилиш, ҳужжатларни бериш учун яширин тарзда пора ундириш ёки ҳақ беришни талаб қилиш;

қариндош-уруғлари, дўстлари, танишларини ишга жойлаштириш;

рахбарлар ўзига бўйсунувчи ходимлар ундирган порадан улуш олиши тарзида намоён бўлиши мумкин.

Коррупция – илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу коррупцияга қарши аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўриш зарурлигини белгилаб беради.

Коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлиги каби жиҳатларни киритиш мумкин. Ташкилий тушунмовчиликларни фуқароларнинг коррупцион хулқ-атворини рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, рухсат бериш таомиллари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади.

Зотан, тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан баъзи янги мустақил давлатлар амалиёти коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка қанчалик тахдид солишини аниқ тасаввур этиш имконини беради:

⁵³ Қаранг: Колодкин М.Н. Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организационной преступности // Государство и право. – М., 2002. – № 1. – С. 104.

1. Сиёсий жихатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодаси саналади. Унда, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий-бўйруқбозлик тизими билан «хуфёна» иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини давлат манфаатларидан устун қўйиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади.

2. Жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий бузилишига олиб келади. «Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир», деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб келади.

3. Жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради, жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради, ислохотлар ғоясини обрўсизлантиради.

4. Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун ғоят хатарли ҳисобланади. Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради, давлатни обрўсизлантиради, мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

5. Нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришгача бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим.

6. Жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсалар ҳуқуқ ҳимоячилари ва жафо чеккан курашчилар сифатида ҳар қандай йўллар билан ҳокимиятга чиқиб олишга интилаётган ҳолатларга мисоллар оз эмас.

7. Коррупциячиларнинг чет элдаги сармоялари соҳасидаги хатти-ҳаракатлари нафақат ҳалол фуқароларда, балки чет эллик шерикларда ҳам ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини кўпчилик коррупцияга қарши етарли чора-тадбирлар кўрмаётганликда айбламoқда. Бироқ, бу ерда давримизнинг мазкур хавfli иллатига қарши курашнинг самарасизлиги сабабларини аниқлаб олиш муҳимдир. Асосий сабаблардан бири шундаки, Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш бўйича қонунчилик базаси ҳозирги вақтда эндигина ишлаб чиқилмоқда. Шу ўринда 2008 йил 7 июлда «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигини бу йўлдаги амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Коррупцияга қарши кураш чора-тадбирларини ҳуқуқий таъминлашда «коррупция» тушунчасига амалдаги қонун ҳужжатларининг биронтасида ҳам

таъриф берилмаганлиги бугунги кунда энг катта муаммо туғдирмоқда. Ҳолбуки, мазкур иллатга қарши кураш чора-тадбирларининг аниқ чегараларини белгилаш учун коррупцияга ҳуқуқий таъриф бериш зарур. Шунингдек, бундай таърифнинг ишлаб чиқилиши қайси жинойй қилмишларни коррупция хатти-ҳаракатлари қаторига киритиш лозимлигини, коррупция ҳаракати сифатида тан олинган ножинойй қилмишларнинг қайсилари учун бошқа жавобгарлик турлари – маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, интизомий жазолар назарда тутилиши лозимлигини тушунишни энгиллаштиради.

Бундан ташқари, «коррупция» тушунчасини қонун йўли билан мустаҳкамлаш коррупцияга қарши кураш олиб борадиган турли субъектларнинг ваколатлари доираси ва фаолиятининг миқёсини аниқлаш, уларнинг куч-ғайратини тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Акс ҳолда коррупцияга қарши кураш олиб борадиган субъектларнинг ҳар бири уни мазкур ҳодисанинг ўз талқинидан келиб чиқиб амалга оширишига барҳам бериш қийин кечади. Кўпинча коррупцияга қарши кураш ниқоби остида ҳокимият билан боғланмаган оддий жинойтни аниқлаш яширинган бўлади. Ваҳоланки, айнан ҳокимият билан боғлиқлик белгиси коррупция тўғрисида сўз юритиш имконини берадиган асосий белги ҳисобланади. Аниқланган ва барҳам берилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар миқдори ҳақидаги статистик маълумотлардаги фарқлар шу билан белгиланади.

Қолаверса, жинойтчиликни, шу жумладан коррупцияни ҳисобга олишга расмиятчилик билан ёндашиш ярамайди. Зотан, рўйхатга олинган қилмишларгина тергов қилиниши мумкин. Бинобарин, жинойй адлиянинг кейинги босқичларини амалга ошириш имконияти жинойй қилмишлар тўлиқ ҳисобга олиниши билан боғлиқдир. Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, коррупция жинойти республикамизда ҳам, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам тўлиқ рўйхатга олинмаслиги билан тавсифланади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳозирги даврда коррупция муаммосига амалда жаҳондаги исталган мамлакатда дуч келиш мумкин. Бироқ бу – коррупция ҳамма жойда бир хил дегани эмас. Коррупциянинг юзага келиши сабаблари ҳамма жойда турлича бўлиб, тарихий давр ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш бўйича универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларни ишлаб чиқишга уриниш амалда самара бермайди.

Шунга қарамай, фикримизча, АҚШ, Канада, ГФР, Франция, Испания, Чехия, Португалия сингари мамлакатларда орттирилган тажрибанинг ижобий жиҳатларидан самарали фойдаланиш даркор. Бу мамлакатларда махсус қонунлар, ўзига хос ахлоқ кодекслари ёки амалдор шаъни кодекслари қабул қилинган⁵⁴.

Маълумки, коррупциянинг ўзагини порахўрлик ташкил этади. Коррупция уюшган жинойтчиликнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. 1979 йил

⁵⁴ Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик таракқиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.22.

17 декабрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 34-сессиясида коррупция тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: «Коррупция бу – мансабдор шахсининг ҳар қандай шаклдаги мукофот ҳисобига мукофот берувчи шахс манфаатини кўзлаб ўзининг мансаб ваколатлари доирасида мансаб йўриқномасини бузиб ёки бузмасдан қандайдир ҳаракат ёки ҳаракатсизликни бажаришидир»⁵⁵.

Бироқ, ҳатто шу қилмиш ҳам жаҳоннинг илғор мамлакатларида нашр этиладиган жиноятларнинг йиллик статистик маълумотномаларига киритилмайди. Масалан, АҚШда порахўрлик жиноят содир этишда гумон қилинганларни қамоққа олиш ҳолатларига кўра ҳисобга олинади ва фақат «бошқа барча жиноятлар» қаторида эълон қилинади⁵⁶. Қамоққа олинган порахўрларни аниқлаш мумкин эмас. Айни вақтда, АҚШ Қонунлар тўпламининг 2-боби - «Пора бериш, пора эвазига оғдириш ва манфаатлар тўкнашуви»да порахўрликнинг турли шакллари учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган 25 модда мавжуд. 1989 йил коррупцияга қарши кураш тўғрисида қўшимча қонун қабул қилинган.

Статистика маълумотларига кўра, Францияда порахўрлик «бошқа иқтисодий ва молиявий жиноятлар» сирасига, Германияда мансабдорлик жиноятлари қаторига киритилган. Англия ва Уэльсда рўйхатга олинган лозим бўлган жиноятлар орасида умумий ҳуқуқ ва статут ҳуқуқи бўйича жавобгарлик назарда тутилган амалдорлар коррупцияси ҳақида маълумотлар йўқ. Фақат Японияда бу маълумотлар алоҳида сатрда, лекин ҳисобга олинган жиноятлар қаторида эмас, балки жиноят содир этишда гумон қилинган ва ишлари давлат айбловчиси томонидан кўриб чиқилган шахсларнинг умумий рўйхатида эълон қилинади.

Россия Федерациясида коррупция жиноятлари ҳақида умумий маълумотлар эълон қилинади. Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг Бош ахборот маркази 1993 йилдан давлат хизматчилари ўртасидаги коррупцияни ҳуқуқбузарлик содир этган шахсининг мансаб мавқеи белгисига кўра алоҳида кузатиб келади. Аммо бу маълумотлар махфийлаштирилган. Ҳуқумат ўз коррупциячиларини одил судлов қўлига нафақат камдан-кам ҳолларда топширади, балки статистик маълумотларни эълон қилишни ҳам хоҳламайди. Собиқ иттифоқ даврида ҳам аҳвол шундай эди.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, Россияда «ислоҳотлар даврида, давлат ҳокимияти органлари иштирокида ва кечириб бўлмайдиган ҳаракатсизлиги натижасида амалдорлар томонидан бойликларни эгаллашнинг янги усуллари, чунончи: бюджет ресурсларини ва имтиёзли кредитларни пуллаш, солиқ ва бож тўлашдан бўйин товлаш, ўзгалар пулини ўзлаштириш, федерал мулкка мансуб акциялар пакетларини эгаллаб олиш пайдо бўлди».

Агар коррупция амалда, ҳеч бўлмаса, статистик маълумотларда эълон қилинган порахўрлик даражасига мос келганида, халқаро жамоатчилик ўтган

⁵⁵ Основы борьбы с организованной преступностью. – М., 1996

⁵⁶ Қаранг: Uniform Crime Reporting Handbook U.S. Department of Justice, Washington. D.C. – 1984. – P. 81.

асрнинг 90-йиллари охирида бу қадар қаттиқ ташвишга тушмаган ва бонг урмаган бўлар эди.

1989 йил БМТ ҳомийлигида Гаага (Нидерландия)да давлат бошқаруви соҳасидаги коррупция муаммоси бўйича халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинар натижалари мазкур муаммо БМТнинг Саккизинчи конгрессида муҳокама қилинишига сабаб бўлди. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) шундай тавсия берди: «Давлат мансабдор шахслари ўртасидаги коррупция барча турдаги ҳукумат дастурларининг ҳали амалга ошмаган самарадорлигини йўққа чиқариши, тараққиётга монелик қилиши, фуқаролар ва шахсларнинг гуруҳларига таҳдид солиши мумкинлиги туфайли барча давлатлар:

а) коррупциянинг барча турларига барҳам бериш учун ўз жиноят қонунчилигининг мувофиқлигини, шу жумладан процессуал нормаларини ҳамда тегишли санкцияларини кўриб чиқиши;

б) коррупция ҳамда ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш учун маъмурий механизмлар ва тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиши;

с) коррупция домига илинган мансабдор шахсларни аниқлаш, тергов қилиш ва ҳукм этиш таомилларини белгилаши;

д) коррупция натижасида қўлга киритилган маблағлар ва мол-мулкни мусодара қилиш учун ҳуқуқий қоидаларни ишлаб чиқиши;

е) коррупцияга дахлдор корхоналарга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаши жуда муҳим»⁵⁷.

Конгресс котибият тайёрлаган «Коррупцияга қарши кураш бўйича амалий чора-тадбирлар» қўлланмасини кўриб чиқди ва «Давлат бошқаруви соҳасидаги коррупция тўғрисида»ги резолюцияни қабул қилди. Унда коррупция мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши, ҳукумат қарорларининг самарадорлигига путур етказиши, ахлоқ ҳолатига зиён етказиши, фуқароларнинг ҳукуматга нисбатан ишончини камайтириши, одил ва холис судлов принципини бузиши таъкидланди. Конгресс давлат хизматчилари учун халқаро хулқ-атвор кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Тўққизинчи Конгрессга тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1995 йил февралда Европа Кенгаши коррупцияга қарши соҳалараро гуруҳ ташкил қилди. Бу муаммо Америка давлатлари ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европа комиссияси ва бошқа халқаро бирлашмалар томонидан муҳокама қилинди. Буларнинг барчасига коррупция объектив ҳисобга олинишига шубҳа сабаб бўлди.

Хўш, халқаро ҳамжамият коррупция деганда нимани тушунади? В.В.Лунев бу ҳақда шундай ёзади: «Таърифлар анчагина, лекин тўлиқ ҳуқуқий аниқлик мавжуд эмас. Албатта, коррупция соф ҳуқуқий эмас, балки синтетик ижтимоий ёки криминологик ҳодиса, шу боис, унга муайян жиноят таркиби

⁵⁷ Практические меры борьбы с коррупцией. Руководство, подготовленное секретариатом ООН. А/CONF. 144/B/1990/29 May. – P. 4.

сифатида эмас, балки ўхшаш жиноят турлари мажмуи сифатида ёндашиш лозим»⁵⁸.

БМТнинг коррупцияга қарши халқаро миқёсда кураш олиб бориш тўғрисидаги маълумот ҳужжатида қисқа, лекин қамровли таъриф мавжуд: «Коррупция – бу шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилишдир». Ушбу таърифдан кўринадики, коррупция порахўрликдангина иборат эмас. Ж.Най фикрига кўра, коррупция порахўрлик (шахсни пора эвазига оғдириш), непотизм (шахсий алоқалар асосида ҳомийлик) ва жамоат мулкани шахсий фойдаланиш учун қонунга хилоф равишда ўзлаштиришни ўз ичига олади⁵⁹.

Шунга ўхшаш ёндашувга Европа Кенгаши коррупция бўйича соҳалараро гуруҳининг таърифида ҳам дуч келиш мумкин: «Коррупция – бу давлат сектори ёки хусусий секторда муайян вазифаларни бажариш топширилган шахсларнинг порахўрлиги ёки мансабдор шахс, ходим, мустақил агент мақомига ёки бошқа муносабатларга кўра берилган ваколатларнинг бузилишига олиб борадиган, ўзи ёки бошқалар учун ҳар қандай ғайриқонуний наф кўриш мақсадини кўзлайдиган бошқа ҳар қандай ҳаракатидир».

БМТ Котибияти турли мамлакатларнинг тажрибаси асосида тайёрлаган қўлланмада ҳам шунга ўхшаш ғояга дуч келамиз. У коррупция тушунчасига қуйидагиларни киритган: 1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкани талон-торож қилиш, ўғирлаш ва ўзлаштириш; 2) асоссиз наф кўриш мақсадида хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш; 3) жамият олдидаги бурч ва шахсий ғаразгўйлик ўртасида манфаатлар тўқнашуви.

Халқаро миқёсдаги коррупциядан қаттиқ ташвишга тушган халқаро ҳамжамият миллий қонунчиликда ўз мамлакатидан ташқарида содир этилган амалдорларни пора эвазига оғдириш учун ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутишни тавсия этади. Бундай жавобгарликни жорий этган биринчи мамлакат АҚШ бўлди. 1977 йил АҚШнинг йирик корпорациялари чет эл буюртмаларини олиш учун пора берганлиги фош этилганидан сўнг «Чет элдаги коррупция фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилинди. Унда корпорациялар учун 2 миллион долларгача жарима ва жисмоний шахслар учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, халқаро ҳужжатларда нафақат жиноят-ҳуқуқий, балки процессуал, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, ташкилий қоидалар ва тавсиялар ҳам кўп бўлиб, улар бу соҳадаги мамлакатимиз қонун ҳужжатларини такомиллаштириш учун долзарб аҳамиятга эга.

«Ўзбекистонда, шубҳасиз, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда, фош этилган коррупциячилар қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупциячилар домига илинган амалдорларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида бир

⁵⁸ Лунев В.В. Коррупция, учтенная и фактическая // Государство и право. – М., 1996. – №8. – С. 79.

⁵⁹ Қаранг: Political corruption: A hand book / Ed. by Heldenheimer A.J. et at Oxford. – 1989. – P. 22.

қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиямизни белгилаб беради»⁶⁰.

Давлатимиз раҳбари 2005 йил 7 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишда қуйидагиларни қайд этиб ўтган: «Шуни таъкидлаш зарурки, давлат хизматчилари орасида коррупцияга, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатларига қарши доимий кураш олиб бориляпти. Қонунни бузган, жиноятга қўл урган нопок ходимларни ҳуқуқ-тартибот идоралари вақтида ушлаб, жазосини беряпти. Лекин бу масалада олиб борилаётган ишлар мутлақо етарли эмаслигини таъкидлаш жоиз»⁶¹.

Коррупция сақланиб қолаётгани ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, қолаверса, мафкуравий, ҳуқуқий ва ахлоқий сабаблар билан изоҳланади. Мзкур ҳодиса бутун жаҳонда кўп йиллардан бери мавжудлиги буни тасдиқлайди.

Бутун жаҳонда коррупция домига илинганлик молиявий ва моддий ресурсларни тасарруф этиш, ҳаёт учун муҳим низоларни ҳал қилиш билан бевосита шуғулланадиган ижроия ва суд ҳокимияти органларининг фаолиятида кўпроқ даражада намоён бўлади. Шунинг учун ҳам коррупция устида махсус тадқиқотлар олиб бораётган олимлар мазкур ҳодисани, аввало, жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан таҳлил қиладилар. Коррупцияга маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар ҳам эътиборни қаратдилар, чунки давлат хизматчилари мақомининг ҳуқуқий базаси ҳуқуқнинг шу тармоқларида шаклланади.

Айни чоғда оқибатлар тўғрисида сўз юритганда, коррупция кўринишлари, айниқса, бундай жиноятларни тўхтатиши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги коррупция ҳолатлари жамоатчиликнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги коррупция, шубҳасиз, ҳокимият органлари бутун жамият манфаатларида ижобий иш кўра олишига аҳолининг ишончи йўқолишига олиб келади.

Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳокимиятнинг коррупция домига илинганлиги муаммоси комплекс хусусиятга эга, чунки коррупция ҳокимиятнинг барча соҳаларига кириб боради. Қонун чиқарувчи ҳокимият соҳасидаги коррупция айниқса хавфлидир. Вакиллик ҳокимияти органларини шакллантириш ҳуқуқий асосларининг номукамаллиги бундай ҳолатнинг сабабларидан биридир. Бу, аввало, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишлидир. «Айни эркин сайловлар... халқ ҳокимияти бевосита намоён бўлишининг олий шаклидир, давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи эса, кўп жиҳатдан унда амал қилувчи сайлов тизимининг қай даражада ошқоралиги ва демократлигига боғлиқ. Худди мана шунинг учун ҳам сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларни такомиллаштириш масаласига

⁶⁰ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.94.

⁶¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 239.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг энг муҳим таркибий бўлаги сифатида қарамоқ зарур»⁶².

«Юқори даражадаги коррупция билан боғлиқ жиноятлар – бу қонунни исталган қўйга солиш ёки нотўғри қўллаш, асоссиз устунликларни қўлга киритиш ёки содир этилган жиноятлар учун жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида суд мажлисини ва ҳатто қонун ижодкорлигини уюштириш имкониятига эга бўлган ҳокимият вакилларининг жиноятларидир. Ҳокимиятнинг юқори поғоналарида бундай ҳаракатларнинг содир этилиши вазиятнинг беқарорлашувига ва ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига олиб келади...»⁶³

Айни вақтда қонун ижодкорлари, ҳуқуқни қўлловчилар ва назариячиларнинг бутун саъй-ҳаракатлари коррупция тушунчасига таъриф бериш ва унинг асосий турларини аниқлашга қаратилган. Бунда: Асосий муаммо – коррупцияга қарши курашни қандай қилиб ва қайси воситалар ёрдамида амалга ошириш зарур деган саволга жавоб топиш иккинчи даражали аҳамият касб этиб қолмоқда.

Ва бу тизим шундай ишлаши керакки, бордию бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур.

Жамиятда ана шундай қараш, ана шундай тушунча шаклланган тақдирдагина қонун устуворлиги сўзда эмас, амалда таъминланади.

«Коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Айни вақтда бу мақсадларга ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари воситалари билан ҳам эришиш мумкин эмас. Умуман олганда, коррупция ҳодисасига сўзнинг кенг маъносида ёндашадиган бўлсак, бу шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолатидир»⁶⁴.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, «мансабни ноқонуний амалга ошириш, мансабдор шахс ўз мансаб бурчларини бажариш жараёнида ёки мансабини амалга ошириш ниқоби остида ҳаракат қилганда коррупциялашган хатти-ҳаракат ҳисобланади...Коррупциялашган элементларнинг фаолият шакли ва усуллари жуда ҳам турлидир. Порахўрлик, ёлғон кўрсатма бериш, хорижий давлат арбобларини «сотиб олиш», ноқонуний битим тузишга халқаро монополияларни жалб қилиш, солиқ тўламаслик, валюта фондлари билан найранг қилиш, ҳукумат амалдорларини, сиёсий ва касаба уюшма

⁶² Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 86-87.

⁶³ Вершков И.И., Погодин С.Б. Борьба с коррупцией в условиях состязательного процесса // Право и политика. – М., 2004. - №5. – С. 69.

⁶⁴ Тогонидзе Н.В. Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организованной преступности // Государство и право. – М., 2002. - № 1. – С. 115.

арбобларини «оғдириб олиш», гиёҳвандлик бизнеси, фоҳишабозлик ва қимор ўйинлари билан тўғридан-тўғри кўшилиб кетиш, жиноий йўл билан орттирилган бойликни «қонунийлаштириш», судьяларни, прокурорларни ва полициячиларни сотиб олиш ва шунга ўхшаш фаолият турлари ана шулар жумласига киради»⁶⁵.

Ҳар бир мамлакат, халқ «жиноят» ва «коррупция» каби тушунчаларни ўз дунёқараши, тафаккури ва менталитети даражасига кўра ҳар хил тасаввур қилади. Айрим мамлакатларда коррупция порахўрликнинг синоними ҳисобланади, айрим мамлакатларда эса у кенгроқ давлат ҳокимияти ва ҳатто жамиятнинг маънавий инқирози сифатида талқин этилади. Сўзимизнинг исботи тариқасида бу масалани бир неча мамлакатлар мисолида кўриб чиқамиз. Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз.

Ҳозирги пайтда коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада мавжуд. Шунинг ҳисобга олган ҳолда бу ўринда АҚШ, Канада, ГФР, Франция, Нидерландлар каби мамлакатларда ишлаб чиқилган давлат хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш назарияси ва амалиётига тегишли айрим мисолларни кўриб чиқиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз⁶⁶.

Ҳозирги пайтда коррупция алоқаларига эга бўлган уюшган жиноий тузилмалар, айниқса, унинг халқаро алоқаларга эга бўлган ҳамда халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган тузилмалари Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига тажовуз қилувчи энг хавфли ва жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари билан узвий бўлган ниҳоятда хавфли ва мураккаб ҳодисалар ҳисобланади. Шунинг унутмаслик керакки, таъмагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб, ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қилади. Сўнгра, бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади.

Дарҳақиқат, уюшган жиноий тузилмалар ва коррупциялашган мансабдор шахслар бир-бирининг хизматидан фойдаланиш кўламнинг борган сари кенгайиб ва чатишиб бораётганлиги кузатилаётган бир вақтда уларнинг бугунги кўринишлари, оқибатларини ўрганиш, уларни таъминловчи омилларни аниқлаш ҳамда улар устидан ижтимоий-ҳуқуқий назоратни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳам энг долзарб муаммолардан бири саналади. Бинобарин, жаҳон тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, ҳар доим ҳам уюшган жиноий тузилмалар, айниқса, унинг юқори даражадаги

⁶⁵ Исмоилов И. Коррупция ва унга қарши курашнинг асосий йўналишлари // Ҳуқуқ. Право. Law. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 50-51.

⁶⁶ Афсуски, ушбу боб ҳажми коррупция муаммоси билан тўқнаш келган давлатларга батафсил тўхталиш имконини бермайди. Бизнингча, бу алоҳида тадқиқот мавзусидир.

кўринишлари ўз фаолиятини хавф-хатарсиз амалга оширишни ва катта фойда олишини таъминлайдиган коррупция алоқалари бўлишини талаб қилади. Ҳозирги кунда коррупция иқтисодий соҳадаги уюшган жиноий фаолиятнинг асосий белгиси бўлиш билан бир вақтда халқаро жиноий алоқаларда боғловчи бўғин ҳам ҳисобланади.

Шундай қилиб, коррупцияни тубдан барҳам топтириш учун энг аввало, иқтисодий чоралар кўрилиши лозим. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашнинг мантиқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш йўлидан янада изчил боришни, ҳалол тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш баъзан унинг йўлида сақланиб қолаётган кўплаб бюрократик сансалорликлар ва тўсиқларни бартараф этишни талаб қилади. Шу билан бирга, жиноятчилик ва коррупцияга қарши туриш учун Ўзбекистоннинг бутун ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш дастури қабул қилиниши зарур. Бундан кўзланган мақсад қонуннинг мутлақ устунлиги ва инсон ҳуқуқларининг кафолати ҳимояланиши бўлмоғи лозим.

Қолаверса, коррупциядан ҳимояланишнинг энг самарали йўли фуқароларимизда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет ҳосил қилиш, ахлоқ юксак даражада бўлишига эришишдир. Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори – ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

§ 4.2. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш масалалари

Мамлакатимизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади ва давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ушбу вазифаларни бажаришда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилот, муасасса, корхоналар ҳамкорликни йўлга қўйиши муҳим аҳамиятга эга⁶⁷.

Ҳар бир соҳадаги манфаатлар тўқнашуви дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқи, эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган. Деярли барча Европа мамлакатларида қонунчилик давлат хизматчиларига илмий, ижодий ва ўқитувчилик фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишни тақиқлайди.

⁶⁷ Қосимов И. Манфаатлар тўқнашуви: унинг олдини олиш, бартараф этиш йўллари. <https://postda.uz/uzc/news/spirituality/spirituality/9252>

Қоидага кўра, ушбу мажбуриятни бузиш ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жавобгарликка сабаб бўлади. Бироқ, баъзи ҳолларда, миллий қонун чиқарувчилар бундай хатти-ҳаракатларни коррупция жинояти деб билишади. Шундай қилиб, давлат хизматчиларининг ишбилармонлик фаолияти манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради. Белгия, Испания, Латвия, Малта, Голландия, Португалия, Франция каби давлатлар қонунларида манфаатлар тўқнашуви мустақил жиноят таркибини шакллантиради⁶⁸.

Кўпгина Европа мамлакатларида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва унинг олдини олиш механизмлари давлат хизмати тўғрисидаги умумий қонунлар билан белгиланади. Масалан, Полшада “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат функцияларини бажарувчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишни чеклаш тўғрисида”ги Қонунлар, Австрияда “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун ва Жиноят кодекси, Исландияда “Давлат бошқаруви тўғрисида” Қонун ва Грецияда “Давлат хизмати тўғрисида” кодекс. Шу билан бирга, Шарқий Европанинг баъзи давлатларида ва постсовет мамлакатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган (Сербия, Хорватия, Латвия, Литва, Молдова, Қирғизистон)⁶⁹.

Европа ва постсовет мамлакатларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича миллий дастурлар иккита ёндашувга асосланади, яъни:

1) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурлари коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш стратегиясининг бир қисми сифатида;

2) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурлари давлат секторида касбий хулқ-атвор стандартларини таъминлаш ва ошириш бўйича кенг стратегиянинг бир қисми сифатида.

Собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари орасида Молдова Республикаси давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилишда сезиларли ютуқларга эришган. У коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш стратегиясининг бир қисми сифатида миллий манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурини ишлаб чиққан. Бундан ташқари, Молдовада 2008 йил 15 февралда манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг барча жараёнларини белгилаб берадиган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” махсус қонун қабул қилинган.

Қонунда манфаатлар тўқнашувини ижобий ҳал қилиш вариантлари аниқ белгиланган, хусусан:

1) мансабдор шахснинг шахсий манфаатларидан воз кечиши ёки унинг томонидан бу манфаатларга барҳам берилиши;

2) манфаатлар тўқнашувида иштирок этган мансабдор шахсни лавозимидан четлаштирмасдан қарор қабул қилиш жараёнида қатнашишдан бош тортиш (тақиқлаш) – манфаатлар тўқнашувининг такрорланиш эҳтимоли кам бўлган ҳолатда;

3) манфаатлар тўқнашувида иштирок этган мансабдор шахснинг маълум маълумотларга киришини чеклаш;

⁶⁸ Bryn Williams-Jones. A Procedure for Managing Conflict of Interest When Forming Thesis Juries P.15

⁶⁹ Ахметова Н. Конфликт интересов на государственной службе. Власть 2013’12 – С. 124

4) мансабдор шахсни манфаатлар тўқнашуви хавфи бўлмаган ҳолатга ўтказиш;

5) қарорлар қабул қилишни тўхтатиб туриш тавсия этилмайдиган манфаатлар тўқнашувининг давом этиши эҳтимоли бўлган тақдирда – мансабдор шахснинг ваколатлари ва функцияларини қайта кўриб чиқиш;

б) мансабдор шахснинг шахсий шахс сифатида қарама-қарши функциясини бажаришни ўз ичига оладиган лавозимдан бўшатиш. Тегишли мансабдор шахс ўзи жойлашган манфаатлар тўқнашувидан чиқиш ёки манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган имтиёزلардан воз кечишни талаб қиладиган ҳар қандай якуний қарорни қабул қилишга мажбурдир.

Қонунда давлат лавозимига сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш учун номзод декларация топшириш орқали тегишли шахсий манфаатларини аниқлаш ва эълон қилиш талаб қилиниши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, шахсий манфаатларни эълон қилиш талаби ишга қабул қилиш, сайлаш ёки давлат лавозимига тайинланишни тартибга солувчи барча жараёнлар ёки битимларга киритилган. Молдова Республикаси қонунчилигига мувофиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация давлат хизматчисининг биринчи иш кунидан ёки тайинланган кунидан бошлаб 15 кун ичида тақдим этилиши лозим. У ҳар йили 31 мартга қадар топширилади. Агар маълумотларда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ўзгаришлар бўлса, улар шахсий манфаатлар декларациясини ўзгартиришлар пайдо бўлганидан кейин 15 кун ичида янгилашлари лозим⁷⁰.

Шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация ёзма равишда декларантнинг шахсий жавобгарлиги остида топширилади ва тегишли маълумотларни ўз ичига олади (пуллик касб фаолияти билан шуғулланиш; нотижорат ташкилотлар ёки сиёсий партияларда таъсисчи бўлиб ишлаш; корхона, кредит муассасаси, суғурта ташкилоти ёки молия институти акциядори ҳисобланиши; халқаро ташкилотлар билан алоқалар).

Шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларацияларда тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш коррупцияга қарши махсус орган – Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий комиссия ва унинг илтимосига биноан бундай маълумотларни текширишни ўз ичига олган ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва Коррупцияга қарши курашиш миллий комиссияси ўзларига декларациялар орқали маълум бўлган манфаатлар тўқнашувларини зудлик билан ҳал қилиш учун зарур чораларни кўришлари ва ваколатли давлат органларига ҳар қандай қонун бузилишлари тўғрисида хабар беришлари шарт.

Бир қатор мамлакатларда ушбу можароларни ҳал қилиш бўйича чоратадбирларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган қуйидаги профилактик чораларни кўрмоқда:

1. Қўшимча иш жойини чеклаш. Бундай чекловлар барча мамлакатларда мавжуд, аммо фақат Испанияда парламент аъзоларининг жамоат ва шахсий

⁷⁰ Михайлов В. Конфликт интересов: содержание, порядок предотвращения и урегулирования. Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения № 4 — 2016 – С. 16

лавозимларни бирлаштириш тақиқланган. Франция ва Венгрияда маҳаллий сайланган мансабдор шахслар миллий парламент аъзолари бўлиши мумкин. Агар маҳаллий сайланган амалдорлар тўлиқ ишлаган ва ўзлари сайланган лавозимларига ҳақ тўланадиган бўлса, барча мамлакатларда давлат ёки хусусий секторда бошқа ишларни амалга оширишга чекловлар мавжуд.

2. Даромадлар тўғрисида декларацияни тақдим этиш. Франция, Германия ва Буюк Британияда бу талаб мажбурий эмас (сўнгги икки мамлакатда парламент аъзолари фақат катта миқдордаги тўловларни эълон қилишади). Венгрия ва Италияда бу мажбурият фақат парламент аъзоларига юклатилади, Полша ва Испанияда фақат маҳаллий сайланган мансабдор шахслар ва сиёсатчилар ўз даромадларини эълон қилишади (Испанияда парламент аъзолари ҳам пуллик фаолиятларини эълон қилишади). Латвияда ушбу чора нафақат барча тайинланган сиёсий арбоблар ва сайланган мансабдор шахсларга, балки давлат хизматчиларига ҳам тегишли⁷¹.

3. Оила аъзолари даромадлари тўғрисида декларацияни тақдим этиш. Полшада маҳаллий сайланган мансабдор шахсларнинг турмуш ўртоқлари ва тайинланган сиёсатчилар ўз даромадларини декларация қилишлари шарт. Венгрияда ушбу чора тайинланган сиёсатчи ёки юқори лавозимли мансабдор шахс билан яшайдиган барча оила аъзоларига қўлланилади. Бошқа барча мамлакатларда бундай декларация мажбурий эмас. Испанияда бу тайинланган сиёсий арбобларнинг турмуш ўртоқлари учун ихтиёрий чорадир.

4. Тассаруфидаги шахсий мулк тўғрисида декларацияни тақдим этиш. Германия ва Буюк Британиядан ташқари мамлакатларда ҳукумат аъзолари ва тайинланган сиёсатчилар, парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган амалдорлар шахсий мулкларини декларациялашлари шарт.

5. Олинган совғалар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш. Латвияда совғалар декларацияси барча амалдорлар (шу жумладан сайланган мансабдор шахслар ва парламент аъзолари) учун мажбурийдир. Полшада бу талаб фақат маҳаллий сайланган амалдорлар ва тайинланган сиёсатчилар учун, Венгрияда фақат парламент аъзолари учун мажбурийдир.

6. Шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш. Германия ва Испанияда бундай чора маҳаллий сайланган амалдорлар учун мажбурийдир. Буюк Британияда, мансабдор шахслар, шу жумладан маҳаллий бошқарув органларга сайланганлар, ҳар сафар бошқалар томонидан мансабдор шахснинг ҳаракатларига таъсир қиладиган сифатида қизиқиш пайдо бўлганда, расмий равишда қизиқиш тўғрисида декларацияни тақдим этишлари керак. Бундан ташқари, Британия расмийлари ўзларининг декларацияларида оила ва яқин қариндошларнинг манфаатларини ҳисобга олишлари керак. Франция, Венгрия, Италия, Латвия, Полшада бундай расмий декларация талаб қилинмайди, аммо маълум манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда,

⁷¹ Status report of the republic of Latvia under the Baltic anti-corruption initiative. Final status report as submitted by the Latvian Ministry of Justice in April 2002. The draft report was discussed at the “Review Meeting of the Status Reports on Legal and Institutional Measures to Fight Corruption”, held in Tallinn on 26-27 February 2002. – P. 56

амалдор шахсий манфаатларини аниқлаши (эълон қилиши) ва ундан воз кечиши учун рухсат сўраши керак.

7. Қарор қабул қилиш ёки овоз бериш билан боғлиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация ва сиёсий қарорларни тайёрлашда ёки маслаҳат беришда иштирок этиш. Ушбу манфаатларнинг расмий декларацияси Португалияда (тайинланишдан олдинги уч йиллик маълумот учун), Испанияда (икки йиллик давр учун) тайинланган сиёсатчилар ва парламент аъзолари учун, шунингдек Испанияда маҳаллий сайланган амалдорлар учун ҳам талаб қилинади (Португалияда бу ихтиёрий). Германияда, Буюк Британияда, Францияда, Италияда, Латвияда, Полшада ушбу декларацияга ёндашув юқоридаги 7-бандда баён этилгани кабидир. (“Шартнома асосида бошқариш билан боғлиқ шахсий қизиқишлар тўғрисидаги декларация”).

Манфаатлар тўқнашувини, даромад ва мулк тўғрисидаги декларацияларни оммавий равишда, яъни жамоатчиликка ошкор қилиш борасида Францияда, Венгрияда талаблар йўқ. Полшада бу фақат маҳаллий сайланган амалдорлар учун мажбурий ҳисобланади. Германия ва Италияда парламент аъзолари, Испанияда⁷² эса парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган мансабдор шахслар учун манфаатлар тўғрисидаги декларациялар фақат тегишли шахснинг илтимосига биноан ошкора эълон қилинади. Португалияда тайинланган сиёсатчилар, парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган амалдорларнинг декларациялари оммага тақдим этилса, Латвияда эса бу қоида барча декларацияларга қўлланилади.

8. Шахсий ва оилавий компанияларга эга бўлиш билан боғлиқ чекловлар. Маҳаллий органларга сайланган Италия амалдорлари учун мулкка нисбатан маълум чекловлар мавжуд. Полшада ушбу тоифадаги мансабдор шахсларнинг хусусий бизнес билан шуғулланиши тақиқланади.

Юқоридаги қоидаларни бузганлик учун тегишли жазо (жинойй, интизомий, маъмурий) тайинланади.

Кўриб чиқиладиган кўплаб мамлакатларнинг қонунчилигида “номақбул бошқарув билан манфаатлар тўқнашуви” борасидаги жиноятлар тавсифланади (Латвия, Полша, Германия, Буюк Британия, Франция).

Интизомий жазо чораси сифатида қуйидагилар қўлланилиши мумкин:

- иш ҳақи тўлашни тўхтатиб қўйиш (Полша, Буюк Британия);

- ишдан бўшатиш (Франция, Венгрия, Латвия, Польша, Португалия ва Испания).

Маъмурий жазо чоралари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: жарималар, маънавий жазолар (масалан, парламентнинг расмий газетасида ёки давлатнинг расмий газетасида қонунбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш), парламентга ҳисобот бериш, 10 йилгача давлат лавозимларини эгаллашни тақиқлаш ва ноқонуний равишда олинган мулкни қайтариш.

Ўхшаш талаблар Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона ҳамда солиқ қўмиталари, Ички ишлар вазирлиги тизимларида ҳам мавжуд.

⁷² José María Segovia and Guillermo San Pedro Uría Menéndez. Conflicts of interest in Spain. Financial institutions. P 14

Аммо Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияга (2003 йил 31 октябрда) қўшилиши, сўнгги йилларда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши билан бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган нормаларни янада кучайтириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Фикримизча бу борада давлат миқёсида коррупцияга қарши аниқ тадбирлар, давлат бошқарувини такомиллаштириш, самарали механизм яратиш ва масъул идоралар вазифаларини янада аниқ белгилаш зарур.

Қонунчиликни ривожлантириш борасида “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинишини тезлаштириш ва унда касбий тайёргарлик ва масъулият, кадрлар ротацияси, назорат механизмининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, оммавий ҳисобдорлик, тизимлилик, манфаатлар тўқнашувига замин яратадиган қариндошчилик (куда-андачилик), маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, раҳнамочилик, лоббизм ва бошқаларни олдини олишга қаратилган масалаларни ҳал этиш керак.

Шунингдек, жинойт қонунчилигида мавқеидан фойдаланиш ва ноқонуний бойлик орттириш каби қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда хорижий давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, юридик шахслар жавобгарлиги, ноқонуний йўллар билан орттирилган мол-мулкни мусодара қилишни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни қабул қилиш, миллий қонунчиликда гувоҳлар, экспертлар ва жинойтдан жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши тизимни мувофиқлаштирувчи мустақил ягона идора ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

§ 4.3. Коррупцияга қарши курашишда рақамли технологияларни қўллаш масалалари

Интернет ва IT-технологияларининг инсон ҳаёти ва саноатнинг барча соҳаларига — кундалик ҳаётдан ишлаб чиқаришгача тез кириб бориши саноат инқилобининг тўртинчи тўлқини ёки «Саноат 4.0» сифатида тавсифланади, жамият, иқтисодиёт ва атроф-муҳит тўғрисидаги жуда кўп маълумотларга тезкор киришга имкон берди. Ахборот технологиялари ва катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш воситалари томонидан тақдим этилган имкониятлар натижасида давлатнинг асосий муаммоларини, шу жумладан коррупцияга қарши масалаларни ҳал этиш учун мунтазам фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган.

Давлат бошқаруви тизимини рақамлаштириш коррупцияга қарши курашда кучли омил ҳисобланади. Замонавий технологик имкониятлар очик ва шаффоф бошқарув жараёнларини таъминлаши, ҳукуматга бўлган ишончни шакллантириш, фуқароларнинг мунтазам ва фаол иштироки воситасида қонун устуворлигини кучайтириш орқали давлат секторининг яхлитлиги ва

жавобгарлигини оширишга қаратилган коррупцияга қарши сиёсатни такомиллаштириш имкони беради.

Рақамлаштириш ва коррупцияга қарши сиёсат соҳасидаги ИХХТнинг етакчи тадқиқотчилари фикрига кўра, замонавий ахборот технологиялари коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ва коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишда ўзаро муносабатларнинг мутлақо янги экотизимини яратиши мумкин. Бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатлар маълумотлар очиклиги ва коррупциянинг олдини олиш учун рақамли технологиялардан фаол фойдаланмоқда. Мазкур соҳада ИХХТ тадқиқот ўтказиб, унда коррупцияга оид хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида рақамли технологиялар, хусусан, очик маълумотлардан фойдаланиш борасидаги мамлакатларнинг ҳолати таҳлил қилинди.

Ҳозирги вақтда ўрганилаётган мамлакатларда давлат бошқарувини рақамлаштириш тўлиқсиз, тизимсиз ва қарама-қарши характер касб этмоқда. Айти пайтда коррупцияга қарши курашиш механизмининг такомиллаштириш ва тегишли жараёнларда ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу мақсадда, 2018 йил декабр ойида G20нинг навбатдаги саммитида 2019-2021 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш режасининг муҳокамасида қуйидагилар аниқланди: жорий вазият баҳоланди; энг муаммоли соҳалар аниқланди ва адолатли ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий вазифаларини белгиланди. Эксперт ҳамжамиятининг фикрига кўра, коррупция қоидабузарликларини минималлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири бу самарали ва амалий инновацион технологик имкониятлардан фойдаланишдир. Коррупцияга қарши курашиш доирасида рақамлаштиришнинг потенциалини очиш учун давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги тизимини шакллантириш, замонавий норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ва коррупциянинг асосий омилларини бартараф қилишга қаратилган мақсадли ўзаро боғлиқ рақамлилаштириш сиёсатини олиб бориш керак.

Шунингдек, G20 коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи гуруҳи ва ЕКнинг тавсиялари биринчи навбатда маълумотларнинг очиклиги ва давлат бошқаруви жараёнларининг ошқоралигини таъминлашга қаратилган эди. Аммо рақамлаштиришнинг фақат технологик имкониятлари қисман очиб берилди. Ахборот платформаларининг технологик имкониятлари ва маълумотларни тўплаш ҳамда ишлов бериш натижасида ҳосил бўлган улкан маълумотлар маълум соҳаларда, масалан, давлат харидларида ва сайлов жараёнида жуда мувоффақиятли қўлланилмоқда.

Бундай воситаларнинг пайдо бўлиши коррупциянинг сабаб ва шароитини таҳлил қилиш, коррупцион жиноятларининг оқибатларини аниқлаш, олдини олиш ва минималлаштириш орқали коррупцияга қарши курашиш воситалари ва услубларини тубдан такомиллаштириш усуллари билан коррупцияга қарши сиёсатни илгари суриш учун истиқболли йўналиш эканлиги кенг эътироф этилмоқда.

Коррупцияга қарши курашишда қуйидаги муҳим принцип ёки хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- такрорий операцияларда коррупция имкониятларини камайтирадиган автоматлаштириш;

- ошкоралик, ихтиёрий ваколатларни камайтиришга хизмат қилади;

- хавфли вазиятларни аниқлаш бўйича операцияларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

- мониторинг тармоқлари ва шахслар томонидан профилактик аниқлаш;

- хабардордорлик, мансабдор шахсларнинг ўзбошимчаликларига қарши курашиш ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилиш мақсадида жамоатчиликни хабардор қилиш;

- ҳисобот бериш: аниқ ҳаракатларга олиб келадиган ва ҳуқуқбузарликлар ва ёпилган бўшлиқларни жазолашга ёрдам берадиган шикоятлар бериш каналларини яратиш;

- рўйхатга олинган коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш орқали сақлаш;

- жамоатчиликни жалб қилиш ва онлайн мунозара орқали ахлоқий муносабатларни тарғиб қилиш⁷³.

БМТнинг маълумотларига кўра, ҳар йили пора миқдори дунё миқёсида 1 трлн.долларни ташкил қилади.

Коррупция натижасида давлатлар 2,6 трлн доллардан маблағни йўқотадилар, ўз навбатида бу дунё ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизига тенг.

2017 йилги Коррупциянинг глобал барометри шуни кўрсатадики, Осиё-Тинч-Уммони минтақасида қашшоқлик чегарасида истиқомат қилувчи 38% фоиз аҳоли давлат хизматларидан фойдаланиш учун пора беришга мажбурдир.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши омилида коррупцияга қарши курашда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш ҳаракати коррупциянинг барча кўринишларида фаол курашиш соҳасида замонавий ечимларнинг пайдо бўлишига олиб келди⁷⁴.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, рақамлаштиришнинг афзалликлари фақат тегишли инфратузилмалар, тартибга солиш, молиявий ресурслар ва АКТ соҳасида ўқитилган ходимлар билан амалга оширилиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашда АКТ воситаларидан фойдаланганда турли хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида рақамли тафовут мавжудлигини тан олиш керак - давлат ўз кучини оддий фуқаролар ўртасида рақамли саводхонлик даражасини оширишга қаратиши керак. Коррупцияга қарши АКТ қўлланилишининг мувоффақияти уларнинг маҳаллий шароит ва еҳтиёжлар, маданият ва технологияларга мослигига боғлиқдир.

⁷³ Adam I. Are emerging technologies helping win the fight against corruption in developing countries? / I. Adam, M. Fazekas // Background Paper. N 21. Oxford: United Kingdom, 2018. 34 p.

⁷⁴ Abrahamson E. Management Fashion // Academy of Management Review. 1996. Vol. 21, № 1. P. 254 - 85.

Хитой, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Грузия, Эстония ва бошқалар бир неча асосий йўналишларда IT технологияларидан фаол фойдаланишни бошладилар, шу жумладан:

давлат хизматларини тақдим этишда ҳалолликни таъминлашга, институционал яхлитликнинг идоравий тизимини таъминлашга, давлат хизматчиларининг оммавий ҳисобдорлик тизимини мустаҳкамлашга, давлат харидларида шаффофликни таъминлашга, самарали давлат молиявий бошқарувини таъминлаш;

давлат бошқарувининг шаффофлигини таъминлаш, аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларга бўлган ҳуқуқини тўсқинликсиз таъминлаш, коррупцияга қарши курашишда давлат хизматчиларини фаол жалб қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида турли хил давлат ва жамоатчилик назорат институтларини ривожлантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, қарорлар қабул қилиш жараёнлари, аҳолининг турли тоифалари учун мақсадли ахборот ва маърифий тадбирларни ўтказиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муҳитни яратишга ҳисса қўшиш, коррупцияга қарши курашиш хизмати ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини ва коррупция тўғрисида аноним хабар бериш имконияти ва бошқалар.

Масалан, Корея Республикасида 1999 йилда жорий этилган OPEN платформаси фуқароларга IT технологиялари орқали давлат хизматчиларининг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини бошқариш имкониятини берди.

Сингапур давлат хизматларини рақамлаштиришда IT технологияларидан фаол фойдаланилиши ҳисобига давлат апаратини сезиларли даражада камайтирди. Мисол учун, электрон хизматларни ва маълумотномаларни олиш учун тез-тез ташриф буюриладиган муассасаларда терминаллар ўрнатилди ва давлат билан алоқа қилиш тартибида янада қулай ҳамда соддалаштириш учун давлат хизмат порталлари мобил қурилмалар билан максимал даражада бирлаштирилади⁷⁵.

Австриянинг Иқтисодий жинойатлар ва коррупция бўйича Федерал прокуратураси коррупция ва мансабдор шахсларнинг жиной ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида хабар бериш учун мутлақо аноним алоқа каналини “маълумот берувчи веб-сайт”ни яратган бўлиб, мазкур веб-сайт коррупция ҳолатлари тўғрисида маълумотга эга бўлган шахсларга аноним электрон почта ҳисоб қайдномаси орқали маълумот юборишига рухсат беради.

2012 йилда Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси ва Коммунистик партиясининг ички назорат идоралари томонидан ташкил этилган Zero Trust сунъий интеллект тизими турли даражадаги давлат хизматчилари орасида 8721 коррупционерни аниқлади⁷⁶.

⁷⁵ Ланьков А.Н. Модернизация в Восточной Азии [Электронный ресурс] // «Полит.ру», 4 февраля 2010г. Интернетдаги манзили: <http://polit.ru/artide/2010/03/11/lankov/>.

⁷⁶ Xiao W. Freedom of Information Reform in China: Information Flow Analysis // International Review of Administrative Sciences. 2013. V. 79. P. 790 - 808.

Кўзланган мақсадларга қараб, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ИТ технологияларни бир неча асосий гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Рақамли давлат хизматлари ва электрон ҳукумат

Ушбу воситалар аллақачон кенг жамоатчиликнинг маълумотларига бўлган ҳуқуқини кенгайтириш, мансабдор шахслар фаолиятини мониторинг қилиш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва коррупция тўғрисидаги ҳисобдорликни таъминлаш орқали коррупцияга қарши курашишга хизмат қилмоқда: бу электрон ҳукумат (e-government)нинг АКТдан фойдаланишни ўз ичига олган субъектидир. Фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш учун Интернет, веб-қурилмалар ва электрон маълумотларни бошқариш тизимлари.

Тадқиқот электрон ҳукумат мамлакатлар ўртасидаги коррупция даражасидаги баъзи тафовутларни тушунтириши мумкинлигини аниқлади; етук электрон бошқарув коррупция хавфини камайтиради. Бу, айниқса ривожланаётган давлатлар учун мос келади.

Гвинеяда барча давлат хизматчилари биометрик идентификация тизими орқали давлат реестрида қайд этилган. Гана суд жараёнида иштирок этувчиларнинг шахсий ўзаро муносабатларини чеклаш орқали суд тизимида коррупцияга қарши курашиш учун электрон адлия тизимига киришмоқда. Ҳиндистонда Картана округи ҳукумати электрон идоралар дастурини ишга туширди, бу еса фермерларга тегишли идораларга ташриф буюриб, ресурсларни сарф қилмасдан, ҳосилни йўқотиш учун тегишлича мурожаат қилиш ва компенсация олишга имкон берди. Руанда ерга бўлган ҳуқуқнинг шаффофлигини таъминлаш учун рақамли ечимларни амалга оширди - бундай ечимнинг биринчи босқичи блокчаин ёрдамида ер регистрини рақамлаштириш эди.

Россия Федерацияси Меҳнат вазирлиги раҳбариятининг таъкидлашича, бундай коррупцион хавфларни бартараф этиш учун “ахборот технологиялари жорий этилмоқда, агар ходим қарор қабул қилиш имконияти чекланган бўлса, аниқ алгоритм унга доирадан чиқишга имкон бермайди ва у ахборот тизимида белгиланган қарорларни қабул қилиши керак: якка тартибда қарор қабул қилишни истисно қилиш, муайян ижрочи томонидан қабул қилинган қарорларни бошқариш функцияларини бирлаштириш (қайта текшириш)”. Бу ерда “бир ойна” тамойили асосида ишлайдиган давлат ва коммунал хизматларни тақдим этадиган кўп функцияли марказларни ажратиб кўрсатиш мумкин. 2019 йил ўрталарига келиб, Россияда МФСни ҳақиқий миллий тармоққа айлантирган 12 мингга яқин филиалларни ташкил этилган.

Рақамли давлат хизматларини дунёдаги энг илғорлардан бири сифатида кенг жорий этишга мисол деярли деярли барча давлат хизматлари учун рақамли тизимларни қурган Эстония (e-Estonia). Эстония электрон ҳукумати инфратузилмасининг пойдевори бўлиб, ўзаро таъсир ўтказадиган ва маълумот алмашиш имкониятига эга бўлган барча электрон ҳукумат хизматларини бирлаштирадиган X-Road маълумотлар алмашиш платформаси ҳисобланади. Шундай қилиб, Эстонияда электрон идентификацияга кўра, ҳар бир киши ўзларини ишончли идентификация қилиш ва электрон хизматлардан фойдаланиш учун шахсий ID-картаси, Mobile- ID ёки Smart- ID ёрдамида

рақамли имзони тақдим қилиши мумкин. Бундай идентификация шунингдек, Эстонияда бизнес юритаётган чет элликларга ҳам тақлиф қилинади, бу уларга электрон ҳукумат хизматлари ва порталларига кириш имкониятини беради. Эстония дунёда биринчи бўлиб сайловларда Интернетда овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

2. Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологиялари (Big Data) - инсон томонидан қабул қилинадиган натижаларни олиш учун катта ҳажмдаги тузилган маълумотларни қайта ишлаш усуллари, воситалари ва усуллари тўплами.

Катта маълумотлар технологиялари қарорларни қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш, аниқлиги ва частотасини ошириш орқали коррупция хатарларини таҳлил қилиш асосида самарали бошқарув учун тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради.

Дастлаб Big Data технологиялари асосан соғлиқни сақлаш, савдо ва солиқ соҳаларида қўлланилган. Кейинчалик улар ноқонуний легаллаштирилган активларни аниқлаш учун фойдаланила бошланди. Прогнозли таҳлил ва визуализация катта ҳажмдаги маълумотларда тенденциялар, тақдимот ва муносабатларни аниқлайдиган маълумот олиш учун ишлатилади.

Ҳукумат мансабдор шахсларининг коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги тўғрисида далилларни тўплаш ва оффшор зоналарда шубҳали операцияларни аниқлаш учун Big Data технологиясидан фойдаланган Австралия солиқ бошқармаси бунга мисол бўла олади.

2018 йилда Испаниянинг Валядолид университети тадқиқотчилари сунъий нейрон тармоқларига асосланган компьютер моделини яратдилар. Испания провинцияларида коррупция еҳтимоли ва уни қўллаб-қувватлайдиган шароитларни ҳисоблаб чиқади ҳамда ушбу огоҳлантириш тизими кўйидагиларни тасдиқлайди: масалан, агар муайян партия бир йилдан кўпроқ ҳукуматда бўлса, унда бундай фирибгарликка мойиллик даражаси ошади.

Муаллифлар, маълум бир минтақанинг хусусиятларига қараб, коррупцияни уч йилгача башорат қилиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Баъзиларида буни намоён бўлишидан анча олдин қилиш мумкин ва профилактика чораларини кўриш мумкин, бошқаларида прогноз қилиш вақти анча қисқароқ ва уни йўқ қилиш учун шошилиш чоралар талаб этилади.

2014 йилда Хитойда ХХР Давлат кенгаши, “Ижтимоий ишонч тизими” – давлат хизматчиларини баҳолаш бўйича давлат дастурини жорий этган “Ижтимоий кредитлар тизимини яратиш дастури (2014-2020 йиллар)” тўғрисидаги ҳужжатни эълон қилди. Дастур бир қатор параметрларга кўра, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари еътиборига тушган ходимларга нисбатан чоралар кўриш имконини беради.

2018 йил апрел ойи охирига келиб, “ижтимоий рейтингнинг паст даражаси” туфайли 15 миллиондан ортиқ хитойликлар, яъни мамлакатнинг ҳар юзинчи аҳолиси маъмурий жазога тортилди.

Фуқаролар кредитларни тўлаш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш, Интернет тармоғининг Хитой сегменти – China.netда ўзини тутиш асосида очко йўқотишади ёки аксинча. Аниқ методология сир тугилади, аммо қоидабузарликларга мисоллар: ҳайдовчиликнинг ёмонлиги, тақиқланган жойларда чекиш, жуда кўп видео ўйинлар сотиб олиш, сохта янгиликлар тарқатиш, ижтимоий тармоқларда еълон қилиш, ижтимоий тартибсизлик ва бошқалар.

3. Тарқалган китоб (DLT) ва блокчейн технологиялари

Блокчейн, айниқса мулкни рўйхатга олиш, ерга эгалик қилиш ва давлат буюртмаси каби коррупция хавфига мойил бўлган соҳаларда юқори хавфли битимларни юмшатиш учун ишлатилади. Шундай қилиб, блокчейн технологиясидан фойдаланиш шаффофликни ошириши ва фирибгарликнинг олдини олиши, якуний назорат ва жавобгарликни кучайтириши мумкин.

Ҳукумат оммавий битимлар ва ҳужжатларга нисбатан тақсимланган дафтарчанинг технологик имкониятларидан фойдаланиши мумкин, масалан, бюджет харажатларини кузатиш, ерларни рўйхатга олиш ва компаниялар реестрини юритиш ёки контракт ва тўлов тизимларини ўзгартириш учун. Блокчейн технологиясидан самарали фойдаланиш мумкин бўлган соҳалардан бири бу бюджетнинг шаффофлиги соҳасидир.

Масалан, Германия Тараққиёт Банки ҳозирда Африкада бюджет маблағларини ажратиш ва сарфлашнинг шаффофлигини ошириш учун блокчейн ечимини синаб кўрмоқда. TrnBudget - халқаро молиявий институтлар сарф-харажатлар тўғрисида қарорлар қабул қилинганлигини ва манбалар қаерга йўналтирилганлигини кузатадиган платформадир [16].

Блокчейн технологиясини қўллашнинг яна бир истиқболли соҳаси бу ер регистрлари. Bitfury - марказлаштирилмаган ва синхронлаштирилган маълумотлар тўпламлари асосида дастурий ечимларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий компания. Ҳозирда компания блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда Грузияда ер кадастри тизимини жорий қилмоқда. Bitfury тушунтирган тизим тақсимланган дафтар асосида ерга эгалик гувоҳномаларини сақлашни ўз ичига олади.

Сертификатларнинг мавжудлиги ер битимларининг ишончилигини оширади ва фирибгарлик билан боғлиқ битимлар потенциалини камайтиради. Бундай операцияларнинг олдини олинадиган чунки блокчейнда сақланган маълумотлар ўзгармас ва барча маълумотлар ўзгариши қайд этилади [16].

Афсуски, кўпгина потенциал чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва синовдан ўтказилмоқда - блокчейн технологияси тизим учун синовдан ўтказилмоқда ва яқин келажакда маълумотлар яхлитлигини таъминлаш ва ички таҳдидларни камайтириш учун амалга оширилади. Масалан, Ганада бу иккита стартап, Bitland ва Benben, блокчейн ер рўйхатга олиш ва кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни амалга оширишга қаратилган. Швеция ва Грузия ҳукуматлари ерни рўйхатга олиш учун блокчейн технологияларидан фойдаланмоқдалар. Украинада ҳукумат ўз қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва мулк ва ерларнинг давлат реестрларини блокчейн тизимига ўтказишни режалаштирмоқда. Кения жамоат ҳужжатларини тозалаш учун,

блоскчаиндан фойдаланади, хужжатларни тайёрлашдан бошлаб, таълим соҳасидаги фирибгарликни олдини олади. Германиянинг KfW ривожланиш банки Трубюдгетни яратади, у блоскчейнга асосланган шаффофлик ва самарадорлик воситаси бўлиб, у доимий харидларни амалга оширади.

Шэньчжэнь ҳукумати (ХХР) Tencent Technologies (WeChat) томонидан ишлаб чиқилган рақамли илова ёрдамида fintech дастурини (блоскчейн технологияси асосида) синовдан ўтказди. Ушбу технология ҳар бир қайд ёзувини кузатилишини, маълумотни ўзгартирмаслик ва маълумотларни йўқотиб бўлмаслигини таъминлашга қаратилган. Бутун жараён реал вақт режимида кузатилиши ва мамлакатда солиқ режимининг шаффофлигига ҳисса қўшиши мумкин.

Эстонияда шифокорга ёки шифохонага ташриф буюрган ҳар бир одамнинг соғлиғини кузатиб боровчи электрон тиббий ёзувлар мавжуд. Электрон гувоҳнома ID-карта билан аниқланган тиббий маълумот хавфсиз сақланади ва бир вақтнинг ўзида ваколатли шахсларга тақдим этилади.

Данияда ҳукумат қочқинлар лагерларида ёрдамни тарқатиш учун блоскчейндан фойдаланади. Қочқинлар лагерларида яшовчи одамлар биометрик гувоҳнома билан боғланган блоскчейн технологияси ёрдамида ёрдам олишади: дўконда қочқинлар том маънода кўзлари ёрдамида тўлайдилар - кўз сканери уларни танийди ва улардаги пул миқдорини миқдорини билиб олади ва бир неча сонияда операцияни қайта ишлаб blockchainда сақлайди. Рақамли идентификация қочқинларга шахсий ҳаётини тасдиқлаш, банк ҳисоб рақамларини олиш, пул тўлаш ва овоз бериш, соғлиғини сақлаш ва мулкни рўйхатга олиш имкониятини берадиган янги ҳаётни қуришда ёрдам беради.

4. Маълумотларни саралаш чиқариш технологиялари Data Mining каби коррупцияга қарши дастурий таъминотлар фирибгарликни аниқлаш ва унинг юзага келишига зудлик билан жавоб бериш учун ишлаб чиқилган. Европа Комиссияси шунга ўхшаш маълумотларни таҳлил қилиш дастурларини ишлаб чиқиш учун Transparency International билан ҳамкорлик қилди. Ушбу дастур фирибгарлик, манфаатлар тўқнашуви ёки ҳуқуқбузарлик хавфи остида бўлган лойиҳаларни аниқлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, воситаларни давлат электрон ҳукуматига ва электрон харидлар амалиётига интеграциялаш нафақат қарорларни самарали қабул қилишда ёрдам беради, балки жараёнларни соддалаштириш орқали юқори даражадаги шаффофликни таъминлайди⁷⁷.

Сунъий интеллект (Artificial intelligence – AI) технологияси маълумотларни таҳлил қилишнинг бир тури ҳисобланади. Сунъий интеллект технологияларидан коррупция ва кибержиноятларга қарши курашишда мамлакатлар асосан иккита вазифани бажаришда фойдаланадилар - катта ҳажмдаги маълумотларни автоматик таҳлил қилиш (SWIFT тўловлари, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар) ва тубдан янги билим турларини

⁷⁷ Противодействие коррупции в Российской Федерации: проблемы, приоритеты, технологии / под ред. А. П. Кошкина. – Вып. 3. – Москва : ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г. В. Плеханова», 2015. – 76 с.

олиш. Миосл учун фотосуратларда юзни таниб олиш ва уларни геолокация ёки ижтимоий тармоқлардаги профиллар билан таққослаш⁷⁸.

CB Insights аналитик компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 2018 йилда Artificial intelligence – AI компаниялари атиги \$ 4,2 млрд (581 та битим) даромад олган бўлса, 2019 йилда AI компаниялари 2235 та битим бўйича рекорд даражадаги \$ 26,6 млрд. даромад олган⁷⁹.

Ушбу воситалардан фойдаланиш учун жуда кўп соҳалар мавжуд - хакерларни аниқлаш, тендерлар пайтида “откат”лар ва тегишли шахсларни давлат хизматига ёллашда текшириш, ижтимоий тармоқлардаги сарф-харажатларни автоматик равишда назорат қилиш, поезд вагонларидан фойдаланишни аниқлаш ёки экинларнинг айланишини назорат қилиш учун далаларда ўсадиган ҳақиқий экинларни аниқлаш.

Ушбу соҳада етакчилардан бири бўлган ХХР ҳаётнинг турли соҳаларида, шу жумладан 60 миллиондан ортиқ давлат хизматчилари орасида коррупцияга қарши курашиш учун янги технологияларни жорий этмоқда.

AI учун коррупцияга қарши курашишда энг яхши маълум бўлган бу Zero Trust компьютер тизими, Forresterнинг собиқ таҳлилчиси Жон Киндерваг томонидан 2010 йилда ишлаб чиқилган.

Zero Trust тизими 2012-2019 йилларда синовдан ўтган. ХХРнинг 30 та туман ва шаҳарларида давлат хизматчилари томонидан 8000 дан ортиқ коррупцияга қарши тақиқ ва чекловлар бузилганлиги аниқланди. Zero Trust 150 дан ортиқ хавфсиз маълумотлар базалари билан бирлаштирилган, ходимларнинг ижтимоий муносабатларини таҳлил қилишга имкон беради.

Тизим, хусусан, мулкни топшириш, инфратузилмани қуриш, ерларни олиб қўйиш ва бузиш ҳолатларида шубҳали ҳолатларни кузатишда фойдалидир. Шунингдек, Zero Trust амалдорнинг банкдаги ҳисоб рақамидаги қолдиқнинг ўсишини дарҳол қайд қилади ва у янги машина сотиб олганлигини тезда аниқлайди. Бундан ташқари, сунъий интеллект давлат харидларини таҳлил қилади ва мансабдор шахслар, шунингдек уларнинг дўстлари ва қариндошлари ким ошди савдосида қатнашиш ҳолатларини аниқлайди.

Юқоридагилар аниқлангач тизим маълум бир ҳаракат коррупция оқибати бўлиши мумкинлигини баҳолайди. Агар балл белгиланган ўртача кўрсаткичдан юқори бўлса, ҳукумат огоҳлантирилади. Агар мансабдор шахс баъзи маълумотларни бузган бўлса, Zero Trust бир нечта манбалардан олинган маълумотларни таққослаши ва номувофикликларни топиши мумкин.

Танланган минтақавий ҳукуматлар, шу жумладан, 2019 йил декабр ойида Хунань провинциясида Манянг автоном префектураси, Хуайхуа шаҳар префектураси ва Ли префектурасида Zero Trust ишини тўхтатди.

⁷⁸ Противодействие коррупции в Российской Федерации: проблемы, приоритеты, технологии / под ред. А. П. Кошкина. – Вып. 3. – Москва : ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г. В. Плеханова», 2015. – 76 с.

⁷⁹ <https://nv.ua/opinion/korrupciya-v-ukraine-kak-ii-boretsya-s-prestupnostyu-novosti-ukrainy-50059689.html>

Data Mining дастурининг яна бир соҳаси давлат харидларида коррупцияга қарши курашишдир⁸⁰.

Буюк Британия ҳукумати коррупция жиноятларини фoш этишда сунъий интеллектдан ҳам фойдаланишни бошладилар. Ravn ACE технологияси 2016 йилда Британиянинг Rolls-Royce самолёт двигателларини ишлаб чиқарувчиси, шунингдек, ходимлар фирибгарлик, порахўрлик ва коррупцияда гумон қилинган Airbus корпорациясининг фуқаро авиацияси бўлимига қарши терговларда синондан ўтган.

Буюк Британиянинг йирик фирибгарлик бюроси (SFO) Британиянинг стартап томонидан яратилган Ravn ACE автоматлаштирилган тизимида ислохотлар ўтказиб, у ҳужжатларни танлаб олиш, индекслаш ва ҳужжатларни олиш учун мўлжалланган. Дастурдан фойдаланган ҳолда етти мутахассис кунига 600 минг ҳужжатни қайта кўриб чиқдилар. Ҳаммаси бўлиб, етти кишидан иборат жамоа автоматик равишда 30 миллионга яқин материалларни таҳлил қилди. Стартап ташқи молиялаштиришни жалб қилмади ва 60 га яқин мижозларга эга. Ravn ACE компаниясида 47 киши ишлайди, даромади 5 миллион долларни ташкил этади.

Американинг Palantir компанияси (капиталлашуви 20 млрд. доллар) ёпиқ ва очик манбалардан маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади ва натижаларга қараб қарамликни яратади, анонимларни аниқлайди ва ҳоказо. Деярли барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва АҚШ армияси компаниянинг мижозларидир. Улар тегишли яширин иттифоқларни аниқлаш, тўлдирилайётган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва бошқаларда Palantirдан фойдаланадилар. Айти пайтда, компания фаол молиявий секторда фирибгарликларни аниқлаш учун компаниялар хизматларини таклиф, тижорат соҳасида ривожланмоқда, бандлик билан боғлиқ шахслар ҳамда жуда ҳам кўп соҳалар шулар жумласидандир.

Хитойнинг SenseTime компанияси (капиталлашуви \$ 7 миллиард) видеокузатув камералари тармоғидан фойдаланиб, юзлар ҳақида маълумот тўплайди ва одамнинг ҳаракати, хулқ-атвори, алоқалари ҳақида маълумот беради. SenseTime маълумотлари деярли барча давлат идоралари томонидан жиноятларнинг олдини олиш ва одамларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунишда фойдаланилади.

5. Давлат харидларидаги коррупцияга қарши курашиш соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари.

ХТБ фаолият жараёнини кузатиш ва назорат қилиш учун маълумотлар қидиришнинг инновацион воситасидан фойдаланади. Давлат харидларида маълумотларнинг топилиши давлат савдоларини кузатиш ва кейинчалик сўзлашув ва нотўғри маълумотни аниқлаш учун аудит сифатида ишлатилади. Шунингдек, ушбу технология маълумотлар визуализациясидан фойдаланган ҳолда турли битимларни амалга оширишда коррупцион мотивларни аниқлайди.

⁸⁰ Kluver R. The Architecture of Control: a Chinese Strategy for E-Governance // Journal of Public Policy. 2005. V.25. № 1. P. 75 - 97.

Коррупцияга қарши тадқиқотларнинг аксарияти «контрактлар бўйича харидлар» энг коррупциялашган йўналиш сифатида қайд этилган. Шундай қилиб, ИХХТнинг хориждаги порахўрлик тўғрисидаги ҳисоботи (2014) [13] давлат харидларида коррупция даражаси юқори эканлигини тасдиқлайди. Тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, хорижий мансабдор шахсларнинг порахўрлик ҳолатларининг ярмидан кўпроғи харидлар муносабатларида қайд этилган. Ўрганилган хорижий порахўрлик ишларининг учдан икки қисми давлат харидлари орқали шартномалар ёки лицензиялаш билан узвий боғлиқ бўлган соҳаларда содир бўлди: қазиб олиш, қурилиш, транспорт ва ахборот-коммуникация тармоқлари.

Интеграциялашган онлайн харид қилиш платформасининг намунаси Кореянинг KONEPS электрон харидлар тизими ҳисобланади [15]. 2002 йилда Давлат харидлари хизмати KONEPS деб номланган давлат харидларининг тўлиқ электрон тизимини сотиб олди. Ушбу тизим барча харидлар циклини электрон шаклда қамраб олади (шу жумладан бир марталик рўйхатдан ўтиш, савдолар, шартномалар тузиш, текшириш ва тўлов), тегишли ҳужжатлар онлайн тартибда алмашинади. Барча жамоат ташкилотлари KONEPS орқали тендер ёлон қилишлари шарт.

2012 йилда Кореядаги давлат харидларининг 62,7 фоиздан ортиғи (106 млрд АҚШ доллари) KONEPS орқали амалга оширилган. Давлат харидлари хизмати мутахассисларининг фикрига кўра, тизим самарадорликни оширди ва транзакцион харажатларни сезиларли даражада камайтирди. Бундан ташқари, тизим очик савдоларда иштирок этишни кучайтириб, ноқонуний ҳаракатлар ва келишмовчиликларнинг олдини олиш орқали коррупция ҳолатларини бартараф этишда ошкораликни сезиларли даражада оширди.

Масалан, Корея Ҳалоллик бўйича савдо Комиссияси шубҳали савдо стратегияларини аниқлаш учун автоматлаштирилган тизим бўлган BRIAS (KONEPS) тизимидан фойдаланади. Кореянинг коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг ҳалоллик баҳосига биноан, давлат харидлари хизматининг ҳалоллигини қабул қилиш индекси KONEPS ишга тушганидан бери 10тадан 6,8 дан 8,52 гача яхшиланди. Ноқонуний амалиётнинг асосий муаммоси ўзаро қарз олинган электрон сертификатлар эди.

Ушбу хавфни камайтириш учун 2010 йилда Давлат харидлари хизмати «бармоқ изларини аниқлаш учун электрон савдолар»ни жорий этди. Электрон харидлар миллий тизимининг жорий этилиши мамлакатда давлат харидларини бошқаришнинг шаффофлиги ва яхлитлигининг сезиларли даражада ошишига олиб келди [18, 19].

Будапештда жойлашган коррупция Тадқиқот марказининг экспертлари ЕИ мамлакатларида давлат харидлари маъмурий тартиб-таомиллари бўйича катта ҳажмдаги маълумотларни ўрганиб чиқдилар, жумладан қисқа савдолар муддати ёки мунозарали натижалар (масалан, давлат харидларида рақобатнинг йўқлиги ёки бир нечта ғолиб таклифлар) каби хавфли ҳудудларни аниқладилар.

ProZorro электрон маълумотларини ишлаб чиқаришнинг гибрид тизими (укр. «Прозоро» — очик, ошкора) - Украинадаги электрон давлат ва оммавий харидлари тизимидаги танлови жараёнининг тизимли ислохоти ҳисобланади. 2014 йилда ишлаб чиқилган ва Украина Transparency International нодавлат ташкилоти томонидан бошқарилади. Тизим коди очик манбадир, Apache 2.0 лицензиясига кўра, уни бепул юклаб олиш ва фойдаланиш мумкин.

Прозорро тизими учун тизим ва муаллифлик ҳуқуқи 2015 йил декабр ойида «Зовништоргвыдав» давлат корхонасига («Прозорро» деб ўзгартирилди) топширилди. ProZorro фалсафаси учта асосий таркибий қисмдан иборат:

Тизим очик манба (open source) принципларига асосланади. Давлат харидлари билан боғлиқ барча мавжуд маълумотлар миждозларни жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатишга масъул бўлган сайтлар орқали тарқатилади. «Ҳамма ҳамма нарса кўради» - бу ислохотнинг расмий шиори. «Олтин учбурчак» Golden triangle of partnership —бизнес, ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг юқори даражадаги ишончли сақлашга имкон берадиган ўзгаришларни илгари суриш учун ноёб бирикмасидир.

ProZorro ноёб архитектурага эга электрон тизимни яратиш ва амалга ошириш учун «Давлат сектори учун харидлар» (Public Sector Procurement Award) халқаро мукофотига сазовор бўлди. Ушбу тизимни очик манбали дастурий таъминот асосида ишлаб чиқиш ҳукумат, бизнес ва жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Интеллектуал маълумотлар қидиришнинг яна бир мисоли [ProZorro](#) маълумотлар базасига бирлаштирилган Dozorro[20]. (укр. «Дозорро» - бошқариш) оммавий савдоларининг жамоатчилик назорати учун онлайн платформадир. Ушбу платформа 2016 йил 1-ноябрдан бошлаб амалга оширилмоқда ва «Transparency International Украина» жамоат ташкилотининг инновацион лойиҳалари дастури томонидан бошқарилади. Ушбу платформа 20 та ҳудудий мониторинг ташкилотларининг аниқ тендер процедуралари сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Агар Украина «Давлат харидлари тўғрисида» қонунининг бузилиши аниқланса, платформа буюртмачиларга (ким ошди савдоси ташкилотчиларига), назорат органларига (Давлат аудит хизмати, Ҳисоб палатаси), ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (Украинанинг Миллий коррупцияга қарши бюроси (НАБУ)га сўровларни юборади.

Порталда давлат харидлари соҳасидаги бузилган ҳуқуқ ва манфаатлардан ўзини ҳимоя қилиш бўйича услубий манбаларни жойлаштирилган. Портал аналитик рақамли воситаларга эга: оммавий таҳлил модули, хавф кўрсаткичлари тизими, энг яхши тажрибалар индекси. DOZORROnинг медиа-таркибий қисми янгиликлар, блоглар ва махсус медиа-лойиҳаларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий ва оммавий ахборот воситаларининг босими ёрдамида жамоат ташкилотлари «Давлат харидлари тўғрисида» ги қонун бузилишларини аниқ бир танловда бартараф этишга ва айбдорларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишга ҳаракат қилмоқдалар.

6. Коррупцияга қарши курашишда кродсорсингсинг (crowdsourcing) технологиялари.

Crowdsourcing платформалари, шунингдек, конунийлик ва тенденцияларни аниқлаш учун маълумот тўплаш ва кейинчалик таҳлил қилишга қаратилган рақамли технологиялардир. Ушбу платформалардан коррупцияга қарши восита сифатида фойдаланиш маълум бир рақамли экотизимни яратишни назарда тутаяди, бу ерда ҳар бир киши коррупцияга оид хукуқбузарлик тўғрисида аноним хабар қолдириши мумкин.

Ушбу атама (англ. crowd “оломон” ва sourcing – “ресурслардан фойдаланиш”) кўпгина кўнгиллиларнинг саъй-ҳаракатлари билан ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишни англатади, кўпинча ахборот технологияларидан ва мобил иловалардан фойдаланиб ўз фаолиятини мувофиқлаштиради.

Корея Республикасида (OPEN), Венгрия (K Monitor), Ҳиндистон, Кения (I Paid a Bribe), Литва (Manoseimas), Буюк Британия (FixMyStreet), АҚШ (SeeClickFix), Марокаш (Mamdawrinch), Покистонда Citizen Feedback Model платформалари, КНР (CCDI), Македония (Draw a Red Line), Руминия (Bribe Market), Филиппин (Check My School) ва бошқалар⁸¹.

Шунга ўхшаш платформалар кўплаб мамлакатларда пайдо бўлди: Колумбиядаги Yosobomo, Ветнамда Toidihoilo, Кенияда Ushahidi. Бундан ташқари, коррупцияга қарши кродсорсинг баъзи платформалари, масалан, Нигерия TRIMS савдо йўллари ҳодисаларини бошқариш тизими ёки Филиппиндаги Check My School лойиҳаси каби мавзуларга эътибор қаратади, бу ерда фуқаролар таълим муассасалари томонидан давлат маблағларидан фойдаланиши тўғрисида ҳисобот беришади.

Венгрияда 2007 йилда ишга туширилган K-Monitor веб-сайти, Венгрияда коррупция ҳолатлари харитасини яратишда муҳим натижаларни кўрсатди. Кейинчалик у Венгрия коррупция масалалари ахборот Марказига айланди, унда коррупция ва ошкоралик билан боғлиқ мавзуларни ёритувчи мақолалар, шунингдек, оригинал тадқиқотлар ва фуқаролик технологиялари ташаббуслари мавжуд.

Турли хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамият ўртасида мулоқот ўрнатиш, шунингдек, давлат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш учун ишлаб чиқарилган краудсорсинг шубҳасиз аҳамиятлидир. Кродсорсинг ёрдамида кўплаб қонун лойиҳалари нафақат аҳолининг танқидига учрайди, балки унинг самарадорлигини ошириш учун турли хил конструктив ечимлар ҳам таклиф этилади.

Масалан, 2016 йилда Литва Махсус Тергов Хизмати (ССР) коррупция тўғрисидаги хабарларни фаоллаштириш мақсадида “Pranesk STT” мобил дастурини ишга туширди. Мобил илова 2014-2020 йилларда Европа

⁸¹ Хайрутдинова Л. (2016). Антикоррупционный краудсорсинг, как социальный механизм обратной связи по схеме «общество-государство-общество» в противодействие коррупции. Современные научные исследования и инновации. 2016. №. Retrieved from <http://web.snauka.ru/issues/2016/08/70570>

Иттифоқининг Ички хавфсизлик жамғармаси молиявий кўмагида яратилган⁸².

Шунингдек, мобил телефонлар Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларда фирибгарлик ва коррупцияни тергов қилишда қўлланилиб ва хабарларга кўра, ҳар йили 26000 дан ортиқ кўнғироқ қабул қилинади. 2018 йилда 370 та ҳолат аниқланди, натижада 34 та фирма ва жисмоний шахсларга нисбатан санкциялар, шартномалар беришдан олдин уларни кўп маротаба бузилишининг олдини олиниши ва юқори хавфли лойиҳалар учун ҳимоя чораларини ишлаб чиқишга олиб келди.

7. Давлат ва хусусий секторда коррупция хавфини аниқлаш учун аудиторлар учун таҳлилий воситалар (Forensic Tools).

Бунга реал вақт режимида транзакцияларни таҳлил қиладиган, молиявий соҳадаги қонунбузарликларни башорат қиладиган, таққослайдиган ва аниқлайдиган Analysis and Reporting Technology (SMART) воситаси мисол бўлади. Хавфларни аниқлаш алгоритмлари харид жараёнида потенциал шикастланган тўловларни олдини олади ва тўхтатади.

“Forensic Tools” технологияси порахўрликни камайтириш жараёнини автоматлаштиришнинг афзалликларига эга⁸³.

Озарбайжонда электрон мониторинг тизими (<https://ems.gov.az>) рақамли технологияларни жорий этиш даражаси тўғрисида маълумот тўплаш ва ННТларнинг коррупцияга қарши курашиш жараёнидаги ҳиссасини солиштириш имконини берди.

8. Сайлов жараёнини амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг электрон технологиялари.

Технологик потенциалнинг энг коррупциялашган соҳаларга таъсирини муҳокама қилиш нуктаи назаридан, технологияни сайлов жараёнига муваффақиятли татбиқ этиш бўйича мисоллар келтириш мантиқий. Овозларни рақамлаштириш механизми контракт циклида ишлатиладиган асосий ахборот усуллари ва воситаларига ўхшайди. Ва, биринчи навбатда, сайлов жараёнининг шаффофлигини ошириш ва замонавий идентификация ва аутентификация қилиш воситаларидан (биометрик ва ID маълумотлари) фойдаланган ҳолда масофадан киришни таъминлашга қаратилган.

Мазкур технологиялар сайлов жараёнининг қуйидаги кўп кузатиладиган коррупция хавфини камайтиришга имкон беради: тўлдириш, сайлов “каруселлари”, “ўлик жонлар”, “локомотивлар” ва бошқалар.

Буюк Британияда, Швейцарияда, АҚШда ва бошқа мамлакатларда электрон овоз бериш тизимлари жадал ривожланмоқда. Масалан, Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда кенг миқёсли сайловлар биринчи марта Эстонияда бўлиб ўтди: 2005 йилда масофадан овоз бериш имконияти маҳаллий характерга эга эди, аммо 2007 йилга келиб тизим кенг миқёсга ега бўлди. Овоз бериш рўйхатга олиш пайтида идентификация қилиш функциясини бажарадиган Эстония фуқаросининг ID-картаси ёрдамида

⁸² Источник: www.stt.lt/en/news/?cat=1&nid=2454.

⁸³ UN (2003), UN Guide for Anti-Corruption Policies, available at www.unodc.org/pdf/crime/corruption/UN_Guide.pdf.

амалга оширилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ёзиб олинган овоз тўлик химояланган ва рақамли имзо билан тасдиқланган.

Овозларни рақамлаштириш бўйича таҳлилий маълумот ва тадқиқотлар сайлов жараёнини рақамлаштириш овозларнинг сохталаштирилишини бартараф қилишини ва коррупция таркибий қисмини минималлаштирилишини тасдиқлайди. Сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги сайлов циклининг ҳар бир босқичидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, тўртинчи саноат инқилоби шароитида бир қатор мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш тенденцияси кузатилмоқда. Биз катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологиялари, сунъий интеллект, аналитик таҳлил воситалари, кродсоурсинг ва бошқалар назарда тутилади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш коррупцияга қарши курашишда инновацион ёндашув, коррупция ҳуқуқбузарликларининг барвақт олдини олиш, давлат бошқаруви сифатида шаффоф ва очиқ тизимни яратиш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли ўртасидаги муносабатлардаги инсон омилини пасайтириш, бизнес вакиллари учун давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорликка имконият яратади.

Давлат бошқаруви жараёнига АКТнинг самарали жорий этилиши асосий маъмурий тартиб-таомилларнинг номутаносиблигини ва стандартлаштирилишини, коррупция жиноятларининг олдини олишни, давлат хизматлари сифатини оширишни ва фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини оширишни таъминлайди⁸⁴.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ҳам ҳуқуқий, ҳам этика нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалалар ҳал этилмаган. Хусусан, давлат хизматчиларининг шахсий маълумотларини химоя қилиш, уларнинг шахсий ҳаётига ноўрин аралашини, назорат ва мувофиқлаштирувчи органлари томонидан ихтиёрий ва баҳо бериш ёндашувининг хавфи, айрим ходимларнинг асоссиз стигматизацияси эҳтимоли, касбий, тижорат маълумотлари, тизим ва аппаратларнинг ишдан чиқиши ва бошқалар.

Шу билан бирга, рақамлаштириш қоғоз ҳужжатларида имконсиз миқёсда ҳакерлик ва манипуляция учун янги заифликлар келтириб чиқариши мумкин. Ўз навбатида АКТ коррупцияга ҳисса ҳам қўшиши мумкин. Янги технологиялар янги коррупцияни келтириб чиқариши мумкин: е-коррупция, криптовалюта кучи билан боғлиқ электрон коррупция ёки рақамли ҳукумат хизматлари каби яхши ўйланган технологияларни суиистеъмол қилиш каби.

АКТдан кенг фойдаланишнинг коррупция хавфи қуйидагиларни ўз ичига олади:

⁸⁴ См.: Suleiman, M.M. A Review of Improving Good Governance through ICT Revitalization. 2017. URL: <https://www.researchgate.net/publication/325668385>.

- АКТга ҳаддан ташқари инвестициялар коррупциянинг кучайишига олиб келади, чунки бундай маблағларни шаффоф бўлмаган харид жараёни орқали бузиб кўрсатиш коррупция имкониятларини осонлаштиради;

- блокчейн технологияси коррупцияга қарши курашишга таҳдид солиши мумкин, чунки у криптовалюта битимларини ўғрилиқ ёки фирибгарлик билан олиб боришда ишлатилиши мумкин бўлган тўлиқ аноним равишда ва шифрланган ҳолда амалга оширишга имкон беради;

- электрон идентификацион ечимлар хакерлардан тўлиқ ҳимояланмаган ва ҳукуматлар рақамли ечимлар, платформалар ва тизимлар хавфсизликнинг энг юқори стандартларини ақс эттиришини доимо таъминлаши керак. Бунинг учун ҳам фуқаролар, ҳам ҳукумат амалдорлари юк сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган технологияларни мунтазам янгилаб туриш талаб этилади.

ReSPA ҳисоботида давлат хизматларининг янги рақамли тизимлари коррупция учун қандай фойдаланилаётгани ҳақида мисоллар келтирилган⁸⁵. Масалан, Босния ва Герцеговинада полиция ва давлат бошқаруви ходимларининг иши, улар фуқароларни электрон рўйхатга олиш тизими жорий этилгандан сўнг, шахсий маълумотларга кириш ҳуқуқидан суистеъмол қилганлар ва сохта гувоҳномалар ва паспортларни сотиш учун сохта маълумотларни яратганлар. Шундай қилиб, рақамли давлат хизматлари коррупцияни яширишга ёки янги имкониятларни очиб беришга имкон беради, айниқса АКТ саводхонлари учун.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, сунъий интеллект (AI) коррупцияга қарши курашиш соҳасида яна бир инновацион воситага айланиши мумкин. Маълумот тузилмаларини ўрганадиган нейрон тармоқлардан фойдаланиш яширин алоқаларни (масалан, бузилишларни) аниқлаши мумкин, шунингдек аниқроқ прогнозлаш моделлари учун ишлатилиши мумкин. Бундай нейрон тармоқ воситалари – ўз-ўзини ташкил этадиган харита бўлиб, у улкан маълумотлар тўпламидан моделларни дастлабки ажратиб олиш имконини беради. Ушбу хариталар коррупцияни башорат қилиш учун кучли восита бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Шундай қилиб, AI коррупция ҳуқуқбузарлигини олдиндан аниқлаш, аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш амалийлиги ва самарадорлигини ошириши мумкин.

Давлат бошқарувини рақамлаштиришнинг ҳозирги босқичида халқаро стандартлар коррупцияга қарши курашда юқори технологик воситалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Замонавий технологик имкониятлардан фойдаланиш бўйича энг батафсил маълумотлар коррупцияга қарши курашишда рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар, ҳисобот ва таҳлил лойиҳаларда келтирилган. Шу билан бирга, коррупцияга қарши сиёсатни амалга оширишда инновацион воситалар ва

⁸⁵ См.: Regional School of Public Administration (ReSPA). Abuse of Information Technology (IT) for Corruption. 2013; Salbu S.R. Information technology in the war against international bribery and corruption: The next frontier of institutional reform // Harvard Journal on Legislation. 2001. Vol. 38. No. 1. P. 67 – 101. URL: https://www.researchgate.net/publication/292484103_Information_technology_in_the_war_against_international_bribery_and_corruption_The_next_frontier_of_institutional_reform.

усулларни ўрганиш [9] рақамли трансформациянинг катта имкониятларини очиб беради, бу синовнинг ижобий натижалари ва аллақачон амалга оширилган лойиҳалар билан тасдиқланади. Бошқарув жараёнларининг очиқлиги ва ошкоралигини ошириш мақсадида халқаро ҳамжамият давлат бошқарувини рақамлаштириш ғояларини фаол ишлаб чиқмоқда. Халқаро коррупцияга қарши ташкилотларнинг ҳисоботлари асосида рақамли технологияларни қўллашнинг энг истиқболли йўналишлари: сайлов жараёни, давлат харидлари, бюджет жараёни, коммунал хизматлар, ердан фойдаланиш, нотариат, шунингдек халқаро ҳамкорлик ва алоқа.

Илгари исботланган технологиялар (электрон ҳукумат, ахборот ва кроудсорсинг платформалари) билан бир қаторда, “тарқалган китоблар” технологиялари ва сунъий интеллект коррупцияга қарши курашиш сиёсат самарадорлигини ошириш учун жиддий салоҳиятга эга. Мутахассисларнинг фикрига кўра, нейрон тармоқлари ва марказлаштирилмаган, синхронлаштирилган маълумотлар базаларига асосланган технологиялар давлат бошқаруви табиатини тубдан ўзгартиради ва келажакда коррупция ҳуқуқбузарликлари хавфини сезиларли даражада камайтиради АКТ коррупция ёки унга қарши курашиш билан шуғулланувчи барча субъектларнинг, шу жумладан давлат идоралари, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва оммавий ахборот воситалари ташкилотлари фаолиятига таъсир қилади Бироқ, рақамли воситаларнинг самарадорлиги рақамли кириш ва аҳоли саводхонлигига боғлиқ. Ҳуқуқий база рақамли воситалар билан ишлаши керак, улардан фойдаланишга имкон беради ва коррупция аниқланишини таъминлайди.

АКТ коррупцияга асосан икки жиҳатдан таъсир кўрсатади:

Биринчидан, улар ҳукуматнинг аҳолига ахборот етказиб беришини ўзгартиради: АКТ давлат амалдорларини ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш, назоратни кучайтириш ва ошкораликни пасайтириш имкониятидан маҳрум қилади. Бироқ, коррупцияни юмшатиш ўрнига, ахборот таъминоти соҳасида ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш коррупцияни ҳукумат фаолиятининг бошқа соҳаларига йўналтириши, шунингдек, хакерлик ва ҳийла ишлатишга қарши янги заифликлар яратиши мумкин.

Иккинчидан, АКТ фуқароларнинг коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришлари ва маълумот алмашиш ва биргаликдаги ҳаракатларни ташкил қилиш учун платформалар топишлари мумкин бўлган ошкоралик шакллари яратиш орқали ҳукуматнинг ахборотга бўлган талабига таъсир қилади. Шу билан бирга, бундай платформалар сохта маълумотларни тарқатиш ёки жиноий фаолиятни ташкил этишни осонлаштириш учун ишлатилиши мумкин.

Шундай тариқа, дунё технологияни қўллаш ва ундан фойдаланиш учун имконият ва кўникмаларни кенгайтирмоқда.

§ 4.4. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш борасидаги идоравий тизимларни ривожлантиришда давлат хизматчилари томонидан активлар декларациялаш тартиби жорий этилишининг аҳамияти

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналиш ларидан биридир. Ўтган давр мобайнида мамлакат Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, шунингдек коррупцияга қарши курашишнинг турли жиҳатларни тартибга солувчи, коррупцияга оид хавф-хатарлар ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширувчи 10 дан ортиқ қонунлар ва 40 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Коррупцияни олдини олишнинг энг самарали усулларида бири давлат органлари ва муассасалари мансабдор шахслари устидан молиявий ва бошқа назорат чораларини кучайтиришдир. Айни пайтда мазкур соҳада бундай чора-тадбирлар, гарчи етарли бўлмаса-да, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда белгиланган тартибда давлат хизматчиларининг айрим тоифалари мулклари ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, шу жумладан техник инфратузилма ва зарур дастурий таъминотни яратиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилди. Мазкур Фармоннинг 7-банди ижросига биноан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг мол-мулки ва даромадларини декларациялаш тизимини ва зарур техник инфратузилмани яратиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисида» қарори лойиҳасини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонида Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири этиб давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш белгиланди.

Шунингдек Фармоннинг 11-бандига асосан Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда уч ой муддатда – «Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Хорижий тажрибани ўрганиш натижасида маълум бўладигани, давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомини белгилашда, бир томондан, давлат хизматчисининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари мавжудлигини

ҳисобга олиш керак бўлса, бошқа томондан, давлат хизматчисининг ўз вазифаларини бажариши унга маълум чеклов ва тақиқларларни ўрнатишни талаб қилади (ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланиш, шу жумладан тадбиркорлик билан шуғулланишини тақиқлаш; тайёрлаш вазибалари таркибига кирадиган нашрлар ва нутқлар учун ҳақ олишни тақиқлаш; ўз хизмат лавозимидан сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари манфаатлари учун фойдаланишга йўл қўймаслик ва бошқалар).

Давлат хизматчиларининг мулкӣ декларация тизими коррупциянинг олдини олиш, ноқонуний бойиш ва манфаатлар тўкнашувини аниқлашнинг қудратли воситасидир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 160 дан ортиқ мамлакат активлар декларацияси талабларини жорий этганлар. ЕХХТ мамлакатларининг 97% активлар декларацияларнинг кенг жамоатчилик учун ошқора тизимини йўлга қўйган. Декларацияларнинг оммавийлиги яъни жамоатчилик учун очиклиги уларнинг коррупцияга қарши курашишда аҳамиятни янада оширади, чунки фуқаролик жамияти ва журналистлар кўпинча коррупцияга қарши курашувчи органлар томонидан декларацияларнинг ҳаққонийлигини расмий текширишнинг бошланишига олиб келадиган номувофиқликларни аниқлашда асосий рол ўйнамоқда.

Амалдаги коррупцияга қарши халқаро стандартлар, жумладан БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси (2003) (8.5-модда), Конвенцияга техник шарҳ (2009), ЕХХТ кўрсатмалари давлат хизматчилари учун активлар декларацияси: коррупциянинг олдини олиш воситаси (2011), Европа Кенгаши аъзо давлатлар Вазирлар Кўмитасининг давлат хизматчилари учун хулқ-атвор кодексларига тааллуқли Р10 тавсияси (2000), Жаҳон банкининг қатор ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларда давлат хизматчилари томонидан активларни еълон қилиниши – коррупцияга қарши самарали восита эканлиги эътироф этилган.

Давлат хизматчиларининг активлари декларацияси Буюк Британия (1974), АҚШ (1977), Италия ва Испания (1982), Боливия (1990), Словения (1992), Латвия (1994), Албания ва Естония (1995) ва бошқа бир қатор давлатларда бирин кетин жорий этилган. Ҳозирги кунда давлат хизматчиларининг активлари Декларацияси 150 дан ортиқ мамлакатларда қўлланилмоқда. Жаҳон банкининг 2018 йилги маълумотларига асосан, 149 аъзо саналган мамлакатларидан фақат 36 мамлакатда даромад ва мулк декларациялари талаб қилинмаган бўлиб, бу мамлакатларнинг деярли ярми Африкада жойлашган.

Декларациялар коррупцияга қарши курашишнинг воситаларидан бири ҳисобланади, аммо ўз-ўзидан биргина декларация тизими коррупцияга қарши курашишга ёрдам бермайди, коррупцияга қарши курашишнинг самараси ҳар томонлама коррупцияга қарши стратегияларни амалга оширишни талаб қилади.

Активларни декларацияси тизими кўпчилик мамлакатларда мавжуд бўлишига қарамай, бу борада ягона стандартлар мавжуд эмас ва ҳар бир мамлакат декларация тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Активларни декларациялаш барча тизимларининг умумий мақсади иккита асосий масала

атрофида бирлашган: ноқонуний бойишнинг олдини олиш ёки манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш.

Ноқонуний бойлик ортириш яъни, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг даромад ва мол-мулк декларациясида назарда тутилган пул маблағи ёки мулкига нисбатан кўп миқдордан ортиқ бўлган бойлик ортириши, башарти мазкур мансабдор шахс ушбу мол-мулкнинг қонуний манбалари ҳақида ишонарли далилларни тақдим қила олмаслик. Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Ушбу институтнинг келиб чиқишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳар қандай мамлакатда давлат хизматчиларининг активларини еълон қилиш тизимининг жорий этилиши унинг ижобий ва салбий томонлари хусусида жамоатчиликнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Шунга асосан активлар декларациясини жорий этиш тарафдорлари қуйидаги далилларни келтирадilar:

Биринчидан, халқаро мажбуриятлар мансабдор шахсларнинг декларациялари уларнинг мол-мулкидаги ўзгаришларни мунтазам кузатиш имконини белгилайди. БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 20-моддаси барча давлатларни “ноқонуний бойиш” учун жиноий жазо жорий этишни назарда тутаяди, ноқонуний бойишни қидириш коррупциянинг энг оддий ҳолатларини аниқлашга қаратилган.

Иккинчидан, декларациялар қўлланиладиган коррупцияга қарши курашнинг муҳим соҳаси – манфаатлар тўқнашувларининг олдини олишдир.

Учинчидан, декларация тизимини коррупцияга қарши курашишда самарали қўллаш учун муҳим далил – виждонсиз (нопок) давлат хизматчиларни жавобгарликка тортишни соддалаштиришдир. Пора ёки бошқа фойда олиш далилларини исботлаш жуда қийин бўлиши мумкин. Шу билан бирга, агар мамлакатда декларацияда тўлиқ бўлмаган маълумотларни қасддан тақдим этганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд бўлса, ушбу норма бўйича жавобгарликка муқаррарлигини таъминлаш мумкин. Декларациялар бўлмаса, муайян мулкни сотиб олиш учун маблағларнинг ноқонуний келиб чиқишини исботлаш учун жуда кўп ресурс ва процессуал ҳаракатлар талаб этилади. Агар декларациялар топширилган бўлса, у ҳолда декларацияларда кўрсатилмаган мулкнинг мавжуд бўлиши ўз-ўзидан қонун бузилиши ҳисобланади.

Тўртинчидан, декларацияларнинг мавжудлиги ўғирланган активларни қайтаришда муҳим рол ўйнаши мумкин. Замонавий дунёда, хорижда кўчмас мулк сотиб олганида ва мамлакатада муаммоларга дуч келганда, амалдор мамлакатни тарк этадиган вазиятлар мунтазам равишда юзага келади. Декларациялаш тизими мавжуд бўлмаганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ушбу мулкни ноқонуний манбалардан олинган пул билан сотиб

олинганлигини исботлашлари лозим. Агар декларациялар тизими самарали ишлаётган бўлса, уни исботлаш мажбурий бўлмайди, декларацияларда мулк йўқлигини кўрсатиш кифоя саналади.

Активлар декларациясини жорий этишга қаршилар қуйидаги далилларни келтирадилар:

Биринчидан, бундай тизимни амалга ошириш ва сақлаш учун давлат томонидан қилинган бевосита харажатларга урғу бериб, ушбу механизмнинг сарф-харажатлари декларация тизимининг ўзига хос жиҳатларига қараб катта фарқ қилиши мумкин. Энг оддий версияда давлат сўровномаларни тўлдириш ва уларни архивлаш харажатларини ўз зиммасига олади. Декларацияларда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш учун юқори сифатли тизимда амалга оширилиши сабабли жиддий харажатлар талаб қилинади.

Иккинчидан, давлат билвосита йўқотишларга, жумладан ходимларнинг йўқотиш хавфига дуч келади. Даромадлар ва мулк тўғрисида декларацияларни топшириш мажбурияти давлат хизматининг жозибадорлигини камайтирадиган қўшимча талабдир. Агар декларацияда яқин қариндошлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган бўлса ва маълумотлар оммага еълон қилинса, бу мажбурият янада оғирлашади. Шахслар ишга қабул қилинишида оиласининг даромади ва мол-мулкани декларация қилиш мажбуриятини қабул қилишдан бош тортиши ва хусусий секторда ишлашни афзал кўриши мумкин.

Учинчидан, давлат хизматчиларининг мол-мулки тўғрисида маълумотларнинг нашр этилиши жинойтчилар учун шубҳасиз қизиқиш уйғотиши, декларация топширадиган шахсларга хавф туғдириши мумкин.

Тўртинчидан, мансабдор шахс томонидан нақд пул маблағлари ва давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган мол-мулк тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текшириш деярли мумкин эмас.

Бешинчидан, биринчи декларацияни топширишда, мансабдор шахслар келгусидаги харажатларни тушунтириш имкониятини таъминлаш учун нақд пул миқдори ва қимматбаҳо мулк қийматини ошириб юборишлари хавфи ҳам мавжуд.

Олтинчидан, банк сири, мулкый ҳолати ва бошқалар билан боғлиқ қатор инсон ҳуқуқларининг бузилиши тўғрисидаги далилни алоҳида таъкидлайдилар.

Декларацияланган активлар масаласи ҳам баҳс мунозараларнинг марказида туради. Кўпгина мамлакатларда мансабдор шахслар нафақат даромадларини, балки активларини ҳам декларация қилишлари шарт. Бунжа мулкнинг кенг доираси еълон қилиниши мумкин - кўчмас мулк, ҳар хил турдаги кўчар мулк (йўл транспорти воситалари, кемалар, қадимий қадриятлар ва санъат асарлари, ҳайвонлар (масалан, Хорватияда)), ҳатто қурилиш материаллари (масалан, Беларусияда ва бошқалар), акциялар ва бошқа нарсалар, бошқа қимматли қоғозлар, берилган ссудалар, банк омонатлари ва нақд пуллардаги омонатлар.

Давлат хизматчиларининг даромадлари тўғрисидаги маълумот сингари, активлар тўғрисидаги маълумотлар маълум манфаатлар тўғрисида фикр юритишга имкон беради: масалан, маълум бир парламент аъзоси муайян бир

жойда кўчмас мулк эгаси эканлигини билиш мазкур масала бўйича ўз позицияси тўғрисида тушунча олишга ёрдам беради. Ушбу жойнинг ҳолати билан боғлиқ ҳар қандай тарзда; шунга ўхшаш, унга тегишли бўлган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар иқтисодиётнинг маълум бир соҳасидаги ташаббусларини танқидий баҳолашга имкон беради. Шу билан бирга, ҳеч бўлмаганда баъзи тизимларда активларни декларациялашни талаб қиладиган муҳим сабаб молиявий аҳволни назорат қилишдир. Хусусан, активлар ва даромадлар тўғрисидаги маълумотлар мансабдор шахсларнинг молиявий аҳолидаги ўзгаришлар уларнинг қонуний даромадлари билан боғлиқми ёки йўқлигини баҳолашга имкон беради. Бундай ҳолларда декларацияларда активларни тўплашнинг барча мумкин бўлган турлари кўрсатилиши муҳимдир.

Давлат хизматчиларининг қайси тоифалари декларация топширишлари лозимлиги, қайси давлат сектори хизматчилари давлат хизматчилари ҳисобланиши ва давлат ходимларидан бошқа хусусий шахслар қамраб олиниши кераклиги борасида ҳам хорижий давлатларининг қонунлари бири-бирдан фарқ қилади.

Энг кенг тарқалган ёндашув – ҳукумат аъзолари ва вазирлар, шунингдек давлат ҳокимиятни амалга оширадиган ёки раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган (Франция, Испания, Португалия, Эстония, Латвия) мансабдор шахсларнинг бошқа тоифадаги юқори даражадаги ҳукумат амалдорлари ва декларацияларни топшириш мажбурияти эга мансабдор шахсларни ўз ичига оладиган доирани аниқлаш. Ҳукумат аъзолари декларацияларни Австрия, Белгия, Болгария, Кипр, Дания, Эстония, Венгрия, Ирландия, Латвия, Литва, Полша, Португалия, Руминия, Словения, Испания, Швеция ва Буюк Британияда ёшон қилмоқдалар. Парламент аъзолари декларацияларни Белгия, Кипр, Дания, Эстония, Финляндия, Франция, Германия, Ирландия, Италия, Латвия, Литва, Нидерландия, Полша, Португалия, Словения, Испания, Швеция ва Буюк Британияда топширишади.

Европа Иттифоқи расмийларининг ўзлари доимий равишда Комиссарларнинг мол-мулки, даромадлари ва манфаатлари тўғрисидаги декларацияларни ёшон қилишлари ва 150 евродан ортиқ совғаларни давлат рўйхатига олишлари шарт. Турмуш ўртоғининг молиявий манфаатлари қисман ёшон қилинади. Европарламент депутатлари ўзларининг касбий фаолияти ва бошқа ҳақ тўланадиган иш фаолияти ёки функцияларини намоён этишлари лозим.

Табиийки, санкциялар давлат хизматчилари кенг доирасини қамраб олган декларация тизимига интизомий риоя қилишни таъминлашга қаратилган муҳим воситадир. Декларацияни топширмаганлик учун санкциялар турли хил ҳуқуқий тизимлар мос равишда ҳар хил ҳуқуқий жавобгарликни таъминлаши мумкин: жиноий, маъмурий, интизомий ва фуқаровий жавобгарлик, жумладан жиноий жазо чоралари: АҚШ, Грузия, Италия, қисман Полша ва Буюк Британияда, маъмурий санкциялар - энг кенг тарқалган бўлиб, асосан маъмурий жазодан жарима қўлланилади. Интизомий жазо чоралари танбех ёшон қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, иш ҳақидан ушлаб қолиш

ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. (Франция, Россия). Фуқаролик жавобгарлиги умумий жазо чораси ҳисобланмайди яъни декларация топширишни рад этиш ёки нотўғри маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ эмас. Бу енгил ҳолатларда, компенсацияни кафолатлаш учун жамоат манфаатларига қандай зарар етказилганлиги аниқ бўлмаганда юзага келади. Масалан, Латвияда, агар давлат хизматчиси ўз лавозимига мос келмайдиган тарзда даромад оладиган бўлса, фуқаролик жавобгарлиги қўлланилиши мумкин. Швеция ва Германия парламент аъзолари томонидан декларация ўз вақтида топширилмаса, йиғилишда кечирим сўрашлари шарт ҳисобланади.

Шундай қилиб, давлат мансабдор шахсларнинг даромад ва мол-мулки декларациясини турли даражада дунёнинг кўплаб мамлакатларининг қонунчилигида мавжуддир. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда асосан юқори лавозимли мансабдор шахсларнинг даромадлари декларацияси назарда тутилади. Уларнинг оила аъзолари даромади ва мол-мулки кенг оммага ёллон қилинмайди. Шу билан бирга, собиқ социалистик мамлакатларда декларация топшириш мажбурияти саналган мансабдор шахслар доираси ва ёллон қилинган мол-мулк ва даромад ҳажми ЕИГА аъзо “эски” мамлакатларга нисбатан номутаносиб равишда катта фарқга эга. Декларация шакли ҳам хилма-хил - электрон ва қоғоз шаклида тўлдирилади. Декларацияни оммавий равишда ошкор қилиш ҳам халқаро стандарт эмас, аксинча истисно ҳисобланади. Бир қатор ривожланган мамлакатларда декларациялар умуман ёллон қилинмайди ёки фақат талабга биноан очилади.

Ўзбекистонда кенг муҳокама қилинаётган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 18-моддасида давлат фуқаролик хизматчилари ва улар оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатларини декларация қилиш тартибини жорий этмоқда. Унга мувофиқ давлат фуқаролик хизматчилари, ҳар йили ўзининг ва оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатлари ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда декларация топшириши шарт. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган рўйхатда айрим тоифадаги давлат фуқаролик хизматчилари, шу жумладан улар яқин қариндошларининг кенгайтирилган доирасига нисбатан даромадлар, мол-мулк ва кўп миқдордаги харажатларни декларация қилиш юзасидан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

Декларация топширилганлиги ҳақидаги маълумотлар номзоднинг давлат фуқаролик хизматига киришидан олдин кадрлар бўлинмалари томонидан текширилади. Давлат фуқаролик хизматчиси давлат фуқаролик хизматини тугатган кундан бошлаб, ўн иш куни ичида охириги ўн икки ой учун декларация тақдим этади.

Давлат фуқаролик хизматчиси ва унинг оила аъзолари даромадлари, мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатлари тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиш ҳамда тўғри тўлдирилганлиги ва тўлиқлигини текшириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат солиқ органи томонидан амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчилари ва улар оила аъзоларининг даромадлари мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатлари тўғрисидаги декларацияда келтирилган маълумотлар белгиланган тартибда чоп этилади, махфий ва бошқа турдаги қонун билан ҳимоя қилинадиган маълумотлар бундан мустасно.

Хулоса қилиш мумкинки, жисмоний шахсларнинг даромад ва харажатлари тўғрисида декларация амалиёти бутун дунёда коррупция ҳуқуқбузарликларига қарши курашишда кенг тарқалган институт ҳисобланади. Декларация, унда баён этилган маълумотларнинг ошқоралиги давлат хизматига кадр-қиммат ва кўрсатган хизматлари асосида кириш учун учун зарурий шарт ҳисобланади. Шунингдек, жаҳон амалиётида парламент аъзолари учун ҳам тадбиркорлик ва хусусий шахслар манфаатларини ҳимоя қилишни чеклашга қаратилган активларни декларациялаш тизими кенг тарқалган. Жисмоний шахсларнинг умумий декларацияси шаффофлик, ҳисобдорлик ва давлатнинг иқтисодий ўсишини кафолатлайдиган муҳим восита саналади. Хорижий давлатларда давлат мансабдор шахсларининг декларация тизимига тўлиқ ва бепул кириш имконияти учун ташкилий-ҳуқуқий тартиб-таомиллар ҳам ишлаб чиқилган.

Қайд этиш лозимки, давлат хизматчиларининг барча тоифалари учун активларни декларация қилиш тизимининг бир уринишда жорий этилиши катта ресурсларни талаб қилиб, уни тегишли тайёргарлик ишларини қилмасдан амалга ошириш қийин. Активлар декларациясини киритишда дастлаб ижро ҳокимияти, прокуратура, хавфсизлик идораларининг давлат хизматчилари, шунингдек давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари билан чекланиш таклиф этилади.

Мустақиллик ва дахлсизлик муаммоси билан боғлиқ ҳолда парламент аъзолари ва судьялар учун активлар декларациясини жорий этиш кейинги босқичда амалга оширилиши мумкин ва буни тегишли органларнинг институтлари орқали амалга оширишлари мақсадга мувофиқ. Активлар декларациясининг киритилиши муносабати билан нотўғри маълумотлар тақдим этилмаганлиги ёки маълумотлар тақдим этилмаганлиги учун санкциялардан дастлаб, интизомий, маъмурий чораларни қўллаш лозим бўлади. Кейинчалик, юқори лавозимли мансабдор шахсларга нисбатан нотўғри маълумотлар тақдим этганлик ёки декларация тақдим этмаганлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилиши мумкин.

§ 4.5. Коррупциявий хавф-хатарлар, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини ошириш масалалари

Янги Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати ҳам айнан инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянмоқда.

Бироқ, афсуски, бу йўлдаги ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар, иллатлар сақланиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, улардан бири ва энг хавфлиси коррупциядир.

Бу иллат аввало, халқимизнинг давлат ва ислохотларга ишончини сўндириши, жамиятда норозилик кайфиятини кучайтириши билан ҳам ғоят хатарлидир.

Шу боис, истиқлол йилларида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилганлиги бу борада амалга оширилган биринчи қадам бўлди.

Мухтарам Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва алоҳида Давлат дастурида эса навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қонунда илк бор коррупция ва манфаатлар тўқнашуви тушунчаларига таъриф берилди. Шунингдек, Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли органлар ҳамда уларнинг мақоми аниқ белгилаб қўйилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш учун Бош прокурор раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзининг туб моҳияти билан айнан коррупцияни тағ-томири билан йўқ қилишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

Унда барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиз отишига шароит яратаётган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар баён қилинди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан 2019 – 2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича иккинчи Давлат дастури тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони, 2020 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПҚ-4761-сон Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилди.

Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси

Президентига бўйсунди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий механизмлар амалга оширилиши, давлат органларининг очик ва шаффоф фаолият юритиши, қулай бизнес муҳити, устувор халқаро рейтинглардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида халқаро майдонда ижобий кўрсаткичларга босқичма-босқич эришилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар коррупцияга қарши курашишнинг замонавий превентив усулларини ҳар бир давлат органи амалиётига жорий қилиш, ушбу соҳада улар фаолиятининг очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини оширишда масъулиятсизлик ва расмиятчилик ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Давлат органларида ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий баҳолаш бўйича ягона ёндашувни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида давлат органлари фаолиятига амалга оширилаётган функциялар (ваколатлар)ни коррупциявий хавф-хатарларга мойиллиги нуқтаи назардан таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш ҳамда уларни минималлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларни кўриш бўйича коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жорий этилмоқда.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш жараёни барча манфаатдор тарафлар (тегишли давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, экспертлар ва бошқалар билан яқин ҳамкорликда бўлган ташкилотлар) иштирокида ва уларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда амалга оширади.

Давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобдорлик ва ошкоралик даражасини ошириш учун коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитаси ҳамда ҳар йиллик коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурлари тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларидаги “Коррупцияга қарши курашиш” алоҳида бўлимида мажбурий тартибда эълон қилади.

Давлат органларида коррупция хавф-хатарларини баҳолаш тизими Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон, ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармонларига мувофиқ давлат

органларида ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларини мажбурий баҳолаш тартибини белгилайди.

Давлат органларида коррупция хавф-хатарларини баҳолашдан мақсад ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга шароит яратадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатларни аниқлаш ҳамда уларни минималлаштириш бўйича самарали ва натижали чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Давлат органлари томонидан коррупция хавф-хатарларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишни ўз ичига олади:

давлат хизматчиларининг фаолият соҳаси ва лавозимларини, шунингдек, уларнинг коррупция хавф-хатарларига кўпроқ мойил бўлган функция (ваколат)лари ва уларни минималлаштириш чораларини ўз ичига оладиган коррупция хавф-хатарларининг идоровий харитаси;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар, масъул шахслар, амалга ошириш муддатлари, молиявий ва бошқа ресурсларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг идоровий дастурларни назарда тутди.

Давлат органларида коррупция хавф-хатарларини баҳолаш тизимида асосий тушунчалар:

коррупциявий хавф-хатарлар – давлат ҳокимияти органлари фаолият олиб бориши, давлат хизматчиларининг фаолияти жараёнида юзага келадиган, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш вазиятини яратадиган ҳамда улар натижасида нохуш оқибатлар келтириб чиқарадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар;



коррупция хавф-хатарларини идоравий харитаси – давлат органи, унинг худудий тузилмаларида ва идоравий мансуб ташкилотларда коррупция хавф-хатарларини баҳолаш натижасига кўра тузиладиган ҳамда давлат хизматчиларининг соҳа фаолияти, лавозимлари ва уларнинг коррупция хавф-хатарларига кўпроқ мойил бўлган функция (ваколат)ларининг умумий рўйхати, шунингдек улар бўйича минималлаштириш бўйича чораларини ўз ичига оладиган ҳужжат;

коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш – давлат органининг амалга ошираётган функциялари (ваколатлари)ни таҳлил қилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишига шароит яратиши мумкин бўлган коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ҳамда уларни минималлаштиришга қаратилган самарали ва натижали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича фаолият;

идоравий мувофиқлаштирувчи - давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини юритишга масъул бўлган шахс.



Хавф-хатарларни таҳлил қилиш технологияси.

Маъмурий процедуралар - маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг асослари, шартлари, кетма-кетлиги ва тартибини белгилайдиган белгиланган меъёрий нормалар, уларга қуйидагилар киради: маъмурий органлар томонидан маъмурий функциялар ва ваколатларни амалга ошириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш тартиби; маъмурий органлар ишини ташкил этиш тартиби; фуқароларнинг, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ва юридик шахсларнинг уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга ошириш ёки ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризаларини маъмурий кўриб чиқиш тартиби.



Ихтиёрий ваколатлар - давлат ва муниципал идоралар, мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёри билан қабул қилинган бошқарув қарорининг тури ва мазмунини (тўлиқ ёки қисман) аниқлаш ёки ўз хоҳишига кўра бир нечта бирини танлаш имкониятини берадиган давлат ва шаҳар органлари, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўплами. идоравий актда назарда тутилган бошқарув қарорлари вариантлари.

Коррупция хавфи - давлат бошқаруви тизимига хос ҳаракат ҳаракатсизлик учун имконият, шунингдек давлат органлари мансабдор шахсларини ўзлари ёки учинчи шахслар учун имтиёзлар олиш учун ўзларининг лавозимларидан ноқонуний фойдаланишга ундовчи ҳолатлар мавжудлиги ёки кўрсатилган шахсга, бошқа шахсларга бундай имтиёзларни ноқонуний тақдим этиш.

Коррупциявий позиция - коррупция хавфига кўпроқ дуч келадиган лавозим;

Коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш - мансабдор шахслар учун ҳам, учинчи шахслар учун ҳам пул шаклида имтиёзлар, бошқа мол-мулк қийматлари ёки мулкий хизматларни олиш учун хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишга йўл қўядиган муайян бошқарув жараёнида юзага келган шарт-шароитларни (ҳаракатларни, воқеаларни) аниқлаш жараёни. характери, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид бўлган бошқа мулкий ҳуқуқлар.

Коррупциявий хавф-хатарларини бошқариш - коррупцияга қарши чораларни амалга оширишда коррупция хатарларини минималлаштириш ёки уларни муайян бошқарув жараёнларида йўқ қилиш жараёни.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида коррупциявий муносабатларнинг предмети бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган давлат органларининг маъмурий тартиб-таомиллари, функциялари ва ваколатлари, шу жумладан уларнинг қоидалар яратиш ваколатлари аниқланиши керак. Бундай ҳолда қуйидаги ҳолатлар таҳлил қилинади:

- мансабдор шахсларнинг ихтиёрий ваколатлари (айниқса, фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатларда);

- бир қатор бузилган позициялар (мансабдор шахсга мотивацион равишда процессуал муносабатларни тўхтатиш ёки тиклаш ёки фуқаролар ёки ташкилотлар учун қулай ёки ноқулай бўлган бошқарув қарорларини танлашга имкон бериш);

- фуқароларнинг ёки ташкилотларнинг мажбуриятларини ҳаддан ташқари тафсилотларга етказиш фактлари, бу уларнинг аниқ бажарилишини мураккаблаштиради;

- коррупциявий муносабатларга киришиш имкониятини берадиган (ёки коррупциявий муносабатларга киришиш учун туртки берадиган ва очадиган) қулай шарт-шароитлар мавжудлиги;

- коррупциявий хавф- хатарларининг тоифалари (бунга қуйидагилар киради: тизимли (реал) - давлат органида амалда мавжуд бўлган коррупция схемаси; потенциал - муайян шароитлар юзага келганда пайдо бўлиши аниқ бўлган коррупция хавфи (масалан: ҳар қандай ноқонуний имтиёзлар ёки имтиёзлар берадиган ҳуқуқий тартибга солиш); ситуацион - маълум бир вазият юзага келганда юзага келиши мумкин бўлган коррупция хавфи (масалан: коррупция хавфи фақат танлов комиссияси даврида юзага келади);

- коррупциявий хавфининг даражаси (паст, ўрта, юқори), умумий қабул қилинган амалиётлар асосида аниқланади (аналитик ва статистик усуллар, шунингдек эксперт аналоглари ва баҳолаш усуллари);

- кўриб чиқилаётган коррупциявий хавфининг бошқа давлат органларида, фаолият соҳаларида, ваколатлари ва лавозимларида намоён бўлиш имконияти;

- коррупциявий хавф-хатарларининг коррупция схемалари билан алоқаси, шунингдек уларни яратишни моделлаштириш.

Коррупциянинг пайдо бўлиши учун зарур шартлар мавжуд бўлган давлат органи фаолиятида коррупция хавфини юзага келтириши мумкин бўлган функциялар рўйхатини аниқлаш, бу эрда қуйидаги функциялар мажбурий баҳоланиши керак:

- бошқарув ва назорат - давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, юридик шахслари ва фуқаролари томонидан Конституция, конституциявий қонунлар, қонунлар ва бошқа мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган нормаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва назорат қилиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш (назорат объектлари - инспекциялар, аудиторлик бўлимлари ва бошқа айрим соҳаларда бошқарув ва назоратни амалга ошириш);

- коммунал ва давлат мулкани бошқариш - давлат мулкига, шу жумладан давлат корхоналари ва давлат муассасаларига берилган мулкларга нисбатан мулкдорнинг ваколатларини амалга ошириш, шунингдек очиқ акциядорлик жамиятларининг давлат акцияларини бошқариш;

- давлат хизматларини кўрсатиш - давлат органи, давлат бюджетдан ташқари жамғармаси органи томонидан тўғридан-тўғри ёки уларга бўйсунувчи давлат муассасалари ёки бошқа ташкилотлар орқали бепул ёки давлат органлари томонидан тартибга солинадиган нархларда, ариза

берувчиларнинг илтимосига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида;

- лицензиялаш ва рўйхатдан ўтказиш. Лицензиялаш функциялари деганда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан маълум бир фаолият турини амалга ошириш учун рухсатномалар (лицензиялар) ва (ёки) юридик шахсларга ва фуқароларга аниқ ҳаракатларни (гувоҳномалар, лицензиялар, рухсатномалар, аккредитация) бериш тушунилади. Рўйхатга олиш функциялари - субъектларнинг ҳуқуқий мақомини ўрнатиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш фактларини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилган актларни, ҳужжатларни, ҳуқуқларни, объектларни рўйхатдан ўтказишни англатади;

- юрисдикция - маъмурий ва юридик жавобгарликни қўллаш мақсадида амалга ошириладиган давлат ва коммунал хизматчининг функциялари (масалан, маъмурий жарималар солиш);

- норма яратувчи - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш функциялари.

Коррупция хатарлари рўйхатини белгилашда Коррупциянинг юқори даражасини ўз ичига олган функциялари ва фаолият йўналишларига эътибор қаратиш лозим, яъни:

- давлат эҳтиёжлари учун товарлар этказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун буюртмалар бериш (давлат буюртмаси);

- бюджетни шакллантириш, ижро этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- давлат ва коммунал мулк объектларини (бинолар, иншоотлар, қурилмалар) бошқариш, уларни тасарруф этиш, шу жумладан ушбу объектларни ижарага бериш, текин фойдаланиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича;

- ер участкаларини бошқариш ва тасарруф этиш, шу жумладан ушбу участкаларни ижарага бериш ва сотиш масалалари;

- уй-жой фондидини бошқариш ва тасарруф этиш, шу жумладан ижтимоий, тижорат ижараси, ихтисослаштирилган уй-жой фондидини ижарага бериш шартномаларини тузиш масалалари бўйича;

- давлат кафолатлари, бюджет кредитлари, субсидиялар, субвенсиялар, грантлар, бюджет қарзларини бошқариш ҳуқуқини бериш;

- ортиқча тўланган ёки ортиқча йиғилган солиқлар ва йиғимлар миқдорларини, шунингдек жарималарни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисида қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш;

- солиқлар ва йиғимларни кечиктириш билан тўлаш тўғрисида қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш;

- фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, ишларнинг айрим турларига рухсатнома бериш ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар;

- давлат экспертизасини ўтказиш ва ҳулосалар бериш;

- жинойт ишларини қўзғатиш, тергов қилиш;

- табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар, бахциз ҳодисалар, ишлаб чиқаришдаги бахциз ҳодисалар, атроф муҳитга, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулкига, давлат мулкига зарар этказадиган одамлар,

хайвонлар ва ўсимликларнинг юқумли ва оммавий юқумсиз касалликлари сабаблари бўйича текширувлар ўтказиш;

- суд органларида ҳуқуқлар ва қонуний манфаатлар ваколат тақдим этиш;

- мулкни рўйхатдан ўтказиш ва давлат ва коммунал мулкнинг маълумотлар базаларини юритиш;

- фуқароларга ва ташкилотларга давлат хизматларини кўрсатиш;

- моддий-техника ресурсларини сақлаш ва тарқатиш;

- давлат ва муниципал лавозимларга тайинлаш, шу жумладан аттестациялар, малака имтиҳонлари, бўш лавозимларни эгаллаш бўйича танловлар ва кадрлар захирасига киритиш.

Куйидаги ҳаракатлар мансабдор шахснинг расмий ваколатларини амалга оширишда бузуқ хатти-ҳаракатларини тавсифловчи белгилар бўлиб хизмат қилиши мумкин:

фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда, масалани жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан фавқулодда асосда ҳал қилишда белгиланган муддатлардан ошиб кетишда (расмий расмиятчилик) асоссиз кечикиш;

мансабдор шахс ёки унинг қариндошларининг моддий эҳтиёжларини кондириш билан боғлиқ шахсий масалаларни ҳал қилишда ўзларининг расмий ваколатларидан фойдаланиш;

давлат хизматида кириш учун қонунда назарда тутилмаган афзалликларни (протекционизм, непотизм) таъминлаш;

жисмоний шахсларга, яқка тартибдаги тадбиркорларга, юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда устунлик бериш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш;

расмий (меҳнат) мажбуриятларини бажариш пайтида олинган маълумотлардан шахсий ёки гуруҳ манфаатларида фойдаланиш, агар бундай маълумотлар расмий равишда тарқатилмаса;

жисмоний ва юридик шахслардан тақдим этилиши Қирғизистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган маълумотни талаб қилиш;

мансабдор шахслар томонидан расмий (меҳнат) мажбуриятларида назарда тутилган тадбирларни ташкил этиш, режалаштириш ва амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий, идоравий, маҳаллий ҳужжатлар талабларининг бузилиши;

расмий (меҳнат) фаолиятининг муҳим элементи бўлган расмий бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисобот ҳужжатларидаги қасддан ёлғон маълумотларни бузиш, яшириш ёки тақдим этиш;

ахборот ресурсларига рухсатсиз киришга уриниш;

расмий (меҳнат) ваколатларидан ошадиган ёки улар билан боғлиқ бўлмаган маъмурий характердаги ҳаракатлар;

расмий (меҳнат) мажбуриятларига мувофиқ қарор қабул қилишни талаб қиладиган ҳолатларда ҳаракатсизлик ;

мансабдор шахс, унинг оила аъзолари, яқин қариндошлари томонидан адабиёт, фан, санъат асарларини яратгани, маъруза ва бошқа ўқитувчи фаолияти учун асоссиз равишда юқори мукофот олишлари;

мансабдор шахс, унинг оила аъзолари, учинчи шахслар томонидан асоссиз равишда узоқ муддатли ёки асоссиз паст ставкалар билан кредитлар ёки кредитлар олиш, шунингдек ушбу шахсларнинг банк депозитлари (депозитлари) бўйича асоссиз юқори ставкаларни тақдим этиш;

эгалари ёки раҳбарлик лавозимлари мансабдор шахсларнинг қариндошлари билан алмаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар билан тез-тез ёки катта миқдордаги текширувлар ўтказиш;

молиявий ва хўжалик операцияларини қонунчилигининг аниқ (хатто мутахассис учун ҳам) бузилиши билан амалга ошириш.



Коррупциявий хавф-хатарлари баҳолаш босқичлари

Тайёрланиш босқичи: коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш, услубиёт ва баҳолашни ўтказиш режасини белгилаш, баҳолашга масъул бўлган шахсларни тайинлаш, уларни ваколоти ва мажбуриятларини аниқлаштириш;

Бошқарув ва бизнес жараёнларини хатловдан ўтказиш: жараёнларни кўриб чиқиш;

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш (идентификация қилиш): энг хавфли коррупциявий хатарларни аниқлаш;

Коррупциявий хавфларни таҳлил қилиш:

а) коррупциявий схемаларни аниқлаш;

б) коррупциявий лавозимларни аниқлаш.

Коррупциявий хавф-хатарларни юқори, ўртача, паст кўрсаткичлари бўйича таснифлаш;

Коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларини расмийлаштириш, келишиш ва тасдиқлаш.

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул шахслар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат органи раҳбари	Коррупция хавф-хатарларини баҳолаш бўйича ишчи гуруҳни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Ҳар йили 10 декабр гача
2-босқич	Ишчи гуруҳ Идоравий мувофиқлаштирувчи	<p>1. Давлат органининг функция (ваколат)ларини амалга оширишда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга имкон яратувчи сабаб ва шароитлар ҳақида ички ва ташқи манбалардан маълумот йиғиш.</p> <p>2. Давлат органининг ҳар бир соҳаси ва функцияси бўйича хавф-хатарлар омилларининг барча гуруҳларини аниқлаш ва ҳисобга олиш:</p> <p style="padding-left: 20px;">хавф-хатарнинг ташқи ёки тизимли омиллари;</p> <p style="padding-left: 20px;">ички (ташкилий) омиллар ва шароитлар, шахсий омиллар (давлат хизматчиларининг</p>	Ҳар йили 31 декабр гача

		<p>шахсий фазилатлари); иш жараёнлари ва тартиб- таомиллари. 3. Юзага келиш эҳтимоли ва салбий таъсирига юзага келиши билан боғлиқ ҳолда коррупция хавф- хатарлари баҳолаш ва уларни таснифлаш (юқори, ўрта ва паст).</p>	
3-босқич	Ишчи гуруҳ Идоравий мувофиқлаштирувчи	<p>Ишчи гуруҳнинг якуний таҳлилий маърузасини; давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, коррупция хавф- хатарларига кўпроқ мойил бўлган функция (ваколат)лари ва уларни минималлаштириш чораларини ўз ичига оладиган коррупция хавф-хатарларининг идоравий харитасини; коррупцияга қарши курашиш бўйича чора- тадбирлар, масъул шахслар, молиявий ва бошқа ресурслар амалга ошириш муддатлари белгиланадиган коррупцияга қариш</p>	Ҳар йили 10 январгача

		курашиш бўйича идоравий дастурни тайёрлаш.	
4-босқич	<p>Давлат органи раҳбари Идоравий мувофиқлаштирувчи</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика/ҳудудлараро идоравий комиссияси</p>	<p>1. Коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурларини Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси билан келишиш.</p> <p>2. Давлат органининг раҳбари томонидан Коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурни тасдиқлаш.</p>	<p>Ҳар йили 20 январгача</p>
5-босқич	<p>Давлат органининг ваколатли таркибий бўлинмаси Идоравий мувофиқлаштирувчи</p> <p>Ишчи гуруҳ</p>	<p>1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастур амалга оширилишини мониторинг қилиш.</p> <p>2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастур амалга оширилиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисоботларни тайёрлаш ва киритиш.</p>	<p>Йил давомида</p> <p>Ҳар чоракда</p> <p>Йил давомида</p>

		<p>3. Заруратга кўра, коррупция хавф-хатарларининг идоравий харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқилади ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси дастлабки тарзда хабардор қилинган ҳолда давлат органининг раҳбарига тасдиқлаш учун киритиш.</p> <p>4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастур ижросининг ҳолати тўғрисидаги якуний ҳисоботни Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республикавий /худудий идоралараро комиссияга юбориш.</p>	<p>Ҳар йили 20 январгача</p>
--	--	---	----------------------------------

Коррупция хавф-хатарларини баҳолаш мақсадида давлат органининг раҳбари томонидан қуйидагиларни назарда тутадиган тегишли қарор қабул қилинади:

асосан коррупцияга қарши курашиш, одоб-ахлоқ бўйича идоравий комиссиялар аъзоларидан, ташкилий-кадрлар масалалари соҳасида, ички хавфсизлик ва ҳудудий ҳамда идоравий тузилмалар устидан назорат функцияларини амалга оширувчи тузилмалар ходимлари, ташқи экспертлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари орасидан ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш;

коррупция хавф-хатарларини баҳолаш ва тегишли ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддатлари;

ишчи гуруҳ аъзоларини амалга оширилган ишлар натижасига кўра моддий ёки бошқача рағбатлантириш чоралари.

Коррупциявий хавф хатарлар тўғрисидаги маълумот манбаалари



Ишчи гуруҳ вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупция хавф-хатарлари ва уларни минималлаштириш бўйича идоравий харитани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

коррупция сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича давлат органининг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

коррупциянинг юзага келишига кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган таклифларни киритиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан коррупцияга оид ҳолатларни олдини олиш ва коррупция хавф-хатарларини аниқлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш.

Давлат органларининг раҳбарлари томонидан давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини юритишга идоравий мувофиқлаштирувчи тайинланади.

Идоравий мувофиқлаштирувчи идоравий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, унинг ижросини назорат қилиш, самарадорлик индикаторлари бўйича амалга оширилган ишларни умумлаштириб, ахборот тизими орқали юбориш ишларини амалга оширади.

§ 4.6. Давлат хизматчиларининг коррупция хавф-хатарларига кўпроқ мойил бўлган фаолият соҳаси ва лавозимлари ҳамда уларнинг функция (ваколат)лари рўйхатини шакллантириш масалалари

Давлат органлари функция (ваколат)ларини амалга оширишда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишига кўмаклашадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар ҳақидаги маълумот қуйидаги ички ва ташқи маълумотлардан тўпланади:

давлат органи ва давлат хизматчиларининг тегишли фаолияти соҳасини тартибга соладиган ҳамда функция (ваколат)ларини белгилаб берадиган норматив-ҳуқуқий ва локал ҳужжатлар (давлат органи тўғрисидаги низом, маъмурий регламентлар, юқори турувчи давлат органларининг баённома қарорлари ва топшириқлари, лавозим йўриқномалари, буйруқлар ва бошқалар);

ички текширувлар, жумладан, хизмат текширувлари материаллари, давлат хизматчиси (ходими)нинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойиллигига оид фактлар тўғрисидаги хабарлар;

манфаатдор тарафлар, давлат хизматларидан фойдаланувчилар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг сўрови, жумладан, социологик тадқиқотлар натижалари;

давлат органи фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистик маълумотлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, халқаро ва хорижий экспертлар маълумотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаганлиги ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган хабарлари;

давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаганлиги ҳолатлари тўғрисидаги аноним маълумотлардан иборат бўлган хабарлари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан, прокурор таъсир чоралари ҳужжатлари, жиноят ишлари бўйича материаллар.

Давлат ҳокимияти органлари фаолият олиб бориши жараёнида юзага келадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар шахсий манфаат ёки бошқа шахслар манфаати йўлида моддий ёки номоддий наф олиш, худди шундай ҳам мансабдор шахслар, ҳам учинчи шахслар учун ноқонуний равишда моддий наф бериш билан ифодаланадиган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш фактлари учун шароит яратадиган ҳолат предмети бўйича ўрганилади.

Коррупциявий хавф-хатарлар таснифланиши



Коррупция хавф-хатарларини баҳолаш жараёнида амалга оширилишида коррупциявий схемалардан фойдаланиладиган ва ноқонуний наф берадиган ҳар бир функция, тартиб-таомил ва ваколатларни таҳлил қилиш зарур.

Коррупция хавф-хатарларини баҳолашда Коррупциявий хавф-хатарлар даражасини баҳолаш схемаси ёрдамида коррупциявий хавф-хатарнинг келиб чиқиш эҳтимоли ва унинг салбий таъсир ҳажми йиғиндиси асосида коррупция хавф-хатарлар даражасини (паст, ўрта, юқори) белгилаб берадиган мезонлар ҳисобланади.

Коррупция хавф-хатарлари даражасини баҳолаш матрицаси

Коррупция хавф-хатарини амалга ошириш эҳтимоли	юқори			
	ўртача			
	паст			
		паст	ўртача	юқори

Коррупциявий хавф-хатар салбий таъсирининг катталиги

Давлат хизматчиларининг функция (ваколат)лар бўйича тегишли ахборотлар ва маълумотларни таҳлил қилиш, шунингдек аниқланган коррупцион омиллар асосида уларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган коррупция хавф-хатарлар даражаси кўрсатган ҳолда коррупция хавф-хатарларига кўпроқ мойил бўлган функция (ваколат)лар (кейинги ўринларда – коррупциявий хавфли функциялар) рўйхати тузилади.

Коррупциявий хавфли функциялар рўйхатини белгилашда қуйидаги функция (ваколат)ларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

давлат хизматларини кўрсатиш, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатга олиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;

қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;
давлат мулкани бошқариш, тасарруф этиш ва бегоналаштириш;
давлат харидларини амалга ошириш, пулли асосда товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга тайёргарлик кўриш ва қарор қабул қилиш;

ишга қабул қилиш, ходимларни танлаш ва жойлаштириш, рағбатлантириш, кўллаб-қувватлаш ёки интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилишга тайёргарлик кўриш ва қарор қабул қилиш;

преференция ва имтиёзлар бериш;

мукофотлаш, тақдирлаш, юқори лавозимга тавсия этиш, раҳнамолик қилиш;

солиқлар, йиғимлар, божхона божларини камайтириш, уларни тўлашдан озод қилиш ёки кечиктириш ёки тўланган суммани қайтариш бўйича қарор қабул қилишга тайёргарлик кўриш ва қарор қабул қилиш;

ижтимоий нафақаларни тайинлаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

давлат экспертизасини ўтказиш ва хулосалар бериш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишлар қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш;

хизмат сирига эга бўлиш;

моддий-техник ресурсларни сақлаш ва тақсимлаш.

Коррупция хавф-хатарлари даражаси ва коррупциявий хавфли функциялар рўйхатини аниқлашда бир пайтнинг ўзида лавозим мажбуриятларига кўрсатилган функцияларни амалга ошириш бўйича тайёргарлик кўриш ва қарорлар қабул қилиш кирадиган давлат хизматчиларининг доираси белгиланади. Шундан келиб чиқиб, коррупциявий хулқ-атворни тавсифловчи белгиларни ҳисобга олиб, давлат хизматчиларининг коррупциявий хавф-хатарга кўпроқ мойил бўлган лавозимлари рўйхати тузилади.

Қуйидаги ҳаракатлар мансабдор шахсининг расмий ваколатларини амалга оширишда бузуқ хатти-ҳаракатларини тавсифловчи белгилар бўлиб хизмат қилиши мумкин:

фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда, масалани жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан фавқулодда асосда ҳал қилишда белгиланган муддатлардан ошиб кетишда (расмий расмиятчилик) асоссиз кечикиш;

мансабдор шахс ёки унинг қариндошларининг моддий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ шахсий масалаларни ҳал қилишда ўзларининг расмий ваколатларидан фойдаланиш;

давлат хизматига кириш учун қонунда назарда тутилмаган афзалликларни (протекционизм, непотизм) таъминлаш;

жисмоний шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга, юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда устунлик бериш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш;

расмий (меҳнат) мажбуриятларини бажариш пайтида олинган маълумотлардан шахсий ёки гуруҳ манфаатларида фойдаланиш, агар бундай маълумотлар расмий равишда тарқатилмаса;

жисмоний ва юридик шахслардан тақдим этилиши Қирғизистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган маълумотни талаб қилиш;

мансабдор шахслар томонидан расмий (меҳнат) мажбуриятларида назарда тутилган тадбирларни ташкил этиш, режалаштириш ва амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий, идоравий, маҳаллий ҳужжатлар талабларининг бузилиши;

расмий (меҳнат) фаолиятининг муҳим элементи бўлган расмий бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисобот ҳужжатларидаги қасддан ёлғон маълумотларни бузиш, яшириш ёки тақдим этиш;

ахборот ресурсларига рухсатиз киришга уриниш;

расмий (меҳнат) ваколатларидан ошадиган ёки улар билан боғлиқ бўлмаган маъмурий характердаги ҳаракатлар;

расмий (меҳнат) мажбуриятларига мувофиқ қарор қабул қилишни талаб қиладиган ҳолатларда ҳаракатсизлик ;

мансабдор шахс, унинг оила аъзолари, яқин қариндошлари томонидан адабиёт, фан, санъат асарларини яратгани, маъруза ва бошқа ўқитувчи фаолияти учун асоссиз равишда юқори мукофот олишлари;

мансабдор шахс, унинг оила аъзолари, учинчи шахслар томонидан асоссиз равишда узоқ муддатли ёки асоссиз паст ставкалар билан кредитлар ёки кредитлар олиш, шунингдек ушбу шахсларнинг банк депозитлари (депозитлари) бўйича асоссиз юқори ставкаларни тақдим этиш;

эгалари ёки раҳбарлик лавозимлари мансабдор шахсларнинг қариндошлари билан алмаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар билан тез-тез ёки катта миқдордаги текширувлар ўтказиш;

молиявий ва хўжалик операцияларини қонунчилигининг аниқ (ҳатто мутахассис учун ҳам) бузилиши билан амалга ошириш.

Қуйидагилар давлат хизматчисининг коррупциявий хавфли функцияларни амалга оширишда коррупциявий хулқ-атворини тавсифловчи белгилар бўлиши мумкин:

бюрократик кечикишлар ва сунъий тўсиқларни яратиш, белгиланган муддатларда қарор қабул қилмаслик ёки навбатдан ташқари тартибда тезкор тарзда ёхуд алоҳида жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан мавжуд тартибларни четлаб ўтиб қарор қабул қилиш;

ҳужжатларга, маълумотларнинг юзасига била туриб ёлғон маълумотларни киритиш;

товарларни сотиб олишда, турли ташкилотлардан хизматлардан фойдаланишда давлат хизматчиси, ўзининг яқин қариндошлари томонидан асоссиз, юқори даражадаги мукофотлар, преференциялар ёки имтиёзларни олиш;

амалдаги қонунчиликни бузиб молия-хўжалик операцияларни бажариш; уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, непотизм, кронизм, фаворитизм, протекционизм каби иллатларга мойиллиги.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш ва минималлаштириш бўйича ҳуқуқий, ташкилий, профилактик ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутати.

Коррупциявий схемалар амалга оширилишини мураккаблаштирадиган тўсиқлар (чекловлар)ни белгилаш сифатида қуйидаги чораларни кўриш таклиф қилинади:

давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш, асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, тартибга солишнинг дискрецион ваколатлар сонини камайтириш, тақдим этиладиган ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилиш муддатини қисқартириш;

давлат хизматчилари билан маъмурий тартиб-таомиллар ва бошқа ҳаракатлар, маълумотларни электрон айирбошлаш амалга ошириладиган шахслар ўртасидаги жисмоний алоқада бўлишни максимал тарзда чеклаш;

хизмат фаолиятини амалга ошириш учун ахборот технологияларини қўллаш соҳасини кенгайтириш, иш жараёнларини автоматлаштириш, уларни аниқлаш учун видеокузатиш ва аудиоёзув воситаларидан фойдаланиш;

амалга ошириладиган давлат харидлари, танлов (тендер) ва аукционларнинг ҳар бир босқичи ҳақидаги маълумотларни расмий веб-сайт ва бошқа ОАВларда жойлаштириш орқали тарқатиш;

фуқаролар, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва ОАВлари билан, биринчи навбатда, давлат органида коррупция ҳолатлар ҳақидаги хабарларни рағбатлантиришга қаратилган ўзаро ҳамкорлик шакллари кенгайтириш;

давлат хизматчиларини танлашда аниқ мезонларни белгилаш ва очиқликни таъминлаш, механизмларни такомиллаштириш, коррупциявий хавф-хатарга кўпроқ мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган давлат хизматчиларини мажбурий ротация қилиш тартибини ўрнатиш;

якка тартибда қарор қилиш тарзидаги вазиятларни қисқартириш, шунингдек, қабул қилинган қарорларнинг натижалари ҳақида давлат хизматчилари ҳисоботининг қўшимча шакллари ўрнатиш;

давлат хизматчилари томонидан ходимларнинг одоб-ахлоқ идоравий қоидаларига риоя этилишини кунлик, ўзаро ва ҳар томонлама назорат қилинишини таъминлаш.

Коррупция хавф-хатарларини минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилашда қуйидагилар зарур:

ҳар бир чора-тадбир давлат хизматчилари томонидан унинг мақсади, якуний натижаси ва коррупция хавф-хатарини минималлаштириш билан алоқаси лозим даражада тушунилиши учун аниқ ва равшан ифодаланиши керак;

ҳар бир чора-тадбир учун уни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхати белгиланган бўлиши зарур;

ҳар бир чора-тадбир учун уни амалга ошириш муддати ёки даври ўрнатилган бўлиши, ижроси учун масъул шахслар, молиявий ва бошқа ресурслар, ушбу чора-тадбирларни амалга оширилишини мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш механизмлари белгиланган бўлиши зарур.

Аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар коррупцияга қарши идоравий дастурларга киритилади.

Коррупция хавф-хатарларининг идоравий харитаси ва коррупцияга қарши идоравий дастурлар тузиш ва уларни баҳолаш масалалари

Коррупция хавф-хатарларини ҳар йили баҳолаш натижаларига кўра ишчи гуруҳ томонидан 10 январгача бўлган муддатда қуйидагилар тузилади:

фаолият соҳаси, давлат хизматчиларининг коррупция хавф-хатарларига кўпроқ мойил бўлган функция (ваколат)лари рўйхати, коррупция хавф-хатарларининг даражаси ва уларни камайтириш чораларини ўз ичига оладиган шаклда коррупция хавф-хатарларининг идоравий харитаси;

Коррупция хавф-хатарларининг идоравий харитаси

(давлат органининг номи)

	Коррупция хавф-хатарларига кўпроқ мойил бўлган функция (ваколат)лар	Эҳтимол и мавжуд коррупциявий схеманинг қисқача тавсифи	Коррупция хавф-хатарига кўпроқ мойил бўлган бўлинма ва лавозимлар	Хавф-хатар даражаси (паст, ўртача, юқори)	Коррупция хавф-хатарини минималлаштириш (бартараф қилиш) чоралари
I.					
(фаолият соҳасининг номи)					
Марказий аппарат даражаси					
.					
..					
Худудий бўлинмалар даражаси					
.					
Идоравий бўйсунувчи ташкилотларнинг даражаси					
.					

П. _____ (фаолият соҳасининг номи)					
Марказий аппарат даражаси					
.					
Худудий бўлинмалар даражаси					
.					
Идоравий бўйсунувчи ташкилотларнинг даражаси					
.					
....					

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар, масъул шахслар, молиявий ва бошқа ресурслар, амалга ошириш муддатлари белгиланган коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурлар.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастур

_____ йил учун
(давлат органининг номи)

	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Коррупцияга қарши ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш				
.				
.				
..				
II. Одоб-ахлоқ қоидаларга риоя қилиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар				
.				
.				
..				

III. Идоралар фаолияти очиқлигини таъминлаш ва фуқаролик жамияти билан алоқаларни мустаҳкамлаш				
.				
.				
..				
IV. Ходимлар ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш				
.				
.				
..				
V. Мониторинг ва тадқиқот ишларини ташкил қилиш				
.				
.				
..				

Коррупциявий хавф-хатарларнинг идоравий харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурлар лойиҳаларини эксперт баҳолаш учун фуқаролик жамиятининг манфаатдор институтларининг, ОАВ вакилларини, жумладан, коррупцияга қарши курашиш бўйича республика/худудий идоралараро комиссиялар аъзоларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий/худудий кенгашлар билан келишилган коррупциявий хавф-хатарларининг идоравий харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурлар лойиҳалари давлат органининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Заруратга кўра, коррупция хавф-хатарларининг идоравий харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини олдиндан хабардор қилган ҳолда давлат органининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Давлат органлари ҳар йили 10 январга қадар Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика/худудий идоралараро комиссияларга ўтган календарь йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурни амалга ошириш натижалари тўғрисида якуний ҳисобот тақдим этадилар.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурнинг тўлиқ бажарилиши устидан ички идоравий назорат давлат органининг ташкилий-

кадрлар тузилмалари ёки ички хавфсизликни таъминлаш бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг асосий мақсади – давлат органларида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларининг ижро этилиши, давлат органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши самарадорлигини ошириш, бу борада давлат органларининг масъулиятини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича янги инновацион услубларни жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этишдан иборат.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолашда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳузуридаги эксперт гуруҳи - таркиби давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, ўқув ва тадқиқот муассасалари мутахассисларидан шакллантириладиган гуруҳ ҳисобланади.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини мониторинг қилиш – Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, давлат дастурлари ва бошқа дастурларда назарда тутилган коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг давлат органлари томонидан амалга оширилишини ўрганиш.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини баҳолаш – Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, давлат дастурлари ва бошқа дастурларда назарда тутилган коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг давлат органлари томонидан амалга оширилишининг рейтинг даражасини белгилаш.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишининг самарадорлик индикаторлари – Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ижроси натижадорлигини баҳолашга оид кўрсаткичлар.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш раиси томонидан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш ҳузуридаги эксперт гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Эксперт гуруҳи аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида Миллий кенгашнинг ишчи органи сўровига асосан маълум бир муддатга иш ҳақи сақланган ва хизмат вазифаларидан озод этилган ҳолда жалб қилинади.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирлар амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш қонунийлик, ҳолислик, ошкоралик, даврийлик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Фаолияти коррупция хатарлари билан боғлиқ бўлган мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари томонидан хизмат вазифаларини бажарилишини назорат қилишнинг асосий вазифалари (кейинги ўринларда - мониторинг) куйидагилардан иборат:

- Мансабдор шахсларнинг ҳаракатларининг белгиланган нормалардан, расмий юриш-туриш қоидаларидан четга чиқишини ўз вақтида қайд этиш;
- мансаб ваколатининг нотўғри бажарилиши ёки суиистеъмол қилинишига олиб келадиган омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- мансабдор шахслар фаолиятида Коррупция хатарларини минималлаштириш ёки уларни йўқ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- коррупциявий хатарлар рўйхатини ва давлат органларидаги коррупциявий лавозимлар рўйхатини тўғирлаш.

ХУЛОСА

Давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигининг муҳимлиги шундан келиб чиқадики, бугунги кунда айрим халқаро қилмишлар халқаро хавфсизлик ва тинчликка жуда катта хавф туғдирмоқда. Коррупцияга қарши курашишда давлатларнинг ҳамкорлиги универсал ва минтақавий хавфсизликнинг таянчларидан бирини ташкил этаркан, мазкур механизмларни таъминламаслик минтақада тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солади. Шундан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишга доир халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларни ўрганиш, таҳлил қилиш, янгилиб бориш давр талабидир.

БМТ доирасида коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1990 йилги БМТнинг махсус «Давлат бошқаруви соҳасида коррупция» резолюцияси, БМТнинг 1996 йилдаги «Коррупцияга қарши кураш» резолюцияси, БМТнинг «Халқаро савдо операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисида» ги Декларацияси, «Давлат мансабдор шахслари ахлоқининг халқаро кодекси», «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш» Конвенцияси.

БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашга йўналтирилган ҳужжатлар ичида 2003 йил декабр ойида қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш Конвенцияси муҳим ўрин тутди. Мазкур ҳужжатни коррупцияга қарши курашга қаратилган халқаро ҳуқуқнинг универсал кодификациялашган акти сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишни янада ривожлантириш учун халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация жараёнини такомиллаштириш лозим.

Энг муҳими, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга доир икки томонлама халқаро шартномаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари рўйхатини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон томонидан ўз давлат мустақилигини қўлга киритиши давлатимиз учун халқаро муноабатларда, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлатлар ҳамкорлигида иштирок этиш имкониятини берди. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида миллий қонунчилик асослари яратилиб, мазкур қонунчилик давр талаби ва Ўзбекистон Республикаси халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилиш зарур ва у халқаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришнинг янги инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолашнинг реал, ҳаётий, ҳолис ва шаффоф индикаторларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда коррупция даражасини камайтиришга қаратилган ҳуқуқий чоралар кўламини кенгайтиришга оид таклифлар

1. Давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қонун даражасида масалани ҳал этилиши муҳимдир. Миллий қонунчиликда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари бир қанча қонунчилик актларида (меҳнат кодекси, коррупцияга қарши курашиш, хомийлик тўғрисидаги қонунлар) ўз аксини топган.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба.

Деярли барча Европа мамлакатларида қонунчилик давлат хизматчиларига илмий, ижодий ва ўқитувчилик фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишни тақиқлайди.

Қоидага кўра, ушбу мажбуриятни бузиш ишдан бўшатишга қадар интизомий жавобгарликка сабаб бўлади. Бироқ, баъзи ҳолларда, миллий қонун чиқарувчилар бундай хатти-ҳаракатларни коррупция жинояти деб билишади. Шундай қилиб, давлат хизматчиларининг ишбилармонлик фаолияти манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради. Белгия, Испания, Латвия, Малта, Голландия, Португалия, Франция каби давлатлар қонунларида манфаатлар тўқнашуви мустақил жиноят таркибини шакллантиради.

Кўпгина Европа мамлакатларида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва унинг олдини олиш механизмлари давлат хизмати тўғрисидаги умумий қонунлар билан белгиланади: “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун ва “Давлат функцияларини бажарувчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишни чеклаш тўғрисида”ги Қонун – Польшада, “Давлат хизмати тўғрисида”ги ва Жиноят кодекси – Австрияда, Исландияда “Давлат

бошқаруви тўғрисида”ги Қонун ва Грецияда “Давлат хизмати тўғрисида”ги кодекс.

Шу билан бирга, Шарқий Европанинг баъзи давлатларида ва постсовет мамлакатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган (Сербия, Хорватия, Латвия, Литва, Молдова, Қирғизистон).

Европа ва постсовет мамлакатларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурлари коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш стратегиясининг бир қисмидир;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурлари давлат секторидида касбий хулқ-атвор стандартларини таъминлаш ва ошириш бўйича кенг стратегиянинг бир қисмиди сифатида.

Собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари орасида Молдова Республикаси давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилишда сезиларли ютуқларга эришган. У коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш стратегиясининг бир қисми сифатида миллий манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурини ишлаб чиқган. Бундан ташқари, Молдовада 2008 йил 15 февралда манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг барча жараёнларини белгилаб берадиган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” махсус қонун қабул қилинган.

Қонунда манфаатлар тўқнашувини ижобий ҳал қилиш вариантлари аниқ белгиланган, хусусан: мансабдор шахснинг шахсий манфаатларидан воз кечиши ёки унинг томонидан бу манфаатларга барҳам берилиши, манфаатлар тўқнашувида иштирок этган мансабдор шахсни лавозимидан четлаштирмасдан қарор қабул қилиш жараёнида қатнашишдан бош тортиш (тақиқлаш) - манфаатлар тўқнашувининг такрорланиш эҳтимоли кам бўлган ҳолатда, манфаатлар тўқнашувида иштирок этган мансабдор шахснинг маълум маълумотларга киришини чеклаш, мансабдор шахсни манфаатлар тўқнашуви хавфи бўлмаган ҳолатга ўтказиш, қарорлар қабул қилишни тўхтатиб туриш тавсия этилмайдиган манфаатлар тўқнашувининг давом этиши эҳтимоли бўлган тақдирда - мансабдор шахснинг ваколатлари ва функцияларини қайта кўриб чиқиш, мансабдор шахснинг шахсий шахс сифатида қарама-қарши функсиясини бажаришни ўз ичига оладиган лавозимдан бўшатиш. Тегишли мансабдор шахс ўзи жойлашган манфаатлар тўқнашувидан чиқиш ёки манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган имтиёзлардан воз кечишни талаб қиладиган ҳар қандай якуний қарорни қабул қилишга мажбурдир.

Қонунда давлат лавозимига сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш учун номзод декларация топшириш орқали тегишли шахсий манфаатларини аниқлаш ва эълон қилиш талаб қилиниши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, шахсий манфаатларни эълон қилиш талаби ишга қабул қилиш, сайлаш ёки давлат лавозимига тайинланишни тартибга солувчи барча процедуралар ёки битимларга киритилган. Молдова Республикаси қонунчилигига мувофиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация давлат хизматчисининг биринчи иш кунидан ёки тайинланган кундан бошлаб 15 кун ичида тақдим этилиши лозим. У ҳар йили 31 мартга қадар топширилади. Агар маълумотларда

манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ўзгаришлар бўлса, улар шахсий манфаатлар декларациясини ўзгартиришлар пайдо бўлганидан кейин 15 кун ичида янгилашлари лозим.

Бир қатор мамлакатларда ушбу можароларни ҳал қилиш бўйича чоратадбирларнинг таҳлили шуни кўрсатадики: улар манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган қуйидаги профилактик чораларни кўрмоқда:

Қўшимча фаолият билан шуғулланиш чеклаш. Бундай чекловлар барча мамлакатларда мавжуд, аммо фақат Испанияда парламент аъзоларининг жамоат ва шахсий лавозимларни бирлаштириш тақиқланган. Франция ва Венгрияда маҳаллий сайланган мансабдор шахслар миллий парламент аъзолари бўлиши мумкин. Агар маҳаллий сайланган амалдорлар тўлиқ ишлаган ва ўзлари сайланган лавозимларига ҳақ тўланадиган бўлсалар, барча мамлакатларда давлат ёки хусусий секторда бошқа ишларни амалга оширишга чекловлар мавжуд.

Шахсий даромадлар декларацияси. Франция, Германия ва Буюк Британияда бу талаб мажбурий эмас (сўнгги икки мамлакатда парламент аъзолари фақат катта миқдордаги тўловларни эълон қилишади). Венгрия ва Италияда бу мажбурият фақат парламент аъзоларига юклатилади, Полша ва Испанияда фақат маҳаллий сайланган мансабдор шахслар ва сиёсатчилар ўз даромадларини эълон қилишади (Испанияда парламент аъзолари ҳам пуллик фаолиятларини эълон қилишади). Латвияда ушбу чора нафақат барча тайинланган сиёсий арбоблар ва сайланган мансабдор шахсларга, балки давлат хизматчиларига ҳам тегишли.

Оила даромадлари декларацияси. Полшада маҳаллий сайланган мансабдор шахсларнинг турмуш ўртоқлари ва тайинланган сиёсатчилар ўз даромадларини декларация қилишлари шарт. Венгрияда ушбу чора тайинланган сиёсатчи ёки юқори лавозимли мансабдор шахс билан яшайдиган барча оила аъзоларига қўлланилади. Бошқа барча мамлакатларда бундай декларация мажбурий эмас. Испанияда бу тайинланган сиёсий арбобларнинг турмуш ўртоқлари учун ихтиёрий чорадир.

Шахсий мулк декларацияси. Германия ва Буюк Британиядан ташқари барча мамлакатларда ҳукумат аъзолари ва тайинланган сиёсатчилар, парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган амалдорлар шахсий мулкларини декларациялашлари шарт.

Совғалар декларацияси. Латвияда совғалар декларацияси барча амалдорлар (шу жумладан сайланган мансабдор шахслар ва парламент аъзолари) учун мажбурийдир. Полшада бу талаб фақат маҳаллий сайланган амалдорлар ва тайинланган сиёсатчилар учун мажбурийдир; Венгрияда - фақат парламент аъзолари учун.

Шартномани бошқариш билан боғлиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация. Германия ва Испанияда бундай чора маҳаллий сайланган амалдорлар учун мажбурийдир. Буюк Британияда, мансабдор шахслар, шу жумладан маҳаллий сайланганлар, ҳар сафар бошқалар томонидан мансабдор шахснинг ҳаракатларига таъсир қиладиган сифатида қизиқиш пайдо бўлганда, расмий равишда қизиқиш тўғрисида декларацияни тақдим этишлари керак.

Бундан ташқари, Британия расмийлари ўзларининг декларацияларида оила ва яқин қариндошларнинг манфаатларини ҳисобга олишлари керак. Франция, Венгрия, Италия, Латвия, Польшада бундай расмий декларация талаб қилинмайди, аммо маълум манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, амалдор шахсий манфаатларини аниқлаши (эълон қилиши) ва ундан воз кечиши учун рухсат сўраши керак.

Қарор қабул қилиш ёки овоз бериш билан боғлиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация ва сиёсатни тайёрлашда ёки маслаҳат беришда иштирок этиш. Ушбу манфаатларнинг расмий декларацияси Португалияда (тайинланишдан олдинги уч йиллик маълумот учун), Испанияда (икки йиллик давр учун) тайинланган сиёсатчилар ва парламент аъзолари учун, шунингдек Испанияда маҳаллий сайланган амалдорлар учун ҳам талаб қилинади (Португалияда бу ихтиёрийдир). Германияда, Буюк Британияда, Францияда, Италияда, Латвияда, Польшада ушбу декларацияга ёндашув юқорида 7-бандда баён этилганга ўхшайди. ("Шартномани бошқариш билан боғлиқ шахсий кизиқишлар тўғрисидаги декларация").

Манфаатлар тўқнашувини, даромад ва мулк тўғрисидаги декларацияларни оммавий равишда ошкор қилиш.

Францияда, Венгрияда декларацияларда келтирилган маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилиш тўғрисидаги қоидалар йўқ; Польшада бу фақат маҳаллий сайланган амалдорлар учун мажбурийдир; Германия ва Италияда - парламент аъзолари учун. Испанияда парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган мансабдор шахслар учун манфаатлар тўғрисидаги декларациялар фақат тегишли шахснинг илтимосига биноан ошкора эълон қилинади. Португалияда тайинланган сиёсатчилар, парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган амалдорларнинг декларациялари оммага тақдим этилади; Латвияда бу барча декларацияларга қўлланилади.

Шахсий компаниялардаги чекловлар. Маҳаллий сайланган Италия амалдорлари учун мулкка нисбатан маълум чекловлар мавжуд; Польшада ушбу тоифадаги мансабдор шахсларнинг хусусий бизнес билан шуғулланиши тақиқланади.

Юқоридаги қоидаларни бузганлик учун тегишли жазо (жиноий, интизомий, маъмурий) тақдим этилади. Кўриб чиқиладиган кўплаб мамлакатларнинг қонунчилигида “номақбул бошқарув билан манфаатлар тўқнашуви” билан боғлиқ жиноятлар тавсифланади (Латвия, Польша, Германия, Буюк Британия, Франция).

Ушбу талабларни бузганлик учун интизомий жазо чораси сифатида қуйидагилар қўлланилиши мумкин:

- иш ҳақини тўлашни тўхтатиб қўйиш (Польша, Буюк Британия);
- ишдан бўшатиш (Франция, Венгрия, Латвия, Польша, Португалия ва Испания).

Маъмурий жазо чоралари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: жарималар, маънавий жазолар (масалан, парламентнинг расмий газетасида ёки давлатнинг расмий газетасида қонунбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни

эълон қилиш), парламентга ҳисобот бериш, 10 йилгача давлат лавозимини эгаллашни тақиқлаш ва ноқонуний равишда олинган мулкни қайтариш.

2. Давлат хизматчилари томонидан мол-мулк, даромадлар ҳамда катта хажмдаги харажатларни декларация қилиш коррупцияни олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Ушбу талаб бир қатор халқаро ҳужатларда (БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (2003), ИХХТнинг давлат хизматчилари активларини декларация қилиш (2011) белгиланган.

Давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишининг ўрта муддатли истикболи сифатида белгиланган (27.05.2019 й. ПФ-5729-сон Фармони). 03.10.2019 йилдаги ПФ-5843-сон Фармонида 01.06.2020 йилга қадар даромадлар ва мол-мулкни мажбурий декларациялашни босқичма-босқич жорий қилиш бўйича Президент Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланган.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба.

БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси, Давлат хизматчиларининг активларини декларациялаш: коррупцияни олдини олдини воситаси (ИХТТ кўлланмаси), Жаҳон банкининг ҳужжатларида давлат хизматчиларининг даромадларини декларация қилинишини назарда тутди.

Хизматчилар даромадларини декларация қилиш Буюк Британияда 1974 й., АҚШда 1977 й., Италия ва Испанияда 1982 й. қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кунда давлат хизматчилари даромадларини декларациялаш дунёнинг 150 дан ортиқ давлатида мавжуд.

Даромадлар декларацияси тизимининг умумий мақсади асоссиз даромад олишнинг олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишдан иборат бўлиб, давлат хизматчилари ўртасида коррупцияни олдини олишнинг воситаси ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибаси умумлаштирилганда, декларацияда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши мумкин:

Даромадлар ҳажми (иш ҳақи, гонорарлар, фоизлар, дивидентлар, мулкни сотишдан ёки ижарага беришдан келган даромадлар, суғурта пуллари, лотерия ютуғи, мерос, пулли совға ва бошқалар ҳамда уларнинг аниқ манбаи).

Мол-мулк (кўчмас мулк, ҳаркатланувчи мулк (транспорт, кема, қимматбаҳо антиквариат, санъат асари, ҳайвонлар (Хорватия), қурилиш моллари (Беларусия), қимматбаҳо қоғозлар, банкдаги омонатлар ва нақд пуллар).

совғалар, харажатлар, мажбуриялар, даромадлар манбаи, бошқа тўланадиган иш.

Даромадлар декларациясини тақдим қилмаганлик учун жавобгарлик турлари:

- жиноий (АҚШ, Грузия, Италия, Польша ва Буюк Британияда мавжуд);
- маъмурий (кенг тарқалган, одатда жарима);
- интизомий – (хайфсан, иш ҳаққини камайтириш, ишдан бўшатиш ва б. (Франция, Россия));

– фуқаровий (декларация тақдим этмаслик ёки нотўғри тақдим этиш билан боғлиқ бўлмай, одатда енгиллаштирувчи ҳолатларда, яъни жамиятда етказилган зарар мавҳум бўлганда (Латвия), ўз ватида тақдим этилмаганда (Швеция, Германия) қўлланилади).

Коррупциявий жиноятларни олдини олишда мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чораларни қўллаш кенг тарқалган.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба.

Хорижий давлатларда хизматчиларга нисбатан манфаатлар тўқнашуви юз берганда, касб одоби қоидалари бузилганда бирламчи восита сифатида уларни интизомий жавобгарликка тортиш амалиёти жорий қилинган (Буюк Британия, Германия). Интизомий чоралар сифатида асосан хайфсан, огоҳантирув, вақтинча ишдан четлатиш, ишдан бўшатиш, моддий чоралар кўриш қўлланилади. Россия Федерациясида эса ишончли йўқотганлик сабабли ишдан бўшатиш ҳамда дисквалификация қилиш чоралари ҳам қўлланилади. Қозоғистон Меҳнат кодексига эса 1801–модда “Интизомий қилмиш” нормаси мавжуд.

Россия Федерациясида “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига” 3.11. “Дисквалификация” моддаси мавжуд. Ушбу чоралар хизмат текширувини ўтказиш орқали амалга оширилади.

3. Қатор давлатларда коррупцияга қарши курашишда Касб одоби кодекслари алоҳида ўрин тутди. Уларда давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, ушбу ҳолатларни бартараф этишга масъул органлар, маълумот берувчи шахсларни ҳимоя қилиш масалалари ўз аксини топган (АҚШ, Қозоғистон, Литва, Молдова ва бошқалар).

4. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда жиноят қонунчилигига коррупциявий жиноятлар рўйхати белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Беларусда ушбу тоифадаги жиноятлар “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон қонунчилигида ноқонуний бойлик орттириш, жиноят ҳуқуқий дахлсизлик (иммунитетлардан) воз кечиш, мавқеъдан фойдаланиш учун жавобгарлик ўрнатиш масалалари муҳимлиги билан ажралиб туради.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба.

2020 й. ҳолатига дуненинг 50 ошиқ давлатларда (Франция, Германия мансабдор шахслар томонидан ноқонуний бойлик орттириш жинойи жавобгарликка тортиш учун асос бўлади).

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда мансабдор шахсларнинг жиноят ҳуқуқий дахлсизлик (иммунитетлардан) воз кечиш БМТ конвенцияси бўйича мажбурият ҳисобланади. Ривожланган хорижий давлатларда ушбу институт деярли қўлланилмайди. Фақат собиқ Совет иттифоқига қирувчи давлатларда депутат, сенатор, омбудсман, прокурор, судьялар ҳуқуқий дахлсизлик иммунитетларига эга.

5. Коррупцияга қарши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертиза қилиш коррупциявий ҳолатларни олдиндан бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба.

Хорижий давлатларда коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш турли хил кўринишда амалга оширилади. АҚШ, Испания, Португалия, Франция, Польша амалиётида экспертиза асосан парламентнинг юридик бўлимлари томонидан оширилади. Литва, Гонконг амалиётида экспертиза маҳсус коррупцияга қарши ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Канада, Россия, Қозоғистонда экспертиза Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Россияда экспертиза ўтказиш тартиби маҳсус “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда (2009) белгиланган.

Германияда қонун лойиҳалари “Transparency International – D”нинг (<http://www.transparency.org.de>) сайтида жойлаштирилади ва экспертиза жамоатчилик томонидан ўтказилиши мумкин.

6. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ҳимоя қилиш турлари кўрсатилган.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 28-моддасида белгиланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 33-моддаси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 29-тавсияси асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба.

Хорижий тажрибага асосан, хусусан 2019 йил 17 ноябрда қабул қилинган Украина давлати “Коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритиш орқали коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа 10 дан ортиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизмлари яратилди. Аноним мурожаатлар қабул қилинишига рухсат берилди ва аризага мукофот пуллари белгиланди ҳамда ҳеч қандай жавобгарликка тортилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Ассосиз маълумот берилгандагина фуқаролик тартибида раддия берилиши мумкинлиги белгиланди. Қозоғистон

Республикаси “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот давлат сирига тенглаштирилган ва уни ошкор этганлик учун жавобгарлик белгиланган ҳамда ушбу шахсларга рағбатлантириш чоралари берилиши назарда тутилиб, унинг миқдорлари Ҳукумат қарори билан белгиланган.

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар тўғрисида хабар берган фуқаролар, шу жумладан, давлат фуқаролик хизматчиларини ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, шу жумладан:

- коррупция тўғрисида хабар бераётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- мурожаатларни тезкор телефон қўнғироқлари, онлайн, ёзма, оғзаки ва бошқа усулларда, шу жумладан аноним равишда юбориш каналлари яратиш;
- хабар берган шахсларни суд ҳукми кучга киргандан сўнг рағбатлантириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида мурожаат қилган шахсни унинг мурожаати ёлғон хабар бериш, тухмат ва ҳақорат қилганлик учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликни истисно қилган ҳолда фақат фуқаролик тартибида раддия бериш амалиётини жорий этиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни берган шахс тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликни маҳсус қонун даражасида белгилаш зарур.

7. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда бевосита раҳбарларнинг бўйсунувдаги шахслар томонидан коррупциявий жиноят содир этилганлиги учун жавобгарликка тортиш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Бу борадаги умумий қоидалар миллий қонунчиликда назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарорида раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига қўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги белгиланган.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши зарурлиги белгиланган. Раҳбарлар манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши, коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши, ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб

топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб бериши белгиланган.

Идоравий касб одоби кодексларда ҳам бевосита раҳбарларнинг ходимлар томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олиш борасида вазифалари белгиланган. Аммо қонунчиликда бу борада махсус норма мавжуд эмас.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба.

Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олиш мақсадида айрим давлатларда бевосита раҳбарларнинг бўйсунувдаги шахслар томонидан коррупциявий жиноят содир этилганлиги учун жавобгарликка тортиш тартиби ҳам мавжуд. Масалан 2019 йил 28 ноябрда Қозоғистон Президенти томонидан “Давлат хизмати ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунларга ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Қонунда идора ходимга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиққса унинг раҳбари 10 кун муддат ичида истеъфога чиқиши лозим.

Коррупцияга қарши институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар

Коррупцияга қарши институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

давлат миқёсида коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлигини баҳолаш, уни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида **“Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини” қабул қилиш;**

Республикада коррупцияга қарши институционал тизимини мустаҳкамлаш мақсадида **“Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;**

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, профессионаллик, меритократия, халққа хизмат қилиш, адолат, очиқлик ва шаффофлик каби тамойиллар асосида профессионал давлат фуқаролик хизмати тизимини шакллантириш ва соҳага оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи **“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;**

давлат хизматида коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш, хизматчиларда қонун устуворлиги, ҳалоллик, адолат, тенглик қоидаларини мустаҳкамлаш тизимини жорий этиш мақсадида **“Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодексини” қабул қилиш;**

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлашга қаратилган **“Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;**

қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лавозимни эгаллаб турган шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятларни олдини олиш мақсадида **«Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш;**

норма ижодкорлиги жараенида коррупциявий ҳолатларни, протекционизм, клиентелизм, лоббизмни олдини олиш мақсадида **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш;**

давлат бошқарувида ноқонуний лоббистик фаолиятини чеклаш тегишли ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида **“Лоббистик фаолият тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;**

идоралар фаолиятининг молиявий натижаларини очиб берадиган, ички ҳамда ташқи аудит соҳасини белгилаш йўли орқали амалга оширилаётган назоратнинг самараси ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ички назорат ва ички аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатини белгилайдиган, давлат бошқаруви тизими ривожланиши, прогнозлаш ва стратегик режалаштиришга оид хуфийёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши чораларни ошқор этишни таъминлайдиган механизмларни жорий этишни назарда тутадиган **“Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги, “Давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш;**

Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига давлат хизматига қабул қилиш ва унда фаолият олиб боришда қариндош-уруғчилик ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган нормаларни киритиш.

коррупциянинг олдини олиш ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларини бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар аниқланганда, шартнома, буйруқ ва бошқа ҳужжат амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома киритиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво киритиш ваколатини беришни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжати лойиҳасини қабул қилиш киритиш.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини мустаҳкамлаш тегишли ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим:

Коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги **давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгилаш;**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизимларини (коррупцияга қарши ҳалоллик ёки комплаенс-назорат тизими)ни босқичма-босқич жорий этиш**, мазкур бўлинмаларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий актни қабул қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида **коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш;**

илғор хорижий тажриба асосида **давлат молиявий назорат институтларини мақбуллаштириб, уларнинг самарали моделини жорий этиш ва ушбу соҳада парламент назоратини кенгайтириш;**

давлат органларида ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий баҳолаш бўйича ягона

ёндашувни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **давлат органларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий актни қабул қилиш;**

«Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри» юритилишини таъминлаш;

давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкани мажбурий декларация қилиш тизими **жорий этиш;**

давлат харидларида **аффилланганлик, шу жумладан харидлар иштирокчиларининг охириги бенефициар эгаларига тааллуқли манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш мақсадида масофавий мониторинг ўтказиш тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш;**

коррупцияга қарши курашиш соҳасида **илмий тадқиқотлар, ижтимоий сўровлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш** мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузурида олимлар, илмий-академик доира вакилларидан иборат Экспертлар гуруҳининг фаолиятини ташкил қилиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш;

хизматчи фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлигини била туриб ошкор қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора кўрмаганлик ўрнатилган тартибда жавобгарликга тортилишини таъминлаш;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан жиноят ишларини кўзгатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилиш асосида битта ҳудудни танлаб олган ҳолда **“Коррупциясиз ҳудуд”** (янги ташкил этилган Тошкент шаҳри

Янгиҳаёт тумани ёки Наманган шаҳри Давлатобод тумани мисолида) лойиҳасини амалга ошириш ва бу тажрибани бошқа ҳудудларга жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотларидаги меҳнат муносабатларига оид локал ҳужжатларни ва иш берувчиларнинг меҳнат муносабатлари масалаларига доир буйруқ ва меҳнат шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиш ҳамда хорижий давлат тажрибасини ўрганган ҳолда ходимларни ишга қабул қилишга оид ҳужжатларга коррупцияга қарши курашишга доир қоидаларни киритиш;

коррупцияга қарши курашишнинг усулларида бири ҳисобланган **давлат фуқаролик хизматчиларини мажбурий даврий ички ва ташқи ротация қилиш механизмини жорий қилиш**;

давлат идоралари ходимларининг коррупцион жиноятларини содир этганлиги учун судланиб, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан учраштириб, улар томонидан содир этилган жиноятларни тафсилотлари ва оқибатлари бўйича суҳбатлар ўтказиб, ОАВ ларида ёритиш орқали бу каби жиноятларни олдини олиш;

Давлат органлари матбуот хизматлари томонидан аҳоли ва давлат хизматчилари ўртасида коррупцияга қарши курашиш асослари ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий асослар билан таништириш ишларини олиб бориш, коррупциянинг жамият ва давлат учун ижтимоий хавfli хусусиятлари ва оқибатларини кенг тарғиб қилиш, давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш бўйича комплекс чора тадбирларни амалга ошириш.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги халқаро стандартларни имплементация қилиш борасида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг **Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг** амалга оширилишини доимий равишда таъминлаш;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг **коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш** ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси талабларидан келиб чиқиб коррупцияга қарши курашиш жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, ноқонуний бойлик ортириш учун, мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, учинчи шахслар манфаатида пора олиш, юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни жорий этиш;

Ўзбекистон халқаро мажбуриятларидан келиб чиқиб Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;

коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узок муддатли озодликдан махрум қилиш жазо чорасигача кучайтириш;

даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш;

коррупцияга оид жиноят содир этган шахсларга нисбатан жинойий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормаларни қўллашга чеклов белгилаш;

устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш, **коррупцияга қарши курашиш «комплаенс назорат» (compliance control) тизимини жорий** этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш, коррупцияга қарши курашишнинг тегишли коррупцияга қарши стандартларга (Хавфларни бошқариш -ISO 31000:2009 стандарти, Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар - ISO 37001:2016 стандарти, маълумот берувчи шахсларни ҳимоясини бошқариш тизимлари бўйича кўрсатмалар ISO 37002:2020 стандарти, мувофиқликни бошқариш тизимларини самарали бошқариш бўйича кўрсатмалар ISO 37301:2021 стандарти) мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш борасида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим:

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишлари бўйича доимий ва тизимли равишда малакасини ошириш;

давлат фуқаролик хизматчиларини ишга қабул қилинганидан сўнг ҳамда муайян вақт ўтганидан сўнг, **касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида малака ошириш мажбуриятини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;**

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юримдик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юримдик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Andy McDevitt, Transparency International, Corruption Risk Assessment: Topic Guide. GATEway project, 2011. https://knowledgehub.transparency.org/assets/uploads/kproducts/Corruption_Risk_Assessment_Topic_Guide.pdf
2. Australian Commission for Law Enforcement Integrity, Identifying corruption risk, <https://www.aclei.gov.au/corruption-prevention/corruption-prevention-toolkit/identifying-corruption-risk>
3. Michael Johnston, Assessing Vulnerabilities to Corruption: Indicators and Benchmarks of Government Performance. Public Integrity, Spring 2010, vol. 12, no. 2, pp. 125–142, https://www.researchgate.net/profile/Michael_Johnston26/publication/239760712_Assessing_the_Progress_of_Anti-Corruption_Efforts_Actionable_Indicators_of_Reform/links/5730c81908aed286ca0dbf0f.pdf
4. Australian Commission for Law Enforcement Integrity, Top 5 Corruption Prevention Myths, https://www.aclei.gov.au/sites/default/files/acleis_5_corruption_prevention_myths.pdf?acsf_files_redirect
5. J. Edgardo Campos, S. Pradhan (ed), The Many Faces of Corruption. Tracking Vulnerabilities at Sector Level. The World Bank, 2007. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/6848/399850REPLACEM1010FFICIAL0USE0Only1.pdf?sequence=1>
6. Shannon Grayer, Wells Fargo (2018), Conflicts of Interest Risk: Challenges, impact, and effective management strategies, https://assets.corporatecompliance.org/Portals/1/PDF/Resources/past_handouts/CEI/2018/701_grayer_2.pdf
7. Independent broad-based anti-corruption commission of Victoria, Corruption risks associated with public boards, https://www.ibac.vic.gov.au/docs/default-source/education-resources/corruption-risks-associated-with-public-sector-boards.pdf?sfvrsn=351fb59d_0
8. UK Department for International Trade, Bribery and corruption: understand the risks, <https://www.great.gov.uk/advice/manage-risk-bribery-corruption-and-abuse-human-rights/bribery-and-corruption-understand-risks/>
9. Richard Messick, Corruption Risk Assessment: Am I Missing Something. Global Anticorruption Blog, 2018, <https://globalanticorruptionblog.com/2018/01/03/corruption-risk-assessments-am-i-missing-something/>
10. Elizabeth Hart, Guide to using corruption measurements and analysis tools for development programming. U4 Anti-Corruption Resource Centre, Chr. Michelsen Institute (U4 Guide 2019:1), pp 1-15 -> <https://www.u4.no/publications/guide-to-using-corruption-measurements-and-analysis-tools-for-development-programming.pdf>

11. Graycar A., Prenzler T. (2013) Measuring Corruption. In: Understanding and Preventing Corruption. Crime Prevention and Security Management. Palgrave Pivot, London, https://link.springer.com/chapter/10.1057/9781137335098_3
12. F.Heinrich, R.Hodess, Measuring corruption, <https://static1.squarespace.com/static/5728c7b18259b5e0087689a6/t/57ab3442d1758e9b66637c8a/1470837830384/Heinrich+Hodess+Measuring+Corruption.pdf>
13. Mungiu-Pippidi, Alina and Ramin Dadasov 2016 Measuring Control of Corruption by a New Index of Public Integrity, European Journal of Criminal Policy Research (2016) 22: 415-438. <https://www.againstcorruption.eu/wp-content/uploads/2016/04/WP-48-IPI.pdf>
14. L.Escresa, L.Picci, A new Cross-National Measure of Corruption, Policy Research Working Paper 7371. World Bank Group, 2015. <http://documents.worldbank.org/curated/en/376871467997255351/pdf/WPS7371.pdf>
15. Alina Mungiu-Pippidi, Diagnosis and Measurement in The Quest for Good Governance: How Societies Develop Control of Corruption. Cambridge University Press, 2015, pp 27-56. <https://www.cambridge.org/core/books/quest-for-good-governance/diagnosis-and-measurement/1D3610CE04141C4C0833849DAC727A7E>
16. P.Heywood, J.Rose, “Close but no Cigar”: the measurement of corruption. Journal of Public Policy, 34:3, 2014, pp 507-529, <https://www.cambridge.org/core/journals/journal-of-public-policy/article/close-but-no-cigar-the-measurement-of-corruption/0A14B9F2B29ED9E7D328CD8CD5285555>
17. European Research Centre for Anti-Corruption and State-Building, Corruption Indicators, the Next Generation, <https://www.againstcorruption.eu/articles/corruption-indicators-the-next-generation/>

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КОНВЕНЦИЯСИ

БИРЛАШГАН
МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
ГИЁХВАНД МОДДАЛАР ВА ЖИНОЯТЧИЛИК БЎЙИЧА
БОШҚАРМАСИ
Вена

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КОНВЕНЦИЯСИ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
Нью-Йорк, 2004 йил

Муқаддима

Коррупция – бу жамиятга жуда катта путур етказадиган даҳшатли вабодир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларини емиради, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, иқтисодийнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини салбийлаштиради ва инсон хавфсизлигини таҳдид остига солувчи уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа салбий ҳодисаларнинг илдиз отиб, оммалашиб кетишига шароит яратиб беради.

Ушбу ҳалокатли ҳодиса, катта ва кичик, бадавлат ёки ночор бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди, лекин у айниқса ривожланаётган давлатларга ўзининг энг фалокатли таъсирини кўрсатади. Коррупция айнан ночор бўлганларга ўлчаб бўлмас даражада катта путур етказди, чунки ривожланиш учун мўлжалланган маблағларни ўзига тортади, ҳукуматларни аҳолига асосий хизматларни кўрсатиш имконидан маҳрум қилади, тенгсизлик ва адолатсизликнинг илдиз отишига саба бўлади ҳамда хорижий инвестициялар ва ёрдамнинг кириб келишига тўсқинлик қилади. Коррупция суст иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, иқтисодий ночорлик кўламини камайтириш ва ривожланишни таъминлаш йўлида энг катта тўғоноқ ҳисобланади.

Шу боис мен, энди бизда ушбу офат билан жaxon миқёсида кураш олиб боришга имкон яратувчи янги бир ҳужжат қабул қилинганлигидан ғоятда хурсандман. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясининг қабул қилиниши коррупциянинг олдини олиш ва илдизини қуритиш йўлида халқаро ҳамжамиятнинг қатъийлигини яққол намоён этади. Мазкур Конвенция, коррупцияга қўл урган шахсларга, улар жамият ишончини оқламасликни давом эттиришлари ҳолда, энди жамият бунга чидаб турмаслиги ҳақида қатъий огоҳлантириш сифатида хизмат қилади. Конвенция ривожланишга кўмаклашиш ҳамда барча инсонларнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида дунё ҳамжамиятининг баркамоллик сари олиб бораётган ишларида тўғрилиқ, ҳуқуқ устуворлигини эъзозлаш, ошқоралиқ ва шаффофлик каби қадриятларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқловчи омил сифатида хизмат қилади.

Янги Конвенция ажойиб бир муваффақият саналиб, ва бир ой илгари кучга кирган – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини мазмун жихатидан тўлдирувчи яна бир ўта муҳим ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Мазкур Конвенция мувозанатли, таъсирли ва амалий жихатдан пухта бир ҳужжат бўлиб, у самарали саъй-ҳаракатлар ва халқаро ҳамкорлик учун янги пойдевор яратмоқда.

Мазкур Конвенция, барча мамлакатлар томонидан ўзларининг коррупцияга қарши кураш олиб бориш борасида ҳуқуқий ва меъёрий тизимларини мустаҳкамлаш мақсадида қўлланилиши мумкин бўлган қатор стандартлар, чора-тадбирлар ва меъёрларни ўз ичига олган. Ҳужжат, фақатгина давлат секторида эмас, балки хусусий секторда ҳам коррупциянинг энг кенг тарқалган шакллариининг жинойий жавобгарликни талаб қилувчи ҳаракатлар тоифасига киритилиши учун тегишли профилактик ва қонуний чоралар кўришга қаратилган даъватни ҳам ўз ичига қамраб олган. Бундан ташқари, БТМга аъзо давлатлардан, коррупция ёрдамида қўлга киритилган маблағлар қайси мамлакатдан ўғирланган бўлса, ўша мамлакатга қайтарилишини талаб қилувчи янги бир принципиал қоида ҳам мазкур Конвенцияда ўз аксини топган.

Илк бор қўлланилаётганлиги жихати билан ажралиб турганмазкур қоидалар янги фундаментал тамойилни эълон қилмоқда ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва уни фoш қилиш, шунингдек, ушбу йўл билан қўлга киритилган маблағларни қайтариш мақсадида давлатлараро ҳамкорликни янада жадаллаштириш учун замин яратмоқда. Келгусида коррупцияга қўл урган мансабдор шахсларда ноқонуний даромадларни яшириш учун имкон камаяди. Бу масала, айниқса, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар учун жуда долзарб, чунки уларнинг юқори лавозимли мансабдор шахслари давлат бойликларини талон-тарож қиладилар, янгидан ташкил қилинган ҳукуматлар эса мамлакатни қайта тиклаш ва қуриш учун маблағларга жуда ҳам муҳтож бўладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун мазкур Конвенция, кўп йил илгари, ҳали “коррупция” сўзининг ўзи расмий доираларда жуда ҳам нодир тилга олинган даврларда бошлатилган ишларнинг юксак натижаси ҳисобланади. Коррупцияга қарши кураш масаласи умумжаҳон кун тартибига киритилиши учун аввало мутахассислар даражасида, кейин эса сиёсий даражада ҳам тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши талаб қилинди. Ривожланишни молиялаштириш мавзусида Монтеррей шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конвенция, шунингдек, Барқарор ривожланиш мавзусида Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги умумжаҳон учрашуви ҳам ҳукуматларга коррупцияга қарши кураш олиб боришга шай эканликларини ифодалаш ва коррупциянинг ривожланиш истикболларига кўрсатаётган фалокатли таъсирини аҳолининг янада кенгрок қатламларини ҳабардор қилиш учун имкон яратди.

Шу билан бирга, Конвенция олиб борилган узоқ муддатли ва оғир музокаралар маҳсулидир. Бунда турли мамлакатларни ҳавотирга солаётган кўпгина мураккаб масалалар ва муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди. Икки йилдан қисқароқ вақт ичида барча ташвиш ва ҳавотирларни ҳисобга олувчи бундай кенг қамровли ҳужжатни яратиш – бу ўта мушкул вазифадир. Бу жараён барча мамлакатлардан оқилона ҳаракат қилиш ва мурасага келишни талаб қилди.

Коррупцияга қарши Конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича Махсус кўмита бюроси аъзоларини муборакбод этишга ижозат бергайсиз, негаки улар ўта мураккаб ишнинг уддасидан чиқиб, раҳнамоликни яққол намоён қилдилар. Шунинг билан бир қаторда, мен марҳум Кўмита Раиси Колумбия элчиси Эктор Чарри Самперга оқилона раҳбарлиги ва ишга бўлган садоқати учун алоҳида чуқур миннатдорлигини изхор этмоқчиман. Шунга аминманки, бугун биз бу улкан муваффақиятни нишонлаётган бир кунимизда бу инсоннинг орамизда йўқлиги учун бўлган қайғуга барчангиз ҳамдард эканлигингизга аминман.

Янги Конвенциянинг қабул қилиниши жуда юксак натижага эришилганлигидан далолат беради, бироқ бу, аслида, мураккаб жараённинг бошланиши эканлигини аниқ англашимиз лозим. Конвенция имкон қадар тезроқ кучга киришини таъминлаш учун биз эришилган натижаларни янада ривожлантиришимиз керак. Мен, БМТга аъзо барча давлатларни декабр ойида Мексиканинг Мерида шаҳрида бўлиб ўтиши кўзда тутилган Конвенцияни имзолаш бўйича конференцияда иштирок этиш ва мазкур Конвенцияни энг қисқа муддатларда ратификация қилишга қатъий даъват қиламан.

Мазкур Конвенция тўлақонли амалга ошириладиган бўлса, у бутун дунёдаги миллионлаб инсонларнинг турмуш сифатини сезиларли даражада яхшилашга қодир. Конвенция, ривожланиш йўлидаги асосий тўсиқлардан бирини бартараф этиб, Минг йиллик Декларациясида эълон қилинган ривожланиш мақсадларига эришишда бизга ёрдам беради. Ишончингиз комил бўлсинки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Котибияти, шу жумладан БМТнинг Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, ер юзидаги ана шу иллатни бутунлай йўқ қилиб ташлаш йўлидаги давлатларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларини ишга солади. Бу мураккаб вазифа, лекин, биргаликда ҳаракат қилсак, улкан зафарларга эришамиз, деб ўйлайман.

Кофи А. Аннан
БМТ Бош котиби

Мундарижа

БМТ Бош Ассамблеясининг 2003-йил 31-октябрдаги 58/4-сонли резолюцияси.....1 (6)

Илова. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси.....5 (11)

I. Умумий қоидалар.....	7 (13)
II. Коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.....	9 (15)
III. Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти.....	18 (24)
IV. Халқаро ҳамкорлик.....	33 (37)
V. Активларни қайтариш бўйича чоралар.....	46 (49)
VI. Техник ёрдам ва ахборот алмашинуви.....	54 (56)
VII. Амалга ошириш механизмлари.....	57 (60)
VIII. Яқуний қоидалар.....	59 (62)

БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли резолюцияси

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси

Бош Ассамблея,

Ўзининг, коррупцияга қарши курашда самара берадиган халқаро ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича махсус қўмитани таъсис қилган ва бундай ҳужжатни ишлаб чиқиш учун мандат лойиҳасини кўриб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида очик таркибдаги ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи чақирилишини Бош котибдан сўраган 2000 йил 4 декабрдаги 55/61-сонли резолюциясига, шунингдек, мазкур резолюцияга мувофиқ чақирилган очик таркибдаги халқаро экспертлар гуруҳига, ноқонуний равишда маблағлар ўтказилиши ва бундай маблағлар, улар ҳосил бўлган мамлакатга репатриация қилиниши масаласини ўрганиб чиқиш таклифини ўз ичига олган 2000 йил 20 декабрдаги 55/188-сонли резолюциясига *асосланиб,*

шунингдек, коррупциянинг ва ноқонуний йўллар билан орттирилган маблағлар ўтказилишининг олдини олиш, ушбу иллатга қарши кураш олиб бориш ва бундай маблағларни, улар ҳосил бўлган мамлакатларга қайтаришни кўзда тутган 2001 йил 21 декабрдаги 56/186-сонли ҳамда 2002 йил 20 декабрдаги 57/244-сонли резолюцияларига *таяниб,*

шунингдек, Коррупцияга қарши конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича махсус қўмитадан, унинг ўз ишيني 2003 йилнинг охиригача яқунлаши сўралган 2002 йил 31 январдаги 56/260-сонли резолюциясига *асосланиб*,

ўзининг, Конвенцияни имзолаш бўйича юқори даражадаги сиёсий конференциянинг Мексикада ўтказилишига доир мазкур мамлакат ҳукуматининг таклифини миннатдорчилик билан қабул қилинганлиги, шунингдек Бош котибдан бундай уч кунлик конференция 2003 йилнинг охирига қадар ўтказилишини режалаштиришни сўралганлиги акс эттирилган 2002 йил 18 декабрдаги 57/169-сонли резолюциясига *асосланиб*,

шунингдек, “Келиб чиқиши ноқонуний бўлиб, коррупция йўли билан орттирилган маблағларни ўтказиш, шу жумладан уларни легаллаштиришнинг олдини олиш, коррупцияга қарши кураш олиб бориш ҳамда бундай маблағларни қайтариш мақсадида халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш” деб номланган Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 2001 йил 24 июлдаги 2001/13-сонли резолюциясига *таяниб*,

Коррупцияга қарши конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича махсус қўмитанинг ташкилий масалалар юзасидан норасмий учрашувини 2001 йил 4-7 декабрь кунлари Буэнос-Айресда ўтказиш қабул қилган Аргентина ҳукуматига ўз *миннатдорчилигини билдириб*,

2002 йил 18-22 март кунлари Мексиканинг Монтеррей шаҳрида бўлиб ўтган, Ривожланишни молиялаштириш бўйича халқаро конференцияда⁸⁶ қабул қилинган ва коррупцияга қарши барча даражаларда кураш олиб боришни устувор вазифалар қаторига киритган Монтеррей консенсусига *таяниб*,

шунингдек, Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида 2002 йил 26 август - 4 сентябр кунлари бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш мавзусидаги юқори даражадаги умумжаҳон учрашувида⁸⁷ қабул қилинган Барқарор ривожланиш бўйича Йоханнесбург декларациясига, хусусан, унинг коррупция миллатларнинг барқарор ривожланишига таҳдид солаётганлигини таъкидлаб ўтган 19-бандига *таяниб*,

коррупция оқибатида жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги учун ўртага чиқаётган муаммо ва таҳдидларнинг жиддийлиги, бу эса ўз навбатида, демократик институтлар ва кадриятлар, ахлоқий кадриятлар ва адолатга путур етказаётганлиги ва барқарор ривожланиш ва ҳуқуқ-тартиботга кўрсатаётган зарарли таъсири боис *ташвишга тушиб*,

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Венадаги қароргоҳида ўз ишيني олиб борган Коррупцияга қарши конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича махсус қўмитанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенция лойиҳасининг якуний матнини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун Бош Ассамблеяга тақдим этган ва ҳисоботини⁸⁸ *маълумот учун қабул қилади* ва Махсус қўмитанинг ишيني юқори баҳолайди;

2. Мазкур резолюцияга илова қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясини *қабул қилади* ва Конвенцияни имзолаш мақсадида, 57/169-сонли резолюцияга мувофиқ 2003 йил 9-11 декабрь кунлари Мексиканинг Мериде шаҳрида ўтказиладиган Конвенцияни имзолаш бўйича юқори даражадаги сиёсий конференцияда имзолашга Конвенцияни очиқ деб эълон қилади;

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясини тезроқ кучга киришини таъминлаш мақсадида барча давлатларни ва иқтисодий интеграция бўйича

⁸⁶ *Ривожланишни молиялаштириш мавзусидаги халқаро конференция ҳисоботи, Монтеррей шаҳри, Мексика, 2002 йил 18-22 март* (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нашри, сотувда R.02.II.A.7-сонли остида), I боб, I резолюция, илова.

⁸⁷ *Барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги умумжаҳон учрашуви ҳисоботи, Йоханнесбург, Жанубий Африка, 2002 йил 26 август - 4 сентябр* (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нашри, сотувда R.03.II.A.1-сонли остида), I боб, I резолюция, илова.

⁸⁸ A/58/422 ва Add.1.

ваколатли минтақавий ташкилотларни уни имзолаш ва ратификация қилишга *қатъий даъват қилади*;

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига мувофиқ таъсис этилаётган Конвенцияга аъзо давлатлар конференцияси томонидан бирор бошқа қарор қабул қилинишига қадар, Конвенциянинг 62-бандида кўзда тутилган ҳисоб рақами Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов фонди доирасида юритилишини *қарор қилади*, ҳамда аъзо давлатларга мурожаат этиб, ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларга Конвенцияни ратификация қилиш ва амалга оширишга тайёрлашда керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдам кўрсатиш мақсадида, юқорида айтиб ўтилган ҳисоб рақамига етарли даражада ихтиёрий бадаллар ўтказишни бошлашга чорлайди;

5. *Шунингдек*, Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясининг биринчи сессиясида кўриб чиқиш учун унга тақдим этиладиган Конвенцияга аъзо давлатлар конференциясининг таомиллари қоидалари ва Конвенциянинг 63 бандида кўрсатилган бошқа қоидалар матнларининг лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида, Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясининг биринчи сессиясини чақиришдан олдин кенгаш ўтказиш йўли билан, Коррупцияга қарши конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича махсус қўмита ўзининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган вазифаларини яқунлаши тўғрисида *қарор қилади*;

6. Имтиёзлар ва **иммунитетлар** масалалари, шунингдек халқаро ташкилотлар **юрисдикцияси** ва роли каби масалаларни инобатга олган ҳолда, Конвенцияга аъзо давлатлар конференциясидан халқаро давлат ташкилотлари, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мансабдор шахсларига пора беришни жиноий жавобгарлик талаб этувчи ҳолат деб баҳоланиш масаласини, бошқа чоралар қаторида, бу борада тегишли резолюция қабул қилинишига доир тавсия бериш йўли билан, кўриб чиқишни *сўрайди*;

7. Коррупция муаммосини ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб боришда Конвенциянинг ролини чуқурроқ англаб етилишини таъминлаш мақсадида, 9 декабр Халқаро коррупцияга қарши кураш кунини деб қабул қилиниши лозим деб *қарор қилади*;

8. Бош котибдан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасига Конвенцияга аъзо давлатлар конференциясининг котибияти вазифасини бажариш ва унинг топшириқларини ижро этишга доир топширик беришни *сўрайди*;

9. *Шунингдек*, Бош котибдан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасига зарурий ресурслар тақдим қилишни, ва бунинг билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси тезроқ кучга киришига самарали тарзда кўмакдош бўла олишини ҳамда Конвенцияга аъзо давлатлар конференциясининг котибияти вазифасини ижро этишини ва 5 бандга мувофиқ, Махсус қўмитанинг ишини қўллаб-қувватлай олишини таъминлашни *сўрайди*;

10. *Бундан ташқари*, Бош котибдан, БМТ Бош Ассамблеясига унинг 59-сессиясида тақдим қилиш учун, 57/169 резолюциясига мувофиқ Мексиканинг Мериде шаҳрида Конвенцияни имзолаш мақсадида ўтказиладиган юқори даражадаги сиёсий конференциянинг фаолияти ҳақида кенг қамровли ҳисобот тайёрлашни *сўрайди*.

Илова

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси

Преамбула

Мазкур Конвенцияга аъзо давлатлар,

коррупция оқибатида жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги учун ўртага чиқаётган муаммо ва таҳдидларнинг жиддийлиги, бу эса ўз навбатида, демократик институтлар ва кадриятлар, ахлоқий кадриятлар ва адолатга путур етказаётганлиги ва барқарор ривожланиш ва ҳуқуқ-тартиботга зарарли таъсир кўрсатаётганлиги боис *ташвишга тушиб*

шунингдек, коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа шакллари, хусусан, уюшган ва иқтисодий жиноятчилик ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги, шу жумладан ноқонуний пул маблағларини легаллаштирилишидан *хавотирга тушиб*,

давлатлар ресурсларининг катта улушини ташкил этиши тахмин қилинган катта ҳажмдаги активлар билан боғлиқ бўлган ва ушбу давлатларнинг сиёсий барқарорлиги ва изчил ривожланишини таҳдид остида солаётган коррупция ҳолатларидан *хавотирга тушиб*,

ҳозирги кунда коррупция маҳаллий бир муаммодан барча мамлакатлар жамияти ва иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатаётган ва шу сабабли коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишининг омили бўлган трансмилий муаммога айланганлигига *ишонч ҳосил қилиб*,

шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали кураш олиб бориш учун кенг қамровли ва барча соҳалар бирлашган ҳолда ёндашиш зарур эканлигига қатъий амин бўлиб,

ҳамда самарали тарзда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш соҳасида давлатлар салоҳиятни кучайтириш ва институтларини ривожлантириш йўли билан давлатларнинг имкониятларини кенгайтиришда техник ёрдам кўрсатилиши муҳим рол ўйнаши мумкинлигига *ишонч билдириб*,

ноқонуний йўл билан шахсий мол-мулк орттириш демократик институтлар, миллий иқтисодиёт ва ҳуқуқ-тартиботга жиддий путур етказиши мумкинлигини *қатъий тан олиб*,

ноқонуний йўл билан орттирилган **активлар** халқаро жўнатмаларининг янада самарали олдини олиш, уларни фош қилиш ва чек қўйиш, ҳамда активларни қайтаришга йўналтирилган чораларни кўришда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга *қатъият билдириб*,

мулкий ҳуқуқларни аниқлаш мақсадида жиноий, фуқаролик ёки маъмурий қонунчиликни ижро этиш жараёнида тегишли тарзда қонун ижросини таъминлаш борасидаги асосий тамойилларни *эътироф этиб*,

коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш – бу барча давлатларнинг вазифаси эканлигини ва бу соҳадаги ўз саъй-ҳаракатлари самарадорлигини таъминлаш учун улар фуқаролик жамияти, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган ташкилотлар каби давлат секторига кирмаган жисмоний шахслар ва гуруҳлар кўмаги ва иштирокида ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозимлигини *ҳисобга олиб*,

давлат фаолияти ва давлат мол-мулкни тегишли тарзда бошқариш, шунингдек адолат, масъулият ва қонун олдида тенг жавобгарлилик, ҳалоллик ва ахлоқий мустаҳкамлик, шунингдек, коррупцияни рад этадиган маданиятни шакллантиришга кўмаклашиш *тамойилларини ҳам инобатга олиб*,

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов комиссиясининг ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш соҳасидаги ишига *юқори баҳо бериб*,

ушбу соҳада иш олиб бораётган бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан Африка Иттифоқи, Европа Иттифоқи, Араб Давлатлари Лигаси, Америка Давлатлари Ташкилоти, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти ҳамда Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши (Жаҳон Божхона Ташкилоти деб ҳам юритилади) томонидан олиб борилаётган ишларни *далил сифатида келтириб*,

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича кўп томонлама ҳужжатларни, ва хусусан, Америка Давлатлари Ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича америкалараро конвенцияси⁸⁹, Европа **Иттифоқи** Кенгаши томонидан 1997 йил 26 майда қабул қилинган Европа Ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахлдор бўлган коррупцияга қарши кураш бўйича конвенцияси⁹⁰, **Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти** томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши кураш бўйича конвенцияси⁹¹, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси⁹², Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябрда қабул қилинган Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси⁹³ ва Африка Иттифоқига аъзо давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан 2003 йил 12 июлда қабул қилинган Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича Африка Иттифоқи Конвенциясини *миннатдорчилик билан инобатга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси⁹⁴ 2003 йил 29 сентябрдан бошлаб кучга кирганлигини *маъқуллаган ҳолда*,

қуйидагилар юзасидан келишиб олдилар:

I боб

Умумий қоидалар

1- модда. Мақсадлар

Мазкур Конвенциянинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- a) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг самара ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш ва кучайтиришга ҳисса қўшиш;*
- b) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш, шу жумладан активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, энгиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш;*
- c) ҳалоллик ва ахлоқий мустаҳкамлик, масъулиятлилиқ ҳамда давлат фаолияти ва давлат мол-мулкани талаб даражасида бошқаришни рағбатлантириш.*

⁸⁹ E/1996/99 ҳужжатини кўринг.

⁹⁰ *Official Journal of the European Communities*, C 195, 25 June 1997.

⁹¹ *Corruption and Integrity Improvement Initiatives in Developing Countries* (United Nations publication, Sales No. E.98.III.B.18) ни кўринг.

⁹² Council of Europe, *European Treaty Series*, No. 173.

⁹³ *Ibid.*, No. 174.

⁹⁴ БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25 резолюцияси, 1-иловани кўринг.

2-модда. Атамалар

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун:

a) “**давлат идорасининг мансабдор шахси**” тушунчаси қуйидагиларни англатади: i) шахсининг мансаб даражасидан қатъи назар, доимий ёки муваққат шаклда, иш ҳақи эвазига ёки иш ҳақини олмасдан иштирокчи давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирор лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинладиган ёки сайладиган шахс; ii) давлат муассасаси ёки давлат корхонаси учун бирор бир давлат вазифасини бажараётган ёки иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигида белгиланган тартибда ва ушбу иштирокчи давлатнинг ҳуқуқ- тартибот жабҳасининг тегишли соҳасида қўлланиладиган тартибда давлат идорасининг ҳар қандай мансабдор шахси сифатида хизмат қилаётган ҳар қандай бошқа шахс; iii) иштирокчи давлатнинг **ички** қонунчилигида “давлат идорасининг мансабдор шахси” сифатида белгиланадиган ҳар қандай бошқа шахс. Бироқ, мазкур Конвенциянинг II бобида кўзда тутилган айрим муайян чораларни кўриш мақсадида, иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигида белгиланган тартибда ва ушбу иштирокчи давлатнинг ҳуқуқ-тартибот жабҳасининг тегишли соҳасида қўлланиладиган тартибда давлат идорасининг мансабдор шахси сифатида бирор бир вазифани бажараётган ёки бундай мансабдор шахс сифатида хизмат қилаётган ҳар қандай шахс “давлат идорасининг мансабдор шахси” бўлиши мумкин;

b) “**хорижий давлат идорасининг** мансабдор шахси” тушунчаси хорижий давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирор бир лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинладиган ёки сайладиган, шунингдек, хорижий давлат учун, шу жумладан давлат муассасаси ёки корхонаси учун бирор бир давлат идорасининг мансабдор шахсивазифасини бажарувчи шахсни англатади;

c) “**халқаро давлат ташкилотининг мансабдор шахси**” тушунчаси халқаро фуқаро хизматчиси ёки бундай ташкилот томонидан унинг номидан иш юритиш ваколати берилган ҳар қандай шахсни англатади;

d) “мол-мулк” тушунчаси ҳар қандай моддий ёки номоддий, кўчмас ва кўчар активлар, буюм ёки ҳуқуқ шаклида ифодаланган активлар, шунингдек, бундай активларга мулккий ҳуқуқни, ёхуд уларга бўлган қизиқишни исботлайдиган юридик ҳужжатлар ёки далолатномалар каби ҳар қандай активларни англатади;

e) “жиноий фаолиятдан олинган даромадлар” тушунчаси бирор жиноятни содир этиш натижасида бевосита ёки билвосита харид қилинган ёки қўлга киритилган ҳар қандай мол-мулкни қамраб олади;

f) “операцияларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш (тўхтатиб туриш)” ёки “банд солиш” тушунчалари бундай мол-мулкни топшириш, шаклини ўзгартириш, бошқа шахсга бериш ёки кўчиришни таъқиқлаш, ёки суд қарори ёхуд бошқа ваколатли органнинг қарорига асосан бундай мулкка вақтинча эгалик қилиш ёки вақтинча уни назорат остига олишни англатади;

g) “**мусодара**” – суд ёки бошқа ваколатли органнинг қарорига мувофиқ, мол-мулкдан бутунлай маҳрум этишни англатади;

h) “асосий ҳуқуқбузарлик” – ҳар қандай бир ҳуқуқбузарлик бўлиб, унинг содир этилиши натижасида олинган даромадларга нисбатан мазкур Конвенциянинг 23-моддасида келтирилган ва жиноят таркибини ташкил этадиган қилмишлар;

i) “назорат остида етказиб бериш” - бирор жиноятни тергов қилиш ва уни содир этишда иштирок этган шахсларни аниқлаш мақсадида ноқонуний ёки шубҳа туғдирувчи юкларни бир ёки бир неча давлат ҳудудларидан ушбу давлатлар ваколатли органларининг рухсати билан ва назорати остида олиб чиқиш, олиб ўтиш ёки ушбу ҳудудларга олиб киришга қўлласа бўладиган услуб.

3- модда. Қўллаш доираси

1. Мазкур Конвенция, унинг қоидаларига мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш, коррупция ҳолатларини тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят йўли билан орттирилганлиги эътироф этилган даромадлар билан бўлган операцияларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш (тўхтатиб туриш), банд солиш, мусодара қилиш ва қайтаришга нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур Конвенцияни амалга ошириш мақсадида, агар унда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, айтиб ўтилган жиноятлар содир этилиши натижасида давлат мулкига зарар ёки талафот етказилган бўлиши шарт эмас.

4-модда. Суверенитетни ҳимоя қилиш

1. Иштирокчи давлатлар ўзларининг мазкур Конвенцияда назарда тутилган мажбуриятларини, суверен тенглик ва давлатларнинг ҳудудий дахлсизлик тамойиллари, шунингдек, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига асосланиб амалга оширадилар.

2. Мазкур Конвенцияда келтирилган ҳеч бир қоида иштирокчи давлатларга бошқа давлатлар ҳудудида ушбу давлатларнинг ички қонунчилигига мувофиқ фақат шу **давлатлар органларининг** ваколатига кирувчи юрисдикция ва функцияларни амалга ошириш ҳуқуқини бермайди.

II боб

Коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар

5-модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш сиёсати ва амалиёти

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг негизи ташкил қилган тамойилларига мувофиқ, коррупцияга қарши кураш олиб бориш борасида, жамиятни жалб қилишга ёрдам берувчи ҳамда ҳуқуқ-тартибот, давлат фаолияти ва давлат мол-мулкини тўғри бошқариш, ҳалоллик ва ахлоқий мустаҳкамлик, шаффофлик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади ёки олиб боради.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат коррупциянинг олдини олишга йўналтирилган самарали амалиёт турларини жорий қилиш ва рағбатлантиришга ҳаракат қилади.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш нуқтаи назаридан тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларни вақти-вақти билан баҳолашга ҳаракат қилади.

4. Иштирокчи давлатлар тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ ушбу моддада келтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишга кўмаклашишда ўзаро ҳамда тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар. Бундай ҳамкорлик коррупциянинг олдини олишга йўналтирилган халқаро дастур ва лойиҳаларда иштирок этишни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

6-модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича органи ёки органлари

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, қуйида кўрсатилган чораларни қўллаш орқали, коррупциянинг олдини олиш бўйича орган ёки, тегишли ҳолатларда, органларнинг ташкил қилинишини қуйидаги чоралар ёрдамида таъминлайди:

а) мазкур Конвенциянинг 5 моддасида тилга олинган сиёсатни олиб бориш ва, тегишли ҳолларда, бундай сиёсат олиб борилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

б) коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатиш;

2. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур модданинг 1-бандида баён этилган орган ёки органларга, улар ҳар қандай самарали ва ҳар қандай номақбул таъсирдан холи шароитларда ўз вазифаларини ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ бажаришларига имкон яратадиган фаолият учун зарурий мустақилликни таъминлайди. Уларга юклатилган функцияларни бажариш учун талаб этилиши мумкин бўлган керакли моддий ресурслар ва мутахассис ходимларни таъминлаш лозим.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзили тўғрисида хабар қилади.

7-модда. Давлат сектори

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, фуқаро хизматчиларни ва, тегишли вазиятларда, бошқа, сайланмайдиган давлат идорасининг мансабдор шахсларини ишга қабул қилиш, олиш, хизматни ўташ, хизматда юқори мансабга кўтарилиш ва истеъфога чиқишнинг:

а) самарадорлик ва шаффофлик тамойилларига ҳамда фаолият бенуксонлиги, адолат ва қобилят каби ҳолисона мезонларга асосланган;

б) тегишли ҳолатларда коррупция ва, маълум ҳолатларда бундай лавозимлардаги тегишли кадрлар ротацияси нуктаи назаридан, айниқса заиф ҳисобланган давлат идорасининг мансабдор шахси лавозимларини эгаллаш учун кадрлар танлаш ва тайёрлашнинг тегишли таомилларини ўз ичига олган;

с) иштирокчи давлатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, тегишли муқофот тўлаш ва адолатли маошларни белгилашга хизмат қиладиган;

д) бундай шахслар давлат идорасининг мансабдор шахси вазифаларини тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш талабларига жавоб беришлари мумкин бўлиши учун маърифий ва ўқув дастурларни амалга оширишга ёрдам берувчи ҳамда коррупцияга йўл қўйиш хавфи мавжуд бўлган, шунингдек, ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган хатарларни чуқурроқ англашлари мақсадида уларнинг ихтисослашган ҳамда мувофиқ билим ва малакага эга бўлишларини таъминлайдиган тизимларини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бундай дастурларда, тегишли соҳаларда жорий этилган одоб-ахлоқ қоидалари ёки стандартлари асос қилиб кўрсатилган бўлиши мумкин.

2. Шунингдек, давлат идорасининг мансабдор шахси лавозимларига сайланадиган номзодлар ва сайловларга қарата мезонларни белгилаш учун ҳар бир иштирокчи давлат, мазкур Конвенциянинг мақсадларига ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, тегишли қонунчилик ва маъмурий чораларни тадбиқ қилиш масалаларини кўриб чиқади.

3. Шу билан бирга, сайлов йўли билан давлат идорасининг мансабдор шахси лавозимларига сайланадиган номзодларни ва, тегишли ҳолларда, сиёсий партияларни молиялаштиришда шаффофликни кучайтириш учун ҳар бир иштирокчи давлат, мазкур Конвенциянинг мақсадларига ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, тегишли қонунчилик ва маъмурий чораларни тадбиқ қилиш масалаларини кўриб чиқади.

4. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, шаффофликни таъминлашга хизмат қиладиган ҳамда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини оладиган тизимларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

8-модда. **Давлат идораси** мансабдор шахсларининг одоб-ахлоқ қоидалари

1. Коррупцияга қарши кураш олиб бориш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, бошқа фазилатлар қатори, ўзининг давлат идораси мансабдор шахсларининг ҳалоллиги, **тўғрилиги** ва масъулиятлилигини рағбатлантиради.

2. Хусусан, давлат идорасининг мансабдор шахси функцияларини тўғри, виждонан ва тегишли тарзда бажариш учун ҳар бир иштирокчи давлат ўз институционал ва ҳуқуқий тизимлари доираларида одоб-ахлоқ қоидалари ёки стандартларни жорий қилишга интилади.

3. Мазкур модда қоидаларини амалга ошириш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, минтақавий, минтақалараро ва кўп томонлама ташкилотларнинг тегишли ташаббусларини инобатга олади. Бунда, БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 12 декабрдаги 51/59-сонли резолюциясининг иловасида ўрин олган Давлат мансабдор шахсларининг одоб-ахлоқи бўйичаҳалқаро кодексини мисол қилиб келтириш мумкин.

4. Шу билан биргаликда, ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, давлат идораси мансабдор шахслари ўз функцияларини бажаришлари вақтида уларга маълум бўлиб қолган коррупцион ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида тегишли органларга хабар беришларини енгиллаштирувчи чора ва тизимларни ўрнатиш имкониятини кўриб чиқади.

5. Ҳар бир иштирокчи давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, давлат идораси мансабдор шахсларини тегишли органларга, бошқа маълумотлар қатори, давлат идорасининг мансабдор шахси сифатида бажараётган функцияларига нисбатан манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган хизматдан ташқари фаолият, машғулотлар, инвестициялар, активлар ҳамда муҳим тўхфа ёки нафлар тўғрисида декларацияларни тақдим этишга мажбур қиладиган чора ва тизимларни ўрнатишга ҳаракат қилади.

6. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига асосан, мазкур моддага мувофиқ белгиланган қоида ёки стандартларни бузаётган давлат идораси мансабдор шахсларига нисбатан интизомий ёки бошқа чораларни жорий қилиш имкониятини кўриб чиқади.

9-модда. *Давлат харидлари ва давлат маблағларини бошқариш*

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, бошқа хусусиятлар қатори коррупциянинг олдини олиш нуктаи назаридан, шаффофлик, рақобат ва қарор қабул қилишнинг ҳолисона мезонларига асосланган тегишли харид тизимларини яратиш учун зарурий чораларни кўради. Улардан фойдаланиш мобайнида тегишли мезон кўрсаткичларни кўзда тутиши мумкин бўлган бундай тизимлар, бошқа жиҳатлар қатори, қуйидагиларга даҳлдордир:

a) савдоларнинг потенциал иштирокчиларига ўзларининг тендер бўйича аризаларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун етарли вақт бериш мақсадида, харид қилиш таомиллари ва олди-сотти шартномалар тўғрисидагимаълумотни, шу жумладан тендер савдода иштирок этиш таклифлари ҳақидаги ва шартномаларни тузиш тўғрисидаги тегишли ёки ўринли маълумотни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;

b) иштирок этиш шартларини, шу жумладан танлов ва шартнома тузиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш мезонларини ва савдоларни ўтказиш қоидаларини олдиндан белгилаш ва уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;

c) кейинчалик қоида ва таомиллар қўлланилишининг тўғрилигини текширишни енгиллаштириш мақсадида давлат харидлари тўғрисида қабул қилинган қарорлар юзасидан олдиндан белгиланган ва ҳолисона мезонларни қўллаш;

d) мазкур бандга мувофиқ белгиланган қоида ёки таомилларга риоя қилинмаган ҳолларда ҳақ-ҳуқуқ талаб қилиш ҳамда ҳуқуқий ҳимоянинг юридик воситаларини таъминлаш учун самарали ички назорат тизими, шу жумладан норозилик билдиришнинг самарали тизими;

e) тегишли ҳолатларда харидлар учун масъул бўлган ходимларга оид масалаларни тартибга солиш чоралари, масалан, муайян давлат харидларига бўлган манфаатдорликни декларация қилиш талаби, текшириш таомиллари ва профессионал тайёргарлик даражасига қарата қўйиладиган талаблар.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, давлат маблағларини бошқаришда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашга ёрдам берувчи тегишли чораларни жорий қилади. Бундай чоралар, шу жумладан, қуйидагиларни қамраб олади:

a) давлат бюджетини тасдиқлаш **таомиллари**;

b) тушум ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

c) бухгалтерия ҳисоботи ва аудит стандартлари тизими ва бу билан боғлиқ бўлган назорат;

d) хатарларни бошқариш ва ички назорат бўйича самарали ва амалий натижа берадиган тизимлар; ҳамда

e) мазкур бандда белгиланган талабларга амал қилинмаган тегишли ҳолларда, уларни тўғрилаш.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, давлат маблағларининг кирим-чиқимига таълуқли бўлган бухгалтерия китоблари, ёзувлар, молиявий маълумотлар ёки бошқа ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш учун талаб этилиши мумкин бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий чораларни кўради.

10-модда. Давлат секториди ҳисобдорлик

Коррупцияга қарши кураш олиб бориш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, унинг давлат идоралари маъмуриятининг, шу жумладан унинг ташкилий тузилмаси, фаолияти ва тегишли ҳолларда, қарорларни қабул қилиш жараёнларининг нисбатан, шаффофлигини кучайтириш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни тадбиқ қилади. Жумладан, бундай чоралар, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

a) давлат идоралари маъмуриятининг ташкилий тузилмаси, фаолияти ва қарор қабул қилиши жараёнлари тўғрисидаги, ҳамда шахсий ҳаёт ва маълумотларни ҳимоя қилиш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли манфаатларига таъсир кўрсатадиган қарорлар ва юридик амаллар юзасидан бўлган ахборотга аҳолининг тегишли ҳолларда эга бўлишига имкон берувчи таомил ёки қоидаларни қабул қилиш;

b) тегишли ҳолларда, аҳолининг қарор қабул қилувчи ваколатли органлар ҳузурига киришига имкон яратиш мақсадида маъмурий таомилларни соддалаштириш; ва

c) **давлат идоралари** маъмуриятида коррупция **хатарлари** тўғрисидаги даврий ҳисоботларни ўз ичига олиши мумкин бўлган ахборотларни чоп этиш.

11-модда. Суд ва прокуратура идораларига доир чоралар

1. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва унинг коррупцияга қарши кураш олиб боришда ҳал қилувчи вазифа бажаришини инобатга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда ва суд идораларининг мустақиллигига путур етказмаган равишда, судьялар ва суд идоралари ходимлари ҳалоллиги ва тўғрилигини ошириш ҳамда улар орасида коррупциянинг илдиз отишига ҳеч қандай йўл қўйилмаслиги учун чораларини кўради. Бундай чоралар судьялар ва суд идоралари ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига таълуқли қоидаларни ўз ичига олиши мумкин.

2. Мазкур модданинг 1-бандида баён этилган чоралар прокуратура органлари суд ҳокимияти таркибига кирмайдиган, лекин суд органларига берилган мустақилликка эга бўлган иштирокчи давлатларнинг прокуратура органларида қўлланилиши мумкин.

12-модда. Хусусий сектор

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз **ички** қонунчилигининг асосий **тамоийиларига** мувофиқ тарзда, хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш, бухгалтерия ҳисоботи ва аудити стандартларини кучайтириш ва, тегишли ҳолларда, бундай чораларга риоя қилинмаслиги учун самарали, мутаносиб ва таъсирли фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликни ўрнатиш чораларини кўради.

2. Бундай мақсадларга эришишга қаратилган чоралар, жумладан, қуйидагиларни ҳам камраб олиши мумкин:

a) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тегишли хусусий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни тарғиб қилиш;

b) тегишли хусусий ташкилотлар ҳалол фаолият юритишларини таъминлашга йўналтирилган стандарт ва таомилларни, шу жумладан тадбиркорлар ва барча тегишли касб-ҳунарга эга шахсларни ўз фаолиятларини тўғри, виждонан ва тегишли даражада амалга оширишлари учун, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш ҳамда тижорат корхоналари ўртасидаги муносабатларда ҳамда бундай корхоналар ва давлат ўртасидаги шартномавий муносабатларда ҳалол тижорат амалиёти қўлланилишини рағбатлантиришга қаратилган стандарт ва таомилларни ишлаб чиқишни тарғиб қилиш;

c) хусусий ташкилотлар фаолиятида шаффофликни тарғиб қилиш, шу жумладан, тегишли ҳолларда, корпоратив ташкилотларни яратиш ва уларни бошқаришга дахлдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларни солиштириш чораларини кўриш;

d) хусусий ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи, шу жумладан, давлат органлари томонидан тижорат фаолиятини юритиш учун тақдим этиладиган субсидия ва лицензияларга оид таомиллар суиистеъмол қилинишининг олдини олиш;

e) собиқ давлат идораси мансабдор шахсларининг профессионал фаолиятига нисбатан ёки бундай мансабдор шахслар хусусий сектордан истеъфога ёки пенсияга чиққанларидан кейин уларнинг ишига нисбатан (бундай фаолият ёки иш ушбу мансабдор шахслар ўз лавозимларини эгаллаб турганда ёки бундай ишлар устидан назорат олиб борганларида уларнинг функциялари билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолатларда), тегишли вазиятларда ва оқилона муддатга чекловлар белгилаш йўли билан манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш;

f) коррупцион ҳаракатларнинг олдини олиш ва фош қилишда ёрдам бериш ҳамда бундай хусусий ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ва керакли молиявий ҳужжатларини тегишли аудит ва сертификатлаштириш таомилларидан ўтказиш мумкин бўлиши учун хусусий ташкилотлар, уларнинг тузилиши ва катта-кичиклигини ҳисобга олган ҳолда, ички аудит назоратини юритиш учун етарли механизмларга эга бўлишларини таъминлаш.

3. Коррупциянинг олдини олиш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботлар ҳамда бухгалтерия ҳисоблари ва стандартларини тақдим этишни тартибга солувчи қоидаларга мувофиқ тарзда, қуйида кўрсатилган ва мазкур Конвенция билан эътироф этилган ҳар қандай жиноятни содир этиш учун қўлланиладиган ҳаракатларни таъқиқлаш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради:

a) норасмий ҳисобдорликни ташкил этиш;

b) ҳисобга олинмаган ёки нотўғри рўйхатга олинган операцияларни ўтказиш;

c) мавжуд бўлмаган харажатлар ҳисобини юритиш;

d) объекти нотўғри **идентификация** қилинган мажбуриятларни акс эттириш;

e) сохта ҳужжатлардан фойдаланиш; ва

f) бухгалтерия ҳужжатларини қонунчиликда белгиланган муддатлардан олдин атайлаб йўқ қилиш;

4. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенциянинг 15 ва 16 моддаларига мувофиқ жиноят таркибининг элементларидан бири бўлиб, порани ифодалайдиган харажатлар ва, тегишли ҳолларда, коррупцион ҳаракатларга кўмаклашиш мақсадида амалга оширилган бошқа харажатлар солиқ солинишидан озод этилишини рад этади.

13-модда. Жамият иштироки

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш ҳамда жамиятнинг коррупция мавжудлиги, унинг сабаблари, хавфли хусусиятлари ва юзага келтирувчи таҳдидларини янада чуқурроқ англаши учун фуқаролик жамият, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ташкилотлар каби давлат секторига кирмаган жисмоний шахслар ва гуруҳларнинг фаол иштирокига кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради. Бу каби иштирокни қуйидаги чоралар ёрдамида мустаҳкамлаш лозим:

a) аҳолини қарорларни қабул қилиш жараёнларига жалб қилишга кўмаклашиш ва унинг шаффофлигини ошириш;

b) аҳоли учун ахборотга эга бўлишнинг самарали имкониятларини таъминлаш;

c) аҳолига **коррупцияга нисбатан чидаб бўлмайдиган муҳит яратишга** хизмат қилувчи ахборотни етказишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ҳамда давлат таълим дастурлари, шу жумладан мактаб ва университетларда ўқув дастурларни амалга ошириш;

d) коррупция тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш, эълон қилиш ва тарқатиш эркинлигини ҳурмат қилиш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш. Бундай эркинликнинг маълум чекловлари белгиланиши мумкин, лекин улар қонунчиликда назарда тутилган бўлади ва қуйидагилар учун зарур:

i) бошқаларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;

ii) миллий хавфсизликни ёки **оммавий** тартибни, ёки соғлиқни сақлаш, ёхуд ахлоқни ҳимоя қилиш учун.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат ушбу Конвенцияда тилга олинган коррупцияга қарши кураш олиб бориш бўйича тегишли органлар аҳолига маълум бўлишларини таъминлаш учун маълум чораларни кўради ҳамда мазкур Конвенцияга мувофиқ шундай деб эътироф этилган жиноятчиликнинг бирор бир тури сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ҳоллар тўғрисида хабарни, шу жумладан аноним тарзда, тақдим этиш учун бундай органлар хузурига кириш имкони билан таъминлайди.

14-модда. Пул маблағларини легаллаштиришнинг олдини олиш бўйича тадбирлар

1. Ҳар бир иштирокчи давлат:

a) банклар ва банкдан ташқари молия муассасаларига нисбатан, шу жумладан пул маблағлари ёки қимматликларни ўтказиш билан боғлиқ расмий ёки норасмий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан ҳамда, тегишли ҳолларда, пул маблағларини легаллаштириш нуқтаи назаридан, ўз ваколати доираларида, бундай маблағларни легаллаштиришнинг барча шакллари аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик мақсадида кенг қамровли ички тартибга солиш ва назорат қилиш режимини белгилайди, ва шу билан бирга бундай режим, биринчи навбатда, мижоз шахсини аниқлашга оид талабларга ва, тегишли ҳолларда, мулкдор-бенифициарни идентификация қилиш, ҳисоботни юритиш ва шубҳали операциялар тўғрисида маълумотларни тақдим этишга асосланади;

b) мазкур Конвенциянинг 46 моддасига таъсир кўрсатмаган тарзда, пул маблағларини **легаллаштиришга** қарши кураш олиб бораётган маъмурий, тартибга солувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органлар (шу жумладан, бундай амал ички қонунчиликка мос келган ҳолларда, суд органлари ҳам) унинг ички қонунчилиги билан белгиланадиган

шартларда, миллий ва халқаро даражаларда ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашишга қодир бўлишларини таъминлайди, ва шу мақсадларда кузатилиши мумкин бўлган пул маблағларини легаллаштириш ҳолатларига доир маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш бўйича миллий марказ сифатида фаолият юритадиган молиявий тезкор ахборот бўлинмасини таъсис этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

2. Иштирокчи давлатлар, ахборотдан тегишли даражада фойдаланишни таъминлашга қаратилган қафолатларга амал қилиш ҳамда қонуний капиталлар ҳаракатланишига ҳеч қандай тўсқинлик қилмаслик шарти билан, нақд пул маблағлари ва тегишли айланма маблағлар уларнинг чегараларидан ҳаракатланишини фож қилиш ва бундай ҳаракатланиш кетидан назорат олиб бориш бўйича амалда қўлланилиши мумкин бўлган чораларни кўриш масаласини кўриб чиқадилар. Бундай чоралар жисмоний шахслар ва тижорат корхоналар катта ҳажмдаги нақд пулларнинг трансчегаравий ўтказмалар ва тегишли миқдордаги айланма маблағлар топширилиши тўғрисида хабар беришлари лозимлиги бўйича талабни ўз ичига олиши мумкин.

3. Иштирокчи давлатларнинг молия муассасалари, шу жумладан пул маблағларини ўтказиш муассасалари қуйида кўрсатиб ўтилганларни амалга оширишлари юзасидан талаб белгилаш учун тегишли ва амалиётда қўллаш мумкин бўлган чоралардан фойдаланиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадилар:

а) маблағларни электрон шаклда ўтказиш формулярларига ва улар билан боғлиқ маълумотга жўнатувчи тўғрисида аниқ ва мазмунли маълумот киритиш;

б) бундай ахборотни тўловни амалга оширишнинг бутун занжири бўйлаб сақлаб туриш;

с) жўнатувчи тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлмаган вазиятда ўтказилган маблағларнинг чуқурлашган текширувини амалга ошириш.

4. Мазкур модданинг қоидаларига мувофиқ ва ушбу Конвенциянинг ҳар қандай бошқа моддасига таъсир кўрсатмаган тарзда, тартибга солиш ва назорат қилишнинг ички режимини белгилашда иштирокчи давлатларга минтақавий, минтақалараро ва кўп томонлама ташкилотларнинг пул маблағларини легаллаштиришга қарши курашга қаратилган тегишли тавсияларига амал қилиш тавсия этилади.

5. Пул маблағларини легаллаштиришга қарши кураш олиб бориш мақсадида иштирокчи давлатлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда молиявий тартибга солиш органлари ўртасида глобал, минтақавий, субминтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга интиладилар.

III боб

Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти

15-модда. Давлат идораси мансабдор шахсига пора бериш

1. Ҳар бир иштирокчи давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради:

а) давлат идораси мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор бир ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, ҳар қандай ноқонуний устунликни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим қилиш;

б) ҳар қандай мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирор бир ноқонуний устунликни шахсан мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

16-модда. Хорижий давлат мансабдор шахсларига ва халқаро давлат ташкилотларининг мансабдор шахсларига пора бериш

1. Ҳар бир иштирокчи давлат хорижий давлат мансабдор шахсига ёки халқаро давлат ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний устунликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирор бир устунликни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим қилиш, агарда улар атайин содир этилган бўлса, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат хорижий давлат мансабдор шахсига ёки халқаро давлат ташкилотининг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирор бир устунликни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим қилиш, агарда улар атайин содир этилган бўлса, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

17-модда. Давлат идорасининг мансабдор шахси томонидан мол-мулк талон-тарож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши

Ҳар бир иштирокчи давлат мансабдор шахснинг ўзи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс фойда олиши мақсадида хизмат мавқеига кўра ушбу мансабдор шахснинг қарамоғида бўлган бирор бир мол-мулк, давлат ёки хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки ҳар қандай бошқа қимматли предметни мансабдор шахс томонидан талон-тарож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, агарда улар атайин содир этилган бўлса, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

18-модда. Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш

Ҳар бир иштирокчи давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

а) мансабдор шахсга ёки ҳар қандай бошқа шахсга шахсан ёки воситачилар орқали иштирокчи давлатнинг маъмурияти ёки давлат органидан ушбу ҳаракатларнинг биринчи ташаббускори ёки ҳар қандай бошқа шахс учун бирор бир ноқонуний устунликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши эвазига бирор бир ноқонуний устунликларни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим қилиш;

б) мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс иштирокчи давлатнинг маъмурияти ёки давлат органидан шахсан ўзи ёки бошқа шахс учун бирор бир ноқонуний устунликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши учун бирор бир ноқонуний устунликларни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

19-модда. Хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш

Ҳар бир иштирокчи давлат, хизмат ваколатларидан фойдаланишни ёки хизмат лавозимини суиистъёмол қилишни, яъни мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида қонунга хилоф равишда шахсан ўзи ёки бошқа юридик ёхуд жисмоний шахс учун бирор бир ноқонуний устунликларни қўлга киритиш мақсадида бирор бир ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслигини, агарда улар атайин содир этилган бўлса, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

20-модда. Ноқонуний тарзда бойлик орттириш

Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз конституцияси ва ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шарти билан, ноқонуний тарзда бойлик орттилишини, яъни мансабдор шахс активлари унинг қонуний даромадларидан мантиқан асосланиб берилмайдиган даражада ошиб кетишини, агарда улар атайин содир этилган бўлса, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

21-модда. Хусусий секторда пора бериш

Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг иқтисодий, молиявий ёки тижорат фаолияти давомида қуйида кўрсатилган ҳаракатлар, агарда улар атайлаб содир этилган бўлса, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

а) хусусий сектор фаолиятини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда ҳар қандай лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирор бир ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки воситачилар орқали бирор бир устунликни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим қилиш;

б) хусусий сектор фаолиятини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда ҳар қандай лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирор бир ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки воситачилар орқали бирор бир ноқонуний устунликни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

22-модда. Хусусий секторда мулкнинг талон-тароғ қилиниши

Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг иқтисодий, молиявий ва ёки тижорат фаолияти давомида хусусий сектор фаолиятини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда ҳар қандай лавозимда ишлаётган шахс томонидан хизмат лавозимига кўра ушбу шахснинг қармоғида бўлган бирор бир мол-мулк, хусусий маблағлар ёхуд қимматли қоғозлар ёки ҳар қандай бошқа қимматли предметнинг талон-тароғ қилинишини, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, агарда улар атайин содир этилган бўлса, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади.

23-модда. Жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни қабул қилади:

a) i) агар мол-мулк жинотий йўл билан топилганлиги олдиндан маълум бўлса ва уни жинотий манбасини яшириш ва сир тутиш мақсадида ёки асосий ҳуқуқбузарликни содир этишда иштирок этадиган ҳар қандай бошқа шахсга, у ўзининг жинотий ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан бўйин товлагига ёрдам бериш мақсадида мол-мулкни конверсиялаш (ўзгартириш) ёки ўтказиш;

ii) агар мол-мулк жинотий йўл билан топилганлиги олдиндан маълум бўлса мол-мулкнинг ҳақиқий тавсифини, манбасини, тасарруф этиш усулини ёки унинг кимга тегишли эканини, жойини ўзгартиришни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни яшириш ва сир тутиш;

b) ўзининг ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартин билан:

i) агар мол-мулкни олаётганда ушбу мол-мулк жинотий йўл билан топилганлиги олдиндан маълум бўлса ушбу мол-мулкни сотиб олиш, унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш;

ii) мазкур моддага мувофиқ жинот деб тан олинган ҳар қандай ҳаракатларнинг бирида иштирок этиш, дахлдор бўлиш ёки ушбу жинотни содир этиш мақсадида тил бириктириш, уни содир этишга уриниш, шунингдек уни содир этилишида шериклик қилиш, фитна уюштириш ва кўмак бериш.

2. Мазкур модданининг 1-бандини амалга ошириш ёки қўллаш мақсадида:

a) ҳар бир иштирокчи давлат мазкур модданинг 1-бандини асосий ҳуқуқбузарликларнинг энг кенг доираси учун қўллашга интилади;

b) ҳар бир иштирокчи давлат асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига камида мазкур Конвенцияга мувофиқ жинот деб тан олинган ҳаракатларнинг кенг қамровли доирасини киритади;

c) юқорида келтирилган (b) кичик банднинг мақсадлари учун асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига тегишли иштирокчи давлат юрисдикцияси доирасида ҳам, доирасидан ташқарида ҳам содир этилган жинотлар киради. Лекин бирор бир иштирокчи давлатнинг юрисдикцияси доирасидан ташқарида содир этилган жинотлар фақат мазкур жинотий ҳаракат содир этилган давлатнинг ички қонунчилигига кўра жинотий жазога лойиқ деб топилса ва ушбу модда амалга оширилаётган ёки қўлланилаётган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигига кўра, агар бу жинот айнан шу давлатда содир этилиб, жинотий жазога лойиқ деб тан олинсагина асосий ҳуқуқбузарликлар деб тан олинади.

d) ҳар бир иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига мазкур моддадаги ҳолатлар амалга оширилишини таъминловчи ўз қонунларининг матнини, шунингдек ушбу қонунларга кейинчалик киритилган барча ўзгартишлар ёки уларнинг таърифланишларини тақдим этади

e) агар иштирокчи давлатдаги ички қонунчиликнинг энг муҳим принциплари буни талаб қилса, у ҳолда мазкур модданинг 1-моддасида кўрсатилган жинотлар асосий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга тегишли бўлмаслигини кўзда тутиш мумкин бўлади.

24-модда. Жинотни яшириш

Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенциянинг 23-моддасида келтирилган қоидаларга таъсир кўрсатмаган тарзда мазкур Конвенцияда жинот деб топилган ҳар қандай жинотий ҳаракатлар содир этилганидан кейин ушбу жинотлар содир этилишида иштирок этмаган бўлсада, тегишли шахсга бу мол-мулк мазкур Конвенцияда жинот деб топилган ҳар қандай жинотий ҳаракатлар содир этилиши натижасида орттирилган мол-мулкни яшириш ёки доимий равишда ушлаб туриш каби ҳаракатларни, агарда улар атайин содир этилган бўлса, буни жинотий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

25-модда. Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш

Ҳар бир иштирокчи давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўради:

а) мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида сохта маълумотлар беришга мажбур қилиш ёки маълумотларни бериш ёхуд маълумотларни тақдим этиш жараёнига аралаштириш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, пўписа қилиш ёки қўрқитиш ёхуд ваъда бериш ёки ноқонуний устунликни таклиф қилиш ёки тақдим этиш;

б) мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахси томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажаришига аралаштириш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки қўрқитиш. Мазкур кичик банддаги ҳеч нарса иштирокчи давлатларнинг мансабдор шахсларининг бошқа тоифаларининг ҳимоя қилинишини таъминловчи қонунчиликка эга бўлиш ҳуқуқига таъсир кўрсатмайди.

26-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўзининг ҳуқуқий принципларини ҳисобга олган тарзда, юридик шахсларнинг мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатларда иштироки учун жавобгарлигини аниқлашда талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги, иштирокчи давлатнинг ҳуқуқий принципларига риоя қилиш шарт **билан, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий бўлиши керак. (русчада мумкин)**

3. Бундай жавобгарликнинг юклатилиши жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигига таъсир кўрсатмайди.

4. Ҳар бир иштирокчи давлат, хусусан, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортилаётган юридик шахсларга нисбатан самарали, мутаносиб ва тўхтатувчи таъсирга эга бўлган жиноий ёки жиноий бўлмаган чоралар, шу жумладан пуллик жарималар қўлланилишини таъминлайди.

27-модда. Иштирок ва суиқасд

1. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳаракатни содир этишда ҳар қандай сифатда, масалан, шерик, ёрдамчи ёки далолатчи сифатида қатнашишни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олиншини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳаракатни содир этишга суиқасд қилиш ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олиншини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳаракатни содир этишга тайёргарликни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олиншини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

*28-модда. Англаб етиш, мақсад қилиш ва **қасд жиноятнинг** элементлари сифатида*

Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳаракатнинг элементлари сифатида талаб этиладиган англаб етиш, мақсад қилиш ва қасддан содир этиш

ниятида бўлиш ишнинг объектив асл ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши мумкин.

29-модда. Даъво муддати

Ҳар бир иштирокчи давлат, тегишли ҳолатларда, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳар қандай жиноий ҳаракатларга нисбатан иш қўзғатилиши учун узоқ даъво муддатини белгилайди ва жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс одил судловдан бўйин товлаётган ҳолларда даъво учун янада узоқ муддатни ёки даъво муддатини давом этишини ишга солмай тўхтатиб қўйиш имкониятини белгилайди.

30-модда. Жиноят ишлари бўйича тергов, суд қарорларини чиқариш ва санкция

1. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳаракатлар содир этилиши учун ушбу жиноятнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олувчи жиноий жавобгарликка тортилишини кўзда тутди.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ҳуқуқий тизими ва **конституцион** принципларига мувофиқ равишда мансабдор шахсларга ўзларининг вазифаларини бажаришлари муносабати билан тақдим этилган ҳар қандай иммунитетлар ёки юрисдикцион имтиёзлар ўртасидаги тегишли мувозанатлаштиришни белгилаши ёки таъминлаши ва зарурат туғилганида, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатлар юзасидан самарали тергов ишларини олиб бориш ҳамда жиноий иш қўзғатиш ва суд қарорини чиқариш имкониятини талаб қилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралар максимал даражада самарали бўлиши мақсадида ушбу жиноятларни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатишга таълуқли ўзининг ички қонунчилигида кўзда тутилган ҳар қандай дискрецион ва юридик ваколатлардан фойдаланишни таъминлашга интилади ва заруратнинг лозим бўлган даражасида бу каби жиноятлар содир этилишига монелик кўрсатади.

4. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ ва ҳимоя ҳуқуқларини лозим даражада ҳисобга олган тарзда, судгача озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки кассация шикоятни ёки (протест) билдирилгунига қадар қабул қилинадиган қарор билан боғлиқ бўлган шартларни белгилашда кейинчалик юритиладиган жиноий иш жараёнида айбланувчинг албатта қатнашишини таъминлаш заруратини ҳисобга олишни таъминлаш мақсадида тегишли чоралар кўради.

5. Ҳар бир иштирокчи давлат жиноят содир этган шахсларни муддатидан олдин ёки шартли равишда озод қилиш масаласини кўриб чиқишда этегишли жиноятларнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олади.

6. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ бўлган даражада мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этишда айбланаётган мансабдор шахс, айбсизлик презумпцияси принципини ҳурмат қилиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, тегишли ҳолатларда тегишли орган томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришдан вақтинча четлатилиши ёки бошқа лавозимга ўтказилишини белгилаб берувчи тартиботни ўрнатиш имкониятларини кўриб чиқади.

7. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ бўлган даражада, агар жиноятнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олганда ушбу ҳолат асосланган бўлса, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этишда айбланаётган шахсни суд қарори ёки бошқа тегишли чоралар ёрдамида ўзининг ички қонунчилигида белгиланган муайян муддатга қуйидаги ҳуқуқлардан маҳрум қилиш учун тартибот белгиланиши имкониятларини кўриб чиқади:

а) давлат **идорасининг** мансабдор шахси лавозимини эгаллаш; ва

б) тўлиқ ёки қисман давлат тасарруфида бўлган ҳар қандай корхонада лавозим эгаллаш.

8. Мазкур модданинг 1-банди, ваколатли органларнинг фуқаро хизматчиларга нисбатан интизомий чора кўриш ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилмайди.

9. Мазкур Конвенциядаги ҳеч бир ҳолат ҳар бир иштирокчи давлатнинг ички қонунчилиги доирасидаги мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни белгиловчи ва қўлланиладиган юридик эътирозлар ёки ҳатти-ҳаракатларнинг қонунийлигини аниқлаб берувчи бошқа ҳуқуқий асосларга таянган принципларга таъсир қилмайди, бу каби жиноятларга нисбатан жиноий ишнинг қўзғатилиши ва белгиланиладиган жазо ушбу ички қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

10. Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни жамиятга реинтеграция қилинишига кўмак беришга интиладилар.

31-модда. Операцияларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш (тўхтатиб туриш), банд солиш ва мусодара қилиш

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида мумкин бўлган максимал даражада қуйидагиларни мусодара қилиш имкониятини таъминлашни талаб қилиши мумкин бўлган чораларни кўради:

а) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган даромадлар ёки қиймати ушбу даромадлар қийматига тенг бўлган мол-мулк;

б) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган мол-мулк, усқуналар;

2. Ҳар бир иштирокчи давлат, кейинчалик мусодара қилиш мақсадида, мазкур модданинг 1-бандида санаб ўтилганларнинг бирор бирини фош қилиш, кузатиш, вақтинча ишга солмай тўхтатиб туриш ёки банд солиш имкониятини таъминлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида кўрсатилган ишга солмай тўхтатиб турилган, банд солинган ёки мусодара қилинган мол-мулкни ваколатли органлар томонидан бошқарилишини тартибга солиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

4. Агар бу каби, жиноят йўли билан орттирилган даромадлар қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа мол-мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган бўлса, у ҳолда мазкур моддада кўрсатилган чоралар ушбу мол-мулкка нисбатан қўлланади.

5. Агар бу каби, жиноят йўли билан орттирилган даромадлар қонуний манбалардан олинган мол-мулкка қўшиб олинган бўлса, у ҳолда мол-мулкнинг қўшиб олинган даромадларнинг баҳоланган қийматига мувофиқ бўлган қисми ишга солмай тўхтатиб туриш ёки банд солиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай ваколатларга таъсир кўрсатмаган тарзда мусодара қилинади.

6. Бу каби, жиноят йўли билан орттирилган даромадлар туфайли, жиноий даромадларнинг бошқа мол-мулкка айлантирилиши ёки ўзгартирилиши туфайли ёхуд бу каби жиноий даромадларнинг мол-мулкка қўшиб олинishi туфайли олинган фойда ёки бошқа устунликларга нисбатан ҳам мазкур моддада кўрсатилган чоралар худди жиноий йўл билан орттирилган даромадларга нисбатан кўриладиган чоралардек ва худди шундай даражада қўлланилади.

7. Мазкур модда ва мазкур Конвенциянинг 55-моддасининг мақсадлари учун ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг судлари ёки бошқа ваколатли органларига банк, молиявий ёки тижоратга оид ҳужжатларни тақдим этиш ёки ҳибсга олиш тўғрисидаги қарорларни чиқариш ваколатларини беради. Иштирокчи давлат, банк сирини сақлаш заруратига ҳавола қилиб туриб, мазкур моддада келтирилган ҳолатларга мувофиқ чораларни кўришдан бош тортмайди.

8. Иштирокчи давлатлар жиноят содир этган шахс мусодара қилиниши лозим бўлган бу каби жиноий йўл билан олинганлиги тахмин қилинаётган даромадлар ёки бошқа мол-мулкнинг қонуний эканлигини исбот қилишини ички қонунчиликларининг энг муҳим принципларига ҳамда судда ва бошқа маҳкамаларда муҳокама қилиниши хусусиятларига мувофиқ бўлган даражада талаб қилишни белгилаш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

9. Мазкур модданинг қоидалари айбсиз бўлган учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига таъсир кўрсатадиган тарзда талқин қилинмайди.

10. Мазкур моддаги ҳеч қандай ҳолат унда баён этилаётган чоралар иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигидаги ҳолатларга мувофиқ, уларга риоя қилиниши шарти билан белгиланиши ва амалга оширилиши тўғрисидаги принципга дахл қилмайди.

32-модда. Гувоҳлар, экспертлар ва жабрланувчиларнинг ҳимоя қилиниши

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз қонунчилигининг ички тизимига мувофиқ ва ўз имкониятлари чегарасида мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар муносабати билан кўрсатмалар бераётган гувоҳлар ва экспертларга нисбатан, тегишли ҳолатларда уларнинг қариндошлари ва уларга яқин бўлган бошқа одамларга нисбатан бўлиши эҳтимол тутилган ўч ёки пўписалардан самарали ҳимоя қилишни таъминловчи тегишли чораларни кўради.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган чоралар, айбланувчининг ҳуқуқлари, шу жумладан тегишли муҳокама ва ишни кўриш ҳуқуқига таъсир кўрсатмаган тарзда, ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:

а) ушбу шахсларни жисмоний ҳимоя қилиш тартиботини белгилаш, масалан – зарур бўлган ва амалий жиҳатдан амалга оширилиши мумкин бўлган даражада – уларни бошқа жойга кўчириш учун ва тегишли вазиятларда мумкин бўлган шундай ҳолатларни қабул қилиш, ушбу шахсларга шахсан таълуқли ва уларнинг жойлашган манзили билан боғлиқ маълумотларни ошкор этмаслик ёки маълумотларнинг бундай ошкор этилишига чеклов ўрнатиш;

б) гувоҳлар ва экспертларга, уларни хавфсизлигини таъминловчи тарзда кўрсатмалар беришларига имкон берувчи, масалан видео алоқа каби алоқа воситалари ёки бошқа мувофиқ алоқа воситалари ёрдамида кўрсатмалар беришга рухсат беришдек исботлаш қоидаларини қабул қилиш.

3. Иштирокчи давлатлар мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган шахсларни бошқа жойга кўчирилиши хусусида бошқа давлатлар билан келишув ёки битим тузиш имкониятини кўриб чиқади.

4. Мазкур модданинг ҳолатлари жабрланувчиларга нисбатан ҳам, уларнинг гувоҳ деб саналувчи даражасида қўлланилади.

5. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўзининг ички қонунчилигига риоя қилиш шарти билан, жиноий иш кўриб чиқишининг тегишли босқичларида жабрланувчиларнинг жиноят содир этган шахсларга нисбатан фикрлари ва хавфсирашларининг баён этилиши учун ҳимоя ҳуқуқларига таъсир кўрсатмайдиган тарзда имконият яратади.

33-модда. Маълумот берувчи шахсларни ҳимоя қилиши

Ҳар бир иштирокчи давлат ваколатли органларга мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар хусусида ҳар қандай ҳолатлар ҳақида виждонан ва мантиқий асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимига жорий қилиш имкониятларини кўриб чиқади.

34-модда. Коррупцион ҳаракатларнинг оқибатлари

Ҳар бир иштирокчи давлат, учинчи томонларнинг ҳалоллик билан қўлга киритган ҳуқуқларини тегишли тарзда ҳисобга олиб туриб, ўзининг ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ тарзда коррупция оқибатлари хусусидаги масалани мувофиқлаштириш бўйича чоралар кўради. Иштирокчи давлатлар бу контекстда коррупцияни, шартномаларни бекор қилиш ёки кучдан қолдириш, концессияларни ёки шунга ўхшаш амалиётларни қайтариб олиш ёки юзага келган ҳолатларни тўғрилашнинг бошқа чораларини амалга оширишда аҳамият касб этувчи омил сифатида кўришлари мумкин.

35-модда. Зарарни қоплаш (компенсация)

Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички қонунчилигининг принципларига мувофиқ тарзда ҳар қандай коррупцион ҳаракат оқибаотида зарар кўрган юридик ёки жисмоний шахслар кўрилган зарарни қоплаш (компенсация олиш) мақсадида ушбу зарар учун жавобгар бўлган шахсларга нисбатан иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

36-модда. Ихтисослашган органлар

Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ тарзда коррупция билан ҳуқуқбузарликларга қарши чоратadbирлар ёрдамида кураш олиб боришга ихтисослашган орган ёки органлар ёхуд шахслар бўлишини таъминлайди. Бундай орган ёки органлар ёхуд шахслар, иштирокчи давлатнинг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ, ўз вазифаларини самарали ва бирор бир ёки тегишли бўлмаган таъсирсиз бажаришлари учун зарур бўлган мустақиллик билан таъминланадилар. Бундай шахслар ёки бу каби органнинг ходимлари ўз вазифаларини бажаришлари учун тегишли малака ва ресурсларга эга бўлишлари лозим.

37-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳатти-ҳаракатларда иштирок этаётган ёки иштирок этган шахсларни ваколатли органлар учун тергов ишларини олиб бориш ва исботлаш мақсадида фойдали бўлган маълумотларни тақдим этишга ва жиноятчиларни жиноят йўли билан орттирилган даромадлардан маҳрум қилишга ва бу каби даромадларни қайтариш бўйича чоралар кўрилишига кўмаклашувчи амалий ва аниқ ёрдам беришга рағбатлантиришни кўзда тутувчи тегишли чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тергов ишлари ёки жиноятни фош этиш пайтида салмоқли даражада ҳамкорлик қилган айбланувчи шахсга нисбатан қўлланиладиган жазони юмшатиш имкониятини кўзда тутилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат, ўзининг ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ тарзда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳар қандай жиноий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тергов ишлари ёки жиноятни фош этиш давомида сезиларли ва аҳамиятли даражада ҳамкорлик қилган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмаслиги имкониятини кўзда тутилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

4. Бундай шахсларнинг ҳимояси, *mutatis mutandis*, яъни мазкур Конвенциянинг 32-моддасида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган шахс бир иштирокчи давлат ҳудудида бўла туриб, иккинчи иштирокчи давлатнинг ваколатли органлари билан аҳамиятли даражада ҳамкорлик қила олса, у ҳолда манфаатдор иштирокчи давлатлар ўзларининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда бундай шахс учун мазкур модданинг 2- ва 3- бандларида

кўрсатилган режим тақдим этилиши мумкин эканлиги хусусида келишув ва битимлар тузиш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

38-модда. Миллий органлар ўртасидаги ҳамкорлик

Ҳар бир иштирокчи давлат ички қонунчилигига мувофиқ тарзда бир томондан ўзининг давлат идоралари, шунингдек давлат идораларининг мансабдор шахслари ва иккинчи томондан, содир этилган жиноятлар бўйича тергов ишларини олиб боришга ва жиноятни фош этиш учун масъул бўлган органлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Бу каби ҳамкорлик қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) агар мазкур Конвенциянинг 15-, 21- ва 23-моддаларига мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар содир этилганлигини эътироф этиш учун мантиқий асослар мавжуд бўлса, бундай масъул органларга ўзининг шахсий ташаббуси билан маълумотлар тақдим этилиши; ёки

б) тегишли мурожаатга асосан, бундай органларга барча зарур маълумотларнинг тақдим этилиши.

39-модда. Миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда миллий тергов ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат одатда ўзининг ҳудудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилганлиги тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқади.

40-модда. Банк сир

Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатлар содир этилиши билан боғлиқ ички жиноий тергов ишлари олиб борилаётган ҳолатларда, банк сир тўғрисидаги қонунчилик ҳолатлари қўлланилиши натижасида юзага келувчи тўсиқларни енгиш учун, ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида зарур тегишли механизмлар бўлишини таъминлайди.

41-модда. Судланганлик тўғрисидаги маълумотлар

Ҳар бир иштирокчи давлат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан бошқа давлатда илгари чиқарилган ҳар қандай айблов ҳукмини, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ жиноий тергов жараёнида ушбу маълумотдан фойдаланиш учун ўзи лозим деб топган шартлар ва мақсадларда ҳисобга олиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриши мумкин.

42-модда. Юрисдикция

1. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради, қачонки:

а) жиноят ушбу иштирокчи давлатнинг ҳудудида содир этилса, ёки

б) жиноят содир этилиши ушбу иштирокчи давлатнинг байроғи остидаги кемада ёки жиноят содир этилиши вақтида ушбу иштирокчи давлат қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳаво кемасида рўй берса.

2. Иштирокчи давлат, шунингдек, мазкур Конвенциянинг 4-моддасига риоя қилиш шарти билан, ҳар қандай жиноятга нисбатан суд қилиш ҳуқуқини белгилаши мумкин, агарда:

а) жиноят ушбу иштирокчи давлат фуқаросига нисбатан содир этилган бўлса, ёки

б) жиноят ушбу иштирокчи давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган, одатда, унинг ҳудудида истиқомат қилувчи шахс томонидан содир этилган бўлса, ёки

с) жиноят мазкур Конвенциянинг 23-моддаси, 1(b)(ii) бандига мувофиқ тан олинган жиноятларнинг бири ҳисобланса ва ушбу иштирокчи давлат ҳудудидан ташқарида мазкур Конвенциянинг 23-моддаси, 1(a)(i) ёки (ii) ёки

(b)(i) бандига мувофиқ жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этиш мақсадида унинг ҳудудида амалга оширилган бўлса, ёки

д) жиноят ушбу иштирокчи давлатга қарши содир этилган бўлса.

3. Мазкур Конвенциянинг 44-моддасининг мақсадлари учун ҳар бир иштирокчи давлат, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудудида бўлишига қарамай, фақатгина ўзининг фуқароларидан бири бўлганлиги сабабли ушбу шахсни ушлаб бермаётган бўлса, у ҳолда мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

4. Ҳар бир иштирокчи давлат, шунингдек, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудуди чегараларида бўлиб, у ушбу шахсни ушлаб бермаса, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни ҳам кўриши мумкин.

5. Агар ўзининг суд қилиш ҳуқуқини мазкур модданинг 1- ёки 2-моддасига кўра амалга оширувчи иштирокчи давлат бошқа иштирокчи давлатлар худди ўша ҳаракатлар хусусида текширув, жиноий иш ёки суд иши олиб бораётганлари ҳақида билдириш хати олса ёки бошқача тарзда бу ҳақда хабар топса, у ҳолда ушбу иштирокчи давлатларнинг ваколатли органлари, тегишли ҳолатларда, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида бир-бирлари билан ўзаро маслаҳатлашадилар.

6. Мазкур Конвенция, умумий халқаро ҳуқуқ меъёрларига таъсир кўрсатмаган тарзда, иштирокчи давлат томонидан ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ белгиланган ҳар қандай жиноий суд ҳуқуқини амалга оширилишини истисно этмайди.

VI боб

Халқаро ҳамкорлик

43-модда. Халқаро ҳамкорлик

1. Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенциянинг 44-50-моддаларига мувофиқ жиноят ҳуқуқи доирасига кирган масалалар бўйича ҳамкорлик қиладилар. Иштирокчи давлатлар, агар бу мақсадга мувофиқ бўлса ва ўзларининг ички қонунчилик тизимларига тўғри келса, коррупция билан боғлиқ бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий ишларни текшириш ва амалга ошириш бўйича бир-бирларига кўмаклашиш имкониятини кўриб чиқадиладилар.

2. Агар халқаро ҳамкорлик масалалари билан боғлиқ ҳолатларда тегишли ҳаракатни жиноят деб икки томонлама тан олиш принципига риоя қилиниши талаб этилса, сўралаётган иштирокчи давлатнинг қонунчилиги тегишли ҳаракатни жиноятлар тоифасига киритиш ёки киритмаслиги ёки сўров юбораётган иштирокчи давлат уни таърифлашда сўралаётган иштирокчи давлат қўллайдиган атамалар каби атамалар билан таърифлаши ёки таърифламаслигидан қатъий назар, агар жиноят таркибини ташкил қилувчи ҳаракат иккала

иштирокчи давлатнинг қонунчилигига мувофиқ жиноий жазога лойиқ деб тан олинган бўлса, ушбу принципга амал қилинган ҳисобланади.

44-модда. Ушлаб бериш

1. Ушбу модда мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан, агар ушлаб берилиши лозим бўлган шахс сўров берилган иштирокчи давлат ҳудудида бўлса ва содир этилган ҳатти-ҳаракат сўров берилган иштирокчи давлатда ҳам, сўров юбораётган иштирокчи давлатда ҳам жиноий жавобгарликка лойиқ деб топилиш шарти билан қўлланилади

2. Иштирокчи давлат, мазкур модданинг 1-бандида келтирилган ҳолатлардан қатъий назар, ўзининг ички қонунчилигида жиноий жазога лойиқ деб топилмаган, лекин мазкур Конвенцияда кўзда тутилган ҳар қандай жиноятга алоқадор шахсни, агар унинг қонунчилиги бунга йўл қўйса, ушлаб беришга рухсат бериши мумкин.

3. Агар ушлаб бериш тўғрисидаги сўров мурожаати бир неча алоҳида жиноятлар хусусида бўлса ва уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси мазкур моддага кўра ушлаб берилишини тақозо қилса, бошқалари эса жазо берилиши муддатлари бўйича ушлаб беришни истисно қилса, бироқ у мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар сирасига кирса, сўралаётган иштирокчи давлат ушбу жиноятларга нисбатан ҳам мазкур моддани қўллаши мумкин.

4. Мазкур модда қўлланиладиган ва ушлаб берилишини тақозо қилувчи жиноятларнинг ҳар бири ушлаб бериш тўғрисида иштирокчи давлатлар ўртасида тузилган ҳар қандай шартномага жиноят сифатида киритилган деб ҳисобланади. Иштирокчи давлатлар, бу каби жиноятларни, ушлаб берилишини тақозо қиладиган жиноятлар сифатида ушлаб бериш тўғрисидаги ўзаро тузиладиган шартномаларга киритиш мажбуриятини оладилар. Иштирокчи давлат, агар ушлаб бериш учун асос сифатида мазкур Конвенциядан фойдаланса, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган ҳар қандай жиноий ҳатти-ҳаракатларни, агар унинг қонунчилиги бунга йўл қўйса, сиёсий жиноят деб тан олмайди.

5. Агар иштирокчи давлат ушлаб беришни шартнома мавжудлиги билан шартлаб берадиган бўлса, ушлаб бериш тўғрисида у билан шартнома тузмаган бошқа иштирокчи давлатдан ушлаб бериш ҳақида сўров мурожаати олганида, у мазкур модда қамраб оладиган ҳар қандай жиноят содир этилиши билан боғлиқ ушлаб бериш учун мазкур Конвенцияни асос сифатида қўллаши мумкин.

6. Ушлаб беришни шартноманинг мавжудлиги билан шартлаб берувчи иштирокчи давлат:

а) ўзининг ратификацион ёрлиғини ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки тасдиқлаши ёхуд унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшираётганида ушлаб бериш масалалари бўйича бошқа Давлатлар - мазкур Конвенциянинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш учун мазкур Конвенциядан ҳуқуқий асос сифатида фойдаланиши тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига маълумот беради.

б) агар у ушлаб бериш масалалари бўйича мазкур Конвенциядан ҳуқуқий асос сифатида фойдаланмаса, у ҳолда мазкур моддани қўллаш мақсадида мазкур Конвенциянинг бошқа иштирокчи давлатлари билан, тегишли ҳолатларда, ушлаб бериш тўғрисидаги шартномаларни тузишга интилади.

7. Ушлаб беришни шартноманинг мавжудлиги билан шартламайдиган иштирокчи давлатлар бир-бирларининг ўртасидаги ўзаро муносабатларда мазкур модда доирасига кирган жиноятларни ушлаб беришни тақозо қиладиган жиноий ҳатти-ҳаракатлар деб тан оладилар.

8. Ушлаб бериш сўралаётган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигида кўзда тутилган шартларга, шу жумладан, бошқа ҳолатлар билан бир қаторда, ушлаб беришга нисбатан минимал жазо белгиланиши талаблари билан боғлиқ шартларга ва сўралаётган

иштирокчи давлат ушлаб беришни рад этиши мумкин бўлган асосларга мувофиқ амалга оширилади.

9. Иштирокчи давлатлар, мазкур модда доирасига кирган ҳар қандай жиноятга нисбатан, ўзларининг ички қонунчиликлариغا риоя қилиш шarti билан, ушлаб бериш тартиботини тезлаштириш ва у билан боғлиқ бўлган исбот-далилларни тақдим этишни соддалаштириш учун барча имкониятларини ишга соладилар.

10. Иштирокчи давлат юзага келган вазият шуни талаб қилишини ва кечиктириб бўлмайдиган эканлигига амин бўлиб ҳамда сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг мурожаатига асосан, ўзининг ички қонунчилигига ва ушлаб бериш тўғрисидаги ўзи имзолаган шартномаларга риоя қилган ҳолда, ўзининг ҳудудида бўлган ва ушлаб берилиши сўралаётган шахсни ҳибсга олиши ёки ушлаб бериш тартиботи жараёнида унинг бўлиши учун бошқа тегишли чоралар кўриши мумкин.

11. Иштирокчи давлат, ўзининг ҳудудида бўлган ва мазкур модда қўлланилаётган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни фақатгина ушбу шахс ўзининг фуқароси бўлганлиги сабабли ушлаб бермаётган бўлса, ушлаб беришни сўраётган иштирокчи давлатнинг мурожаатига асосан, тергов олиб бориш мақсадида, асосланмаган кечиктиришларсиз ишни ўзининг ваколатли органларига топшириши керак. Ушбу органлар ўз қарорларини қабул қиладилар ва мазкур иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигига асосланган тарзда хавфли тавсифга эга ҳар қандай бошқа жиноятларга нисбатан бўлгани каби тергов ишларини амалга оширадилар. Манфаатдор иштирокчи давлатлар бу каби жинoий ишлар юзасидан олиб бориладиган тергов ишлари самарали кечишини таъминлаш мақсадида бир-бирлари билан, хусусан, процессуал масалалар ва исбот қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қиладилар.

12. Иштирокчи давлатга, унинг ички қонунчилигига кўра, ўз фуқароларининг бирини ушлаб беришга ёки бошқа йўл билан топширишга фақатгина, ушбу шахснинг ушлаб берилишини ёки топширилишини сўраш билан боғлиқ бўлган суд муҳокамаси ёки тергов ишлари натижасида чиқарилган жазони ўташ учун мазкур иштирокчи давлатга қайтариб берилиши шarti билан рухсат берилган ва бу иштирокчи давлат ҳамда ушбу шахсни ушлаб берилишини сўраётган иштирокчи давлат бу каби тартибга ва улар мақбул деб ҳисоблаган бошқа шартларга рози бўлган барча ҳолатларда, ушбу шахснинг бундай шартли равишда ушлаб берилиши ёки топширилиши мазкур модданинг 11-бандида белиланган мажбурият бажарилиши учун етарли ҳисобланади.

13. Чиқарилган ҳукми ижро этиш мақсадида сўралган ушлаб беришга қидирилаётган шахс сўралаётган иштирокчи давлатнинг фуқароси бўлганлиги боис рад жавоби берилса, сўралаётган иштирокчи давлат, агар унинг ички қонунчилиги бунга йўл қўйса ва бу ҳолат бундай қонунчиликнинг талабларига жавоб берса, сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг мурожаатига биноан сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ чиқарилган ҳукми ёки ҳукмнинг қолган қисмини ижро этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

14. Мазкур модда доирасига кирган ҳар қандай жиноятни содир этганлиги билан боғлиқ бўлган терговга тортилган шахсга нисбатан терговнинг барча босқичларида адолатли муносабатда бўлиниши, шу жумладан ушбу шахс жойлашган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигида кўзда тутилган барча ҳуқуқ ва кафолатларнинг қўлланилиши кафолатланади.

15. Агар сўралаётган иштирокчи давлатда ушлаб бериш тўғрисидаги мурожаат ҳар қандай шахснинг жинси, ирқи, диний эътиқоди, этник келиб чиқиши ёки сиёсий қарашлари сабабли таъқиб қилиш ёки жавобгарликка тортиш мақсадида қилинаётганлиги ёки ушбу мурожаатнинг қондирилиши юқорида санаб ўтилган сабаблар бўйича ушбу шахснинг ҳолатига зарар етказиши мумкинлиги ҳақида салмоқли ва етарли асослар бўлса, у ҳолда мазкур Конвенциянинг ҳеч бир ҳолати ушлаб бериш мажбуриятини белгилайдиган тарзда талқин қилинмайди.

16. Иштирокчи давлатлар ушлаб бериш тўғрисидаги мурожаатга фақат жиноят солиқ масалалари билан боғлиқ деб топилган ҳолатлардагина рад эта олмайдилар.

17. Сўралаётган иштирокчи давлат, ушлаб беришга рад жавобини беришдан олдин, ўз фикрини баён этиши учун етарли имконият ва ушлаб бериш тўғрисидаги мурожаатда баён этилган далиллар билан боғлиқ маълумотлар тақдим этилиши учун, тегишли ҳолатларда, сўров юбораётган давлат билан маслаҳатлар ўтказилади.

18. Иштирокчи давлатлар ушлаб беришни амалга ошириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ёки келишувлар тузишга интилади.

45-модда. Ҳукм этилган шахсларни топшириш

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлари учун қамоқ жазосига ёки озодликдан маҳрум этишнинг бошқа турларига ҳукм қилинган шахсларни, улар жазо муддатини ўзларининг ҳудудида ўташларини таъминлаш мақсадида, топшириш тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин.

46-модда. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам

1. Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенция билан қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган тергов ишлари, жиноий қидирув ишлари ва суд муҳокамаларида бир-бирларига энг кенг миқёсдаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

2. Сўров юбораётган иштирокчи давлатда, мазкур Конвенциянинг 26-моддасига кўра, юридик шахс жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жиноят билан боғлиқ тергов ишлари, жиноий қидирув ишлари ва суд муҳокамаси учун зарур бўлган ва тегишли қонунларга, халқаро шартномаларга ҳамда сўралаётган иштирокчи давлатнинг келишув ва битимларига мувофиқ кўрсатилаётган ўзаро ҳуқуқий ёрдам имкон қадар максимал ҳажмда тақдим этилади.

3. Мазкур моддага мувофиқ тақдим этилаётган ўзаро ҳуқуқий ёрдам куйидаги мақсадларнинг бирор бирини қўзлаб сўралиши мумкин:

- a) айрим шахслардан гувоҳлик кўрсатмалари ёки аризаларни олиш;
- b) суд ҳужжатларини топшириш;
- c) тинтув ўтказиш ва банд солиш, шунингдек операцияларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш (тўхтатиб туриш);
- d) объектлар ва ҳудуд участкаларини текширувдан ўтказиш;
- e) маълумотларни, ашёвий далиллар ва экспертларнинг чиқарган хулосаларини тақдим этиш;
- f) тегишли ҳужжат ва материаллар, шу жумладан ҳукумат, банк, молиявий, корпоратив ёки тижорат ҳужжатларининг асл нусхалари ва тасдиқланган нусхаларини тақдим этиш;
- g) исботлаш мақсадларида жиноят йўли билан орттирилган даромадларни фош қилиш, мол-мулк, жиноят содир этиш воситалари ёки бошқа предметларни аниқлаш ёки кузатиш;
- h) тегишли шахсларнинг сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг органларига ихтиёрий равишда келишига кўмаклашиш;
- i) сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай бошқа турдаги ёрдамни кўрсатиш;
- j) мазкур Конвенциянинг V бобида келтирилган қоидаларга мувофиқ тарзда, жиноят йўли билан орттирилган даромадларни фош қилиш, ишга солмай тўхтатиб туриш ва кузатиш;
- k) мазкур Конвенциянинг V бобида келтирилган қоидаларга мувофиқ тарзда активларни мусодара қилиш (муомаладан чиқариш).

4. Иштирокчи давлатнинг ваколатли органлари, ички қонунчиликка таъсир кўрсатмаган ва унга зид бўлмаган тарзда, жиноий-ҳуқуқий масалаларга таълуқли

маълумотларни бошқа иштирокчи давлатнинг ваколатли органига, бундай маълумотлар ушбу органга тергов ишларини ва жиноий қидирув ишларини амалга оширишга ёки муваффақиятли яқунлашга ёки ушбу иштирокчи давлат томонидан мурожаатнома тузилишини тақозо қилишга ёрдам бериши мумкин деб ҳисобласалар, дастлабки мурожаатсиз топширишлари мумкин.

5. Мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ маълумотнинг берилиши маълумотни тақдим этаётган давлатнинг ваколатли органлари тергов ишлари ва жиноий иш юритилишга зарар етказмаган тарзда амалга оширилади. Маълумот олаётган ваколатли органлар ушбу маълумотнинг махфий хусусиятга эга жиҳатларини, ҳаттоки, вақтинчалик сақлаб туриш тўғрисидаги илтимосни бажарадилар ёки ундан фойдаланишга қўйилган чекловларга риоя қиладилар. Бирок, бу ҳолат, маълумотни олган иштирокчи давлатга ўзида олиб борилаётган иш давомида айбланувчини оқлайдиган маълумотларни аниқлашга тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолларда, маълумот олган иштирокчи давлат, маълумотни ошкор қилишдан олдин, маълумотни тақдим этган иштирокчи давлатга хабар беради ва, агар бу ҳақда мурожаат олинса, маълумот тақдим этган иштирокчи давлат билан маслаҳатлашади. Агар, камдан-кам учрайдиган ҳолларда, олдиндан хабар беришнинг имкони бўлмаса, маълумот олаётган иштирокчи давлат бу каби ошкор этилиш тўғрисида маълумот тақдим этаётган иштирокчи давлатга хабар беради.

6. Мазкур модданинг ҳолатлари ҳар қандай бошқа, хоҳ икки томонлама, хоҳ кўп томонлама бўлишидан қатъий назар, ўзаро ҳуқуқий ёрдамни тўлиқ ёки қисман мувофиқлаштирувчи ёхуд мувофиқлаштирадиган шартнома бўйича мажбуриятларга таълуқли эмас.

7. Мазкур модданинг 9-29 бандлари, агар тегишли иштирокчи давлатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги бирор бир шартнома тузмаган бўлсалар, мазкур моддага асосан жўнатилган мурожаатларга нисбатан қўлланилади. Агар иштирокчи давлатлар бу каби шартнома тузган бўлсалар ва иштирокчи давлатлар ушбу шартноманинг тегишли ҳолатлари ўрнига мазкур модданинг 9-29 бандларини қўллашга рози бўлмасалар, у ҳолда шартноманинг айнан шу қоидалари қўлланилади. Иштирокчи давлатларга, агар бу ҳамкорликка кўмак берадиган бўлса, айнан шу бандларни қўллаш тавсия қилинади.

8. Иштирокчи давлатлар банк сирини махфий тутишга асосланган ҳолда, мазкур моддага кўра, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тақдим этилишини рад этмайдилар.

9. а) Сўралаётган иштирокчи давлат, агар тегишли ҳатти-ҳаракат жиноят деб иккала тарафлама тан олинмаган бўлса, мазкур моддага кўра ёрдам берилиши тўғрисида қилинган мурожаатга жавоб беришда мазкур Конвенциянинг 1-моддасида кўрсатилган мақсадларни эътиборга олади;

б) иштирокчи давлатлар тегишли ҳатти-ҳаракат жиноят деб иккала тарафлама тан олинмаганлигига асосланиб мазкур моддага кўра ёрдам тақдим этилишидан бош тортишлари мумкин. Шу билан бирга, сўралаётган иштирокчи давлат, ҳуқуқий тизимларининг асосий концепцияларига мувофиқ бўлиши шарти билан ва агар бундай ёрдам мажбурий чоралар кўрилиши билан боғлиқ бўлмаса, ёрдамни тақдим этади. Агар мурожаат *de minimis* хусусиятига эга бўлган масалалар билан боғлиқ бўлса ёки сўралаётган ҳамкорлик ёхуд ёрдам мазкур Конвенциянинг бошқа ҳолатига мувофиқ таъминланиши мумкин бўлса, бу каби ёрдамнинг кўрсатилишига рад жавоби берилиши мумкин;

с) ҳар бир иштирокчи давлат тегишли ҳатти-ҳаракат жиноят деб икки тарафлама тан олинмаганида мазкур моддага биноан катта ҳажмда ёрдам кўрсатишга қодир бўлиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятларини кўриб чиқиши мумкин.

10. Ҳибсга олинган ва бир иштирокчи давлат ҳудудида қамоқ жазоси муддатини ўтаётган шахснинг мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган шахсни аниқланиш, гувоҳлик бериш ёки тергов иши, кўрилаётган жиноий иш учун исбот-далиллар олиш мақсадларида бошқа иштирокчи давлатда бўлиши талаб қилинаётган бўлса, у ҳолда қуйидаги талабларга риоя қилиш шарти билан ушбу шахс бошқа иштирокчи давлатга топширилиши мумкин:

- а) ушбу шахс бунга ўзининг онгли тарзда розилигини берса;
- б) иккала иштирокчи давлатнинг ваколатли органлари ушбу давлатлар тегишли деб топишлари мумкин бўлган шартларда келишувга эришсалар.

11. Мазкур модданинг 10-банди мақсадлари учун:

а) топширилган шахсни қабул қилган иштирокчи давлат, агар ушбу шахсни топширган иштирокчи давлат бошқа чоралар қўлланилишини сўрамаган ёки рухсат бермаган бўлса, бу шахсни қамокда сақлашга ҳақли ва қамокда сақлаши лозим;

б) топширилаётган шахсни қабул қилиб олган иштирокчи давлат ушбу шахсни топширган иштирокчи давлатга қайтариб бериш бўйича ўз мажбуриятини бундан олдин келишиб олинганидек ёки иккала иштирокчи давлатнинг ваколатли органлари томонидан бошқача тарзда келишиб олинганидек зудлик билан бажаради;

с) топширилаётган шахсни қабул қилиб олган иштирокчи давлат ушбу шахсни топширган иштирокчи давлатдан топшириш ёки қайтариш жараёнини қўзғатишни талаб қилмайди;

д) топширилган шахснинг, уни топширган давлатда ўтаётган қамок муддатига, топширилган иштирокчи давлатдаги унинг қамокда бўлган муддати ҳам қўшилади.

12. Мазкур модданинг 10- ва 11-бандларига мувофиқ ҳар қандай шахсни топшириши лозим бўлган иштирокчи давлатнинг розилигисиз, топширилаётган давлат ҳудудида ушбу шахснинг, фуқаролиги қандай бўлишидан қатъий назар, уни топширган давлат ҳудудидан кетишидан олдинги вақт оралиғига таълуқли бўлган ҳаракатлар, бажарилмаган ҳаракатлар ёки ҳукм чиқарилиши билан боғлиқ бўлган таъқиб қилинишига, қамокқа олинишига, жавобгарликка тортилишига ёки шахсий озодлигининг бошқа чекланишларига йўл қўйилмайди.

13. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам берилиши ҳақидаги мурожаатларни қабул қилишга ёки уларни бажаришга ёхуд уларни бажариш учун ваколатли органларга жўнатишга масъул ва тегишли ваколатларга эга бўлган марказий органни тайинлайди. Агар иштирокчи давлатда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг алоҳида тизимига эга махсус ҳудуд ёки минтақа бўлса, у ушбу ҳудуд ёки минтақада худди шундай вазифаларни бажарувчи алоҳида марказий органни тайинлаши мумкин. Марказий органлар қабул қилинган мурожаатларни тезкор ва тегишли тарзда бажарилиши ёки жўнатилишини таъминлайдилар. Агар марказий орган мурожаатни бажариш учун ваколатли органга жўнатаётган бўлса, ушбу мурожаат ваколатли орган томонидан тезкор ва тегишли равишда бажарилишига қўмаклашади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ратификацион ёрлигини ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки уни тасдиқлаши ёни унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатини сақлаш учун топшираётганида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушуб мақсадларда тайинланган марказий орган ҳақида хабардор қилинади. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатлар ва уларга таълуқли ҳар қандай маълумотлар иштирокчи давлатлар тайинлаган марказий органлар томонидан жўнатилади. Бу талаб иштирокчи давлатнинг бундай мурожаатлар ва маълумотларни дипломатик каналлар орқали ва фавқулодда вазиятларда, иштирокчи давлатлар бу ҳақда олдиндан келишиб олган бўлсалар ва агар, бунинг имкони бўлса, Жиноий полициянинг халқаро ташкилоти орқали унга етказилишини талаб қилишдек ҳуқуқини чекламайди.

14. Мурожаатлар ёзма кўринишда ёки, агар бунинг имкони бўлса, сўралаётган иштирокчи давлат учун мақбул бўлган тилда ёзма матн тузишнинг ва ушбу иштирокчи давлатга унинг аслига тўғри эканлигини аниқлаш имкониятини берувчи шартларда ҳар қандай воситалар ёрдамида жўнатилади. Ратификацион ёрлик ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки уни тасдиқлаши ёни унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилаётганида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳар бир иштирокчи давлат учун мақбул бўлган тил ёки тиллар тўғрисида хабардор қилинади. Фавқулодда вазиятларда ва, агар иштирокчи давлатлар томонидан бу ҳақда олдиндан келишиб олинган бўлса, мурожаатлар оғзаки кўринишда жўнатилиши мумкин, лекин бу оғзаки мурожаатлар зудлик билан ёзма равишда тасдиқланадилар.

15. Ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатилиши тўғрисидаги муурожаатда қуйидагилар кўрсатилади:

а) илтмос билан муурожаат қилаётган органнинг номланиши;

б) масаланинг моҳияти ва муурожаатга таълуқли текширув ишлари, қўзғатилган жиноий иш ёки суд муҳокамасининг тавсифи, шунингдек бу текширув ишлари, қўзғатилган жиноий иш ёки суд муҳокамасини амалга ошираётган органнинг номланиши ва вазибалари;

в) судга оид ҳужжатларни топшириш билан боғлиқ муурожаатлари бундан мустасно ўлароқ, тегишли далилларнинг қисқача баёни;

д) сўралаётган ёрдамнинг таърифи ва сўров юбораётган иштирокчи давлат риоя қилиниши таъминланишини хоҳлаётган ҳар қандай аниқ тартибот тўғрисида батафсил маълумот;

е) имкон борича, ҳар қандай тегишли шахснинг жойлашган ери, фуқаролиги ва шахси тўғрисидаги маълумотлар; ва

ф) далиллар, маълумот ёки чоралар сўралишидан мақсад.

16. Сўралаётган иштирокчи давлат, агар бирор бир қўшимча маълумот унинг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда муурожаатнинг бажарилиши учун ёки бундай муурожаатнинг бажарилишини енгиллаштирадиган бўлса, зарур бўлган ҳолатларда ушбу қўшимча маълумотни сўраши мумкин.

17. Муурожаат, сўралаётган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ ва сўралаётган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигига зид бўлмаган тарзда, ва имкон қадар муурожаатда кўрсатилган тартиботларга мувофиқ тарзда бажарилади.

18. Агар бирор бир шахс иштирокчи давлат ҳудудида бўлса ва гувоҳ ёки эксперт сифатида бошқа иштирокчи давлатнинг суд органларига гувоҳлик ёки кўрсатма бериши керак бўлиб ва тегишли шахснинг сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг ҳудудида бўлишининг имкони бўлмаса ёки иштирокчи давлатнинг ҳудудида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлмаса, гувоҳлик ёки кўрсатма берилишини, имконият даражасида ва ички қонунчиликнинг энг муҳим принципларига мувофиқ тарзда, биринчи иштирокчи давлат иккинчи иштирокчи давлатнинг муурожаатига асосан, видео алоқа ёрдамида амалга ошириши мумкин. Иштирокчи давлатлар гувоҳлик ва кўрсатмалар берилишини сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг суд органлари сўралаётган иштирокчи давлатнинг суд органлари иштирокида ўтказиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

19. Сўров юбораётган иштирокчи давлат сўралаётган иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган маълумот ва исбот-далиллардан, сўралаётган иштирокчи давлатнинг олдиндан берган розилигисиз, муурожаатномада кўрсатилган тергов ишлари ёки суд муҳокамасидан бошқа тергов ишлари ёки суд муҳокамасида фойдаланмайди. Мазкур банддаги ҳеч қандай ҳолат сўров юбораётган иштирокчи давлат томонидан унинг ҳудудида ўтаётган тергов ва текширув ишлари жараёнида айбланувчини оқловчи маълумотлар ёки исбот-далилларни аниқланишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолатларда, сўров юбораётган иштирокчи давлат, маълумотлар ёки исбот-далилларни аниқлашдан олдин, сўралаётган иштирокчи давлатни бу ҳақда хабардор қилади ва агар, маслаҳатлашиш тўғрисида муурожаат қилинган бўлса, сўралаётган иштирокчи давлат билан маслаҳатлар ўтказади. Агар, истисно ҳолларда, олдиндан хабар беришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда сўров юбораётган иштирокчи давлат бу каби оқловчи маълумотлар ёки исбот-далиллар аниқланганлиги ҳақида зудлик билан сўралаётган иштирокчи давлатга хабар беради.

20. Сўров юбораётган иштирокчи давлат, муурожаатнинг бажарилиши учун зарур бўлган нарсаларни истисно қилганда, унинг мавжудлиги ва унинг моҳияти ошқора қилинмаслигини сўралаётган иштирокчи давлатдан талаб қилиши мумкин. Агар сўралаётган Давлат ошқор қилинмаслик тўғрисидаги талабни бажара олмайдиган бўлса, у ҳолда сўров юбораётган иштирокчи давлатни дарҳол бу тўғрисида хабардор қилади.

21. Ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатилишига қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

а) агар муурожаат мазкур модданинг ҳолатларига мувофиқ бўлмаган тарзда берилса;

b) агар сўралаётган иштирокчи давлат мурожаатнинг бажарилиши унинг суверенитети, хавфсизлиги, оммавий тартибига ёки бошқа ҳаётий муҳим манфаатларига зарар етказди деб ҳисобласа;

c) агар сўралаётган иштирокчи давлатнинг ички қонунчилиги бу каби ҳар қандай жиноятга нисбатан, агар бундай жиноят унинг суд қилиш ҳуқуқлари чегарасида олиб бориладиган текширув, тергов ишлари ёки суд муҳокамасининг предмети ҳисобланиб, сўралаётган чораларни амалга оширишни таъқиқлайдиган бўлса;

d) агар мурожаатнинг бажарилиши сўралаётган Давлатнинг ҳуқуқий тизимидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларига таълуқли қисмига зид бўлса.

22. Иштирокчи давлатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги мурожаатни, фақат, жиноят, шунингдек солиқ масалалари билан боғлиқ деб ҳисобланганлиги сабабли рад этишлари мумкин эмас.

23. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тақдим этилишига нисбатан билдирилган рад жавобларининг барчаси асосланиб берилиши лозим.

24. Сўралаётган иштирокчи давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши ҳақидаги мурожаатни имкон қадар қисқа муддатларда бажаради ва сўров юбораётган иштирокчи давлат томонидан таклиф қилинаётган ва, биринчи навбатда, мурожаатнинг ўзида асосланиб берилган ҳар қандай энг қисқа муддатларни имкон борича тўлиқ инobatга олади. Сўров юбораётган иштирокчи давлат сўралаётган иштирокчи давлат томонидан унинг мурожаатини қондириш учун кўрилаётган чоралар мақоми ва мурожаатнинг бажарилиши бўйича маълумотлар тақдим этилиши тўғрисидаги оқилона сўровлар билан мурожаат қилиши мумкин. Сўров юбораётган иштирокчи давлат сўралган ёрдам зарурати қолмаганлиги тўғрисида тезкор равишда сўралаётган иштирокчи давлатни хабардор қилади.

25. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши, амалга оширилаётган текширув, жиноий тергов ишлари ёки суд муҳокамасига тўсқинлик қилиши мумкинлиги билан асосланган ҳолда, сўралаётган иштирокчи давлат томонидан кечиктирилиши мумкин.

26. Мазкур модданинг 21-бандига асосан мурожаатга рад жавобини беришдан ёки мазкур модданинг 25-бандига асосан мурожаатнинг бажарилишини кечиктиришдан олдин сўралаётган иштирокчи давлат сўров юбораётган иштирокчи давлат томонидан зарур деб топилган шарт ва муддатларда ёрдам кўрсатилиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида сўров юбораётган иштирокчи давлат билан маслаҳатлашади. Агар сўров юбораётган иштирокчи давлат бу каби шартларда ёрдам кўрсатилишига рози бўлса, у ҳолда бу шартларга риоя қилади.

27. Сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг мурожаатига асосан, ушбу давлатнинг ҳудудида ўтказилаётган тергов ишларини амалга оширишда ёки суд муҳокамасида кўрсатмалар беришга розилик берган гувоҳ, эксперт ёки бошқа шахснинг, мазкур модданинг 12-банди қўлланилишига таъсир кўрсатмаган тарзда, уни топширган давлат ҳудудидан кетишидан олдинги вақт оралиғига таълуқли бўлган ҳаракатлар, бажарилмаган ҳаракатлар ёки ҳукм чиқарилиши билан боғлиқ бўлган таъқиб қилинишига, қамоққа олинишига, жавобгарликка тортилишига ёки шахсий озодлигининг бошқа чекланишларига йўл қўйилмайди. Агар гувоҳ, эксперт ёки бошқа шахс, унинг ушбу ҳудудда бўлиши суд органларига талаб қилинмаслиги ҳақида расмий равишда хабардор қилинган кундан бошлаб кетма-кет ўн беш кун давомида ёки иштирокчи давлатлар ўзаро келишиб олган муддат давомида сўров юбораётган иштирокчи давлат ҳудудидан чиқиб кетиш имкониятига эга бўлсада, лекин ўз ихтиёри билан ушбу ҳудудда қолса ёки ўзининг хоҳишига кўра яна қайтиб келса, у ҳолда бундай шахсий хавфсизлик кафолатининг амал қилиши тугайди.

28. Мурожаатни бажариш билан боғлиқ одатдаги харажатлар, агар манфаатдор иштирокчи давлатлар бошқа шартлар тўғрисида келишиб олмаган бўлсалар, сўров юбораётган иштирокчи давлат томонидан қопланадилар. Агар мурожаатнинг бажарилиши жиддий ва фавқулодда харажатларни талаб қиладиган бўлса, иштирокчи давлатлар

мурожаат қайси шартларда бажарилиши, шунингдек, харажатларни қоплаш тартиби хусусида маслаҳатлашиб оладилар.

29. Сўралаётган иштирокчи давлат:

а) сўров юбораётган иштирокчи давлатга ўзида мавжуд бўлган ва ички қонунчилигига мувофиқ оммавий тарзда фойдаланишга рухсат берилган ҳукумат томонидан чиқарилган материаллар, ҳужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тақдим этади;

б) ўзи лозим топган ҳолларда сўров юбораётган иштирокчи давлатга, ўзи тегишли деб топган шартларга риоя қилиш шарти билан ўзида мавжуд бўлган ва ички қонунчилигига мувофиқ оммавий тарзда фойдаланишга рухсат этилмаган ҳукумат томонидан чиқарилган материаллар, ҳужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тўлиқ ёки қисман тақдим этади.

30. Иштирокчи давлатлар, зарурат туғилишига қараб, ушбу модда мақсадларига жавоб берувчи, унинг амал қилишини таъминловчи ёки тутган ўрнини мустаҳкамловчи икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар тузиш имкониятини кўриб чиқадиладар.

47-модда. Жиноий иш юритувини топшириш

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар муносабати билан юритилаётган текширув ишларини, бу каби ўзаро топширишлар одил судлов тегишли тарзда амалга оширилиши манфаатларига жавоб беради деб ҳисобланса, хусусан, агар жиноий ишларни бирлаштириш учун бир нечта юрисдикцияга мурожаат қилиниши лозим бўлса, ўзаро топшириш имкониятларини кўриб чиқадиладар.

48-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик

1. Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга қарши кураш олиб бориш учун қўлланиладиган қонуний чоралар самарадорлигини ошириш мақсадида, ўзларининг ички ҳуқуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ тарзда, бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар. Иштирокчи давлатлар, хусусан, қуйидагиларга қаратилган самарали чораларни кўрадиладар:

а) мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларнинг барча жиҳатлари тўғрисида, жумладан, агар иштирокчи давлатлар буни зарур деб топсалар, жиноий фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маълумотларнинг ишончли ва тезкор алмашинувини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатларнинг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасида алоқа каналларини мустаҳкамлаш ва зарур бўлган ҳолатларда бу каби алоқани ўрнатиш;

б) мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган текширув ишларини олиб боришда қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ҳамкорлик қилиш:

i) бу каби жиноятларни содир этишда гумон қилинаётганларнинг шахси, жойлашган ери ва фаолияти ёки бошқа алоқадор шахсларнинг жойлашган ери;

ii) бу каби жиноятлар содир этилиши натижасида орттирилган жиноий даромадлар ёки мол-мулкнинг кўчиши, жойини ўзгартириши;

iii) бу каби жиноятларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган мол-мулк, ускуналар ёки бошқа воситаларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчирилиши.

с) лозим бўлган ҳолатларда таҳлил қилиш ёки текширув ўтказиш мақсадида зарур предметлар ёки зарур бўлган миқдорда моддаларни тақдим этиш;

d) зарур ҳолатларда бошқа иштирокчи давлатлар билан мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни содир этишда қўлланиладиган аниқ воситалар ва усуллар, жумладан қалбаки шахсий гувоҳномалар, қалбаки, ўзгартирилган ёки сохта ҳужжатлар ва фаолиятини яширишда қўлланиладиган бошқа воситалар тўғрисидаги маълумотлар билан алмашиш;

е) уларнинг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасидаги самарали мувофиқлаштиришга кўмаклашиш ва ходимлар ҳамда бошқа экспертлар билан алмашиш, шу жумладан, манфаатдор иштирокчи давлатлар томонидан икки томонли келишувлар ва битимлар тузилиши шарт билан алоқа бўйича ходимларни жўнатиш;

ф) ахборот алмашинуви ва, лозим бўлган ҳолатларда, мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни олдиндан фош қилиш мақсадида қўлланиладиган маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштириш.

2. Мазкур Конвенциянинг амалий қўлланилиши мақсадида иштирокчи давлатлар ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари бир-бирлари билан бевосита ҳамкорлик қилишлари тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ва битимларни тузиш, агар бундай келишув ва битимлар мавжуд бўлган ҳолатларда эса уларга ўзгартишлар киритиш имкониятини кўриб чиқадилар. Манфаатдор иштирокчи давлатлар ўртасида бу каби келишув ва битимлар мавжуд бўлмаса, иштирокчилар мазкур Конвенцияни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур Конвенция қамраб олган жиноятларга қарши курашдаги ўзаро ҳамкорлиги учун асос сифатида кўришлари мумкин. Иштирокчи давлатлар, лозим бўлган ҳолатларда, ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун келишув ва битимлардан, шу жумладан халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг механизмларидан тўлиқлигича фойдаланадилар.

3. Иштирокчи давлатлар, ўз имкониятлари доирасида, мазкур Конвенцияда қамраб олинган ва замонвий технологияларни қўллаган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши кураш олиб бориш мақсадида ҳамкорлик қилишга интиладилар.

49-модда. Ҳамкорликда олиб бориладиган тергов ишлари

Иштирокчи давлатлар бир ёки бир неча давлатда олиб борилаётган жиноят иши бўйича тергов ёки суд муҳокамаси учун умумий ҳисобланган жиноятлар бўйича ҳамкорликда тергов олиб бориш бўйича органлар тузиш тўғрисидаги манфаатдор ваколатли органлар ўртасида икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ёхуд битимларни тузиш имкониятларини кўриб чиқадилар. Бу каби келишув ёки битимлар бўлмаган тақдирда, ҳамкорликда олиб бориладиган тергов ишлари ҳар бир ҳолат учун алоҳида тузиладиган келишув асосида олиб борилади. Тегишли иштирокчи давлатлар, ҳудудида бундай текширув ва тергов ишлари олиб борилаётган иштирокчи давлатнинг суверенитетининг тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлайдилар.

50-модда. Тергов қилишининг махсус методлари

1. Коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат, ички ҳуқуқий тизимидаги энг муҳим принциплари йўл қўядиган даражада ва унинг ички қонунчилигида белгиланган шартларда, ўзининг ваколатли органлари томонидан тегишли тарзда назорат остида етказиб беришга ва ўзи лозим деб топган ҳолатларда эса, электрон кузатув ёки кузатувнинг бошқа шакллари қўллашга, шунингдек ўзининг ҳудудида амалга ошириладиган махфий тезкор тадбирлар каби текширув ишларини олиб боришнинг махсус методларидан, ўз имкониятлари доирасида, тегишли тарзда фойдаланишга, шунингдек бу каби методлар ёрдамида тўпланган исбот-далиллар судга тақдим қилинишига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар бўйича текширув олиб бориш мақсадида, зарурат мавжуд бўлган ҳолларда, текширувнинг бундай махсус методларидан халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш контекстида фойдаланиш учун иштирокчи давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ёхуд битимлар тузиши рағбатлантирилади. Бундай келишув ёки битимлар давлатларнинг суверен тенг ҳуқуқлик принципига тўла риоя қилган ҳолда тузилади ва амалга оширилади ҳамда ушбу келишув ёки битимларнинг шартларига қатъий амал қилган ҳолда қўлланилади.

3. 2-бандда кўрсатилган келишув ва битимлар мавжуд бўлмаганида текширувнинг бундай махсус методларидан халқаро миқёсда фойдаланиш тўғрисидаги қарор ҳар бир алоҳида ҳолат учун қабул қилиниши мумкин ва, зарурат туғилганида, молиявий келишувлар ҳамда суд қилиш ҳуқуқини амалга оширишда манфаатдор иштирокчи давлатларнинг ҳамжиҳатлигини ҳисобга олади.

4. Назорат остида етказиб беришдан халқаро миқёсда фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар, манфаатдор иштирокчи давлатларнинг розилиги билан, юкларни ушлаб олиб қолиш ва уларга тегмасдан қолдириш ёки уларни тўлиқ ёхуд қисман муомаладан чиқариш ёки алмаштириш каби методларни ўз ичига олиши мумкин.

V боб

Активларни қайтариш бўйича чоралар

51-модда. Умумий қоидалар

Мазкур бобга асосан активларнинг қайтарилиши ўз моҳиятига кўра мазкур Конвенциянинг энг муҳим принципи ҳисобланади ва иштирокчи давлатлар ушбу йўналишда бир-бирлари билан кенг миқёсда ва яқиндан ҳамкорлик қиладилар ҳамда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

52-модда. Жиноий йўл билан орттирилган даромад ўтказмаларининг олдини олиш ва уларни фош қилиш

Ҳар бир иштирокчи давлат, мазкур Конвенциянинг 14-моддасига таъсир кўрсатмаган тарзда, ўзининг юрисдикцияси дахл қилиши мумкин бўлган молия муассасаларидан мижозлар шахсини текшириш, катта ҳажмдаги маблағлар жамланган ҳисоб рақамларида депонентланган бенефициар маблағлар эгаларининг шахсини аниқлаш учун оқилона чораларни кўришни, катта миқёсдаги ва аҳамиятли давлат идорасининг мансабдор шахси ваколатларига бугунги кунда ёки ундан олдин эга бўлган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва улар билан яқиндан алоқа қиладиган ҳамкорлар ёки юқорида санаб ўтилган шахслар номидан очилмоқчи бўлган ёки олиб борилаётган ҳисоб рақамларини янада кучлироқ назорат қилинишини талаб қилиш учун ушбу иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради. Бундай қатъий чоралар шубҳали операцияларни мантқиқий чоралар доирасида фош қилишга йўналтирилган бўлиб, ваколатли органларга тегишли маълумотлар етказилиши учун мўлжалланган ва молия муассасаси ҳар қандай қонуний мижоз билан иш юритишига тўсқинлик қиладиган ёки таъқиқлайдиган тарзда талқин этилмаслиги лозим.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган чораларнинг амалга оширилишини енгиллаштириш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда ҳамда пул маблағларини легаллаштиришга қарши кураш олиб борувчи минтақавий, минтақалараро ва кўп томонлама ташкилотларнинг тегишли ташаббусларига таянган ҳолда:

а) ҳисоб рақамларига ўзининг юрисдикцияси дахл қиладиган молия муассасалари томонидан назоратнинг янада қатъийроқ чоралари кўрилиши кутилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг тоифаларига, алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган ҳисоб рақамлари ва операцияларнинг турларига, ҳамда ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш бўйича тегишли чораларга, шунингдек шу каби ҳисоб рақамларига нисбатан қабул қилинувчи ҳисоб рақамлари бўйича олиб бориладиган ҳисобот ва молиявий ҳужжатларга нисбатан тавсиявий кўрсатмалар чиқаради, ва

б) тегишли ҳолатларда, ўзининг юрисдикцияси дахл қиладиган молия муассасаларини бошқа иштирокчи давлатнинг мурожаатига асосан ёки ўзининг ташаббуси билан, бу каби молия муассасалари томонидан назоратнинг янада қатъийроқ чоралари кўрилиши кутилаётган ҳисоб рақамларига эга аниқ жисмоний ёки юридик шахслар тўғрисида, молия

муассасаси томонидан бошқача тартибда аниқланиши мумкин бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларга қўшимча қилган тарзда, хабардор қилади.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат, мазкур модданинг 2 (а)-банди контекстида ўзининг молия муассасалари, мазкур модданинг 1-бандида қайд этилган шахсларга дахлдор бўлган ҳисоб рақамлари ва операциялар тўғрисидаги ва таркибида камида миждознинг шахси, шунингдек, имкон қадар, бенефициар эгасига таълуқли бўлган маълумотлари мавжуд молиявий ҳужжатлар ва ҳисоботлар тегишли муддат давомида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни амалга оширади.

4. Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида топилган жиноий даромадлар ўтказмаларининг олдини олиш ва уларни фож қилиш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг тартибга солувчи ва назорат органлари, жисмоний иштироки бўлмаган ёки ҳар қандай мувофиқлаштириладиган молиявий гуруҳ билан аффиляция қилинмаган банк муассасалари ёрдамида тегишли ва амалий чораларни амалга оширади. Ундан ташқари, иштирокчи давлатлар ўзларининг молия муассасаларига нисбатан бу каби молия муассасалари билан банк корреспондентлик муносабатларни ўрнатишни ёки бундай муносабатларни давом эттиришни рад қилиш, шунингдек жисмоний иштироки бўлмаган ёки ҳар қандай мувофиқлаштириладиган молиявий гуруҳ билан аффиляция қилинмаган банклар томонидан ҳисоб рақамларидан фойдаланишига рухсат берувчи хорижий молиявий муассасалар билан муносабатларни ўрнатишдан сақланиш каби талабларни ўрнатиш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

5. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда тегишли мансабдор шахсларга таълуқли молиявий маълумотларни ошкор қилиб беришни кўзда тутувчи самарали тизимларни ташкил қилиш имкониятларини кўриб чиқади ва ушбу талабларга риоя қилинмаслиги учун тегишли жазо чораларини белгилайди. Ҳар бир иштирокчи давлат, шунингдек, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали топилган жиноий даромадларни қайтариш мақсадида текширув олиб бориш, ҳуқуқларини баён қилиш ва тегишли чораларни кўриш учун зарур бўлган ҳолатларда ўзининг ваколатли органларига бошқа иштирокчи давлатнинг ваколатли органлари билан бундай маълумотлар билан алмашишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқади.

6. Ҳар бир иштирокчи давлат бирор бир хорижий мамлакатдаги ҳар қандай молиявий ҳисоб рақамга нисбатан манфаатга ёки имзо қўйиш ҳуқуқига ёхуд бошқа ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар учун бу ҳақда тегишли органларга хабар бериш ва бу каби ҳисоб рақамларга таълуқли ҳисобот олиб бориш талабини белгилаш учун ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқади. Бу каби чоралар, шунингдек, бундай талабларга риоя қилмаслик учун тегишли санкциялар қўлланилишини кўзда тутадилар.

53-модда. Мол-мулкнинг бевосита қайтарилиши учун чоралар

Ҳар бир иштирокчи давлат, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда:

а) бошқа иштирокчи давлатга мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқий унвон ёки эгалик қилиш ҳуқуқини талаб қилиш юзасидан фуқаролик даъволарини ўзининг судларига тақдим этишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзларининг судларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга бундай жиноят содир этилиши оқибатида бошқа иштирокчи давлатга етказилган зарарни ўрнини тўлдириш ёки қоплаш тўғрисида фармойиш беришига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

с) мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларни чиқаришда мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган мол-мулкнинг қонуний эгаси сифатида бошқа иштирокчи давлат томонидан қўйиладиган талабларни ўзларининг

судлари ёки ваколатли органлари тан олиншига йўл қўйиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

54-модда. Мусодара қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш орқали мол-мулкни муомаладан чиқариш

1. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган ёки бу каби жиноятларни содир этилишида фойдаланилган мол-мулкка таълуқли ўзаро ҳуқуқий ёрдамни мазкур Конвенциянинг 55-моддасига асосан тақдим этиш мақсадида, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда:

а) бошқа иштирокчи давлат судлари томонидан мусодара қилиш тўғрисида чиқарилган қарорларни ўзининг ваколатли органлари ижро этишига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзининг ваколатли органларига, уларнинг юрисдикцияси доирасида, пул маблағларини легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар ёки унинг юрисдикциясига таълуқли бўлиши мумкин бўлган бошқа жиноятлар юзасидан суд қарорини чиқаришда ёхуд ички қонунчилигида рухсат этилган бошқа тартиботлардан фойдаланишда келиб чиқиши хорижий бўлган бундай мол-мулк мусодара қилиниши тўғрисида қарор чиқаришларига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради; ва

с) вафот этганлиги, яширилганлиги ёки йўқлиги сабабли жиноятчи жавобгарликка тортилишининг имкони бўлмаган ёхуд бошқа мувофиқ ҳолатларда кўрилаётган жиноий ишлар доирасида қарор чиқармасдан туриб бундай мол-мулкнинг мусодара қилинишига имконият яратиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш бўйича масалани кўриб чиқади.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенциянинг 55-моддаси, 2-бандига асосан юборилган мурожаат бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамни тақдим этиш мақсадида, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда:

а) ўзининг ваколатли органларига сўров юбораётган иштирокчи давлатнинг суди ёки ваколатли органлари томонидан мол-мулкни муомаладан чиқариб ишга солмай тўхтатиб туриш ёки банд солиш тўғрисида чиқарилган ва сўралаётган иштирокчи давлатга бу каби чоралар кўрилиши учун етарли асослар мавжуд ва, якуний натижада, ушбу мол-мулкка нисбатан мазкур модданинг 1 (а)-банди мақсадлари учун мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарилади деб ҳисоблашга имкон берувчи оқилона асослар баён этилган қарорга асосан мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб туришига ёки банд солишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзининг ваколатли органларига сўралаётган иштирокчи давлатга бу каби чоралар кўрилиши учун етарли асослар мавжуд ва, якуний натижада, ушбу мол-мулкка нисбатан мазкур модданинг 1 (а)-банди мақсадлари учун мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарилади деб ҳисоблашга имкон берувчи мантикий асослар баён этилган мурожаатга асосан мол-мулкни муомаладан чиқариб туриб ишга солмай тўхтатиб туришга ёки банд солишга рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради; ва

с) ўзининг ваколатли органларига мусодара қилиш мақсадларида мол-мулкни сақлаб қолишига, масалан, бу каби мол-мулкни сотиб олинши муносабати билан хорижда чиқарилган ҳибсга олиш тўғрисидаги қарор ёки жиноий иш қўзғатилишига асосланган ҳолда, рухсат бериши учун қўшимча чораларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

55-модда. Мусодара қилиш мақсадларидаги халқаро ҳамкорлик

1. Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат юрисдикциясига таълуқли ҳисобланган иштирокчи давлатдан мазкур Конвенциянинг 31-моддаси 1-бандида қайд этилган ва ўз ҳудудида жойлашган жиноий даромадларни, мол-мулкни, ускуналари ва жиноят содир этишнинг бошқа воситаларини мусодара қилиш

тўғрисида мурожаатнома олган иштирокчи давлат ўзининг ички қонунчилиги доирасида мумкин бўлган максимал даражада:

а) мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни олиш мақсадида бу мурожаатни ўзининг ваколатли органларига юборади ва шундай қарорни олган тақдирда уни ижро этади, ёки

б) ўзининг ваколатли органларига сўров юбораётган иштирокчи давлат ҳудудида мазкур Конвенциянинг 31-моддаси 1-банди ва 54-моддаси 1 (а)-бандига мувофиқ суд томонидан мусодара қилиш тўғрисидаги чиқарилган қарорни, мурожаатда кўрсатилган ҳажмда ва сўралаётган иштирокчи давлати ҳудудидаги 31-модданинг 1-бандида қайд этилган жиноий даромадлар, мол-мулк, ускуна ёки жиноят содир этишнинг бошқа воситаларига таълуқли бўлган даражада ижро этиш мақсадида юборади.

2. Сўралаётган иштирокчи давлат Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат юрисдикциясига таълуқли ҳисобланган иштирокчи давлатдан мурожаатнома олганидан кейин, 31-модданинг 1-бандида қайд этилган жиноий даромадлар, мол-мулк, ускуна ёки жиноят содир этилишининг бошқа воситаларини фош қилиш, кузатиш, ишга солмай тўхтатиб туриш ёки банд солиш мақсадида ва кейинчалик, сўров юбораётган иштирокчи давлат томонидан чиқарилувчи қарорга ёки мазкур модданинг 1-бандига асосан қилинган мурожаатга мувофиқ, мусодара қилиш учун чоралар кўради.

3. Мазкур Конвенциянинг 46-моддасидаги қоидалар мазкур моддага нисбатан *mutatis mutandis* тарзда қўлланилади. Мазкур моддага мувофиқ юборилаётган сўров мурожаати таркибида 46-модданинг 15-бандида кўрсатилган маълумотларга қўшимча қилинган тарзда қуйидагилар баён этилади:

а) мазкур модданинг 1 (а)-бандида кўзда тутилган мурожаат қўлланишига – мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкнинг таърифланиши, шу жумладан, имкон даражасида унинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва, агар бу ўринли бўлса, мол-мулкнинг баҳоланган қиймати ва сўров юбораётган иштирокчи давлат ҳавола қилаётган ва сўралаётган иштирокчи давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда қарор чиқариши учун чоралар кўришига етарли бўлган далиллар баён этилган ариза;

б) мазкур модданинг 1 (б)-бандида кўзда тутилган мурожаат қўлланишига - сўров юбораётган иштирокчи давлат мурожаатини асослаб берувчи ва у томондан берилган мусодара тўғрисидаги қарорнинг юридик жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган нусхаси, далилларнинг баёни келтирилган ариза ва қарор ижросининг сўралаётган ҳажми тўғрисидаги маълумот, сўров юбораётган иштирокчи давлат айбсиз бўлган учинчи томонларга тегишли хабарнома юбориши ва тегишли ҳуқуқий тартиботларга риоя қилинишини таъминлаш учун кўрилган чоралар кўрсатилган ариза ҳамда мусодара тўғрисидаги қарор қатъий эканлиги тўғрисидаги ариза;

с) мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган мурожаат қўлланишига - сўров юбораётган иштирокчи давлат ҳавола қилаётган далиллар баён этилган ариза ва қўлланилаётган чораларнинг таърифланиши, шунингдек, агар мавжуд бўлса, мурожаатни асослаб берувчи қарорнинг юридик жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган нусхаси.

4. Мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида кўзда тутилган қарорлар ёки чоралар сўралаётган иштирокчи давлат томонидан унинг ички қонунчилигидаги ҳолатларга ва унинг процессуал меъёрлари ёки ҳар қандай икки томонлама ёхуд сўров юбораётган иштирокчи давлат билан муносабатлари асносида боғлиқ бўлган кўп томонлама келишувлар ёки битимларга мувофиқ ва уларга риоя қилиш шарти билан қабул қилинади.

5. Ҳар бир иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига мазкур моддадаги ҳолатлар амалга оширилишини таъминловчи қонун ва қоидаларининг матнларини, шунингдек ушбу қонунлар ва қоидаларга кейинчалик киритилган ҳар қандай ўзгартишларнинг матнлари ёки таърифланишларини тақдим этади.

6. Агар иштирокчи давлат мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган чоралар кўрилишини мувофиқ шартнома мавжуд бўлиши билан шартлашни хоҳласа, у ҳолда бу иштирокчи давлат мазкур Конвенцияни зарур ва етарли бўлган шартномавий-ҳуқуқий асос сифатида кўради.

7. Агар сўралаётган иштирокчи давлат ўз вақтида етарли исбот-далиллар олмаса ёки агар мол-мулк минимал қийматга эга бўлса мазкур моддага асосланган ҳамкорликка рад жавоби ҳам берилиши мумкин.

8. Мазкур моддага мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай таъминловчи чоранинг бекор қилинишидан олдин сўралаётган иштирокчи давлат, мумкин бўлган ҳолатларда, сўров юбораётган иштирокчи давлатга бундай чорани амалга оширишни давом эттириш фойдадан холи бўлмаслигини асослаб бериши учун имконият тақдим этади.

9. Мазкур модданинг қоидалари айбсиз бўлган учинчи томонларнинг ҳуқуқларига зарар етказадиган тарзда талқин қилинмайди.

56-модда. Махсус ҳамкорлик

Ҳар бир иштирокчи давлат, ўзининг ички қонунчилигига таъсир кўрсатмаган тарзда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг текширув ишларига, кўрилаётган жиноий ишларига ёки суд муҳокамасига таъсир кўрсатмаган тарзда, агар бу каби маълумотларнинг ошқора қилиниши уни олаётган иштирокчи давлатга жиноий ишни кўзғатиш ёки текширув ишларини ёки суд муҳокамасини ўтказишига кўмак беради ёхуд ушбу иштирокчи давлат томонидан бу мурожаатни Конвенциянинг мазкур моддасига мувофиқлаштиришига йўналтиради деб ҳисобласа, бошқа иштирокчи давлатга олдиндан илтимоснома қилинмаган ҳолларда ҳам жўнатиш имкониятини берувчи чоралар кўришга интилади.

57-модда. Активларни қайтариш ва уларни тасарруф қилиш

1. Иштирокчи давлат томонидан мазкур Конвенциянинг 31-моддасига ёки 55-моддасига асосан мусодара қилинган мол-мулкни, жумладан мазкур модданинг 3-бандига кўра олдинги қонуний эгаларига қайтарилган мол-мулкни иштирокчи давлат мазкур Конвенциянинг ҳолатлари ва ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тарзда тасарруф қилади.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат, ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ тарзда, ўзининг ваколатли органларига, улар бошқа иштирокчи давлат томонидан юборилган мурожаат бўйича иш олиб борилаётганида, мусодара қилинган мол-мулкни, айбсиз бўлган учинчи томонларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияга мувофиқ қайтариб беришларига руҳсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўради.

3. Иштирокчи давлат мазкур Конвенциянинг 46- ва 55-моддаларига ва мазкур модданинг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

а) мазкур Конвенциянинг 17- ва 33-моддаларида қайд этилганидек, давлат маблағлари талон-тарож қилинган ёки давлат маблағлар легаллаштирилган бўлса, агар мусодара 55-моддага мувофиқ ва сўралаётган иштирокчи давлат томонидан чиқарилган якуний қарор асосида амалга оширилган бўлса, ва айнан шу талаб сўралаётган иштирокчи давлат томонидан бекор қилиниши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, мусодара қилинган мол-мулкни сўров юбораётган иштирокчи давлатга қайтариб беради;

б) мазкур Конвенцияда қамраб олинган ҳар қандай жиноят содир этиш орқали даромад орттирилган ҳолларда, агар мусодара 55-моддага мувофиқ ва сўралаётган иштирокчи давлат томонидан чиқарилган якуний қарор асосида амалга оширилган бўлса, ва айнан шу талаб сўралаётган иштирокчи давлат томонидан бекор қилиниши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, агар сўралаётган иштирокчи давлат сўров юбораётган иштирокчи давлатга ушбу мусодара қилинган мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи олдиндан мавжуд бўлганлигини мантикий исботлаб берса ёки сўралаётган иштирокчи давлат сўров юбораётган Давлатга етказилган зарарни мусодара қилинган мол-мулкни қайтариб бериш учун асос сифатида тан олса, мусодара қилинган мол-мулкни сўров юбораётган иштирокчи давлатга қайтариб беради;

с) барча бошқа ҳолатларда, биринчи навбатда, мусодара қилинган мол-мулкни сўров юбораётган иштирокчи давлатга, бундай мол-мулкни унинг олдинги қонуний эгаларига қайтарилиши ёки жиноятдан жабр кўрганларга компенсация тўланиши масаласи кўради.

4. Сўралаётган иштирокчи давлат тегишли ҳолатларда, агар фақат иштирокчи давлатлар бошқа қарорни қабул қилмасалар, сўралаётган иштирокчи давлат мусодара қилинган мол-мулк қайтарилишига ёки мазкур моддага мувофиқ тасарруф қилинишини тақозо қилган тергов ишлари, кўрилган жинойий иш ёки суд муҳокамаси вақтида сарфланган оқилона харажатларни олиб қолиши мумкин.

5. Иштирокчи давлатлар тегишли ҳолатларда мусодара қилинган мол-мулкни узил-кесил тасарруф қилиниши хусусида келишувлар ёки томонлар учун бирдек мақбул бўлган битимлар тузиш имкониятини ҳар бир алоҳида ҳолат учун кўриб чиқишлари мумкин.

58-модда. Тезкор молиявий маълумотларни йиғиш бўйича бўлинмалар

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жинойий даромадларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчирилишининг олдини олиш ва уларга қарши кураш олиб бориш, шунингдек бундай даромадларни муомаладан чиқариш мақсадларида ўзаро ҳамкорлик қиладилар ва шу мақсадларда шубҳали молиявий операциялар тўғрисида маълумотлар олиш, уларни таҳлил қилиш ва ваколатли органларга юбориш учун масъул бўлган, тезкор молиявий маълумот йиғиш бўйича бўлинмаларни ташкил қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқадиладар.

59-модда. Икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ҳамда битимлар

Иштирокчи давлатлар Конвенциянинг мазкур бобига асосан амалга ошириладиган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқадиладар.

VI боб

Техник ёрдам ва ахборот алмашинуви

60-модда. Кадрларни тайёрлаш ва техник ёрдам

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш учун масъул бўлган ўз ходимларини тайёрлаш бўйича, лозим деб топилган даражада, дастурларни ишлаб чиқади, амалга оширади ёки такомиллаштиради. Кадрларни тайёрлаш бўйича бундай дастурлар, бошқалари билан бир қаторда, қуйидаги соҳаларга тегишли бўлиши мумкин:

а) коррупцион ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш ва тергов қилиш, шунингдек уларнинг содир этилганлиги учун жавобгарликка тортиш, жумладан исбот-далиллар тўплаш ва текширув методлари бўйича самара берадиган чоралар кўриш;

б) коррупцияга қарши кураш бўйича стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш ва режалаштириш соҳасида потенциал яратиш;

с) мазкур Конвенция талабларига жавоб берадиган ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги муурожаатларни тузиш масалалари бўйича ваколатли органларнинг ходимларини тайёрлаш;

д) давлат хизматларини кўрсатиш муассасалари, бошқармаларини ва давлатнинг молиявий маблағлари, шу жумладан давлат харидлари ва хусусий сектор бошқармаларини баҳолаш ва мустаҳкамлаш;

е) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган жинойий даромадларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчирилишини фош қилиш, шунингдек бундай даромадларни муомаладан чиқариш;

f) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган жиноий даромадлар ўтказмалари бўйича операцияларни фoш қилиш ва ишга солмай тўхтатиб қўйиш;

g) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган жиноий даромадларнинг бир жойдан бошқа жойга қўчирилишини ва ўтказмаларни амалга ошириш, бекитиш ва яширин сақлаш методларини кузатиш;

h) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган жиноий даромадларни муомаладан чиқаришга ёрдам берувчи тегишли ва самарали ҳуқуқий ҳамда маъмурий механизмлар ва методлар;

i) жабрланувчилар ва суд органлари билан ҳамкорлик қиладиган гувоҳларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган методлар;

j) миллий ва халқаро қондаларга, шунингдек тилларни ўрганишга таълуқли масалалар бўйича ходимларни тайёрлаш.

2. Иштирокчи давлатлар, ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бир-бирларига кенг миқёсда, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар манфаатлари учун, уларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқ режалари ва дастурлари муносабати билан тегишли техник ёрдам бериш, жумладан моддий қўллаб-қувватлаш ва мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган соҳаларда кадрларни тайёрлаш, шунингдек иштирокчи давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш имкониятини яратадиган кадрларни тайёрлаш ва ёрдам кўрсатиш ҳамда тегишли тажриба ва махсус билимларни алмашиш масаласини кўриб чиқадилар.

3. Иштирокчи давлатлар, қанчалик лозим бўлса, халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги ҳамда тегишли икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ва битимлар доирасидаги амалий ва ўқув тадбирлар самарадорлигини максимал оширишга қаратилган ҳаракатларини фаоллаштирадилар.

5. Иштирокчи давлатлар ваколатли органлар ва жамият иштирокида коррупцияга қарши кураш бўйича стратегиялар ва режалар ишлаб чиқиш мақсадида ўз мамлакатларидаги коррупциянинг турлари, сабаблари, оқибатлари ва зарарлари билан боғлиқ бўлган баҳолашлар, тадқиқотлар ва ишланмаларни ўтказиш учун, ўзаро муурожаатларга асосан, бир-бирларига ёрдам бериш имкониятларини кўриб чиқадилар.

5. Мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган ҳатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган жиноий даромадларни муомаладан чиқаришга ёрдам бериш учун иштирокчи давлатлар ушбу мақсадга эришишда ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган экспертлар номларини бир-бирларига тақдим этишда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

6. Иштирокчи давлатлар ҳамкорлик ва техник ёрдамга кўмаклашиш ҳамда ўзаро манфаатли муаммолар, шу жумладан ўтиш иқтисодиётига эга бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг алоҳида муаммолари ва талабларини муҳокама қилишни рағбатлантириш учун субминтақавий, минтақавий ва халқаро конференция ва семинарлардан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқадилар.

7. Иштирокчи давлатлар ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг техник ёрдам соҳасидаги дастур ва лойиҳалар воситасида мазкур Конвенцияни қўллаш бўйича амалга ошираётган ҳаракатларига молиявий ёрдам бериш мақсадида ихтиёрий механизмлар яратиш имкониятини кўриб чиқадилар.

8. Ҳар бир иштирокчи давлат ривожланаётган мамлакатларда мазкур Конвенцияни қўллаш учун Бошқарма орқали дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотиклар ва жиноятлар бўйича Бошқармаси эҳтиёжлари учун ихтиёрий бадаллар киритиш имониятини кўриб чиқади.

61-модда. Коррупция тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва маълумотларни алмашиш

1. Ҳар бир иштирокчи давлат экспертлар билан маслаҳатлашиш, масаҳатлар ўтказиш, ўз худудидаги коррупция соҳасидаги тенденцияларни, шунингдек коррупцияга

оид хуқуқбузарликлар содир этиладиган шарт-шароитларни таҳлил қилиш имкониятларини кўриб чиқади.

2. Иштирокчи давлатлар, мумкин бўлган қадар, умумий таърифланишлар, стандартлар ва методологияларни ишлаб чиқиш мақсадида коррупцияга оид статистик маълумотларни, таҳлилий билимларни ва шу жумладан, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш олиб боришда амалиётнинг оптимал турлари ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар воситасида ушбу маълумотларни алмашиш имкониятини кўриб чиқади.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг коррупцияга қарши сиёсати ва кураши бўйича профилактик чора-тадбирлари устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек уларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини баҳолаш имкониятларини кўриб чиқади.

62-модда. Бошқа чоралар: мазкур Конвенцияни иқтисодий ривожланиш ва техник ёрдам асосида амалга ошириш

1. Иштирокчи давлатлар жамият учун умуман, жумладан барқарор ривожланиш учун коррупциянинг салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, мумкин бўлган қадар, халқаро ҳамкорлик воситасида мазкур Конвенцияни оптимал амалга оширилишига ёрдам берувчи чораларни кўрадилар.

2. Иштирокчи давлатлар, мумкин бўлган қадар ҳамда бир-бирлари, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан мувофиқлаштирилган тарзда қуйидагиларга эришиш учун аниқ чора-тадбирларни кўради:

а) ривожланаётган мамлакатларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида имкониятларини мустаҳкамлаш мақсадида улар билан турли даражаларда ҳамкорликни фаоллаштириш;

б) ривожланаётган мамлакатларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий ва техник ёрдамни кенгайтириш ва улар мазкур Конвенцияни муваффақиятли амалга оширишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш;

с) ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларга, уларнинг мазкур Конвенцияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш мақсадида техник ёрдам кўрсатиш. Бунинг учун иштирокчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан аниқ ушбу мақсадлар учун ташкил қилинган молиялаштириш механизмининг ҳисоб рақамига мунтазам равишда етарли миқдорда ихтиёрий бадаллар киритишга интиладилар. Иштирокчи давлатлар, шунингдек, ўзларининг ички қонунчилигига ва мазкур Конвенциянинг ҳолатларига мувофиқ тарзда, мазкур Конвенция қамраб олган ҳолатларига мувофиқ мусодара қилинган пул маблағлари ёки жиноят йўли билан орттирилган даромадлар ёки мол-мулкнинг тегишли қийматининг муайян қисмини юқорида қайд этилган ҳисоб рақамига ўтказиш имкониятини алоҳида кўриб чиқишлари мумкин.

д) бошқа давлатлар ва молиявий муассасаларни, тегишли ҳолатларда, мазкур моддага мувофиқ амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қўшилишга, шу жумладан ривожланаётган мамлакатлар мазкур Конвенциянинг мақсадларига эришиши учун уларга кадрларни тайёрлаш бўйича дастурларни ва замонавий ускуналарни каттароқ ҳажмларда тақдим этилишини таъминлаш йўли билан рағбатлантириш ва кўндириш.

3. Бу чора-тадбирлар, мумкин бўлган қадар, хорижий ёрдам ёки икки томонлама, минтақавий ёки халқаро миқёсдаги молиявий ҳамкорлик тўғрисида тузилган бошқа битимларда ўрин олган тегишли мавжуд мажбуриятларга таъсир кўрсатмайди.

4. Иштирокчи давлатлар, мазкур Конвенцияда кўзда тутилган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек коррупцияни олдини олиш ва уни фoш қилиш, унга қарши кураш учун зарур бўлган молиявий битимларни эътиборга олган ҳолда, моддий-техник ёрдам тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ёхуд битимлар тузишлари мумкин.

VII боб. Амалга ошириш механизмлари

63-модда. Конвенцияда иштирок этадиган Давлатлар конференцияси

1. Мазкур Конвенцияда белгиланган мақсадларга етишиш учун иштирокчи давлатлар имкониятларини ва улар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, мазкур Конвенцияни амалга оширишга ёрдам бериш ва уни амалга оширилишини кузатиш мақсадида Конвенцияда **иштирок этадиган Давлатларнинг Конференцияси** таъсис этилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби иштирокчи давлатлар Конференциясини мазкур Конвенция кучга кирган кундан кейин бир йилдан кечиктирмай чақиради. Кейинчалик, иштирокчи давлатлар Конференцияси томонидан қабул қилинган тартиботларга мувофиқ, Конференциянинг навбатдаги кенгашлари ўтказилади.

3. Иштирокчи давлатлар Конференцияси мазкур моддада кўрсатилган фаолият турлари амалга оширилишини тартибга солувчи тартибот ва қоидаларни, жумладан кузатувчиларга рухсат берилиши ва уларнинг иштироки ҳамда ушбу фаолият турларини амалга оширишда сарфланган харажатларни тўлаш билан боғлиқ қоидаларни қабул қилади.

4. Иштирокчи давлатлар Конференцияси мазкур модданинг 1-бандида баён этилган мақсадларга эришиш учун фаолият турлари, тартиботлар ва ишлаш методларини келиштиради, шу жумладан:

а) иштирокчи давлатлар фаолиятига мазкур Конвенциянинг 60- ва 62-моддалари ва II–V бобларига асосан кўмаклашиш, шу жумладан ихтиёрий бадаллар сафарбарлигини рағбатлантириш йўли билан ҳам;

б) иштирокчи давлатлар ўртасида коррупциянинг шакллари ва бу соҳадаги тенденциялар тўғрисидаги, шунингдек коррупциянинг олдини олиш, унга қарши кураш олиб бориш, жиноят йўли билан орттирилган даромадларни қайтариш тўғрисидаги маълумотлар алмашинувига кўмаклашиш, шу жумладан, мазкур моддада қайд этилган маълумотларни чоп этиш;

с) тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва механизмлар, шунингдек нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

д) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш мақсадида бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан тайёрланган тегишли маълумотлардан, бундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш учун тегишли тарзда фойдаланиш;

е) иштирокчи давлатлар томонидан мазкур Конвенциянинг амалга оширилиши тўғрисидаги масалани даврий равишда кўриб чиқиш;

ф) мазкур Конвенцияни такомиллаштириш ва амалга оширилишига таълуқли бўлган тавсияларни бериш;

г) мазкур Конвенциянинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган техник ёрдамга эҳтиёжларни ҳисобга олиш ва шу муносабат билан мазкур Конвенция зарур деб топган ҳар қандай ҳаракатларга нисбатан тавсияларни бериш;

5. Мазкур модданинг 4-банди мақсадлари учун иштирокчи давлатлар Конференцияси мазкур Конвенция амалга оширилишида иштирокчи давлатлар томонидан кўрилган чоралар ва бунда улар дуч келган қийинчиликлар тўғрисида уларга тақдим этилган маълумотлар асосида ва кузатув олиб боришнинг иштирокчи давлатлар Конференцияси томонидан ташкил қилиниши мумкин бўлган кўшимча механизмлар орқали зарур бўлган маълумотларни олади.

6. Ҳар бир иштирокчи давлат иштирокчи давлатлар Конференциясига ўзининг дастурлари, режалари ва амалиёти, шунингдек мазкур Конвенцияни амалга оширишга қаратилган қонунчий ва маъмурий чоралари ҳақида иштирокчи давлатлар Конференцияси талаб қилган кўринишда маълумот тақдим этади. Иштирокчи давлатлар Конференцияси бу каби маълумотларни, ва шу жумладан, бошқалари билан бир қаторда, иштирокчи давлатлар ва ваколатли халқаро ташкилотлардан олинган маълумотларни олишнинг энг самарали

йўллари ва мувофиқ резолюциялар асосида қабул қилиш тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқади. Шунингдек, иштирокчи давлатлар Конференциясининг резолюцияси билан тасдиқланган тартиботларга асосан тегишли тарзда аккредитация қилинган нодавлат ташкилотлардан олинган материаллар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

7. Иштирокчи давлатлар Конференцияси, мазкур модданинг 4-6 бандларига асосан, агар буни лозим деб топса, Конвенцияни самарали амалга оширишга кўмаклашиш учун бирор бир мувофиқ механизм ёки орган таъсис этади.

64-модда. Котибият

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи давлатлар Конференциясини зарур бўлган секретариат хизмати билан таъминлайди.

2. Котибият:

а) иштирокчи давлатлар Конференциясига мазкур Конвенциянинг 63-моддасида сўз юритилган фаолиятни амалга оширишда ёрдам беради, шунингдек иштирокчи давлатлар Конференциясининг сессияларини ташкил қилади ва уларни зарур бўлган хизмат кўрсатиш билан таъминлайди.

б) иштирокчи давлатларнинг мурожаатига асосан, мазкур Конвенциянинг 63-моддаси 5- ва 6-бандларида кўзда тутилганидек, иштирокчи давлатлар Конференциясига уларнинг маълумотларини тақдим этишда ёрдам беради.

с) бошқа тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотларининг секретариатлари билан зарур бўлган ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлайди.

VIII боб.

Яқуний қондалар

65-модда. Конвенциянинг амалга оширилиши

1. Ҳар бир иштирокчи давлат, қонунчилигининг энг муҳим тамойилларига мувофиқ, мазкур Конвенцияга асосан ўзининг мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни, жумладан қонуний ва маъмурий чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш учун мазкур Конвенцияда кўзда тутилган чораларга қараганда янада қатъий ва қаттиқ бўлган чораларни кўриши мумкин.

66-модда. Низоларни ҳал қилиш

1. Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенциянинг талқин қилиниши ва қўлланилиши бўйича юзага келадиган низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга интиладилар.

2. Икки ёки ундан ортиқ иштирокчи давлатлар ўртасида мазкур Конвенциянинг талқин қилиниши ёки қўлланилиши бўйича юзага келган ва мантиқий бир муддат ичида мувофиқлаштирила олмаган ҳар қандай низо, ушбу иштирокчи давлатлардан бирининг мурожаатига асосан арбитраж муҳокамасига топширилади. Агар арбитраж тўғрисидаги мурожаат қилинганидан кейин олти ой давомида иштирокчи давлатлар уни ташкил қилиш масалаи юзасидан келиша олмасалар, ушбу иштирокчи давлат Суд Статутига мувофиқ ариза билан мурожаат қилиб низони Халқаро Судга топшириши мумкин.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат мазкур Конвенцияни имзолашда, ратификация қилишда, қабул қилиш ёки тасдиқлашда ёхуд унга қўшилишда мазкур модданинг 2-бандидаги ҳолатлар билан боғламанганлиги ҳақида эълон қилиши мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар шундай қўшимча шарт қўйган иштирокчи давлатга нисбатан мазкур модданинг 2-бандидаги ҳолатлар билан чекланмайди.

4. Мазкур модданинг 3-бандига мувофиқ кўшимча шарт қўйган иштирокчи исталган вақтда ушбу кўшимча шартни Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиши мумкин.

67-модда. Имзолаш, ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар имзолаши учун 2003 йилнинг 9 декабридан 11 декабригача Мексиканинг Мерида шаҳрида, сўнгра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги марказий муассасаларида 2005 йилнинг 9 декабригача очиқ.

2. Мазкур Конвенция, шунингдек, иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилотлари томонидан, ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг камида биттаси мазкур Конвенцияни мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ имзолаган бўлиши шarti билан, имзоланиши учун очиқ.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим. Қабул қилиниши ёки тасдиқланиши ҳақидаги ратификацион ёрликлар ёхуд ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ўзининг рақтификацион ёрлиғини ёки қабул қилганлиги ёхуд тасдиқлаганлиги ҳақидаги ҳужжати, агар ташкилотга аъзо давлатларнинг камида биттаси худди шундай йўл тутган бўлса, сақлашга топшириши мумкин. Бундай рақтификацион ёрлик ёки қабул қилганлиги ёхуд тасдиқлаганлиги ҳақидаги ҳужжатда ташкилот мазкур Конвенция мувофиқлаштирувчи масалалар бўйича ўзининг ваколат доиралари ҳақида эълон қилади.

4. Мазкур Конвенция қўшилиш учун ҳар қандай давлат ёки аъзо давлатларининг ҳеч бўлмаганда биттаси мазкур Конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланган ҳар қандай иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти учун очиқ. Қўшилиши ҳақидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти қўшилганида мазкур Конвенция мувофиқлаштирувчи масалалар бўйича ўзининг ваколат доиралари ҳақида эълон қилади. Бундай ташкилот, шунингдек, ўз ваколатлари доирасининг ҳар қандай мувофиқ ўзгариши ҳақида депозитарийга хабар беради.

68-модда. Кучга кириши

1. Мазкур Конвенция ўттизинчи ратификацион ёрлик ёки қабул қилганлиги, тасдиқлаганлиги ёхуд қўшилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар топширилганидан кейин 90 кун кучга киради. Мазкур банднинг мақсади учун иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти томонидан сақлашга топширилган бирор биршундай ёрлик ёки ҳужжат, ушбу ташкилотнинг аъзолари томонидан сақлашга топширилган ёрлик ёки ҳужжатларга кўшимча қилинган деб кўрилмайди.

2. Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган, қабул қиладиган ёки тасдиқлайдиган ёхуд унга қўшиладиган ҳар бир давлат ёки иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти учун мазкур Конвенция ўттизинчи ратификацион ёрлик ёки бу каби ҳаракат тўғрисидаги ҳужжат сақлашга топширилганидан кейин, бундай давлат ёки ташкилот томонидан мувофиқ ёрлик ёки ҳужжат топширилган санадан кейинги ўттизинчи кунда ёхуд мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ Конвенциянинг кучга кириши санасида, кечроқ кучга киришига боғлиқ равишда кучга киради.

69-модда. Тузатишлар

1. Мазкур Конвенция кучга кирганидан кейин 5 йил ўтиб иштирокчи давлат тuzатиш қиритишни таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига юбориши мумкин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби таклиф қилинаётган тuzатишни кўриб чиқиш ва унинг юзасидан резолюция чиқариш мақсадида таклифни

иштирокчи давлатлар ва иштирокчи давлатлар Конференциясига жўнатади. Иштирокчи давлатлар Конференцияси ҳар бир тузатиш бўйича консенсусга эришиш учун барча чораларни ишга солади. Агар консенсусга эришиш бўйича барча чоралар қўлланилсада, лекин келишувга эришилмаса, у ҳолда тузатишни қабул қилиш учун иштирокчи давлатлар Конференцияси мажлисида бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган иштирокчи давлатларнинг учдан икки қисми овози талаб қилинади.

2. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ўз ваколатлари доирасига кирадиган масалаларда овоз бериш ҳуқуқларини мазкур моддага биноан, мазкур Конвенцияга иштирокчи ҳисобланган ўзларининг ташкилотларига аъзо давлатлар сонига тенг овозга эга бўлган ҳолда амалга оширадидлар. Бундай ташкилотлар, агар уларга аъзо давлатлар ўзларига тегишли овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошираётган бўлсалар, у ҳолда ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар ва аксинча.

3. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш иштирокчи давлатлар томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим.

4. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш, иштирокчи давлатга нисбатан, у томондан ушбу тузатиш қабул қилинганлиги ҳақидаги ратификацион ёрлик ёхуд тасдиқланганлиги тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилганидан кейин 90 кун ўтиб кучга киради.

5. Тузатиш кучга кирганидан кейин у билан боғлиқ бўлишга розилик берган иштирокчи давлатлар учун ушбу тузатиш мажбурий бўлади. Бошқа иштирокчи давлатлар мазкур Конвенциянинг қоидалари, шунингдек, улардан олдин ратификация қилинган, қабул қилинган ёки тасдиқланган тузатишлар билан боғланиб қоладилар (*уларни тўғридан тўғри қабул қиладилар*).

70-модда. Денонсация (бекор қилиш)

1. Иштирокчи давлат мазкур Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ёзма билдиришнома юбориш йўли билан денонсация (бекор) қилиши мумкин. Бундай денонсация Бош котиб билдиришнома олган кундан бошлаб бир йил ўтганидан кейин кучга киради.

2. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти, агар унинг барча аъзо давлатлари мазкур Конвенцияни денонсация қилсалар мазкур Конвенциянинг иштирокчиси эмас деб ҳисобланади.

71-модда. Депозитарий ва тиллар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга депозитарий қилиб тайинланади.

2. Инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида ёзилган матнлари аслига тўғри бўлган Мазкур Конвенциянинг асл нусхаси сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади.

ЮҚОРИДАГИЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ УЧУН ўз ҳукуматлари томонидан ушбу мақсадларда лозим даражада ваколат берилган куйида имзо қўйган мутасадди вакиллар мазкур Конвенцияни имзоладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КОНВЕНЦИЯСИГА (НЬЮ-ЙОРК, 2003 ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬ) ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING ҚЎШИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**

ЎРҚ-158-сон 07.07.2008

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 24 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланган

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қуйидаги билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилисин:

1) Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган»;

2) Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни баён қиладики, 15—19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмишлардир ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилади»;

3) Конвенция 44-моддасининг 6-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг «а» кичик бандига мувофиқ шуни билдирадики, у ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланади»;

4) Конвенциянинг 46-моддаси бўйича:

а) 13-банд. «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий органдир»;

б) 14-банд. «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланган»;

5) Конвенциянинг 66-моддаси бўйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 66-моддасининг 3-бандига мувофиқ шуни баён қиладики, у ўзини Конвенция 66-моддаси 2-бандининг қоидаларига боғлиқ деб ҳисобламайди».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 7 июль,
ЎРҚ-158-сон

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда)

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСИ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25 Резолюцияси билан
2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги
30 августдаги 536-II Қарори билан ратификация қилинган⁹⁵
Ўзбекистон Республикаси учун 2004 йил 8 январдан кучга кирган*

1-модда. Мақсади

Ушбу Конвенциянинг мақсади трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ишини самаралироқ ташкил қилишда ҳамкорликка кўмаклашишдан иборат.

2-модда. Терминлар

Ушбу Конвенция мақсадлари учун:

а) «уюшган жиноий гуруҳ» муайян вақт мобайнида мавжуд бўлган ҳамда бир ёки бир неча жиддий жиноятлар ёки ушбу Конвенцияга мувофиқ ана шундай деб топилган жиноятларни молиявий ёки бошқа моддий фойда олиш учун бевосита ёки билвосита содир этиш мақсадида бирдамлик билан ҳаракат қилувчи уч ёки ундан ортиқ шахслардан иборат таркибий шаклланган гуруҳни билдиради;

б) «жиддий жиноят» энг кўп муддати камида тўрт йил бўлган озодликдан маҳрум қилиш ёки оғирроқ жазо чораси қўлланиладиган жиноятни билдиради;

с) «таркибий шаклланган гуруҳ» зудлик билан жиноят содир этиш учун тасодифан тузилмаган ва аъзоларининг вазифалари расман белгилаб қўйилиши шарт бўлмаган, аъзоликнинг узлуксиз эканлиги келишиб олинмаган ёки ривожланган тузилишга эга бўлмаган гуруҳни билдиради;

д) «мулк» моддий ёки номоддий, кўчар ёки кўчмас, буюм ёки ҳуқуқларда ифодаланган ҳар қандай активлар, шунингдек бундай активларга бўлган ҳуқуқни ёхуд улардан манфаатдорликни тасдиқловчи юридик ҳужжатларни билдиради;

е) «жиноий даромад» бирор жиноят содир этилиши натижасида бевосита ёки билвосита эга бўлинган ёки олинган ҳар қандай ашёни билдиради;

ф) «хатлаш» ёки «олиб қўйиш» мулкни бировга бериш, ўзгартириш, ўзга шахсга ўтказиш ёки кўчиришнинг вақтинчалик тақиқланиши ёхуд суд ёки бошқа тегишли органнинг қарорига кўра бундай мулкка вақтинчалик эгалик қилиш ёки уни вақтинчалик назорат қилишни билдиради;

г) «мусодара этиш» суд ёки бошқа ваколатли органнинг қарори билан мулкдан батамом маҳрум этишни билдиради;

ҳ) «асосий ҳуқуқбузарлик» даромад олинишига сабаб бўлган ҳамда мазкур даромадга нисбатан ушбу Конвенциянинг 6-моддасида белгиланган ва жиноят таркибини ташкил қиладиган қилмишлар содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳуқуқбузарликни билдиради;

и) «назорат остида етказиб бериш» муайян жиноятни суриштириш ва унинг содир этилишида иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадларида ғайриқонуний ёки шубҳали юклар тўпларининг бир ёки бир қанча давлатларнинг тегишли органлари хабардор бўлгани

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида” ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003, № 9-10, 150-модда

ҳолда ва назоратида ушбу давлатлар ҳудудидан олиб чиқилиши, олиб ўтилиши ёки ушбу ҳудудларга олиб кирилишига йўл қўйиладиган усулни билдиради;

ж) «иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти» муайян бир минтақадаги мустақил давлатлар ташкил қилган ҳамда унинг аъзолари бўлган давлатлар ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ваколатлар берган ва ички тартиб-қоидаларига мувофиқ ушбу Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилиши учун тегишли ваколат берилган ташкилотни билдиради; ушбу Конвенцияда қўлланилган «Иштирокчи давлатлар» ибораси бундай ташкилотларга уларнинг ваколатлари доирасида тааллуқлидир.

3-модда. Қўлланиш соҳаси

1. Ушбу Конвенция, агар унда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги жиноятлар сабабли уларнинг олдини олиш, уларни тергов қилиш, содир этганларни фош этиш ва жазолашга нисбатан қўлланилади:

а) ушбу Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларига мувофиқ ана шундай қилмишлар сифатида тан олинган жиноятлар, ва

б) ушбу Конвенциянинг 2-моддасида таърифланган ҳамда трансмиллий хусусиятга эга бўлиб, уюшган жиноий гуруҳ иштирокида содир этилган жиддий жиноятлар.

2. Ушбу модданинг 1-банди мақсадлари учун жиноят қуйидаги ҳолларда трансмиллий хусусиятга эга бўлади:

а) биттадан ортиқ давлатда содир этилган бўлса;

б) битта давлатда содир этилган, аммо уни тайёрлаш, режалаштириш, унга раҳбарлик қилиш ёки уни назорат қилиш ишларининг асосий қисми бошқа давлатда амалга оширилган бўлса;

с) битта давлатда, аммо биттадан ортиқ давлатда жиноий фаолият кўрсатаётган уюшган жиноий гуруҳ иштирокида, содир этилган бўлса;

д) битта давлатда содир этилган, аммо унинг жиддий оқибатлари бошқа давлатда келиб чиққан бўлса.

4-модда. Суверенитетни ҳимоялаш

1. Иштирокчи давлатлар ўзларининг ушбу Конвенцияда белгиланган мажбуриятларини давлатларнинг суверен тенглиги ва ҳудудий яхлитлиги ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига мувофиқ амалга оширадилар.

2. Ушбу Конвенциядаги ҳеч бир қоида Иштирокчи давлатга бошқа давлат ҳудудида ана шу бошқа давлатнинг ички қонунларига мувофиқ фақат унинг органлари ваколатига қирадиган юрисдикция ва вазифаларни бажариш ҳуқуқини бермайди.

5-модда. Уюшган жиноий гуруҳда иштирок этишнинг жиноят ҳисобланиши (криминаллаштирилиши)

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат қуйидаги қилмишлар қасдан содир этилганида уларни жиноят деб топиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўради:

а) жиноят содир этишга суиқасдларга киритилмаган ҳолда ҳамда жиноий қилмишнинг амалда содир этилиш-этилмаслигидан қатъи назар, қуйидаги қилмишларнинг иккаласи ёки биттаси:

і) бир ёки бир неча шахс билан молиявий ёки бошқа моддий фойда олишга бевосита ёки билвосита боғлиқ жиддий жиноят содир этиш хусусида тил бириктириш, айна вақтда, агар бу ички қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, тил бириктириш иштирокчиларидан бири ушбу тил бириктиришни амалга ошириш учун бирорта ҳаракатни амалда содир этган бўлиши ёки уюшган жиноий гуруҳ бунга алоқадор бўлиши ҳам талаб этилади;

ii) уюшган жиноий гуруҳнинг мақсадлари ва умумий жиноий фаолиятини ёхуд тегишли жиноятларни содир этиш режаларини била туриб қуйидагиларда фаол иштирок этаётган бирор шахснинг қилмишлари:

a. уюшган жиноий гуруҳнинг жиноий фаолияти;

b. унинг иштироки юқорида келтирилган жиноий мақсадга эришишда ёрдам беришини била туриб уюшган жиноий гуруҳ фаолиятининг бошқа турлари;

b) уюшган жиноий гуруҳ иштирокида содир этилган жиддий жиноятни уюштириш, бундай жиноятга раҳбарлик қилиш, шерик бўлиш, далолатчилик қилиш, кўмаклашиш ёки бу борада маслаҳат бериш.

2. Ушбу модданинг 1-бандида сўз юритилган билиш, ният, қасд, мақсад ёки тил бириктиришнинг бўлган-бўлмаганлиги ишнинг амалдаги объектив ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши мумкин.

3. Иштирокчи давлатларнинг ички қонун ҳужжатларида уюшган жиноий гуруҳга алоқадорлик ушбу модданинг 1(а)(i) бандига кўра жиноят деб топилган қилмишлар таркибларининг элементи сифатида назарда тутилган бўлса, улар ўзларининг ички қонун ҳужжатларида уюшган жиноий гуруҳлар иштирокида содир этиладиган барча жиноятларнинг жиддий жиноятлар қаторига киритилишини таъминлайдилар. Бундай Иштирокчи давлатлар, шунингдек ички қонун ҳужжатларида ушбу модданинг 1(а)(i) бандига мувофиқ жиноят деб топилган қилмишлар таркибларининг элементи сифатида тил бириктириш ҳаракатларини амалда содир этиш назарда тутилган Иштирокчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ушбу Конвенцияни имзолаётганда ёхуд ратификация ёрлиғи ёки Конвенцияни қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни сақлаш учун топшираётганда бу ҳақда хабар қиладилар.

6-модда. Жиноий даромадларнинг легаллаштирилишини криминаллаштириш

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат қуйидаги қилмишлар қасдан содир этилганида уларни ўз ички қонун ҳужжатларининг асосий принципларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш деб топиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўради:

a) i) жиноятдан олинган даромад эканлиги маълум бўлган мулкнинг жиноий манбаини яшириш ёки сир тутиш ёхуд асосий ҳуқуқбузарлик содир этилишида иштирок этаётган шахс ўз қилмишларига муносиб жавобгарликдан қутулиб қолиши учун унга ёрдам кўрсатиш мақсадида бундай мулкни ўзгартириш ёки бошқа шахсга ўтказиш;

ii) жиноятдан олинган даромад эканлиги маълум бўлган мулкнинг ҳақиқий хусусияти, манбаи, жойлашган ўрни, уни тасарруф этиш, кўчириш усули, мулкка бўлган ҳуқуқлар ёки унинг кимга тегишли эканлигини яшириш ёки сир тутиш;

b) ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига риоя этилиши шарти билан:

i) олинаётган пайтида жиноий даромад эканлиги маълум бўлган мулкни сотиб олиш, унга эгаллик қилиш ёки ундан фойдаланиш;

ii) ушбу моддага мувофиқ жиноят деб топилган ҳар қандай қилмишда иштирок этиш, шерик бўлиш ёки уни содир этиш мақсадида тил бириктириш, содир этишга суиқасд қилиш, шунингдек уни содир этишда шерикчилик, далолатчилик қилиш, кўмаклашиш ёки маслаҳат бериш.

2. Ушбу модданинг 1-бандини амалга ошириш ёки қўллаш мақсади учун:

a) ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу модданинг 1-бандини асосий ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти учун қўллашга ҳаракат қилади;

b) ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу Конвенциянинг 2-моддасида белгиланган барча жиддий жиноятларни ҳамда 5, 8 ва 23-моддаларида жиноят деб топилган қилмишларни асосий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритади. Иштирокчи давлатларнинг қонун ҳужжатларида аниқ асосий ҳуқуқбузарликлар рўйхати мавжуд бўлганида унга энг камида уюшган жиноий гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ кенг доирадаги жиноятлар киритилади;

с) «б» кичик бандида белгиланган мақсадлар учун асосий ҳуқуқбузарликлар тегишли Иштирокчи давлатнинг юрисдикцияси доирасида ва ундан ташқарида содир этилган жиноятларни ўз ичига олади. Бироқ бирорта Иштирокчи давлатнинг юрисдикцияси доирасидан ташқарида содир этилган тегишли қилмиш у содир этилган давлатнинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш ҳисобланган ҳамда ушбу модда амалга оширилаётган ёки қўлланилаётган давлатда содир этилганида унинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш ҳисобланадиган тақдирдагина асосий ҳуқуқбузарликлар бўлади.

д) ҳар бир Иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибига мазкур модда қоидаларининг амалга оширилишини таъминловчи ўз қонунларининг матнларини, шунингдек бундай қонунларга киритилган ҳар қандай ўзгартишлар матнлари ёки уларнинг тавсифини тақдим этади;

е) Иштирокчи давлат ички қонун ҳужжатларининг асосий принциплари талаб қилса, мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган жиноятлар асосий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга тааллуқли бўлмаслиги назарда тутилиши мумкин;

ф) мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган жиноят таркибининг элементи сифатида англаш, қасд ёки мақсад жиноят ишининг амалдаги объектив ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши мумкин.

7-модда. Пул маблағларини ошкоралаштиришга қарши кураш чоралари

1. Ҳар бир иштирокчи давлат:

а) банклар ва банк тизимига кирмайдиган молиявий муассасалар, шунингдек тегишли ҳолларда пул маблағларини «ювиш» нуқтаи назаридан энг ночор ҳисобланган бошқа органларга нисбатан тартибга солиш ва назорат қилишнинг кенг қамровли ички режимини ўз ваколатлари доирасида, пул маблағларини «ювиш»га йўл қўймаслик ва барча шаклларино фощ этиш мақсадида ўрнатилади. Айни вақтда бундай тартиб мижоз шахсини аниқлаштириш, ҳисоботлар юритиш ва шубҳали битимлар ҳақида ахборот беришга қўйиладиган талабларга асосланади;

б) ушбу Конвенциянинг 18 ва 27-моддаларига зарар етказмаган ҳолда, пул маблағларини ювишга қарши кураш олиб бораётган маъмурий, тартибга солувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органлар (жумладан, бу ички қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлганида суд органлари ҳам) унинг ички қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган шартларида миллий ва халқаро даражаларда ҳамкорликни амалга ошириш ва ахборот айирбошлашга қодир бўлишини таъминлайди ҳамда ушбу мақсадларда пул маблағларини «ювиш» бўйича ихтилоф қилган ҳолларга доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш учун миллий марказ сифатида амал қиладиган молиявий оператив ахборот бўйича бўлинма таъсис этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

2. Иштирокчи давлатлар нақд пул маблағларини ва тегишли муомала воситаларининг чегара орқали кўчирилишини аниқлаш ҳамда бундай кўчиришни назорат қилиш бўйича амалда мумкин бўлган чораларни ахборотдан тегишлича фойдаланишни таъминлашга қаратилган қарорларга риоя этган ва қонуний капиталнинг кўчиб юришига ҳеч бир тўсик яратмаган ҳолда қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади. Бундай чоралар жисмоний шахслар ва тижорат ташкилотлари катта ҳажмдаги нақд пул маблағларининг чегара орқали ўтказилиши ва тегишли муомала воситаларининг ўтказилиши ҳақида хабар беришларига доир талабни ўз ичига олиши мумкин.

3. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ бошқариш ва назорат бўйича ички режимни ўрнатишда Иштирокчи давлатларга минтақавий, минтақаларо ва кўп томонлама ташкилотларнинг пул маблағларини «ювиш»га қарши қаратилган тегишли ташаббусларига асосланиш тақлиф этилади.

Иштирокчи давлатлар пул маблағларини ювишга қарши кураш мақсадида суд органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек молиявий бошқарув органлари ўртасида

глобал, минтақавий, субминтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга интиладилар.

8-модда. Коррупциянинг криминаллаштирилиши

Ҳар бир Иштирокчи давлат қасддан содир этилганида қуйидаги қилмишларни жиноий жазоланадиган қилмиш деб топиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўрадилар:

а) оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахс хизмат вазифаларини бажараётганида бирор ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этиши учун мансабдор шахснинг ўзига ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахсга ғайриқонуний устунликлар ваъда қилиш, таклиф этиш ёки бериш;

б) оммавий мансабдор шахснинг ўзи ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахс хизмат вазифаларини бажараётганида бирор ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этиши учун мансабдор шахснинг ўзига ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахсга ғайриқонуний устунликларни тама қилиши ёки қабул қилиши.

2. Ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган қилмишларни жиноий жазоланадиган қилмиш деб топиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни, уларда бирор хорижий оммавий манфаатдор шахс ёки халқаро фуқаровий хизматчи иштирок этаётганида амалга ошириш имкониятини кўриб чиқади. Ҳар бир Иштирокчи давлат коррупциянинг бошқа шакллари ҳам жиноий жазоланадиган қилмиш деб топиш имкониятини кўриб чиқади.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат, шунингдек ушбу моддага мувофиқ жиноят деб топилган бирор қилмишни содир этишда шерик сифатида иштирок этишни жиноий жазоланадиган қилмиш деб топиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

4. Ушбу Конвенция мазкур моддасининг 1-банди ва 9-моддаси мақсадлари учун «оммавий мансабдор шахс» деганда мансабдор шахс бундай вазифани бажарадиган Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларида белгиланганидек ва жиноят қонун ҳужжатларида қўлланилганидек, оммавий мансабдор шахс ёки бирор оммавий хизмат кўрсатувчи шахс тушунилади.

9-модда. Коррупцияга қарши кураш чоралари

1. Ушбу Конвенциянинг 8-моддасида баён этилган чораларга қўшимча равишда ҳар бир Иштирокчи давлат талаб қилинган ва ҳуқуқий тизимига мос келадиган даражада ҳалолликка кўмаклашиш, шунингдек оммавий мансабдор шахслар орасида коррупциянинг олдини олиш ва уни фош этиш ҳамда бунинг учун жазолаш мақсадида қонунчилик чоралари, маъмурий ёки бошқа самарали чораларни кўради.

2. Ҳар бир Иштирокчи давлат оммавий мансабдор шахслар орасида коррупциянинг олдини олиш ва уни фош этиш ҳамда бунинг учун жазолаш соҳасида унинг органлари самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, жумладан бундай органларга уларнинг ҳаракатларига ғайриқонуний таъсир кўрсатилишига тўсқинлик қилиш учун етарли мустақиллик бериш орқали, тегишли чоралар кўради.

10-модда. Юридик шахсларнинг масъулияти

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий принципларини инобатга олган ҳолда уюшган жиноий гуруҳ алоқадор бўлган жиддий жиноятларда иштирок этганлик ҳамда ушбу Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларига мувофиқ ана шундай деб топилган жиноятларни содир этганлик учун юридик шахсларга жавобгарлик белгилашда талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Иштирокчи давлатнинг ҳуқуқий принципларига риоя этиладиган бўлса, юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий бўлиши мумкин.

3. Бундай жавобгарликнинг юклатилиши жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигига тўсқинлик қилмайди.

4. Ҳар бир иштирокчи давлат, жумладан, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортиладиган юридик шахсларга самарали, мутаносиб ва тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган жиноий ёки жиноий бўлмаган жазолар, жумладан пул жарималари қўлланилишини таъминлайди.

11-модда. Таъқиб этиш, суд қарори чиқариш ва жазолаш

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларига мувофиқ жиноят деб топилган бирор қилмишнинг содир этилгани учун ушбу жиноятнинг хавфлилик даражасини инобатга олувчи жазолар қўлланишини назарда тутаяди.

2. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўзининг ички қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳамда ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни содир этгани учун шахсларни жиноий таъқиб этишга доир ҳар қандай дискрецион юридик ваколатлардан, ушбу жиноятларга қарши ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари энг кўп самарадорликка эришиши учун ҳамда бундай жиноятларга тўсқинлик қилиш зарурлигини лозим даражада инобатга олган ҳолда таъминлашга ҳаракат қилади.

3. Ушбу Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларига мувофиқ жиноят деб топилган қилмишларга нисбатан ҳар бир Иштирокчи давлат ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ва ҳимоянинг ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда, судгача ёки кассация шикоятга ёки протест қарори қабул қилинганга оғдат қилиш ҳақидаги қарорлар чиқарилиши муносабати билан белгиланадиган шартлар айбланувчи жиноят процессининг кейинги босқичларида ҳозир бўлишини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишини таъминлаш мақсадида керакли чораларни кўради.

4. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўз судлари ёки бошқа тегишли органлари ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни содир этгани учун ҳукм қилинган шахсларни муддатидан аввал ёки шартли равишда оғдат қилиш мумкинлиги масаласини кўриб чиқаётганларида бу жиноятларнинг хавфлилик хусусиятларини инобатга олишларини таъминлайди.

5. Ҳар бир Иштирокчи давлат тегишли ҳолларда ўзининг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Конвенцияда қамраб олинган ҳар қандай жиноят бўйича иш кўзғатиш учун узоқ давом этувчи жавобгарликка тортиш муддати ҳамда жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахс оғдат судловдан бўйин товлайётган ҳолларда узоқроқ давом этувчи жавобгарликка тортиш муддати белгилайди.

6. Ушбу Конвенцияда келтирилган ҳеч бир қоида мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб топилган қилмишларни ҳамда қўлланиладиган юридик эътирозлар ёки қилмишларнинг қонунийлигини белгиловчи бошқа ҳуқуқий принципларни белгилаш ҳар бир Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатлари соҳасига кириши, бундай жиноятлар учун таъқиб этиш ва жазолаш эса ана шу қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши ҳақидаги принципга даҳл қилмайди.

12-модда. Мусодара ва хатлаш

1. Иштирокчи давлат ўз ички ҳуқуқий тизимлари доираси имкон берган даражада куйидагиларни мусодара қилиш имконини таъминлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўрадилар:

а) ушбу Конвенцияда кўрсатиб ўтилган жиноятлардан олинган даромадлар ёки қиймати бундай даромадлар қийматига мос келадиган ашё;

б) ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноят содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган ашёлар, асбоб-ускуналар ёки бошқа воситалар.

2. Иштирокчи давлатлар ушбу модданинг 1-бандида келтирилган чоралардан аниқлаш, кузатиш, хатлаш ёки олиб қўйиш имкониятларини таъминлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай чорани кейинчалик мусодара қилиш мақсадида амалга оширадilar.

3. Жиноятдан олинган даромадлар қисман ёки тўлиқ бошқа мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган чоралар ана шу мулкка нисбатан қўлланилади.

4. Агар жиноятдан олинган даромадлар қонуний манбалардан сотиб олинган мулкка қўшилган бўлса, хатлаш ёки олиб қўйишга тааллуқли ҳар қандай ваколатга зиён етказмаган ҳолда мулкнинг жиноятдан олинган ва қўшилган даромаднинг баҳоланган қийматига мос келувчи қисми мусодара этилади.

5. Жиноят туфайли олинган даромаддан, мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган ана шундай даромаддан ёхуд жиноятдан келган даромад қўшилган мулкдан олинган фойда ёки бошқа фойдаларга ҳам ушбу моддада келтирилган чоралар жиноятдан олинган даромадга қай тариқа ва қай даражада қўлланилган бўлса, шу тариқа ва шу даражада қўлланилади.

6. Ушбу Конвенциянинг мазкур моддаси ва 13-моддаси мақсадлари учун ҳар бир Иштирокчи давлат ўз судлар ёки бошқа тегишли органларига банк, молия ёки тижорат ҳужжатларини тақдим этиш ёки хатлаш ҳақида қарор чиқариш ваколатини беради. Иштирокчи давлатлар банк сирини сақлаш зарурлигини баҳона қилиб, ушбу банд қоидаларига мувофиқ қўриладиган чоралардан бўйин товламайдилар.

7. Иштирокчи давлатлар жиноят содир этган шахс жинойий йўл билан топилганлиги гумон қилинаётган даромадлар ёки мусодара этилиши лозим бўлган бошқа мулкнинг қонуний келиб чиқилганлигини исботлаши зарурлигига оид талабни ички қонун ҳужжатларининг принциплари ҳамда суд муҳокамаси ва бошқа муҳокаманинг хусусиятига мувофиқ келадиган даражада белгилаш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

8. Ушбу модданинг қоидалари инсофли учинчи томонларнинг ҳуқуқларига зарар етказадиган тарзда талқин этилмайди.

9. Ушбу моддада келтирилган ҳеч бир қоида унда сўз юритилган чоралар Иштирокчи давлатнинг ички қоидаларига мувофиқ ҳамда уларга риязати этиш шарти билан белгиланиши ва амалга оширилиши ҳақидаги принципга дахл қилмайди.

13-модда. Мусодара мақсадларидаги халқаро ҳамкорлик

1. Ушбу Конвенцияда қамраб олинган бирор жиноят юрисдикциясига кирадиган бир иштирокчи давлатдан ушбу Конвенциянинг 12-моддаси 1-бандида келтирилган жиноятдан олинган даромадни, мулкни, жиноят содир этиш ускуналари ёки ўз ҳудудида бўлган бошқа воситаларни мусодара қилиш ҳақида илтимос олган бошқа Иштирокчи давлат ўз ички ҳуқуқий тизими доирасида мумкин бўлган даражада:

а) мусодара қилиш ҳақида қарор олиш мақсадида ушбу илтимосномани ўзининг тегишли органларига юборади ва бундай қарор чиқарилган тақдирда уни ижро этади; ёки

б) илтимоснома юборган Иштирокчи давлатнинг ҳудудидаги суд ушбу Конвенциянинг 12-моддаси 1-бандига мувофиқ чиқарган мусодара этиш ҳақидаги қарорни – илтимосномада кўрсатилган ҳажмда ҳамда 12-модда 1-бандида кўрсатилган жиноятдан олинган даромад, мулк, жиноят содир этиш ускуналари ёки бошқа воситаларига тааллуқли даражада ижро этиш мақсадида – ўзининг тегишли органларига юборади.

2. Ушбу Конвенцияда қамраб олинган бирор жиноят қайси Иштирокчи давлатнинг юрисдикциясига тўғри келса, ана шу давлат томонидан юборилган илтимоснома олинган заҳоти илтимоснома юборилган Иштирокчи давлат ушбу Конвенциянинг 12-моддаси 1-бандида келтирилган жиноят туфайли олинган даромад, мулк, жиноят содир этиш қуроллари ёки бошқа воситаларини мусодара қилиш мақсадида уларни топиш, кузатиш, хатлаш ёки олиб қўйиш чораларини кўради. Бу ҳақдаги қарорни илтимоснома юборган Иштирокчи давлат ёхуд ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ юборилган илтимосномага кўра илтимоснома юборилган Иштирокчи давлат чиқаради.

3. Мазкур Конвенциянинг 18-моддасида келтирилган қоидалар ушбу моддага *mutatis mutandis* тарзда қўлланилади. 18-модданинг 15-бандида келтирилган ахборотга қўшимча равишда ушбу модда асосида юборилган илтимосномаларда қуйидагилар келтирилади:

а) ушбу модданинг 1(а)-бандида назарда тутилган илтимосномага қўллаган ҳолда – мусодара этилиши лозим бўлган мулкнинг тавсифи ҳамда илтимоснома юборган Иштирокчи давлат асосланаётган ва илтимоснома юборилган Иштирокчи давлат ўзининг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ қарор чиқариши учун чора кўра олишига етарли бўлган фактлар баён этилган ариза;

б) ушбу модданинг 1(б)-бандида назарда тутилган илтимоснома масаласида – илтимоснома юборган Иштирокчи давлат чиқарган ҳамда ижро этилиши сўралаётган қарор ҳажми хусусида фактлар ва ахборот баён этилган аризага асос бўлган мусодара этиш ҳақидаги қарорнинг фойдаланилишига юридик жиҳатдан рухсат бериладиган нусхаси;

с) ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган илтимоснома масаласида – илтимоснома юборган Иштирокчи давлат далил сифатида келтираётган фактлар баён этилган ариза ҳамда кўрилиши сўралаётган чоралар тавсифи.

4. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган қарор ёки чораларни илтимоснома юборилган Иштирокчи давлат ўзининг ички қонун ҳужжатлари қоидаларига ҳамда ўз процессуал нормалари ёхуд ушбу давлат илтимоснома юборган Иштирокчи давлат билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай икки ёки кўп томонлама шартнома, битим ёки аҳдлашув қоидаларига мувофиқ ва уларга риоя этиш шarti билан қабул қилади.

5. Ҳар бир Иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ушбу модданинг қоидалари амалга ошишини таъминловчи ўз қонунлари ва қоидаларининг матнларини, шунингдек бундай қонун ва қоидаларда кейинчалик амалга оширилган ҳар қандай ўзгаришларнинг матнлари ёки уларнинг тавсифини тақдим этади.

6. Агар бирор Иштирокчи давлат ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида келтирилган чораларнинг кўрилишини тегишли шартноманинг мавжудлиги билан боғлашни истаса, ушбу Иштирокчи давлат мазкур Конвенцияга зарур ва етарли шартномавий-ҳуқуқий асос деб қарайди.

7. Агар илтимоснома тааллуқли бўлган жиноят ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноят бўлмаса, Иштирокчи давлат ушбу моддага мувофиқ ҳамкорлик қилишни рад этиши мумкин.

8. Ушбу модданинг қоидалари инсофли учинчи томонлар ҳуқуқларига зарар етказадиган қоидалар сифатида талқин этилмайди.

9. Иштирокчи давлатлар ушбу моддага мувофиқ амалга ошириладиган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ёки кўп томонлама шартнома, битим ёки аҳдлашувлар тузиш имкониятларини кўриб чиқадилар.

14-модда. Мусодара қилинган жиний даромадлар ёки мулкни тасарруф этиш

1. Иштирокчи давлат ушбу Конвенциянинг 12-моддаси ёки 13-моддасининг 1-банди асосида мусодара этган жиний даромадлар ёки мулкни ушбу Иштирокчи давлат ўзининг ички қонун ҳужжатлари ва маъмурий тартиб-қоидаларига мувофиқ тасарруф этади.

2. Иштирокчи давлатлар бошқа Иштирокчи давлат ушбу Конвенциянинг 13-моддасига мувофиқ юборган илтимоснома асосида ҳаракат қилган ҳолда ўзларининг ички қонун ҳужжатлари йўл қўядиган даражада ва тегишли илтимоснома олинган тақдирда, мусодара этилган жиний даромадларни ёки мулкни илтимоснома юборган иштирокчи давлат жиноятдан жабрланганларга товон тўлаши ёхуд бундай жиний даромадлар ёки мулкни қонуний мулкдорларига қайтара олиши учун унга қайтариб юбориш масаласини биринчи навбатда кўриб чиқадилар.

3. Иштирокчи давлат бошқа Иштирокчи давлатнинг ушбу Конвенциянинг 12-моддаси ёки 13-моддаларига мувофиқ юборган илтимосномаси бўйича ҳаракат қилиб, қуйидагилар ҳақида битим ёки аҳдлашувлар тузиш имкониятини алоҳида кўриб чиқиши мумкин:

а) жиноий даромад ёки мулкка мос келадиган маблағни, ёки бундай даромадлар ёки мулкни ёхуд унинг бир қисмини сотишдан олинган маблағларни ушбу Конвенция 30-моддасининг 2(с)-бандига мувофиқ ана шу мақсадга мўлжалланган ҳисобвараққа ёки уюшган жиноятчиликка қарши курашга ихтисослашган ҳукуматлараро органларга ўтказиш;

б) жиноятдан олинган даромад ёки мулкнинг ёхуд бундай даромад ёки мулкни сотиш натижасида олинган мулк ёки маблағнинг бир қисмини, ўз ички қонун ҳужжатлари ёки маъмурий тартибларига мувофиқ, мунтазам ёки бир марталик асосда бошқа Иштирокчи давлатларга ўтказиш.

15-модда. Юрисдикция

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат қуйидаги ҳолларда ушбу Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларига мувофиқ жиноят деб топилган қилмишларга нисбатан ўз юрисдикциясини ўрнатиш учун талаб этилиш мумкин бўлган чораларни кўради:

а) жиноят ушбу Иштирокчи давлат ҳудудида содир этилганида; ёки

б) жиноят содир этилган пайтда ушбу Иштирокчи давлат байроғи остида юрган кема ёки ўша пайтда ушбу Иштирокчи давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган ҳаво кемаси бортида содир этилганида.

2. Иштирокчи давлат ушбу Конвенциянинг 4-моддасига риоя этиш шарт билан қуйидаги ҳолларда ҳам ҳар қандай шу каби жиноятларга нисбатан ўз юрисдикциясини ўрнатиши мумкин:

а) жиноят ушбу Иштирокчи давлат фуқаросига қарши содир этилганида;

б) жиноят ушбу Иштирокчи давлат фуқароси ёки одатда унинг ҳудудида яшайдиган фуқаролиги йўқ шахс томонидан содир этилганида; ёхуд

с) қилмиш:

i) ушбу Конвенция 5-моддасининг 1-бандига мувофиқ жиноят деб топилган ҳамда унинг ҳудудида жиддий жиноят содир этиш мақсадида ушбу ҳудуддан ташқарида содир этилганида;

ii) ушбу Конвенция 6-моддасининг 1 (b)(ii) бандига мувофиқ жиноят деб топилган ҳамда ушбу Конвенциянинг 6-моддаси 1 (a)(i) ёки (ii) ёки (b)(i) бандига мувофиқ жиноят деб топилган бирор қилмишни унинг ҳудудида содир этиш мақсадида ушбу ҳудуддан ташқарида содир этилганида.

3. Ушбу Конвенциянинг 16-моддаси 10-банди мақсадлари учун ҳар бир Иштирокчи давлат жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудудида бўлиб, мазкур давлат бундай шахсни ўз фуқароларидан бири эканлиги асосидагина ушлаб бермаётганида ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга нисбатан ўз юрисдикциясини ўрнатиш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

4. Ҳар бир Иштирокчи давлат жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудудида бўлиб, ушбу давлат бундай шахсни ушлаб бермаётганида ҳам ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга нисбатан ўз юрисдикциясини ўрнатиш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўриши мумкин.

5. Агар ўз юрисдикциясини ушбу модданинг 1 ва 2-бандларига мувофиқ амалга ошираётган Иштирокчи давлат бошқа бир ёки бир неча Иштирокчи давлатлар худди ўша қилмиш туфайли тергов, жиноий таъқиб ёки суд муҳокамасини амалга ошираётгани ҳақида билдиришнома олган ёки бунини бошқача тарзда билиб олган бўлса, ушбу Иштирокчи давлатларнинг тегишли органлари зарур ҳолларда ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

6. Умумий халқаро ҳуқуқ нормаларига зиён етказмаган ҳолда ушбу Конвенция Иштирокчи давлат ўз ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатган ҳар қандай жиноий юрисдикциянинг амалга оширилишини истисно қилмайди.

16-модда. Шахсни ушлаб бериш

1. Мазкур модда ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга нисбатан, ёки 3-модданинг 1(а) ёки (б) бандларида келтирилган жиноятни содир этишга уюшган жиноий гуруҳ алоқадор бўлганида ҳамда ушлаб берилиши илтимос қилинаётган шахс уни ушлаб бериши илтимос қилинаётган Иштирокчи давлат ҳудудида бўлганида қўлланилади, аммо бунда шахсни ушлаб бериш талаб қилинишига сабаб бўлган қилмиш уни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлатнинг ҳам, шахсни ушлаб бериши илтимос қилинаётган Иштирокчи давлатнинг ҳам ички қонун ҳужжатларига кўра жиноий жазоланадиган қилмиш ҳисобланиши шарт.

2. Агар шахсни ушлаб бериш ҳақидаги талаб бир қисми ушбу модда билан қамраб олинмаган бир қанча алоҳида жиддий жиноятларга тааллуқли бўлса, шахсни ушлаб бериши илтимос қилинаётган Иштирокчи давлат ушбу моддани ана шу жиноятларга нисбатан ҳам қўллаши мумкин.

3. Ушбу модда қўлланиладиган жиноятларнинг ҳар бири шахснинг ушлаб берилишига олиб келиши мумкин бўлган жиноят сифатида Иштирокчи давлатлар ўртасида тузилган шахсни ушлаб бериш ҳақидаги ҳар қандай шартномага киритилган ҳисобланади. Иштирокчи давлатлар бундай жиноятларни шахснинг ушлаб берилишига олиб келиши мумкин бўлган жиноят сифатида улар ўртасида тузиладиган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги ҳар қандай шартномага киритиш мажбуриятини оладилар.

4. Агар шахсни ушлаб бериш учун шартнома бўлишини шарт қилиб қўядиган Иштирокчи давлат шахсни ушлаб бериш ҳақида у билан шартнома тузмаган бошқа Иштирокчи давлатдан шахсни ушлаб бериш ҳақида илтимоснома олса, бу давлат ушбу Конвенцияни мазкур модда қўлланиладиган ҳар қандай жиноят содир этилгани туфайли шахсни ушлаб бериш учун ҳуқуқий асос деб ҳисоблаши мумкин.

5. Шахсни ушлаб бериш учун шартнома бўлишини шарт қилиб қўядиган Иштирокчи давлатлар:

а) ўз ратификация ёрлиқларини ёки ушбу Конвенциянинг қабул қилинганлиги ёхуд тасдиқланганлиги ёки Иштирокчи давлатнинг унга қўшилгани ҳақидаги ҳужжатларини сақлаш учун топшириш вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ушбу Конвенциядан унинг бошқа иштирокчилари бўлган давлатлар билан шахсни ушлаб бериш масалаларида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланиш-фойдаланмасликларини маълум қиладилар; ҳамда

б) агар улар ушбу Конвенциядан шахсни ушлаб бериш масалаларида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланмасалар, зарур ҳолларда ушбу Конвенцияда иштирок этаётган бошқа давлатлар билан мазкур моддани қўллаш мақсадида шартномалар тузишга ҳаракат қиладилар.

6. Шахсни ушлаб бериш учун шартнома бўлишини шарт қилиб қўймайдиган Иштирокчи давлатлар ўзаро муносабатларда ушбу модда қўлланиладиган жиноятларни шахснинг ушлаб берилишига олиб келиши мумкин бўлган жиноятлар сифатида тан оладилар.

7. Шахсни ушлаб бериш бу ҳақда илтимоснома юборилган Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларида ёки шахсни ушлаб бериш ҳақидаги шартномаларда қўлланиладиган шартларга, жумладан шахсни ушлаб беришга нисбатан энг кам жазо бериш ҳақидаги талаблар билан боғлиқ шартлар ва шахсни ушлаб бериши илтимос қилинаётган Иштирокчи давлат бунга рад этишига сабаб бўладиган асосларга мувофиқ амалга оширилади.

8. Ушбу модда қўлланилаётган ҳар қандай жиноятга нисбатан Иштирокчи давлатлар, ўз ички қонун ҳужжатларига риоя этилиши шarti билан, шахсни ушлаб бериш тартиб-қоидаларини тезлаштириш ҳамда у билан боғлиқ далилларни тақдим этиш ҳақидаги талабларни соддалаштиришга ҳаракат қиладилар.

9. Шахсни ушлаб бериши илтимос қилинаётган Иштирокчи давлат ўзининг ички қонун ҳужжатлари ва шахсни ушлаб бериш ҳақидаги шартномаларнинг қоидаларига риоя этилиши шarti билан, вазият бунга талаб этаётгани ва кечиктириб бўлмас хусусият касб этаётганига ишонч ҳосил қилиб ҳамда шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлат илтимосига кўра, ушлаб берилиши илтимос қилинаётган ва ўз ҳудудида бўлган шахсни

қамоққа олиши ҳамда шахсни ушлаб бериш процедураси вақтида ҳозир бўлишини таъминлаш учун бошқа тегишли чораларни кўриши мумкин.

10. Худудида жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахс бўлган Иштирокчи давлат бундай шахсни фақат унинг фуқароси бўлгани асосидагина ушбу модда қўлланиладиган жиноятни содир этгани учун ушлаб бермаётган бўлса, шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлатнинг илтимосига кўра ишни ноўрин кечиктиришларсиз ўзининг тегишли органларига жиноятни очиш ва айбдорни фош этиш мақсадида топшириши шарт. Бу органлар ушбу Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай бошқа хавfli жиноятда бўлгани каби ўз қарорини чиқарадилар ва жиноят иши юритадилар. Манфаатдор Иштирокчи давлатлар бундай жиноятни очиш ва айбдорни фош этишнинг самарадорлигини таъминлаш учун, жумладан процессуал масалалар ва исботлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

11. Иштирокчи давлатнинг ўз ички қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсни ушлаб бериш ёки топшириш талаб қилинишига сабаб бўлган суд муҳокамаси ёки процесси натижасида тайинланган жазони ўташи учун ўз давлатига қайтарилиши шарти билангина ўз фуқароларидан бирини ушлаб беришига руҳсат этилган бўлиб, ушбу Иштирокчи давлат ва бу шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлат ана шу тартибга ва улар маъқул деб топишлари мумкин бўлган бошқа шартларга рози бўлган барча ҳолларда, шахсни бундай шартли ушлаб бериш ёки топшириш ушбу модданинг 10-бандида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши учун етарли бўлади.

12. Агар ҳукми ижро этиш мақсадида шахсни ушлаб бериш бу шахс уни ушлаб бериши илтимос қилинаётган Иштирокчи давлатнинг фуқароси эканлиги сабабли рад этилган бўлса, уни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи, агар унинг ички қонун ҳужжатлари бунга йўл қўйса ва бу ҳол ана шундай қонун ҳужжатлари талабларига мос келса, шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчининг мурожаати бўйича шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган иштирокчининг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ чиқарилган ҳукм ёки унинг қолган қисмини ижро этиш масаласини кўриб чиқади.

13. Ушбу модда қўлланиладиган ҳар қандай жиноят туфайли жиноят иши юритилаётган ҳар қандай шахсга судловнинг барча босқичларида адолатли муомала қилиниши, жумладан бу шахс қайси Иштирокчи давлатнинг худудида турган бўлса, ана шу давлатнинг ички қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва қафолатларнинг амалга оширилиши қафолатланади.

14. Агар ушлаб бериш илтимос қилинаётган Иштирокчи давлатда бу талаб бирор шахсни жинси, ирки, дини, фуқаролиги, этник келиб чиқиши ёки сиёсий эътиқодлари сабабли таъқиб этиш ёки жазолаш мақсадига эга ёхуд ушбу илтимоснинг қондирилиши мазкур сабабларнинг исталгани бўйича ушбу шахснинг мавқеига зиён етказиши мумкин деб ҳисоблаш учун жиддий асослар бўлса, ушбу Конвенциядаги ҳеч бир қоида шахсни ушлаб бериш мажбуриятини белгиловчи қоида сифатида талқин этилмайди.

15. Иштирокчи давлатлар жиноят солиқ масалалари билан ҳам боғлиқ деб ҳисобланишигагина асосланиб, шахсни ушлаб бериш ҳақидаги илтимосни рад эта олмайдилар.

16. Иштирокчи давлат шахсни ушлаб беришни рад этгунга қадар зарур ҳолларда, шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлатга у ўз фикрларини баён этиши ва унинг илтимосномасида баён этилган фактларга алоқадор маълумотларни тақдим этиши учун етарли имкон бериш мақсадида, у билан маслаҳатлашувлар ўтказилади.

17. Иштирокчи давлатлар шахсни ушлаб бериш ёки бунинг самарадорлигини ошириш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ёки битимлар тузишга ҳаракат қиладилар.

17-модда. Маҳкумларни топшириш

Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар учун қамок жазосига ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бошқа турларига ҳукм қилинган шахслар ўз

давлатининг худудиди жазо ўтай олишлари учун уларни топшириш ҳақида икки томонлама ёки кўп томонлама шартнома ёки битимлар тузиш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

18-модда. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам

1. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар сабабли жиноятларни тергов қилиш, очиш ва айбдорни фош этиш ҳамда суд муҳокамасини ўтказишда бир-бирларига, 3-моддада назарда тутилганидек, кенг миқёсли ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар ҳамда, агар шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлат 3-модданинг 1 (а) ёки (б) бандида кўрсатилган жиноятни ўз хусусиятига кўра трансмиллий жиноят деб ва жумладан, жиноятдан жабрланганлар, унинг гувоҳлари, уни содир этишдан олинган даромадлар, содир этиш воситалари ёки бундай жиноятларнинг далиллари шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлатда мавжуд деб, шунингдек ушбу жиноятнинг содир этилишига уюшган жиний гуруҳ алоқадор деб гумон қилиш учун оқилона асосларга эга бўлса, ўзаро ёрдам асосида бир-бирларига шу каби ёрдамлар берадилар.

2. Шахсни ушлаб бериш ҳақида талабнома юборган Иштирокчи давлатда юридик шахс содир этгани учун ушбу Конвенциянинг 10-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жиноят туфайли уни тергов қилиш, очиш ва айбдорни фош этиш ҳамда судда муҳокама қилишда талабнома юборилган Иштирокчи давлатнинг тегишли қонун, шартнома, келишув ва битимларига мувофиқ имкон қадар тўлиқ ўзаро ҳуқуқий ёрдам берилади.

3. Ушбу моддага мувофиқ кўрсатиладиган ўзаро ҳуқуқий ёрдам куйидаги мақсадлардан исталган бирортаси учун сўралиши мумкин:

- a) айрим шахслардан гувоҳлик кўрсатувлари ёки аризалар олиш;
- b) суд ҳужжатларини тақдим этиш;
- c) тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш ёки хатлаш чораларини амалга ошириш;
- d) объектлар ва ер майдонларини кўздан кечириш;
- e) ахборот, ашёвий далиллар ва экспертларнинг хулосаларини тақдим этиш;
- f) тегишли ҳужжатлар ва материалларнинг, жумладан ҳукумат, банк ҳужжатлари, молиявий, корпоратив ҳужжатлар ёки тижорат ҳужжатларининг асл ёки тасдиқланган нусхаларини тақдим этиш;
- g) исботлаш мақсадида жиний даромадлар, мулк, жиноят содир этиш воситалари ёки бошқа нарсаларни топиш ёхуд кузатиб бориш;
- h) тегишли шахсларнинг шахсни ушлаб беришни талаб қилаётган Иштирокчи давлат органларига ўз ихтиёрлари билан келишларига кўмаклашиш;
- i) илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай бошқа турдаги ёрдамни кўрсатиш.

4. Иштирокчи давлатнинг тегишли органлари ўзларидаги жиноят ҳуқуқи масалаларига доир маълумотлар бошқа Иштирокчи давлатнинг тегишли органи тергов ва жиноятни очиши ва айбдорни фош этишида ёки бу ишни муваффақиятли яқунлашида ёрдам кўрсатиши ёки ушбу Иштирокчи давлат мазкур Конвенцияга мувофиқ илтимоснома тузишига олиб келиши мумкин деб ҳисобласалар, ушбу маълумотларни ички қонун ҳужжатларига зиён етказмаган ҳолда аввалдан илтимоснома олмай туриб ҳам ана шу органга беришлари мумкин.

5. Ушбу модданинг 4-бандига мувофиқ маълумот бериш уни тақдим этган тегишли органлар жойлашган давлатдаги тергов ва жиний судловга халал бермаган ҳолда амалга оширилади. Маълумотни олувчи тегишли органлар унинг махфийлик хусусиятини сақлаб қолиш ҳақидаги илтимосни, вақтинчалик асосда бўлса-да, бажарадилар ёки ундан фойдаланиш бўйича белгиланган чекловларга риоя этадилар. Бироқ бу ҳол маълумот олаётган Иштирокчи давлатнинг ушбу давлатда амалга оширилаётган жиноят ишини юритиш давомида айбланувчини оқлайдиган маълумотни ошкор этишига тўсқинлик қилмайди, бундай ҳолда маълумот олаётган Иштирокчи давлат маълумот ошкор этилгунигача қадар уни тақдим этган Иштирокчи давлатга хабар беради ва, агар бу ҳақда илтимос

қилинган бўлса, маълумотни берган Иштирокчи давлат билан маслаҳатлашув ўтказди. Олдиндан хабар беришнинг имкони бўлмаган айрим ҳолларда маълумотни олган Иштирокчи давлат унинг бу тариқа ошкор этилгани ҳақида ушбу маълумотни берган Иштирокчи давлатга дарҳол хабар қилади.

6. Ушбу модданинг қоидалари ўзаро ҳуқуқий ёрдамни тўлиқ ёки қисман тартибга солаётган ёки тартибга соладиган бирорта ҳам икки томонлама ёки кўп томонлама шартнома бўйича олинган мажбуриятларга таъсир этмайди.

7. Агар тегишли Иштирокчи давлатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги бирор шартнома билан боғлиқ бўлмасалар, ушбу модданинг 9–29-бандлари мазкур модда асосида юборилган илтимосномаларга қўлланилади. Агар бу Иштирокчи давлатлар ана шундай шартнома билан боғланган бўлсалар, Иштирокчи давлатлар бунинг ўрнига ушбу модданинг 9–29-бандларини қўллаш хусусида келишмаган тақдирдагина ушбу шартноманинг тегишли қоидалари қўлланилади. Бу бандлар Иштирокчи давлатларнинг ҳамкорлигига имконият яратса, уларни албатта қўллаш таклиф этилади.

8. Иштирокчи давлатлар банк сирига асосланиб, ушбу моддага мувофиқ ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этмайдилар.

9. Иштирокчи давлатлар тегишли қилмиш иккала давлатда ҳам жиноят деб ҳисобланмаслигига асосланиб, ушбу моддага мувофиқ ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этишлари мумкин. Бироқ илтимоснома юборилган Иштирокчи давлат, агар лозим топса, тегишли қилмиш ушбу (илтимоснома юборилган Иштирокчи) давлатнинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят деб ҳисобланиш-ҳисобланмаслигидан қатъи назар, ўз ихтиёрига кўра белгиланадиган ҳажмда ёрдам кўрсатиши мумкин.

10. Ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар туфайли бир Иштирокчи давлат ҳудудида қамоқда бўлган ёки жазони турмада ўтаётган ҳамда шахсини аниқлаш, кўрсатувлар бериши ёки тергов учун далиллар олишда ёрдам кўрсатиши, жиноятни очиш ва айбдорни фош этиш ёки судда муҳокама қилиш мақсадида бошқа иштирокчи давлатда бўлиши талаб этиладиган шахс қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда ушлаб берилиши мумкин:

а) ушбу шахс бунга бемалол розилик берса;

б) иккала Иштирокчи давлатнинг тегишли органлари ушбу Иштирокчи давлатлар бажарилиши лозим деб ҳисоблаши мумкин бўлган шартларга келишган бўлсалар.

11. Ушбу модданинг 10-банди мақсадлари учун:

а) агар бу шахсни ушлаб берган Иштирокчи давлат бошқа талабни қўймаган бўлса ёки бошқа тартибга руҳсат бермаган бўлса, ушлаб берилган шахсни қабул қилган Иштирокчи давлат уни қамоқда сақлашга ҳақли ва мажбурдир;

б) шахс ушлаб берилаётган Иштирокчи давлат ушбу шахсни топширган Иштирокчи давлат тасарруфига қайтариш борасидаги мажбуриятини, илгари келишиб олинганидек ёки иккала Иштирокчи давлатнинг тегишли органлари бошқача тарзда келишиб олганидек, дарҳол бажаради;

с) шахс ушлаб берилаётган Иштирокчи давлат бу шахсни ушлаб берган Иштирокчи давлатдан уни қайтариш учун ушлаб бериш учун иш қўзғатишни талаб қилмайди;

д) ушлаб берилган шахсга уни ушлаб берган давлатда ўтаган жазо муддати у ушлаб берилаётган иштирокчи давлатда қамоқда сақланиш муддатига ўтади.

12. Ушбу модданинг 10 ва 11-бандларига мувофиқ бирор шахсни ушлаб бериши лозим бўлган Иштирокчи давлатнинг розилигисиз бу шахс, фуқаролигидан қатъи назар, уни ушлаб бераётган давлат ҳудудидан кетгунича бўлган даврга тааллуқли ҳаракати, ҳаракатсизлиги ёки ҳукм қилиниши туфайли ушлаб берилаётган давлат ҳудудида жинойий таъқиб этилмайди, қамоққа олинмайди, жазоланмайди ёки шахсий эркинликлари қандайдир бошқача тарзда чекланмайди.

13. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосномаларни олиш ва ё уларни бажариш, ё тегишли органлар бажариши учун йўллаш учун масъулиятга эга бўлган ҳамда тегишли ваколатлари бўлган марказий органни тайинлайди. Агар иштирокчи давлатда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун алоҳида тизими

бўлган махсус минтақа ёки ҳудуд бўлса, у ҳудди шундай вазифани ана шу минтақа ёки ҳудудга нисбатан бажарадиган алоҳида марказий органни тайинлаши мумкин. Марказий органлар олинган илтимосномаларни тез ва лозим даражада бажариш ёки йўллашни таъминлайдилар. Агар марказий орган илтимосномани бажариш учун тегишли органга юборадиган бўлса, тегишли органинг ушбу илтимосномани тез ва лозим даражада бажаришида ёрдам беради. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўзининг ратификация ёрлиғини ёки ушбу Конвенцияни қабул қилиш ёхуд унга қўшилиш ҳақидаги ҳужжатини сақлаш учун топшираётганида БМТ Бош котибига ана шу мақсадда тайинланган марказий орган ҳақида хабар беради. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимослар ҳамда унга тааллуқли ҳар қандай хабарлар иштирокчи давлатлар тайинлаган марказий органларга йўлланади. Бу талаб Иштирокчи давлатнинг бундай илтимослар ва хабарлар унга дипломатик йўллар бўйича ҳамда, фавқулодда ҳолатлар шароитида, иштирокчи давлатлар бу ҳақда келишиб олганларида, имкони бўлса, Халқаро жиноят полицияси ташкилоти орқали юборилишини талаб қилиш ҳуқуқига зарар етказмайди.

14. Илтимослар ёзма равишда ёки, имкони бўлса, илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат учун мақбул тилда ушбу иштирокчи давлатга аслига тўғрилигини аниқлаш имконини берадиган шароитда хат тузиш имконини берувчи ҳар қандай воситалар ёрдамида юборилади. Ратификация ёрлиғи ёки ушбу Конвенцияни қабул қилиш ёки тасдиқлаш ёхуд унга қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни сақлашга топшираётганда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳар бир Иштирокчи давлат учун мақбул бўлган тил ёки тиллар ҳақида хабардор қилинади. Фавқулодда ҳолатларда ва Иштирокчи давлатлар билан келишилган тақдирда илтимослар оғзаки шаклда юборилиши мумкин, аммо улар дарҳол ёзма шаклда тасдиқланади.

15. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосда қуйидагилар кўрсатилади:

- a) илтимос билан муружаат этаётган органнинг номи;
- b) масаланинг моҳияти ҳамда илтимоснома тааллуқли бўлган тергов, жиноий таъқиб ёки суд муҳокамасининг хусусияти, шунингдек тергов, жиноий таъқиб ёки суд муҳокамасини амалга ошираётган органнинг номи ва функциялари;
- c) тегишли фактнинг қисқача баёни, суд ҳужжатларини топширишга оид илтимослар бундан мустаснодир;
- d) сўралаётган ёрдамнинг тавсифи ҳамда илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат роя этилишни таъминлашни истаган ҳар қандай аниқ процедура ҳақидаги батафсил ахборот;
- e) имкон қадар ҳар қандай тегишли шахснинг кимлиги, қаерда эканлиги ва фуқаролигига доир маълумотлар; ҳамда
- f) тақдим этиш ёки кўрсатиш сўралаётган далиллар, ахборот ёки чораларнинг мақсади.

16. Агар унинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ илтимосни бажариш учун зарур бўлса ёки бундай илтимоснинг бажарилишини осонлаштира олса, илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат қўшимча ахборот сўраши мумкин.

17. Илтимос илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда зид келмаган даражада имкон қадар илтимосномада кўрсатилган тартибларга мувофиқ тарзда бажарилади.

18. Имкони бўлган ва ички қонунчиликнинг асосий принципларига мувофиқ келган даражада, агар бирор шахс Иштирокчи давлат ҳудудида бўлса ҳамда бошқа Иштирокчи давлатнинг суд органлари томонидан гувоҳ ёки эксперт сифатида эшитилиши керак бўлса, биринчи Иштирокчи давлат бошқа Иштирокчи давлатнинг илтимосига кўра, агар тегишли шахснинг илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат ҳудудида шахсан ҳозир бўлишининг имкони бўлмаса ёки бу номақбул бўлса, судда эшитилиш видеоалоқа ёрдамида ўтказилишига рухсат берилиши мумкин. Иштирокчи давлатлар судда тинглашни илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат суд органи илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат суд органининг вакиллари иштирокида ўтказиш ҳақида келишиб олишлари мумкин.

19. Илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат тақдим этган ахборот ёки далилларни илтимосда кўрсатилганидан бошқа тергов, жиноий таъкиб ёки суд муҳокамасини амалга ошириш учун илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатнинг розилигини олмай туриб бермайди ва ишлатмайди. Ушбу банддаги ҳеч бир қоида илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат у ерда ўтказаетган иш юритиш давомида айбланувчини оқлайдиган ахборот ёки далилларни ошкор этишига тўсқинлик қилмайди. Ушбу ҳолда илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатни ахборот ёки далилларни ошкор этгунига қадар бундан хабардор қилади ва, агар бу ҳақда илтимос олинган бўлса, илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат билан маслаҳатлашувлар ўтказди. Агар, айрим ҳолларда, аввалдан хабар беришнинг имкони бўлмаса, илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат маълумотларни бу тариқа ошкор этгани ҳақида илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатга дарҳол хабар беради.

20. Илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатдан илтимосноманинг мавжудлиги ва моҳиятининг махфийлигини сақлаб қолишни талаб қилиши мумкин. Илтимоснинг ўзини бажариш учун зарур бўлган маълумотлар бундан мустасно. Агар илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат маълумотни сир тутиш ҳақидаги талабни бажара олмаса, бу ҳақда дарҳол илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлатга хабар беради.

21. Қуйидаги ҳолларда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш рад этилиши мумкин:

а) агар илтимоснома ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ тақдим этилмаган бўлса;
б) илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат илтимоснинг бажарилиши унинг суверенитети, хавфсизлиги, оммавий тартиби ёки бошқа ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етказиши мумкин деб ҳисобласа;

с) агар илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларида унинг органларига бундай жиноят унинг юридикцияси доирасида тергов, жиноий таъкиб ёки суд муҳокамасининг предмети бўлганида ҳар қандай ўхшаш жиноятга нисбатан илтимос қилинаётган чораларнинг кўрилиши тақиқланган бўлса;

д) илтимоснинг бажарилиши илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатнинг ҳуқуқий тизимига ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида зид бўлса.

22. Иштирокчи давлатлар жиноят солиқ масалалари билан ҳам боғлиқ деб ҳисобланганлиги асосида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосни рад этишлари мумкин эмас.

23. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ҳар қандай рад этиш асослаб берилади.

24. Илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосни иложи борица қисқача муддатда бажаради ва имкон қадар, илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат таклиф этаётган ҳамда кўпинча илтимоснинг ўзида асослаб бериладиган ҳар қандай энг охириги муддатларни тўлиқ инobatга олади. Илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлатнинг илтимосни бажаришнинг бориши хусусидаги оқилона сўровларига жавоб беради. Илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлатга сўралган ёрдам кўрсатилишига зарурат қолмагани ҳақида зудлик билан хабар беради.

25. Илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш амалга оширилатган тергов, жиноий таъкиб ёки суд муҳокамасига тўсқинлик қилиши туфайли илтимоснинг бажарилишини кечиктириши мумкин.

26. Ушбу модданинг 21-бандига мувофиқ илтимосни бажаришни рад этгунга қадар ёки ушбу модданинг 25-бандига мувофиқ бажарилишини кечиктиргунга қадар илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат билан ёрдам сўралаётган Иштирокчи давлат зарур деб ҳисоблаган муддатлар ва шартларда берилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш учун маслаҳатлашувлар ўтказди. Агар илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат бу шартлар асосида ёрдамни қабул қиладиган бўлса, ушбу шартларга риоя этади.

27. Ушбу модданинг 12-банди қўлланишига зиён етказмаган ҳолда, илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлатнинг илтимосига кўра жиноят ишини юритиш давомида кўрсатувлар беришга ёки илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат ҳудудида тергов, жиноий таъқиб, суд муҳокамасини амалга оширишда ёрдам кўрсатишга рози бўлган гувоҳ, эксперт ёки бошқа шахс илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат ҳудудидан кетгунича бўлган даврга тааллуқли ҳаракати, ҳаракатсизлиги ёки ҳукм этилиши муносабати билан бу ҳудудда жиноий таъқиб этилиши, қамоққа олиниши, жазоланиши ёки шахсий эркинлиги бирор бошқа тарзда чекланиши мумкин эмас. Агар гувоҳ, эксперт ёки бу шахснинг ҳозир бўлиши суд органларига бошқа талаб этилмаслиги ҳақида расман хабар қилинган кундан бошлаб кетма-кет келаётган 15 кун ичида ёки иштирокчи давлатлар ўртасида келишилган ҳар қандай муддат мобайнида илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат ҳудудини тарк этиш имконига эга бўлган, аммо шунга қарамай, ушбу ҳудудда ўз ихтиёри билан қолган ёки уни тарк этгач, ўз ихтиёри билан қайтиб келган тақдирда шахсий хавфсизликнинг бундай кафолати амал қилишдан тўхтайд.

28. Илтимосни бажариш билан боғлиқ харажатлар, агар манфаатдор иштирокчи давлатлар бу масалада келишиб олмаган бўлсалар, илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлат томонидан қопланади. Агар илтимоснинг бажарилиши катта ёки фавқулодда харажатларни талаб қилаётган ёки қиладиган бўлса, иштирокчи давлатлар илтимос бажариладиган шартларни белгилаш, шунингдек харажатларни қоплаш тартибини белгилаш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

29. Илтимоснома юборилаётган Иштирокчи давлат:

а) илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлатга ўз ихтиёрида бўлган ҳамда ички қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий фойдаланиш учун очиқ бўлган ҳукумат материаллари, ҳужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тақдим этади;

б) илтимоснома юбораётган Иштирокчи давлатга ўз ихтиёрида бўлган ва ички қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий фойдаланиш учун ёпиқ бўлган ҳар қандай ҳукумат материаллари, ҳужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тўлиқ ёки қисман ёки ўзи риоя этилиши лозим деб ҳисоблаган шартларда бериши мумкин.

30. Иштирокчи давлатлар, заруратга кўра, ушбу модданинг мақсадларига жавоб берадиган, унинг амал қилишини таъминлайдиган ёки қоидаларини мустаҳкамлайдиган икки томонлама ёки кўп томонлама шартнома ёки битимлар тузиш имконини кўриб чиқадилар.

19-модда. Биргаликдаги терговлар

Иштирокчи давлатлар бир ёки бир неча давлатда тергов, жиноий таъқиб ёки суд муҳокамаси предмети бўлган ишлар туфайли тегишли манфаатдор органларнинг биргаликда тергов ўтказиш учун органлар ташкил қилишларига асос бўладиган икки ёки кўп томонлама шартнома ёки битимлар тузиш имкониятини кўриб чиқадилар. Бундай шартнома ёки битимлар бўлмаганида биргаликда ўтказиладиган терговларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда келишув бўйича ўтказилиши мумкин. Тегишли иштирокчи давлатлар бундай тергов ҳудудида ўтказилиши керак бўлган Иштирокчи давлатнинг суверенитети тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлайдилар.

20-модда. Терговнинг махсус усуллари

1. Агар ички ҳуқуқий тизимининг асосий принциплари билан йўл қўйиладиган бўлса, ҳар бир Иштирокчи давлат ўз имкониятлари доирасида ҳамда ички қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида унинг ҳудудидаги тегишли органлари уюшган жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришлари учун назорат қилинадиган товар етказиб беришдан лозим даражада фойдаланишларига ҳамда маъқул топган ҳолларда терговнинг электрон кузатув ёки кузатишнинг бошқа шакллари, шунингдек агентура операциялари сингари

бошқа махсус усулларида тегишлича фойдаланишларига рухсат этиш учун зарур чораларни кўради.

2. Ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни тергов қилиш мақсадида иштирокчи давлатлар, зарур бўлганида, халқаро даражадаги ҳамкорлик доирасида ана шундай махсус тергов усулларида фойдаланиш учун тегишли икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар тузишлари рағбатлантирилади. Бундай шартнома ёки битимлар давлатларнинг суверен тенглиги принципига тўлиқ риоя этилган ҳолда тузилади ва амалга оширилади ҳамда ушбу шартнома ёки битимларнинг талабларига қатъий амал қилган ҳолда рўёбга чиқарилади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида келтирилган шартнома ёки битимлар бўлмаганида халқаро даражада бундай махсус усуллардан фойдаланиш ҳақидаги қарорлар ҳар бири алоҳида ҳолда қабул қилинади ва зарур бўлганида уларда манфаатдор Иштирокчи давлатлар юрисдикциясини амалга оширишга оид молиявий битим ва келишувлар инobatга олинishi мумкин.

4. Назорат остида товар етказиб беришлардан халқаро даражада фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар, манфаатдор иштирокчи давлатларнинг розилиги билан, юкларни кўлга олиш ҳамда тегмай қолдириш ёхуд тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш ёки алмаштириш каби усулларни ўз ичига олиши мумкин.

21-модда. Жиноят иши юритишни бировга топшириш

Жиноят ишларини ўзаро ўтказиш одил судловни лозим даражада амалга ошириш манфаатларига жавоб беради деб ҳисобланган ҳолларда, жумладан иш бир неча юрисдикцияга алоқадор бўлганида жиноят ишларининг бирлаштирилишини таъминлаш учун Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар туфайли жинoий таъкиб мақсадида ишларни бир-бирларига ўтказиш имкониятларини кўриб чиқадилар.

22-модда. Судланганлик ҳақидаги маълумотлар

Ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноят содир этилганлиги сабабли амалга ошириладиган жиноят ишини юритиш давомида олинган ахборотдан фойдаланиш учун тергов қилинадиган жиноятни содир этганликда гумон қилинадиган шахсга нисбатан бошқа давлатда чиқарилган ҳар қандай айблов ҳукмини тўғри деб ҳисоблайдиган шарт ва мақсадларда ҳисобга олиш талаб этилиши учун мумкин бўлган қонунчилик чоралари ёки бошқа чораларни кўриши мумкин.

23-модда. Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилишни криминаллаштириш

Ҳар бир Иштирокчи давлат қуйидаги қилмишлар қасдан содир этилганида уларни жинoий жазоланадиган қилмиш деб топиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўради:

а) ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар содир этилиши туфайли кўрсатувлар берилиши жараёнида ёлғон кўрсатувлар беришга кўндириш ёки иш юритиш давомида далиллар тақдим этиш ёки кўрсатувлар бериш жараёнига аралашиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, таҳдид қилиш ёки кўрқитиш ёхуд ғайриқонуний устунликларни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки бериш;

б) ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар содир этилиши туфайли иш юритилиши давомида суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг манфаатдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажаришларига аралашиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, таҳдид қилиш ёки кўрқитишни кўллаш. Ушбу банддаги ҳеч бир қоида Иштирокчи давлатларнинг бошқа тоифадаги оммавий мансабдор шахсларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи қонун ҳужжатларига эга бўлиш ҳуқуқига зарар етказмайди.

24-модда. Гувоҳларни ҳимоя қилиш

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўз имкониятлари доирасида жиноят ишида иштирок этаётган ҳамда ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар туфайли кўрсатмалар бераётган гувоҳларга ҳамда тегишли ҳолларда уларнинг қариндошлари ва бошқа яқинларига нисбатан уларнинг эҳтимол тutilган қасос олиш ёки қўрқитишдан самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тегишли чораларни кўрадилар.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тutilган чоралар айбланувчининг ҳуқуқларига, жумладан тегишли муҳокама қилиниш ҳуқуқига зарар етказмаган ҳолда, жумладан қуйидагиларни қамраб олиши мумкин:

а) бундай шахсларни жисмонан ҳимоя қилиш учун тартиб-қоидалар белгилаш, масалан, – зарур бўлган ва амалга оширса бўладиган даражада, – уларни бошқа жойга кўчириш ҳамда зарур ҳолларда бундай шахсларнинг кимлиги ва турган жойи ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликка рухсат этадиган ёки ахборотни бундай ошкор этишга чеклов белгилайдиган қоидаларни қабул қилиш учун тартиб-қоидалар ўрнатиш;

б) гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлайдиган тарзда гувоҳлик беришга имкон яратувчи исботлаш қоидаларини қабул қилиш, масалан, видеоалоқа ёки бошқа тегишли алоқа воситалари ёрдамида гувоҳлик беришга рухсат этиш.

3. Иштирокчи давлатлар бошқа давлатлар билан ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган шахсларни кўчириш хусусида битим ёки шартномалар тузиш масаласини кўриб чиқадиладар.

4. Ушбу модданинг қоидалари жабрланувчиларга ҳам қўлланилади, чунки улар гувоҳ ҳисобланадилар.

25-модда. Жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлардан жабрланувчиларга, айниқса қасос олиш билан таҳдид қилиш ёки қўрқитиш ҳолларида ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоялаш учун ўз имкониятлари доирасида тегишли чоралар кўрадилар.

2. Ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлардан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш ва тўлдириш имкониятидан фойдаланилишини таъминлаш учун тегишли тартиб-қоидалар белгилайди.

3. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўз ички қонун ҳужжатларига риоя этилиши шарти билан, ҳимоянинг ҳуқуқларига зиён етказмайдиган тарзда жиноят процессининг тегишли босқичларида жабрланувчиларнинг жиноятни содир этган шахсларга доир фикр ва хавотирлари баён этилиши ҳамда кўриб чиқилиши учун имконият яратади.

26-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган чоралар

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат уюшган жинoий гуруҳларда иштирок этувчи ёки иштирок этган шахсларни қуйидагиларга рағбатлантириш учун тегишли чораларни кўради:

а) қуйидаги масалалар муносабати билан тергов ўтказиш ва исботлаш мақсадида тегишли органлар учун фойдали бўлган ахборотни тақдим этиш:

i) уюшган жинoий гуруҳларнинг идентификацион маълумотлари, характери, аъзоларининг таркиби, тузилиши, жойлашган ери ёки фаолияти;

ii) бошқа жинoий гуруҳлар билан алоқалари, жумладан халқаро алоқалари;

iii) уюшган жинoий гуруҳлар содир этган ёки содир этиши мумкин бўлган жинoятлар;

б) тегишли органларга уюшган жинoий гуруҳларни уларнинг ресурсларидан ёки жинoий даромадларидан маҳрум этишга имкон бера оладиган фактик, аниқ ёрдам кўрсатиш.

2. Ҳар бир Иштирокчи давлат, зарур ҳолларда, ушбу Конвенцияда қамраб олинган бирор жиноят туфайли тергов қилиш ёки жиноий таъқиб этишда жиддий ҳамкорлик қилаётган айбланувчи шахснинг жазосини енгиллаштириш мумкинлигини назарда тутиш масаласини кўриб чиқади.

3. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўз ички қонун ҳужжатларидаги асосий принципларга мувофиқ, ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноят туфайли тергов қилиш ёки жиноий таъқиб этишда жиддий ҳамкорлик қилаётган шахсга жиноий таъқибдан иммунитет бериш мумкинлигини назарда тутиш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

4. Бундай шахслар ушбу Конвенциянинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинадилар.

5. Ушбу модданинг 1-бандида келтирилган ва бир иштирокчи давлатда бўлган шахс бошқа Иштирокчи давлатнинг тегишли органлари билан жиддий ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган ҳолларда манфаатдор иштирокчи давлатлар ўзларининг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа иштирокчи давлатга ушбу модданинг 2 ва 3-бандларида келтирилган режимни бериш мумкинлиги масаласида шартнома ёки битимлар тузиш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

27-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик

1. Иштирокчи давлатлар ички ҳуқуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ ҳаракат қилиб, ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга қарши курашиш учун ҳуқуқни қўллаш чораларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўзаро яқин ҳамкорлик қиладилар. Ҳар бир иштирокчи давлат, жумладан қуйидагиларга қаратилган самарали чораларни кўради:

а) ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларнинг барча жиҳатлари ҳақидаги, жумладан, агар манфаатдор иштирокчи давлатлар буни лозим топсалар, жиноий фаолиятининг бошқа турлари билан алоқалари ҳақидаги ахборотнинг ишончли ва тез алмашишини таъминлаш учун уларнинг тегишли органлари, муассаса ва хизматлари ўртасида алоқа каналларини мустаҳкамлаш ёки зарур бўлган жойда ўрнатиш;

б) қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар туфайли терговлар ўтказишда бошқа Иштирокчи давлатлар билан ҳамкорлик қилиш:

i) бундай жиноятларнинг содир этилишида иштирок этганликда гумон қилинаётган шахсларнинг кимлиги, қаерда эканлиги ва фаолияти ёхуд бошқа алоқадор шахсларнинг жойлашган ери;

ii) жиноий даромадларнинг ёки бундай жиноятларни содир этиш натижасида олинган мулкнинг кўчирилиши;

iii) бундай жиноятларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган ашё, ускуналар ёки бошқа воситаларнинг кўчирилиши.

с) зарур ҳолларда таҳлил этиш ёки тергов қилиш мақсадлари учун зарур нарсалар ёки зарур миқдордаги моддаларни тақдим этиш;

д) уларнинг тегишли органлари, муассаса ва хизматлари ўртасида самарали мувофиқлаштиришга кўмаклашиш ҳамда ходимлар ва бошқа экспертлар алмашишини, жумладан манфаатдор иштирокчи давлатлар икки томонлама шартнома ёки битимлар тузиш шарти билан, алоқалар бўйича ходимларни йўлланишини рағбатлантириш;

е) уюшган жиноий гуруҳлар қўллайдиган аниқ воситалар ва усуллар ҳақидаги ахборот, жумладан тегишли ҳолларда транспорт йўналишлари ва воситалари, шунингдек қалбаки шахсий гувоҳномалар, ўзгартирилган ёки қалбакилаштирилган ҳужжатлар ёки фаолиятни яширишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш бўйича маълумотларни бошқа Иштирокчи давлатлар билан айирбошлаш;

ф) ахборот айирбошлаш ҳамда ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни олдиндан аниқлаш мақсадида тегишли ҳолларда кўриладиган маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштириш.

2. Ушбу Конвенцияни амалда қўллаш мақсадида иштирокчи давлатлар ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ўртасида бевосита ҳамкорлик қилиш тўғрисида икки томонлама ёки кўп томонлама шартнома ёхуд битимлар имзолаш, бундай шартнома ёки битимлар мавжуд бўлган ҳолларда эса уларни ўзгартириш имкониятларини кўриб чиқадилар. Манфаатдор Иштирокчи давлатлар ўртасида бундай шартнома ёки битимлар бўлмаган тақдирда Иштирокчилар ушбу Конвенцияга унда қамраб олинган жиноятларга қарши курашиш учун ҳуқуқни муҳофаза этиш органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш асоси сифатида қарашлари мумкин. Тегишли ҳолларда Иштирокчи давлатлар битим ва шартномалардан, жумладан халқаро ёки минтақавий ташкилотларнинг механизмларидан ўз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун тўлик фойдаланадилар.

3. Иштирокчи давлатлар замонавий технологиялардан фойдаланиб содир этиладиган трансмиллий уюшган жиноятларга қарши кураш мақсадида ўз имкониятлари доирасида ҳамкорлик қилишга интиладилар.

28-модда. Уюшган жиноятчиликнинг хусусияти ҳақидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда бундай маълумотларни алмашиш

Ҳар бир Иштирокчи давлат олимлар ва мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда, ўз ҳудудида уюшган жиноятчилик соҳасидаги тамойилларни, уюшган жиноятчилик фаолият кўрсатаётган шароитларни таҳлил қилиш, шунингдек жалб этилган профессионал гуруҳлар ва фойдаланилаётган технологияларни ўрганиш имкониятларини кўриб чиқади.

2. Иштирокчи давлат уюшган жиноий фаолият хусусидаги таҳлилий билимларни кенгайтириш шунингдек, ўзаро ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар орқали ушбу маълумотларни алмашиш имкониятларини кўриб чиқадилар. Ушбу мақсадда тегишли ҳолларда умумий таърифлар, стандартлар ва методология ишлаб чиқиши ҳамда қўлланилиши керак.

3. Ҳар бир Иштирокчи давлат уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасидаги сиёсатини ва амалий чораларини назорат қилиш, шунингдек уларнинг самарадорлиги ва амалийлигини баҳолаш имкониятларини кўриб чиқади.

29-модда. Кадрлар тайёрлаш ва техник ёрдам кўрсатиш

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, жумладан прокуратура ходимлари, терговчи ва божхона органлари ходимларини, шунингдек, ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш учун масъул бўлган бошқа ходимларни тайёрлашга қаратилган аниқ дастурларни зарур доираларда амалга оширади, ишлаб чиқади ёки такомиллаштиради. Бундай дастурларга ходимларни хизмат сафарларига юбориш ва ўзаро алмашиш кабилар киритилиши мумкин. Бундай дастурлар, жумладан ва ички қонун ҳужжатлари йўл қўйган даражада, қуйидаги масалаларга тааллуқли бўлади:

а) ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларнинг олдини олиш ва уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишда фойдаланиладиган усуллар;

б) ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга алоқадорликда гумон қилинаётган шахслар, жумладан, транзит давлатларида фойдаланиладиган йўналишлар ва воситалар, шунингдек тегишли жавоб чоралари;

с) контрабанда предметларининг кўчирилишини кузатиш;

д) жиноий даромадлар, жиноят содир этиш ашёлари, қуроллари ёки бошқа воситаларини кўчириш ҳамда бундай даромадлар, жиноят содир этиш ашёлари, қуроллари ёки бошқа воситаларини бировга бериш, яшириш ёки сир тутиш усулларини, шунингдек пул маблағларини ошқоралаштиришга ва молиявий жиноятларга қарши курашда фойдаланиладиган усулларни аниқлаш ҳамда кузатиш;

е) далиллар тўплаш;

f) эркин савдо зоналари ва эркин бандаргоҳларда назорат қилиш усуллари;
g) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишида фойдаланиладиган замонавий асбоб-ускуналар ва усуллар, жумладан электрон кузатув, назорат остида мол етказиб бериш, агентура операциялари;

h) компьютерлар, телекоммуникация тармоқлари ва замонавий технологиянинг бошқа турларидан фойдаланиб содир этиладиган трансмиллий уюшган жиноятларга қарши курашда фойдаланиладиган усуллар; ҳамда

i) жабрланувчилар ва гувоҳларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган усуллар.

2. Иштирокчи давлатлар ушбу модданинг 1-бандида келтирилган соҳаларда махсус билимлар айирбошланишини таъминлаши керак бўлган тадқиқот дастурлари ва кадрлар тайёрлашни режалаштириш ва амалга оширишда бир-бирларига кўмаклашадилар, ушбу мақсадда, шунингдек тегишли ҳолларда, ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотувчи муаммолар, жумладан транзит давлатларнинг алоҳида муаммо ва эҳтиёжларини муҳокама қилишда кўмаклашиш учун минтақавий ва халқаро конференция ва семинарлардан ҳам фойдаланадилар.

3. Иштирокчи давлатлар ушлаб бериш ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга кўмаклашадиган кадрлар тайёрлаш ва техник ёрдам кўрсатишга имконият яратадилар. Икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ва битимлар амал қилган тақдирда Иштирокчи давлат зарур даражада, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамда икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ва битимлар доирасида амалий ва ўқув тадбирларининг самарадорлигини энг кўп даражада оширишга қаратилган ҳаракатларини фаоллаштирадилар.

30-модда. Бошқа чоралар: ушбу Конвенцияни иқтисодий ривожланиш ва техник ёрдам кўрсатиш орқали амалга ошириш

1. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенциянинг мақбул тарзда амалга оширилишига имкон берувчи чора-тадбирларни, имкон қадар, уюшган жиноятчиликнинг умуман жамият, жумладан барқарор ривожланиш учун салбий оқибатларини инобатга олган ҳолда, халқаро ҳамкорлик орқали, амалга оширадилар.

2. Иштирокчи давлатлар имкон қадар ва ўзаро, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан мувофиқлашган ҳолда, қуйидагиларга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар:

a) ривожланаётган мамлакатларнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасидаги имкониятларини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу давлатлар билан турли даражаларда ҳамкорликни фаоллаштириш;

b) ривожланаётган мамлакатларнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши самарали курашиши ва ушбу Конвенцияни муваффақиятли амалга оширишида кўмаклашиш учун молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилишини кенгайтириш;

c) ушбу Конвенциянинг амалга оширилиши муносабати билан ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш мақсадида уларга техник ёрдам кўрсатиш. Бунинг учун иштирокчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти яратган молиялаштириш механизмида ушбу мақсад учун мўлжалланган ҳисобвараққа мунтазам асосда етарлича ихтиёрий бадаллар ўтказишга ҳаракат қиладилар. Иштирокчи давлатлар, шунингдек, ўз ички қонун ҳужжатлари ва ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ юқорида келтирилган ҳисобвараққа муайян улушдаги пул маблағларини ёки жиноятлардан олинган даромадларнинг тегишли қийматини ёхуд ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ мусодара қилинган мулкнинг тегишли қийматларини ўтказишни алоҳида кўриб чиқишлари мумкин;

d) бошқа давлатлар ва молиявий муассасаларни, зарур ҳолларда, ушбу моддага мувофиқ, жумладан ривожланаётган мамлакатлар учун ушбу Конвенция мақсадларига эришишда уларга кўмаклашиш учун кадрлар ва замонавий асбоб-ускуналар тайёрлаш бўйича катта

ҳажмдаги дастурларни таъминлаш орқали, амалга ошириладиган ҳаракатларда уларга кўшилишни рағбатлантириш ва ишонтириш.

3. Бу чоралар хорижий ёрдам борасидаги мавжуд мажбуриятларга ёки икки томонлама, минтакавий ёки халқаро даражалардаги молиявий ҳамкорликка доир бошқа шартномаларга имкон қадар зарар етказмайди.

4. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияда назарда тутилган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлаш учун, шунингдек трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш, уни аниқлаш ҳамда унга қарши курашиш учун зарур бўлган молиявий шартномаларни эътиборга олган ҳолда моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш ҳақида икки томонлама ёки кўп томонлама шартнома ёки битимлар тузишлари мумкин.

31-модда. Трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш

1. Иштирокчи давлатлар миллий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашга, шунингдек трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган амалиёт ва сиёсатнинг мақбул турларини аниқлаш ва жорий этишга интиладилар.

2. Иштирокчи давлатлар ўз ички қонун ҳужжатларининг асосий принципларига мувофиқ уюшган жиноий гуруҳларнинг жиноий даромадлардан фойдаланган ҳолда қонуний бозорларда ҳаракат қилишларининг мавжуд ёки бўлғуси имкониятларини зарур қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриш орқали қисқартиришга ҳаракат қиладилар. Бундай чоралар қуйидагиларга қаратилмоғи керак:

а) ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки прокуратура органлари ва тегишли хусусий ташкилотлар, жумладан иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

б) оммавий ва тегишли хусусий ташкилотлар ишида ҳалолликни таъминлаш учун мўлжалланган стандартлар ва тартиб-қоидалар, шунингдек тегишли касб вакиллари, жумладан адвокатлар, нотариуслар, солиққа тортиш масалалари бўйича маслаҳатчилар ва бухгалтерлар учун ахлоқ кодексларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

с) оммавий органлар ўтказадиган савдо тартиб-қоидалари ҳамда оммавий органлар тижорат фаолиятини амалга ошириш учун берадиган субсидия ва лицензияларнинг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан суиистеъмол қилинишининг олдини олиш;

д) уюшган жиноий гуруҳлар юридик шахсларни суиистеъмол қилишларининг олдини олиш; бундай чораларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

i) юридик шахсларни тасниф этиш, бошқариш ва молиялаштиришда иштирок этувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг оммавий рўйхатини тузиш;

ii) ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни содир этгани учун жазога ҳукм этилган шахсларни ўз ваколатлари доирасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахсларнинг раҳбарлари лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан суд қарори бўйича ёки тегишли усуллар билан оқилона муддатга маҳрум қилиш имкониятини яратиш;

iii) юридик шахслар раҳбарлари лавозимини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг миллий рўйхатини тузиш; ва

iv) ушбу банднинг (d) (i) ва (iii) кичик бандларида кўрсатилган рўйхатларда келтирилган бошқа иштирокчи давлатларнинг тегишли органлари билан ахборот алмашиш;

3. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар учун жазога ҳукм қилинган шахсларни жамиятга қайтариш (реинтеграция қилиш)да кўмаклашишга интиладилар.

4. Иштирокчи давлатлар тегишли масалалар бўйича мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий амалиёт турларининг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан суиистеъмол қилиниши нуктаи назаридан камчиликларини аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан уларни баҳолашга ҳаракат қиладилар.

5. Иштирокчи давлатлар трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг мавжудлиги факти, сабаблари ва хавfli хусусияти, шунингдек у юзага келтирадиган таҳдидларни жамиятнинг чуқур тушунишига кўмаклашишга ҳаракат қиладилар, тегишли ахборот аҳолининг бундай

жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда иштирок этишига кўмаклашиш чоралари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади ҳамда тегишли ҳолларда оммавий ахборот воситалар орқали тарқатилиши мумкин.

6. Ҳар бир Иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига бошқа Иштирокчи давлатларга трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсата оладиган орган ёки органлар номи ва манзилларини хабар қилади.

7. Иштирокчи давлатлар, зарур ҳолларда, ушбу моддада кўрсатилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш борасида ўзаро ҳамда тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар. Бу ҳамкорлик, масалан, трансмиллий уюшган жиний гуруҳлар фаолияти нуктаи назаридан ноқулай ижтимоий аҳволда бўлган аҳоли гуруҳларининг ҳимояси сустигини белгилловчи шароитларни яхшилаш орқали трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган халқаро лойиҳаларда иштирок этишни қамраб олади.

32-модда. Конвенция иштирокчиларининг конференцияси

Ушбу орқали Иштирокчи давлатларнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги имкониятларини кенгайтириш, шунингдек ушбу Конвенциянинг амалга оширилишида кўмаклашиш ҳамда унинг боришини ёритиб бориш мақсадида Конвенция иштирокчиларининг Конференцияси таъсис этилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотнинг Бош котиби Иштирокчилар конференциясини ушбу Конвенция кучга киргандан кейин бир йилдан кечиктирмай чақиради. Иштирокчилар конференцияси тартиб-қоидалари ҳамда ушбу модданинг 3, 4-бандларида кўрсатилган фаолият турларини тартибга солувчи қоидаларни (жумладан, фаолиятнинг бу турларини амалга оширишда сарфланган харажатларни тўлашга доир қоидаларни) қабул қилади.

3. Иштирокчилар конференцияси ушбу модданинг 1-бандида келтирилган мақсадларга эришиш учун механизмларни, жумладан куйидагиларни, келишиб оладилар:

а) иштирокчи давлатлар фаолиятига ушбу Конвенциянинг 29, 30 ва 31-моддаларига мувофиқ, жумладан ихтиёрий бадалларни сафарбар этишда кўмаклашиш орқали ёрдам кўрсатиш;

б) иштирокчи давлатлар ўртасида трансмиллий уюшган жиноятчилик шакллари ҳамда бу соҳадаги тамойиллар, шунингдек унга қарши курашишнинг муваффақиятли усуллари ҳақида ахборот алмашишда кўмаклашиш;

с) тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шунингдек ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

д) ушбу Конвенциянинг амалга оширилиши ҳақидаги масалани вақти-вақти билан кўриб чиқиш;

е) ушбу Конвенцияни такомиллаштириш ва амалга оширишга доир тавсиялар бериш.

4. Ушбу модданинг 3 (d) ва 3 (e) банди мақсадлари учун Иштирокчилар конференцияси иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияни амалга ошириш учун кўрган чоралар, бунда дуч келган қийинчиликлар ҳақидаги зарур маълумотларни улар тақдим этган ахборот асосида ҳамда Иштирокчилар конференцияси яратиши мумкин бўлган обзор ўтказишнинг қўшимча механизмлари орқали оладилар.

5. Ҳар бир иштирокчи давлат Иштирокчилар конференциясига ўз дастурлари, режалари ва амалиёти ҳақида, шунингдек, Иштирокчилар конференцияси учун талаб этилганидек, ушбу Конвенцияни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва маъмурий чоралар тўғрисида ахборот тақдим этади.

33-модда. Котибият

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Конвенция иштирокчиларининг Конференциясига зарур котиблик хизмати кўрсатилишини таъминлайди.

2. Котибият:

а) Иштирокчилар конференциясига ушбу Конвенциянинг 32-моддасида сўз юритилган фаолиятни амалга оширишда кўмаклашади, шунингдек иштирокчилар конференциясининг сессияларини ташкил қилади ва уларга зарур хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

б) илтимосга кўра, иштирокчи давлатларга Иштирокчилар конференцияси учун, ушбу Конвенция 32-моддасининг 5-бандида назарда тутилганидек, ахборот тақдим этилишида ёрдам беради; ҳамда

с) бошқа тегишли халқаро ва минқавий ташкилотларнинг котибиятлари билан зарур мувофиқлаштиришни таъминлайди.

34-модда. Конвенциянинг амалга оширилиши

1. Ҳар бир Иштирокчи давлат ўз ички қонун ҳужжатларининг асосий принципларига мувофиқ, ушбу Конвенцияга кўра ўз мажбуриятларининг амалга оширилиши учун зарур чораларини, жумладан қонунчилик чоралари ва маъмурий чораларни кўради.

2. Ушбу Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларига мувофиқ жиноят деб топилган жиноятлар ҳар бир Иштирокчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларида, трансмилий жиноят элементлари ёки уюшган жиноятчиликка алоқадорлигидан қатъи назар, ушбу Конвенциянинг 3-моддаси 1-бандида кўрсатилганидек, жиноят деб топилади, ушбу Конвенциянинг 5-моддасига мувофиқ уюшган жиноий гуруҳга алоқадорлик элементининг мавжудлиги талаб қилинган ҳоллар бундан мустасно.

3. Ҳар бир Иштирокчи давлат трансмилий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун ушбу Конвенцияда назарда тутилган чоралардан қаттиқроқ ва оғирроқ чораларни кўриши мумкин.

35-модда. Низоларни бартараф этиш

1. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияни талқин этиш ёки қўллаш хусусидаги келишмовчиликларни музокаралар орқали бартараф этишга ҳаракат қиладилар.

2. Икки ёки ундан ортик Иштирокчи давлат ўртасида ушбу Конвенцияни талқин этиш ёки қўллаш хусусида юзага келган ва оқилона вақт мобайнида музокаралар орқали бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳар қандай низо ушбу иштирокчи давлатлардан бирининг илтимосига кўра ҳакамлик судида муҳокама қилиш учун берилади. Агар ҳакамлик судига бериш ҳақидаги илтимос билан мурожаат этилган кундан эътиборан олти ой мобайнида бу иштирокчи давлатлар суднинг ташкил этилиши ҳақида келиша олмасалар, ушбу иштирокчи давлатлардан исталган бири низони Суд Статутига мувофиқ ариза билан мурожаат этиб, Халқаро судга бериши мумкин.

3. Ҳар бир Иштирокчи давлат ушбу Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш ёхуд унга қўшилиш чоғида у ўзини ушбу модданинг 2-банди қоидалари билан боғлиқ деб ҳисобламаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар бундай шарт қўйган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан ушбу модданинг 2-банди қоидалари билан боғлиқ бўлмайдилар.

4. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ шарт қўйган ҳар қандай Иштирокчи давлат истаган вақтида бу шартни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома йўллаш орқали бекор қилиши мумкин.

36-модда. Имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш

1. Ушбу Конвенция 2000 йил 12–15 декабрь кунлари Палермо, Италияда, сўнгра 2002 йил 12 декабргача Нью-Йорк шаҳридаги БМТ марказий муассасаларида барча давлатлар имзолашлари учун очикдир.

2. Ушбу Конвенция, шунингдек иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар имзолашлари учун ҳам очик, фақат бундай ташкилотнинг энг камида битта аъзо давлати мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ имзолаши шарт.

3. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим. Ратификация ёрликлари ёхуд қабул қилиш ёки тасдиқлаш ҳақидаги ҳужжатлар БМТ Бош котибига тасдиқлаш учун топширилади. Иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилот ратификация ёрлиғи ёхуд қабул қилиш ёки тасдиқлаш ҳақидаги ҳужжати сақлаш учун камида битта аъзо давлати худди шундай қилган тақдирдагина тақдим этиши мумкин. Бундай ташкилот бу каби ратификация ёрлиғида ёхуд қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатида ушбу Конвенция тартибга соладиган масалаларда ўзининг ваколатли эканлигини билдиради. Бундай ташкилот, шунингдек, ўз ваколатлари соҳасидаги ҳар қандай тегишли ўзгариш ҳақида депозитарийга хабар беради.

4. Ушбу Конвенция ҳар қандай давлат ёки камида битта аъзо давлати ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган иқтисодий интеграция бўйича ҳар қандай минтақавий ташкилот қўшилиши учун очикдир. Қўшилиш ҳақидаги ҳужжатлар БМТ Бош котибига сақлаш учун топширилади. Қўшилаётганда иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилот ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган масалалар хусусидаги ўзининг ваколат соҳаси ҳақида хабар беради. Бундай ташкилот, шунингдек депозитарийга ўз ваколат соҳасидаги ҳар қандай тегишли ўзгаришлар ҳақида хабар беради.

37-модда. Протоколлар билан ўзаро алоқадорлик

1. Ушбу Конвенция бир ёки бир неча протоколлар билан тўлдирилиши мумкин.

2. Протокол иштирокчиси бўлиш учун давлат ёки иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилот ушбу Конвенцияга ҳам иштирокчи бўлиши лозим.

3. Агар ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган давлат протоколнинг қоидаларига мувофиқ унинг иштирокчисига айланмаса, протокол билан боғлиқ бўлмайди.

4. Ушбу Конвенциянинг ҳар қандай протоколи мазкур протокол мақсадларини инobatга олган ҳолда ушбу Конвенция билан биргаликда талқин этилади.

38-модда. Кучга кириш

1. Ушбу Конвенция қирқинчи ратификация ёрлиғи ёхуд қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган санадан кейинги тўқсонинчи кундан кучга киради. Мазкур банд мақсадлари учун ҳар қандай шу каби ёрлик ёки иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилот сақлаш учун топширган ҳужжат бундай ташкилот аъзолари бўлган давлатлар сақлаш учун топширган ёрликлар ёки ҳужжатларга қўшимча ҳисобланмайди.

2. Қирқинчи ратификация ёрлиғи ёки бу ҳақдаги ҳужжат топширилганидан кейин ёки ушбу Конвенцияни ратификацияни қилувчи ёки тасдиқловчи ёхуд унга қўшилувчи ҳар бир давлат ёки иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилот учун ушбу Конвенция бу давлат ёки ташкилот тегишли ёрлик ёки ҳужжатни сақлаш учун топширганидан кейинги ўттизинчи кундан кучга киради.

39-модда. Тузатишлар

1. Ушбу Конвенция кучга кирганидан кейин беш йил ўтгач Иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига тузатиш таклиф этиши ва йўллаши мумкин. Бош котиб таклиф этилган тузатишни, ушбу таклифни кўриб чиқиш ва бу бўйича қарор қабул қилиш мақсадида Иштирокчи давлатлар ва конвенция Иштирокчиларининг конференциясига йўллайди. Иштирокчилар конференцияси ҳар бир тузатиш юзасидан келишувга эришилиши учун барча ҳаракатларни қилади. Агар келишувга эришилса борасида барча саъй-ҳаракатлар амалга ошириб бўлинган ва келишувга эришилмаган бўлса, у ҳолда

тузатишни қабул қилиш учун охириги чора сифатида Иштирокчилар конференциясининг мажлисида ҳозир бўлган ва иштирок этган Иштирокчи давлатлар овозларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилигининг овози талаб қилинади.

2. Иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар ўз ваколатларига кирадиган соҳадаги масалаларда ушбу моддага мувофиқ ушбу Конвенция иштирокчилари бўлган аъзо давлатлар сонига тенг овозга эга бўлган ҳолда ўз овоз бериш ҳуқуқини амалга оширадилар. Бундай ташкилотлар уларга аъзо бўлган давлатлар ўз овоз бериш ҳуқуқини амалга оширган тақдирда ўз овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар ва аксинча.

3. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатишни иштирокчи давлатлар ратификация қилишлари, қабул қилишлари ёки тасдиқлашлари лозим.

4. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш иштирокчи давлатга нисбатан у ратификация ёрлиғи ёки бундай тузатишни қабул қилгани ёки тасдиқлагани ҳақидаги ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширганидан кейинги тўқсонинчи кундан кучга киради.

5. Тузатиш кучга кирганида у билан боғлиқ бўлишга розилик билдирган иштирокчи давлатлар учун мажбурий хусусиятга эга бўлади. Бошқа иштирокчи давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидалари ҳамда улар илгари ратификация қилган ёки қабул қилган ёки тасдиқлаган ҳар қандай тузатишлар билан боғлиқ бўлишда давом этадилар.

40-модда. Денонсация

1. Иштирокчи давлат ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома йўллаш орқали денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация Бош котиб билдиришномани олган санадан эътиборан бир йил ўтгач кучга киради.

2. Иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотнинг барча аъзолари ушбу Конвенцияни денонсация қилганидан кейин у ушбу Конвенция иштирокчиси бўлмай қолади.

3. Ушбу Конвенцияни денонсация қилиш мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ унга қўшимча бўлган ҳар қандай протоколнинг денонсация қилинишига олиб келади.

41-модда. Депозитарий ва пуллар

1. Ушбу Конвенциянинг депозитарийи этиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини тайинланади.

2. Инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари бир хилда ҳақиқий ҳисобланган ушбу Конвенциянинг асл нусхаси сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади.

Буни тасдиқлаш учун ўз ҳукуматлари томонидан тегишлича ваколат берилган ваколатли вакиллар қуйида ушбу Конвенцияни имзоладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚАРОРИ
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН
ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСИНИ
РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

536-II-сон 30.08.2003

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси қуйидаги ахборот, билдириш ва баёнотлар эътиборга олинган ҳолда ратификация қилинсин:

Конвенция 2-моддасининг а) банди бўйича ахборот

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 29-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жинойий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Конвенция 2-моддасининг б) банди бўйича ахборот

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 15-моддасига мувофиқ жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Конвенция 2-моддасининг г) банди бўйича ахборот

Жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Жиноят кодексидан чиқариб ташланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 284-моддасига кўра жиноят нарсаси бўлган мол-мулк, башарти аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.

Конвенция 5-моддасининг 3-банди бўйича ахборот

Ўзбекистон Республикаси ушбу билан маълум қиладики, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ тавсифлаш белгилари ва айрим турдаги жиноятлар бўйича жавобгарлик даражасига кўра уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноятлар оғир ёки ўта оғир жиноят тоифаларига киритилади.

Конвенциянинг 7-моддаси бўйича ахборот

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 38-моддасига мувофиқ жисмоний ва юридик

шахсларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар мижозларга, ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, суриштирув ва тергов органларига қуйидаги ҳолларда берилади:

а) юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш кўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилади;

б) жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакиллариغا; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судларга, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Конвенциянинг 10-моддаси бўйича ахборот

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида юридик шахсларнинг жиноий ёки маъмурий жавобгарлиги назарда тутилмаган.

Конвенция 16-моддасининг 5-банди бўйича ахборот

Ўзбекистон Республикаси тутиб топшириш масалаларида мазкур Конвенция қатнашчилари бўлган бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишда ушбу Конвенцияни ҳуқуқий асос деб ҳисоблайди. Бироқ бу қоида Ўзбекистон Республикасининг ушбу Конвенция қатнашчиси бўлган алоҳида давлатлар билан тутиб топшириш тўғрисида икки томонлама шартномалар тузиш имкониятини истисно этмаслиги лозим.

Конвенция 18-моддасининг 13 ва 14-бандлари бўйича билдириш

13-банд бўйича

Ўзбекистон Республикаси томонидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни қабул қилиш ва ё уларни бажариш, ёки бажарилиши учун уларни ваколатли органларга юборишга масъул марказий орган сифатида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси белгиланган.

14-банд бўйича

Ўзбекистон Республикаси мақбул тил сифатида рус тилини белгилайди.

Конвенция 35-моддасининг 3-банди бўйича баёнот

Ўзбекистон Республикаси ўзини ушбу Конвенция 35-моддасининг 2-банди қоидалари билан боғлиқ деб ҳисобламайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,

2003 йил 30 август,

536-II-сон

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 150-модда)

КОРРУПЦИЯ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ЕВРОПА КОНВЕНЦИЯСИ (Страсбург, 1999 йил 27 январь)

Муқаддима

Европа Кенгашига аъзо давлатлар ва ушбу Конвенцияни имзолаган бошқа давлатлар, Европа Кенгашининг мақсади унинг аъзолари ўртасида кўпроқ бирликка эришиш эканлигини ҳисобга олиб;

Ушбу Конвенцияни имзолаган бошқа давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини англаб етиб;

Жамиятни коррупциядан ҳимоя қилишга, шу қаторда тегишли қонунлар ва профилактика чораларини кўришга қаратилган ягона жиноий сиёсатни устувор вазифа сифатида олиб бориш зарурлигига ишонч ҳосил қилиб;

Коррупция қонун устуворлиги, демократия ва инсон ҳуқуқларига таҳдид солиши, самарали бошқарувни, тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини, рақобат муҳитини бузиши, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилиши ва демократик институтлар барқарорлиги ва жамиятнинг ахлоқий асосларига таҳдид солишини эътиборга олиб;

Коррупцияга қарши самарали кураш жиноят ҳуқуқи соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, фаоллаштириш ва тўғри ишлашини талаб қилади, деб ҳисобга олган ҳолда;

Коррупцияга қарши курашда халқаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга ҳисса қўшган сўнгги қадамларни, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти, ОЕСД ва Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган қадамларни мамнуният билан қабул қилиб;

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1996 йил ноябрда Европа Адлия вазирларининг 19-конференцияси (Валлетта, 1994) тавсияларига мувофиқ қабул қилинган Коррупцияга қарши ҳаракатлар дастурини ёдда тутган ҳолда;

Шу муносабат билан Европа Кенгашига аъзо бўлмаган давлатларнинг унинг коррупцияга қарши фаолиятида иштирок этишининг муҳимлигини эсга олиб, уларнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурини амалга оширишга қўшган ҳиссасини қўллаб-қувватлаган ҳолда;

Шунингдек, Европа адлия вазирлари ўзларининг 21-конференциясида (Прага, 1997 й.) қабул қилган 1-резолуциясида коррупцияга қарши кураш дастурини тезроқ амалга ошириш тавсия этилиши ва айниқса жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияни тезроқ қабул қилишга чақирилиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг мувофиқлаштирилган жиноий жавобгарлигини таъминлаш, бундай ҳуқуқбузарликларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш ва Европа Кенгашига аъзо ва аъзо бўлмаган давлатлар иштирокида тенг ҳуқуқли мониторинг қилиш механизмини яратиш;

Европа Кенгаши давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарлари 1997 йил 10-11 октябрь кунлари Страсбургда бўлиб ўтган иккинчи йиғилишида коррупциянинг кўпайиши натижасида юзага келадиган муаммоларга жавобан кўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қарор қилишганини ҳисобга олиб, Ҳаракатлар режасини қабул қилдилар.

Коррупцияга қарши курашда, шу жумладан уни уюшган жиноятчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ бўлган омиллар билан биргаликда ривожлантириш, Вазирлар Қўмитасига, хусусан, Коррупцияга қарши курашиш дастурига мувофиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни эрта яқунлашни таъминлаш топширилди;

1997 йил 6 ноябрда Вазирлар Қўмитаси ўзининг 101-сессиясида қабул қилинган Коррупцияга қарши курашнинг йигирма етакчи принциплари тўғрисидаги (97) 24-сонли қарорида, курашиш бўйича Ҳаракатлар дастурини бажариш учун халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезкор равишда яқунлаш зарурлиги таъкидланди;

Вазирлар Қўмитасининг 1998 йил 4 майдаги 102-сессиясида (98) 7-сонли қарорнинг қабул қилинишини ёдда тутган ҳолда (98) Коррупцияга қарши кураш бўйича давлатлар гуруҳи (ГРЕСО) коррупцияга қарши курашда қабул қилинган дастурларга риоя этилишини назорат қилиш орқали ушбу соҳадаги мажбуриятларни бажариш юзасидан қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

I бўлим. Атамалардан фойдаланиш

1-модда. Атамалардан фойдаланиш

Ушбу Конвенция мақсадлари учун:

а) "давлат мансабдор шахси" ушбу функцияни амалга оширадиган, давлатнинг миллий қонунчилигида "давлат хизматчиси", "мансабдор", "шаҳар ҳокими", "вазир" ёки "судья" сифатида таърифланган шахс;

б) "а" кичик бандда эслатиб ўтилган "судья" атамаси прокурорларни ва суд тизимида ўз лавозими бўйича фаолият олиб боровчи шахсларни англатади;

в) бошқа давлатнинг расмий вакили иштирокидаги суд ишларида, таъкиб этувчи давлат расмий мансабдор шахс таърифини ушбу таъриф унинг миллий қонунчилигига зид бўлмайдиган ҳолларда қўллаши мумкин;

д) "юримдик шахс" - амалдаги миллий қонунчилик асосида бундай мақомга эга бўлган ҳар қандай шахс, давлатлар ёки давлат ҳокимиятини амалга оширувчи бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар бундан мустасно.

II бўлим. Миллий даражадаги чора-тадбирлар

2-модда. Миллий давлат амалдорларининг фаол пора олишлари

Ҳар бир Томон мансабдор шахслар томонидан ўз вазифаларини бажариши жараёнида ҳар қандай шахсга нисбатан тўғридан-тўғри ёки билвосита ўз давлатини бирон бир тарзида ортиқча устунлигини ваъда қилган ҳолда қасддан берадиган таклифи ёки тақдими юзасидан содир этилган хатти-ҳаракатлар учун ўз ички қонунчилигига биноан жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

3-модда. Миллий давлат амалдорларининг пассив пора олишлари

Ҳар бир Томон ўзининг ички қонунчилигига биноан ҳар қандай давлат амалдорлари томонидан ортиқча устунликни ваъда қилган ҳолда бевосита ёки билвосита бошқа тарафнинг манфаати учун қилинган илтимоснома ва хатти-ҳаракатлар юзасидан жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради. Ҳар қандай шахснинг таклифи ёки ваъдасини қабул қилиш, шунингдек ушбу таклифни давлат амалдорлари томонидан қасддан ҳаракат ёки ҳарақацизлик таризда бажариш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

4-модда. Миллий жамоат бирлашмалари аъзоларига пора бериш

Ҳар бир Томон ўз миллий қонунчилигига биноан, 2 ва 3-моддаларда кўрсатилган хатти-ҳаракатни қонун чиқариш ва маъмурий ваколатларни амалга оширувчи миллий жамоат бирлашмалари аъзосига нисбатан содир этилиши юзасидан бундай хатти-ҳаракатларни жиноят деб топиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

5-модда. Хорижий давлат амалдорларининг порахўрликлари

Ҳар бир Томон ўз ички қонунчилигига биноан 2 ва 3-моддаларда кўрсатилган хатти-ҳаракатларни, бошқа давлатларнинг расмий давлат амалдорларига нисбатан жиноят деб топиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

6-модда. Хорижий жамоат ассамблеялари аъзоларининг порахўрликлари

Ҳар бир Томон бошқа ҳар қандай штатда қонуний ёки маъмурий ваколатларни амалга оширувчи жамоат бирлашмаларининг аъзоси бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан ўз ички қонунчилигига биноан 2 ва 3-моддаларда кўрсатилган хатти-ҳаракатларни содир этилиши юзасидан жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

7-модда. Хусусий секторда фаол пора бериш

Ҳар бир Томон ўз ички қонунчилигига биноан тадбиркорлик фаолиятида ваъда, таклиф ёки таъминотни тўғридан-тўғри ёки билвосита тақдим этиш орқали қилинган хатти-ҳаракатлар юзасидан жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради. Хусусий сектор корхоналарини у ёки бу тарзда, ўзлари ёки бошқа бирон бир шахснинг манфаатлари учун бошқарадиган шахслар ўз вазифаларини бузган ҳолда бундай хатти-ҳаракатларни содир қилишлари жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

8-модда. Хусусий секторда пассив порахўрлик

Ҳар бир Томон ўз фаолияти давомида тўғридан-тўғри ёки билвосита хусусий сектор корхонасини бошқарадиган ҳар қандай шахс томонидан

сўралиши ёки олиниши ички қонунчилигига биноан жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир этиш юзсидан зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

9-модда. Халқаро ташкилотлар мансабдор шахсларига пора бериш

Ҳар бир Томон, кадрлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, ўзининг ички қонунчилигига биноан 2 ва 3-моддаларда кўрсатилган хатти-ҳаракатларни содир этиш халқаро ташкилотлар мансабдор шахсларига тегишли бўлса, бундай хатти-ҳаракатлар юзасидан жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ёки бошқа чораларни кўради. Ёки ушбу Томон аъзо бўлган бирон бир халқаро ёки миллатлараро ташкилотнинг ёхуд органининг бошқа ҳар қандай шартномали ходими, шунингдек, ушбу мансабдор шахслар ёки агентлар томонидан бажариладиган функцияларга мос келадиган вазифаларни бажарадиган ҳар қандай хизматга юборилган шахсга нисбатан ҳам содир этилиши жавобгарлика сабаб бўлади.

10-модда. Халқаро парламент ассамблеялари аъзоларига пора бериш

Ҳар бир Томон ўзларининг ички қонунчилигига биноан, 4-моддада кўрсатилган хатти-ҳаракатларни, агар улар халқаро ёки миллатлараро ташкилотларнинг парламент йиғилишларини ҳар қандай аъзоларига тегишли бўлса, уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

11-модда. Халқаро судларнинг судьялари ва мансабдор шахсларига пора бериш

Ҳар бир Томон ўзининг ички қонунчилигига биноан, 2 ва 3-моддаларда кўрсатилган хатти-ҳаракатлар суд идорасининг ҳар қандай ходимига ёки ушбу Томон тан олган ҳар қандай халқаро суднинг мансабдор шахсларига тегишли бўлса, уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

12-модда. Хизмат мавқеидан шахсий манфаатлар учун фойдаланиш

Ҳар бир Томон ўзининг ички қонунчилигига биноан даъво қилаётган ҳар қандай шахсга тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳар қандай ортиқча фойдани таклиф қилиши юзасидан содир этилган хатти-ҳаракатларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради. 2, 4-6 ва 9-11-моддаларда кўрсатилган ҳар қандай шахснинг қарор қабул қилишига ҳақ эвазига таъсир қилиш, бундай устунлик ўзига ёки бошқасига берилганлигига, шунингдек, бундай таъсир кўрсатилишидан ва тахмин қилинган таъсир натижасида керакли натижага эришилишидан қатъи назар, ҳақ эвазига бундай устунликни тақдим этиш тўғрисидаги таклифни ёки ваъдани қабул қилиш жавобгарликка сабаб бўлади.

13-модда. Коррупцияга оид жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш

Ҳар бир Томон ўзининг ички қонунчилигига биноан Европа Кенгаши Конвенциясининг 6-моддаси 1 ва 2-бандларида қайд этилган ҳаракатларни содир этганлик учун жинойй жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради. Жинойй фаолият, унинг натижасида содир этилган предикат ҳуқуқбузарлиги ушбу Конвенциянинг 2-12-моддаларида белгиланган ҳолатларга мувофиқ тарзида содир этишдан иборат бўлса, агар бирор бир томон бу ҳақида эслатма ёки декларация қилмаган бўлса, ушбу хатти-ҳаракатлар жинойтларни легаллаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ оғир жинойтлар деб ҳисобламайди.

14-модда. Ҳисоб-китоб операциялари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар

Ҳар бир Томон ўзининг ички қонунчилигига биноан 2 ва 12-моддаларда қайд этилган жинойтлар, агар давлатлар томонидан тегишли изоҳ ёки декларация қилинмаган бўлса, қуйидаги қасддан қилинган ҳаракат ёки ҳаракацизлик ҳолатларини содир этиш, яшириш ёки бузиб кўрсатишга қаратилган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради:

а) ҳисоб-фактурани ёки бошқа ҳар қандай бухгалтерия ҳужжати ёхуд ёлғон ва тўлиқ бўлмаган маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботни тайёрлаш ёки ишлатиш;

б) тўлов операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирмаслик.

15-модда. Мураккаблик

Ҳар бир Томон Конвенцияга мувофиқ коррупцияга оид ҳар қандай жинойтни содир этганлик ёки жинойт содир этишга ёрдам берганлик учун ўз ички қонунчилигига биноан жинойй жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўриши лозим.

16-модда. Иммунитет

Ушбу Конвенциянинг қоидалари ҳар қандай шартнома, протокол ёки низомнинг қоидаларига, шунингдек, уларнинг қўлланилишини тартибга солувчи нормаларга дахлсизликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ҳолда қўлланилади.

17-модда. Юрисдикция

1. Ҳар бир Томон ушбу Конвенциянинг 2-14-моддаларида белгиланган жинойтларни содир этишга нисбатан юрисдикцияни ўрнатиш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради:

а) жинойт давлатнинг бутун ҳудудида ёки ҳудудининг маълум бир қисмида содир этилган бўлса;

б) жинойт содир этган шахс давлатнинг ўз фуқароларидан бири, унинг мансабдор шахсларидан ёки давлатнинг миллий ассамблеяларидан бирининг аъзоси бўлса;

с) ушбу жинойтга алоқадор бўлган давлат хизматчиларидан бири ёки миллий жамоат бирлашмалари аъзолари ёки 9-11-моддаларда кўрсатилган ҳар қандай шахс давлатнинг ўз фуқароларидан бири бўлса.

2. Ҳар бир Томон Конвенсияни имзолаш ёки ратификация ёрлиғи қабул қилиш, шунингдек тасдиқлаш, қабул қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топширишда, Европа Кенгаши Бош котибига йўлланган декларация орқали, ушбу модданинг 1 (б) ва (с) бандларида ёки уларнинг бирон бир қисмида кўрсатилган юрисдикция тўғрисидаги қоидалар фақат алоҳида ҳолларда қўлланилиши мумкинлигини эълон қилиши мумкин.

3. Агар Томон ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган эслатма олиш ҳуқуқидан фойдаланса, гумон қилинган жиноятчи ўз ҳудудида бўлган ҳолларда, ушбу Конвенцияга мувофиқ белгиланган жиноят учун юрисдикцияни ўрнатиш учун зарур бўлган чораларни кўради. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс экстрадиция қилиш илтимоси мавжудлигига қарамай, уни фақатгина фуқаролиги сабабли бошқа Томонга топширишга йўл қўйилмайди.

4. Ушбу Конвенция Томонларнинг ички қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай жиноий юрисдикцияни амалга ошириш имкониятини истисно этмайди.

18-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги

Ҳар бир Томон юридик шахсларнинг фаол пора олиш, мансаб лавозимидан шахсий манфаатлари учун фойдаланиш ва шу каби жиноятлар содир этиш орқали қўлга киритилган маблағларини легаллаштиришга оид жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликка тортилишини таъминлаш юзасидан зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўриши лозим. Ушбу Конвенцияга мувофиқ ҳар қандай жисмоний шахснинг манфаати учун ёхуд ўзининг шахсий манфаати учун юридик шахсда етакчи мавқега эга бўлган ҳамда юридик шахс органи фаолиятда иштирок этадиган, шунингдек, коррупция жиноятини содир этишда иштирокчи бўлган ёки унга далолат қилган, қуйидаги ваколатларга эга бўлган субъектларни жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади:

- юридик шахс номидан вакиллик функцияларини бажариш;
- юридик шахс номидан қарор қабул қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш;
- юридик шахс таркибидаги назорат функцияларини бажариш.

1-бандда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, ҳар бир Томон юридик шахснинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, агар 1-бандда кўрсатилган ҳолатлар жисмоний шахс томонидан назорат қилинмаганлиги сабабли, ушбу жиноятни содир этиш мумкин бўлса 1-бандда ушбу юридик шахснинг манфаатлари учун ўз номидан ваколатларини амалга оширувчи жисмоний шахснинг жавобгарлиги назарда тутилади.

3. Юридик шахснинг 1 ва 2-бандларга мувофиқ жавобгарлиги 1-бандда кўрсатилган жиноятларни содир этган, содир этишга ундаган ёки иштирок этган жисмоний шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш имкониятини истисно этмайди.

19-модда. Санкциялар ва чоралар.

Ҳар бир Томон ушбу Конвенцияга биноан содир этилган жиноий ҳуқуқбузарликларнинг оғирлигини ҳисобга олиб, аниқланган жиноий

ҳуқуқбузарликлар учун самарали ҳамда мутаносиб санкциялар ва чораларни, шу жумладан агар жиноят жисмоний шахслар томонидан содир этилган бўлса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш мажбуриятини олади.

Ҳар бир Томон юридик шахсларни коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги учун жиноий хусусиятга эга бўлмаган санкциялар, хусусан молиявий санкцияларни қўллашни таъминлайди.

Ҳар бир Томон ушбу Конвенцияга мувофиқ коррупцион жиноятларни содир этишда қўлланилган, шунингдек мазкур жиноятни содир этиш натижасида қўлга киритилган воситалар ва даромадларни ёки ушбу даромадга тенг бўлган мол-мулкни мусодара қилиш ёки бошқача тарзда олиб қўйиш ҳуқуқини бериш юзасидан зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

20-модда. Ихтисослашган органлар

Ҳар бир Томон коррупцияга қарши курашда тегишли шахсларнинг ёки органларнинг ихтисослашувини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўради. Томонлар ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ уларга ўз вазифаларини самарали ва ортиқча босимсиз амалга оширишлари учун уларга зарур мустақиллик берилади. Томон ушбу органлар ходимларининг етарли даражада ўқитилишини ва уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлишларини таъминлайди.

21-модда. Миллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик

Ҳар бир Томон ички қонунчиликка биноан коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш ваколатига эга бўлган органлар билан давлат органлари ҳамда давлат хизматчиларини самарали ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан зарур бўлган чораларни кўради.

Жиноят содир этилган деб тахмин қилиш учун жиддий ва етарли сабаблар ҳамда мавжуд бўлса, давлат органлари тергов органларига ўз ташаббуси билан хабар бериш ҳамда тергов органларининг илтимосига биноан барча керакли маълумотларни тақдим этишлари лозим.

22-модда. Одил судловчилар ва гувоҳларни ҳимоя қилиш

Ҳар бир Томон самарали ва тегишли ҳимояни таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўради:

а) 2-14-моддаларга мувофиқ жиноий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ёки тергов ёхуд прокуратура органлари билан билан ҳамкорлик қилганлар;

б) ушбу жиноятлар тўғрисида гувоҳлик берган шахслар шулар жумласидандир.

23-модда. Далилларни йиғиш ва даромадларни мусодара қилишга кўмаклашиш чоралари

Ҳар бир Томон квалификация қилинган жиноий ҳуқуқбузарликлар бўйича далилларни тўплашни осонлаштириш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни, шу жумладан миллий қонунчиликка мувофиқ махсус тергов ҳаракатларидан фойдаланишга имкон берадиган чораларни кўради. Ушбу Конвенцияга мувофиқ белгиланадиган ҳамда қўлланиладиган чоралар коррупция жиноятини содир этиш натижасида олинган моддий бойликлар ва даромадларни аниқлаш, қидириш, музлатиш ва мусодара қилишга қаратилади.

Ҳар бир Томон ўз судларига ёки бошқа ваколатли органларига ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилган чораларни кўриш мақсадида банк, молиявий ёки тижорат билан боғлиқ ёзувларни тақдим этиш ёки олиб кўйишни буюриш ҳуқуқини бериш учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

Банк сирлари ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган чораларни амалга оширишда тўсиқ сифатида қаралмайди.

III бўлим. Амалга оширишни мониторинг қилиш

24-модда. Назорат қилиш.

Мазкур Конвенциянинг талаблари Аҳдлашувчи давлатлар томонидан бажарилиши Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (ГРЕКО) томонидан назорат қилинади.

IV бўлим. Халқаро ҳамкорлик

25-модда. Халқаро ҳамкорлик соҳасидаги умумий тамойиллар ва чоралар

1. Томонлар жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро ҳужжатларнинг қоидаларига ҳамда ягона ёки ўзаро қабул қилинган қонунчилик асосида, шунингдек ўзларининг ички қонунчилигига биноан, тергов ва процедураларни амалга оширишда, жиноий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилишда ушбу Конвенция қоидаларига амал қилишлари лозим.

2. Томонлар ўртасида 1-бандда кўрсатилган халқаро кучга эга ҳужжатлар ёки битимлар мавжуд бўлмаганда, ушбу бўлимнинг 26-31-моддалари қўлланилади.

3. Ушбу бўлимнинг 26-31-моддалари, агар улар 1-бандда кўрсатилган халқаро ҳужжатлар ёки битимларда назарда тутилганидан кўра имтиёзлироқ шартларга эга бўлган ҳолларда ҳам қўлланилади.

26-модда. Ўзаро ёрдам кўрсатиш.

Томонлар ўзларининг ички қонунчилигига биноан ушбу Конвенцияга мувофиқ малакали жиноятлар бўйича тергов қилиш ёки жиноят ишини юритиш ваколатига эга бўлган органлардан келиб тушган сўровларнинг зудлик билан кўриб чиқилишини таъминлаш орқали бир-бирларига иложи борича катта ёрдам беришади.

Агар сўралаётган Томон ушбу ёрдам ҳақидаги сўровнинг бажарилиши унинг миллий манфаатлари, давлат суверенитети, миллий хавфсизлиги ёки жамоат тартибига зарар етказиши мумкин деб ҳисобласа, ушбу модданинг 1-

бандига мувофиқ ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровни рад этиши мумкин.

Банк сири Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги ҳар қандай ҳамкорликни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Томонлар, ўзларининг ички қонунларида назарда тутилган ҳолларда, банк сирларини ошкор қилиш билан боғлиқ ҳамкорлик тўғрисидаги сўровни судя ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан жиноят процессида иштирок этиш ваколатига эга прокурорлар томонидан берилишини талаб қилишлари мумкин.

27-модда. Экстрадиция

1. Томонлар коррупция билан боғлиқ содир этилган жиноятлар юзасидан улар ўртасида экстрадиция тўғрисида ўзаро икки томонлама шартнома мавжуд бўлиши бўлмаслигидан қати назар, мазкур Конвенцияга асосан топшириш тўғрисидаги ҳар қандай битимга биноан жиноят содир этган шахсни берилиши мумкин деб ҳисоблайди.

2. Агар топшириш тўғрисида шартноманинг мавжудлигини шарт қилиб қўйган томонлар, бундай шартномага эга бўлмаган бошқа Томондан экстрадиция қилиш тўғрисида сўров олсалар, ушбу давлат мазкур Конвенцияга мувофиқ деб тан олинган ҳар қандай жиноий ҳуқуқбузарлик муносабати билан топшириш тўғрисидаги ҳуқуқий асосни кўриб чиқиши мумкин.

3. Экстрадиция сўралаётган давлат қонунчилигида ёки экстрадиция қилишнинг амалдаги шартномаларида назарда тутилган шартларга, шу жумладан сўралаётган давлатни топширишни рад этиши мумкин бўлган асосларини эътиборга олади.

4. Агар ушбу Конвенцияга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишни рад этишнинг ягона асоси манфаатдор шахснинг фуқаролиги ёки сўралаётган Томон ҳуқуқбузарликни унинг ваколатига тегишли деб ҳисоблаши бўлса, у ҳолда сўралган Томон, агар сўров бераётган Томон билан бошқа келишув мавжуд бўлмаса, ишни ўз ваколатли органларига топширади ва белгиланган тартибда сўров берувчи Томонни бундай суд жараёни натижалари тўғрисида хабардор қилади.

28-модда. Томонларнинг ўз ташаббуси билан тақдим этилган маълумотлар

Ўзининг тергови ёки процессуал ҳаракатларига зарар етказмасдан, Томон ўз ташаббуси билан бошқа Томонга ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида агар у бундай маълумотларни ошкор қилиш бу ёки бошқа Томонни терговни бошлаши ёки амалга ошириши ёхуд жиноят билан боғлиқ бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишига тўсқинлик қилмаса маълумот бериши мумкин. Ушбу Конвенцияга мувофиқ Томонлар ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида маълумотларни олишлари учун бошқа Томонга сўров юборишлари мумкин.

29-модда. Марказий ҳокимият

1. Томонлар ушбу бўлимга биноан сўровларни юбориш ёки уларга жавоб бериш ҳамда уларни амалга ошириш чораларини кўриш ёки уларни кейинчалик амалга ошириш учун ваколатли органларга юбориш мақсадида масъул бўлган марказий органни ёки зарурат мавжуд бўлганда бир нечта марказий органларни тайинлашади.

2. Ҳар бир Томон ушбу Конвенцияни имзолаш пайтида ёки ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлашга топширишда Европа Кенгашининг Бош котибига ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ белгиланган органларнинг номлари ва манзилларини етказди.

30-модда. Тўғридан-тўғри алоқалар

1. Марказий ҳокимият органлари бир-бири билан бевосита алоқададир.

2. Фавқулодда ҳолатларда ўзаро ёрдамга оид сўровлар ёки бундай ёрдамга оид хабарлар тўғридан-тўғри сўров ўтказувчи Томоннинг адлия органлари, шу жумладан прокурор томонидан сўралаётган Томоннинг тегишли органларига юборилиши мумкин. Бундай ҳолда, сўров ёки хабарнинг нусхаси бир вақтнинг ўзида сўровчи Томоннинг марказий органи орқали сўралаётган Томоннинг марказий органига юборилади.

3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларига мувофиқ ҳар қандай сўров ёки хабар Халқаро Жиноят Полицияси Ташкилоти (Интерпол) орқали амалга оширилиши мумкин.

4. Агар сўров ушбу модданинг 2-бандига биноан берилган бўлса ва ҳокимият уни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаса, у бу сўровни ваколатли миллий органга юборади ва бу ҳақда сўровни амалга ошираётган томонга тўғридан-тўғри хабар қилади.

5. Ушбу модданинг 2-бандига биноан юборилган, мажбурлаш чораларини назарда тутмаган сўровлар ёки хабарлар сўров ўтказаётган Томоннинг ваколатли органлари томонидан тўғридан-тўғри сўралаётган Томоннинг ваколатли органларига юборилиши мумкин.

6. Ҳар бир Томон Конвенцияни имзолаш пайтида ёки ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлашга топширишда Европа Кенгаши Бош котибига ушбу бўлимга биноан тақдим этилган сўровлар унинг марказий органларига юборилиши кераклиги тўғрисида хабар бериши мумкин.

31-модда. Ахборот

Сўралаётган Томон сўровчи Томонга ушбу бўлимда кўрсатилган сўров бўйича кўрилган чоралар ва ушбу чораларнинг якуний натижалари тўғрисида зудлик билан хабар беради. Сўралаётган Томон сўровчи Томонга сўралган чораларни амалга оширишни имконсиз қиладиган ёки уларнинг бажарилишини сезиларли даражада кечиктириши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида дарҳол хабар беради.

V бўлим. Якуний қоидалар

32-модда. Имзо ва кучга кириши

1. Ушбу Конвенция Европа Кенгашига аъзо давлатлар ва уни ишлаб чиқишда қатнашган аъзо бўлмаган давлатлар томонидан имзоланиши учун очикдир. Бундай давлатлар Конвенцияга боғлиқ эканликларига ўз розилигини куйидаги йўл билан эълон қилишлари мумкин:

- ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги шартсиз имзо;

- ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш шарти билан имзолаш, кейинчалик уни тасдиқлаш, қабул қилиш ёки ратификация қилиш.

2. Тасдиқлаш, қабул қилиш ёки ратификация қилиш тўғрисидаги хужжатлар Европа Кенгаши Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Конвенция 1-банднинг қоидаларига биноан ўн тўртта давлат Конвенция билан боғланиш учун розилик билдирган кундан бошлаб уч ойлик муддат тугаганидан кейинги ойнинг биринчи кунида мазкур Конвенция кучга киради. Ушбу хужжатни ратификация қилган давлатлар Конвенция кучга кирган кундан бошлаб автоматик равишда унинг аъзоси бўлади.

4. Мазкур Конвенцияни имзолаган ҳар қандай давлатга нисбатан Конвенция 1-банднинг қоидаларига мувофиқ Конвенция билан боғланишига розилик билдирилган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейинги ойнинг биринчи кунида кучга киради. Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳига (ГРЕСО) аъзо бўлмаган давлат ушбу хужжатни ратификация қилиш пайтида Конвенция кучга кирган кундан бошлаб автоматик равишда аъзоликни қабул қилади.

33-модда. Конвенцияга қўшилиш

1. Ушбу Конвенция кучга киргандан сўнг, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси ушбу Конвенциянинг Аҳдлашувчи Давлатлари билан маслаҳатлашиб, Европа ҳамжамиятини, шунингдек Европа Кенгашининг аъзоси бўлмаган ва Конвенция лойиҳасини тузишда иштирок этмаган ҳар қандай давлатни ушбу Конвенцияга кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор билан қўшилишга таклиф қилиши мумкин. Европа Кенгаши Низомининг 20 (д) моддасида назарда тутилган овозлар, Вазирлар қўмитаси ишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Аҳдлашувчи Давлатлар вакиллариининг овозилари бунда эътиборга олинади.

2. Европа ҳамжамияти ва ушбу Конвенцияга 1-бандга биноан қўшилган ҳар қандай давлат учун ушбу Конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги хужжат Европа Кенгашининг Бош котибига сақлаш учун топширилган санадан кейин уч ой ўтгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб кучга киради. Европа ҳамжамияти ва ушбу Конвенцияга қўшилган ҳар қандай давлат, агар у қўшилиш пайтида ҳали аъзо бўлмаса, Конвенция мазкур давлат учун кучга кирган кундан бошлаб у автоматик равишда ГРЕСО аъзоси ҳисобланади.

34-модда. Худудий дастур

1. Ҳар қандай давлат имзолаш пайтида ёки ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёхуд қўшилиш тўғрисидаги хужжатни сақлашга

топширишда Конвенция қўлланиладиган ҳудудни ёки ҳудудларни белгилаши лозим.

2. Ҳар қандай давлат Европа Кенгаши Бош котибига юборилган декларация орқали ушбу Конвенцияни декларацияда алоҳида кўрсатилган бошқа ҳар қандай ҳудудга татбиқ этиши мумкин. Бундай ҳудудга нисбатан Конвенция Бош котиб томонидан бундай декларацияни олган кундан кейин уч ойлик муддат тугаганидан кейинги ойнанинг биринчи кунда кучга киради.

3. Бундай декларацияда кўрсатилган ҳар қандай ҳудудга нисбатан аввалги иккита хатбошига биноан қилинган ҳар қандай декларация Бош котибга юборилган хабарнома орқали қайтариб олиниши мумкин. Қайтариб олиш тўғрисидаги хабарнома Бош котиб бундай хабарни олган кундан бошлаб уч ойлик муддат тугаганидан кейинги ойнанинг биринчи кундан кучга киради.

35-модда. Бошқа конвенциялар ва битимлар билан муносабатлар

1. Ушбу Конвенция махсус масалалар бўйича кўп томонлама халқаро конвенциялардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир қилмайди.

2. Томонлар ушбу Конвенцияда кўриб чиқилган масалалар бўйича унинг қоидаларини тўлдириш ёки кучайтириш ҳамда унда қайд этилган принципларни қўллашни рағбатлантириш мақсадида бир-бири билан икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар тузишлари мумкин.

3. Агар икки ёки ундан ортиқ Томон ушбу Конвенциянинг предмети бўлган масала бўйича аллақачон битим ёки шартнома тузган бўлса ёки ушбу масала бўйича ўзаро муносабатларини бошқа шаклда расмийлаштирган бўлса, унда улар ушбу Конвенция ўрнига ушбу битимни ёки шартномани қўллашга ёки ўз муносабатларини шунга кўра тартибга солишга ҳақлидирлар. Бу халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

36-модда. Декларациялар

Тасдиқлаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш ёки сақлашга топшириш пайтида ҳар қандай давлат, мазкур Конвенциянинг 5-моддасига биноан хорижий давлат мансабдор шахсларининг, 9-моддасига биноан халқаро ташкилотлар мансабдор шахсларининг фаол ёки пассив порахўрлигини жиноий жавобгарликка тортишини эълон қилиши мумкин ёки 11-моддага мувофиқ халқаро судларнинг судялари ва мансабдор шахслари ўз вазифаларига зид равишда ҳаракат қилсалар мазкур хатти-ҳаракатлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

37-модда. Изоҳлар

1. Ҳар бир давлат Конвенцияни имзолаш ёки ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топширишда, ўз ички қонунчилигида 4, 6-8, 10-моддаларда кўзда тутилган ҳаракатларни тўлиқ ёки қисман криминаллаштирамаслик ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин, шу жумладан 12 ёки 5-моддада белгиланган пассив пора олиш ҳуқуқбузарликларини ҳам.

2. Ҳар қандай давлат ушбу ҳужжатни имзолаш пайтида ёки ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлашга топширишда 17-модданинг 2-бандида назарда тутилган захира ҳуқуқидан фойдаланиш истагини эълон қилиши мумкин.

3. Ҳар қандай давлат ушбу ҳужжатни имзолаш пайтида ёки ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлашга топширишда, агар тегишли сўров сўралаётган Томон сиёсий жиноят деб ҳисоблаган хатти-ҳаракатлар мазкур ҳужжатга асосан жиноят ҳисобланса, 26-модданинг 1-бандида назарда тутилган ўзаро ҳуқуқий ёрдамдан воз кечиши мумкинлигини эълон қилиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларининг мақсадлари учун бирон бир давлат унда кўрсатилган бешдан ортиқ қоидаларга изоҳ билдириши мумкин эмас. Бошқа бандловларга рухсат берилмайди. 4, 6 ва 10-моддаларга мувофиқ бир хил хусусиятга эга бўлган резервацёнлар битта изоҳ сифатида кўриб чиқилади.

39-модда. Ўзгартиришлар

1. Ушбу Конвенцияга тузатишлар ҳар қандай томон томонидан киритилиши мумкин ва Европа Кенгашининг Бош котиби киритилган ўзгартиришларни Европа Кенгашига аъзо давлатлар ҳамда 33-модданинг қоидаларига мувофиқ ушбу Конвенцияга қўшилган ёки унга қўшилиш учун таклиф қилинган ҳар қандай аъзо бўлмаган давлатларнинг эътиборига етказди.

2. Томонлар таклиф қилган ҳар қандай тузатиш Европа Жиноят муаммолари қўмитаси (ЕСПС) эътиборига етказилади, у таклиф қилинган тузатиш тўғрисида ўз фикрларини Вазирлар қўмитасига тақдим этади.

3. Вазирлар қўмитаси таклиф қилинган тузатишни ва ЕПСЛ томонидан тақдим этилган фикрни кўриб чиқади ва Европа Кенгашига аъзо бўлмаган Конвенциянинг Томонлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, тузатишни қабул қилиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ Вазирлар Қўмитаси томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш матни Томонларга қабул қилиш учун юборилади.

5. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай тузатиш барча Томонлар Бош котибга ўзларининг қабул қилинганлиги тўғрисида хабар берган кундан кейинги учинчи куни кучга киради.

40-модда. Низоларни ҳал қилиш

1. Европа Кенгашининг жиноятчилик муаммолари бўйича Европа қўмитаси ушбу Конвенциянинг талқини ва қўлланилиши тўғрисида хабардор қилинади.

2. Томонлар ўртасида ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича низо юзага келган тақдирда, улар ушбу низони музокаралар ёки ўзлари танлаган ҳар қандай бошқа тинч йўллар билан ҳал қилишга интилишади, шу жумладан низоларни жиноятчилик муаммолари бўйича Европа қўмитасига,

хакамлик судига юбориш орқали, шунингдек Томонлар ёки Халқаро Судга тегишли Томонлар ўртасида келишилган ҳолда ҳал этилади.

41-модда. Бекор қилиш

1. Ҳар қандай Томон исталган вақтда Европа Кенгаши Бош котибига юборилган хабарнома орқали ушбу Конвенцияни бекор қилиши мумкин.

2. Денонсация Бош котиб томонидан билдиришнома олинган санадан кейин уч ой ўтгандан кейинги ойнинг биринчи кунида кучга киради.

42-модда. Хабарнома

Европа Кенгаши Бош котиби Кенгашга аъзо давлатларни ва ушбу Конвенцияга қўшилган ҳар қандай давлатни:

а) ҳар қандай имзо;

б) ҳар қандай ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлашга топшириш;

с) 32 ва 33-моддаларга мувофиқ ушбу Конвенция кучга кирган ҳар қандай сана;

д) 36 ёки 37-моддаларга мувофиқ тузилган декларация ёки шарт-шароитлар;

е) ушбу Конвенцияга тегишли ҳар қандай бошқа ҳаракат, хабарнома ёки маълумотлар тўғрисида хабардор этади.

Ушбу Конвенцияни тасдиқлаб, тегишлича ваколат берилган қуйида имзо чекувчилар ушбу ҳужжатни имзоладилар.

1999 йил 27 январда Страсбургда инглиз ва француз тилларида тузилди, иккала матн ҳам бир хил кучга эга бўлиб, бир нусхада Европа Кенгаши архивида сақланади. Европа Кенгашининг Бош котиби тасдиқланган нусхаларни Европа Кенгашининг ҳар бир аъзо давлатига, ушбу Конвенцияни ишлаб чиқишда иштирок этмаган давлатларга ва унга қўшилиш учун таклиф қилинган бошқа ҳар қандай давлатга юбориш мажбуриятини олади.

КОРРУПЦИЯ УЧУН ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУҒРИСИДАГИ ЕВРОПА КОНВЕНЦИЯСИ

Страсбург, 1999 йил 4 ноябрь

Муқаддима

Европа Кенгашига аъзо давлатлар, бошқа давлатлар ва Европа ҳамжамияти, мазкур Конвенцияни имзолаганлар,

Европа Кенгашининг аъолари ўртасида янада мустаҳкам ҳамжиҳатликка эришиш мақсадини инобатга олиб;

Коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш муҳимлигини англаган ҳолда;

Коррупция қонун устуворлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари, адолат ва ижтимоий ҳуқуқ устуворлиги учун катта таҳдид эканлигини, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилиши ва бозор иқтисодиётини тўғри ва адолатли ишлашига хавф туғдиришини таъкидлаб,

Коррупциянинг жисмоний шахслар, компаниялар ва давлатлар, шунингдек халқаро институтлар фаолияти учун салбий молиявий оқибатлар олиб қолишини тан олиб,

Коррупцияга қарши курашиш фуқаролик қонунчилиги учун, хусусан зарар кўрган шахсларга адолатли тоғон пули олиш имкониятини яратиш муҳимлигини тан олиб,

Европа адлия вазирларининг 19 ва 22 – конференцияларининг (1994 йил Малта ва 1997 йил Чехия Республикасидаги) хулосалари ва қарорларини ёдда тутиб,

Вазирлар Қўмитаси томонидан 1996 йил ноябрь ойида тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш ҳаракатлар дастурини инобатга олиб,

1997 йил февраль ойида Вазирлар Қўмитаси томонидан тасдиқланган Коррупция ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш учун фуқаролик тоғонлар конвенциясини тузиш бўйича ўтказилган ўрганишларни ҳам инобатга олиб,

1997 йил ноябрь ойида Вазирлар Қўмитаси томонидан ўзининг 101-сессиясида қабул қилинган Коррупцияга қарши курашишнинг 20 та бошқарув тамойиллари тўғрисидаги (97)24-сонли қарори, 1998 йил май ойида Вазирлар Қўмитаси тоғонидан ўзининг 102-сессиясида қабул қилинган “Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи”ни (ГРЕКО) ташкил қилиш бўйича қисман ва кенгайтирилган келишувни тасдиқлаш ҳақидаги 98(7)-сонли қарори ва 1999 йил 1 майда қабул қилинган ГРЕКОни ташкил қилиш тўғрисидаги 99(5)-сонли қарорига асосан;

Европа Кенгаши аъзо давлатларининг Давлат раҳбарлари ва Ҳукумат раҳбарлари тоғонидан 1997 йил октябрь ойида Страсбург шаҳрида уларнинг иккинчи саммитида қабул қилинган Якуний декларация ва Ҳаракатлар режасини эсда тутиб,

Куйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

I Боб- Миллий даражада амалга амалга ошириладиган чоралар
1-модда – Мақсад

Ҳар бир томон ўзининг ички қонунчилигида коррупция хатти-ҳаракатлари натижасида зарар кўрган шахсларга, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга имкон берадиган самарали воситалар, шу жумладан зарар учун товон пулини олиш имкониятини белгилаб қўйиши лозим.

2-модда – Коррупция тушунчаси

Ушбу Конвенция мақсади учун, “коррупция” тушунчаси пора ёки бошқа ноқонуний манфаатлар ёки афзалликлар эвазига маълум бир вазифа ёки хатти-ҳаракатларни тўғри бажарилишига салбий таъсир кўрсатишга олиб келувчи пора ёки бошқа ноқонуний манфаатлар ёки афзалликларни тўғридан-тўғри ёки билвосита тарзда талаб қилиш, таклиф қилиш ёки олишни англатади

3-модда – Етказилган зарар учун товон

1. Ҳар бир томон ўзининг миллий қонунчилигида коррупция оқибатида зарар кўрган шахс томонидан етказилган зарар учун товон ундириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини яратиши лозим.

2. Мазкур товон пули моддий зарар, йўқотилган фойда ва маънавий зарарни қоплаши лозим.

4-модда – Жавобгарлик

1. Ҳар бир томон зарарни қоплаш учун ўз миллий қонунчилигида қуйидаги шартларнинг бажарилишини назарда тутади:

i. жавобгар томонидан коррупция ҳаракатларини содир этган ёки унга руҳсат берган ёки коррупция ҳаракатининг олдини олиш учун оқилона чоралар кўрмаган бўлса;

ii. давогар зарар кўрган бўлса; ва

iii. коррупция ҳаракати билан зарар ўртасида узвий боғлиқлик бўлса;

2. Ҳар бир томон ўз қонунчилигида агар бир неча жавобгар айнан битта коррупция ҳаракати бўйича жавобгар бўлсалар, улар биргаликда ва алоҳида жавобгарлиги тўғрисида тегишли норма бўлишини таъминлаши лозим.

5-модда – Давлат жавобгарлиги

Ҳар бир томон миллий қонунчиликда ўз давлат хизматчилари вазифаларини бажараётганида коррупция ҳолатига йўл қўйган тақдирда давлатдан, агар аъзо давлат бўлмаса тегишли давлат органидан товон ундиришни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли норма бўлишини таъминлаши лозим.

6-модда – Ҳуқуқбузарликда шерикчилик

Ҳар бир томон миллий қонунчиликда агар даъвогар ўз айби билан зарар етказишга ёки унинг оғирлашувига сабаб бўлган барча ҳолатларни инобатга олган тарзда товон миқдорини камайтириш ёки бекор қилиш бўйича тегишли норма бўлишини таъминлаши лозим.

7-модда – Муддатларни чекланиши

1. Ҳар бир томон миллий қонунчиликда зарар кўрган шахс зарар етказилгани ёки коррупция ҳаракати амалга оширилгани ва масъул шахснинг кимлиги ҳақида хабардор бўлгани ёки асосли равишда хабардор бўлиши керак бўлган пайтдан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда мурожаат қилиш кераклиги тўғрисидаги норма бўлишини таъминлаши лозим.

Бироқ, бундай ҳаракатлар коррупция ҳаракати амалга оширилган пайтдан эътиборан 10 йилдан кам бўлмаган муддат ўтганидан сўнг амалга оширилмайди.

2. Чеклаш муддатларини кечиктириш ёки тўхтатиб туришни тартибга солувчи тарафларнинг қонунлари, агар тегишли бўлса, 1-бандда белгиланган муддатларга татбиқ этилади.

8-модда – Шартномаларни қонунийлиги

1. Ҳар бир томон миллий қонунчиликда коррупцияга йўл қўйиши мумкин бўлган шартномаларни ёки уларнинг тегишли бандларини ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини белгиловчи норма бўлишини таъминлаши лозим.

2. Ҳар бир томон миллий қонунчиликда коррупция ҳаракати билан розилиги бузилган шартноманинг барча томонлари шартномани бекор қилиш ҳамда зарарни қоплашни талаб қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш имкониятини белгиловчи норма бўлишини таъминлаши лозим.

9-модда – Ходимларни ҳимоя қилиш

Ҳар бир томон миллий қонунчилигида коррупцияда гумон қилиш учун етарли асосларга эга бўлган ва тегишли масъул шахсларга ёки давлат органларига ўз шубҳалари тўғрисида хабар берган ходимларни ҳар қандай асоссиз жазо чораларидан ҳимоя қилишни назарда тутувчи норма бўлишини таъминлаши лозим.

10-модда – Ҳисобдорлик ва аудит

1. Ҳар бир томон миллий қонунчилигида компанияларнинг йиллик ҳисоб-китобларини аниқ тузиш ва компанияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўғри ва адолатли фикр билдириш учун барча чораларни кўриши лозим.

2. Коррупция ҳаракатларини олдини олиш мақсадида ҳар бир томон миллий қонунчилигида аудиторларга йиллик ҳисоботларда компанияларнинг молиявий аҳволи тўғрисида тўғри ва адолатли фикр билдиришини таъминлаши керак.

11-модда – Далилларни йиғиш

Ҳар бир томон миллий қонунчилигида коррупция ҳатти-ҳаракатлари оқибатида келиб чиқадиган фуқаролик жараёнида далилларни йиғишнинг самарали тартибини белгилаши лозим.

12-модда – Вақтинчалик чоралар

Ҳар бир томон миллий қонунчилигида коррупция ҳатти-ҳаракатлари оқибатида келиб чиқадиган фуқаролик жараёнида томонларининг ҳуқуқлари

ва манфаатларининг ҳимояси таъминланадиган суд жараёнларини ташкил қилишни таъминлайдиган норма бўлиши лозим.

II–Боб – Халқаро ҳамкорлик ва имплементация жараёнини мониторинг қилиш

13-модда – Халқаро ҳамкорлик

Томонлар коррупция билан боғлиқ ишларда, хусусан ҳужжатларни тақдим этиш, жорижий давлатлардан далилларни олиш, хорижий давлатларнинг суд қарорларини ва суд ишларини юритувини тан олиш ва ижрога қаратиш масалалари бўйича фуқаролик ва иқтисодий масалалар тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик қоидаларига кўра ҳамкорлик қиладилар.

14-модда – Мониторинг қилиш

Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (ГРЕКО) мазкур Конвенциянинг аъзолари томонидан ижро этилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

III–Боб – Яқунловчи қоидалар

15-модда – Имзолаш ва кучга кириш тартиби

1. Ушбу Конвенция Европа Кенгашига аъзо давлатлар, уни ишлаб чиқишда иштирок этган аъзо бўлмаган давлатлар ва Европа ҳамжамияти томонидан имзоланиши учун очикдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим. Ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар Европа Кенгашининг Бош котибида сақланади.

3. Ушбу Конвенция 14 нафар имзолловчи давлат томонидан биринчи қисмда кўрсатилган тартибда Конвенция қоидаларига ўз розилигини билдирганидан сўнг уч ойлик муддат ўтганидан сўнг кейинги ойнинг биринчи кунидан кучга киради. Агар имзолловчи давлат ратификация қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш вақтида Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳига (ГРЕКО) аъзо бўлмаган бўлса, Конвенция кучга кирган вақтдан бошлаб ушбу давлат аъзо давлат деб ҳисобланади.

4. Конвенция қоидаларига ўз розилигини билдирган имзолловчи давлатга нисбатан Конвенция ушбу модданинг биринчи қисмда кўрсатилган тартибда Конвенция қоидаларига ўз розилигини билдирганидан сўнг уч ойлик муддат ўтганидан сўнг кейинги ойнинг биринчи кунидан кучга киради. Агар шундай имзолловчи давлат ратификация қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш вақтида Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳига (ГРЕКО) аъзо бўлмаган бўлса, Конвенция кучга кирган вақтдан бошлаб ушбу давлат аъзо давлат деб ҳисобланади.

5. Европа ҳамжамиятининг Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳидаги (ГРЕКО) иштирокнинг ҳар қандай ўзига хос усуллари Европа ҳамжамияти билан умумий келишувга мувофиқ белгиланади.

16-модда – Конвенцияга қўшилиш

Ушбу Конвенция кучга киргандан сўнг, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси Конвенция томонлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, Кенгашга аъзо бўлмаган ва унинг ишлаб чиқилишида қатнашмаган ҳар қандай давлатни Европа Кенгаши Статутининг 20.д. моддасида келтирилгандек ва Қўмита ўрин эгаллаган аъзоларнинг вакиллари овоз бериш йўли орқали бир овоздан мақулланган қарорга асосан ушбу Конвенцияга қўшилишни таклиф қилиши мумкин.

2. Мазкур Конвенцияга қўшилган ҳар қандай давлатга нисбатан Конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни Европа Кенгаши Бош Котибига тоширган кундан уч ойлик муддат ўтганидан сўнг кейинги ойнинг биринчи кунидан кучга киради. Конвенцияга қўшилаётган давлат агар у қўшилиш вақтида ГРЕКОга аъзо бўлмаган бўлса, унга нисбатан Конвенция кучга кирган кундан ташкилот аъзоси ҳисобланади.

17-модда – Қўшимча шарх (оговорка)

Конвенциянинг ҳеч қайси қоида­сига нисбатан қўшимча шарх (оговорка) қилиш мумкин эмас.

18-модда – Худудий амал қилиши

1. Ҳар бир давлат ёки Европа Жамияти имзолаш ёки рифтификация қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги ёрлиқни топшираётган вақтда Конвенция қайси ҳудудда ёки ҳудудларда амал қилиши мумкинлигини белгилаши мумкин.

2. Ҳар бир томон кейинги муддатларда Европа Кенгаши Бош Котибига мурожаат қилган ҳолда Конвенция амал қилиши белгилан ҳудудларни кенгайтириши мумкин. Конвенция мазкур ҳудудларга нисбатан мурожаат Бош котиб томонидан қабул қилинган кундан уч ойлик муддат ўтганидан сўнг кейинги ойнинг биринчи кунидан кучга киради.

3. Юқорида икки хат бошида келтирилган тартибда қилинган мурожаат Бош котибни хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш ҳақидаги хабарнома Бош котиб томонидан қабул қилинган кундан бошлаб уч ойлик муддат ўтгандан сўнг кейинги ойнинг биринчи кунидан амал қилишни бошлайди.

19-модда – Бошқа ҳужжатлар ва келишувлар билан алоқадорлик

1. Мазкур Конвенция махсус масалаларга оид кўп томонлама халқаро ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир қилмайди.

2. Конвенция томонлари ушбу Конвенцияда назарда тутилган масалалар доирасида унинг қоидаларини тўлдириш ёки мустаҳкамлаш ёки унда акс этган тамойилларнинг қўлланилишига кўмаклашиш мақсадида, шунингдек унинг мақсад ва вазифаларидан четга чиқмаган ҳамда Конвенцияни имзолаш вақтидаги мажбурий бўлган махсус тизим қоидаларига бўйсунган ҳолда ўзаро икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар тузишлари мумкин.

3. Агар икки ёки ундан ортиқ Томонлар ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган масала юзасидан аллақачон битим ёки шартнома тузган бўлсалар ёки ўзаро муносабатларни ўрнатган бўлсалар, улар мазкур муносабатларга нисбатан Конвенция ўрнига мавжуд битим ёки шартнома қоидаларини қўллашга ҳақлидир.

20-модда – Ўзгартириш киритиш

1. Ушбу Конвенцияга тегишли ўзгартиришлар ҳар қандай Томондан таклиф қилиниши мумкин ва бу Европа Кенгаши Бош Котиби томонидан Европа Кенгашига аъзо давлатларга, мазкур Конвенцияни ишлаб чиқишда иштирок этган аъзо бўлмаган давлатларга, Европа ҳамжамиятига, шунингдек 16-модда қоидаларига мувофиқ ушбу Конвенцияга қўшилган ёки қўшилишга таклиф қилинган давлатларга кўриб чиқиш учун юборилади.

2. Томонлар томонидан таклиф қилинган ҳар қандай ўзгартириш Европа ҳуқуқий ҳамкорлик қўмитасига юборилади, у Вазирлар Қўмитасига ушбу таклиф қилинган ўзгартириш бўйича ўз фикрларини билдириши лозим.

3. Вазирлар қўмитаси таклиф қилинган ўзгартиришни ва Европа ҳуқуқий ҳамкорлик қўмитасининг хулосасини кўриб чиқади ва Европа Кенгашига аъзо бўлмаган Конвенция Томонлари билан маслаҳатлашувдан сўнг ўзгартиришни қабул қилиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ Вазирлар Қўмитаси томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш матни Томонларга қабул қилиш учун юборилади.

5. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай ўзгартириш барча Томонлар Бош Котибни улар қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилган кундан ўттиз кун ўтгандан сўнг кучга киради.

21-модда – Низоларни ҳал қилиш

1. Европа Кенгашининг Европа ҳуқуқий ҳамкорлик бўйича қўмитаси ушбу Конвенцияни талқин қилиш ва қўллаш тўғрисида доимий равишда хабардор қилинади.

2. Томонлар ўртасида ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича низо юзага келган тақдирда, улар низоли музокаралар ёки ўзаро келишилган ҳолда бошқа тинч йўллар билан ҳал қилишлари мумкин, шунингдек низоли Европа ҳуқуқий ҳамкорлик қўмитасига тақдим этиш орқали ёки қарорлари Томонлар учун мажбурий бўлган арбитраж судига ёки Томонлар ўзаро келишган ҳолда Халқаро судга бериш орқали ҳал қилишлари мумкин.

22-модда – Денонсация қилиш

1. Томонлар исталган вақтда Европа Кенгаши Бош Котибиятига юборилган хабарнома орқали ушбу Конвенцияни денонсация қилишлари мумкин.

2. Конвенцияни денонсация қилиш Бош Котибият томондан хабарнома олинган кундан уч ойлик муддат ўтганидан сўнг кейинги ойнинг биринчи кунидан кучга киради.

23-модда – Хабардор қилиш

Европа Кенгашининг Бош Котибияти Аъзо давлатлар кенгаши ва бошқа имзолловчилар ва аъзоларни қуйидагилар тўғрисида хабардор қиладилар:

а. Ҳар қандай имзолловчи ҳақида;

б. Ҳар қандай ратификация қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат топширилганда;

в. 15 ва 16-моддаларга мувофиқ ушбу Конвенция билан боғлиқ кучга кириш ҳолатлари тўғрисида;

г. Ушбу Конвенцияга тегишли бошқа ҳар қандай ҳаракат, хабарнома ёки муносабат ҳақида.

1999 йил 4 ноябрь куни Страсбург шаҳрида инглиз ва француз тилларида тузилди, иккала матн ҳам бир хил кучга эга бўлиб, битта нусхада Европа Кенгаши архивида сақланади. Европа Кенгаши Бош Котиби томонида тасдиқланган нусхалар Европа Кенгашининг аъзо давлатларига, ушбу Конвенцияни ишлаб чиқишда иштирок этган аъзо бўлмаган давлатларга, Европа Ҳамжамиятига, шунингдек қўшилишга таклиф қилинган давлатларга юборилади.

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ТАШКИЛОТИНИНГ
ОММАВИЙ ХАЛОЛЛИК БЎЙИЧА
КЕНГАШИ ТАВСИЯЛАРИ
2020 йил март**

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти тўғрисидаги конвенциянинг 5-моддаси б) бандини **инобатга олиб**;

Давлат бошқарув сифатини яхшилаш Кенгашининг тавсиясини [C(95)21/FINAL], Давлат секторидида манфаатлар тўқнашувини бошқаришда ИХТТ қўлланмаси тўғрисидаги Кенгаш тавсиясини [C(2003)107], Инфратузилма объекларида хусусий сектор ташкилотлари иштироки тамойиллари тўғрисидаги Кенгаш тавсиясини [C(2007)23/FINAL], Халқаро савдо шартномаларини имзолашда чет эл мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириб олишга қарши курашиш Конвенцияси ва Халқаро савдо шартномаларини имзолашда чет эл мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириб олишга қарши курашишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Кенгаш тавсиясини [C(2009)159/REV1/FINAL], Лоббизмни амалга ошириша шаффофлик ва ҳалоллик тамойиллари тўғрисидаги кенгаш тавсиясини [C(2010)16], Кўп миллатли ташкилотлар учун асосий тамойилларни [C(76)99/FINAL ўзгаришлар билан C/MIN(2011)11/FINAL], Тартибга солиш ва бошқарув ҳақида кенгаш тавсиясини [C(2012)37], Давлат-хусусий ҳамкорлиги соҳасидаги оммавий бошқарув тамойиллари тўғрисидаги кенгаш тавсиясини [C(2012)86], Давлат бошқарувининг турли-хил бўғинларида бюджет инвестицияларининг самарадорлиги тўғрисидаги кенгаш тавсиясини [C(2014)32], Муҳим хатарларни бошқариш тўғрисидаги кенгаш тавсиясини [C/MIN(2014)8/FINAL], Давлат харидлари тўғрисидаги кенгаш тавсиясини [C(2015)2], Инвестициялар соҳасида сиёсат концепцияси борасидаги кенгаш тавсиясини [C(2015)56/REV1], Давлат ташкилотларини корпоратив бошқарувининг асосий тамойиллари тўғрисидаги кенгаш тавсиясини [C(2015)85] ва Сиёсат соҳасида гендер тенглик борасидаги саволлар тўғрисидаги кенгаш тавсиясини [C(2015)164 **инобатга олиб**];

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ва самарали бошқарув соҳасида қилинган ишларни, айниқса, БМТ нинг Коррупцияга қарши конвенция ва БМТ кун тартибидаги 2030-йилгача барқарор ривожланишни, шунингдек бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан қилинган ишларни **инобатга олиб**;

Ҳалоллик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимининг асосларидан бири бўлиб, шу тариқа ҳар бир шахс ва умуман жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий фаровонлигининг муҳим омили эканлигини **тан олиб**;

Ҳалоллик давлат бошқарувида, жамоат манфаатларини ҳимоя қилишда ва қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган плюралистик демократияга содиқлик каби асосий қадриятларни қўллаб-қувватлашда жуда муҳимлигини **тан олиб**;

Ҳалоллик - бу бутун самарали бошқарув тизимининг асосидир ва шу тариқа оммавий ҳалоллик тўғрисидаги янги кўрсатмалар давлат бошқаруви тизимининг бошқа муҳим элементлари билан янада яқинроқ бўлишига ёрдам бериши кераклигини **тан олиб**;

Ҳалоллик стандартларини бузилишидан ҳеч бир давлат ҳимояланмаган, айниқса 1998 йилда Кенгашнинг Давлат хизматида ахлоқий хулқ-атвори такомиллаштириш бўйича тавсиялар, шу жумладан давлат хизматида ахлоқ қоидаларини бошқариш принципларини [C (98) 70] қабул қилинганидан бери тобора мураккаблашиб бормоқда эканлигини **инобатга олиб**;

Ҳалоллик хавф-хатарлари давлат ва хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва фуқароларнинг сиёсий жараённинг барча босқичларида ва сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнининг турли шаклларида мавжуд бўлиб, шу муносабат билан юкорида кайд этилган муносабатларнинг боғлиқлики оммавий ҳалолликни ошириш ва давлат секторидидаги коррупцияни камайтириш масаласига жавмият манфаатларини инобатга олган ҳолда тубдан ёндашишни талаб этишини **тан олиб**;

Ҳалолликни тарғиб қилиш бўйича турли мамлакатларда кўрилаётган чора-тадбирлар оммавий ҳалоллик учун хавф-хатарларнинг ўзига хос хусусиятларидан катта фарқ

қилишини, шунингдек, айрим мамлакатларнинг ҳуқуқий, институционал ва маданий хусусиятлари бир-биридан фарқ қилишини **тан олиб**;

Оммавий ҳалолликни яхшилаш - бу миллий қонунчилик ва институционал асосларга мувофиқ турли даражадаги ваколатлар ва мухторият даражалари орқали ҳукуматнинг умумий вазифаси ва масъулияти ҳисобланади ва шу сабабли тақдим этилган Тавсия жамоатчилик ишончини сақлаб қолиш учун бошқарувнинг барча даражаларига тегишлилигини **инобатга олган ҳолда**;

Давлат бошқарув қўмитаси таклифига асосан Кенгаш:

I. УШБУ ТАВСИЯ МАҚСАДЛАРИГА АСОСАН ҚЎЙИДАГИ ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ ИШЛАТИЛИШИГА КЕЛИШДИ:

Халоллик - давлат секторида хусусий манфаатлардан жамият манфаатларининг устуворлигини ҳимоя қилиш ва уни таъминлаш йулида умум еътироф этилган ахлоқий кадриятларга, принциплар ва меъёрларга изчил риоя қилиш ва уларга содиқ қилишни англатади.

Давлат секторига тайинланган ёки сайланганлигидан, моддий мукофот оладими ёки йўқлигидан, ўз вазифаларини марказий ёки субмиллий бошқарувида доимий ёки вақтинча бажарганлигидан қатъи назар қонун чиқарувчи, ижро етувчи, маъмурий ва суд органлари ва уларнинг давлат хизматчилари киради. Ушбу соҳага давлат корпорациялари, давлат корхоналари ва давлат-хусусий шериклик ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек давлат хизматларини кўрсатувчи мансабдор шахслар ва ташкилотлар (масалан, соғлиқни сақлаш, таълим, жамоат транспорти соҳасидаги муассасалар) кириши мумкин. Шунингдек бу ташкилотларнинг вазифалари хусусий ташкилотлар бошқарувида ўтказилиши ёки улар томонидан молиялаштирилиши ҳам мумкин.

II. ИХРТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ВА УЧИНЧИ ДАВЛАТЛАРГА УШБУ ТАВСИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА КЕЛИШИЛГАН ВА КЕНГҚАМРОВЛИ ОММАВИЙ ХАЛОЛЛИК ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ. Шундан келиб чиқиб давлатлар тавсияларни асос сифатида қабул қилишади.

1. Тайёрлик

Давлат бошқарувининг юқори сиёсий ва ижро етувчи даражасида оммавий ҳаллоликни ошириш ва коррупцияни камайтиришга содиқлигини намойиш этиш; хусусан:

а) оммавий ҳаллолик тизимининг ҳаллолик стандартларини белгилаши, сақлаши, кузатиши ва бажарилишини таъминлаш, ҳамда ушбу тизим кенг давлат бошқаруви тизимига бирлаштирилганлигини таъминлаш;

б) давлат сектори ташкилотлари фаолиятининг ҳалоллигини самарали бошқариш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари учун тегишли ҳуқуқий ва институционал базани ва шу каби фаолиятни амалга оширувчи давлат амалдорларира шундай имкониятни таъминлаш;

в) ҳаллоликни узининг шахсий мукамаллик ва юқори хулқ-атвор стандартлари орқали қўллаб-қувватлайдиган сиёсий ва маъмурий бошқарувнинг енг юқори даражаларида хизмат вазифаларини бажараётганлар учун талабларни аниқлаштириш.

2. Жавобгарлик

Оммавий ҳаллолик тизими самарадорлигини ошириш учун давлат сектори ташкилотларининг институционал жавобгарлигини аниқ ифода этиш, хусусан:

а) давлат сектори учун оммавий ҳаллолик тизимининг элементларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва амалга ошириш учун тегишли бошқарув даражаларида (алоҳида ташкилотлар даражасида, шунингдек субмиллий ёки ймйммиллий даражаларда) аниқ вазифаларни белгилаш;

б) оммавий ҳаллолик тизимининг элементларини лойиҳалаштириш, амалга ошириш, ижро этиш ва / ёки monitoring қилиш учун марказий даражада жавобгар бўлган барча давлат мансабдор шахслари, бўлинмалари ёки муассасалари (шу жумладан автоном ва / ёки мустақил бўлганлар) ўз мажбуриятлари доирасида ваколатлар ва ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга булишни таъминлаш;

в) уйғунликка еришиш, такрорийлик ва бўшлиқларга йўл қўймаслик, тажриба алмашиш ва энг яхши тажрибалардан ўрганиш учун мана шундай давлат хизматчилари, бўлинмалари ёки муассасалари ўртасида ва имкон қадар расмий ва норасмий воситалар ёрдамида давлат бошқарувининг субмиллий даражалари билан ўзаро ҳамкорликнинг горизонтал ва вертикал механизмларини қўллаб-қувватлаш.

3. Истиқболли стратегия

Давлат секторида хатарларни камайтиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш стратегик таҳлил, йўналиш ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, хусусан:

а) Оммавий ҳалоллик учун стратегик мақсад ва устувор йўналишларини аниқлашда, умумий хавфларни баҳолаш ҳамда уни сабабларини ўқитиш, бу самарали жамоат яхлитлиги тизимини амалга оширишга ёрдам берадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда;

б) стандартлар ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш даражаси, олинган натижалар ва оммавий ҳалоллик тизимининг умумий фаолияти тўғрисида ишончли ва тегишли маълумотларни тўплаш.

4. Стандартлар

Давлат хизматчилари учун юқори даражада хатти-ҳаракатларини ўрнатиш:

а) чегарадан чиқишга талабларни минималлаштириш, жамоат манфаатларини устувор ҳимоя қилиш, жамоага хизмат қилиш кадриятларига содиқлик, ташкилий ўрганишни тарғиб қилувчи ва рағбатлантирадиган ҳамда самарали бошқарувни рағбатлантириш;

б) ҳалоллик стандартларини ҳуқуқий тизимлар ва ташкилий сиёсатда (масалан, одоб-ахлоқ қоидалари ёки ахлоқ кодекслари шаклида) интеграциялаштириш, улар тахминларни аниқ белгилаб бериши ва интизомий, маъмурий, фуқаролик ёки жиноий тергов ва жазо учун асос бўлиб хизмат қилиши учун зарур;

в) жамият яхлитлиги стандартлари бузилишининг олдини олишга ва реал ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини бошқаришга ёрдам берадиган аниқ ва мутаносиб тартибларни белгилаш;

г) давлат сектори ташкилотлари тизимида давлат сектори кадриятлари ва стандартларини этказиш ва уларни ташқи муҳитга тарғиб қилиш - хусусий шерикларга, фуқаролик жамияти ташкилотларига ва жисмоний шахсларга ушбу кадриятларга риоя қилишларини сўраб мурожаат қилиш. уларнинг давлат амалдорлари билан ўзаро муносабатларидаги стандартлар.

5. Жамиятнинг барча қатламлари жалб қилинганлиги

Иш маданияти билан жамиятнинг барча жабҳаларида жамоатчилик яхлитлигини рағбатлантириш хусусан, хусусий сектор, ташкилотлар билан биргаликда фуқаролик жамияти ва шахс фуқаролар:

а) жамоат ишонч тизимида тан олиниши хусусий секторнинг роли, фуқаролик жамият ва individual фуқароларнинг мувофиқлиги жамоат яхлитлиги кадриятлари уларнинг жамоатчилик билан ўзаро таъсири жараёнида сектор, хусусан хусусий секторни рағбатлантириш орқали, фуқаролик жамияти ва алоҳида фуқаролар ушбу кадриятларга бирлашувчи сифатида риоя қилинг жавобгарлик;

б) тегишли манфаатдор томонларни жалб қилиш одамлар ривожланиши, мунтазам равишда янгилиниши ва жамоатчилик амалиётига жорий этиш яхлитлик;

в) хабардорликни ошириш жамоатчиликнинг фойдалари тўғрисида жамият яхлитлик ва деградация стандартларнинг бузилишига бағрикенглик жамоат яхлитлиги, шунингдек керак бўлганда кампаниялар ўтказиш жамоатчиликда фуқаролик таълими яхлитлик, хусусан мактабларда;

г) хусусий вакилларнинг еътиборига етказиш ахборот сектори ва фуқаролик жамияти бу жамоат яхлитлиги шунингдек, яхшиликни сақлашга ҳисса қўшади қизи бизнес фаолиятида ва тажрибага асосланган нотижорат тузилмалар ва энг яхши мисоллардан олинган сабоқлар ушбу соҳадаги энг яхши амалиёт.

6. Етакчилик

Етакчиликка содиқ еканлигингизни кўрсатиш учун яхлитлик масалаларига сармоя киритинг ташкилотларнинг яхлитлиги давлат сектори, хусусан:

а) етакчиликни ўз ичига олади саралашдаги яхлитлик барча даражадаги менежерларга қўйиладиган талаблар ташкилот ва талаб сифатида танлаш, тайинлаш ёки бошқарув даражасига кўтарилиш ишлашни баҳолашда даража жамоатчилик билан боғлиқ раҳбарлар барча даражадаги яхлитлик ташкилотлар;

б) етакчиларни ўзларининг ролларида ушлаб туриш жамоадаги ахлоқий раҳбарлар томонидан ўз ваколатларини аниқ белгилаш, таъминлаш уларни ташкилий қўллаб-қувватлаш (масалан, ички назоратдан фойдаланган ҳолда, кадрлар ва қонуний консултациялар), даврий ташкил этиш малака ошириш курслари ва такомиллаштириш бўйича маслаҳат билан боғлиқ билим ва кўникмаларни ривожлантириш масалалар бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш жамоатчиликка тегишли бўлиши мумкин яхлитлик;

в) бошқарув тизимларини ривожлантириш ҳисобдорликни ошириш аниқлаш ва минималлаштириш учун раҳбарлар жамоат яхлитлиги учун хавф.

7. Жамиятга хизмат кўрсатиш қадриятларига ва тўғри бошқарув тамойилларига бағишланган, шахсий фазилатлари ва қадриятларига асосланган профессионал қурилишни рағбатлантириш:

- талабгорларнинг шахсий фазилатлари асосида ходимларни танлаш ва бундай танловнинг шаффофлигини таъминлаш каби асосий принтсипларни қўллайдиган кадрлар бошқаруви тизимини шакллантириш, бу давлат хизматининг профессионаллигини оширишга ёрдам беради, фаворитизм ва непотизмларни олдини олади, нотўғри сиёсий аралашувдан ҳимоя қилади ва ўз мавқеини суиистеъмол қилиш ва ноҳақлик хавфини камайтиради;

- ишга қабул қилиш, ходимларни танлаш ва уларни рағбатлантириш, объектив мезонларга ва расмийлаштирилган амалиётга асосланган адолатли ва очиқ тизимни таъминлаш, шунингдек, ҳисобот бериш ва жамиятга хизмат қилиш руҳини шакллантиришга ёрдам берадиган фаолият натижаларини баҳолаш тизими.

8. Давлат хизматчиларини этарли маълумот билан таъминлаш, ўқитишни ташкил этиш, уларга методик ёрдам кўрсатиш ва ўз вақтида маслаҳат бериш, улар иш жойларида жамоат яхлитлиги стандартларини қўллашлари мумкин. Бунга, хусусан,

- давлат хизматчиларини мартаба давомида жамоатчиликнинг яхлитлиги учун юқори стандартларни сақлаб қолишга қаратилган ташкилот сиёсати, қоидалари ва маъмурий тартиб-қоидалари ҳақида аниқ ва долзарб маълумотлар билан таъминлаш;

- жамоатчилик яхлитлиги масалалари бўйича хизмат кўрсатиш вақтида лавозимни эгаллаш ва малака оширишда касбий тайёргарликни ташкил этиш, уларнинг хабардорлигини ошириш ва ахлоқий иккиламли вазиятларни таҳлил қилиш бўйича муҳим кўникмаларга эга бўлиш, шунингдек, жамоатчилик яхлитлиги стандартларини кундалик амалиётда амалда қўллаш ва давлат хизматчилари учун шахсий нуқтаи назардан мазмунли қилиш;

- давлат хизматчиларига кундалик ишларида жамоат яхлитлиги стандартларини қўллашга ёрдам бериш, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни бошқаришга ёрдам бериш учун осонгина мавжуд бўлган расмий ва норасмий методик ёрдам кўрсатиш механизмларини жорий этиш ва маслаҳат олиш имконияти.

9. Давлат секторида очиқ ташкилий маданиятни сақлаб қолиш, хусусан, жамоат яхлитлиги билан боғлиқ муаммоларга жавоб берадиган,:

- ахлоқий муаммолар, жамоат яхлитлиги муаммолари ва қилинган хатолар эркин муҳокама қилиниши мумкин бўлган очиқ маданиятни рағбатлантириш, шу жумладан, зарур ҳолларда, меҳнат жамоасининг вакиллари билан ва раҳбарият ушбу муаммоларга жавоб берадиган ва ўз вақтида маслаҳат беришга ва юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга тайёр;

- миллий ҳуқуқий ҳуқуқнинг асосий тамойилларига мувофиқ жамоат яхлитлиги ва таъминот стандартларини бузиш билан боғлиқ шубҳаларни билдиришнинг аниқ қоидалари ва тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш этарли асослар бўйича ахборотни виждонан этказиш

натижасида ходимга нисбатан адолатсиз муносабатнинг ҳар қандай шаклларида хукукий ва амалий ҳимоя қилиш;

- давлат яхлитлиги стандартларини бузганликда гумон қилинишлар тўғрисида, шу жумладан зарур ҳолларда, мустақил тергов ўтказишга ваколатли ва ваколатли махсус органга махфий хабар бериш имкониятларини хабардор қилишнинг муқобил каналларини яратиш.

IV. ТАЪСИРЧАН ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН МАМЛАКАТЛАРГА ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ.

Шу мақсадда Тавсияларни қабул қиладиган мамлакатлар:

10. Давлат сектори ташкилотларида ҳалолликни сақлаш учун ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимини қўллаш, хусусан:

а) бошқарувнинг жамоат ҳалоллиги ва давлат хизматлари кадриятларига содиқлигини намойиш этадиган ва ташкилотнинг самарадорлиги тўғрисида оқилона ишончни, унинг фаолияти натижалари, қонунлар ва амалиётга риоя қилишни таъминлайдиган аниқ мақсадларга эга бўлган назорат муҳитини яратиш;

б) жамоат ҳалоллиги хавфини баҳолашни, бошқарув тизимидаги заиф томонларга жавоб беришни (шу жумладан, ўта муҳим жараёнларга огоҳлантириш сигналларини жойлашни) ўз ичига олган хатарларни бошқариш бўйича стратегик ёндашувни таъминлаш, шунингдек хатарларни бошқариш тизими учун сифатни кафолатлаш ва мониторинг қилишнинг самарали механизминини яратиш;

в) қонунлар ва қоидаларнинг бузилишидаги асослаган шубҳаларга жавоб беришнинг аниқ тартибларини ўз ичига олган яхши мувофиқлаштирилган бошқарув механизмларини шакллантириш ҳамда бу ҳақдаги маълумотларни жавоб қайтарувчи ҳаракатлардан кўрқмасдан ваколатли органлар эътиборига етказишга ҳисса қўшиш.

11. Давлат мансабдор шахслари ва қонунбузарликларни содир этишда иштирок этган барча бошқа шахслар томонидан жамоат ҳалоллиги стандартларини бузилганлиги амалга ошириш механизмлари томонидан қамраб олиш бўйича тегишли чораларни кўриш, хусусан:

а) интизомий, маъмурий, фуқаролик ёки жиноий суд ишларида жамоат ҳалоллиги (шу жумладан қоидабузарликларни аниқлаш, тергов қилиш, жазолаш ва қарорлардан шикоят қилиш пайтида) стандартларига риоя этилишини таъминлашда адолат, холислик ва ўз вақтидалик тамойилларини қўллаш;

б) ишда такрорланиш ва бўшлиқларга йўл қўймаслик ҳамда ижро механизмларининг ўз вақтида ва мутаносиблигини яхшилаш мақсадида тегишли органлар, бўлинмалар ва мансабдор шахслар (ташкилий, субмиллий ёки миллий даражада) ўртасида ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашиш воситаларини жорий этишга кўмаклашиш;

в) давлат сектори ташкилотларида ва жамият олдида ишларнинг тергови натижалари ва стандартларга риоя қилинишини мувофиқлигини таъминлаш механизмларининг самарадорлиги тўғрисида шаффофликни таъминлаш, хусусан, махфийлик ва бошқа тегишли хукукий қоидаларга риоя қилган ҳолда бузилиш ҳолатлари бўйича тегишли статистик маълумотларни тақдим этиш;

Назорат тизими

12. Холислик, хусусан ташқи жамоатчилик назоратининг тизимидаги ролни ва назоратни кучайтириш орқали:

а) ташкилий ўрганишга кўмаклашиш ва назорат органларининг ва маъмурий судлар (масалан, юқори аудиторлик ташкилотлари, омбудсманлар ёки ахборот комиссиялари каби) санкцияларига, қарорларига ва расмий тушунтиришларига (масалан, юқори аудиторлик ташкилотлари, омбудсманлар ёки ахборот комиссиялари) тегишли жавобни (шу жумладан, зарур бўлганда қайта тиклаш билан) таъминлаш орқали давлат сектори ташкилотларининг ҳисобдорлигини намойиш этиш.;

б) назорат органлари, хукукни муҳофаза қилиш органлари ва маъмурий судларнинг кучайтирилишини таъминлаш, жамоатчилик яхлитлиги, учинчи шахслардан (масалан, компаниялар, ходимлар ёки бошқа шахслар томонидан юборилган шикоят ёки баёнотлар)

юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларга жавоб бериш);

в) ҳуқуқни қўллаш органлари томонидан қонун ва қонуности ҳужжатлари (давлат ва хусусий ташкилотлар ёки жисмоний шахсларга тааллуқли бўлиши мумкин) нинг холис қўлланилишини таъминлаш);

13. Сиёсий шаффофликнинг барча босқичларида манфаатдор шахсларни жалб қилишни рағбатлантириш, шунингдек, ҳисобдорликни рағбатлантириш ва жамоатчилик манфаатларини тасдиқлаш мақсадида сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш жараёни, хусусан,:

а) бошқарув органларининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, шу жумладан ахборот ва очиқ маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ахборот сўровларига ўз вақтида жавоб бериш;

б) барча манфаатдор шахсларга, шу жумладан хусусий секторга, фуқаролик жамиятига ва шахсларга – давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш имкониятини бериш;

в) сиёсий партиялар ва сайловолди кампанияларини молиялаштириш ва лобби фаолиятига ошкораликни жорий этиш, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бошқариш орқали давлат сиёсатини тор доирадаги гуруҳлар томонидан узурпация қилишининг олдини олиш;

д) "қўриқчи итлар" – ташкилотлар, фуқаролар гуруҳлари, касаба уюшмалари ва мустақил оммавий ахборот воситалари фаолият юритадиган жамиятни ривожлантиришни рағбатлантириш.

V. БОШ КОТИБНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ УШБУ ТАВСИЯЛАРНИ ТАРҚАТИШ.

VI. Амалга ошириш учун ушбу Тавсияларни қабул қилган мамлакатларни саволлар уни барча даражалар еътиборига етказиш бошқарув.

VII. Ушбу тавсияномани қабул қилиш истагини билдирмаган мамлакатларни тегишли еътиборга олиш ва қабул қилганлар рўйхатига қўшилишга чақиради.

Ушбу Тавсия, юқори даражадаги ҳалоллик бўйича расмийлар ишчи гуруҳи томонидан берилган баҳодан сўнг.

VIII. Давлат бошқаруви кўмитаси, ҳалоллик бўйича юқори лавозимли расмийлар ишчи гуруҳи кўмагида, бунинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисида кўрсатма беради

Мониторинг натижалари тўғрисида Кенгашга ҳужжат қабул қилинганидан кейин беш йилдан кечиктирмай тавсиялар ва ҳисобот бериш, кейинчалик ушбу masala бўйича ҳисоботларни доимий равишда тақдим этиш.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ КОДЕКСИ

(Европа Кенгаши Вазирлар Махкамасининг
2000 йил 11 майдаги № R (2000)10 Тавсияси)

Шархлаш ва қўллаш

1-модда

1. Ушбу кодекс барча давлат хизматчиларига нисбатан қўлланилади
2. Ушбу кодекснинг мақсадлари учун "давлат хизматчиси" атамаси давлат органларида хизмат қилувчи ҳар қандай шахсни англатади.
3. Ушбу кодекснинг қоидалари коммунал хизматларни кўрсатиш вазифаси бўлган хусусий ташкилот томонидан ишлайдиган ҳар қандай шахсга нисбатан ҳам қўлланилади.
4. Ушбу кодекс қоидалари сайланган жамоат вакиллари, ҳукумат аъзолари ва суд вазифаларини бажарувчи шахсларга тааллуқли емас.

2-модда

1. Ушбу кодекс кучга кирган пайдан бошлаб давлат бошқаруви маъмурияти давлат хизматчиларига унинг қоидалари тўғрисида маълумот бериши шарт.
2. Ушбу кодекс давлат хизматчилари томонидан танишиб чиқилган пайдан бошлаб уларнинг меҳнат шароитларининг ажралмас қисми бўлади.
3. Ҳар бир давлат хизматчиси ушбу кодекс қоидаларига риоя қилиш учун барча чораларни кўриши шарт.

3-модда – Кодекс предмети

Ушбу кодекс ҳукумат амалдорлари томонидан бажарилиши керак бўлган хулқ-атвор ва ҳалоллик стандартларини аниқлаштириш, уларга ушбу стандартларга риоя қилишда ёрдам бериш ва давлат хизматчиларидан кутишлари мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш учун мўлжалланган.

Умумий қоидалар

1. Давлат хизматчиси ўз вазифаларини қонун, қонуний йўриқномалар ва унинг хизмат вазифалари билан боғлиқ этик нормаларга риоя этган ҳолда бажариши шарт.
2. Давлат хизматчиси ўзининг хизмат бурчини сиёсий фаолиятга аралаштиришга, давлат органлари томонидан чиқарилаётган қарорлар ёки қонуний чора-тадбирларга қарши кураштиришга ҳаракат қилмасдан сиёсий бетараф бўлиши шарт.

5-модда

1. Давлат хизматчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсис этилган миллий, маҳаллий ёки минтақавий ҳокимият органига нисбатан садоқатли бўлиши шарт.
2. Давлат хизматчиси фақат жамоатчилик фойдасини ва ишнинг тегишли ҳолатларини эътиборга олиб, ўз фаолиятини адолатли ва самарали бажариши керак.
3. Давлат хизматчиси ўзи ёки унга хизмат кўрсатаётган фуқаролар билан, шунингдек юқори бошлиқлар, ҳамкасблари ва бўйсунувчилари билан муносабатларда самимий бўлиши шарт.

6-модда

Ўз вазифаларини бажаришда давлат хизматчиси ҳеч қандай шахсларга, шахслар гуруҳига ёки ташкилотларга нисбатан ўзбошимчалик қилмаслиги лозим ва шу билан бирга бошқаларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиши керак.

7-модда

Қарор қабул қилинганда давлат хизматчиси қонунга мувофиқ ҳаракат қилиши ва фақат тегишли ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда вазиятни ҳалол баҳолай олиши лозим.

8-модда

1. Давлат хизматчиси ўзининг хусусий манфаатлари унинг оммавий хизмат вазифалари билан тўқнашишига йўл қўймаслиги керак. У бундай тўқнашувларнинг олдини олиш учун жавобгардир, улар қандай бўлишидан қатъий назар - ҳақиқий, потенциал ёки шундай бўлиши мумкин.

2. Ҳеч қандай ҳолда ҳам давлат хизматчиси ўзига тегишли бўлмаган шахсий манфаатни ўз расмий низомидан устун қўйиши мумкин эмас.

9-модда

Давлат хизматчиси ҳар доим ўзини фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳалоллиги, холислиги ва самарадорлигига бўлган ишончини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш каби тутиши керак.

10-модда

Давлат хизматчиси, агар қонунда бошқа назарда тутилмаган бўлса, ўзи бевосита бошлиғига ҳисобот беради.

11-модда

Расмий маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини тўлиқ англаган ҳолда, давлат хизматчиси зарур махфийлик қоидаларига риоя қилган ҳолда, ижро пайтида ёки хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олинган барча маълумотларни ва барча ҳужжатларни тегишли равишда кўриб чиқишга мажбурдир.

12-модда - Маълумотни етказиш

1. Агар давлат хизматчиси ундан ноқонуний, ноҳуқуқий ёки ахлоққа зид бўлган хатти-ҳаракатни талаб қилишса ёки бу қоидаларни бузганлиги ёки бошқа бирон бир тарзда бузилиши мумкинлигини аниқласа, у қонун ҳужжатларида назарда тутилганидек, бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

2. Қонунга мувофиқ, давлат хизматчиси ваколатли органларга ушбу Кодекснинг бошқа давлат хизматчилари томонидан маълум бўлган ҳар қандай қоидабузарликлари ҳақида хабар бериши шарт.

3. Агар юқорида кўрсатилган қонунбузарлик тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ хабар берган давлат хизматчиси унга берилган жавобни қониқарсиз деб ҳисобласа, у бу ҳақда давлат хизматининг ваколатли органи раҳбарига ёзма равишда мурожаат этиши мумкин.

4. Агар давлат хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган процедура ва воситалардан фойдаланган ҳолда, давлат хизматчиси учун ишни мақбул тарзда ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда у қонунда кўрсатилган ва унга берилган кўрсатмаларга риоя қилиши шарт.

5. Давлат хизматчиси ваколатли органларга ўз расмий вазифаларини бажариши пайтида ёки уларни бажариш билан боғлиқ ҳолларда маълум бўлган давлат хизматига нисбатан ноқонуний ёки жиноий фаолиятга оид ҳар қандай далил, даъво ёки гумон ҳақида хабар беришга мажбурдир. Хабар қилинган фактлар бўйича текширувлар ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

6. Давлат бошқарув маъмурияти юқоридаги ҳолатларни виждонан ва асосли шубҳа асосида хабар қилган давлат хизматчисига зарар етказилмаслигини таъминлаши шарт.

13-модда – Манфаатларнинг тўқнашуви

1. Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари ўзларининг расмий вазифаларини объектив ва холис бажаришига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда юзага келади.

2. Давлат хизматчисининг шахсий манфаати сифатида унга шахсан ёки унинг оиласи, қариндошлари, дўстлари ва қариндошларига, шунингдек, бизнес ёки сиёсий муносабатлари бор бўлган ёки олдин бўлган шахслар ва ташкилотларга нисбатан келтириладиган фойда тушунилади. Бу тушунчага давлат хизматчиси ега бўлган ҳар қандай молиявий ёки фуқаролик мажбурияти ҳам киради.

3. Одатда ушбу лавозимда еканлигини фақат ходимнинг ўзи билишини ҳисобга олиб, у куйидагиларга мажбурдир:

- ҳар қандай реал ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувига эҳтиёт бўлиши;

- бундай манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чораларини кўриш;

- ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви тўғрисида юқори лавозимли шахсни хабардор бўлиши биланок хабардор қилиши;

- ўзи бўлган вазиятдан чиқиб кетишни талаб қиладиган ёки манфаатлар тўқнашувига олиб келган фойдадан воз кечишни талаб қиладиган ҳар қандай якуний қарорга бўйсунуш.

4. Агар керак бўлса, давлат хизматчиси манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини ёки йўқлиги ҳақида хабардор қилиши шарт.

5. Маъмурий органдаги лавозимга ёки давлат хизматидаги ҳар қандай янги лавозимга номзод билдирадиган манфаатлар тўқнашуви ушбу номзод лавозимга тайинлангунга қадар тартибга солиниши керак.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН ДЖАКАРТА ТАМОЙИЛЛАРИ

(2012 йил ноябр ойида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Индонезия комиссияси, коррупцияга қарши кураш органларининг амалдаги ва собиқ раҳбарлари ҳамда коррупцияга қарши кураш бўйича экспертлар томонидан ташкил этилган конференцияда қабул қилинган)

Иштирокчилар (Джакарта конференцияси):

Коррупцияга қарши курашувчи органларнинг мустақиллиги ва самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги принтсипларни тавсия этилган. (Коррупцияга қарши курашувчи орган, кейинги ўринларда КҚО деб юритилади):

Мандат: КҚО коррупцияга қарши курашиш учун аниқ ваколатларга эга бўлиши керак, Ушбу ўринда қуйидаги ваколатлар билан таъминланиши лозим, яъни бир муассаса орқали ёки бир нечта мувофиқлаштирилган фаолият юритадиган муассасалар орқали огоҳлантириш, тарбиялаш, тарғиб қилиш, тергов қилиш ва таъқиб қилиш орқали амалга оширилади;

Ҳамкорлик: КҚО алоҳида ишлаши керак эмас. Улар давлат муассасалари, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва бошқа манфаатдор томонлар, жумладан, халқаро ҳамкорлик билан мустаҳкам иш муносабатларини ўрнатишлари керак;

Доимийлик: ўз мамлакатларида фаолият юритадиган асосий ҳуқуқий тамойилларга мувофиқ, КҚО нинг узлуксизлигини таъминлаш учун Конституция ёки махсус қонун каби тегишли ва барқарор ҳуқуқий асос асосида ташкил этилиши керак;

Учрашув: КҚО раҳбарлари ўзларининг сиёсий қарашлари - бетарафлиги, яхши ниятда эканлиги ва ҳолислигини сақлаган ҳолатда ва бундан ташқари ваколатини таъминлаш жараёнида таъйинланиши керак;

Давомийлик: фаолиятни тўхтатиб туриш, ишдан бўшатиш, истеъфога чиқиш, пенсия олиш ёки ваколат муддати тугаган тақдирда, КҚО бошлиғининг барча ваколатлари КҚО га тегишли мансабдор шахсга КҚО нинг янги раҳбари тайинлангунга қадар оқилона муддатда топширилиши керак;

Ишдан бўшатиш: КҚО раҳбарлари ишдан бўшатиш кафолатидан фойдаланиши керак ва фақат қонун билан ҳимояланган асосий мустақил юқори лавозимли шахсни (масалан, Олий суд раиси) ишдан бўшатиш тартибига тенг равишда қонун билан белгиланган тартибда ишдан бўшатилиши мумкин);

Ахлоқий хатти-ҳаракатлар: КҚО ўз ходимларининг ахлоқий хулқ-атворининг энг юқори стандартларини ва режимга қатъий риоя қилишни талаб қиладиган хатти-ҳаракатлар қоидаларини қабул қилиши керак;

Иммунитет: КҚО раҳбарлари ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришда содир этилган ҳаракатлар учун фуқаролик ва жиноий юрисдикциядан, иммунитетдан фойдаланишлари керак. КҚО раҳбарлари ва ходимлари зарарли фуқаролик ва жиноий ишлардан ҳимояланган бўлиши керак;

Мукофот: КҚО ходимлари этарли малакали мутахассисларни ёллашга имкон берадиган даражада мукофот олишлари керак;

Ходимлар ваколатлари: КҚО ўз ходимларини ички ва ошқора тартиб-қоидаларга мувофиқ ишга олиш ва ишдан бўшатиш ваколатига эга бўлиши керак;

ЭТАРЛИ ВА КАФОЛАТЛАНГАН РЕСУРСЛАР:

КҚО бюджет ресурслари, аҳоли ва мамлакат ҳудудини ҳисобга олган ҳолда ўз вазифаларини бажариш учун этарли молиявий ресурсларга эга бўлиши керак. КҚО ўз вақтида, режалаштирилган, кафолатланган ва этарли даражада ресурсларни олиш, салоҳиятни босқичма-босқич ошириш, ўз фаолиятини такомиллаштириш ва ўз мандатини бажариш ҳуқуқига эга бўлиши керак;

Молиявий мустақиллик: КҚО тегишли бухгалтерия ва ҳисобот стандартларини ва аудит талабларини бузмасдан тўлиқ сарфлаши ва назорат қилиши мумкин бўлган бюджет маблағларини олишлари керак;

Ички жавобгарлик: КҚО ҳар қандай нотўғри хатти-ҳаракатлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш имкониятларини камайтириш учун аниқ қоидалар ва стандарт операцион тартиб-қоидаларни, шу жумладан назорат ва интизомий механизмларни ишлаб чиқиши ва ўрнатиши керак;

Ташқи жавобгарлик: КҚО қонун устуворлиги тамойилига қатъий риоя қилиши ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик учун белгиланган механизмларга жавобгар бўлиши керак;

Жамоатчилик ҳисоботи: КҚО йилига камида *бир марта*, ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериш учун расмий равишда жамоатчиликка тақдим этиши керак;

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР:

КҚО жамоатчиликнинг мустақиллиги, адолатлилиги ва самарадорлиги бўйича ишончини қозониш учун мунтазам равишда жамоатчилик билан алоқалар ва алоқаларни таъминлаши керак;

КҚО ўз давлатлари, муассасалари ва минтақавий тармоқларида юқоридаги тамойилларга риоя қилишга чақирамиз;

КҚО ўз вазифаларини бажаришда КҚО фаолиятини янада яхшироқ тушуниш ва қўллаб-қувватлашга эришиш учун ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органларга, жинойий Адлия тизими ходимларига ва кенг жамоатчиликка ёрдам бериш мақсадида ушбу тамойилларга риоя этишга чақирамиз;

КҚО, тегишли ҳукуматлар ва бошқа манфаатдор томонларга коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро форумларда юқоридаги тамойилларни тарғиб қилиш учун мурожаат қилишга чақирамиз;

БМТнинг ТД ва НҚБ кўмагида коррупцияга қарши кураш муассасалари учун халқаро тамойиллар конференцияси ўтказилгани учун коррупцияга барҳам бериш бўйича Индонезия комиссиясига КҚО тамойилларини муҳокама қилиш ва келишиш имконини берган миннатдорлик билдирамиз.

<https://digitallibrary.un.org/record/764571/>



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТИ
(1947 йил 23 февралда ташкил етилган ташкилот дунё бўйлаб техник, саноат ва тижорат стандартларини ишлаб чиқади ва нашр этади.)
Бош офиси Швецариянинг Женева шаҳрида жойлашган.

**Коррупцияга қарши ISO стандартлари
қуйидагилардан иборат:**

ХАВФЛАРНИ БОШҚАРИШ ISO 31000:2009 СТАНДАРТИ



ISO 31000:2009 Risk management — Principles and guidelines

ISO 31000:2009 – Хавфларни бошқариш бўйича стандарти.

Қабул қилинган санаси – 2009 йилда қабул қилинган. 2018 йил февраль ойида янгиланган.

Қабул қилган ташкилот – Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг «Техник кўмитаси» томонидан ишлаб чиқилган.

Мақсади – Хавф-хатарларни бошқаришда қарорлар қабул қилиш, мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш ҳамда умумий кўрсаткичларни яхшилаш орқали ташкилот нуфузини ошириш ва сақлаш учун фойдаланишга мўлжалланган.

Стандарт тузилиши: 5 та блокдан иборат.

Кириш

Амал қилиш доираси

Норматив ҳаволалар

Тушунча ва терминлар

Принциплар Хавфларни бошқариш тизими ва тузилиши

Тушунча ва терминлар

- **хавфлар** – ноаниқликнинг мақсадларга таъсири. Ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш;

- **хавфларни бошқариш** - ташкилотни хатарларга нисбатан бошқариш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатлар;

- **манфаатдор томонлар** - қарорлар ёки ҳаракатлар таъсир қилиши мумкин бўлган шахс ёки ташкилот;
- **хавф манбалари** - ўз-ўзидан ёки бошқалар билан биргаликда хавф туғдириши мумкин бўлган элемент;
- **воқеа-ҳодисалар** - ҳолатларнинг маълум бир тўпламининг пайдо бўлиши ёки ўзгариши;
- **оқибат** - мақсадларга таъсир қилувчи воқеа натижаси;
- **эҳтимолликлар** - нарса содир бўлиш эҳтимоли;
- **бошқарув воситалари** - маълум бир даражада ушлаб туриш ва / ёки хавфни ўзгартиришга қаратилган чора.

Хатарларни бошқариш принциплари

- **интеграциялаш** – хавфларни бошқариш ташкилотнинг ажралмас қисми бўлиши шарт;
- **тизимлилик ва кенг қамровлилик** – хавфларни бошқариш бўйича тизимли ва комплекс ёндашув изчил ва таққосланадиган натижаларга олиб келади;
- **мослашувчанлик** - хавфларни бошқариш таркиби ва жараёни ўз вазифалари билан боғлиқ бўлган ташкилотнинг ташқи ва ички шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқ ва мослаштирилади;
- **инклюзивлик** - манфаатдор томонларни жалб қилиш уларнинг билимлари, қарашлари ва фикрларини инобатга олишга имкон беради. Бу хатарларни бошқариш тўғрисида хабардорлик ва ҳақиқийликни оширишга олиб келади;
- **динамиклик** – ташкилотнинг ташқи ва ички шароитлари ўзгарганда хатарлар пайдо бўлиши, ўзгариши ёки йўқ бўлиб кетиши мумкин. Хатарларни бошқариш ушбу ўзгаришларни ва воқеаларни ўз вақтида ва олдиндан тахмин қилади, аниқлайди, тан олади ва уларга жавоб беради;
- **мавжуд бўлган энг яхши маълумотларга асосланиш** – хатарларни бошқариш мавжуд маълумотлар ва тахминлар билан боғлиқ ҳар қандай чекловлар ва ноаниқликларни аниқ ҳисобга олади. Амалдаги маълумотлар тегишли, тушунарли ва манфаатдор томонлар учун очиқ бўлиши керак;
- **инсоний ва маданий омилларни ҳисобга олиш** - одамларнинг хулқ-атвори ва маданияти ҳар бир даража ва босқичда хавфларни бошқариш бўйича барча жиҳатларга сезиларли даражада таъсир қилади;
- **доимий равишда такомиллашиб бориш** - хатарларни бошқариш ўқитиш ва тажриба орқали доимий равишда яхшиланади.



Хавф-хатарларни бошқаришнинг тузилиши

Стандартнинг асоси шундаки, хатарларни бошқариш жараёнида олинган хатарлар тўғрисидаги маълумотлар тўғри тўпланиб, ташкилотнинг барча даражаларида қарор қабул қилиш ва ҳисобот бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу инфратузилма хатарларни бошқариш тизимини белгилаш учун эмас, балки ташкилотга хатарларни бошқаришни унинг умумий бошқарув тизимига қўшилишида ёрдам бериш учун мўлжалланган. ISO

31000 бўйича ташкилотдаги хатарларни бошқаришнинг умумий схемаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- этакчилик ва жавобгарлик;
- интеграциялаш;
- ривожлантириш;
- амалга ошириш;
- мониторинг;
- такомиллаштириш



Хавф-хатарларни бошқариш жараёни. Хатарларни бошқариш жараёни бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнларининг ажралмас қисми бўлиши ва ташкилот тузилиши, фаолияти ва жараёнларига бирлаштирилиши керак. Хатарларни бошқариш қуйидаги жараёнларга бўлинади:

- сиёсатни мунтазам қўллаш;
- ўзаро алоқа ва маслаҳат бериш;
- контекстни ўрнатиш ва баҳолаш;
- хавфни қайта ишлаш;
- мониторинг қилиш;
- таҳлил қилиш;
- ҳужжатлаштириш ва хавф ҳисоботларини шакллантириш.



**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ – Фойдаланиш
УЧУН ТАЛАБЛАР ВА ТАВСИЯЛАР
ISO 37001:2016 СТАНДАРТИ**



**ISO 37001:2016
Anti-bribery management systems**

ISO 37001:2016 Anti-bribery management systems

ISO 37001:2016 – Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар.

Қабул қилинган сана – 15.10.2016 йил

Қабул қилган ташкилот – Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг «Техник қўмитаси» томонидан ишлаб чиқилган.

Мақсади - ушбу ҳужжат ташкилотга порахўрликнинг олдини олиш, аниқлаш ва унга жавоб беришга қаратилган ишончли ва мутаносиб чораларни амалга оширишда ёрдам беришни назарда тутади.

Мазкур стандарт кириш, 10 та блок, ҳужжатни қўллаш бўйича маълумотлар дастуридан иборат.

Блоклар:

- Амал қилиш доираси
- Норматив ҳаволалар
- Тушунча ва терминлар
- Ташкилотнинг мазмуни
- Етакчилик
- Режалаштириш
- Қўллаб-қувватлаш
- Фаолият
- Фаолиятни натижаларини баҳолаш
- Такмиллаштириб бориш

ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандартининг ишлаб чиқилишини глобал миқёсда коррупцияга қарши курашда муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

ISO 37001:2016 – бу ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

ISO 37001:2016 коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, қўллаб-қувватлаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш учун талабларни ва раҳбарий кўрсатмаларни белгилайди.

Стандарт 44 та мамлакатдан жалб қилинган 80 нафар мутахассисдан махсус шакллантирилган ISO/PC 278 “Anti-bribery management systems” ишчи қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ташкилот фаолиятида коррупция билан боғлиқ юзага келадиган куйидаги ҳолатларга нисбатан амал қилади:

- a) давлат, хусусий ва ноижорат секторларида пора олиш;
- b) ташкилотлар томонидан пора олиш;
- c) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш;
- d) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш;
- e) ташкилотга пора бериш;
- f) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларга пора бериш;

g) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш;

h) тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали (масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора) пора бериш каби ҳолатлар.

ISO 37001:2016 ҳар қандай юрисдикцияда ва ҳар қандай сектор ҳамда тармоқда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва ҳоказо) коррупцияга қарши бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган.

Ушбу стандарт Малайзия ҳукумати томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда ижобий натижа берган. Хусусан, Малайзиянинг бир қатор муҳим халқаро тадқиқотлар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланган.

Шунингдек, Сингапур ва Хитойда давлат секторида, Индонезия ва Таиландда хусусий секторда ISO 37001:2016 стандартдан фойдаланилади.

Буюк Британияда эса Бирлашган Қиролликнинг Аккредитация Хизмати (Accreditation Service) аккредитация схемасини ишлаб чиқиш учун ISO 37001:2016 бошланғич дастурини амалга оширган.

ISO 37001:2016 ташкилотга у қайси мамлакатда фаолият кўрсатишидан қатъий назар, коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқишда, жорий этишда, сақлашда ва такомиллаштиришда ёрдам беради.

Тизимни жорий этиш:

- маъмурий тартиб-таомиллар, давлат хизматлари ва харидларини амалга оширишда давлат органларида коррупция фактлари тўғрисида маълумот олишга;

- марказий аппарат ва ҳудудий тузилмалар кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга;

- давлат идоралари, тармоқлар, ҳудудлар ва коррупция турлари кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари мониторингини амалга оширишга;

- фуқароларнинг, ходимларнинг мурожаатлари бўйича ягона тизим ва маълумотлар базасини яратиш, шунингдек давлат хизматида коррупцияга қарши ўқитиш ва ҳалоллик бўйича малакасини оширишга хизмат қилади.

ISO 37001:2016 бўйича сертификат олиш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, жорий қилинган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил аудит ўтказиш орқали тасдиқлаш керак. ISO 37001:2016 ташкилотдан бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Хусусан:

- коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш;

- коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;

- ходимларни ўқитиш;

- коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;

- молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқалар.

Стандартга мувофиқ, самарали коррупцияга қарши сиёсат учун ваколатли ва жавобгарлиги белгиланган коррупцияга қарши курашиш хизматини жорий этиш зарур. Коррупцияга қарши курашиш хизмати етарли ресурсларга эга бўлиши, тайинланган шахслари эса тегишли малака, мақом, ваколатларга ва мустақилликка эга бўлиши керак.

Хавф даражаси паст даражадан юқори бўлган барча лавозимларга, шунингдек коррупцияга қарши кураш хизматининг мутахассисларига нисбатан ташкилот куйидагиларни ўз ичига оладиган тартиб-таомилларни жорий этиши керак:

- ишга қабул қилишдан, бошқа лавозимга ўтказиш ёки юқори лавозимга кўтаришдан олдин ҳар бир номзодни комплекс текширувдан ўтказиш, уларни ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказишнинг асослилигини текшириш, уларнинг коррупцияга қарши сиёсат ва бошқарув тизими талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш;

- бошқа меҳнатга ҳақ тўлашни барча турдаги рағбатлантирувчи элементларини (бонуслар, мақсадли кўрсаткичлар ва ҳоказо) уларни қўллашда коррупциянинг олдини олиш учун етарли ҳимоя чоралари кўрилганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида даврий таҳлил қилиб бориш;

- ходимлар, юқори раҳбарият ва бошқарув органи ўзларининг коррупцияга қарши сиёсатига мувофиқлигини тасдиқлаш учун вақти вақти билан декларацияни тўлдириб турадилар.

Шунингдек, ушбу стандартга мувофиқ бўлиш учун ташкилот ўз ходимларини етарли даражада хабардор қилиш ва ўқитишни таъминлаши керак. Стандартда коррупцияга қарши терговни ва чоралар кўрилишини таъминлаш учун жорий қилиниши лозим бўлган тартиб-таомиллар ҳам белгиланган. Хусусан, терговни тергов предметига лавозими ва вазифалари юзасидан алоқаси бўлмаган ходимлар олиб бориши ва тергов бўйича маълумотлар фақат шундай ходимларга тақдим этилиши лозим.

ISO 37001:2016 стандартини жорий этиш фуқароларнинг ишончини орттириш, ходимларнинг ҳалоллигини ошириш, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ҳамда аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффоф ва самарали тизимини яратишни мақсад қилган давлат идоралари учун жуда самарали восита бўлиши мумкин.

**МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯСИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР
ISO 37002:2020 СТАНДАРТИ**



**ISO/FDIS 37002
Whistleblowing management systems**

ISO/FDIS 37002 Whistleblowing management systems — Guidelines

ISO 37002:2020 – маълумот берувчи шахсларни ҳимоясини бошқариш тизимлари бўйича кўрсатмалар.

Қабул қилинган санаси – 2020 йил 30 августда маъқулланган.

Қабул қилган ташкилот – Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг «Техник кўмитаси» томонидан ишлаб чиқилган.

Мақсади – ташкилотларни ҳимоя муҳитини яратадиган ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишончли тарзда хабар берадиган ва муаммоларни тез ва мос равишда ҳал қиладиган изчил фойдали тизимларни яратишга раҳбарлик қилиш учун фойдаланишга мўлжалланган.

Тушунча ва терминлар

- **бошқарув тизми** – ташкилотнинг ўзаро боғлиқ элементлари, яъни мақсада эришиш учун йўлидаги сиёсатлар, мақсадлар ва жараёнлар йиғиндиси;
- **юқори тойифадаги бошқарувчилар** – юқори даражадаги ходим ёки ходимлар гуруҳи томонидан ташкилотни бошқариш ва унинг йўналишларини белгилаш;
- **бошқарув органи** - ходим ёки ходимлар гуруҳи бўлиб, ташкилот учун бутун жавобгарлик уларга юклатилади;
- **сиёсат** – юқори тойифадаги бошқарувчилар томонидан белгилаб берилган ташкилотнинг мақсад ва йўналишлари;
- **ҳуқуқбузарлик** – зарар етказиш мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- **хабар берувчи** – ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берувчи шахс;
- **хабар бериш** – ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берувчи томонидан етарли далиллар бўлган тақдирда ахборот бериш;
- **текширув** – ҳуқуқбузарликни далиллар ва уларни баҳолаш асосида тизимли, мустақил ўрганиш жараёни;
- **аудит** – аудиторлик қоидаларига қай даражада амал қилинаётганлигини баҳолаш асосида тизимли, мустақил ўрганиш жараёни;
- **компетенция** – режалаштирилган натижага эришиш учун етарли даражада билим ва кўникмага эгаллиги.

Стандарт қуйидаги учта принципларга асосланади:

1) **ишонч**;

2) **холислик**;

3) **ҳимоя ва ташкилотларни бошқаришда раҳбарлик қилади**:

- Қандай қилиб қонунбузарлик билан боғлиқ муаммолар аниқланади ва хабар қилинади;
- Қонунбузарлик хавотирлари қандай баҳоланади;
- Қонунбузарлик билан боғлиқ муаммолар қандай ҳал қилинади;
- Қандай қилиб ҳуштакбозлик ҳолатлари ёпилган.

ISO 37002:2020 стандарти бошқарув тизимлари стандарти қуйидагиларга хизмат қилади:

Ташкилотларни ҳимоя муҳитини яратадиган ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишончли тарзда хабар берадиган ва муаммоларни тез ва мос равишда ҳал қиладиган изчил фойдали тизимларни яратишга раҳбарлик қилиш.

Ташкилот ва унинг манфаатдор томонлари, шу жумладан ходимлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга ёрдам бериш.

Очиқ ҳолда кўриб чиқиладиган ҳолатлар сонининг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда, қонунбузарликлар тўғрисида ҳисобот бериш ва уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ хавотирларга жавоб бериш.

Яхши бошқарув ва шаффофликни қўллаб-қувватлаш.

ISO 37002:2020 мустақил ҳужжат сифатида ишлатилади. Тенг равишда, таклиф қилинган стандарт бошқа стандартлар билан биргаликда ишлатилиши мумкин, масалан, ташкилий бошқарув ва порахўрликка қарши кураш, мувофиқлик ва бошқа бошқарув тизимлари.

Ушбу стандарт орқали ташкилотларни шаффофлик маданиятини ривожлантиришга раҳбарлик қилиш, унда одамлар ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ташвиш билдиришлари мумкин.

**МУВОФИҚЛИКНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР
ISO 37301:2021 СТАНДАРТИ**



ISO 37301:2021
Compliance management systems

**ISO 37301:2021
Compliance management systems — Requirements with guidance for use**

ISO 37301:2021 – мувофиқликни бошқариш тизимларини самарали бошқариш бўйича кўрсатмалар.

Қабул қилинган санаси – 2021-04 қабул қилинган

Қабул қилган ташкилот – Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг «Техник кўмитаси» томонидан ишлаб чиқилган.

Мақсад: - мувофиқликни бошқариш тизимларини самарали бошқариш бўйича кўрсатмалар беради. Яхши бошқарув, мутаносиблик, ошқоралик ва барқарорлик тамойилларига асосланиб, у самарали бошқарувнинг асосий таркибий қисмлари ва жараёнларини тавсифлайди. Стандарт мувофиқликни бошқариш тизимини жорий этишни истаган ёки ўз тизимини стандартлаштиришга интилаётган ташкилотлар учун фойдали воситадир.

Стандарт тузилиши: 5 та блокдан иборат.

Кириш

Амал қилиш доираси

Норматив ҳаволалар

Тушунча ва терминлар

Принциплар

Хавфларни бошқариш тизими ва тузилиши

Ушбу ҳужжат ташкилот ичида самарали комплаенс бошқариш тизимини яратиш, ривожлантириш, амалга ошириш, баҳолаш, сақлаш ва такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар беради.

Ушбу ҳужжат фаолият туридан, ҳажмидан ва хусусиятидан, шунингдек ташкилот давлат, хусусий ёки ноижорат секторидан қатъи назар, барча турдаги ташкилотларга тааллуқлидир.



Ушбу ҳужжатда бошқарув органига тааллуқли барча талаблар, ташкилотда алоҳида функция сифатида бошқарув органи бўлмаган ҳолларда, юқори бошқарувга нисбатан қўлланилади.

Мувофиқликни бошқариш тизими бу ташкилотнинг барча амалдаги қонунлар, қоидалар ва ҳуқ-атвор қоидаларига мувофиқ ишлашига ишонч ҳосил қилиш жараёнлари тўпламидир. Мамлакатлар ва минтақалардаги қонунлар ва қоидаларнинг ҳар доим ўзгариб

туриши сабабли амалдаги қоидаларга амал қилиш тугамайдиган вазифадир. Самарали бошқарув тегишли ҳужжатларни аниқлашга, ташкилот бўйича мувофиқликни таъминлашга ва мувофиқликни кузатишга ва такомиллаштиришга имкон беради.

Ушбу стандарт фақат йирик компаниялар учун эмас; мавжуд фондлар ва ваколатли органларни ўз ичига олган мавжуд бошқарув тизимини кенгайтиришни истаган ҳар қандай ташкилотга нисбатан қўлланилиши мумкин.

ISO 37001 ва 37301нинг ўзлаш томонлари - Мувофиқликни бошқариш тизимлари стандарти бўлган ISO 37301 ва пора олишга қарши бошқарув тизимлари стандарти бўлган ISO 37001 иккаласи ҳам хатарларга асосланган ёндашув ҳамда режалаштирилган do-check каби бошқарув тизимлари учун ISO принципларига асосланади. ISO 37301 мувофиқликни бошқариш бўйича яхлит ёндашувни назарда тутган бўлса, ISO 37001 фақат мувофиқликнинг бир жиҳатига ётибор қаратади: пора олишга қарши бошқарув. Иккала стандарт ҳам бир хил принципларга асосланганлиги сабабли, уларни осонликча интеграл тарзда амалга ошириш мумкин.



ISO 37301нинг дастлаб 2014 йилда нашр этилган ISO 19600 стандартининг ўрнини босади. ISO 19600 йўриқнома бўлган бўлса, ISO 37301 сертификатлаш стандартидир.

ISO 37301 Сертификатининг афзалликлари:

- Стандарт чораларини амалга ошириш нотўғри ишлаш хавфини камайтиради.
- Сизнинг СМС-ни учинчи томон томонидан тасдиқлаш ишбилармон шериклар ўртасидаги ишончни сезиларли даражада оширади ва қонунлар, қоидалар билан боғлиқ бўлган хатарларнинг тегишли даражада бошқарилишига кафолат беради.
- Амалга ошириш ва сертификатлаш низоли ҳолатларда тегишли текширувнинг далили сифатида ишлатилиши мумкин
- ISO 37301 стандарти ISO 9001, ISO 14001 ва ISO 45001 билан бир хил тузилишга амал қилади ва мавжуд бошқарув тизимларига осонликча қўшилиши мумкин.
- Сертификатлаш аудити давомида бизнинг аудиторларимиз такомиллаштириш имкониятларини аниқлайдилар ва сизнинг мувофиқлик бошқарув тизимингиз самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар беришади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (бундан буён матнда Сиёсат деб юритилади) ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида адлия органларининг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, адлия органларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

2. Сиёсат ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик деб юритилади) ҳудудий ва таркибий тузилмалари ушбу сиёсатни фаолиятининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишлари, коррупцияга қарши курашиш механизмларини, мавжуд бўлган коррупция хавфи, тажрибаси ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

4. Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий тузилмалари (кейинги ўринларда – адлия органлари ва муассасалари) коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

адлия органлари ва муассасаларида коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

5. Сиёсат Вазирликнинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун адлия органлари ва муассасалари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

6. Мазкур Сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими

ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъи назар Вазирлик билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан, ҳудудий адлия органлари ва муассасалари ходимларига тадбиқ этилади.

7. Адлия органлари ва муассасаларига ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

8. Ушбу Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

алоқадор шахслар – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно;

иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари – адлия органлари ва муассасалари ходимлари манфаатларида фаолият давомида ҳамкорлик ўрнатиш ва (ёки) қўллаб-қувватлашга алоқадор харажатлар, шу жумладан, ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқат, транспорт ва яшаш харажатларини қоплаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.;

коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида виждонан хабар бериш – адлия органлари ва муассасалари ходими томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга суиқасд қилинганлиги) тўғрисида русхат этилган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда йўллаган муурожаат;

контрагент (шартномавий шерик) – адлия органлари ва муассасалари билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий

ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкый тусдаги хизматларни, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини

бартараф этиш, адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – адлия органлари ва муассасалари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан адлия органлари ва муассасалари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий

хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

манфаатлар тўқнашуви – адлия органлари ва муассасалари ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган

ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан адлия органлари ва муассасалари манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик, нормалар ва қоидаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулккий ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – адлия органлари ва муассасалари ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

ходим – адлия органлари ва муассасалари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

яқин қариндошлар – ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар ва опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси;

2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари

9. Адлия органлари ва муассасалари коррупцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

қонунийлик – адлия органлари ва муассасалари коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Вазирлик тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик – адлия органлари ва муассасалари

ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Адлия органлари ва

муассасаларининг ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади; очиклик ва шаффофлик – Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида адлия органлари ходимлари ва контрагентларини,

кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги – адлия органлари ва муассасалари коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва

шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда адлия органларининг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Вазирлик тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Вазирликнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш – адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – Вазирлик тизимининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлигини тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз идора раҳбари ва адлия вазирига мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – адлия органлари ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этадилар;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш – коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг

ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра адлия органлари ва муассасалари Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимнинг элементлари

10. Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда адлия органлари ва муассасаларининг барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг

манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора,

яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкӣ тусдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш

ва пора бериш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

11. Қуйидагилар адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги, яъни адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:

мазкур Сиёсат;

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда акс эттирилган тамойиллар ва талабларни ташкил этади;

б) “Юқоридан қуйига муносабат” – Юқори даражада раҳбарлик намунаси: адлия органлари ва муассасаларининг раҳбарлари, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлишлари керак;

адлия вазири, адлия вазирининг ўринбосарлари, адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари коррупцияга қарши курашиш самарали тизимни яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчиликни намойиш этадилар:

адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали

чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш;

ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида, адлия органлари ва муассасалари ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиш;

в) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:

адлия органлари ва муассасалари функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди;

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган

хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимининг фаол қўллаб-қувватлаши ва назорати остида адлия органларининг тегишли раҳбарлари, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар иштирок этади;

адлия органлари ва муассасаларининг коррупциявий ҳаракатларга “мутлақо тоқатсизлик”ни ҳисобга олган ҳолда адлия органлари ва муассасалари коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли ва таъсир қилиш даражасидан қатъи назар уларни бошқариш заруратини тан олади;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари адлия вазири ва адлия органларининг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади шунингдек, аниқланган хавф-хатарларни камайтирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш дастурларида акс эттирилади.

г) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар:

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида Адлия вазирлигининг марказий аппаратида коррупцияга қарши курашишни шакллантириш ва назорат қилиш жараёни учун масъул бўлган алоҳида таркибий тузилма – Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилган;

Адлия вазирлиги тизимидаги коррупцияга қарши курашиш бўлими вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, бевосита адлия вазирига бўйсунди ва ўз фаолиятини вазир томонидан тасдиқланган Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун ҳудудий адлия бошқармалари ва тизимдаги муассасаларда рухсат этилган лавозимларга коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштириш функцияси юклатилиши мумкин. Коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштириш функциялари ҳудудий адлия бошқармалари ва бўйсунувдаги муассасаларда юқори даражада коррупциявий хавф-хатарга эга бўлмаган, шунингдек, етарли даражада мустақил бўлган ходимига юклатилади;

ҳудудий адлия бошқармалари ва бўйсунувдаги муассасаларнинг коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчилари коррупцияни бартараф этиш чораларини кўради, шу билан бирга, ўзига юклатилган

вазифалар доирасида Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими билан ҳамкорлик қилади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда адлия органлари ва муассасаларининг Кадрлар бошқармаси (бўлимлари) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ва алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун жавобгар бўлади;

Бундан ташқари, адлия органларининг одоб-ахлоқ комиссиялари ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Кадрлар бошқармаси (бўлимлари)дан келиб тушган маълумотларни кўриб чиқади ва (манфаатлар тўқнашуви тартибга солинмаган тақдирда) уни ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилади ёки аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ёхуд етарли эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши масалаларини кўриб чиқади. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида Кадрлар бошқармаси (бўлимлари) ва Одоб-ахлоқ комиссиялари (ёки шунга ўхшаш комиссиялар) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом асосида иш юритади;

д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралар:

адлия органлари ва муассасалари ўз фаолияти ва функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарли йўналишларда умумий назорат муҳитини ва коррупцияга қарши курашиш назорат ҳамда тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этадилар.

Адлия органлари коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш

ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, адлия органлари ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интиладилар;

Амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури/режаси/йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади;

е) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш:

Коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёсат ва адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар уларнинг Интернет тармоғидаги расмий веб сайтларига жойлаштирилади.

Бундан ташқари, адлия органлари ва муассасалари коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида адлия органлари ва муассасалари ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали барча оқилона хатти-ҳаракатларни амалга оширади:

адлия органлари ва муассасалари ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш билан биргаликда уларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларда ўқитиш. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун адлия органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқиш/тренинглар ҳақидаги маълумотлар Кадрлар бошқармаси (бўлимлари)да қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади;

адлия органлари ва муассасалари ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио- ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлар ўтказиш;

адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар (коррупция фактлари ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган усуллари тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур Сиёсатнинг 4-бобида назарда тутилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими/коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чиққанда адлия органлари ва муассасалари ходимларига маслаҳатлар бериш;

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидаларни киритиш;

тасдиқланган режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс томонидан коррупцияга қарши курашиш ҳулқ-атвор юзасидан ташвиқотлар ўтказиш;

контрагентларни коррупцияга қарши курашиш қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни киритиш тўғрисида хабардор қилиш ва ҳ.к.;

г) мониторинг, назорат ва ҳисобот:

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-

тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича адлия органларида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.

Адлия органларида мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

адлия органлари ва муассасалари фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг адлия органларида коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

тасдиқланган режага мувофиқ самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида вазирлик тизимидаги функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими/коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари адлия вазири, Вазирлик ҳайъати, тегишли ҳудудий бошқармалар ва вазирлик тизимидаги муассасалар раҳбарларининг чораклик ҳисоботларида ўз аксини топади.

з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:

мазкур Сиёсатга амал қилиш ва Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларини бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларнинг бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар. Бундан ташқари, бевосита раҳбарлар

ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган адлия органлари ва муассасалари ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиладилар;

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар

ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига ва Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига хабар беришлари шарт;

коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда, Вазирлик тизимида адлия органлари ва муассасалари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ва (ёки) мазкур сиёсат ва адлия органларининг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши талаб ва тартиб-таомилларни бузган адлия органлари ва муассасалари ходимлари, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда адлия органларининг ички ҳужжатларида назарда тутилган доирада ва асосларда жавобгарликка тортиладилар;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда адлия органлари уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қиладилар ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштирадилар;

Адлия органлари ва муассасалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қиладилар.

4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

§ 1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

12. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) адлия органлари манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) адлия органларининг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва холис бажаришларига, жумладан, холис қарор қабул қилишга ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва (ёки) нуфузига таъсир қиладиган

ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

13. Вазирлик тизимининг ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдирлар. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал

қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

§ 2. Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари

14. Адлия органлари ва муассасалари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

15. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар суммасидан қатъи назар адлия органларининг мулкига ўтказилади.

16. Адлия органлари ва муассасалари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

17. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим: совғалар адлия органлари (муассасалари)нинг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;

совға бериш жарёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;

адлия органининг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдордан ошмаслиги керак.

18. Шубҳалар пайдо бўлмаслиги учун бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, шериклар ва контрагентлар, ушбу Сиёсатнинг 15 ва 16-бандларида кўрсатилмаган бошқа жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай байрам (туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хатин-қизлар куни ва ҳ.к.ни инобатга олган ҳолда, бироқ

бу билан чекланмасдан) билан боғлиқ ҳолда олинмаган, ушбу Сиёсатнинг 14-бандида санаб ўтилган совғалар ва бошқа моддий бойликларни олиш тақиқланади.

19. Адлия вазирлиги номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш адлия вазири ёки унинг ўринбосарларининг буйруғи билан амалга оширилади.

20. Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда адлия органи ходими Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши кураш бўлимига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

§ 3. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш

21. Адлия органлари ва муассасалари ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

22. Адлия органлари ва муассасаларида уларнинг раҳбарлари, шунингдек, бошқарма ва бўлим бошлиқларини мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошқора ҳамда адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

§ 4. Текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш

23. Турли хил текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда – “Текшириш объектлари”) фаолиятини ўрганишда адлия органлари ва муассасалари ходимлари:

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

объектни текшириш бир ходим томонидан амалга оширилмаслиги;

содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текшириш объекти вакилларининг саводсизлигидан фойдаланиб қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан қўрқитмаслиги;

текширилаётган объектнинг ходимларига таҳдид қилмаслиги;

текшириш предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмасликлари ва ҳужжатларни сўрамасликлари.

адлия органлари ва муассасалари ходимлари текшириш давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо беришлари;

агар текшириш объекти вакиллари адлия органлари ва муассасалари ходимларига аниқланган қонунбузарликларни яшириш учун пора ва (ёки) бирон-бир моддий қимматлик ёки хизматларни таклиф қилса, текшириш гуруҳи раҳбарини дарҳол хабардор қилишлари;

текшириш объекти вакилларига адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ахлоқий хулқ-автор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлишлари шарт.

24. Хизмат мажбуриятига давлат органлари ва ташкилотларини текшириш кирадиган адлия органларининг таркибий тузилмаларида ўтказилган текшириш натижалари бўйича адлия органлари ва муассасалари томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан низолашиш учун апелляция инстанциялари ташкил этилади.

5-§. Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар

25. Адлия органлари ва муассасалари ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар.

26. Адлия органлари ва муассасалари контрагентлар билан муносабатларда ўз фаолиятини амалга оширишида қонунийлик

ва шаффофлик тамойилларига амал қиладилар. Адлия органлари ва муассасалари танлашнинг холис мезонларидан фойдаланишга асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний, очиқ ва шаффоф жараёнини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва сотиб олинадиган маҳсулотнинг Вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган баҳосини аниқлашнинг шаффоф тартибини таъминлайдилар.

27. Адлия органлари ва муассасалари контрагент билан ўзаро ҳамкорлигида:

эҳтимоли юқори бўлган контрагентнинг ишончилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги, адлия органлари ва муассасаларила давлат харидлари тўғрисидаги низомга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари доирасида Вазирлик тизими ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширадилар;

эҳтимоли юқори бўлган контрагентни (танлов, тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини) ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қиладилар.

§ 6. Хайрия ва ҳомийлик фаолияти

28. Адлия органлари ва муассасалари қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда адлия органлари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек Интернет тармоғидаги ўзининг расмий веб-сайтларида имкон қадар барча чораларни кўришлари мумкин.

§ 7. “Сирли мижоз” тадбири

29. Адлия органлари ва муассасалари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва тезлигини, шунингдек ҳаққоний ва очиқ танлов натижаларига кўра танлаб олинган мустақил компаниялар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига мойиллигини аниқлаш учун хизматларнинг ҳақиқий олувчилари сифатида алоҳида назорат тадбирлари ўтказилади. Давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида мустақил компания бундай хизматларнинг сифати, муддатлари, шартларини, шунингдек, вазирлик тизими ходимларининг белгиланган ахлоқ қоидаларига, шу жумладан ходимнинг пора олишга мойиллигини белгилаб боради.

30. Адлия органлари ва муассасалари ўтказилган “сирли мижоз” тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқадилар ва коррупция хавфи аниқланган тақдирда хизмат текшируви тайинлаш ҳақидаги ташаббус билан чиқадилар.

§ 8. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш

31. Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг фаолиятини назорат қилиш учун адлия органлари хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади, уларнинг ёзувлари адлия органлари ва муассасаларининг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

32. Адлия органлари ва муассасаларининг расмий веб-сайтларига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва уларни синовдан ўтказиш, комиссия йиғилишлари ва бошқалар).

§ 9. Ички ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси

33. Ички ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган коррупциявий омиллар келиб чиқишини олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида ҳам экспертиза ўтказилади.

§ 10. Адлия органлари ходимларига маслаҳат бериш

34. Адлия органлари ва муассасалари ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Сиёсат қоидалари ёки адлия органларида коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, улар ўзларининг таркибий бўлинмаси/адлия органи ва (ёки) Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига ҳамда “1008” ишонч телефониغا мурожаат қилишлари мумкин.

5-боб. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш

35. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари ва бошқа шахслар, агар улар Вазирлик тизими ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция

ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда вазирликнинг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

36. Адлия органлари ва муассасалари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

37. Адлия органлари ва муассасалари ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, вазирлик тизимининг бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлайдилар.

38. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

“1008” телефон рақами ва адлия органлари томонидан ўрнатилган бошқа телефон рақамлар;

адлия органларининг @antikorbob ва бошқа Телеграм каналлари;

адлия органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар;

адлия органларининг электрон почта манзиллари;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

39. Вазирлик тизимининг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва адлия органларининг ички ҳужжатларига мувофиқ Вазирлик тизимининг масъул бўлинмаси ёки ходими томонидан холис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

40. Аноним равишда (фақат адлия органларининг Телеграм каналлари орқали) юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Ўз номини ошкор қилинмаслигини истаган ариза берувчи бундай ҳолатда қуйидагиларни тан олади:

адлия органлари ва муассасалари хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан боғлана олмайди;

адлия органлари ва муассасалари зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

41. Адлия органлари ва муассасалари томонидан келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларнинг йўқлиги;

адлия органлари ва муассасалари ходимининг қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиши ушбу Сиёсатни бузилиши ва ахлоқсиз

хулқ-атворнинг намунаси сифатида қаралса, бундай шахс эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва вазирликнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

42. Вазирлик тизимида коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган адлия органларининг ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

43. Барча алоқа каналларининг ишлаши ва олинган хабарларни қайта ишлаш/кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумот

Адлия вазирлигининг коррупциявий тусдаги маълумот ҳақида хабар бериш учун алоқа каналлари тўғрисидаги низомда ва адлия органларининг бошқа шунга ўхшаш ички ҳужжатларида акс этган.

6-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

44. Ушбу Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва адлия органлари ва муассасалари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

вазирлик тизимининг ташкилий тузилмаси ва (ёки) адлия органлари ва муассасалари томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.

**Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари
ходимларининг одоб-ахлоқ
ҚОИДАЛАРИ**

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Адлия вазирлиги тизимида кирувчи барча ташкилотлар (кейинги уринларда - адлия органлари ва муассасалари) ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг нормалари, тамойиллари ва хизматдаги ҳуққ-атворининг қоидаларини белгилайди.

2. Мазкур Қоидалар ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, ходимларни юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йуналтирилган.

3. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари мазкур қоидаларнинг талабларига риоя этишлари шарт. Мазкур қоидаларни билиш ва уларга риоя қилиш мажбурияти эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъи назар адлия органлари ва муассасаларининг барча ходимларига тадбиқ этилади.

4. Адлия органлари ва муассасаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган.

5. Адлия органлари ва муассасалари ходимларида мазкур қоидалар, касбий ҳуққ-атвор ёки адлия органлари ва муассасаларида тартиб-таомиллар билан боғлиқ ҳар қандай саволлар пайдо бўлганида улар ўзининг таркибий бўлинмаси ёки адлия муассасаси ва (ёки) Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига, шунингдек, “1008 ишонч телефони” га маслаҳат сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

2- боб. Асосий терминлар ва тушунчалар

6. Мазкур қоидаларда куйидаги асосий тушунчалар қулланилади:

якин қариндошлар - қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва угай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари;

уруғ-аймоқчилик - ходимнинг умумий аждодга эга бўлган муайян

қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга субъектив, илтифотли ва нохолис муносабатда бўлиш тарзидаги шахсий манфаати;

манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик адлия органлари ва муассасалари ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир курсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан адлия органлари ва муассасаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари уртасида карама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

контрагент - адлия органлари ва муассасалари билан шартномавий муносабатларга киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс, меҳнат муносабатлари бундан мустасно;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги - адлия органлари ва муассасалари ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

махаллийчилик - шахсни фақатгина қариндошлиги (қариндошини ҳамма билиши ёки машхурлиги ва унинг жамоатчилик тан олганлиги) ва бундай шахснинг ҳокимият ваколатига эга бўлган органлардаги қариндошларининг хизмат мавқеи сабабли лавозимга кўйиладиган малака талабларини ҳисобга олмасдан ишга ёллаш, ротация қилиш ҳамда лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига асоссиз имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, бироқ қуйидаги вазиятлар билан чекланиб қолмаслик: яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, адлия органлари ва муассасалари манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш;

хомийлик - ён босиш, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида адлия органи ва муассасаси ходимини юқорироқ лавозимдаги ходим томонидан химоя қилиниши;

адлия органлари ва муассасалари ходими - адлия органлари ва муассасалари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

фаворитизм - адлия органи ва муассасаси ходими бир шахс ёки бир

гурух шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гурухи манфаатларидан устун қуйиш, шу билан бирга, адлия органлари ва муассасаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими буйича қўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаториялар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни куриб чиқиш навбатини, шунингдек, иш вақти ва навбатчилик жадвалларини белгилаш шулар жумласидандир.

3- боб. Хизматдаги хулқ-атворнинг асосий тамойиллари ва қоидалари

7. Адлия органлари ва муассасалари ўз хизмат мажбуриятларини қўйидаги тамойиллар асосида бажаришлари шарт:

қонунийлик - адлия органлари ва муассасалари ходимлари Ўзбекистан Республикаси қонунчилигига сузсиз риоя қиладилар ҳамда уз хизмат мажбуриятларини мансаб йуриқномалари, меҳнат шартномалари, ички хужжатлар ва Ўзбекистан Республикаси қонунчилигига мувофик бажарадилар;

фукароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги - фукароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари адлия органлари ва муассасаларининг олий кадрияти бўлиб ҳисобланади. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари фукароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йул қуймайдилар ва қонунбузарлик бўлган ҳолларда уларни тиклашга кумаклашадилар;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига содиқлик - адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари уз фаолиятини маънавий ва ватанпарварлик кадриятлари, Ватанга садоқат, хизмат бурчига содиқлик асосида жамиятнинг адлия органлари ва муассасаларига бўлган талабини ифодалаган ҳолда амалга оширадилар. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари уз хизмат бурчларини шахсий хайрихоҳлик, уз манфаатлари ва мафкуравий карашларидан катъи назар бажарадилар;

давлат ва жамият манфаатларига садоқат - адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари уз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга ҳамда давлат ва жамият манфаатларини кузлашга тускинлик қиладиган шахсий манфаатдорлиги таъсири билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан узларини тийишлари лозим;

адолат, ҳалоллик ва ҳолислик - адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари адлия органлари ва муассасаларига мурожаат қилган барча шахсларга нисбатан адолатли, ҳалол ва ҳолис муносабатда бўлишни таъминлайдилар;

профессионалик ва компетентлилик - адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари адлия органлари ва муассасаларининг асосий кадрияти бўлиб ҳисобланади, уларнинг малакаси, ишончи, эзгу нияти, ҳамкорлиги ва жамоавий руҳи қуйилган мақсадларга эришиш ҳамда адлия

органлари ва муассасаларини такомиллаштириш имконини беради. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари профессионалик, бенуксон ишчанлик обруси, жамоада кулай маънавий ва рухий мухитни яратишда ёрдам бериш, шунингдек, ҳамкасблари билан самарали билим ва тажриба алмашишни таъминлаши мажбурийдир;

самарадорлик ва тежамкорлик - адлия органлари ва муассасалари уз фаолияти самарадорлигини оширишни, жумладан, эришилиши жамият ва давлат фаровонлигини ошириш имконини берадиган стратегик вазифалардан бири сифатида ички бошқарув, фукаролар, ташкилотлар ва давлат органлари билан узаро алокалар тизимини такомиллаштириш, инновацион технологияларни тадбик этиш ва бошқа йуллар билан доимий равишда куриб чикадилар. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари, уз навбатида, адлия органлари ва муассасаларининг мулкига, узининг ва бошқа ходимларнинг вақтига масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашадилар.

4- боб. Узига буйсунувчи ходимларнинг ахлоқий хулқ-атворини шакллантиришда адлия органлари ва муассасаларининг роли

8. Адлия органлари ва муассасаларининг рахбарлари ходимларнинг ахлоқий хулқ-атворини шакллантиришда куйидагиларга мажбурдирлар:

уз мансаб мажбуриятларини бажаришда мазкур Кридаларда белгиланган ахлоқ нормалари ва тамойилларга сузсиз риоя килинишида шахсий намуна курсатиш;

адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари билан узаро муносабатларда халол бўлиш, уларнинг таклифлари, ғОялари, талаблари ва шикоятларига уз вақтида жавоб бериш;

камситишга оид сиёсатга йул куймаслик ва ходимларга меҳнатга ҳақ тулаш ва хизмат буйича кутарилишида тенг ҳуқуқ ва имкониятларга қафолат бериш;

ходимларга уларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказмайдиган шароитларни яратиш;

адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари билан муносабатларини узок муддатли ҳамкорлик қилиш, мақсадлар умумийлиги, узаро манфаатларни ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, ижтимоий шериклик асосида урнатиш;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилиш буйича уз вақтида бирламчи чораларни куриш;

коррупцияни олдини олиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда фаол катнашадиган ходимларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш буйича чоралар куриш;

вазифалар доирасини аниқ белгилаб олиш ва буйсунувчи ходимлар уртасида уларнинг мансаби ва касбий лаёқатидан келиб чикиб тақсимлаш, ходимларнинг лавозим мажбуриятлари доирасидан четга чикадиган вазифаларни бермаслик;

ходимни асоссиз равишда рағбатлантириш ва лавозим буйича кутарилишига йул куймаслик, шунингдек, ғайрикукукий каракатларга

этибор бермасликка қарши чоралар куриш (масалан, ходимлар томонидан уз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш учун етарли даражада чоралар курилмаслиги);

ходимларни мажбурий мекнатда, жумладан, шакар кудудларини ободонлаштиришда, мавсумий кишлок хужалиги ишларида, металл колдикларини йиғишда, шунингдек, бошқа мавсумий тадбирларда катнашишларини олдини олиш (тегишли ташкилот кудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Мақкамасининг тегишли қарори билан хавфсизлик стандартларига катъий риоя қилинган колда ихтиёрий шанбалик ташкил этилган коллар бундан мустасно);

адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини самарали бошқариш, улар томонидан адлия органлари ва муассасаларининг мол-мулки ва молиявий ресурслари билан эктиёткор ва тежамкор муносабатда бўлишларини кузатиш;

узига буйсунувчи ходимлар томонидан мазкур қоидалар бузилишини олдини олишга бўлган қаракатсизлиги учун жавоб бериш.

9. Адлия органлари ва муассасаларининг рақбарлари, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларидаги бўлим ва бошқармалар бошликлари узига буйсунувчи ходимлар билан муносабатларда профессионал, қалол ва адолатли ҳулқ-автор намунаси бўлиши, қулай иш муқитини яратиши қамда адлия органлари ва муассасаларида ижобий маънавий-психологик муқитни шакллантиришга қумаклашишлари лозим.

10. Адлия органлари ва муассасаларининг рақбарлари, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларидаги бўлим ва бошқармалар бошликлари непотизм, фаворитизм, мақаллийчилик, қомийлик, уруғ-аймоқчилик ва бошқа белгиларга қура ходимларни ёллаш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш, рақбатлантириш ёки жазолаш, шунингдек, уларга бошқача субъектив муносабатда бўлишга йул қуймасликлари қерак.

5- боб. Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ахлоқ нормалари ва қоидаларга риоя қилиш буйича мажбуриятлари

11. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари уз хизмат мажбуриятларини бажаришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Адлия вазирлиги Хдйъати қарорлари, адлия вазирининг буйруқлари, адлия органлари ва муассасаларининг ички идоравий хужжатларини бажариш;

уз хизмат мажбуриятларини виждонан ва профессионал даражада бажариш;

юқори турувчи давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан уз вақолати доирасида қабўл қилинган фармойишларни уз вақтида ва сифатли ижро этиш;

уз фаолиятини қонунчилик ва ички хужжатларда белгиланган компетенция доирасида амалга ошириши;

уз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фукаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, улар таъсиридан уз мустакиллигини саклаб қолиш, фукаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

хизмат мажбуриятларини бажаришга тускинлик қилиши ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкӣ ёки бошқа манфаатларга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлардан узини тийиш;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва куникмаларни доимий асосда ошириш;

уз ваколатларидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ёки улар мансабдор шахслари фаолиятига ноқонуний аралашини мақсадида фойдаланмаслик;

турли этник, ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, ижтимоӣ барқарорлик, миллатлар ва конфессиялараро тотувликка кумаклашган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш;

ходимлар томонидан уз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа уйғотиши мумкин бўлган ҳуқ-автордан узини тийиш ва уз обрӯси ёки адлия органлари ва муассасаларининг нуфузини таҳдид остига олиши мумкин бўлган вазиятларни олдини олиш;

эгаллаб турган лавозими, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоӣ келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоӣ мавқеидан катъи назар, юкори даражада маънавий-ахлоқӣ сифатларга эга бўлиш, хамкасбларига, фукароларга ва бошқа учинчи шахсларга ҳурмат, ҳушмуомалалик ва ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш;

адлия органлари ва муассасаларининг иши туғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, белгиланган тартибда ишончли маълумотларни олишга кумаклашиш;

махфӣ ахборотдан факат хизмат мақсадларида фойдаланиш, шунингдек, махфӣ ахборот ва шахсий маълумотларни нобуд қилиш, йукотиш, узгартириш, ошкор қилиш, зарар етказиш, руҳсатсиз фойдаланиш ҳавфидан тегишли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ҳақоратли, ҳурматсиз ва камситувчи ҳуқ-атворда бўлишга, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари ва (ёки) улар ходимларининг обрусига путур етказадиган зуравонлик ёки ёлғон миш-мишларни тарқатилишига йул қуймаслик;

уз хизмат мажбуриятларини бажараётганда хизмат хоналари, давлат мулки, моддий-техник базадан хамда адлия оргналари ва муассасалари бошқа мулкидан факат хизмат мақсадларида фойдаланиш;

хатлар ва хизмат хабарларини етказиш ва олишнинг адлия органлари ва муассасаларида белгиланган қоидаларига риоя қилиши;

қонунбузарлик содир этишга ундаб узига мурожаат қилган ҳолатлар, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва узига маълум бўлган ҳар қандай қонунбузарлик фактлари ҳақида уз раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсларни зудлик билан хабардор қилиш;

адлия органлари ва муассасаларининг янги ва бошқа ходимларига зарур амалий ва услубий ёрдам курсатиш, ҳамкасбларини уларнинг касбий интилишларида куллаб-қувватлаш;

меҳнат интизомига риоя қилиш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш; иш жойида ва (ёки) уз хизмат мажбуриятларини бажаришда алкоголь, гиёҳванд ва бошқа тақиқланган воситаларни истеъмол қилишдан, шунингдек, иш жойида алкоголь ёки гиёҳванд воситалар таъсирида бўлиш ҳолатидан воз кечиш;

ҳамкасблари ва бошқа шахслардан танқидни туғри қабул қилиш, шунингдек, ҳолис эътирозлар бўлганда ҳуққ-атвор моделини узгартириш;

берилган вазифаларни бажаришга ижбойи таъсир курсатадиган тинч эмоционал ҳолатда бўлиш.

12. Сиёсий, иқтисодий мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий ва бошқа субъектив сабаблар ходим томонидан мазкур қоидалар талабларини бузишга асос бўлиб ҳисобланмайди.

13. Меҳнат шартлари ва хизмат туридан келиб чиқиб, ходимнинг уз хизмат мажбуриятларини бажаришида ташқи қуриниши фуқаролар томонидан оммавий ҳокимиятни ҳурмат қилишга қумаклашиши, умумқабулқилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, камтарлик ва интизомлиликни алоҳида таъкидлаши лозим.

14. Ходимлар ишдан буш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва ахлоққа зид келувчи ҳуққ-атвордан узларини тийишлари керак.

6- боб. Совғалар ва иш муомаласида меҳмондустлик белгилари

15. Адлия органлари ва муассасалари ходимларига ходим уз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш муомаласида меҳмондустликнинг белгилари, қарз, қафолатлар, қафилликлар, муқофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар қуринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

16. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан бошқа адлия органлари ва муассасалари ходимларига уларнинг шахсий байрамлари (туғилган кун, фарзандининг туғилиши, Ватан химоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

17. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

совғалар адлия органлари ёки муассасаларининг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;

совға бериш табрик нутки билан бирга бўлиши керак, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа узининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совғанинг умумий киймати (барча солиқлар ва йиғимларни кисобга олган колда) 5 (беш) базавий кисоблаш микдоридан ошмаслиги;

адлия органи ва муассасасининг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, кар бир колатда 1 (битта) базавий кисоблаш микдордан ошмаслиги керак.

18. Совғаларни кабул қилишнинг қонунийлигида кар кандай шубкалар пайдо бўлганда ходим Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш Сиёсати коидалари билан танишиб чикиши ва Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига маслакат сураб мурожаат қилиши мақсадга мувофик.

19. Совғалар ва иш муомаласида мекмондустлик белгиларини олиш ва бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш Сиёсати билан тартибга солинади.

7- боб. Коррупцияга қарши курашиш

20. Адлия органлари ва муассасалари коррупцияни унинг кар кандай шакли ва намоён бўлишида кабул қилмайди.

21. Коррупцияга “мутлако тоқатсизлик” тамойилига таянган колда адлия органлари ва муассасаларининг барча ходимларига пора берувчининг манфаатларини кузлаб каракат қилиши ёки каракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, кимматбако коғОЗлар, бошқа мол-мулкни, мулкый тавсифдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда ва пора бериш (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун туловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки кукукка хилоф бошқа мақсадларда уз хизмат мавкеидан ноқонуний фойдаланиши катъий тақиқланади.

22. Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш буйича кабул қилинган тамойиллар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш Сиёсатида мустахкамланган.

8- боб. Одоб-ахлоқ комиссияси

23. Мазкур Коидалар, шунингдек, умумкабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилиши масалаларини куриб чикиш учун адлия органлари ва муассасаларида одоб-ахлоқ комиссиялари ташкил этилади.

24. Одоб-ахлоқ комиссиялари хар бир адлия органлари ва муассасаларида кабул қилинган одоб-ахлоқ комиссияси туғрисидаги низомлар, мазкур Коидалар хамда адлия органлари ва муассасалари рахбарларининг буйруклари асосида фаолият олиб боради.

25. Одоб-ахлоқ комиссиялари Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ коидалари хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар

тўқнашувини бошқариш туғрисидаги низомнинг бузилиши билан боғлиқ масалаларни:

адлия органи ёки муассасаси раҳбарининг курсатмаси буйича;
хизмат текшируви натижаларига кура;
уз ташаббуси билан;

адлия органлари ва муассасалари ходимларидан, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари билан алоқа каналлари орқали келиб тушган ахборот асосида куриб чиқади.

26. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан мазкур Коидалар бузилганда ёки бузилишида шубҳа пайдо бўлганида ушбу вазиятларни куриб чиқиш буйича ваколат (функция)ларни масъул бўлинмалар уртасида таксимлаш куйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш туғрисидаги низомда белгиланган тартибда хал килинмаган манфаатлар тўқнашуви аниқланганда, бу вазият Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими билан биргаликда куриб чиқилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ёки коррупциявий хавф-хатар мавжуд бўлган вазиятлар аниқланганда, улар Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан куриб чиқилади;

совғалар ва иш муомаласида меҳмондустлик белгиларига оид коидалар бузилганида, ушбу вазиятлар Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан куриб чиқилади;

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими Одоб-ахлоқ комиссияси билан биргаликда, агар коидабузарликлар нафакат мазкур Коидаларга, балки Одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларида Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимининг иштироки бевосита назарда тутилган адлия органлари ва муассасаларининг бошқа ички ҳужжатларига тегишли бўлса, мазкур коидаларни бузиш фактлари ва хавф-хатарларини куриб чиқади.

Мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳолларда ушбу Коидалар талабларининг бузилиши Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан куриб чиқилади.

9- боб. Одоб-ахлоқ соҳасида қонунбузарликлар ҳасида хабарлар

27. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари ва бошқа шахсларда адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) ахлоқийлигида шубҳа пайдо бўлганда, одоб-ахлоқ коидаларининг бузилишида эҳтимол тутилган ёки уларни содир этилганлиги факти буйича асосли гумони бўлганда, бу ҳақда адлия органлари ва муассасаларининг мавжуд алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

28. Адлия органлари ва муассасалари уз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қонунбузарлик ҳақида ишончли ахборот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар, Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

29. Адлия органлари ва муассасалари уз ходимларининг манфаатларини химоя қилади ва касос олиш, жумладан, ишдан бушатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, адлия органлари ва муассасаларининг бошқа ходимининг шубхали ҳуқ-атвори ёки мазкур қоидалардаги одоб-ахлоқ нормалари ва тамойилларини бузиш эҳтимоли хакида ихтиёрий хабар берган ходимларни таъкиб қилишга йул қуйилмаслигига кафолат беради.

30. Мазкур Қридаларнинг бузилиши хакидаги хабарлар қуйидаги алока каналлари оркали берилиши мумкин:

адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари учун - “1008” телефони ёки бевосита Кадрлар бошқармаси (бўлими)га;

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг телефонларига ҳамда девонхонага;

жисмоний ва юридик шахсларга - “1008” телефони ёки адлия органлари ва муассасаларининг бошқа телефонларига;

“@anticorbot” Telegram-каналига ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг бошқа Telegram-каналларга.

31. Адлия органлари ва муассасаларининг алока каналларига келиб тушган барча хабарлар масъул бўлинма/адлия органи ва муассасасининг мансабдор шахси томонидан қонунчилик ва адлия органи ва муассасасининг ички хужжатларига мувофик холисона ва уз вақтида қуриб чиқилади.

32. Қуриб чиқишга, шунингдек, аноним тарзда (факат адлия органлари ва муассасаларининг Telegram-канали оркали) йулланган хабарлар ҳам қабул қилинади. Аноним бўлиб қолишни истаган арз қилувчи бундай ҳолда қуйидагиларга рози бўлади:

адлия органлари ва муассасалари келиб тушган хабарга жавоб бериш учун у билан боғлана олмайдилар;

адлия органлари ва муассасалари зарур қушимча маълумот олиш имкони бўлмаганлиги туфайли хабарни тулик ва хар томонлама текшира олмайдилар.

33. Адлия органлари ва муассасаларининг ходими томонидан била туриб ёлғОн маълумот берилиши мазкур қоидаларнинг бузилиши ва ғайриахлоқий ҳуқ-атвор намунаси сифатида қаралади, бундай шахс эса қонунчилик ҳамда адлия органлари ва муассасалари ички идоравий хужжатларга мувофик жавобгарликка тортилиши мумкин.

34. Алоқа каналларининг иши ва олинган хабарларни қуриб чиқиш/қайта ишлаш тартиби туғрисидаги батафсил маълумот Адлия вазирлигига коррупциявий харакатлар хакида хабар бериш учун алока каналларидан келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламентида ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг шунга ухшаш ички хужжатларида акс эттирилган.

10- боб. Мазкур қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик

35. Ходимлар томонидан мазкур Қоидаларга риоя қилиш мухим касбий компетенция сифатида қаралади ва бошқа мезонлар каторида лавозимини

кутариш, фаолиятини баҳолаш ва ҳк.ларга хизмат килади.

36. Адлия органлари ва муассасалари ходимининг обод-ахлоқ стандартларига содиклик аттестацияда, юкори турувчи ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини тайёрлашда инобатга олинади.

37. Адлия органлари ва муассасаларининг ходими томонидан мазкур Коидаларнинг бузилиши уни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин.

11- боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш киритиш тартиби

38. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, адлия органлари ва муассасаларининг тамойиллари ва талабларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда мазкур Коидалар адлия органлари ва муассасаси раҳбарининг буйруғига асосан қайта қўриб чиқилиши ва янгилалиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши курашиш**

ДАСТУРИ

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўтган икки йил давомида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, адлия органлари ва муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди, Адлия вазирлигининг адлия органлари ва муассасаларида кадрлар билан ишлаш дастури қабул қилинди, Вазирлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка муҳим ахборотлар бериш, уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган “Очиқ адлия” (“Open Justice”) ижтимоий дастури ишлаб чиқилди ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди, нотариус лавозимида танловларни онлайн кузатиб бориш ва нотариал идораларда видеокузатув камералари ўрнатилиб, иш фаолиятини узлуксиз мониторинг қилиш тизими жорий этилди, Вазирлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш мақсадида Жамоатчилик кенгаши тузилди.

Вазирлик фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида давлат органлари ўртасида очиқликни таъминлаш индекси бўйича Адлия вазирлиги 2018 йилда биринчи ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, барча йўналишларда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, Вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар тарқоқ ва бир тизимга солинмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бундай ҳолат Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш ва амалга оширишнинг умумий йўналишга эга бўлган ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Шу муносабат билан ҳамда “Фуқаролар адлия идораларидан рози бўлиши керак” тамойилини сўзсиз амалга оширишни давом эттириш

мақсадида коррупцияга қарши курашиш ва унинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш бўйича алоҳида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) қабул қилиш ва амалга ошириш заруриятини тақозо этди.

II. Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

1. Вазирлик тизимида қонунийликни таъминлаш, ходимларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш Дастурнинг асосий мақсадидир.

2. Қуйидагилар Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

коррупцияга қарши курашишда адлия органлари тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

коррупцияни келтириб чиқарувчи хавфни баҳолаш ва бошқариш;

адлия органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, тизимда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга, уларни олдини олишга ва чек қўйишга, оқибатларини, шунингдек ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш.

III. Дастурнинг асосий йўналишлари

1-боб. Вазирлик тизимининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир ташкилий чора-тадбирлар

3. Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш кенгашини тузиш. Унинг вазифалари ва ваколатларини белгилаш.

4. Адлия органлари ва муассасаларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш.

5. Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг фаолиятини жисмоний ва юридик шахслар томонидан онлайн тартибда баҳолаш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

6. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятида коррупция келтириб чиқариш хатарлари мавжуд бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида фуқаролар

ўртасида Вазирликнинг телеграм месенжерисидаги “Huquqiy axborot” каналида ва “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида “Коррупцияни бирга енгамиз” мавзусида ижтимоий сўровни ўтказиш ва сўров натижаларини таҳлил қилиб унинг омилларини бартараф этишга қаратилган “йўл хариталарини” ишлаб чиқиш.

7. Вазирлик тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи хавфни аниқлаш ва бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

8. Вазирлик сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда адлия органларидаги вакант иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар ҳақида маълумотлар жойлаштириб борилишини таъминлаш.

9. Адлия органлари ходимларининг аттестациядан ўтказилиш жараёнида жамоатчилик вакиллари иштирокини, шунингдек, онлайн тарзда ўтказилишини жорий қилиш орқали шаффофликни таъминлаш.

10. Адлия вазирлиги Марказий аттестация комиссияси томонидан ўтказиладиган аттестацияни, шунингдек ходимларни юқори мансабга тайинлаш бўйича танлов жараёнининг реал вақт режимида интернетда онлайн трансляция қилиниши юзасидан таклифлар тайёрлаш.

11. Адлия органлари ва муассасаларида ишлаётган ходимларни жой-жойига қўйиш бўйича масалаларни қайта кўриб чиқиш. Бунда узоқ вақт давомида битта лавозимда ишлаб келаётган ходимларни аниқлаш ва уларни бошқа лавозимларга ўтказиш бўйича ички ротацияни амалга ошириб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш.

12. Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ижтимоий аҳолини ўрганиб бориш тизимини жорий этиш. Бунда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва кўп болали ходимлар рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ҳамда заруриятга кўра, моддий жиҳатдан таъминлаш чораларини кўриб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш.

13. Адлия органлари ва муассасаларида товар-моддий бойликларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш. Бунда ходимларнинг иш ҳажми ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, хизмат уйлари, автомобиллари ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланиш тартибини белгилаш.

14. Давлат харидлари бўйича ҳар бир товар позицияси кесимида харид нархларини вилоятлар ва республика бўйича таҳлил қилиб бориш, нархларни энг мақбул бўлишига эришиш.

15. Адлия органлари тизимида ходимларга ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини мониторинг қилиш имкониятини яратиш, ходимлар учун шикоятлар бериш имкониятини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

16. Адлия вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни (давлат харидлари билан боғлиқ шартномалар рўйхатини) вазирлик ҳамда адлия органлари ва муассасалари веб-сайтларида эълон қилиб бориш.

17. Адлия органлари ва муассасаларининг асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг ягона

механизмлари ва стандартларини жорий этиш, уларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимини яратиш ҳамда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида моддий-техник ресурсларига техник хизмат кўрсатишни аутсорсингга бериш бўйича таклифлар тайёрлаш.

18. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятида коррупцияга қарши курашишда «Transparency International» ташкилоти ва бошқа халқаро коррупцияга қарши курашувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

19. Адлия органлари ва муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва таҳлил қилиш. Бунда мураккаб бўлган давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциявий бўшлиқлари мавжуд бўлган нормаларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2-боб. Вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

20. Вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва тарқатиш.

21. Адлия органлари ва муассасалари ходимларига коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрлаш ва тарқатиш.

22. Коррупцияга қарши курашиш мавзуси доирасида камида 5 та ижтимоий видеоролик тайёрлаш ҳамда коррупция, ҳалоллик, тўғрилик, қонунга ҳурмат, адолат тантанаси мавзуларида тарғибот материаллари, дидактик материаллар, мультипликацион фильмлар тайёрлаш.

23. Адлия органлари ва муассасаларида “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” тадбирларини ташкил қилиш.

3-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш

24. Вазирликнинг веб-сайтида ходимлар устидан шикоят қилиш имконини берувчи махсус саҳифа очиш, келиб тушган шикоятларни мунтазам таҳлил қилиш ва натижалари бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш механизминини йўлга қўйиш.

25. Адлия органлари ва муассасалари маъмурий биноларида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини қабул қилишда видео ва аудиога ёзиб олиш тизимини жорий этиш орқали шикоятлар келиб тушишини олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

26. Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида коррупциянинг ҳолатини, унинг жиҳатларини, кўламини, ўсиш суръатларини ҳамда тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини Вазирлик марказий

аппарат, ҳудудий адлия органлари ва тизимга бўйсунувчи муассасалар кесимида ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказиш.

27. Адлия органлари ва муассасаларида мансаби юқорироқ бўлган ходимнинг шахсий ишларини (кўчадаги ишларни битиртириши, фарзандини таълим муассасасидан олиб келтириши ва ҳ.к.) амалга ошириши учун ўзидан пастроқ лавозимда бўлган ходимга кўрсатма берганлиги юзасидан мониторинг ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва натижаси бўйича тегишли мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш.

28. Давлат нотариал идораси, нотариал архив ва давлат хизматлари марказлари ходимлари хизмат хоналарида ва ёнларида энг кам иш ҳақининг ярим бараваридан кўп миқдорда шахсий пул маблағлари мавжудлиги юзасидан тезкор рейдлар ҳамда “Сирли мижоз” тадбирларини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

29. Вазирликка қарашли юридик коллежларга ўқишга киришга ҳужжатларни жойлардаги давлат хизматлари марказлари томонидан қабул қилинадиган тизимни яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

30. Тошкент давлат юридик университетиде якуний давлат аттестация жараёнини онлайн тарзда тўғридан-тўғри узатилишини таъминлаш.

31. Юристар малакасини ошириш маркази ўқув курслари якуни бўйича тингловчилар ўртасида машғулотларни олиб борган профессор-ўқитувчилар ҳақида аноним сўровномалар ўтказиш.

32. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида амалга ошириладиган экспертиза тадқиқотлари юзасидан босқичма-босқич шифрлаш (код) тартибини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

33. Давлат нотариал идоралари ва давлат хизматлари марказларида электрон навбат тизимини жорий этиш.

34. Давлат нотариал идоралари ва давлат хизматлари марказларига мурожаат қилувчилар томонидан кўрсатилган хизмат сифатини баҳолаш тизимини жорий этиш.

35. Давлат нотариал идоралари ва давлат хизматлари марказлари ходимлари билан ҳар чоракда камида бир марта Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан профилактик суҳбатдан ўтказиш тартибини жорий этиш.

36. Давлат нотариал идоралари ва давлат хизматлари марказларида хизматларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда реал вақт режимидаги масофавий марказлаштирилган аудио ва видеокузатув тизимини жорий этиш.

37. Адлия вазирлигининг юридик коллежларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг амалдаги тартибини реал вақт режимида электрон шаклда амалга ошириш имкониятини берувчи тизимга ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

38. Адлия органлари ва муассасалари мансабдор шахслари томонидан содир этилган коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар берган шахсларни мукофотлаш тартибини жорий этиш.

39. Адлия органлари томонидан бошқа ташкилотларда ўрганиш ўтказишда одоб-ахлоқ қоидаларини янада такомиллаштириш юзасидан

таклифлар тайёрлаш. Бунда ўрганиш ўтказилаётган ташкилот ходимлари билан бирга умумий овқатланиш жойларига боришни тақиқлашни назарда тутиш.

40. Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни белгиланган тартибда қоплашнинг қатъий механизмини белгилаш. Бунда ҳудудий адлия органлари ва тизим таркибига кирувчи адлия муассасаларига комплекс текшириш учун юборилган ходимларга хизмат сафари харажатлари учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш ҳамда йўл харажатлари, меҳмонхона ва овқатланишга ишлатилган маблағларни фақатгина ходимнинг пластик карточкасидан тўланганлигини тасдиқловчи чеклар тақдим этилганда ушбу харажатларни қоплаб бериш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш.

IV. Дастурнинг қабул қилинишидан кутилаётган натижалар

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш дастурини амалга оширишдан қуйидаги натижалар кутилмоқда:

Вазирлик тизимида коррупция, манфаатлар тўкнашуви ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олди олинishi;

Вазирлик тизимидаги ташкилотлар фаолиятининг очиқлигига эришилиши ва зиммасига юклатилган вазифалар ижросига нисбатан ходимлар масъулиятининг янада ортиши;

адлия органлари ва муассасаларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари фаолияти самарадорлиги янги мезонлар асосида баҳоланиши;

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг юксалиб бориши;

адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш.